

ОЙГУЛ СУЮНДИҚОВА

1957 йил

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ойгул Баратовна Суюндиқова 1957 йил 17 сентябрда Самарқанд вилояти Пайарик туманида ўқитувчи оиласида туғилди. Шу тумандаги Орзу Маҳмудов номли 1-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент маданий-оқартув техникуми кутубхонашунослик бўлимини имтиёзли диплом билан, сўнгра Москвадаги М. Горький номли Адабиёт институтини муваффақиятли тугаллади. Пайарик туманида кишлоқ мактабларида ўн йилдан ошиқ давр мобайнида ўқитувчилик қилди. Ёш ижодкорлар анжуманлари, ижодкор ўқитувчилар анжуманлари, илмий конференциялар қатнашчиси. Иш фаолиятини "Саодат" (бўлим муҳаррири), "Соғлом авлод учун"(бўлим муҳаррири, бош муҳаррир ўринбосари), "Ўзбекистон аграр фани хабарномаси" журнали бўлим муҳаррири, ЎзМТДП бош мутахассис ва ~. ~улом номидаги нашриёт-матбаа ижодиёт уйи муҳаррири, «Соғлом авлод» газетасида бўлим бошлиғи лавозимларида давом эттирди. Айни пайтда «Ғунча» журналида катта муҳаррир бўлиб ишламоқда. Оилали, уч фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи—Худойбердиев Ортиқбой—журналист.

1974 йилдан буён туман, вилоят ва республика матбуотида мунтазам қатнашиб келмоқда. Шеърлий тўпламлари- «Ёшлик баёзи - 80» - Тошкент 1980; "Уфқлар ёнганда"(1986); "Умр куйлари"(1986); "Эътиқод" (1990); «Муборак дамлар». – Тошкент, 1997; «Пайарик оқанглари».- Самарқанд, 2007; «Мен туғилган юрт» (2007); «Аннотированный каталог» (рус тилида, Ереван) 2009; XX аср жапон адабиёти»(таржималар) 2009; «Мулланафас» (таржималар) 2010 йилларда чоп этилган. "Жаҳон адабиёти" журнали ва бошқа даврий нашрларда таржималари, шеърлари чоп этилиб келинмоқда.

Шоира ва таржимон Ойгул Суюндиқова 1989 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси. Маориф соҳасидаги фаолияти учун туман, вилоят ва республика миқёсидаги қатор Фахрий Ёрликлар, Ўзбекистон журналистлар клуби томонидан "Атиргул" (2001) ижодий танловида қатнашиб, диплом билан тақдирланган. Ўзбекистон Байналминал маданият маркази, Рус маданият маркази ва Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган таржимонлар танловида (2008) иштирок этиб, фахрли ўринга сазовор бўлди ва диплом билан тақдирланди.

Паспорт: СВ 2188030

Яшаш манзили: Қибрай тумани «Узумзор» маҳалласи

Ойгул СУҮОНДИҚОВА

МЕН ТУҒИЛГАН ЮРТ

*Шеърлар
Таржималар*

Тошкент - 2007

Ушбу китобимни муаллим отам
Барот Суюндик ўғли хотирасига бағишлайман

Ойгул Суюндиқова ўзига хос овозга эга дилбар шоира. У ўзининг янги "Мен туғилган юрт" номли китобига ўттиз йиллик ижодидан сараланган шеърларини жамлаган. Уларда шоиранинг табиатга, онага, Ватанга, элга бўлган муҳаббати, эътиқоди мужассамлашган.

Шоира ижодида бадиий таржима катта ўрин тутади. Жақон адабиёти дурдоналаридан қилинган бу таржималарда шоира қаламининг янги қирралари тўлиқ очилган. Бу китоб шеърят ихлосмандлари ва кенг китобхонлар оммаси учун манзур бўлади деган ниятдамиз.

ОЙГУЛНИНГ КЎНГИЛ ВАТАНИ

Ҳар бир шоира ижоди ҳақида ўйлаганда ҳаёлга ҳар хил сифатлар келади. Баъзиларини "жўшқин", баъзиларини "ҳаёлчан", бошқаларини эса "ўйчан" дея таърифлаймиз.

Шоира Ойгул Суюндиқова шеъриятини кузатиб, "майин", "дилбар" деган сўзлар ҳаёлим-дан ўтди. Ойгул сўзларни ўз майлига қўйиб беради, оҳиста таърифларга олиб киради.

Соғинчдан оёғинг учига қадар
Силаганда ойнинг совуқ нурлари
Қалбингдан ўчади ҳар қандай қадар,
Сен кетиб қоласан кенгликлар сари.

Ҳаётнинг турфа хил қирғоғидаги
Камалак туйғулар сени сийлашар.
Замин ва фалакнинг қучоғидаги
Табиий нарсалар илоҳийлашар.

Шоирани майин, дилбар туйғуларга бошла-гувчи, назаримда, табиат. Шеърларида "Қуёш табассуми-шеърий саодат", "Дарахтлар кемадир, ўрмон денгиздай" бўлиб кўринади. Шоира бу ҳаётда юриб турган лаҳжалардан табиат лаҳжасини жуда яхши тушунадиганга ўхшайди. Шунинг учун фикрини ўқувчига етказувчи образлар ой, уфқ, юлдузлар, чечак, шамол... Ойгул бу образлардан зерикмайди, улар билан қайта-қайта сирлашаверади, қайта-қайта уларни шеърларига етаклаб кираверади. Меҳри, ихлоси самимий бўлгани учун бу такрорлар ҳар гал ўзгача туйғулар бахш этади.

Ойгул Суюндиқованинг самарқандлик экани, бу доврўғлик шаҳар унга тегишлилиги, улуғ зотлардан тортиб гиёҳгача фахрланиши сезилади.

Мадад беринг, бибим, йўллар энг бахтли
Йиллар қанотида армондан қайтсин.
Мадад беринг, бибим, ишқнинг номидан
Рухимда ёришган шеър тонги отсин!

Ойгул "Мен туғилган юрт" китобига кўп йиллик ижодидан саралаб шеърлар киритибди. "Жаҳон адабиёти" журналида чоп этилган Десанко Максимович, Николай Гумилёв, Марина Цветаева каби дунёнинг таниқли ижодкорларидан таржималарини ҳам кўшган.

Мухлислар имтиҳонига тутаётган бу тўплами юракларга йўл топса, шоиранинг бахти мана шунда. Унга шундай бахт насиб этаверсин.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ИЛК ДАФТАР

1972-1980

Излаганим-одамларнинг қўлидадир,
Кўзлаганим-одамларнинг йўлидадир,
Сўзлаганим-одамларнинг дилидадир...

Гўзал ҳислар, пок туйғу билан
Нурафшон тун бағрига кирдим.
Олам ётар маст уйқу билан,
Мен табиат билан ўй сурдим.

Чўғдай ёнар бахмал осмонда
Чаман-чаман сочилган юлдуз.
Ой самода олмос камондай
Ёғду сочиб турибди ёлғиз.

Сув тагида яркирар тошлар,
Ялтирайди олтин ранг япроқ.
Бирдан шеърга айлана бошлар
Юрагимни тўлдирган титроқ.

синглим Замирага

Сенгадир баҳорнинг эрка шамоли,
Сенгадир бу дунё кўҳна эртаги.
Сенгадир ирмоқнинг буюк ҳаёли,
Сенгадир тоғларнинг яшил этаги.

Баҳор деб энтиккан шу замин, шу кўк,
Сенгадир, жон синглим, ҳа, фақат сенга.
Баҳордан ҳам гўзал, баҳордан суюк,
Бир шодон нигоҳинг етади менга.

Она қалби айланади ёш гўдакка шод–хуррам,
Шу гўдакдай оқ қўшиқлар куйлаб қолар бу дунё.
Она қалби айланади ям–яшил япроқларга,
Япроқлардай эзгу ўйлар ўйлаб қолар бу дунё.

Она қалби айланади оқаётган дарёга,
Шу дарёдай жўшқин–жўшқин ҳис билан тошар дунё.
Она қалби айланади кулиб боққан қуёшга,
Шу қуёшнинг қудратига ишониб яшар дунё.

БУЛБУЛИМ

Эргаиш Жуманбулбул ўғлига

Она халқим тилагидан туғилдингми, булбулим,
Наволарнинг юрагидан туғилдингми, булбулим.

Замонлардан замонларга ўтди меҳринг, булбулим,
Бемехрлар юрагини тилди қаҳринг, булбулим

Рўйи замин энтикканча тинглар сени, булбулим,
Туйғуларим интихосиз, йўқдир тини, булбулим.

Ўйларингни она юртинг меҳри олди, булбулим,
Босиб ўтган йўлларингда қўшиқ қолди, булбулим.

Она юртим тилагидан туғилдингми, булбулим,
Унга жуда керагингдан туғилдингми, булбулим...

Қўшиқлар бесабаб туғилмас...
Бесабаб туғилмаган каби бардошлар,
Бесабаб тўкилмаган каби кўз ёшлар.
Бесабаб силкинмаган каби тоғу–тошлар,
Бесабаб кесилмаган каби мард бошлар...

Қўшиқлар бесабаб туғилмас...
Бесабаб лолалар бағри қон бўлмас,
Бесабаб дилларга ҳаяжон тўлмас.
Бесабаб дарёлар тўлиб тўлғонмас,
Бесабаб оналар сахар уйғонмас...

Қўшиқлар бесабаб туғилмас...
Бесабаб кечалар ой билан тўлмас,
Бесабаб кундузлар қуёш–ла қулмас.
Бесабаб юракни чертмайди бир ҳис-
Бесабаб Ватанни демас буюк сўз!

Қалбимдаги садоларнинг ранги бордир бегумон,
Она диёр кучоғига алвон гуллар тўлдирай.
Бу гулларни ҳидласа гар, мен ишонч билан айтай,
Ҳар бир юрак алвон рангли қўшиқ куйлар беармон.

Тонгдан ҳам оқ қўшиқларни куйлагим келар хуррам,
Она диёр кучоғига оппоқ гуллар тўлдирай.
Бу гулларни ҳидласа гар, мен ишонч билан айтай,
Оқ бўлади ҳар бир дилни айтар ҳар бир сўзи ҳам.

ТОҒ ҚИЗЛАРИ

Тоғ шамоли каби елиб келмоқда, тоғ қизлари,
Қуёш билан бирга-бирга кулмоқда, тоғ қизлари.
Шўх қараш—ла тоғ бағрида чакнаган чакмоқ мисол
Юракдаги ғашликларни тилмоқда, тоғ қизлари.

Бирам сулув, бирам мағрур бўлишар, тоғ қизлари,
Тоғ баҳори каби масрур бўлишар, тоғ қизлари.
Мен юрмаган сўқмоқларнинг, кўрмаган булоқларнинг
Қўшиғини, достонини билишар, тоғ қизлари.

Аёлга ўхшайди тонг,
Оламни уйғотади.
Қуёшнинг ранги билан
Туғилади ботади.

Севиб қолар аёлдай
Ҳар битта кунимизни.
Тўлдиради ҳилолдай
Ўйлари тунимизни.

Сўнгра сени шу аёл-
Тонг ишқида ёндиргай.
Қўлинг етмас бу ҳаёл
Бор оромдан тондиргай.

ҚЎШИҚ

Умр-қўшиқ. Мен севган юлдуз-
Оқшомлари Ўзбекистоннинг.
Юрагимда туғишган, азиз
Одамлари Ўзбекистоннинг.

Кўз ўнгимда порлаб ўтади
Уфқлари Ўзбекистоннинг.

Қанотига бойлаб кетади
Қўшиқлари Ўзбекистоннинг.

Ухламасдан тонгни кутишар
Дарахтлари Ўзбекистоннинг.
Қайга кетсам, мен—ла кетишар
Соатлари Ўзбекистоннинг.

Мен қайтаман, соғиниб қарар
Далалари Ўзбекистоннинг.
Қучоғини тўлдириб борар
Болалари Ўзбекистоннинг.

Туйғуларим тирик гулдир, япроқлари ям—яшил,
Улар ўтли юрагимнинг қат—қатида яшайди.
Мен уларнинг сўлишига жоним борки, қўймам йўл,
Улар чексиз садоқатим, меҳрим билан яшайди.

Туйғуларим тирик гулдир, япроқлари ям—яшил,
Мен бу гулни кулдиргайман қайғуларни ўлдириб.
У кулади, дунёдаги уриб турган жами дил,
Боғларини ишқ ила завқ қудратига тўлдириб.

ЯПРОҚ

Куртак бўлиб очди у кўзин,
Ва қуёшга термулди ташна.
Шудрингларга ювди у юзин,
Дили бўлди қўшиққа ошно.

Олисларда кулгандай юлдуз
Кетди баҳор бериб ўтли ишқ.
Умр каби сарғайганда куз
Хазонларда бошлади қўшиқ.

Юрагида қолди бир титроқ:
Етолмабман, о, қанча сирга!..
Умид билан туғилган япроқ
Армон билан кўмилди ерга.

Нигоҳингда ҳеч кўрмайин мунг,
Қувончим бўл, саодатим бўл.
Ёмғир ёғиб ўтганидан сўнг
Кенг осмоннинг қуёшидай кул.

Айрилмасин сендан мангу ишқ,
Айрилмасин мангу садоқат.

Гар куйласам гоҳ ғамгин кўшиқ,
Кўз ёшимни ўзинг артгил, Вақт!

Синглим Раҳимага

Севилибди япроқлар бугун
Баҳорнинг илк ёмғирларига.
Севилгандай менинг илк орзум
Шамолларнинг шивирларига.

Қушларини соғинган осмон,
Қуёш-саҳий замин севинчи.
Кўрган каби ширингина туш
Йўқолибди саболар тинчи...

Ой лабидан учар эртақлар,
Юлдузларда кулмоқ тилаги.
Қайдан олдинг бундай титроқни,
Севилдингми сен ҳам юрагим!..

БУЛУТЛАР

Бок, улар боқиши маънос ва дилбар,
Тотли хотиротга чўмгандир балким.
Ўтли юрагидан севган жон қадар
Азиз дўст ё ишқин кўмгандир балки.

Маъсум ўйларимга солади титроқ
Рангсиз булутларнинг олис нигоҳи.
Энди мени қила бошлайди сўроқ
Ёмғирга айланган булутлар оҳи...

Оҳиста чўкмоқда дилрабо оқшом,
Тиниқ—тиниқ нафас олмоқда олам.

Қора бахмал кўкнинг бағри лиқ маржон,
Ой ботар, йўлида эрийди армон...

Шу он япроқлардан оқади кўшиқ,
Кўшиқ нафасида тонг, тонгги уфқ.

БАҲОР ЕЛЛАРИ

Баҳор еллари! Сархуш, дилрабо,
Қалбга инъом этувчи наво.

Оқлик улашади дилларга гўё,
Оппоқ нур сочади йўлларга гўё.

Дилбар овозлари куртак бағрида,
Қўшиқ битаётир юрак қаърида.

Гўдак кулгусидан ранглар яратар,
Она қувончини нурга таратар.

Она табиатнинг майин қўллари-
Ох, баҳор еллари, баҳор еллари!

БОҒЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Боғлар бор, боғлар бор, турфа хил гўзал,
Чорлайди, сен хушҳол этасан сайр.
Боғлар бор, боғлар бор, бир кирган маҳал
Совуқ чехрасига дегайсан: "Хайр!"

Боғларнинг гули бор, меҳри бор буюк,
Баҳор билан қолмоқ истайсан бунда.
Боғларнинг гули бор рангсиз, хиди йўқ,
Бокмасдан ўтишлик минг афзал шунда.

Боғларда булбул бор, билар ўз тилин,
Қўшиқлари қалбда ўсаётган тоғ.
Боғларда тўти бор, алдаб халқ дилин,
Қўшиқлар номига туширади доғ.

Қирларнинг бағрига енгил ва майин
Шом рангида ҳарир туман тўшалди.
Кечки шаббоданинг ёқимли найи
Олтин япроқларни қучоқлаб олди.

Тупроқли йўлларда осойиш-ёдлар
Кундузги ҳаётин, эртақларини.
Осмон йиғиштира бошлар-булутлар
Оппоқ пахта тўла этакларини.

Тиниқлашиб борган ойнанинг нурида
Парчаланди ғамнинг кумуш сиймоси.
Сингар шовуллаган туннинг бағрига
Кечиккан кузакнинг намхуш навоси.

Кунботарда ёйилар пода...
Қайтар шовқин, чанг-тўзон билан.
Ер сўзидай улуғ ва содда
Видолашар кун осмон билан.

Атроф бирдан жимиб қолади,
Жимиб қолар қушлар ва шамол.
Фариштадай қулоқ солади,
Ҳар қадамда юлдуз ва ҳилол.

Йўлни кесиб чиққан қабристон,
Намойишкор, вазмин, дилпора.
Юрагимга юлдузли Ватан-
Осмон яқин келар тобора...

Ўтган-келар умрим йўлини
Ҳаёлимда бир–бир чизгайман.
Юлдузларим ушланг қўлимни,
Сизлар билан дунё кезгайман...

Товланади шабнамлар. Содда
Кийинганча ишга тушар тонг.
Кунчиқарда ёйилар пода
Қирга томон, қуёшга томон...

Ғамли дамда одам суянч одамга,
Озод кўтаргувчи бағрига босиб.
Бир бора берилган ёруғ оламга
Шукроналар айтиш қилсин—да насиб.

Одам суянч одамга энг бахтли дамда,
Бахт ҳам имкон бермас олишга нафас.
Айниқса, йўқотиб, топганинг дамда
Бахтни кўтармоқлик осон иш эмас.

ДУНЁ

Дунё-
Варағига бир сатр ҳам ёзилмаган китобдир.
Варақлари тонгдир унинг,
Қуёш нури сатрдир.
Бу дунёда
Бир четларда ўқ отмайди номардлар.
Қийноқлардан ва тухматдан
Бегуноҳ ўлмас мардлар.
Билмай ҳадик, билмай камлик
Рангларга тўлар олам.
Қўшиқлари бўлар унинг,
Қўшиқларким,
Уфқ рангли,
Тоғ кўкракли
Бордир буюк ўктамлик.
Бу дунёда душман бўлмас,
Яшар бир-бирин суйиб.
Ҳамма бирдай нафас олар
Тоза, эркин ва тўйиб.

Дунё-
Варақлари тонгдай тоза китобдир.
Бир китобки,
Саҳифалар чек билмас асло,
Қўшиқлари эса бебаҳо!

Ҳаёлимга оро берар тун,
Ой нурлари сина бошлайди.
Қорайганда осмон ҳам секин,
Шовқин аста тина бошлайди.

Ҳаёлимда энг сирли ором
Юрагимда қадам ташлайди.
Мен шаҳарсиз яшай бошласам,
Шаҳар шовқин сола бошлайди.

Нурхоннинг суратиға

Ирмоқ эди,
Йўллариға тўсиқ қўйдилар.
У тоғларнинг армонини,
Чечаклар ҳидин.
Кенг далалар дармонини,
Боғлар умидин
Ўйламоқчийди...
Фунча эди,
Муҳаббати
Осмон каби мовий ва чексиз.
У ҳаётга ташна эди.
Уни севмоқни
Куйламоқчийди...

Фараҳли тун. Юлдуз—ла тинчман,
На армон бор, на ғам, на ўкинч.
Дунё топиб олган севинчман,
Бахтсизлигим туғилмағай ҳеч.

Кўчаётган булутлар рақси
Вақт оқимин эслатар менга.
Ой изида бахтимнинг акси,
Оқ тунларни излатар менга...

Шу тинчгина ҳаёт-осойишта уй,
Қишлоқнинг беором шамолларида
Ҳар куни тўқийсан ўзингча бир куй
Олис шаҳарларнинг хаёллари—ла.

Ҳаётнинг туганмас ташвишларида
Йиллар улғаяди дилинг, кўлларда.
Ҳар куни кўкдаги бахт қушларида
Саломлар йўллайсан олис йўлларга...

Йилнинг тўрт фаслида айланар умр,
Не бир мўъжизалар олдда туюлар.
Яшамаган умринг гўё сирли нур,
Юрагингга ойдин нурлар қуйилар.

Узун—узун тунлар ҳайрати билан.
Ўйчан кўзларингдан кеча бошлайди.
Келажак кунларинг муҳаббат билан
Умрингга умрини қўша бошлайди.

Тун жилмаяр мисраларимда...
Юлдуз ича бошлар дарёни,
Симиради кенгликлар бағри
Ой нуридан оққан навони.

Тун жилмаяр мисраларимда...
Таралади қадрдон садо.
Борган сари гўзалдир ҳаёт,
Борган сари чексиздир дунё.

Сулувлардай эгилиб, салом беради шамол,
Учқур қанотларида олиб келди куз ҳидин.
Тўлиб кетди боғларга япроқлар берган савол,
Тўлиб кетди туйғумга ишонган куз умиди.

Теграмда тиниқ ҳаво, кўзимда чексиз осмон,
Улар дилбар умримга ўз умрини қўшмоқда.
Ризқим пахта мисоли очилган Ўзбекистон
Тупроғида меҳнаткаш деҳқон қалбим жўшмоқда.

Бу юракда неки бор, бари сенга Ватаним,
Туйғуларим куз рангин олган она тупроқда,
Қуёш билан туғилган бахтим бор, бор армоним,
Не тонг умрим кечмоқда, шундай азиз кучоқда!..

Сирлари пахтадай очилди кузнинг,
Жуда бойиб кетди қуёш ўлкаси.
Қуёш босиб ўтган ҳар битта изнинг
Тафтида-меҳнатнинг улкан елкаси.

Дардинг олай, халқим, пахтанг очилди,
Ҳеч кимда йўқ сендек меҳнат палласи.
Ризкинг Ўзбекистон бўлиб сочилди,
Юрагим-юртимнинг пахта даласи.

Тушимга киради олис болалик...
Осмонранг ариқлар хушнуд ва чопқир.
Йўллар тикилади қуёшга тетик,
Болалик юлдузга тушади асир.

Жилмая бошлайди намозшом гуллар
Елларнинг беозор ўпичларидан.
Қизғиш уфқ ранги Бирма–бир кулар,
Баланд дарахтларнинг уч–учларидан.

Нури каби йўқолиб, қайтиб, югуриб,
Баргларда шивирлар шамол излари.
Бахтли эди сойлар бағрида кўриб,
Жануб осмонинг шўх юлдузларин.

Қирларнинг елкаси қотган тус тўлқин,
Кўз ёшсиз, овозсиз тунги фиғон-бу.
Кимдир тонгга қадар куйлайди ғамгин,
Ногаҳон уйғониб кетган армон-бу.

Руҳингдаги поклик туюлар абад,
Фақатгина осмон, фақат сен ва тун.
Йирокдир хиёнат, дабдаба, ҳасад,
Кимнидир, ненидир кутасан беун...

Бағринга тўлади оқшомги ором,
Далалар нафаси хушбўй. Ёз. Сунбул
Сочли ой нурида ёнар беором
Шаҳарга элтувчи узун текис йўл.

Тунлар узун, тунлар сеҳрли,
Кўпдан буён сени кутади.
Шамол борган сари меҳрли,
Дардли-дардли кўшиқ айтади.

Йўлингга ой нурлари тушар,
Дарахтларга сирдош ўйларинг
Юлдузларга етганга ўхшар,
Юрак-асли тасаввурдан кенг.

Барглар учар, умр учади,
Сочларингга оралайди оқ.
Кўзларингга юлдуз чўкади,
Бахтлидурсан чиндан ҳам, бироқ...

Қара, шамол, тунги зиёлар,
Қидирганинг-шулардир, югур.
Қучоғида сирли дунёлар,
Янги тонгни кутиб ол, умр...

Теран, тубсиз хаёллар туни,
Дарахтларга чирмашади ой.
Тинитади қалбнинг қуюнин
Юлдузларга тўлиб оққан сой.

Шунда дардинг тўкилган туннинг,
Нурларига сингийсан интик.
Тонг отади, қуёшли куннинг
Туйғулари янади тиник.

Боғлар кечки кузак ҳидига тўлди.
Кетаётган кузнинг
Ҳар тонги нур каби ёғди дилимга.
Хаёлимни қорлар қўшиғи бўлди.
Қор босган изнинг
Дардлари қуюндай чикди йўлимга.
Шеър тинглагим келди,
Менинг барибир
Умримнинг беором туйғуларини.
Бахтим дея билдим
Юраги мағрур
Кечиккан муҳаббат орзуларини...
Шеър тинглагим келди,
Ёзиб қулочин
Фикрлардай ўсиб чикди дарахтлар.
Йўллар ранга тўлди.
Умрларга тенг
Мўъжиза мисоли туғилди Вақтлар.

Кўчаларда чироқ ўчди қоронғу,
Ҳаттоки шамоллар ҳаловат излар.
Бир зум бу сукунат туюлар мангу,
Бирдан ловуллайди тинч, совуқ ҳислар.

Тинар шамолларининг олис видоси,
Кунчиқар томонда эрийди туман.
Андухсиз, покдомон соғинч навоси,
Шу навода ёндим, ёнғинли экан.

Қидирмадим-зарра шону шуҳратни,
Қидирмадим-зарра олтину зарни.
Фақат жуда севдим азиз ҳаётни,
Фақат жуда севдим Ватан-гулзорни.

Шундандир осмонсиз яшай билмадим,
Гўзал сирларимни тунларга сочдим.
Ёнмасам умр ҳам, дил ҳам тўлмади,
Муқаддас йўлларга юракни очдим.

Бу йўлларда орзу-умид туғилди,
Гўдак юзидаги табассум ва бахт
Мисоли ўйларим ҳар тонгда кулди,
Бағримда-мен учун муқаррам ҳаёт.

Бу она тупроғим онамдан мерос,
Пешонамга ёруғ кунлар аталган.
Токи, шу Ватандан олурман нафас,
Токи, Ўзбекистон, элим бор экан!

Орзуларим, қолиб кетманг, юрагимнинг қатида,
Мен ачиниб боқмайин сўнгги йўл чорлаган дам.
Орзуларим, қалқиб қотиб қолган киприк устида
Қолиб кетманг, бир лаҳзалик умр кўргандай шабнам.

Орзуларим кўк майсадан тақинг олам бошига
Эзгуликнинг рамзи каби беқиёс яшил чамбар.
Булбул ёниб куйлаганда рангин гуллар қошида,
Гулдан нозик туйғули қалбларга айланг сафар.

Деразамдан тушар парча нур,
Кўзларимдан уйку қочади.
Мен—ла яшаш истаб бир умр,
Хотиралар бағрин очади.

Истасам ҳам, истамасам ҳам,
Яшаш истар аччиқ аламлар.
Улар-тинчим бузгувчи олам,
Тундай оғир—оғир аламлар.

Мен улардан кечмоқ истасам,
Кўз ёшларим учар юлдуздай.
Улар-қалбдан айрилмас чидам
Ва ўй каби яшайди кўзда.

Бу дунёда эзгулик бордир,
Бу дунёда мангу ҳарорат.
Яшагандай туйғулар нодир,
Яшагандай бахтли муҳаббат.

Юрак эса кўшиққа ёрдир,
Унда яшар мунг ва ҳаяжон.
Кўшиқсиз бу дунё бекордир,
Кўшиқ айтиб отаётир тонг.

Қишнинг сўнги кунлари
Баҳор ёмғирларига
Чўмилиб оқиб кетди.

Намхуш ҳаво тунлари
Янги ой нурларига
Сочилди-ёқиб кетди...

Илҳом либосин кийган
Тун сеҳрли. Шамоли
Тонгга шўх имо қилди.

Ўзин йўқотиб қўйган
Каби туннинг хаёли,
Шабнамдай дув тўкилди.

Дарахтларнинг яшил куйлари-
Куртакларда жаранглайди тонг.
Дарахтларим-баланд ўйларим,
Гуллай бошлар қалбимда чаман.

Ёруғ кўчам, кадрдон кўчам,
Болаликнинг рангин тушлари.
Юлдузларга сочилган кечам,
Хотиралар улғайган сари.

Анҳор, анҳор! Мени кут, анҳор!
Қуёш билан, ялпизлар билан.
Болаликнинг шўхликлари бор,
Дунёдаги пок ҳислар билан.

Мен қайтаман, дедим, қайтмадим,
Уйқулари ўчди кечанинг.
Мен айтаман дедим, айтмадим,
Шамоллари кўчди кўчанинг.

Тиниқ ҳаво. Кўклам қуёши.
Замин бўйлаб севинч порлайди.
Қаҳратоннинг синган бардоши,
Қушлар яйраб боққа чорлайди.

Куртакларда ним табассум, соз,
Майсаларни тортқилайди ел.

Баҳор! Баҳор! Қалбда бер овоз!
Далаларни тўлдирмоқда эл.

Қўллар куйлар, яшнайти тупроқ,
Қуёш тонгда, майин шом чоғи
Шу қўлларни ўпаркан, уйғоқ
Уфқларга ёяр титроғин...

Боғларни шод этар ой нури,
Йўллар борган сари нурафшон.
Юлдузларининг ажиб сурури,
Кузатганча жилмаяди тонг.

Шабнамларда эриётир тонг,
Ерни ўпар қуёш нурлари.
Қучоғига босгунча беун,
Дарахтларнинг, елнинг сирларин.

Кенг осмонда даврон суради,
Оқ булутлар, қалдирғочларим.
Нозларига қўшиб ўради
Мажнунтол ҳам чилвир сочларин.

Уфқларда болаликдан туш,
Ёшлигимдан-оловли хотир.
Учар куймас қаноти бор куш-
Достонлари бетакрор умр.

МОСКВА ХОТИРАЛАРИ

1980 - 1985

Борган сари ўтмиш қоплар ўйимни,
Борган сари йиллар-қайтмас фароғат,
Борган сари соғинч-юрти куйимнинг...

Қорсиз осмон. Совуқ изғирин.
Ўйлариингга оғир ботади.
Аста-секин музлаган замин
Кўзлариингда бедор ётади.

Аҳён-аҳён қағиллар қарға...
Дараги йўқ қорнинг, ёмғирнинг.
Олисларда калин қор ёғар,
Ҳусни ўзга осмоннинг, ернинг.

Кипригимда намдай эрийди
Хотиротнинг ўтли эртаги.
Шимол. Қуёш ярқираб суйди
Қорлар-қишнинг оппоқ чечагин.

Қорли тунда ўрмон ҳайбати
Афсонага, сеҳрга тўлуғ.
Йўлларимда-рус табиати,
Муҳаббати, шиддати улуғ.

Осмон каби бўлинмас ҳаёл,
Кетолмайсан менинг билан, қор...
Тикилади қайин, йўллар лол,
Қололмайман сенинг билан, қор...

Узоқ йили қор ўлкасидан
Қайтган чоғим жонажон юртга.
Жануб. Қорсиз тун нафасида
Қор соғинчи ёғилди ёдга...

Ёзнинг сўнги саломлари кезиб юрар ўрмонда,
Кезиб юрар неларнидир кўмсаган ҳаёллар ҳам.
Учнинг келар баланд-баланд юлдузлар чакнар онда,
Қўллариини силкитади ҳайрихоҳ шамоллар ҳам.

Қадамларим ўз-ўзидан бошлар мени ўрмонга,
Қайинларга суянганча эртақ бошлайман, она.

Тунги ғамлар ўхшаб кетар эриётган туманга,
Тонгга яқин қолди, она... Қадам ташлайман секин...

Ташқарида-тантанаси нохуш тун...
Дераза ортида эса тун бўйи
Шамолнинг исёнкор ва мағрур куйи
Овчи юрагидай ғалаба қилди-
Ярадор япроқлар увлаб тўкилди...

МАРТ ЛАВҲАЛАРИ

1

Мартда қор ёғмоқда. ғалати ҳавас,
Ғалати ҳисларга юрак тўлмоқда.
Музлаган йўлларда олмасдан нафас
Баҳор соғинчлари унут бўлмоқда.
Тикилганинг сайин олислайди тун,
Ғанимат туюлар ҳатто мартги қор.
Фақат шаҳар бефарқ, хансираш шовқин,
Тушкун кайфиятни билмас автолар.
Шаҳар боғларида паришон сочли
Адашган дарвешдай айланади қор.
Энг буюк соғинчдир-дарахт соғинчи,
Дарахт болалиги-эхтимол, баҳор...
Кезасан ўйларнинг йўлини тўсар
Зикликдан тобора кулранг бу осмон.
Деворлар сукути юракни қисар,
Баҳорсиз яшамок, о, қандай ёмон!...

2

Шаҳардан бош олиб, негадир ғамгин
Чиқиб кетди қишнинг энг сўнгги куни.
Дарахтлар сукутда. Ҳолбуки, бугун-
Кутилган баҳорнинг биринчи куни.

Юлдузли кечалар. Қоп–қора ўрмон.
Шу қадар жим–житки, чиқмайди уни.
Кўзларимда қалқиб турибди осмон,
Тушириб юборгим келмайди уни.

Осмон-юрак. Тўлиб турганми жуда,
Тун бўйи қор ёғди, атроф оқ бўлди.
Ўлим сезган каби айни авжида
Аёз қулаётди ёввойи кулди...

Осуда тун ҳазин жилмайди,
Тиниқлашди толиққан асаб.
Кетаётган Вақт ҳам бойиди,
Баргларда ой, юлдузлар, ё раб!

Ташқарида-ғамгин шамоллар,
Деразада чил синган андух.
Асаблари тинч кекса толлар-
Хотирадай ёнаётган рух.

Н.Рубцов хотирасига

Тушларимга кирар поезд овози,
Еламан-поездга айланар жоним.
Тунги шамолларнинг ёвқур нафаси,
Темир йўлга битар ой ҳам достонин.

Поезд кувончимдан синиб кетмайди,
Ташлаб юбормайди қайғуларни ҳам.
Поезд, ишон сени хатар кутмайди,
Сен билан туғилган орзуларни ҳам!

Уйғонаман туман эриётган пайт,
Субҳидам хидлари урилар унсиз.
Кўзларимда-тушнинг олис сурати,
Поезд тунда жўнаб кетибди менсиз...

Дарахтлар бетобдир, беришмас савол,
Баридан айрилган каби табиат.
Мен—ла юзма—юздир энг нохуш соат-
На қор бор, на юлдуз, на ой, на шамол.

Сунбула охирлаб бормоқда ғамгин,
Ёқимсиз туйғулар қалбим ҳокими.
Ер қайда? Кўк қайда? Қаердаман мен?
Юрагимда портлар сукут оқими.

Сочингдан оёғинг учига қадар
Силаганда ойнинг совуқ нурлари.
Қалбингдан ўчади ҳар қандай қадар,
Сен кетиб қоласан кенгликлар сари.

Ҳаётнинг турфа хил қирғоғидаги
Камалак туйғулар сени сийлашар.
Замин ва фалакнинг қучоғидаги
Табиий нарсалар илоҳийлашар.

ЎРМОНДА

Бунда тубсиз сукут, шу қадар ёруғ....
Ҳали зангор, ҳали зангор япроқлар.
Сентябрнинг майин ҳидига тўлуғ
Ўрмон кафтин чизиқлари-сўқмоқлар.

Нечун бахтли эдим бирдан шу кезде?
Нелардир ёдимга ногоҳон тушар.
Дарахтлар-кемадир. Ўрмон-денгиздай.
Нигоҳлар-йўловчи. Шамоллар жўшар.

Бунда тубсиз сукут, шу қадар ёруғ,
Унут ҳатто дўстдан келган хиёнат.
Ҳасратсиз яшамок нақадар улуғ!
Қуёш табассуми-шеърий саодат.

Уфқ-ўтмиш билан видолашар қалб,
Эрийди дунёда энг қадим ҳислар.
Ортимда қолади тиниқ жаранглаб
Ўрмоннинг тушлари-мен босган излар.

ЖАНУБГА ХАТ

1

Москва бағрида май оқшомлари,
Тиниқлашиб борар ҳислар сурури.
Шовқин ёмғир каби тингани сари
Бўм–бўш бекатларнинг тушар ҳовури.

Мен уйни соғиниб кетдим, онажон,
Тезроқ ёз келсайди, тезроқ келсайди.
Бир парча қоғозда ёнмас эди жон,
Дунё қучоғингдай очиқ бўлсайди...

2

Барглар аро сирғалади нур-
Ой лабидан учади сўзлар.
Туғилади бетакрор сурур
Оқшом туша бошлаган кезлар.

Қуюқлашар осмоннинг ранги,
Юлдузлар жим яқинлашади.
Эсга тушган қўшиқ оҳангги,
Соғинчимга соғинч қўшади.

Бу тун-бахтли келин тўйидай,
Узоқларда мен ўсган тупроқ.
Дарахтларнинг, сойнинг бўйида
Тонг отади тилаклари оқ.

Шу олис осмоннинг олис хаёли
Мени бошлаб кетар аллақайларга.
Россия бағрида кузак шамоли
Айлана бошлайди сирли найларга.

Сулувлиги билан бахтиёр қайин
Олтинранг кўйлагин кийиб олади.
Ўрмон, сени ташлаб кетмоғим қийин,
Арчага осилиб ўйлаб қолади.

Ўрмон шовуллайди. Тинмайди фақат
Дўстимга айланиб қолган сўқмоқлар.
Суратга туширар мени сукунат,
Суратга туширар таниш япроқлар.

МОСКВА ЧЕККАЛАРИДА

Уруш кўрган жойларда бўлдим,
Тумансиз тонгларда, ойсиз тунларда.
Кўзларимдан изга ўхшаб тўкилди
Қонли изтироблар қорли тунларда.

Гўё биринчи бор ўйинга тушди
Ўқ еган дарахтлар, тутаган тутун.
Ёшгина қалбимда хотирот жўшди,
Урушдан кейинги энг биринчи кун...

Эркаксиз уйлару, уйғоқ кўчалар,
Қўлдаги чизикдай унсиз чизилди.
Булутлар чидолмай ўқдай санчилар-
Осмоннинг кўллари ерга чизилди.

Уруш кўрган жойларда бўлдим,
Тарих тинглаб тонг оттирдим жим.
Ўйларимга ёруғлик тўлди,
Энди уруш кўрмасин ҳеч ким!

Жуда тез қоронғу тушади энди,
Қисқариб боради тунлар тобора.
Қор ўйларга ўйлар қўшади, энди
Оқариб боради тунлар тобора.

Шу қорлар ҳиссига қўшилиб оқди,
Ҳаётимнинг ҳар бир они, ташвиши.
Кимдир бу ҳаётга ёр каби боқди,
Кимларнингдир асло бўлмади иши...

Қор эса кун билан, тун билан кутди
Мени кенг шаҳарнинг кўчаларида.
Олис хаёлимга айланиб кетди
Туш кўрмай уйғонган кечаларимда...

Қўл ушлашиб қор–ла кездик ўрмонни,
Йўлимизга шамол тўкилиб кетди.
Дарахтлар қиз каби кучди осмонни,
Сўқмоқлар тикилиб–тикилиб ўтди.

Қорга сирларимни айта бошладим-
Мени олисларда кутган қуёш бор!
Шунда кўзларини илк бор ёшлади
Мени тушларида кўриб чиққан қор...

Ўрмонлар одамни кутиб яшайди,
Шамол бўлиб тўкар туйғуларини.
Сўқмоқлар тонг билан кута бошлайди
Ушалгуси келган орзуларини.
Куй каби тўлдирар кучоқларингга
Соғинчга айланган дostonларини.
Сиғдира олмайсан кучоқларингга
Россиянинг қорли ўрмонларини.

ҚАЙИНЗОР

Шамоллар сенга ҳам вафо қилмади,
Сочимга сиримни баргдай сочдилар.
Баъзида дўстдан ҳам кўнглим тўлмади,
Кўзларимни билиб-билмай очдилар,
Дардларимни тингла, айтай, қайинзор...

Шовулла, шовуллаб тўкилсин куйлар
Мен соғиниб кутган қуёш йўлидан.
Тонг билан йўлимга чиққан бу ўйлар
Бугун адашмасдан тутсин қўлимдан,
Келар севинч билан кетай, қайинзор.

Узоқдан кузатиб қоласан вазмин
Сирли ҳавас билан, салобат билан.
Осмон билан суҳбат қурганда кун-тун
Хотирингга келсам муҳаббат билан,
Бу бахтга қувонмай нетай, қайинзор!

Дарахтларда, булут, юлдузда,
Ёвқурлиги шамол муҳрининг.
Яшил қирғоқ. Тўлқин изида
Ёнғинлари уфқ сирининг.

Оҳанглари рангин табиат,
Курра бўйлаб баҳор кулгуси.
Қуёш йўли-умр, ойдин Вақт-
Нечоғ гўзал яшаш туйғуси!

Ифодалаш қийиндир,
Ҳислар тонгда майиндир.
Ой сайин, кун сайиндир,
Мени кутган қайиндир.

Кўкламнинг ёмғирида,
Қорда, қуёш нурида,
Хазонбарг шивирида
Мени кутган қайиндир.

Умр-қайтмас шамолдир,
Йўл-туганмас хаёлдир.
Қадрдоним-шимолдир,
Мени кутган қайиндир.

Бир кун йўлга тушгайман,
Йўлимга йўл қўшгайман.
Соғинганга ўхшайман,
Мени кутган қайиндир.

Йўлга тушдим. Баҳор хидлари
Яшил ўрмон сўқмоқларида
Гуркиради. Шамол тонг сари
Елди хаёл чақмоқларида.

Қуёш. Чексиз булутсиз осмон.
Қайинларда эрийди нурлар.
Мовий кўлда оҳиста, шодон
Сузар оққуш, сузади сирлар...

Майсалардан, ўрмон гулидан
Қўлларингга қўшиқ тўлади.
Кўзларингдан босган изингга
Сеҳрланган ўй тўкилади.

Сени билган, тинглаган қушлар,
Томчиларга айланган булут.
Тушларингга кирган оққушлар,
Ўрмон! Ўрмон, қайтажакман, кут!

Ой ҳам ботди маъюсгина жилмайиб менга,
Жануб яна тонгни кутди майин ва дилбар.
Менинг эса видо айтгим келмади тунга,
Айни чоғда қуёшдан ҳам кутдим хушхабар.

Юрагимни сирли–сирли туйулар ютди,
Асир бўлдим тонг ила тун остонасига.

Балким қайтмас олтин даврим қайрилмай кетди,
Балким пешвоз чиқдим иқбол тантанасига...

Кўришгунча, омон бўл, шимол,
Видолашмоқ фурсати етди.
Қуёшли кун бу қорли шамол
Хаёл каби келди-ю, кетди.

Хотиротдир-аччиқ ва ширин,
Яхши-ёмон одамлар, кунлар.
Бу дунёнинг каму кўстини
Тушунолмайд тугаган тунлар.

Ўрмонлардан кетмай туриб қор
Ёдга солар жануб баҳорин.
Шунда кутдим онамдан хабар,
Туйғуларнинг тиниқ наҳори.

Қолаётир ҳар нуқта, изда
Кўзларимнинг сурат, садоси.
Хуш қол, шимол, туйғун бу ҳисда
Юрагимнинг бутун дунёси.

ЭЪТИҚОД

1986 - 1998

Мен бешик бошида умр ўткардим,
Мен бешик бошида ҳаёт кутардим-
Бўронли, юлдузли, ишқли, қуёшли.

ЭЪТИҚОД

Луғатлар, китоблар, тарих, шеърят...
Умрим улар билан елкама—елка.
Менга насиб бўлди улуғ эътиқод-
Туркий тил аталмиш беқиёс ўлка.

Юрак, сўнгги кунинг эмасдир бугун-
Йиғлашга, кулишга, тинглаш, сўзлашга.
Юрак, унутмасанг улуғ Шарқлигинг,
Она Шарқ йўл қўймас Ватан излашга!

Ҳали тонгга узоқ, бедор аёлнинг
Ўйлари занжирдай уланаверар.
Апрелнинг охири чексиз хаёлнинг
Узун кипригига илинаверар.

Илиқ кунлардан сўнг хуш келган ёмғир
Баҳорни етаклаб кетгани сари.
Ҳеч ким ёз ҳидига бўлолмас асир
Фарзанд кутаётган аёл сингари...

Опам Барнога

Шу турмуш деб учар экан умринг мисли ўқ,
Бу турмушнинг кунлари бор иссиқ ва совуқ.
Бу турмушда осон кечар қайғу, алам йўқ,
Бу турмушдан азиз маскан, гўзал олам йўқ.

Менга асли табиатнинг инъомидир бу-
Аёл бўлиб орзуда ҳам азоб чекмоғим.
Мўъжазгина ўт умримда энг мангу туйғу-
Бу дунёга келиб азиз одам экмоғим...

Майсаларда чайқалган шудринг
Чўмганича бир зум хаёлга.
Тикилади ўйлари майин
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Қўл силкийди уйғоқ дарахтлар
Сирларини сочиб шамолга.
Қушлар-учиб етажак хатлар,
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Дилда баҳор тўлиб оқади,
Уфқ ўхшар алвон рўмолга.
Бахт албатта кулиб боқади
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Анҳор шовуллайди. Кекса дарахтлар
Жимгина тинглайди-умр оқади.
Туйғулар гуллайди, қанотланади,
Илҳом либосида кулиб боқади.

Олислар чорлайди, кетиб қолмайсан,
Қуёшли диёрнинг қучоқларидан.
Кўзингни узмайсан, уза олмайсан
Умид ва армоннинг чироқларидан.

Умр-бу интилиб яшамоқ нурга,
Тундай қора кўзда тонглар яшайди.
Шу боис ҳаётинг тўларкан сирга,
Сендан бахтли одам ўхшайди.

Туннинг оғир пардаси қишлоқ узра тўшалди,
Жимгина чарақлади олисдаги юлдузлар.
Дарахтларнинг ўйлари ой нури–ла қуршалди,
Бир маромда жаранглар анҳорда оққан сўзлар.

Бу лаҳзалар бор армон тобора тиниклашиб,
Кўзингдан юрагингни тубига етиб борар.
Тонгги куёш нурида туйғуси ёниқлашиб,
Ортига қайтмас бўлиб сунбула кетиб борар.

Айтолдимми, сунбула, сенга бор сирларимни,
Вақтдан ҳам одил ҳакам, бешафқат сўз бормикан!
Тўқолдингни, сунбула, бор-бисот-сирларингни,
Армондан ҳам оғир дард, оғирроқ ҳис бормикан!

Кенг далалар жим, бўшаб қолди,
Елди илк қор нафаслари ҳам.
Қиш йўлларга тўшаб ҳам олди
Қалин, юмшоқ, оқ қорли гилам.

Майда–майда, майин–майин қор,
Қамаштирар кўзингни оқлик.
Дарахтларга ярашар виқор,
Ярашади дилларга поклик.

Бахт ҳақида сўзлаб бўлмайди,
Негаки, Бахт балким хаёлдир.
Хаёлни бир умр излаб бўлмайди,

Бахт ҳақида сўзлаб бўлмайди-
Негаки, Бахт-балким саволдир.
Жавобни бир умр излаб бўлмайди.

Бахт ҳақида сўзлаб бўлмайди,
Негаки, Бахт-
Хаёллари, саволлари чексиз Аёлдир,
Унга қиёс излаб бўлмайди.

Уфқлар қўйлагини
Дарахтлар кийиб олди.
Кундузлар этагини
Юлдузлар илиб олди.
Эртакка айланган чечакми,
Чечакка айланган эртакми...

Ойлар оқди сойларда
Гул билан, юлдуз билан.
Қир-адирлар найларда
Силкинди бир ҳис билан.
Эртакка айланган чечакми,
Чечакка айланган эртакми...

Кўкни қучган ҳисларим
Кечди не дунёлардан.
Ёмғирлар қуйилди жим
Айтилмас видолардан.
Олис хаёллар сурдим-
Недан қайтдим-қайтмадим...

Кўлларимда очилди
Болаликнинг ранглари.
Йўлларимга сочилди
Эртақ тўла тонглари.
Гул билан суҳбат қурдим-
Кимга айтдим-айтмадим...

Бизни кутар тизгинсиз
Хаёлнинг уфқлари.
Умр тўлиқмас, Сизсиз-
Болалик кўшиқлари.
Мени излаб юрибсиз,
Йўлларимда турибсиз...

Тиним билмай учган шамолнинг
Қанотида хаёл сурганлар айтсин.
Осмоннинг дардини ёйган ёмғирнинг
Қадамида кузни кўрганлар айтсин,
Дунёнинг кўзларин тўлдирган мунгми...

Баҳорнинг сирини билган турналар
Овози тебратган дарахтлар айтсин.
Зулмат қаърида ҳам тонг ёғдусини
Кўксига жойлаган тоқатлар айтсин,
Дунёнинг кучоғи шунчалар кенгми...

Ёғай дейди, ёғолмас ёмғир,
Айтай дейди, айта олмас сир.
Туғай дейди, туғолмас осмон,
Тўлғонади булутли армон.

Кетай дейди, кетолмас шамол,
Юракларда шовуллар хаёл.
Ёзай дейди, ёзолмас сўзни,
Баҳор сезар видоли кезни.

Енгиллашгин, баҳорим, ёғдир,
Сирларини тўксин ул ёмғир.
Осмонга бер овозли ўғил-
Қўли, тили чақмоқ, чақин йўл.

Шамолларнинг сочини ёйдир,
Ерни яшил нафасга тўлдир.
Сўнг қуёшга ёздир ул сўзни-
Меҳнатсевар, олов қиз-Ёзни.

Кечмишларим саҳифаси-унутилмас куй оқди,
Қайда ўкинч,қайда видо,қайда ўтли ўй оқди.
Сирларимни ёритгали йўлларимда ой оқди,
Хотиротнинг гувоҳидай ой чўмилган сой оқди.

Кўкда карвон–карвон булут кўзимдан сузиб ўтар,
Узун тунлар кипригимда юлдузлар тизиб ўтар.
Хаёлларим-куёш нури,дунёни кезиб ўтар,
Ҳаёт рангин юрагимга тонгларим чизиб ўтар.

Майсаларнинг тушига кирдим,
Ранглар ҳиди руҳимда оқди.
Ўзни нурлар бағрига урдим,
Яшилланиб тозариб борди-
Табиатнинг энг эрка нури.

Юлдузларнинг унсиз навоси
Тўлин ойли тунларга тўлди.
Узун-узун кунлар ҳавоси
Қучоғимда ёз бўлиб кулди,
Шамолларнинг қайноқ шивири.

Тинч самога, уфқларга кенг
Қанотини ёзган беҳудуд
Ўйларимнинг умри билан тенг
Тиллоланди қадди тик умид,
Саротоннинг ўтли кўз қири.

Кўкда ногоҳ чакмоқ,гулдирак,
Уч кеча-ю кундуз беуйку
Булутларга бурканди фалак,
Илкис-илкис қуйилди туйғу-
Саротоннинг иссиқ ёмғири.

Ҳаётимнинг тўлқинларида
Овозлари тиниқ ғамлар ҳам.
Дардларимнинг ажинларида
Изи қолган ёруғ дамлар ҳам,
Саратонги ёмғирнинг сири.

Эриб битган қорларнинг ранги қаламда қолгай,
Майса ҳидли боғларнинг тонги қаламда қолгай.
Вақтнинг кўнғироқлари, оҳанг қаламда қолгай,
Бахт ила ғам баҳсида зўр жанг қаламда қолгай.

Сочимда кумушланган оқ нур қаламда қолгай,
Ажинларга ўйилган тақдир қаламда қолгай.

Билганим, билмаганим-кўп сир-қаламда қолгай,
Ёзиб-ёзолмаганим-умр қаламда қолгай.

Дардларимни ювгали ёмғир қаламда қолгай,
Қаноти қайрилмас ел, шивир қаламда қолгай.
Менга тириклик суви-ғурур қаламда қолгай,
Мени соғиниб яшар-сурур қаламда қолгай.

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Балким сен—да бирисан..
Умр бўлмагай изсиз,
Юрак, кимнинг сирисан?

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Ёмғир-не деб куйлар қиз?
Томчиларига унсиз
Дардларимни тизар куз.

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Қишнинг сўнгги нафаси.
Булутлар илкис-илкис
Силкинди-баҳор саси...

Узун—узун кунлар қароғи-
Саратоннинг қайноқ нафаси.
Ойдинлашган тунлар ардоғи-
Бир нафаслик туннинг ҳаваси.

Қучоғимга сиғмаган қуёш
Оташидан тобланган борлиқ.
Бу нурларда-меҳнат ва бардош,
Қуёш юртин тарк этгиси йўқ.

Тинди дийдираган шамоллар ухи,
Музлаган йўлларнинг бағри юмшади.
Қадамлари яшил шаббода руҳи
Борлиқни сийлаган куйга ўхшади.

Бу куйнинг номини отамнинг оппоқ
Сочларида хаёл сурганин кўрдим.
Бу куйнинг номини онамнинг титроқ
Лабларида қалқиб турганин кўрдим.

Бу тириклик куйи-ҳаётнинг сири,
Қучоғим тўлдирган кўкламдир-болам.
Уйғонган мавжудот кўзининг нури,
Сен борки, яшилдир Вақт ҳам, Сўзлар ҳам.

Билмадим, қаерда йўқотдим Вақтни,
Одамлар, қўшиқни ва яна аҳдни...
Хаёлимни бедор юлдуз уйғотди,
Кўзларимда қизғиш уфқлар ботди.

Келса–а, орзуси гуллаб баҳорлар,
Кетса–а, ўтинчдай эриган қорлар.
Шафақли, оловли муқаддас кезде
Ёмғирли туйғулар тўкилар кузда.

Ортига ҳеч қачон қайтолмас йиллар,
Билади-ҳеч қачон тугамас йўллар.
Тонг эса тонгларнинг бўлди сўлими,
О, Ҳақ, ким кўрибди Юрак ўлимин!..

Умрим боғларини тарк этди кўклам,
Шамол юлдузларга сочилган куйдир.
Сочларимга бир-бир қўнган оқ қор ҳам
Мунис юрагимга хос ва мос ўйдир.

Кайфият ва руҳнинг фаслларида
Денгиз кўзларимда сузмоқда осмон.
Хотиранинг ғолиб наслларида
Ёшлиқнинг ранглари топди ҳур макон.

Қўшиқ сингар экан уммонга жондан
Азиз дамларимни босиб бағрига.
Тақдиримнинг бахти-ижод, гулшанда
Юрагимни боғлар ҳаёт меҳрига.

Дарахтлардан оппоқ хаёллар
Сочларингга тўкилади жим.
Шафқат билмас тунги шамоллар
Қўшиқлари қалб тилади жим.

Қор ёғмоқда, бу ажойиб қор
Кўп нарсани ёдга солади.
Тунлар билан яшайсан бедор,
Тонглар сени изга солади.

Сершовқин дунёлар жуда олисда,
Ортга қайта олмас кунлар ўтади.
Кузги сокинликда, юлдузли кезде
Хаёл армонларга тўлиб кетади.

Олис юлдузларнинг сўроқларига
Жимгина бош силкиб қўяди толлар.
Ўтгайсиз не юртлар кучоқларидан,
Уларга саломим айтинг, шамоллар!

Тунни аллалайди-анҳор шовуллар,
Ойнинг совуққина ёғдуларин ҳам.
Нигоҳларинг сочдай тарар, ловуллар
Хотирот уфқида туйғуларинг ҳам...

Тонгни эса мангу кутгинг келади,
Қушлар қанот қоқар, учқур йилларга
Умрингни бир сўз—ла битгинг келади,
Ҳаёт отлантитарверар йўлларга.

Ўтиб кетган баҳорларим эслай бошласам,
Булуллардай тарқалмоқда оғирлашган ўй.
Сўнг ўзгарган феълларимни туслай бошласам,
Кўкламнинг илк ёмғирлари чалмоқда шўх куй.

Жуда олис замонлардан қайтиб келгандай
Туюламан ўз—ўзимга, қуйиламан ўз—ўзимга.
Минг йилларим яна қўшиқ айтиб келгандай
Туюлади ўз—ўзимга, қуйилади ўз—ўзимга.

Майин ҳаво оғушида қуёш ботмоқда,
Толлар учин қучиб синар уфқ нурлари.
Турналарнинг парвозида шиддат оқмоқда,
Кундузларнинг бошин силар оқшом сирлари.

Осмон денгиз кўзларим—ла тунда тўқнашди,
Юрагимда яширинган ой кўзимда сузди.
Киприкдаги юлдузларим хаёлдан тошди,
Руҳим енгил ва илоҳий излардан сизди.

Сочларимнинг оқлигида оққан умрнинг
Толасидан, ғамидан ҳам топгум ифода.
Ифодалар рангларида дунё қадар кенг
Тубсиз—тубсиз дардларимдир-тонг тутган бода.

Боғларга ёз оқшоми қўнди,
Япроқларнинг эрка шивири.
Тинч осмонда чечаклар унди,
Анҳорларда оқди ой сири.

Ҳаволарда хаёллар ёниқ,
Лаҳзалари тотли ва учқур.
Гўё унут неки дард,оғрик,
Юрагингни ватани-сурур.

Қушлар ухлар юммасдан кўзин,
Дарахтларда ўтли хотирот..
Тун излайди тонгнинг оқ изин,
Тун-кўзингга муҳрланган хат.

Хатни ўзи ўқиб олар тонг,
Қизаради қиздай юзлари.
Ботган ойнанинг ҳажрида ҳамон
Оловлар қуёш излари...

ТАСКИН

Дардларимни бир қадар қоғозга тўккан бўлдим,
Жонимни сархуш бахтнинг йўлига тиккан бўлдим.
Бу йўлда келар жафо, қисматни уққан бўлдим,
Минг шукур, юрагимни бенаво яратмадинг.

Турфа дунё бўрони-бағрим курашларида,
Етти иқлим тоғлари-бағрим бардошларида.
Янги кун тафаккури-бағрим оташларида,
Минг шукур, йўлларимни беэиё яратмадинг.

Қуёшнинг нурларида ярқираган дамларим-
Узун кунлар изини тишлаб келдим тишимда.
Юлдуз чарақлаганда унут бўлган ғамларим -
Уйғоқ тушлар ҳиссини ушлаб кулдим тушимда.

Чарх эса айланади тошдан бўлган бошимдан
Товонимни қабартди изларимнинг яраси.
Тупроқдан оғир сабрим қотиб қолди ёшимда,
Соғинчда тонг оттирди хаёлнинг хотираси.

Болалигимни эртак қилиб боламга айтдим-
Ушалмаган армоннинг ҳидларига чўмилдим.
Ёшлигим кўчасида товланиб ётган байтим-
Умримнинг кумуш йўли узун эканин билдим.

Кумуш йўлим-куз йўли, кўпни кўрган кўз йўли,
Тиниклашган туйғулар-тинч оқар тубсиз дарё.
Бу дарёда оққали сўзлари юлдуз йўлим,
Дардлашгани келибди мен билан кекса дунё.

ЁЛҒИЗЛИК ҲИКОЯСИ

Тўхтагулга

Кимнидир кутади-кўнглига яқин,
Кимнидир кутади-йўлига яқин.
Келсайди, ўзлашса, онгларга қадар,
Келсайди, ўзлашса, жонларга қадар...

Кутгани ёнидан ўтиб кетдим,
Кутгани уни ҳам кутиб ўтдим...
Тақдир, йинларинг бунчалар қалтис,
Тақдир, ҳсонларинг бунчалар хасис!

Куз фаслини кутса—а кўнгул,
Ҳаёт мангу туюлар нечун?
Умр-қалбга чизилган кенг йўл,
Кўражагинг сўнг бор тонгми, тун?!

Қарға, арға, аёзли кулгунг
Қанотида қишни элтасан.
Изғиринми шодлигинг, кулгунг,
Сирларингни кимга айтасан?

Қор ёғади беозор, бедор,
Деразанга беун уринар.
Кўзларингда қаҳри бетакроп
Қаҳратоннинг рақси кўринар.

Қарға, қарға, нени кутарсан,
Музлар эрир, қуёш кулмоқда.
Яна сиринг айтмай кетарсан,
Армони йўқ баҳор келмоқда...

Мен бешик қошида тунлардан ўтдим,
Мен бешик қошида тонгларни кутдим
Туманли, ёмғирли, сирли, оташли

Мен бешик қошида умр ўткардим,
Мен бешик қошида ҳаёт кўтардим
Бўронли, юлдузли, ишқли, қуёшли.

ХОТИРОТ ТУНИДА

1

Ёлғизлик истаган учқур шамоллар
Барибир урилиб кетди дарахтга
Парчаланиб кетган орзулар каби.

Ёлғизлик истаган олис хаёллар
Дуч келиб қолгандай ғам ила бахтга
Бўғзимда портлади туйғулар каби.

2

Бу хотир тунининг остонасига
Фақат сенинг учун келдим, саодат,
Маъюсгина руҳим тантанасига.

Борган сари ўтмиш қоплар ўйимни,
Борган сари йиллар-қайтмас фароғат,
Борган сари Соғинч-юрти куйимнинг...

Осмон кўзларимда кенгайди яна,
Чексизлик-юрракка хос ифодададир.
Сочларимнинг оқин бормоқда санаб,
Умр деб аталмиш юлдуздаги сир...

Кенгликлар нақадар мусаффо ва тинч!
Зумрад хаёлларга чулғанган олам.
Бундай озодликни кўрганмисиз ҳеч,
Юрак, қандай енгил учмоқда илҳом!

Эркалар тошларнинг оғир бошларин,
Улкан мовий кўлнинг сокин мавжлари.
Тоғ бўлиб юксалган бардошларимнинг
Руҳида оромнинг тиниқ авжлари.

Қирлар елкасига кўл ташлаб хуррам,
Булутлар-шовуллаб тўкилган ховур.
Юлдузли изингга эргаштир бу дам
Мени кенгликларга чорлаган, ёмғир!..

Умри узун бўлди армоннинг,
Сочларимга ой нурлар тизди.
Юрагимдан олис осмоннинг
Ой, юлдузи тун билан сизди.

Адашдимми ёхуд тойдимми,
Савол оғир, хаёл ундан ҳам...
Сирларимни беҳуд ёйдимми
Шамолларга билмадим, билмам...

Мен куз фасли суйдим ёмғирни,
Ёмғир билан боғларни кездим.
Менинг билан узун умрнинг
Хаёллари дунёни кезди...

Ўйлаб–йлаб ўйингга етолмасанг,
Куйлаб–уйлаб куйингни битолмасанг,
Барига кўл силтаб шарт кетолмасанг,
Бу ҳаётни бевақт тарк этолмасанг,
Сирларингни сочгил мовий денгизга...

Нафақат кун, ойлаб, йиллаб кечиксанг,
Умидларинг кузда гуллаб кечиксанг,

Ёмғирли тунларни тиғлаб кечиксанг,
Қувончдан, қайғудан йиғлаб кечиксанг,
Ногоҳ кексайибсан! Хуш кел, де кузга...

Армон сарғайтирса орзу гулини,
Сендан узар бўлса, дўстлар қўлини.
Тошли ғовлар тўсса омад йўлини,
Куйдан жудо этма булбул тилини,
Суянгил яратган берган бардошга.

Шамоллар боғлардан боғларга кўчса,
Нигоҳлар юлдузлар бағрига учса,
Туйғулар ой бўлиб дунёни кезса,
Юрагинг қуёшли тонг ҳидин сезса,
Умрингни боғлагил ўтли курашга.

Келар кунботарда ёмғирнинг иси,
Осмон ғулдиради тополмай исмим.
Ёмғир изларида Вақт оқади жим,
Чақинлар зулматни ёритган руҳим,
Мен баҳор ҳақида шеър ёзолмадим...

Бу оқшом қалбимни осмонга бердим,
Ойнинг ёғдусида эриди армон.
Юлдузлар чарақлаб баландлаб борди,
Нимадир қийнади тонггача ёмон-
Мен баҳор ҳақида шеър ёзолмадим...

Парчаланиб кетган тун қоронғуси,
Руҳимга сингаркан тонгнинг ёғдуси,
Майинлашиб борган еллар туйғуси,
Қуёшга берайми юрак орзусин-
Мен баҳор ҳақида шеър ёзолмадим...

Ҳолбуки, майсалар яшил денгизга
Айланди, шамоллар тўлқини сузди.
Ҳолбуки, ёмғирлар қолдирган изга
Кўзларим яшариш суратин чизди-
Мен баҳор ҳақида шеър ёзолмадим...

Анҳорлар тўликди, олар чорлади
Барг ёзган сирлар—ла юрак боғларин.
Руҳимда ажойиб кенглик порлади,
Уфқнинг жон олар рангин чоғлари
Мен баҳор ҳақида шеър ёзолмадим...

Саротоннинг салқин оқшомларида
Тиниқар кундузнинг қайноқ хотири.
Табиатнинг уйғоқ оромларида
Руҳингга сингади кенгликлар сири.

Олис юлдузларнинг олис нигоҳи
Қайтмас лаҳзалардан сўйлар ривоят.
Уч кунлик келинчак-янги ой оҳи
Кипригингга ёшдай қўнган муҳаббат.

Қалблардан уйғониб, лабда учган зор
Сойларда оқади, самода учар.
Тонггача ухлатмас уйғоқ дарахтзор
Шовуллаб, шовуллаб қадамнинг кучар.

Тўлаётган ойнинг юраги куйиб,
Кўксига сир айтмас дардлар ўйилди.
Тонготар елларнинг ҳидин суйиб,
Қизғиш уфқларга илҳом қуйилди.

Шамолни сўроққа тутган япроқнинг
Ҳар фаслги ранги умрга қиёс.
Туйғуларда ёнса чақмоқнинг ёди
Олис-олисларга етаклар хаёл...

Юлдуз шуъласи—ла тун кучоғидан
Қуёшни уйғотиб келгандай шамол,
Кенгайган дунёлар нур ардоғида
Қалбимга кирмоқни қиларлар хаёл...

КУЗАТИШ

Қалдирғочнинг қанотида
Узун кунлар қўшиғи.
Майсаларнинг нафасида
Ифорланган туйғулар.
Узоқ йўлни босиб келган
Кўзларимнинг ошиғи,
Болаликдан тушларимга
Кирган қадим орзулар.

Бу орзулар қадимийдир,
Қадимийдир хаёллар.
Қадимийдир армонларнинг
Узилмаган торлари.
Турналарнинг парвозида
Баҳорни кутган толлар
Шамол билан бирга чертар
Хотирот дуторларин...

Юлдузларни кучди тиниқ хаёллар,
Ҳайратга солади осмон кенглиги.
Бузгиси келмайди ҳатто шамоллар
Тун чоғи борлиқнинг бу сокинлигин.

Фақат армонлардан кечмоқлик оғир,
Шамол-менинг қўлим етмаган хаёл,
Дунёда кезмоқда қанча–қанча сир,
Хаёл-менга қўли етмаган шамол.

Олис турналарнинг мунгли қўшиғи,
Кимлар тикилмаган бу юлдузларга!
Туғилсанг, ҳайратнинг бўлиб ошиғи,
Умринг айланади юрак-Сўзларга!

Дийдиради теграмда шамол,
Нега йўлдан адашди хаёл?
Олов тилли бераҳм савол
Ёмғир бўлиб оқди жисмимдан.
Мен унутиб қўйган исмдай...

Ранглар қайга йўқолди бирдан,
Вокиф бўлдим қай нохуш сирдан?
Жудо бўлдим қандай сеҳрдан?
Узоқлади осмон деган сўз,
Кипригимда уйғонмас юлдуз...

Гўё тушиб кетгандим жарга,
Ўхшаб кетдим узилган торга,
Шунда аввал конимда бордай,
Жарликлардан учиб чиқдим мен,
Торим-тонгни қучиб чиқдим мен.

Тонг-боламдай покдомон эди,
Тонг-онамдай меҳрибон эди,
Тонг-ҳаётдай ширин жон эди,
Эриди тун пардалари жим,
Тонг юзимда кўрди табассум.

Овозимда салгина титроқ,
Салгина ғам бахтга қуйилди.
Шунданмикан, ҳисларим узоқ
Тунни ёрган сахарда кулди.

Тонгларимнинг тиниқ нигоҳи
Йўлларимни бир–ир санади.
Уфқларни уйғотган оҳим
Кузги йўлда сим–им қонади.

Бу рангларнинг сирли мавжида
Шабнам-қалқиб турган дилбар оҳ,
Умрим оқар, айна авжида,
Бағримда-куз. Сочларим оппоқ.

У М Р

1999 - 2002

Умр олтин либосин кийди,
Дарахтларга тикилди олис-
Нечун куйдим, ох, нечун суйдим...

БОЛАЛИКНИНГ СЎНГГИ ТУШЛАРИ

Мен яшашим керак ҳали шодликларга тўлдириб,
Мен яшашим керак ҳали уфқларга термулиб.

Соғингандай ниманидир оппоқ сахарлар туриб,
Қайғу билмай кулаётган куёшни турсам кўриб.

Мен яшашим керак ҳали шудрингларга ювилиб,
Тупроқлардай шивирлагум тил билмас гўдак бўлиб.

Нечун тупроқ тортаяпсиз кўшиқ тўла кўзимга,
Мен яшашим керак ҳали кўйиб беринг ўзимга!..

Болалик ортидан ёшлик югурди,
Ёшликнинг ортидан келмоқда куз ҳам.
Эсингдами, қанча хаёллар сурдим,
Эсингдами, қандай пок эди олам!..

Балки бу висолни тақдир буюрди:
Бахт-умри лаҳза каби кечган бахт.
Телба шамоллар ҳам ақлга кирди,
Қандай яшаяпсан, дўстгинам, дарахт?

Аслида, балким мен ўзгариб қолдим,
Айтганингдай чиндан жойида олам.
Умрим маъносига айланиб қолдинг,
Биз бирга ўлмасак бўлмас, дўстгинам!

Бу улкан, шовқинли, олис шаҳарнинг
Боғлари бемаҳал кузламақдадир.
Олтин сукунат ҳам кузги сахарнинг
Йўқолган изларин изламоқдадир.

Ҳеч кимнинг иши йўқ-ёғади ёмғир,
Сўнгги томчиларга айланади куз.
Ҳеч кимнинг иши йўқ-юрагим оғрир,
Дардлар туғилади гўёки сўнггисиз...

Шамолларнинг совуқ тантанаси бор
Барги хазонларни ёндирар фаррош.
Умрим, қор ёғмоқда, бошинг узра қор,
Сенга узоқ йўлда тилайман бардош.

Сийраклашар туман тонг олди,
Жилмайишга вақт топиб қишга,
Рухингдаги ғафлат йўқолди,
Шаҳар ҳар кун шошилар ишга.

Дарахтлар жим оппоқ хаёлдан,
Шовуллаиди кўча шовқини.
Энтикасан бундай висолдан-
Кўз олдингда ҳаёт тўлқини.

ТАЛПИНИШ

Сени унутмагай эсламасанг ҳам,
Шовуллаган баланд бўйли дарахтлар.
Сочларингнинг оқи, киприкдаги нам,
Ўтмишнинг ажини-жавобсиз хатлар.

Ернинг ўйи чуқур. Осмон ҳам узоқ,
Ой, юлдуз, қуёши билан тикилгай.
Борган сари кўздан олислаб қишлоқ,
Борган сари қалбга яқинроқ келгай.

Муҳаббат ҳақида ёзмасдан қўйдим,
Муҳаббатсиз яшаганим эмас бу.
Ҳижрон суратини чизмасдан қўйдим,
Муҳаббатсиз яшнаганим эмас бу.

Фақат ўйларимни тугатолмадим,
Ойнинг сўлим, унсиз эртақларида.
Фақат куйларимга ном битолмадим,
Кузнинг кеч гуллаган чечакларида.

Жавоб бера олмай титраб кетдилар
Дарахтлар кушларнинг сўроқларига.
Нигоҳим кушлар—ла учиб кетдилар
Уфқларнинг чексиз кучоқларига.

Ой эса чарчамас сочин тарашдан
Йилнинг тўрт фаслида гоҳ шод, гоҳ маҳзун.
Мен ҳам толмагайман йўлга қарашдан,
Муҳаббатим йўли узундан узок.

Юрагимга чўккан жавоҳир-
Армонларим, оқарар сочим.
Кўз ёшимни ичган дostonдир
Шиддатларга айланган тинчим.

Ўртанаман юлдузлар санаб...
Осмон мени кутганга ўхшар.
Дарди пинҳон юрагим қонаб,
Ўлимлардан қайтганга ўхшар...

Ҳаёт эса ҳеч адо бўлмас
Синовларга дуч айлар такрор.
Сенинг учун қайта берилмас
Умр ўлим каби бетакрор...

Шамол тинмас, ғувиллайди
Деразангнинг ортида.
Осмон-денгиз, шовуллайди
Кўзларимнинг қатида.

Қорсиз қишни кузатасан
Ёлғизликни истаб ёлғиз...
Булутлардай оғир армон,
Нақ бўғзингда қотади сўз...

Гоҳи қорли, гоҳ ёмғирли
Хаёллар қоришади.
Йил ҳам тугаб борар, сирли
Янги тонг ёришади.

Ёришгандай туюлган руҳ
Ёши ўтган сари ёшдир.
Қўлга қалам олмоқ шукуҳ,
Дардлар-бир-бир эрир тошдир.

Серёмғир баҳорнинг ҳаволарида
Майинлик кезади. Намхуш боғларнинг
Ўйлари чизилган наволарида
Яна излаб келди қайтмас чоғларинг...

Уфқлар бағри ол, нафаси тоза,
Ловуллаган қирлар силкитар кўлин.
Тобора узоқлаб кетаркан азоб,
Осмондай очилиб боради дилинг.

Яшил майсазорни аллалар шамол,
Яшариш сувига чўмилар борлик.
Сенга ҳадя этар энг тиник хаёл,
Хаёлки, хаёлга кўмилар борлик.

Заррадай учасан фалакда олис,
Қушлар қанотида тизилган ўйда.
Камалак нурлари товланади - ҳис,
Ўн саккиз ёшинга қайтарган куйдан!..

Юрагинг орзиқиб кетади бирдан,
Нечун кипригинг ҳўл, маъсум хотира?
Йиллар, йўлларингдан бахтингни сўра,
Ойдан, юлдузлардан бахтингни сўра...

Осмон юрак каби тўлиқди, кара,
Чақмоққа сўз берди момоқалдирик.
Борликни қувончга ийлади яйраб,
Шамоллар кўкламдан хабар берган чок.

Тун эса шовуллар туйғуларимда,
Кўзимда қотган ёш эрий бошлайди.
Муҳаббатнинг қадим орзуларидай
Унутилган дамлар қадам ташлайди.

Баҳорнинг тўлғонган кечаларида
Сен нени тополмай излайсан, ёмғир?
Хаёлнинг исмсиз кўчаларида
Мени—да безовта қиладир бу сир.

Хотирамда хотир бўлаётган Вақт
Баҳор севгисини руҳимга туйди.
Мендан айрилгиси келмаётган Бахт
Ёмғирли оқшомдан сўнг тонгни суйди.

Армоннинг музлаган дарчалари—да
Очилик кетмоқда қувноқ жарангда.
Парчаланган булут парчаларида
Замин севинмоқда ям—яшил рангда.

Олис йўлни босиб келган кўзимга қара,
Умримнинг оқарган йўли кўринур.
Бу йўлларда қолган изимга қара,
Армони айрилмас дилим кўринур.

Тиниқиб келаётган хаёл қаърида
Тўзғиган ғамларнинг чанги кўринур.
Бир они минг йилча умр бағрида
Юрагимнинг шому тонгги кўринур.

Унута бошладим ҳатто тушларни,
Сездим чил–чил синиб кетмоқда руҳим.
Кўрдим-оловланиб сўнган ҳушларни,
Ушладим хаёлга етмади уҳим...

Шу жим-жит тун билар қайга ҳам бордим,
Ҳайратга солмади ҳатто оқ қоғоз!
Қайданам армоннинг тилини ёрдим,
Қонлар юрагимдан оқмоқда-овоз.

Йиғламасам бўлмас-товушсиз, ойнинг
Минг йиллик ҳайрати сочимни ўрди.
Юлдузлар эриди-тонгдаги шудринг
Қуёшнинг кўксига ўзини урди...

Ирмоқдаги шўх жаранг-болаликнинг хотири,
Эртакка айланади-эртакми ҳаёт сири...
Беташвиш болалигим боламда намоёндыр,
Ёшликнинг орзулари юракда оқар қондыр.

Куз нафаси сезилар қадамимда, кўзимда,
Боғда ёлғиз кезарман, шамол елар изимдан.
Вақт-бевақт узилган баргларга тўлар йўллар,
Қуш каби қуёш сари умримдан учар йиллар.

Бир туш кўрдим, тушимда армонларим уйғонди,
Бир туш кўрдим, тушимда кўз ёшларим тўлғонди.
Бир туш кўрдим, тушимда ойнинг тоғлари чўкди,
Бир туш кўрдим, юлдузлар сири менга кўз тикди,

Бир туш кўрдим, тун эди, ёруғликка қўл чўздим,
Бир туш кўрдим, тушимда оёғим ердан уздим...
Бир туш кўрдим, унутдим ғам нима, оғриқ нима,
Бир туш кўрдим, ишқ кутдим ҳасратларимни кўма...

Бир туш кўрдим, учаяпман, фаришталар-ла енгил,
Бир туш кўрдим, тобора юксалар эди нур-йўл.

Бир туш кўрдим, йўлимда шаффоф Зот бўлди пайдо,
Бир туш кўрдим, хайратим ичра бепоён дунё.

Бир туш кўрдим, тушимда ул Зот менга қайт, деди,
Бир туш кўрдим, дардингни ерга бориб айт, деди.
Бир туш кўрдим, ул Зотнинг нигоҳида тирилдим,
Бир туш кўрдим, оёғим яна ерга урилди...

Бир туш кўрдим, азобим роҳатларга айланди,
Бир туш кўрдим, яшамок ҳикматларга бойланди.
Бир туш кўрдим, қанчалик залворлик бўлмасин кўк,
Бир туш кўрдим, уйғонмоқ завқидан улуғ иш йўқ.

Рангин фаслларда кечиккан бахтнинг
Қувончлари қанча, ҳатто ғам қанча...
Маънос лаҳзалари улуғвор Вақтнинг
Қучоғига сингар ёруғ дам қанча...

Ойнинг нуридаги энг узун йўлда
Юлдузлар туйғунгдан гуллар теради.
Сўзи чўғ, изи ўқ шамолли тилда
Ҳаёт ҳар қадамда сабоқ беради.

Сенинг билан кетгим келса ҳам,
Шамол, мени олиб кетмагин.

Сендан ўзиб кетиб елсам ҳам,
Хаёл, мендан қолиб кетмагин.

Умидсизлик ёлиб келса ҳам,
Умид, менсиз яшаб ўтмагин.

Тунд осмон, кулранг осмон,
Бунчалик донг қотгансан?
Йўлларда-висол, хижрон,
Айт, нени йўқотгансан?

Ёмғирми-чорлаганинг,
Чақмоқми-порлаганинг,
Шамолми дарвешгинанг,
Айт, менда борми гинанг?

Сен-туганмас эртагим,
Тилсимга бой юрагим.
Сенсиз умр, шеър қайда,
Айт, осмонсиз ер қайда!

Юрагимнинг осмони тоза,
Хаёллари енгил, тизгинсиз.
Шудрингларнинг биллур томчиси
Насимларда учиб кетган сўз.

Шу нафасда оқди ҳайратнинг
Ишқ шеваси умрларга тенг.
Юрагимда жаранглаб кетди
Энг чиройли кулгуси тонгнинг.

Тириклик сувлари, гуллар ифори,
Тоғлар буюклиги, боғлар нафаси.
Туғилди бокира борлиқ изхори,
Шеърим, болам каби қалбим эркаси.

Тарих унутилмас, айланади Вақт,
Бизники-кеча ва бугун садоси.
Эртанги кун каби ўлмас Ҳақиқат,
Шеърим, онам каби халқим сиймоси.

Кўзларимда-дунё, осмон ва тупроқ,
Эътиқод ва кураш-умрим баҳоси.
Юрагим, энг ёруғ юлдуз бўлиб бок,
Шеърим-Ватан! Ватан-шеърлар даҳоси!

Қуёш шоҳид, зулмат чекинди қалбдан,
Умид дунёсида туғилди ҳайрат.
Гуллар табассуми узилмас лабдан,
Қушлар қанотида учмоқда сабот.

Энг ёруғ кун шоҳид, эртага баҳор,
Деразамни очар бокира насим.
Еру кўк бағридан ювилар ғубор,
Фамларим севинчга бўлмоқда таслим.

Юлдузли тун шоҳид, ойнинг нурлари
Ёзги салқин нафас билан боғ кезди.
Кўз илғамас олис фалак сирлари
Чексиз хаёлотнинг қонида сизди.

Тонг шоҳид, куздан ҳам маъсума ҳис йўқ,
Умр-япроқларга битик хотира.
Тупроқдан ҳам азиз, муқаддас ис йўқ,
Ҳаёт енгилмайди ўлимга сира.

Биринчи қор шоҳид, борлиқда виқор,
Табиат кучоғи-осуда оҳанг.

Рухим, шу покликнинг ҳавасин сипқор,
Кўзларингда-дунё, яп-янги оқ ранг.

Қош қорайиб кўнмоқда,
Ҳовлида намхуш шамол.
Кузги гулга инмоқда
Баргда сарғайган хаёл,
Қош қорайиб кўнмоқда.
Боғларда мунис шивир,
Шомнинг ҳарир кўйлагин
Силкитиб ўтар бир сир,
Турналарнинг эртаги
Боғларда мунис шивир...
Кенглик йўқдир осмондан
Кўра кенгрок, буюкрок.
Кечиб бўлмас армонда
Борган сари суюкрок
Кенглик йўқдир осмондан...
Сунбула ашуласи,
Эрта қайтган турналар.
Вақт-юлдузлар шуъласи,
Ой нурида турланар
Сунбула ашуласи...

Умид-юрагимнинг яшил баргидир,
Уни совуқ елдан асра, тақдирим.
Умид-армонларнинг ўлмас сабридир,
Уни билиб - билмай синдирма, сирим...

Умид-сочларимда тунаб қолган тун
Тонг бўлиб оқарса, йиғлама, шабнам.
Умид-мени кутиб чарчамаган кун,
Ўлсам, мендан умид қолади, болам.

ШЕЪРИЯТ

Шеърият-юракнинг кенгликларидир,
Унинг тини кўки кўзларга сиғмас.
Сен унинг бағридан изламагин сир,
Осмон буюклигин қис этолсанг бас.

Шеърият-юракнинг кенгликларидир,
Унда сен туғилган Ватан муқаддас.
Шу тупрок бағрида қон бўлиб югур,
Замин суюклигинг қис этолсанг бас.

Шеърият-юракнинг кенгликларидир,
Ям-яшил дунёнинг шаффоф ҳаваси.

Сени яратгандан сўрагин умр,
Она табиатнинг сўнмас нафаси.

Шеърият-юракнинг кенгликларидир,
Ой билан қуёшнинг бардошларида.
Сени ташлаб кетди қайғулар, ахир,
Тонг чоғи севинчнинг оташларида.

Шеърият-юракнинг кенгликларидир
Унда шамолларнинг товуши кучли.
Сен шу овозларнинг қанотига кир,
Юлдузли қирралар нақадар учли!

Шеърият - юракнинг кенгликларидир,
Ранглар излаб юрма туйғуларингга.
Сен-тупроқ боласи, қалбинг тўла нур,
Кенгликларни тўлдир орзуларингга.

Ёмғир, кутганимни билиб келдингми,
Яна ёлғизлигим тилиб келдингми,
Кўзларимни тубсиз осмон билдингми,
Маънос хаёлларим билан тўлдингми,
Ёмғир кутганимни билиб келдингми...

Нега баҳор билан оқиб кетмадим,
Тошқин сой ичида қалқиб кетмадим,
Янги ой нурида балқиб кетмадим,
Чечакларга шеърим тақиб кетмадим,
Нега баҳор билан оқиб кетмадим...

Ёмғир, кўзимдаги мактубиммисан,
Фақат дилга сиғар маҳбубимсан,
Қўл етмас сирларнинг энг тубимисан,
Айри тушиб бўлмас матлубиммисан,
Ёмғир, кўзимдаги мактубиммисан...

Сен каби дунёдан кулиб ўтайми,
Тун билан, кун билан тўлиб ўтайми,
Армонли кўз ёшим силқиб ўтайми,
Ғамлардан қўлимни силқиб ўтайми,
Сен каби дунёдан кулиб ўтайми...

ХУЛОСАЛАР

Бу дунёда сени англаб-англамаслар бор,
Бу дунёда сени танлаб-танламаслар бор.
Бу дунёда сендан тониб, тонолмаган бор,
Бу дунёда сен деб ёниб, ёнолмаган бор.

Чунки бордир сен—да англаб-англамаганинг,
Чунки бордир сен—да танлаб-танламаганинг.

Чунки бордир сен—да тониб-тонолмаганинг,
Чунки бордир сен—да ёниб-ёнолмаганинг...

Ҳаёт, сени севмай яшаб бўлмайди,
Ҳатто юракда ғам, кўзда нам билан.
Сени куйламаса нурга тўлмайди
Ризқи йўллариингга сочилган Ватан.

Ҳаёт, энг аввало, борлиқсан гўзал,
Ибтидонг, интиҳонг қайда? Ким билар?
Кўл етмас самовий кенгликда азал
Сенинг қудратинг—ла юлдузлар кулар.

Ҳаёт, айрилиқсан, ўлимлар шафқат
Билмай қўлларимдан бахтим юлган чок.
Ҳаёт, фиғонимсан, бағрингда хасрат
Дафтарини очиб, хазон бўлган чок.

Ҳаёт, чечагимсан, умримга пайваст
Фарзандларим ҳаққи-сўнмас чироғим.
Ҳаёт, эртагимсан, ҳеч адо бўлмас,
Ажинларда-ёруғ тақдир ардоғи.

Ҳаёт, энг аввало, она тупроқсан,
Сен борки, қуёши абадий осмон.
Онамдай ягона, азиз-қучоқсан,
Ҳаёт, сендан айри тушмоғим гумон!

Келсам, қайтиб келганимда
Изимда гул қувонса.
Айтсам, айтиб бўлганимда
Хаста дил ғамдан тонса.

Келсам, қайтиб кетмайман деб
Далаларга, боғларга.
Айтсам, сизсиз кутмайман деб
Қуёшни шу тоғларга.

БУРГУТГА

Эй, юраги мағрур осмон ҳокими,
Эй, кўзлари ўткир тоғлар тўраси!
Учса, қанотида шамол тўлқини,
Эй, умри шиддатлим, кўзим қароси!

Сенчалик майсага ким қўйгай меҳр,
Ким кўргай дарёнинг тиниклигини!

Эй, имони бутун темир қанотлим,
Ким суймас хаёлнинг ёниқлигини!

Сенга боққанимда-кенгаяр бағрим,
Лочиним, хурликнинг йўқдир киёси.
Сенга боққанимда юксалиб бордим,
Нақадар виқорли ғолиблик ҳисси!

Сенга боққанимда-умрим узаяр,
Бу дунё бус-бутун кўнгул, жон қадар.
Билсанг, ўхшаши йўқ, манглайи ёруғ,
Сендай ўғлони бор бу юрт бетакрор!

Кутаётган куз эмас, қисматимдир эҳтимол,
Мўйсафид дарахтларда умрнинг силсиласи.
Рухимга оташланиб кириб келади шамол,
Қанотида фаришта япроқлар фалсафаси.

Ўтаётган Вақт эмас, ҳайратимдир эҳтимол,
Киприкларим учига яқинлашар субҳидам.
Юрагим бутунлашиб, кўркамлашади хаёл,
Қуёшидан айрилмас онамдан мунис олам.

Сен мени тунлари уйғотма, армон,
Олис юлдузларнинг шуъласи билан.
Осмон қучоғимга сиғай деб имкон
Тополмас ҳатто ой нафаси билан...

Рухимни енголмас зулмат онлари,
Армон-юрагимнинг тутуни экан.
Тонг ичган ҳайратнинг тоза қонлари,
Умид-юрагимнинг устунни экан.

Қорларни соғиниб отаётган тонг,
Қорларни соғиниб кутаётган тун.
Қорга ўралгиси келган дарахтлар,
Нақадар виқорли, нақадар мамнун.

Бағирлари юмшаб она тупроқнинг,
Сукунатнинг тили ечилиб кетди.
Қорли қўшиқларда эшилган шамол
Борлиққа ёрлиқдай сочилиб кетди.

Энг олис йўлларга тушгим келади,
Юракка қадарлик, жонга қадарлик.
Соғинч қорларини силай бошлар қор,
Сочларимга кўнган тонгга қадарлик.

АНГЛАШ

Осмон мени тушунади,
Ўхшашиб кетамиз -
Бағримиз кенг, юзимиз иссиқ.
Қанотлари учқур хаёлнинг
Биздан ўтар ошиқлари йўқ.
Осмон мени тушунади.
Юлдузли оқшом
Қўлларимга тўла бошлайди.
Хув, теракнинг учидаги ой
Ёлғизлиги менга ўхшайди...
Осмон мени тушунади.
Тушимда кўринар
Одам Ато билан Момо Ҳавонинг
Жаннатнинг боғидан узган олмаси.
Руҳимда сезинар,
Қонимда кезинар
Бу жаннати ишқнинг
Ўлмас нафаси.
Осмон мени тушунади.
Юрагим шу тонгни танлади-
Тонгда туғилганлар ўлимни билмас.
Сен-Одам Атосан,
Мен-Момо Ҳаво,
Кўкда-Ишқ тангриси,
Бу-буюк чорлов,
Унинг ҳузурига бормасак бўлмас!

Шеър тингласа шоир шоирдан,
Борлиқ бирдан жимиб қолади.
Майсалар бош кўтариб ердан,
Бахт сеники бўлиб қолади.

Шеър тингласа шоир шоирдан,
Алланечук бўлиб кетасан.
Соч тарайди шамоллар қирда,
Қўл узатсанг, кўкка етасан.

Шеър тингласа, шоир шоирдан,
Кўксингда тоғ тилга киради.
Елдан учқур қанот умрда,
Юракда боғ гулга киради.

Шеър тингласа шоир шоирдан...

Ташқарида-мени кутар куз,
Ҳовучимда ҳаволар ийди.
Қуёш эниб бормоқда бесўз-
Нечун куйдим, ох, нечун суйдим...

Ташқарида-мени кутар куз,
Шамолларда ёмғирни туйдим.
Хазонларда учар сўнгги сўз-
Нечун куйдим, ох, нечун суйдим...

Ташқарида-мени кутар куз,
Ғамларимни чуқурроқ ўйдим.
Кўкка ўрлаб бораётгир бўз-
Нечун куйдим, ох, нечун суйдим...

Ташқарида-мени кутар куз,
Умр олтин либосин кийди.
Дарахтларга тикилдим олис-
Нечун куйдим, ох, нечун суйдим...

КИРГАЙ

Келса битта жонимга ишқ қилни ёриб қирқ жон киргай,
Ҳасратларим жоми синиб, ул табассумда жон бергай.
Ёноқларда тонгги шафак, киприқларда қатра шабнам,
Тўлқин–тўлқин хайратларим дил тубида даврон сургай.

Гул япроғи тебранади шаббоданинг изҳоридан,
Булоқдин ҳам тиниқ наво элдин элга кўчиб юргай.
Булбул гулнинг ошиғиму, гул булбулга кўнгул қўйди,
Бу ишқ сирин адосида боққа гадо, султон киргай.

Адашдими, сирғалдими барглардаги ой нурлари,
Олис–олис юлдузларнинг шуъласига армон киргай.
Гадо кўнгли султон бўлиб, султон ишқнинг гадосиму,
Сўзни қаламга инонсам, кўзларимга осмон киргай.

Юлдузлар ташрифига интиқ бўлди бу кўнгул,
Бу кеча ойдинлиги-туйғумда очилган гул.
Янги ой табассуми-эриётган ғамларим,
Киприқдан сирғалади хаёлот шабнамлари.

Шамолларнинг нафаси ёниқлашади сим–сим,
Хотирот оқшомлари яқинлашади жим–жим.
Каршимдаги тонг яқин, нигоҳимда уфқлар,
Чексизлик ҳикояти-Вақтни кучар кўшиқлар.

Умр ўтиб бормоқда. Қайтмоқлиги душворми?
Умр ўтиб бормоқда. Наҳот бариси бекор?

Бу ҳаёт кимга китоб, кимга армон, шикорми?
Кўнгулнинг одамлари-кўкдаги аҳли ашъор.

Денгиз деб ўйлаганинг балиқ сузмас анҳорми?
Тенгсиз деб кўйлаганинг-ортига қайтмас баҳор.

Синай–синай синдирди-дўст билганинг ағёрми?
Юрагингда қонаган сим–сим тунлар -на озор?

Хаёллар-оғир осмон, ёмғирлари ғуборми?
Ўйларинг-узун карвон. Сочларингга қўнар қор.

Шамолларнинг қаноти кўринмас, беқарорми?
Бу ғанимат дунёнинг хайратлари бетакрор.

Бир ҳовуч осмон узра учмоққа ишқинг ёрми?
Бир қафт тупроқ устида Ватандин азиз не бор!

Бодомнинг оқ гуллари енгил
Силкинади ёмғирда, елда.
Баҳор назми-дилбар хаёлим,
Юлдуз куйлар самовий тилда.

Туннинг бағри беҳад туйғули,
Ранглар кўшар хайратларимга.
Бир лаҳзада кенгайди олам,
Дилда жой қолмади ҳасратларимга...

Орзулар ҳамиша юлдуздан баланд,
Меҳрлар жонингга жон қадар пайванд.
Туғилиб ўсганинг шу азиз Ватан
Бўлмаса, сен қандай яшайсан, Юрак?

Шу юртнинг осмони ойли, қуёшли,
Шу юртнинг тупроғи қумли, тоғ-тошли.
Шу юрт одамлари ишқли, бардошли
Бўлмаса, сен қандай яшайсан, Юрак?

Турна қанотида эрта кўкламлар,
Кирлар этагида яшил гиламлар.
Боғлар нафасида олтин оромлар
Бўлмаса, сен қандай яшайсан, Юрак?

Дарё бўйларида сархуш шамоллар,
Самода қушлардан учқур хаёллар.

Боши кўкка етган донишманд толлар
Бўлмаса, сен қандай яшайсан, Юрак?

Изимда ёмғирлар ҳавоси ёник,
Сўзимда майсалар шивири тиниқ,
Тонгги шафақ ранги борган сари тўқ
Бўлмаса, сен қандай яшайсан, Юрак?

Орзулар ҳамиша юлдуздан баланд,
Меҳрлар жонингга жон қадар пайванд.
Туғилиб ўсганинг юртингга фарзанд
Бўлмасанг, сен қандай яшайсан, Юрак!

КУТИШ

1

Тиниқлашар тунда овозлар,
Тиниқлашар нафас олиш ҳам.
Ёмғир ёғар видоли саслар,
Оғир ҳатто нафас олиш ҳам...
Энди қайтиб келмас турналар,
Юрагингни озорлар қучгай.
Хаёл узун тундай турналар.
Хазонбарглар шовуллаб учгай.
Ҳорғин йўлчи - ором ол, юрак.
Тунда тинглаб куз созларини.
Тинглаш учун тиниқмоқ керак
Тонгнинг тиниқ овозларини.

2

Ёмғир, ёмғир, дардларим ювгил,
Хаёллар назмидан тунлар қувонсин.
Адашган шамоллар боғлаб келган бел,
Кузнинг сўнгги олтин барглари ёнсин.
Уфқлар қорайган, осмон булутли,
Бу рангсиз булутнинг бор-йўғи - ўтинч.
Агар куни туғса, бўзлайди ўтли,
Эри, эри, туман. Товлангин, севинч.

ТУРКУМ ШЕЪРЛАР

ОНАМГА МАКТУБЛАР

1

Юлдузларнинг олис нигоҳларини
Жо қилмоқ мумкиндир бир сўзга балким.
Юлдузсиз тунларнинг хаёлларини
Жо қилмоқ мумкиндир жуфт кўзга балким.
Энг латиф гулларнинг муаттар ҳиди
Битта табассумга жам бўлар балким.
Ўтли юракларнинг умид ва бахти
Бир дилбар қўшиқда шод кулар балким.
Бетимсол қудрат бор-она меҳри у,
Бахшида этса ҳам буткул жонини,
Билмадим, қайси қалб битта сўз билан
Таърифлай олдийкин онажонини...

2

Онагинам, сен исмимни эзгуликка йўйдингми,
Ойга гуллар эксин деган орзу билан қўйдингми,
Ё қалбингга эртақдаги жаннатнинг қизларидай
Ойдай балқиб, гулдай кулсин деган туйғу туйдингми...
Онагинам, хаёлларим ойга гуллар экадир,
Ирмоқларнинг қўшиғи шўх, шамоллари эркадир.
Гулларимнинг жамолига не-не кўзлар интизор,
Улар сенинг меҳрингга зор, йўлингга кўз тикадир.
Сен бўлмасанг, олис-олис хаёллар сурмас эдим,
Қуёш билан, уфқ билан суҳбатлар қурмас эдим.
Сен бўлмасанг, ой бағрида яшнаган боғимдаги
Гулларимнинг рухсорини куйлаб ҳам кўрмас эдим.
Онагинам, сен исмимни эзгуликка йўйдингми,
Ойга гуллар эксин деган орзу ила қўйдингми...

3

Мен соғиниб хатлар ёзаман-
Самарқандга-онажонимга.
Юрагимнинг рангин чизаман
Дунёдаги қадрдонимга.
Ёруғ Тошкент кўчаларида
Тушларимга кирибди, она,
Қишлоғимиз кўчаларида
Қуёш қулиб юрибди, она.
Қуёш билан биз болалар ҳам
Куйлар эдик юракка монанд-
Шу қишлоқдан бошланар олам,
Ягонасан, она, Самарқанд!
Дарахтларга етди бўйимиз,
Юрак тўла камалак орзу.
Дарахтлардан ўсди ўйимиз,

Улар-умр йўлида ёғу.
Бир кун қишлоқ кўчаларини
Тонгда ташлаб кетибман, она.
У кун қишлоқ кечаларининг
Кўзин ёшлаб кетибман, она...
Менга ҳисоб бермайди йиллар,
Учмоқдалар сўздай бешафқат.
Она, бизни улаган йўллар-
Самарқанддан келган ҳар бир хат.

4

Ярим кеча. Мен. Совуқ хона.
Изғириннинг кенг этаклари.
Деразамдан пичирлар, мана,
Қаҳратон ҳам илк эртақларин.
Дераза ҳам тонгга термулар,
Нимасидир бордай айтарга.
Кўзларимга иссиқ ёш тўлар,
Юрак сиғар фақат сатрга...
Ярим кеча. Мен. Рангсиз осмон.
Изғиринлар куйи авжида.
Совуқ хона. Бўғзимдадир жон -
Соғинганман онамни жуда...

5

Жаннатдай кўринар, она, уйимиз
Мен совуқ хонамда қишни кутганда.
Мен совуқ хонамда севган куйимиз
Руҳи билан тушда шеърлар битганда.
Она, бу ерларда қор кўп ёғади,
Ўрмонлар тўлуғдир сирга, чиройга.
Ёлғизлик, онажон, нечун ёқади,
Кўлда чил–чил синиб ётган пок ойга...
Сочларинг оқариб кетибди бевакт,
Бу дам ортиқчадир ҳар қандай савол.
Онажон, ёзсанг-чи, йўқса, бу соат
Мени олиб кетар бу тунги шамол...
Йўқса, кўрқинч тушлар тантана этар,
Йўқса, шам ўчади-тонггача етмас!
Дераза ортида мени куз кутар,
Мен ёзиб улгурмай ёзимизни... Бас!
Мен чиқишим керак-тинч қўймас шаҳар,
Мен чиқишим керак-чақирар ёмғир.
Мен қайтишим керак-хонам ёлғиздир,
Онажон, ёзсанг–чи, уйда не хабар?!

6

Олис–олисларда отлар дупури,
Тоғлар қучоғига солар ҳаяжон.
Сўнмоқда қуёшнинг энг сўнгги нури,
Қайтмас болаликни эслатар бу он.
Яна олисларда уфқнинг ранги

Қоялардан сизиб ўтар бетакрор.
Сирли тушлар каби қўшиқ жарангги
Тарала бошлайди тиниқ, улуғвор.
Ўша олисларга хаёлга қанот
Бўлган каби уча бошлар мактуб ҳам.
Тушларимга кирар ғариб ҳисга ёт
Мунаввар тонгларда хат битар онам...

7

Осмон туш кўради, тушларида мен
Энг бахтли қуш бўлиб яйраб учаман.
Дарё туш кўради, тушларида мен
Тўлқинларни суйиб–суйиб қучаман.
Тупроқ туш кўради, тушида менинг
Тупроғимдан гуллар унган бўлади.
Шу гуллар туш кўрар, тушида менинг
Энг гўзал баҳорим келган бўлади.
Шамол туш кўради, тушларида мен
Уфқлар ортидан қайтиб келаман.
Онам туш кўради, тушларида мен
Тонг пайти қишлоққа кириб келаман.

8

Уйғоқман. Биламан, онам ҳам уйғоқ.
Ўйлари кундан ҳам, тундан ҳам узоқ.
Қалбимни тарк этмас бир дардқаш титроқ-
Бироз ором олсанг, нетар, онажон...
Сочларинг қорасин олган йилларда,
Уйқусиз тунларда қолган йўлларда
Сени кўтармоққа тайёр қўллардай,
Ҳар тонг қуёш кутиб яшар гуллардай
Уйғоқман. Биламан, онам ҳам уйғоқ,
Ўйлари тундан ҳам, кундан ҳам узоқ...

9

Қуёш борлигини унутиб қўйдим,
Онам кўзларини эслаганимда.
Дунё кенглигини унутиб қўйдим,
Онамнинг бағрини қўмсаганимда.
Сўзлар борлигини унутиб қўйдим
Онам тиззасига бошимни қўйиб
Беихтиёр йиғлаб юборганимда...

10

Мен бағрингга қайтдим, онажон,
Қайтган каби юртимга баҳор.
Қара, бирам сулув кенг жаҳон,
Жилмаймоқда бизга бахтиёр,
Мен бағрингга қайтдим, онажон.

Қайтган каби юртимга баҳор
Бор баҳорим сенинг–ўзинг–да!

Эригандай тоғлардаги қор
Куй яратдим ҳам бир сўзингдан.,
Қайтган каби юртимга баҳор...

Қара, бирам сулув кенг жаҳон,
Тутаётир бахт ва эзугулик.
Менинг бахтим сенсан, онажон,
Кўзларингни кўрмай қайғули.,
Қара, бирам сулув кенг жаҳон.

Жилмаймоқда бизга бахтиёр
Тўлган бағринг каби қишлоқ ҳам.
Юрагимда ажиб меҳри бор
Ҳар бир сой ҳам, ҳар бир япроқ ҳам.
Жилмаймоқда бизга бахтиёр.

Мен бағрингга қайтдим, онажон,
Кувончимиз достон этгали
Энтикмоқда саодатли тонг,
Куёш чиқар кўшиқ айтгали-
Мен бағрингга қайтдим, онажон!

1972-2002. Самарқанд - Москва - Тошкент

Й Ў Л Л А Р

1

Умид билан чиқаман йўлга,
Меҳрим кўшиб боқаман гулга.
Завқ берсам деб ҳар бир кўнгулга
Умид билан чиқаман йўлга.

Йўлим узоқ, сирли, бесарҳад,
Чорлар унда энг буюк мақсад.
Тонгда оппоқ орзулар мадад,
Йўлим узоқ, сирли, бесарҳад.
Япроқдаги шабнамдай биллур
Ҳисларимга кўшилади нур.
Кўшиқ айтгим келади масрур,
Япроқдаги шабнамдай биллур...

Умидларим мўлдир юракда,
Яшилланиб борган куртакда,
Кабутардай учмоқда кўкда,
Умидларим кўпдир юракда...

2

Йўллар узун,
Йўллар узун
Куёш қадар чўзилган.
Қат-қатига юрагимдан
Ўтган йўллар чизилган.

3

Кетаверсанг, тугамаса йўл,
 Кўзларингга тўлмаса чанглар.
 Кимдир деса: "Менинг дўстим бўл!..
 Кўпдир бизлар кўрмаган ранглар.

Кетаверсанг, тугамаса йўл,
 Чарчамаса хаёлларинг ҳам.
 Кимдир деса "Дўстим, омон бўл,
 Учрашамиз энг ажойиб дам".

Кетаверсанг, тугамаса йўл,
 Йўл яшаса, сен билан тўлиб.
 Кимдир деса: "Мана, сенга кўл!"
 Ва хайрлашсанг учрашмоқ бўлиб...

Кетаверсанг, тугамаса йўл...

4

Мени ҳар кун йўллар кутади,
 Қор, ёмғирли, қуёш, шамолли.
 Ўйлар чексиз қувонтиради,
 Ўйларимнинг гўзал иқболи...

Югураман мовий кенгликка,
 Қандай ажиб кунлар боқмоқда!
 Мен фарзандман шу эркинликка,
 Туйғуларим-тонгим отмоқда.

Муҳаббатга айландим, яшил
 Қувончидир қуёшнинг хайрат.
 Сени қаттиқ севади бу дил
 Ҳар дамгидан азизим, ҳаёт!

Мени ҳар кун йўллар кутади,
 Қор, ёмғирли, қуёш, шамолли.
 Йўллар чексиз қувонтиради,
 Ўйларимнинг чексиз иқболи...

5

Йўлинг ва юракка ҳоким туйғуни-
 Баҳорни кутишдан қадимроқ ўй йўқ.
 Кўклам ёмғирида неки қайғунинг
 Эриб битишидан сўлимроқ куй йўқ.

Яшил майсаларнинг қувончи-сабо,
 Қуёшга сўз айтмоқ-куртак тилаги.
 Сирлари юлдуздай шуъладор само,
 Узун эртагидай ойнинг эртагим.

Ҳаёт-ҳар ким ўзи созлар торини,
 Яшамоқ завқидан узунроқ ўй йўқ.

Турнақатор йиллар ичра баҳорин
Йўқотиб қўйишдан ҳазинроқ куй йўқ.

Борлиқ уйғонишнинг ҳиссига тўлуғ,
Ватан тақдирига боғлиқ тақдирим,
Ватанда йўлларим мангуга ёруғ,
Ватан-туйғуларнинг туганмас умри.

6

Йўлинг тушса, нурли йўлларга
Кўзларингга суртмоғинг керак
Эриётган шу оппоқ қорни.
Сен албатта кутмоғинг даркор
Келаётган эрта баҳорни.

Йўлинг тушса нурли йўлларга
Тонгни кутар бўлсанг уйқусиз.
Қалбни бахш эт учқур йилларга,
Яшаш оғир беғам, туйғусиз,
Йўлинг тушса нурли йўлларга...

7

Йўллар мен учратган энг узун исм,
Йўл каби юракка яқинроқ куй йўқ.
Куйларга фидодир бу жон, бу жисм,
Кўзларимда эса чекинган ўй йўқ.

Сўқмоқлар ҳаётнинг синовчан сўзи,
Сен ила шамолли Вақт орасинда.
Билиб-билмай босган ҳар қандай изинг
Ойнадир дўст ила ёт орасинда.

Тўхтаيمان, қайрилиб қарайман ортга,
Сўқмоқлар дунёсин ардоқлаб ўтдим.
Йўлимга тўшалган ҳар қандай дардга
Қалбимни беминнат ватандай тутдим.

Шундай йўлга тушдим, бўлмас адоси,
Бир кун видо айтсам ҳамки оламга,
Йўлимнинг давоми, умрим маъноси
Албатта туташгай азиз боламга...

8

Болаларим,
Умримдан барг бўлиб учдилар йиллар,
Сочларимга қордай кўчдилар йиллар.
Армоним юлдуздай ичдилар йиллар,
Ҳаёлимни қайтмас дамлар олади,
Гоҳи ёлқин, гоҳи тўлқин
Шитобларим қолади.
Болаларим,
Умрингизга меҳрим гулистон бўлди,
Хатар келар бўлса, чўнг қалқон бўлди.

Умидбахш кечалар ғазалхон бўлдим,
Гоҳи маҳзун, гоҳи жўшқин
Хитобларим қолади.
Болаларим,
Бағрим сизлар билан боғ бўлди, нди,
Ой билан тўлишиб, ғамлардан тонди.
Дунёнинг бир ками тўлди, қувонди,
Бахтли тақдиримдан ранглар олади
Йўлимдаги, қўлимдаги
Савобларим қолади.
Болаларим,
Ҳали ушалмаган орзуларим мўл,
Юрагимда азиз туйғуларим мўл,
Сизни кутиб турган кулгуларим мўл,
Қаламим умримни шеърга солади,
Мендан мерос бўлиб Сизга
Китобларим қолади.
1972-2002 Самарқанд - Тошкент

САДОҚАТ

1

Хизмат учун жўнади ўғлон,
Юрагида дунё ҳаяжон.
Олам унга боқар нурланиб,
Юрагида недир тирналиб...
Хайрлашмоқда у қишлоқ билан,
Сойлар билан, гул, япроқ билан,
Қишлоқ аҳли тилайли оқ йўл,
Дуо учун она очар кўл.
Тинч яшаса бу дунё мангу,
Оналарнинг тилак, бахти-шу.

2

Хайрлашмоқда барча у билан,
Юрагида бир туйғу билан,
Нигоҳлари излар кимнидир
Нигоҳлари бўзлар кимнидир
Ишқи билан. Кел, эй, дилбар қиз,
Балким сенга муштоқ қорақўз...
Бир қиз боқар йигитга пинҳон,
Бир боқишки, ёнмоқда бир жон!

3

Йигит қўшни қизга ёзар хат,
Ҳар сўзида ўтли муҳаббат,
Юлдуз санаб тонг кутган қиз ҳам
Жавоб йўллар. Севгили олам!
...Ва ниҳоят қайтмоқда уйга,
Сабаб бўлиб шод-хуррам тўйга.
Шодлигидан сиғмай олмай,

Шукур дейди она шу дамга.
Тўй бермоқда она эл-юртга,
Дунё тўлиб кетгандай бахтга.
Тонг ёришар қишлоқда секин,
Энди қўшни қизмас, у-келин!
1977. Самарқанд

МАКТУБ

I

Гулгун май тўкилади—
Олисларда лола уфк.
Ҳабибим, созла рубоб,
Дардимни олис қўшиқ.
Кўринмас-бундан узок,
Бир диёр бор-бебаҳо.
Эласам, ширин титрок,
Ундан бошланар дунё.
У бир осмон беғубор,
Қуёш тўла сурурга.
Кўрмадим ундай баҳор,
Гидамлар ёзиқ қирга.
Ўша юртда ўт дилга
Гул тутказди муҳаббат.
Нон ушатиб, кенг йўлга
Йўллади тилаб омад.

II

Мен-Улуғбек юртиданман,
Самарқанди азимдан.
Юлдуз тўла кўзлар билан
Яшаб келар қадимдан.
Регистонни кучар сармаст
Соғинч тўла ҳисларим.
Дақиқалар тўхтанг бир пас,
Сўзламоқчи кўзларим...
Сўниб борар сўнги юлдуз,
Сўниб борар титроқда.
Тушимда ҳам гул терарман
Самарқанд деган боғдан.
Не юлдузлар қилар орзу
Шўх оқшом палласини.
Улуғбекка мен айтсам деб
Самарқанд алласини...

III

Зарафшонинг қирғоғида
Бир қишлоқ бор—Гуландом.
Баҳор унинг қучоғида,
Сочи сунбул еллар ҳам.
Оқ либосда олма, ўрик,
Қуёш ёзмасдан палак,

Онажоним қалби интиқ,
Мендан кутарлар дарак.

IV

Авжига ол, ол ҳабибим,
У ёнда Наврӯз сайри.
Субҳи сабо билмас тиним,
Кўзимда соғинч дайри.
Узоқ бўлса ҳамки чаман,
Ҳар сатримда нур тикиб:
«Мен–Улуғбек юртиданман!»-
Такрорлайман энтикиб.
Қўшилиб куйла, ҳабиб,
Чўкмоқда салқин оқшом.
Қўшиқдан ўзга табиб
Топилмас соғинчли дам.

1981. Москва

КУЗНИНГ СЎНГГИ КУНИ

I

Кузнинг сўнги куни–сўнги хабардай
Дарахтдан барг бўлиб тўкилди. Тунги
Шамолнинг қаноти толди сафардан
Деворга, юлдузга нелардир сингди.
Бемор кўзларида–оқшом ва шаҳар.
Қимирламас баланд уйлар, чироқлар.
Унга бу манзара оддийга ўхшар,
Осмон–муаллақлик, хотиржам боқар.
Ҳар куни бир хилда кечар ҳаёти,
Кетиб қололмайди аллақайларга.
Дўстларим–севимли иш, машғулоти,
Кутмоқ ва тикилмоқ тўлган ойларга.
Қаричлаб–қаричлаб кўради такрор
Серажин ўтмишин жиддий, жимгина.
Яланғоч хона ҳам кўринмас беор,
Неки ўтди-оғриқ, тутар бегина.
Бугун ҳаётининг энг сўнги куни,
Эҳтимол, эртанги кунга бир зина.
Нима бўлса ҳамки, ўйлари унинг
Туғилмоғи керак–улкан тантана.

II

Зерика бошлади яланғоч боғлар,
Куздан ҳам муҳимроқ ташвишлари–ла
Банд одамлар унга боқмасдан ўтар,
Куз кетди, қўл силтаб, чала ишларга...
Ёмғир ва шамоллар. Видо ва умид
Мен билан сўзлашди кадрдон тилда.

Куз қуёши кулди майин ва хушнуд
Тонггача ёмғирда ювилган йўлда...

III

Омадсиз ва оғир кун кечди—
На хат келди, на ёғди ёмғир.
Кузги само сукутни кучди,
Боғлар бокди паришон, дилгир.
На қўл ургим келди бир ишга,
Қушлар қуйи ҳазин туюлди.
Фақат шаҳар доим ташвишда,
Шовқин пўлат бўлиб қуйилди.
Қабристонга йўл олдим ёлғиз...
Яқинлашиб борганим сари
Унсиз инди қуёш ботар кез
Дарахтларга шамол уҳлари...
На қўрқитар, на севинтирар
Мармар тошлар, буюк, ҳайкаллар.
Бунда барча боқар баравар,
Барча бирдан берар саволлар.
Катта-кичик, таниш-нотаниш
Қабрларга нигоҳин чизиб,
Оғир кун ҳам топди осойиш
Қабристонни мен билан кезиб...

IV

Ёлғиз яшаб ўтди бу дарахт,
Ариқ бўйи, ўрмон четида.
Ҳеч ким унга тиламади бахт,
Воз кечишди кесмоқ ахдидан.
Ёрилтошдай ёрилди дарахт—
«Ёмғир-қувонч, билмайсан, яшин!
Умрим ҳали битилмаган байт,
Ҳаёт эса ҳамиша ширин.»
Кеч танишди—булутлар увлаб,
Қучишган дам дарахтни масрур.
Қора гулхан каби шовуллаб,
Йиқилди у ғамгин ва мағрур.

V

Куз бағрини тилди мусибат,
Барглар—ҳазон ёшлик сурати.
Сийраклашар юлдузлар, фақат
Туман эди тонгнинг дастхати.
Тилсиз ғамдай эриб аччиқ ҳид,
Пайдо бўлди париваш сиймо.
Уфқ ёнди!—севинчдан ёхуд
Изтиробдан туғилган дунё.
Бошин маънос кўтарган шамол
Қучди ярим яланғоч боғни.
Япроқларни сарғайтди ҳаёл—
Қайтмас ёди баҳорги чоғнинг...

1983. Москва.

ДЕНГИЗ

1

Кўз илғамас уфқлар тилсиз,
Сирин сочар шамол бағрига.
Шовуллаган осмонми, денгиз,
Тун отилар тубсиз қаърига.

Калта, кесик қўлларин чўзиб,
Сукут сақлар метин қоялар.
Қучоғида оромдан безиб,
Судралади қора соялар.

Қўшилишиб оқар тўлқинда
Ой нурида елган ҳавасинг.
Денгиздаги уйғоқ шовқинда
Юлдузлар—ла чўмилар сасинг.

2

Осмон чексиз. Ҳислар беғубор.
Қирғоқларга тўлқин урар бош.
Шовуллаган денгизда бедор
Болаликнинг шўхлиги юввош.

О, нақадар сўлимсан, оқшом,
Сочларимга ой нурлар таксин.
Бу дам мендан йироқ қора ғам,
Кўзларимда юлдузлар рақси.

Қудратлисан денгиз жамоли,
Тушгим келмас илҳом аршидан.
Денгиз. Қуёш. Тонгнинг шамоли
Ҳайратимга тўлди қаршимда.

3

Қаршимизда ажиб, мукамал сирлар,
Ернинг ташвишидай бетакрор, чексиз.
Эҳтимол, бизлар ҳам энг сирли нурлар,
Кел, бир умр бирга бўлайлик, денгиз.
Бу олам турланар, нурланар тенгсиз
Янги фикрларнинг остонасида.
Биз эса юксакни қучайлик, денгиз,
Орзуларнинг мовий, хуш нафасида.

Бизни изласинлар бахтнинг номидан,
Йўлларимиз-қуёш, ой, юлдуз изи.
Заминдай боқий бўл, соф гўё осмон,
Юракни тарк этма илҳом денгизи!

1985. Киев

К У З

1

Яна куз бағрида шимол шахари,
Боғларда ёмғирдан сўнгги тароват.
Силкинди-ю, кўчди ҳали охори
Тўкилмаган яшил барглардан роҳат.
Қайгадир шошилган учқур шамоллар,
Рухимга самовий кенгликлар битди.
Куз умрдай шошар, бахтдай кеч қолар,
Куз билан юрагим қўшилиб кетди.

2

Севаман-шамоллар тўхтамай учди,
Севаман-тиз чўкиб йиғлади осмон.
Севаман-юлдузлар видосиз ўчди,
Севаман-бахтимга тўлади бу тонг.
Сунбула ўйлари ўғирлар тинчни,
Олам энг нурафшон ҳисга тўлади.
Қучганча олисдан келган соғинчни
Кузга юрагингни тўккинг келади.

3

Охирлашар, охирлашар куз,
Оғирлашар, оғирлашар кўк.
Шитирлашар, шитирлашар ўқ
Каби учган хазонлар бу кез.
Фақат туман ва аччиқ шамол.
Осмон энди қушсиз, булутсиз.
Сирларини айтмай кетди куз,
Эрта қишга айланди хаёл...

4

Кузги ажиб қуёшли кунлар
Маъюс руҳинг енгил тортади.
Унутилар ёмғирли тунлар,
Бемор бугун уйга қайтади.
Шифохона палатасида
Бемор кўрган туш ила оғрик
Унутилар куз нафасида
Улар-гўё тегмай ўтган ўқ.
Уйга қайтар, оппоқ халатлар,
Ўлим ила ҳаёт кураши,
Шу палата ва шу дарахтлар
Хотиранинг бўлар оташи.

5

Ёмғир билан елган шамолни
Кўзлар қалбга бошлаб келади.
Бугун тарқат совуқ шамолни,
Эртага кун очик бўлади.
Кузги қуёш нурида ёнди

Хўл баргларнинг маънос чехраси.
Келар кунлар қушдай уйғонди,
Қанотида Бахтнинг нафаси.

6

Кузги тун осмонида
Юлдузлар уйғонмоқда.
Шамол ҳаяжонида
Тун меҳрга қонмоқда.
Қуйилади хотирга
Қайтмас кунларнинг ранги.
Белангандай оқ нурга
Кузги боғлар оҳанги.
Қайтмас йиллар сурати
Ўхшаб кетса кузакка,
Уни қуйлаш роҳати
Осон тушмас юракка!..
Шовуллаган япроқлар
Саволига кўмилдим.
Ёшлиқ мендан узоқлар,
Ҳар они олов бўлди.
Умримнинг ўртасига
Етай-етай деб қолдим.
Қадамларим сасига
Юрагим қулоқ солди.
Умр-сизмагай сўзга,
Умр-бўлмагай изсиз.
Айланмасдик биз кузга
Яшай олганда ҳиссиз!..

7

Кузнинг кўшиқлари бесас оқмоқда
Сўнги япроқларда, сўнги ёмғирда.
Қушлар хаёлга ўт ёқиб ўтмоқда
Хувиллаган боғда, шамолда, нурда.
Тинимсиз ёмғирдан эзилар ер ҳам,
Кимнингдир ёдига тушар баҳорлар.
Дарчадан узоққа узоқлар оқшом
Барглар тўкилади олтин сахарлар...

8

Ташқарида ажойиб ёмғир,
Унуттириб юборар ғамни.
Куз узоқлаб борар, негадир
Бу айрилиқ эзмас одамни.
Ташқарида ажойиб ёмғир,
Қуттиради ажиб хушхабар.
Бўлмоқдаман ҳайратга асир,
Келмоқдаман дунёга такрор...

1985. Москва

ШАҲАРДА КУЗ

1

Баҳор рангларини унутмоқдаман,
Сарғиш япроқларнинг хонишин тинглаб.
Ёмғирли шамолга қўл тутмоқдаман,
Кўча чироқлари ёнади титраб.

Сўнгги троллейбус тушириб кетар
Бекатма–бекатга одамларини.
Оз қолди, менинг ҳам бекатим кутар,
Ёмғир санай бошлар қадамларимни.

2

Совуқ еллар эсиб қолди боғларда,
Эшитилмас энди қушлар овози.
Умрим, ўтмоқдасан кўп сўроқларда,
Қачон бошланади сенинг парвозинг?

Кечикиб келдинг деб қилмасму таъна
Ранг–баранг қувончлар, беадад бахтлар?
Йўлимда баҳорни бошларму яна
Қаршимда дийдираб турган дарахтлар?

3

Хаёл сурган билан зерикмас осмон,
Эринмай кутади баҳорларини.
Шаҳарлар кузига дўст этдим бу он
Умримнинг энг гўзал сахарларини.

Сокин ўйларимга урилаётган
Беадад шовқиннинг чексиз шодлиги
Мени қувонтирар қурилаётган
Қалбдаги шахримнинг умрбодлиги.

1985. МОСКВА

ТАБИАТ РАНГЛАРИ

1

Кўз ёшларинг шунча мўлмиди,
Осмон, осмон-дардим, қувончим.
Киприкларим тундай хўлмиди,
Ёмғирларга қуйилди тинчим.

Севмай бўлмас тунги оҳангни,
Ёмғир, шамол, мен ва чақмоқлар.
Излагандай мукамал рангни
Йўлга чиқдим тонг отар чоқлар.

2

Ёмғир билан ювилган йўллар
Намхуш гуллар ҳидига тўлди.

Уфқ қизғиш саломлар йўллар,
Кўкдан олтин нурлар тўкилди.

Боғлар олиб қолди кўкламни,
Хаёлингни шамол сочади.
Табиатнинг бағрида овоз,
Чексизликлар баҳринг очади.

Юрагимга битдим бу рангни,
Қуёш, еллар ва навбаҳор.
Ҳар қадами гулзор бу тонгнинг
Йўлларига туташ умрим бор.

3

Қушлар куйлаб ўтди кўкни тўлдириб,
Ортидан бир қучоқ ҳавасим қолди.
Юрагим тубидан пиёда юриб,
Кўзларимда умри шўҳ сасим қолди.
Қушлар билажаклар-уфқ ортида
Қай тилда шивирлар шамол ва ёмғир.
Қушлар қайтажаклар—
менинг юртимда
Баҳорсиз яшамоқ нақадар оғир!..

4

Булутлар кўчмоқда
Оппоқ ва ҳарир,
Яшил ер куйлайди.

Оқлик, яшилликнинг
Ўртасида нур,
Юрак сўйлайди.

Булутлар тўкилар-
Баҳорий зарра,
Заминда хуш бўй.

Мовий кенгликларга
Бергандай оро
Қуёш, олов қуй!

Шовуллар денгиздай
Ўйчан кўзимда
Осмон ва тупроқ.

Табиат ранглари
Оқар изимда
Яшил ва оппоқ.

1986. Тошкент.

ОНАЛИК БАХТИ

I

Қишлоқ. Салқин ва юлдузли тун.
Ярашади тўлин ой кўкка.
Деразадан мўралаб секин
Кўзи тушар менга, бешикка...
Ҳавасими... ортгани сари
Бешикни зар нурига белар.
Ёлғиз ўтган аёл сингари
Ҳаёлига нелардир келар.
Алла айтиб, бешик тебратган
Менинг эса бахтим чексиздир.
Ойни армон каби титратган
Қаршимдаги тонг–янги сўздир.

II

Ҳали туннинг ярми, ухлагин болам,
Ҳали бутун борлик уйқуда, алла.
Юлдузлари сайрга чиққан фалак ҳам
Ҳилолга айланган туйғуда, алла.
Ҳаёлотга тўлиқ тунлар қучоғи,
Сен эдинг орзуим, эртагим алла.
Сен билан сезилмас ташвиш, чарчоғим,
Сен-сўзим, маслагим, тилагим, алла.
Тонг қучоғи қуёшнинг нурига тўлган
Йўлларга сен билан боқарман, алла.
Беғубор нигоҳинг завқини туйган
Гулларга сен билан ёқарман, алла.
Куласан, кулгингда нурларнинг рақси,
Вақт эса оқаркан биз билан, алла.
Камолга етканинг ҳар битта баҳсинг
Сездирганда ажиб ҳис билан, алла.
Болалик, шўхлигинг қўшиқ ва эртак
Коби тилларимга бойланар, алла.
Умринг–юрагимдан бошланган бешак,
Умр йўлларимга бойланар, алла.
Ёшлик-ўйларида турфа ранг очиб,
Гўё ниҳояси парвоз, алла.
Сен ўша сирларни юлдузга сочиб,
Ёшлигим боғидан ҳуш овоз, алла!

III

Кўзимда кенгликлар сузади,
Кенгликни юракдан туяман.
Бағримда шамолар кезади,
Уларни онадай суяман.
Ел куйидан тебраниб майса,
Раққосага айланди дилбар.
Қадамида чечаклар унса,
Туйғулари кенгликлар қадар–
Тилга кираётган боламнинг,
Йўлга кираётган боламнинг...

1986. Самарқанд

ХОНСУЛУВ МОМОНИНГ АРМОНЛАРИ

I

«Ёшим бир жойга етиб, қора сочим оқ бўлди,
Бу дунёда кимлар ҳақ, ким эса ноҳақ бўлди.
Умримни қоқ иккига бўлгувчи фироқ бўлди,
Дардим қуёшу ойнанинг йўлидай узоқ бўлди,
Ҳеч она айрилмасин экан ўз боласидан.

Кўп нарсани айтдим-эй, кўписини айтмадим,
Кўп нарсадан қайтдим-эй, кўписидан қайтмадим.
Бу дунё томошаси-турфа одамлар бордир,
Мен босиб ўтган йўлу босмас қадамлар бордир,
Ҳеч она айрилмасин экан ўз боласидан.

Умр эса серташвиш, чексиз саволга тўлди,
Насибам гоҳи аччиқ, гоҳ тахир, гоҳ бол бўлди.
Кўзларимни тўлдирган осмондай хаёл бўлди,
Момонгиз фарзанд доғин билгувчи аёл бўлди,
Ҳеч она айрилмасин экан ўз боласидан».

2

Хонсулув момонинг
Эшиклари қулф.
Қайтиб келолмайди
Энди бу ерга.
Қаровсиз боғида барглар тўзғийди.
Кузнинг сўнгги куни.
Пастаккина уй.
Ором тополмаган умр сингари
Бир парча ҳовлида шамол изғийди.
Нураб борар девор,
Занглаб борар қулф.
Занжирлар бандида
Йилларнинг муҳри.
Раҳматли Хонсулув момонинг ўзи
Булардан беҳабар
Ухлар, туш кўрмай
Ухлаш мумкин бўлган
Тупроқ - тўшакда

1986. Самарқанд

АРМОН

(ўғлим Ҳасаннинг хотирасига)

I

Қийналаман
Чиза олмай
Кўзлардаги мунгларни.
Қийналаман
Унутолмай
Ёнолмаган тунларни.

II

Юракдан
Қабрга уланар излар.
Юракдан
Қабрни ювади кўзлар.
Юракдан
Қабрга сингади сўзлар...

III

Сукунат.
Сукунат кутади кимни...
Куз келди,
Куз келди, кучди умримни.
Ёмғирлар,
Ёмғирлар тинглар дардимни...
1986. Самарқанд.

ЎЗБЕКИСТОН МАНЗАРАЛАРИ

I

Гулбаҳор, ҳаётбахш ёмғирларинг бор,
Борликни яшнатгай, эркалаб суйгай.
Пойимда лоладай ловуллайдим май
Сочилиб кетади биллур томчилар.
Дарахтлар шивирлаб силкинганда шўх,
Юракда ҳайратнинг чегараси йўқ.
Шафакнинг нурлари эркин, ол, ойдин,
Қаршингда–кечалар уйқусиз, ёркин,
Ҳар кадам, ҳар ўйга йўғрилар нурлар
Умри йўли-қувонч, армон, туйғулар...
Тупроқ кўчаларга уланган кирлар
Йўлга чиққанингни гўёки билар.
Умрим табиати, баҳордай тўлдинг,
Болалик–жамалак сочли қизалоқ.
Томларни безаса лолақизғалдоқ,
Шамоллар сен билан қўшилиб кулди.
Чамандай очилди ҳислар–гулларинг,
Ватан тушунчасин англаб етган кун!

II

Табиатда маъсум табассум. Сокин
Янги тонг олдидан салқин ҳавода
Энтикиб кетасан—Ҳаёт. Сабода
Қуёш чиқишидай юракка яқин,
Таниш, жуда таниш куй таралади,
Анҳорларни бўйлаб куз жим келади.
Учқур шамолларни кузатиб олис
Япроқлар титрайди ўтинчли ҳисда.
Ҳаёли бепоён осмон бу кезде
Ёмғирдай тўкилган—айтилмаган сўз.
Қушлар сайрай-сайрай учишган чоғлар
Олмос қанотига қуёш нур боғлар.

III

Мен қиёс изласам, Сиздан бўйладим
Умримга, қалбимга, қалбим ҳиссига.
Ватандан сўзлашса, Сизни куйладим,
Қуёшдай нур сочар айтар сўзимга—
Она Ўзбекистон манзаралари!
Ёмғирдан сўнг хушбўй тупроқдан оқар
Кўклам таронаси. Тиниқ сувлари,
Кузнинг кучоғида дардим ярқирар
Ҳисларимнинг мангу пок сулувлари—
Она Ўзбекистон манзаралари!
Майсазор, дарахтзор, қир—адирларнинг
Қуёшли ҳаёлга тўла кучоғи.
Табиат бағрида пинҳон сирларнинг
Қанча очсанг, шунча йўқдай адоғи—
Она Ўзбекистон манзаралари!
1987. Самарқанд.

УМР КУЙЛАРИ

I

Умримни оралаб мунис куй топдим,
У ҳар бир изимга уланиб кетди.
Ҳаётни ифода этган ўй топдим,
Қуёшнинг рангида турланиб кетди.

Сўнгра уфқ каби сочилиб борди,
Ҳар кунги турмушнинг ташвиши бўйлаб.
Қалб йўлдоши – тонгга дардларин ёрди,
Дунёнинг ажойиб ишларин ўйлаб...

Дунёнинг ишлари инсондай оддий—
Заминни, самони асрайлик куздай.
Замона руҳидай теран, самимий—
Инсонни асрайлик бебаҳо сўздай.

II

Умримни оралаб мунис куй топдим,
Дунёда борлигинг экан, Ватан.
Ҳаётни ифода этган ўй топдим,
Бахтингга ёрлигим экан, Ватаним.
Сенсиз яшай олмас эканман, асло!
Қучоғингда қуёш, далаларим бор.
Шу чексиз далалар куйида, илло,
Ширин-ширин фарзанд–аллаларим бор.
Сўнгги нафасгача алла айтурман,
Зеро, меҳрим ҳам-шу, аёллигим-шу.
Сендай она бўлсам серфарзанд, Ватан,
Асли, бахтим ҳам-шу, ҳалоллигим-шу.

III

Умримни оралаб мунис куй топдим,
Ишқимиз битилган изимиз–у, ёр.
Ҳаётни ифода этган ўй топдим,
Йўлларига айланган ҳиссимиз-у, ёр.

Йўллар–бизнинг дунё битик харита,
Катта-кичик юртлар–ғам, шодлиги бор.
Биз каби дунёга келмагай қайта
Умримиз тимсоли–ҳислар бугубор.

Дарахтлар–заминнинг баланд ўйлари,
Биз туғилган тупроқ ўйлари улкан.
Биздан шу из қолсин–умр куйлари,
Дунё, юрак бахти–Муҳаббат экан.

1988. Самарқанд.

У М Р

1

Сунбула ўйлари борлиққа инди,
Тиниқ тортди сувлар, тиниқ тортди қўк.
Сезилар-сезилмас эсан намхушлик
Изларида кузги давр кўринди.

Қуёшнинг сержило, илиқ нурлари
Олтин япроқларга дostonлар битди.
Дарахтлар бу тунни интизор кутди
Юлдузларга айтмоқ бўлиб сирларин...

Ёшлик–япроқ каби учаётган қуш,
Уфқлар ортига ўйимни элтди.
Ҳатто ойнанинг олис нурин илитди,
Ёшлик–армонлардан кечаётган туш...

Ёмғир хидларига чулғанган йўлда
Рухим табиатнинг бағрига сингди.
Умримнинг армон ва умиди ёнди,
Ҳаёти курашдан иборат дилда.

Ишқнинг унутилмас куйими, сасинг,
Шамол қанотида, о, кузги оқшом.
Толиққан асабга беради ором
Бахтга ёр этгуси тоза нафасинг.

Ёшлигимни эслаб шеърлар битгуси
Қанча йиллар ўтди–ўтар сеҳрли.
Юрак бўлди–бўлар Ойга меҳрли
Нурларида ғамлар эриб кетгуси.

2

Сулув-сулув боққан ёруғ кунларда
Тўлиб борар ҳар он турфа чечакка.
Не тонг, умринг ўхшаб кетар эртакка
Тарам-тарам оққан ойдин тунларда.

Бу қандай синоат, бу қандай кураш,
Кириб келаётир олтин либосда,
Умрим кузи ҳар бир азиз нафасда
Битиб кетаётир туганмас бардош.

Оқшомлар кўксимга ботаётир ўй–
Чиндан бахтлимани ё унинг акси...
Қорачикларимда кўкларнинг рақси,
Қушлар қанотида ҳаволанар куй.

Оналикнинг улуғ азобин тотдим,
Ҳар куни уйғотди қуёш орзуси.
Ўлим қўлларимда минг бор ўлгуси,
Ненидир топсам–да, недир йўқотдим...

Ёмғирдан сўнг ажиб хидлар уринар,
Ҳамон ҳаёлимни тарк этолмасдан,
Шеърдан ўзгасига сир айтолмасдан
Титраётган мунглар нечун суринар?

Бефойда-минг йиғла, минг куй, минг қидир,
Бу ёғи–кеч кузак, қайтиб келмайди.
Ҳеч қачон ҳеч кимга айтиб бўлмайди,
Сизиб ўтаётир умримдан хотир.

Тун тугаб бормоқда, атроф қоронғу,
Сўнгги юлдузларнинг чароғонлиги,
Қуёш чиқар оннинг фаровонлиги
Юракда уйғотар беқиёс туйғу.

Тонгни ҳеч ким кутмас кўзини ёшлаб,
Тунга сингиб кетган қайғуларимиз –
Тонгда униб чиққан орзуларимиз
Бизни қуёш сари кетарлар бошлаб...
1991. Самарқанд.

САМАРҚАНД

1

Самарқанд-тун ардоғида,
Юлдузлар намоиши.
Қадим пойтахт қучоғида
Кезар шовқиннинг туши.

Самарқанднинг кўчалари,
Қадим–қадим ва ўлмас.
Таралади кечалари
Минор, гумбазлардан сас.

Мисли қадам ташлайди
Олис йўлларнинг ёди.
Мушоира бошлайди
Регистон хаёлотини...

2

Сўлимлашди тунги Самарқанд,
Чироқларнинг тиниқ ёғдуси.
Минорларнинг ўйлари баланд,
Юлдузларнинг келмас уйқуси.

Юзларингга урилар нафис
Ёзнинг салқин, хушбўй шамоли.
Ой шаҳардан узолмайди кўз,
Кўзларимда-юлдуз хаёли...

3. ШОҲИЗИНДА

Сиғингали келдим, сирли зиналар,
Олис мозий ила уйғун келажак.
Ҳар битта зинада умрим синалар,
Ҳисларимга гувоҳ бўлмоқда фалак.
Сизни санайвериб саналдим телба...
Барча гуноҳларим айланди ёшга.
Оятлар инмоқда титраган лабга,
Толиққан руҳимни берай бардошга.
Мадад сўраб келдим, тош сағаналар,
Улуғ аждодларим муқаддас руҳи.
Тилсиз сукунатнинг бағрида бедор
Эшитилмас ҳатто шамоллар уҳи.

Намланди хаёллар нуридан киприк,
Бунда ҳар бир одам сўз каби тирик.
Изтиробдай мангу, изтиробдан тик,
Икки олам аро бир қадам кўприк!

Хаётнинг туганмас бахт нафасида,
Курашим-ибтидом, интиҳомда ҳам.
Ушалган, ушалмас орзу сасида,
Ҳеч кимда айтилмас илтижомда ҳам.

Меҳробга сингиди борлиқ-нигоҳим,
Оллоҳ инояти ҳис этди юрак.
Шу жаннатга тўккил безабон оҳинг,
Ҳақ йўлига бошлар узун тош йўлак...

Нақшин мақбаралар, виқорли девор,
Гумбазлар-тарихнинг палакларидир.
Ғамлардан мосув чаманларим бор,
Унсиз ибодатим-чечакларимдир.

4. БИБИХОНИМ

Олис мозийларнинг қатидаги нур-
Дунёнинг сирлари мўлми, бибижон?
Ишқ майдони аро бўзлатса тақдир,
Дунёнинг киприги хўлми, бибижон?

Бибим, тушингизга кирганми дарё
Тўлдириб оққанда одам қонини?
Қай рангда товланиб кетган бу дунё
Худо сақлаганда Темур жонини!..

Мен—ку, изтиробнинг ранглари билан
Қалбингизни англаб етмоқ истадим.
Майлига туш бўлсин, Сиз билан олис,
Жуда олисларга кетмоқ истадим...

Мадад беринг, бибим, йўллар энг бахтли
Йиллар қанотида армондан қайтсин.
Мадад беринг, бибим, ишқнинг номидан
Рухимда ёришган шеър тонгги отсин!..

5

Онам севинчлари руҳига сингган,
Отам меҳри ила боғ каби унган.
Йиғим ва кулгумни севиб қолган—у,
Гўдакликдан ҳидим тўйиб олган—у,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Эритиб юборар қайғуларимни,
Юлдузли сирдоши орзуларимнинг,
Кўрган юрагимнинг ёғдуларини,
Сатрга чизилган туйғуларимни,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Нақадар кенг, шаффоф гўдак олами,
Андухсиз эртақдир босган қадами,
Кўздаги ёшингни артаркан такрор,

Дардингни ўзига ортар беозор,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Баҳор ёмғирида биллур ва хушбўй,
Энг нозик товушли дутордаги куй.
Қанотли шамоллар нафаси билан,
Болаликнинг мангу ҳаваси билан,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

1993. Самарқанд.

У Л У Ё Б Е К

I

Сирингизни олис, тили йўқ
Юлдузларга не деб айтдингиз?
Самоларни тешиб ўтган ўқ-
Армонлардан қандай қайтдингиз?
Ҳасратингиз ҳазондай тўшаб,
Кўзимизни очган тун қани?
Самарқанднинг йўлида жўша—
Жўша оққан қонли мунг қани...-
Бобожоним, Улуғбек бобом,
Тийрак кўзли, чин ўзбек бобом.

Қадим пойтахт тиниқ осмони
Нечоғ тубсиз, нечоғ улуғвор!
Эриётган ойнинг армонин
Бўзларида мозийдан викор.
Тафаккурнинг ёруғ нурларин
Бўғмоқ бўлган қора тун қани?
Хоинларнинг ҳасад сирларин
Ниқоблаган гунг исён қани!...-
Бобожоним, Улуғбек бобом,
Қилич сўзли, чин ўзбек бобом.

Табиатнинг турфа ранглари
Ўрайверар Чўпонотани.
Сўзлайвериб, кетдим—ку қариб,
Абдулатиф қилган хатони!..
Саноғига ҳеч етиб бўлмас
Дардларимни терган тун қани?
Улуғбекнинг бошини эмас,
Ер ва кўкни ёрган қин қани!...-
Бобожоним, Улуғбек бобом,
Султон изли, чин ўзбек бобом.

Ҳиёнатнинг дастидан дод—а,
Аламингиз келганми ичиб,
Уфқ тутар қонталаш бода,
Тонг шамоли келмоқда учиб,
Дарчалари кўзмунчоқ дунё
Қўлларида титрар тун қани?

Рухингизга уланган садо—
Тарихларга она ун қани!..-
Бобожоним, Улуғбек бобом,
Достон сўзли, чин ўзбек бобом!

II

Не асрлар кечди суронли,
Не қасрлар кулади, ёнди.
Не асрлар ичди бўронни,
Не қасрлар қайта уйғонди.
Кўпга ўхшар айтар сўзларим—
Улуғбек юлдузлари.

Не шоҳларни кўрмади жаҳон,
Дарё каби оқди бахт, ҳасрат.
Абадийдир юлдузли осмон,
Дунёлар тўлдирган ҳайрат.
Юлдузларни қучди ҳисларим —
Улуғбек юлдузлари.

1993. Самарқанд.

ФАРҒОНА САФАРИ

1

Қайдасан, Фарғона, эй сўлим гўша,
Гўзал таърифингни эшитганим бор.
Зарафшонни кечиб, тоғлардан оша
Насиб этди сен-ла кўришмоқ дийдор

Фарғона, табиат сени ардоқлаб,
Ям-яшил ранглардан кийдирмиш либос.
Тоғларингдан оқиб ўтар ўйноқлаб
Дарёга қуйилган энг зилол нафас.

Фарғона, ўзбегим, танти дилкашим,
Оқкўнгил, меҳнаткаш меҳмондўст элим.
Ҳар чехра ҳар сўзда меҳр, оташлим,
Қуёшли бағрингда яйрайди дилим.

2

Яна қайтгим келди ёнингга, қалам,
Изларинг тафтини сезай деб дилда.
Сирим битгим келди қонингга илҳом,
Йўлларим тугасин сен тугар йўлда...

Сенгача ҳеч нарса кўрмагандайман,
Сенгача ҳеч сўзни билмагандайман.
Сенгача заминда юрмагандайман,
Сенгача дунёга келмагандайман...

Тонг майин нуруни менга узатди,
Титради осмонни қучган туйғулар.
Шамоллар сочимни ёйди, таради,
Нур бўлиб сочилиб кетди орзулар.

Йўл эса тугамас, бу йўллар олис
Ўтмиш ва бугуннинг ўлмаган жони.

Маили, жоним олсин шу муқаддас ҳис,
Бир кўрай деб келдим жон Фарғонани...

3

Марғилон боғлари, ҳаволар дилбар,
Ям-яшил ҳавасни таратади ҳид.
Жон олар табассум ўлмас жон қадар,
Фаришта кўчалар чехраси хушнуд

Чинорлар викорли, тинглайди осмон,
Мозий қаламининг атлас меҳри бор.
Қодирий хайрати билан Марғилон
Ишқнинг тимсолига айланган ашъор.

Шоирлар диёри, тарих дафтари
Тош билан ёзилган изингга тўлди.
Ўтмиш узоқлашиб боргани сари
Тиниқлашиб борган хотирот бўлди.

Бу қадим шаҳарлар сири яширин,
Бу сўнгги аркларнинг димоғи баланд.
Мен ҳам тутмоқчиман юрагим қўрин,
Шоирлар руҳидан мадад бер, Хўқанд!

4

Водил кучоғида салқингина тун,
Рухимда ўсади энг кўркам тоғлар.
Сойларга қўшилиб кетасан беун,
Эгилиб–эгилиб шовуллар боғлар.

Сўзларнинг сеҳридан қайта туғилиб,
Оқшом ҳайратини ичди шоир дил.
Яна ортга қайтмас ҳисларга тўлиб,
Шеър айтиб, шеър тинглаб, тонг кутди Водил.

Фарғона боғлари ғазаллар ёзди,
Куй бўлиб чайқалди ҳавода ҳидлар.
Баҳор кучоқ-кучоқ гул билан кезди,
Илҳомнинг онаси бўлди умидлар.
Фарғона айланди илҳомга, сўзга,
Фарғона-юракда очилган дафтар.
Туғёнлар туғилди ҳар битта изда,
Рухнинг эркинлиги нақадар дилбар!

1995. Фарғона.

БАҲОР ТУЙҒУЛАРИ

1

Табиатнинг яшил тилаги,
Баҳоргинам, неча ёшлисан?
Айтиб адо бўлмас тилагим,
Осмон кўзлим, нега ёшлисан?

Тонгнинг майин нафасларида
Чопқиллаган гўдагиммисан?
Шамолнинг шўх наволарида
Ёшлиги ўт юрагиммисан?

Булутларнинг кўчинчи охи,
Изларида чақмоқ, чақинлар.
Қанотида қуёш нигоҳи
Билан қайтган қушлар—оқинлар.

Баҳор, номинг аёлга монанд
Боласига алла айтган чоқ.
Қувонч ва ғам рангига пайванд
Ҳайрат билан ҳаётга қайтмоқ.

Баҳор ёшни билмоқлик—не сир!
Баҳор ёши ҳайрат билан тенг.
Шу ҳайратнинг онаси, охир,
Аёл ёши-ҳаёт билан тенг.

2

Исми юрагимга яқин бир севинч,
Баҳор, яқинлашиб келмоқда баҳор.
Жисми жисмим аро чақин бир севинч,
Баҳор, яқинлашиб келмоқда баҳор.

Узоқ қолиб кетган қишнинг бағрида
Бойчечак орзулар омондир, омон.
Қуёшнинг тафтидан, замин меҳридан
Камалак туйғулар омондир, омон.

1996. Самарқанд.

ҚИРҚ ЁШЛИ ҚИЙНОҚЛАРИМ

1

Кузнинг қучоғига тўкиб соламан
Қувонч ва алами бор достонимни.
Мен унинг бағрида йиғлай оламан
Соғиниб келгандай онажонимни.

2

Сокин шилдирайди сойларда қўшиқ,
Осмонда кўринмас на булут, на қуш.
Фақат олисларда қизаради уфк
Уйғониб кетгандай кўриб ширин туш.

3

Йилларнинг бешафқат шамолларида
Қабрлар кўпаяр, қабрлар чўқар.
Чақмоқнинг бир онлик хаёлларида
Яшашдан ҳам бахтли лаҳзалар кечар.

4

Унутар экансан аламларни ҳам,
Унутар экансан кўз ёшларингни.
Фақат унутишинг қийин бўларкан
Унутишга етган бардошларингни.

5

Хосиятли кунлар бағрида
Юрагимни кутади шодлик.
Шу бахтиёр йиллар қаъридан
Бир сўз топсам қурбон бўлгудек.

6

Куз дардига дардинг қўшади, дунё
Боқар соғинчингдан бахтиёр каби.
Вақт бизни шошириб жўшади, илло,
Учқур туйғуларга тўлмоқда қалбинг.

7

Неки ўтган бўлса, ўтди-бетакрор,
Бир кучоқ хотира, ўтли хотира.
Юрагимда ажиб туйғуларим бор,
Улар ўлим ҳақда ўйлатмас сира.

8

Чорламоқда янада нурли,
Рангин тонгда кўз очган ўйим.
Унда ҳаёт ва ўлим ерлик,
Ерлик эрур юрагим, куйим.

9

Шамол булутларни бир–бир кўчдирар,
Осмон кўзларимнинг рангин кўчирар.
Юлдузлар чўмилган дарё ҳар оқшом
Уйғоқ тунларимни бир–бир кечирар.

10

Тонглар отаверар экан беғубор,
Кунлар ўтаверар экан бетакрор.
Фақат биз келмаймиз қайта оламга,
Шуни сиғдирилсам басдир қаламга!

11

Тонг чоғи насимнинг тоза нафаси
Туғилган гўдакдай ҳоли ғубордан.

Умринг оқимида Вақтнинг ҳавоси,
Умрингнинг ҳикмати-сочдаги қорда.

12

Тунга сингиб бормоқда юрак,
Тунги ўйлар-тунги гулларим.
Қишдан омон чиққан бойчечак-
Болаликнинг қайтмас йўллари.

13

Ойдинликда тиниқ бир ҳавас
Болаликдай сизиб ўтади.
Мени ҳали унутган эмас
Юлдузларга ўйим етади.

14

Қўлимни соғинган қаламни
Тонгга узатаман, ўпади қуёш.
Жуда кўргим келиб кетди онамни,
Онам кўзларига ўхшайди бардош.

15

Ёлғиз кезгинг келар кенг ўрмонларни,
Япроқлар шитирлар муқаддас эртақ.
Шовуллаб тўкилган ҳўл ҳазонларнинг
Рухини қучоқлаб покланмоқ керак.

16

Соғиниб қарадим осмонга,
У мени кутганга ўхшади.
Тўлиққан қалбимни уммонга
Кўш-қўллаб тутганга ўхшади.

17

Боғлар аро туннинг салқин ҳавоси,
Мендан жуда узоқ йўллар бошида
Бахтли болаликнинг тиниқ навоси
Тинмай чақиради. Сукут қошимда...

18

Осмон шу қадар тор-унга сиғмас мунг,
Кимдандир яхши сўз кутгинг келади.
Осмон-қўзга сиғмас, шу қадарлик кенг,
Кимгадир яхши сўз айтгинг келади.

19

Қуёш урилади деразаларга,
Қалб қалқиб турибди қалам учида.
Уриниб кетаман манзараларга-
Куз тўкила бошлар баргдай ичимдан.

Ҳеч бир меҳнат мевасиз қолмас,
Ортда қолар ҳар қандай қийноқ.
Чунки ҳеч ким тўхтата олмас,
Тонглар отаверади оппоқ.

1997. Самарқанд.

СОҒИНЧ

1

Сезмай қолдим—олтин куз ўтди,
Қайга кетди энг сара ранглар...
Қалбни оғриқ тўла ҳис тутди,
Унут бўлмас соғинч жаранглар.

Дарахтларда ҳорғин саволлар-
Қовжираган барглар титрайди.
Шамол, ёмғир кимни савалар-
Кўзларимда недир портлайди.

2

Сезмай қолдим—қиш ҳам келибди,
Енгилгина, момикқина қор.
Аччиққина шамол елибди-
Дарахтларда музлаган виқор.

Кўнгилга энг яқин йўлдир—Кўз,
Мактубларга сиғмайди юрак.
Ёзилмасдан ёниб кетди Сўз—
Она, сизни кўришим керак!

3

Қишлоқ ҳаволари тиниқ бўлади,
Айниқса, сунбула субҳу сабоси.
Қуёш нурларида ёниқ келади
Момо еримизнинг тоза нафаси.
Мен сендан кетганим йўқ, кетмайман ҳам,
Сендадир—йўлимга кўз тиккан уйим.
Сендадир—боғларим, йўлларим, далам,
Қишлоқ—мендан бир зум айрилмас ўйим.

4

Тош шаҳар, тошқин шаҳар,
Келганимни билмадинг.
Бағритош, шошқин шаҳар,
Қишлоқчалик бўлмадинг!

Ҳар сахар уйғоқ туйғу,
Кенгликка йўл оламан.
Тош шаҳар, бўлганим шу—
Қишлоқ бўлиб қоламан.

Қорайиб борса–да, булут қорайиб,
 Торайиб борса–да, йўллар торайиб,
 Кенгайиб боради, осмон кенгайиб,
 Ажойиб кўринар, жуда ажойиб,
 Қуёш севгиси!
 Тонгларга ийланиб келар, ийланиб,
 Ҳидларга сийланиб келар, сийланиб,
 Гулларга айланиб келар, айланиб,
 Сирларга бойланиб келар, бойланиб,
 Баҳор севгиси!

1999. Тошкент.

ТУРКИСТОН

1. Садо

Хотирот қалбимда шам ёкур ҳар тун,
 Умримга боғланган энг узун тунлар.
 Мозийга туташган тупрокнинг оҳин
 Юрагимдан сизиб ўтказар йиллар.
 Миллион йиллар аввал, миллиард йил аввал
 Ҳеч ким билмас замин қай рангда кулган.
 Яна ҳеч ким билмас қайси ҳуш маҳал
 Илк бора қай юрак севги–ла тўлган...
 Лекин ҳаёт бўлган–тўкилган кўз ёш,
 Эҳтимол, бахт сабаб, ё қайғу сабаб...
 Ҳаётнинг онаси, ўзингсан, қуёш,
 Қўлингдан–нурингдан олайн тавоф!

2

Кўхна дунё кездим, одамлар кўрдим,
 Улар бир–бирига ўхшамас, сирли.
 Сўнгра Сўз тингладим–хаёллар сурдим,
 Қанотлари олов, қучоғи нурли.
 Қадим тарих учун ўтган ҳар аср
 Кўз юмиб, очгулик лаҳзадир, лекин
 Аждодларим руҳан бўлмади асир,
 Улар зулм билан қурашди кун–тун.
 Юрак, ёнолмасанг, яшашдин тонгин,
 Лабимда асаби тортилган нафас.
 Тошдаги ёзувга айланган ёнғин–
 Қулликка бош эгмас боши кетган сас!
 Йўлдаман–саробдир, зулматдир, нурдир,
 Барча йўқотишлар, қурбонлар ҳаққи,
 Йўлдаман–шамолдир, кордир, ёмғирдир,
 Қўлдан кетган, қайтар имконлар ҳаққи.

3

Қайдаки, авж олса, низо ила кин,
 Демакки, душманнинг йўлига йўқ ғов.

Қайдаки, унутдир диёнат ва дин,
Ул юртни қиличсиз қийратади ёв.
Қуёш боласисан, қадим Туркистон,
Сени қуёш ҳеч он ташлаб кетмаган.
Мудроқ туйғуларни уйғотган Қуръон
Ҳали ҳеч замондан шонсиз ўтмаган.
Олис аждодларим муқаддас руҳи,
Айтгил, эй қуёшим, мени қўлласин.
Туркистон тупроғи узра эрк туғин
Бирлашган турк элин қўли йўлласин.
Токи умид Орол каби сингмасин
Сарҳадсиз саробнинг қумлари аро.
Юракда уйғонган бўрон тинмасин-
Қулликдан ҳурликка интилган садо.

КУМУШНИНГ МАКТУБИ

«Ўтган кунлар» изидан

Мен–ку, жаннат кўргум Сиз босган издан,
Аммо Сизга ётдир бу қабих дунё.
Қўрқаман, ғанимлар кучлидир Сиздан,
Сизни балолардан асрасин, худо,
Бегим, от ҳозирланг, кетайлик бундан...

Нечун дилозордир ҳатто тоқатлар
Ширин сўз гадоси бўлган одамга.
Юлдуздай сочилиб кетди хасратлар,
Нукта қўйиб бўлмас гўё бу ғамга,
Бегим, от ҳозирланг, кетайлик бундан...

Вақти хуш қарғалар бердилар хабар,
Бу ҳижрон беомон, бу рашк беомон.
Қуйилиб турибди кулгудан заҳар,
Мен уларни ёмон кўраман, ёмон!..
Бегим, от ҳозирланг, кетайлик бундан...

Деворлар сиқади юраккинамни,
Ҳазин овозимдан титраб кетар шам.
Рад этманг, энг сўнгги тилакларимни,
Дўзахга айланиб кетмасдан олам,
Бегим, от ҳозирланг, кетайлик бундан!..

МЕН КЕЗГАН БОҒ

Усмон Носир хотирасига

1

Тунлар кутиб яшаганмисиз,
Болаликнинг эртақларини?
Қўшиқ айта бошлаганмисиз
Тутиб илҳом этакларини?

Эслайсизми узун йўлларда
Болаликнинг қайтмас палласин?
Кўрганмисиз хотир-йўллардан
Оқаётган она алласин!..
Кутганмисиз тонгни сўнг юлдуз
Видоларин тўккан мунис чоғ?
Бу дунёга келди қай хуш кез
Сиз яратган энг чиройли боғ!..
Айтинг, айтинг, сизга ёққанми,
Баҳорнинг илк шўх ёмғирлари?
Қалбингизга ойдаи бокқанми,
Муҳаббатнинг дилбар сирлари...
Чин ёр эрур сизга қай фасл,
Япроқларга ишқ битганмисиз?
Ёр киприги бахтдан бўлмиш ҳўл-
Юлдузларни дур этганмисиз...

2

Беҳисобми Туркистондан то
Сибиргача шоир босган йўл!
Оқардим сочдай беҳатто
Умрлардан узун ҳар бир йил?!
Бу қандай сир, қандай синоат,
Туркистонга тенг келмас ҳеч ер!
Шу бахт дея у куйган—Дарахт,
Умри қисқа, боқий бўлди шеър.
Шамол, ёмғир, қори Сибирнинг
Зор этдими қуёш нурига!..
Қандай қиёс топдийкин беун
Англаб етган ҳаёт сирига...
Қанчалик пок бўлса гар инсон
Шунча аччиқ бўлурми қисмат?!
Ҳар қадамда қувласа бўрон
Шунча азиз бўларми ҳаёт?!
Шу кечиккан салқин куз солди,
Рухга унут бўлмас ҳисларни.
Кўрмоқ бўлиб қалбга йўл олдим
Усмон Носир босган изларни.

3

Усмон Носир шеърятининг
Боғини тарк этиб бўлмайди.
Мангу олов—бу хотиротни
Қалб қонисиз битиб бўлмайди,
Боғни кездим. Қуёш ҳам ботди.
Кўзларимда—уфқ ёлқини.
Ўйларимни тунда уйғотди
Шоир умри—шеърлар чақини.
Номлари не—бу боғ гулларин,
Ватан ишқи, халқ, шеър дарди...
Тимсолими она қўлларин,
Шоир ёрга қўнглини ёрди!..

Бахтми, нурми, эҳтимол армон...
Қуёш қиёс созидир–юрак.
Орзулари мовийранг осмон
Бу боғда гул очган ҳар чечак.
Қуёш билан, ой, юлдуз билан,
Изланаман, тинмай излайман.
Тароватин ўлмас ҳис билан
Ҳар бир гулни ҳидлаб сезгайман.
Дилда отган тонгдаги шуъла–
Камалакдай олам яратмоқ.
Усмон Носир севган ашула–
Яшаш! Яшаш! Ҳаётга қайтмоқ!

ЧАМАНЛАРНИНГ РАНГИ АТИРГУЛ

1

Туркистон тонгларин сотди малъунлар
Ҳудудсиз кўк ила тенглашган юртда.
Тонгларни соғиниб қорайди тунлар
Қадим мозий билан кенгашган юртда.
Шеър ила шамширга бирдайн имкон
Топа олган олис мозийнинг сирин
Сўйласин тиллари азиз Туркистон,
Кўзимда оқади тарих хотири...
Шу азиз тупроқнинг минорларини
Қучсин, қайси дилда яшаса Ватан.
Рангин ва жарангдор, улуғ торларни
Тинглаб уйғонади ҳар бир мудроқ жон!

2

Ўзгачадир шудрингли дала
Қучоғида қуёшни кўрмоқ.
Йўллар тонгни кутган паллада
Йиллар ҳақда ҳаёллар сурмоқ.
Кенгликларга қуйилар яна
Оқшом ранги-қуёш қайтиши.
Беқиёсдир бундай тантана–
Аждодларнинг руҳи қайтиши.
Чаманларнинг ранги атиргул,
Шамолларнинг қўшиғи қувноқ.
Ўйларимга уланади йўл,
Ўйлар эса-қадим бедор Шарқ!..

2001. Тошкент

ҚИСМАТ

Марина Цветаевага бағишланади

I

Ичимдан шовуллаб тўкилар кузак
Боламдай бағримга отилгуси бор.
Сизга худо берган оташин юрак
Фақат шеър ишқида отилгуси бор.

II

Мени олиб кетмас экан
Бу осмон–осмон эмас.
Ёруғ кунни кутмас экан
Бу армон-армон эмас.

Қучоғига босмас экан
Бу тупроқ-тупроқ эмас.
Кипригига осмас экан
Бу титроқ-титроқ эмас.

III

Яшил ҳаёт. Ким ҳам суймас!
Ўлим, тиллашма мен билан
Ҳаёт-азиз. Ҳеч ким тўймас!
Ўлим, беллашма мен билан.
Ҳаёт мени шеърдай суйди,
Мени–да суйдириб кўйди!
Кечмагайман бу ишқдан ҳеч,
Ўлим, менга кечикдинг.-Кеч.

IV

Мен оппоқ қоғозга экилиб бўлдим,
Қаламнинг учидаги тўкилиб бўлди.

Энди мен кетаман-Қаерга?-Қалбга.
Яна қайтмоқ учун. Қаердан?-Қалбдан.

Мен билан кетарми қоғоз ва қалам?
Умримга етарми қоғоз ва қалам?!

V

Мен эртага қайтаман, хайр,
Очиқ турсин деразаларим.
Шамол билан қилади сайр
Рухимдаги зилзилаларим.

Баҳор билан айланиб келай,
Елкамдаги тоғлар қулайди.
Сочларимга ой нурын илай,
Кипригимда тунлар тунайди.

Етолмайди изимдан ёмғир,
Остонамда қолиб кетар, о!
Юрагимда ботмайди оғир
На бир ўкинч, на ҳасрат, видо.

Ловуллайди уфқлар олис,
Улар қонга ўхшаб кетади.
Борлиғимни ҳовучлайди ҳис—
Эрта менга қачон етади?!

Мен эртагача қайтаман, хайр,
Очиқ турсин деразаларим.
Шамол билан қилади сайр
Рухимдаги зилзилаларим...

2001. Тошкент

О Т А

*Отамнинг ёрқин
хотирасига бағишлайман*

1

Дарё оқар жўшқин ва шошиб,
Кўз тикканча ирмоқларига
Ирмоқлари сўқмоқлари ошиб,
Шод отилар кучоқларига

Тўлиб кучга, тўлиб кудратга
Борликқа бахш этади у жон.
У тўлиқдир меҳр, шафқатга,
Дарё сизга ўхшар, отажон!

2

Тонг отар қуёшга қўзини тикиб,
Юрак титраётир оҳанглар ютиб.
Яшагим келади, ота, энтикиб,
Сиз босган изларга меҳримни битиб.

Қанча истасам ҳам, қанча қўмсасам,
Болалик иложсиз қолди қайтгали.
Худди шунинг каби, отажонгинам,
Умрим етмас барча сўзим айтгали...

Дегайман мен сизни умримдан азиз,
Ва орзумдан умр яшайсиз дилда.
Бахтлиман, Сиз менга хушнуд боққан кез
Гар тупроқ бўлсам Сиз босган йўлда.

3

Қуёш термулди, ўйчан нигоҳлар
Нурлар титроғига қовушиб кетди.

Ёмғир хидларига тўлик бу чоғлар
Отам хотираси ёришиб кетди.

Бу-умр севинчи, дил шукронаси
Отам юрагига куй каби чўкди.
Бу куйнинг рангига хос тантанасини
Осмоннинг бахтиёр юлдузи ичди.

Тикилгани сайин кенгайди Ватан,
Нигоҳида-нурли ўйлар ўлкаси.
Уларда бор тинчлик аталмиш гулхан,
Туйғулар-умрнинг метин нафаси.

Отам кўзларида пахтадай маъсум
Тонглар армон билмай эриб кетади
Еру кўк умрига бирдайин азим
Баҳор рангидаги бахтни тутади.

4

Сочлари-оқариб кетди отамнинг,
Кўзларида-губсиз оғир дард изи.
Чеки йўқ дунёда шодлик ва ғамнинг,
Ажинлар-йилларнинг бешафқат сўзи.

Онгим, фикрларим дарахтга монанд
Ерга илдиз отди, чўзди кўкка бўй.
Олис нуқта каби чорлар хаёлан
Болалигим, ота, энг қадрдон куй!..

Ҳаяжон, оғриқдан кўзга нам илди,
Йўлимни изладим она заминдан.
Ҳаёт сочдай нозик, чайир кўринди
Сочимга оқ туша бошлаган кундан...

Отажон, ҳар бир кун-биз туғилган кун,
Тонгда куёшнинг соф нурлари билан.
Йўлларимиз аро юлдуз ила тун,
Беором шамоллар, ёмғирлар билан.

Қанчалик кенгайиб ойдинлашса йўл,
Шунчалик тўларкан ҳаётингга сир.
Ота-менга азим тоғдай таянч қўл,
Ота-эзгуликка ундаётган нур.

5

Ҳали дунё билмас эртақ эканман,
Қалами ғам кўрмас юрак эканман,
Қирқдан ошсам ҳамки гўдақ эканман,
Отам ўлади деб ўйламас эдим...

Шамоллар қайтса ҳам, ёмғир қайтса ҳам,
Сувга оқиб кетган тушим айтса ҳам,

Юрагимдан минг бир хаёл ўтса ҳам,
Отам ўлади деб ўйламас эдим...

Қуламас тоғ бўлиб яшаб ўтдингиз,
Нурамас боғ бўлиб яшнаб ўтдингиз,
Отам—о!.. Мангулик сари йўл олди,
Эл ичра атоқли номлари қолди.

Бир куни келади, мен ҳам кетарман,
Шунда ҳам Оллоҳга шукур этарман.
Сўзларим умримдан ранглар олади,
Отажон, мендан ҳам пок ном қолади.

2002. Тошкент

ТАРЖИМАЛАР

Десанко МАКСИМОВИЧ Югославия

XX асрнинг 20 йилларидан то 90 йилларигача давом этган улкан ва баракали ижоди шоира-нинг чинакам истеъдодидан дарак беради. Унинг илк китоби 1924 йилда дунё юзини кўр-ган бўлса, сўнгги шеърлари 1987 йилга бориб тақалади.

Ёшлигидан отаси каби ўқитувчи ва шоир бўлишни орзу қилган Десанко Максимович шеър-ияти кенг камровли, забардаст. Анна Ахматова бу дилбар шоиранинг шеърларини севиб, таржима қилди.

Десанко Максимович - Югославия Халқ шо-ираси, Серб илмий ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, кўплаб адабий мукофотлар соғибаси Десанко Максимович номи жапон адабиётида ўз овози, ўрнига эга, чин ва катта маънодаги МУИАББАТ ҲАҚИДА СЎЗДИР!

А Ё Л

Юрагим-севгининг тиниқ булоғи
Шифоли, ям-яшил гиёҳдир-сўзим.
Куйласа, кўринмас меҳрим адоғи,
Йўлда йўлбошчидир кўёшли кўзим.
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимники жонидан тўйдирди дунё,
Шафқатсиз ҳасратда кимки бўлди кул.
Қайрилиб қараса, кўради, илло,
Унга ҳамширадай тутяпман кўл
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимники безовта қилар оғир туш,
Кўз очиб юмгунча учиб келган куш
Каби дардларини олгани келдим,
Юрагига умид солгани келдим,
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимки осойишта тонгларни кутса,
Кимки уйқусизлик ғамин унутса,
Қўлимни кўлига дўстона тутдим,
Кўнгиллар кўнглимдан сув ичиб ўтди.
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Тақдирим ишқ билан қондошдир, ҳар кун
Тонглар туғилади кафтимда маъсум.
Нигоҳимда меҳр боғлари гулгун,
Бахтга айлантирди ғамни табассум
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

ҒЎССА НА ДАРКОР

Қадрдон дўстларни тупрокқа қўйдик,
Киприklar эгилди майин, беармон,
Бегона қитъалар ёйинки осмон
Тубларидан елган номадай шодон
Азиз чехралардан сабоқлар туйдик.

Вақт етди, оғриқли хотирни буткул
Дилдан аритай деб, ерга кўмай деб,
Баҳорий ёмғирлар қўшилди мўл-кўл
Дарёларга ойдин тушдай кўмай деб,
Рухинг тўлқинлари оқади гул-гул.

Ўчирмоғинг керак тилсиз оловни,
Йўқса, идрокларда тутай бошлайди.
Итқитиб баҳорнинг йўлидан ғовни
Туйғулар шошади дилбар, жангари.
Энг осуда дамлар кадам ташлайди,
Музлик остидаги денгиз сингари.

Кўклам йўлларини қучган қалдирғоч
Қанотида турфа муждалар учди.
Ҳорғин ҳасратларни сўндирди, ичди
Булбулнинг ёр-ёри тиник, жарангдор.
Бокира оламнинг бағрида қийғоч
Гуллади ҳайратим, ғусса на даркор!

СИРЛАР

Сиру синоатсиз яшашим қийин.
Камлик қилар менга шеърлар инъоми
Гулгунча бағрида кулгумдай майин
Очила бошлайди табиат сири.
Қанотли қуш каби эркин ёйилиб,
Тарқалган булутнинг тўсатдан ийиб,
Тубсизликка чўкиб кетар кўз қири.
Сиру синоатсиз яшашим қийин
Қадамимда йиллар сизгани сайин
Ҳарорат олади дилнинг қайғуси.
Тазарру қиламан момо ер каби,
Сўзларим-майсанинг яшил туйғуси.
Тазарру қиламан, тазарру танҳо,
Қалбимни қўлимда ушлаб пиёда
Бораман черковнинг пойигача то,
Меҳробга сингийди борлиғим гўё.

ЁЗ ОХИРИ

Замин хушбўй, борлиқ нури кучоқда,
Еллар майсалардан олмоқда бўса.
Настарин баргидай ўй тотли чоғда
Ёзнинг охири.

Бутоқлар эгилди, мевалар пишди,
Япроқлар уюми-оловли қисса.
Уфқлар қизариб руҳимда жўшди,
Ёзнинг охири.

Хазонлар чулғанар ғамгин навога,
Кумуш ип шодаси билмайди ғусса,
Бардошинг етарми, юрак, видога-
Ёзнинг охири...

СУҲБАТДОШИМ ДЕЙДИКИ...

Тақдир-кўтарилиб келаётган қуёш,
Яна шу йўл билан ортга қайтади.
Тақдир-дарди билан суюмли бардош,
Қанотида умид кўшиқ айтади.

Тақдир-қачонлардир олис сахарлар
Кечикди, кимнингдир ёзи кечикди.
Ундан ўзиб кетди ўзга баҳорлар,
Ичикди, чин мағлуб дамлар ичикди.

Тақдир-сени дилбар тонглар кутади,
Адашмайман дея ичасан қасам.
Қуёш ботаверар, бахт ҳам ўтади,
Тахир шароб тутар қалбингга алам.

Тақдир-ҳеч ўнгидан келмаётган иш
Тушингдаги каби ўнгланиб қолса.
Тақдир-чўққисига кўтарилган ишқ
Қалбдаги тошларни парчалай олса...

ҚУЁШ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Тун эрий бошлайди ўтинчларимда,
Пойимда оқади тонгги фароғат.
Қуёшли ўтлоқда ям-яшил кўкат
Титрайди шамолнинг ўпичларидан

Уммонли хаёли ўтли муҳаббат,
Руҳимда гуллайди гиёҳ орзуси.
Қўркув солломайди ўлим қайғуси,
Гўё сен бўлмасанг тўхтайдилар хаёт.

Ўтлоқ билан мени қуршайди шитоб
Билан келаётган жангари тилсим.
Тубсиз қоронғулик чулғайди сим-сим,
Қирларнинг ортига чўккалар офтоб.

Кўнглимни ушласа дейсан янги кун,
Ўлим ҳақ дейсану, умид ўлмайди.
Ҳеч ўлгинг келмайди, ўлгинг келмайди,
Яшагинг келмайди нурсиз ва ғамгин.

НОМСИЗ ДАРЁ

Урилади дарё шовқини
Дала томон қумларни отиб.
Бу қандайин сирки, номи йўқ,
Наҳот уни қўйган йўқотиб?

Харитада на чизик, на сўз.
Овозлари майин шаршара
Бахтли яшар номсиз, доврүксиз,
Қалбга туташ бу ҳислар, қара!

У-гўёки қўшиқ барҳаёт,
Қадимийдир шоирлардан ҳам,
Ё рассоми номаълум сурат.
Бунда буюк соддаликлар жам-
Шоирдан-да бебаҳо ҳайрат,
Мусаввирдан аълороқ сурат.

ҚУЁШ ВА МЕН

Қуёш билан дўстлашгим келди,
Унга туташтирдим йўлларим.
У-осмондан, мен-тоғдан келдим,
Узатаман тонгда қўлларим.

Шошиламан етиб олай деб,
Мени кутиб турганга ўхшар.
Кенгликларни завққа солай деб
Бир пас хаёл сурганга ўхшар.

Ярим йўлга етганда қуёш
Мен оловли куйга тушаман.
Нафасимга урилар оташ,
Ҳайратларим ичра жўшаман.

Қияликлар мовийлашади,
Қуёш эниб бормоқда сокин.
Туйғуларим майинлашади,
Тоғларимдай виқорли, вазмин.

Тун чўқади, хушлашар хуррам,
Тушимга ҳам киради ҳали.
Унинг билан қадам-бақадам
Кетаяпмиз тонгни кутгали.

АЛДОВЛАР

Олистан уйғониб келаётир тонг,
Сут хидини туйиб, тўлаётир тонг,
Гўдак нафасида кулаётир тонг,
Қуёш нурларини силаётир тонг,
Барии-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

Кўкда бир жуфт булут чиройли, оппок,
Гуллаган олхўри шохиға уйқаш,
Тақдирлари туташ, пар каби юшок
Буркиб-буркиб ёйилар булут
Бойлангани сўнгги тушларга,
Айлангани тунги кушларга.
Барии-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

Сувлар, қуюнларда жунунваш жилва,
Очиқ денгиз, чақмоқ, довуллар ҳолва,
Тўлқинлар уммоннинг қаъридан, қаранг,
Абадият каби қадим ва кулранг
Итқитиб юборди қайроқ тошларни.
Барии-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

САРХУШЛИК

Мени маст айлади баҳор тўсатдан
Дунё очиқ денгиз каби тўлғонди.
Ойни қарши олган хаёлпарастдай
Мени интиқ кутган шеърлар уйғонди.

Билмам, не қудратли-юрак энтикиб
Қайноқ туйғулардан қувонмоқликму?
Сатрлар қатига жонини тикиб,
Янги япроқлардай барқ ёнмоқликму?

Не тонг, бир олий сеҳр сийлади,
Очди борлиғимнинг пок сирларини.
Денгизлар тубини ишғол айладим,
Ўйнатдим, қувнатдим кўк нурларимни.

Гўё уйқудаман, лек бари ёдда-
Табиатнинг турфа ранги ва жони.
Идрок мўъжизаси буюк ва содда,
Муסיқа оқмоқда-дарё тошқини.

ХАЛҚ ҚАРҒИШИ

Қайдаки, яхшилик барқ урди сўлим,
Туёқлар остида топталди хун-хун.
Золим,
Сени жазолайди табиат бир кун!
Қайдаки, мунаввар тонгларда тиним
Билмасдан куйлади эркинлик куши.
Бир кун кишанлади уларни тишинг,
Золим,
Изинг қолар бўлса қайси сўқмоқда
Қарғиш тўфонлари қувсин тўқмоқдай!
Қайдаки қабристон-сўнгги манзил бор,
Аждодлар руҳидай дарахтлар ҳам жим.
Кўрарлар, айтолмас-тупроқ бўлди хор,
Лаънат, лаънат бўлсин отинг,золим,
Қирон, қирон келсин зотингга, золим!

ҲИДЛАР

Гўдакнинг ҳидига ўхшайди сахар,
Ноннинг ҳидларида ҳаёт елади.
Тупроқ, нафасингдан созланади тор,
Ғарамлардан майса иси келади.

Қалин чимни ёриб-ёриб ўтарми
Чимзор ва туманни тутатаётган ис?
Пармаланиб синган гирдоб тутарми
Август ўтлоғига қадрдон пок ҳис...

Авайлаб-асрагинг келар қароқда
Ёмғирли сувларни, музликларни ҳам.
Яхшилик сўзи бор ҳидлар ардоқда,
Жонланар табиат, замин ва олам.

Тонг чоғи йўлларга тўшалди ўйинг,
Эсингдами, бирдан завқланди дунё.
Ёзги ёмғирларнинг ёқимли куйи
Қушча қанотида тўкилдими ё?

Арғувон гуллайди, руҳинг аллалар
Баҳорий насимлар! Сархуш паллалар!
Ёдингдами, майин пўстлокнинг ҳиди
Баридан—да нозик туйғули эди!...

ЕР БИЛАН СУҲБАТ

Ер менга онамдай рост гапиради,
У-жонли ҳалқадир, узилмас ришта.
Биз билан борлиққа жонин беради,
Кўргиси келмайди ҳеч кимни хаста
У-инсон сийратин чизувчи шоир,
Табиат сеҳрига асир мусаввир.

Ер менга онамдай рост гапиради,
Маъсума яшиллик дилдорлашади.
Юлдузлар шуъласи дилга уради,
Олис хотиралар дийдорлашади.
Қайтмас кунлар меҳри қайтиб келади,
Тонг чоғи қуёшни айтиб келади.

Ер менга онамдай рост гапиради,
Хаёлнинг паст-баланд дўнгликларида
Осмон ҳам биз билан бирга юради,
Юрагининг ажиб кенгликларида
Ҳали сен кўрмаган замон бор, замон,
Вақтдан ҳам чуқурроқ даврон бор, даврон.

ҚОП - ҚОРА ЁШЛАР

Ғам-ғуссанинг кўз ёши қора,
Тинмай вақт-бевақт
Томчилайди ернинг бағрига.
Тирик экан заҳарли яра,
Ғазаб ва офат
Илдиз отар ернинг қаърига.
Ғам-ғуссанинг кўз ёши оғир-
Қоп-қора ёшлар
Қай зулматдан сирқирамоқда.
Ғам-ғуссанинг кўз ёши сағир,
Қонли бардошлар
Ернинг нақ кўксидан тирқирамоқда.

ЁЛҒИЗ ОДАМ

1. Сонет

Одам кетиб борар йўл бўйлаб тонг пайт,
Узилган япроқлар тупроқни қучди,
На қўшиқ, на ҳислар, на кушлар учди,
Қуриган дарахтлар кутмай қўйган бахт.

Одам кетиб борар, қиймалар ўйлар,
Тўнғиган чигиртка мисоли сирлар
Совуқ ва кимсасиз уйда ғимирлар,
Шубҳа ва қўрқувлар зулматдан сўйлар.

Бу кенг олам нечоғ бўм - бўш ва совуқ!
Ўтди Микеланджело, Тацит ва Байрон,
Пушкин ўлдирилди, Толстой ҳам йўк.

Кузги барглар каби қайтмайди туйғу,
Тириклар сафида қолмади бирон
Қадрдон дўсту ёр, ёлғиз қолди-у.

Ў Л И М

2. Сонет

Бўйчан майсаларнинг бағрида ётар,
Билмам, тулкичами, олмахонмикан.
Унинг жонсиз тани тупрокка ботар,
Шамоллар нафаси саргардонмикан...

Сезмас поялардан оқади шарбат,
Гиёҳлар чайқалди, жилғалар шошди.
Ўрмалаб, югуриб, учиб бетоқат
Ваҳший очофатлар ҳаддидан ошди.

У эса яшади-кўз очди-юмди,
Камтарин меҳмони бўлди дунёнинг,
Уни қурт-қумурсқа қўшини кўмди.

Ўрмонда азамий қонуният бор-
Мурдани хазонлар кўмади, ғамгин
Шамоллар куйлайди узоқ ва бедор.

ВАЙРОНА ЧЕРКОВ

3. Сонет

Урушнинг қурбони бўлди бу черков,
Қаровсиз боғида нималар бўлмас:
Иконалар тушиб кетса—да биров
Билмас, ойналар ҳам синар басма—бас.

Динсизга черковнинг кераги ҳам йўқ,
Бу-менинг ишиммас, дея ўйлайди.
Ғира-шираларда ранглари совуқ
Моғорли деворлар недан сўйлайди...

Қорайиб кўринган иконаларга
Урилар, юлқилар шамоллар дайдиб,
Кузги хазон тўлар бўш хоналарга.

Қишда жон сақлайди жонворлар бунда-
Шу кимсасиз черков қаҳрли тунлар
Омон олиб чиқар қорли қирғиндан.

ҲИДЛАР БЎРОНИ

4. Сонет

Ҳидлар сарсон кезар юраклар мисол,
Бу жунунваш ҳидлар изтироб ҳидлар.
Қуёш ҳиди урар сояни хиёл,
Туман ҳиди анқир хилватга қадар.

Куйлар ҳиди қалбга оқиб киради,
Ҳар дамнинг ҳидида гуркирар кўклам.
Баҳсу низо, сирлар суҳбат қуради-
Бахтнинг шивирида совуққина ғам.

Учар руҳлар ҳиди-учқур сулувлар,
Қамишдаги унут ҳидлар суронин
Йўллар менга уйғоқ ва тўлғин сувлар.

Чирмашар, кенгаяр ҳидлар кўлами,
Ҳидларнинг мастона жонли бўрони-
Табиатнинг майин-лирик тўплами.

ШОИР

5. Сонет

Шоир ҳамма вақт ҳам эркин ва уйсиз,
Вақтнинг қонунлари унга ҳокиммас.
Худонинг қудрати энг бахтли нафас
Сув, ҳаво, шоирни яратди туйқус.

У-Вақтга бўйсунмас илҳомдир, бешак,
У-йигирма ёшда даҳо ва кўшиқ.
У-тўқсонга кирган навқирон ошиқ.
У-денгизлар, тоғлар билан эгизак.

Ёлғизликда унинг ҳамрози-илоҳ,
Халал бермас сирли тушлар кўрса ҳам,
Мўъжизалар тортиқ этар баногоҳ.

Жазоламас уни севги худоси,
Сидирар қалбига инса қатра ғам,
Юксакларга чорлар ҳайрат маъвоси.

МОРИС КАРЕМ

Бельгия

(1899 – 1978)

Бўлажак шоир Ваврада, мўъжаз Брабанта шаҳарчасида меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Отаси бўёқчилик, онаси сотувчилик қилиб, амаллаб рўзғор тебратсалар–да, ўғли Мориснинг илмли бўлишини исташди. У мактабни тугатди. Брюселдаги ишчилар шаҳарчасида ўқитувчилик қилди. Ёшлигидан ўғлига қалам олди–дилига шеър ишқи тушди.

1972 йили Парижда «Шоирлар қироли» унвонига сазовор бўлди. Шоирнинг Брюселдаги уй музейида мавжуд китоблар фақат музей бойлиги бўлиб қолмади, аксинча, жаҳон адабиётида ўзининг муҳим ўрнини эгаллаб, дунё халқларининг тилидан тилига кўчиб, ҳамон баланд руҳда янграмоқда.

Морис Карем-чин маънодаги халқ шоири. Буни унинг сўзлари ҳам айтиб турибди:

«Шундай бир шакл, ифода яратсамки, у энг тиниқ ойна каби юрагимни, унинг зарблари, торларини кўрсатиб турса».

ЁЛҒИЗЛИК

Суҳбатлашмас сен билан ҳеч ким,
Жавоб бермас саволингга-жим.
На куйлаш бор, на сас, на иддо,
Бирон тилдан кўчмас илтижо.

Ёлғиз эдинг. Бутунлай. Юрак
Тубида ярқ, этди зўр истак.
Дуб барглари дув–дув тўкилди,
Дарахт билан сўзлашгинг келди.

Ё ҳайқирсанг бор овоз билан,
Акс–садоси қайтса... Соз билан
Айтилмаган қўшиқ қолмаса,
Қайғу–ҳасрат жонинг олмаса.

Тиз чўксангу, ибодат қилсанг,
Бағрингни кенг дунё деб билсанг,
Англисанг ҳам бариси-бекор,
Ниманидир кутсанг интизор.

ШИМОЛ ДЕНГИЗИ

Денгиз ўша-ўша, қаршимда
Қумтепалар, ўша шамоллар...
Яшаётир кундуз аршида
Дераза ва стол, хаёллар...

Қушлар учар, яшил қирғокка
Бош уради майин тўлқинлар.
Қалқиб-қалқиб турар оёққа
Юракдаги ўлмас эпкинлар.

Болаликнинг завқи бетакрор,
Қуёшдан ҳам эрта уйғониб
Ўйин бошлар, елар болалар
Қумтепалар қурар қувониб.

Элас–элас шовқин товуши,
Стол. Яна қўлларимда иш.
Оддий, содда сўзлар қовушиб,
Куйласайди кўнглимдаги ишқ.

Кўринади яқин ва йироқ,
Хаёлларим кемага етди.
Кемадаги тилларанг маёқ
Қуёш билан тўқнашиб кетди.

БОЛАЛИК ДУНЁСИ

Кўк қуш менинг билан учмас осмонда,
Мушук ҳам этигим олиб юрмайди.
Кулранг бўри қалин қуюқ ўрмонда
Мени учратмайди, суҳбат қурмайди.

Сеҳрли чироғин бермас Олоуддин,
Менда йўқ нарсанинг кечдим баридан.
Жавоҳир ўлкасин изламадим, чин
Сўзим шу, сўзлайман йиллар қаъридан.

Болаликнинг қувноқ олами нажиб,
Шамол билан эсган ўйин, эртақлар.
Мен билан яшайди, нақадар ажиб!
Гўдакка айландим, ҳайрат эркалар.

Бу севинч йўлининг йўқдай адоғи,
Ҳаётни жон қадар суйдим ёниқиб.
Қанийди, шу тубсиз дарё қирғоғи,
Ичсайди ишқимдан қониб, қониқиб.

СЕҲРЛИ КУЗГУ

Донишманд сеҳргар яратди бир кун
Кўнгил акс этгувчи сеҳрли кўзгу.
Қиролликда кўплаб казо–казолар
Юрагида ваҳм, кўзда йўқ уйқу.

Яширдилар уни бўм–бўш саройга,
Қаровсиз, ташландиқ қасрга бесас.
Бир кун келиб қолди бўри, ойнага
Кўзи тушди, кўрди у-вахший эмас.

Кунлардан бир куни қирол ўзини
Атай шу кўзгуда кўрмоқчи бўлди.
Кўринди-бир ҳамла билан дунёни
Ютгудай йиртқич қуш, ғазабга тўлди.

Чил –чил синдирилди кўзгу шу онда,
Сеҳргарни ўлим кутди бешафқат.
Ҳозир саройдаги барча ойналар
Қалб эмас, кўрсатар юз-кўзни фақат.

ҚИРОЛНИНГ ҚАЙТИШИ

Бошда темир қалпоқ,
Ёғоч қўлтиқ таёқ,
Қирол уйга қайтди урушдан хуррам.
Чанг ютиб аскарлар
Кўшиқлар айтарлар,
Уларга жўровоз оқсоқ қирол ҳам.

Либослари кўркли,
Бахмал, ипак, эркли
Қиролича кутар минорада тик.
Рўмолча эпкини,
Кўшин тўлқини,
Куйлаб юборади малика тетик.
Оёқяланг, жулдур,
Қалпоқда гул, довдир
Оломон авжи рақс этар майдонда.
У куйлар басма–бас,
Ки, жим ҳам туролмас,
Бундайин кунларда, бундайин онда.

Ноғоралар авжли,
Байроқлар мавжли,
Урушдан ватанга қайтар шаҳаншоҳ.
Урушда енгилди,
Оёқдан айрилди,
Лек ўзида йўқ шод-тирик қайтди шоҳ.

ҚИЗЧА ВА ЎҒИЛ БОЛА

-Ўғил бола бўлсайдим,-
Қизча қизишиб дерди.-
Африкага бир сакраб,
Югуриб етар эдим.

-Мен қизалок бўлсайдим,-
Бола қизишиб дерди.-
Нинага ип ўтказиб,
Дунёни тизар эдим.

Улғайишди, вақт етиб,
Энди улар эр–хотин.
Энди фақат пул ҳақда
Баҳс бойлашар куну тун.

БОЙ ОДАМ

Жаноб, сизга яна не дейин?
Ўқигансиз жуда кўп китоб.
Лек Шекспир ҳақда баҳс тайин
Ярашмайроқ турибди шу тоб.

Доим бандсиз. Йил ортидан йил
Келар, битта ташвишингиз бор:
Даромадни баракали қил,
Бойлик ўсиб турмоғи керак.

Дастурхонда турфа таом жам.
Ошпазингиз-парижлик, баланд
Уйингизнинг жиҳози кўркам,
Хизматчингиз-малласоч шотланд.

Ажойибдир мевали чорбоғ,
Кезинади товланиб пати
Рангин қушлар, гулга тўла боғ,
Кўриб дейсиз, бу-ер жаннати.

Сиз билмаган сирлар ҳам борми,
Жаноб, нечун дилингиз оғрир?
Сувдай оққан умр бекорми,
Не етишмас? Саволлар оғир.

ИСТАКЛАР

Юрмоқни истади-
Боғланди йўллар.

Олмоқни истади-
Қайрилди қўллар.

Сўзламоқ истади-
Ёниб кетди сўз.

Бўзламоқ истади-
Оқиб тушди кўз.

Севмоқни истади-
Қатл этилди ишқ.

Қандай яшаш мумкин?-
Сўрар Исодан.

Йўқ садо, йўқ таскин
Михланган худодан.

ҒАРИБЛАР

Келди қора қисмат,
Манглайда ёзиқ:
На товук, на–да от,
На ҳовли, на қозик.

Шунда бутуқлардан
Яна ер бағирлаб,
Тикладилар ватан,
Омон–омон терлаб.

Уй–жойсиз қолдириб,
Ўлдирала олмагач,
Очликдан толдириб,
Ғажигмоқчи ғарч.

Чой, сувдан мосуво,
Нондан йўқ урвоқ.
Қолди фақат само,
Ва сахий тупроқ.

Шунда насибаси-
Мевали ўрмон.
Каштан жозибаси,
Қўзиқорин хирмон.

Бостирмай қўйишди
Қишлоққа қадам.
Бор йўлни ўйишди,
Ёпишди, на ғам!

Буйруқ ҳаддан ошди-
Ўрмондан қувишгач,
Ғариблар тилашди-
Осмон, бағринг оч...

ҲАВОРИЙЛАР

Матфей деди: «Сиздан яширолмаيمان,
Жавоб бера қолсин яхшиси Иоан».

«Лукага учрашинг,-сўз қотди Иоан,
Лука-дониш. Жавоб топар бегумон».

«Энг аввало, Маркка этинг мурожаат,-
деди Лука.–Ечим топгуси албат.

Билсангиз, мен учун ушбу муаммо
Хитой хати каби қоронғу савдо.»

Марк ҳам кутгирмасдан, ўтказмай фурсат,
Матфейга боришни берди маслаҳат.

Тонгда уйдан чиқиб кетган одамлар
Гох у, гох бу хаворийга борарлар.

Улар чақа олмас, очмас оғзини,
Еру кўк қомусин асил мағзини.

БЕБАҲРАЛИК

Баридан бебаҳра-
На нон бор, на шароб.
Баридан бебаҳра,
Лек жилмаяр, ё раб.

Билар, муҳтожлик ҳоким,
Умрбод айрилмайди.
Аммо юздан табассум
Бир нафас тойрилмайди.

Оғир, ҳаёти оғир,
Бўлса ҳамки, барибир
Ўзини йиқитмасдан
У яшай олди, қаранг,
Куни ўтса—да аранг,
Дилини оғритмасдан.

БИР ҲОВУЧ

Стол, унинг устида
Олма, ёнида пичоқ.
Уларнинг ёнида-нон.

Нон, олма, пичоғи бор
Столнинг қаршисида
Битта одам турибди...

Шундай ҳам, дейлик, майли:
“Ҳаммаси-сийқа гаплар”-
Айтарсиз, аммо
Бу одам-мусаввир.

У акс эттира олди-
Стол, унинг устида
Нон, олма ва пичоқ.
Уларни ушлаб турган
Бир ҳовуч осмонни ҳам.

ҚУРОЛ

Қурол сотиб олди ўзига,
Бу - шунчаки эрмакка фақат.
Қурол сотиб олди ўзига,
Ва ғилофда сақлади кўп вақт.

Сотиб олган бўлсанг қуролни,
Недур қилмоқ керақдир албат.
Сотиб олган бўлсанг қуролни,
Аввал жилддан чиқармоқлик шарт.

Мана, ғилоф олиб ташланди,
Эшитсайди ўқ овозини.
Мана, ғилоф олиб ташланди,
Кўрса кўкда ўқ парвозини.

Бекорга ўқ отмоқ не даркор,
Ки, бор экан жонжоту қушлар?
Бекорга ўқ отмоқ не даркор?
Ўрдақ отгинг келганга ўхшар.

Қурол сотиб олди ўзига,
Бу шунчаки эрмак деб билди.
Қурол сотиб олди ўзига,
Қуш отилди, йиртқич отилди.

Ва кунларнинг бирида охир
Одамни ҳам отди, барибир...

ҚАШШОҚ

Олисларда қолган уйларни кўрмас,
Эшитмас одамлар товушин, фақат
Ўзидан ўзга—ла суҳбат ҳам қурмас,
Ундан айрилмайди ёлғизлик, ғурбат.

Халтасини ерга қўйиб, афтидан,-
Чориғини ечди, увишди оёқ.
Бу баланд, бу мовий осмон остида
Оғриниб, ўгрилиб ётди ва чарчоқ

Қўлларини қўйди кўксига бесас
Болаликда каби. Кўзини юмди.
Ўзи ҳам билмасди-қайта уйғонмас,
Титради—ю, мангу уйқуга чўмди.

Уни топишганда лабида кулгу,
Илк бор яйрагандай умрида. Ҳайрат
Ичида қолгандай. Абадий уйқу
Тортиқ этган эди унга чин жаннат.

ҚАРИ ТЕРЕЗА

Ҳеч ким сезмай қолди-ёлғиз, бегина,
Жимгина яшади, ўлди жимгина.
Столнинг ёнида берган экан жон,
Қора нон ушоғи, бўшабди қанддон.

Қайнатгич тубида қаҳва қуйқаси
Қорайган, котиган, чиққан сийқаси.

Буфетни безаган бўм–бўш шамдонга
Суянган сураат бор, тикилиб тонгга.

Ўлган қизиники. Эшик ортида
Чириган картошка сасир афтидан...
Кеча қабристонда кўмишди уни,
Топилмади тупроқ тошлар яқини.

Ҳаётлигида кам гапирар эрди,
Ўлимдан гап кетса, қисмат-ҳақ, дерди.
Ҳеч кимга айтмасдан кетди бир сўзни-
Наҳот сўнгги дам ҳам аяди бизни...

ДЕЙДИЛАРКИ

Дерлар, Исо Масих пайғамбар
Сўзи билан иши бир эрди.
Ҳа, ҳа, сўзу амал бирлиги!
Афсус, қиска умр кечирди.

Дерлар, Исо тирилганини
Кўриб Фома ҳайратда қолди.
Ҳа, у кўрди! Ва лекин, афсус,
Ном–нишонсиз ўзи йўқолди.

Дерлар, Лазар ўлганидан сўнг
Ҳазрат бўлиб қайта тирилди.
Ҳа, у яна кўз очди. Бироқ
Кўп ўтмасдан ўлим ҳақ келди.

Дерлар, унинг ортидан қанча
Авлиёлар заб ибрат бўлди.
Ва уларнинг башоратлари
Қуруқ сўздан иборат бўлди.

Дерлар, ишонмоқлик лозимдир
Алар айтган ҳар битга сўзга.
Аммо тарих ўзгача таъриф,
Хулосалар беради бизга:

Сўзлар чиндан жуда кўп эрди,
Шунчалик кўп, ақлга сиғмас.
Башоратлар биронтаси ҳам
Камбағалга қайишган эмас.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёнида бир жуфт този ити,
Қўшоғиз ов милтиғи қўлда.
Санқиб юрмоқ эмас одати
Куни бўйи ўрмонда, йўлда.

Қолдирмасдан концерт кўради,
Чалишга бор фортепяноси.
Ёз кунлари ором беради,
Уммонларнинг салқин ҳавоси.

Хуллас, унга кулиб боққан бахт:
Болалиги кечди диловар.
Умр бўйи эътибор, ҳурмат,
Меросхўрлик жозибаси бор.

Фақат... Йўлида учраса ногоҳ
Икки каптар каби икки дил
Ўзи билмай тортар эди оҳ,
Узоқларга олар эди йўл.

Бу изтироб сирли ва ҳазин,
Юрагига ўтказса ҳукм,
Ҳаётининг сархуш ва ширин
Дамлари ҳам азобга маҳкум...

АННА АХМАТОВА

(1889 - 1966)

Рус шеърятининг сўнмас юлдузига айланган шоира шеърятни, ижодни қисмат деб билди. Бу қисмат қувончлари ва изтироблари бекиёс сатрларда ўз аксини топди. Ундан улкан адабий мерос қолди. Анна Ахматова айтгани каби: "Шоирлик тақдим этилмайди ва тортиб олинмайди ҳам".

ЭНГ ҚАДИМИЙ СИРЛАР

1

Пойимда танти куз! Ажиб наҳорни
Атай зориқтириб олиб келишди.
Ортга қайта олмас ўн беш баҳорни
Ердан кўтаролмай армоним жўшди.

Мен унга шу қадар зориқиб боқдим,
Борлиғим қамради ардоқли хотир.
Кузнинг қаламида оловли оқди
Ҳеч кимга айтилмас энг қадимий сир.

2

Қуёшли хотирлар сўнаётир жим,
Майсалар сарғиш.
Қор–қировли кунлар ушлайди кўлим,
Гўё совук туш.

Тўлиб–тошиб оққан сувлар қайдадир,
Музлик бепоён.
Мўъжизалар қайтмас, дардларим оғир
Ўйлар беомон.

Дарахтларнинг боши осмонда, шамол
Куйлайди сўлим.
Умр йўлдошингиз эмасман, малол
Келмасин, жоним...

Қуёшли хотирлар сўлмоқда, нечун
Зим-зиё, олам?
О, балки!.. Келишга улгурар бу тун
Аёзли қиш ҳам.

3

Соз чалади бола, соз чалар,
Қизча гулдан ўрар гулчамбар.
Икки йўл бор кесишган дилбар
Ўрмон қадар, далалар қадар.

Ёдга тушар олис муҳаббат,
Қайта ёнмас олов ва ҳайрат.
Ёшлиқ ўтди, сўнди ҳарорат,
Фақат ўчай демас хотирот.

Исинай шу ўтда бир пас
Изн беринг, совуқ едим...О!..
Тиласам ҳам, кутсам ҳам келмас
Овозлари қанотли худо.

4

Сен мени дафн эт, дафн эт, шамол,
Келишмади ҳатто энг яқинларим.
Бошим узра кезар бесас, бемалол
Саргардон шом ила замин унлари.

Мен ҳам эдим сендек армоним йўк, ҳур,
Фақат жуда–жуда келди яшагим.
Музлаб бораяпман, музлаяпман, кўр,
Ҳеч кимсиз, ҳеч несиз кетмоқдаман жим.

Кўксимдаги тубсиз ярани бекит,
Шомнинг ним қоронғу нафаси билан.
Мовий туманларга етказ, амр эт,
Тиловат қилишсин руҳ саси билан.

Ёлғизликда енгил тортсин бу жоним,
Бир куни сўнгги йўл бўлса чин ёрим,
Улуғвор гиёҳлар бирла бетиним
Шовуллаб чорласин қайтмас баҳорим...

5. СЎНГГИ ҚАДАҲ СЎЗИ

Ичадурман вайрон бўлган уй,
Захарханда ҳаётим учун.
Иккимиз ҳам ёлғизмиз—ку, қўй,
Сенинг учун ичгайман бу тун.

Мени сотган лабдаги рўё,
Кўзлардаги ўлик қаҳр учун.
Бешафқат ва бўм—бўш бу дунё,
Худо дариғ тутган меҳр учун.

6

Бу ерни танладим айтайин ишон,
Қаерда зерикмоқ-барибир менга!
Баланд тепаликда мудрар тегирмон,
Йиллар тилсиз, сукут сақларлар бунда.

Оҳиста сузади қовжираб қолган
Зарпечак устида асаларилар.
Ҳовуз ёнидаман, хаёлим олган
Сув париси бевақт жон берди, дерлар.

Занглаган балчиқлар қалинлашади,
Саёзлашиб борар шундай кенг ҳовуз.
Терак учларига яқинлашади
Нозиккина ҳилол ердан узмай кўз.

Борлиқ янгиланар, яна кўз очар,
Мирза тераклардан намхуш ҳид анқир.
Сукутдаман. Сукунатим жон сочар
Яна сенинг бўлмоқ учун, она ер.

7. ОСИЁ

Осиё, қадалдим қароқларинга,
Ичимга киргандай кўринди ичинг.
Сукунатнинг ўлмас кучоқларига
Сочилди ўйларим ҳавасли, қизғин.
Термиз саратони каби ёлқинли
Хотиралар оқди идрокларимда.
Карвонлари оғир, қадимий жонли,
Парчаланган вулқон ирмоқларидай.

Кўксимдан отилган бўзларимни жим
Ўзгалар кафтида ичгандай бўлдим.

8. ГУЛЛАЁТГАН ТОШКЕНТ

Айтиб бўлмас кучнинг азми, амри—ла
Шаҳар бирданига нурланиб кетди
Ҳар битта ҳовлига севинч, сабр ила
Энг оппоқ, энг енгил хаёллар етди.

Юракда бир ажиб нафасли оҳанг,
Уйғонди бу олам хушсурат, дилбар.
Анҳорлар тубида осмон жилваранг,
Туйғулар тўликди, дилда йўқ кадар.

Хотиралар ўчмас, тиниқ ёнарлар
Олис юлдузлардан тонг чоғи ҳайрат.
Сочлари тун каби толим оналар
Қўлларида гуллай бошлайди ҳаёт.

Николай ГУМИЛЁВ

(1886 - 1921)

XX асрнинг дастлабки чорагида Россия шеърляти майдонида Маяковский, Есенин, Блок, Брюсов каби қатор забардаст истеъдодли соҳиблари билан бирга Николай Гумиёв ҳам қалам тебратди. Шўролар истибдоди қурбони бўлган шоирнинг ижоди оммадан «сир» тутилди. Фақат кейинги йиллардагина Николай Гумилёв асарлари ўз юрти–Россияда қайта–қайта нашр қилинмоқда. Ўзбек тилида унинг туркум шеърлари илк марта чоп қилинаётир.

СУВ ПАРИСИ

Сув париси бўйнида маржон,
Ёкут лаъллар товланар алвон.
Туш кўради ғаройиб, нолон,
Дунё карахт, ўйлари сарсон.

Сўлгай ярим туннинг жамоли,
Ҳайқиради денгиз шамоли.
Сув париси ёниб қарайди,
Сочларини тўлқин тарайди.

Ул фаришта кўзлари ғамгин.
Мен севаман шу қизни. Туннинг
Сирларига чулғалар чоғи
Мафтункордир ҳар бир нигоҳи.

Ишқ кутаман фақат шу қиздан,
Қарашида шафақ пардози.
Ёкут кўзнинг оловли нози
Мени олиб чиқди денгиздан.

ЎЛИМ

Энгда майин, рангсиз ва кулранг либос.
Пайдо бўлди нозли қарашлар алвон.
Сени кўрмагандим бурун бу алфоз,
Шамшир рақси авжда, карнайлар нолон.

Кўзимга тилларанг, сармаст кўриндинг,
Кучасан кўксимда лов–лов оловни.
Қалин туман ичра кўкка уриндинг,
Ёриб йўлингдаги ҳар қандай ғовни.

Мангулик шайдоси Австрейя янглиғ
Нигоҳларда ажиб теранлик қаъри.
Томирларда қонлар шиддатга тўлуғ,
Пишиқроқ эшилди қўл мускуллари.

Лек сени, гарчандки, ўзгасан ҳозир,
Танидим хув ўшал орзу–ҳасратда.
Жаннат кўшиғида сеҳрлар зоҳир,
Энди учрашамиз бизлар жаннатда.

ЎЙЛАР

Ўйлар меникига тўпланди нечун,
Тинч зулмат кўйнида ўғридай бехос?
Бадқовок, даҳшатли калхатдай беун
Нечун талаблари шафқатсиз қасос?

Умид ва орзулар зумда йўқолди,
Ҳаяжондан кўзим қинидан чиқди.
Хаёлот лавҳаси кўзимни олди,
Сўзим, ишим, фикрим жим ўқиб чиқдим.

Зафар кучганларни сокин нигоҳим
Билан кузатмоққа уринган эдим.
Беғуноҳ лабларга бу қайноқ оҳим
Бокира хис билан суринган эди,

Омоч нелигини билмасдан ўтган
Нозик эди бу қўл, нозик бу бармоқ.
Дарбадар қаландар кўшиғин элтган
Туйғу эзгин эди, аламли, янгроқ.

Қасос олмоқ вақт сабр ҳам тугар,
Кўрлар алдов қасрин бузар машшоқдай.
Ўйлар-сукунатнинг ўғриси бўғар
Мени қоронғуда қолган қашшоқдай.

ҒАЛАБАДАН СЎНГ

Жингалак сочимга қуёш нур тўкар
Шамол–ла тиллашиб, гуллар узаман.
Нечун бахтлимасман шу гўдак қадар?
Нечун ўзни шохдай нотинч сезаман?

Ёй иплари таранг, титраб толмайди,
Шивирлайди борлиқ шамшир шивирин.
У телба оролни унутолмайди,
Мовий денгиздаги бемисл қирғин.

Ўлим ҳозирлайди кимларга яна,
Эй, қудратли қилич, эй учқур камон?
Билмайсизки, бизлар бизга дўстона
Эгилган ҳар қарич ерга ҳукмрон.

Не денгизлар кемам ўпдилар тоша,
Қирғоқларни ишғол этдик жанг билан.
Наҳот замин ва кўк сарҳади оша
Сизга аён бўлди биз билмас душман?

АҚЛЛИ ШАЙТОН

Бу қўшиқни менга дўст Шайтон айтди:
У менга қадрдон, содиқ шу тобда:
«—Тун бўйи денгизчи сузди гирдобда
Тонг отарда денгиз қаърига қайтди.

Пасаяр, кўпирар қайта ва қайта,
Тўрт тарафда тўлқин девори қайноқ,
Тўлқин томчисидан ҳам тоза, оппоқ
Буюк ишқи оқди роз айта–айта.

У сузиб кетаркан бонг урилди, бонг:
«Сени алдамайман, о, менга ишон!»
Унутма, -ўтинди ақлли Шайтон, -
У чўккан маҳалда отар эди тонг».

ТУШИМДА

Тушимда иккимиз жон бердик бирга,
Ранглар тонгдан тиниқ, нигоҳлар сокин.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрда
Ёнма–ён турибди, шундоқ ёнма–ён.

Қачон жонимизга тегди барчаси,
Қачон аён бўлди бу тилсим туйғу?
Юракдан силжимас музлар парчаси,
На оғриқ,на йиғи, на алам, қайғу.

Бу жонсиз ҳисларнинг жозибаси бор,
Донг қотган бу ўйлар майин, беқадар.
Лабларингга йўқдир менда майл, зор,
Гарчанд улар дилбар, ҳамиша дилбар.

Тақдир буюрибди, жон бердик бирга,
Ётибмиз, ниҳоят, нигоҳлар сокин.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрга
Ёнма–ён қўйилган, шундоқ ёнма–ён.

ШОМ

Яна бир бесамар кун,
Кечди, недан умидвор!
Оромбахш соя, келгин,
Қалбга кийдиргин ридо.
Ярашар бу инжу тун,
Сен келдинг... Ўлдириб жим
Ваҳший қуш ғамларини.
Ғолиб қадамларингнинг
Нашидасини бир зум
Енгишга кимда ҳад бор,
О, сен тунги ҳукмдор!
Юлдузлар сукунати.
Ёрқин ой–билакузук.
Орзулар салтанати–
Тушимга кирар нозик
Бахт азалдан азадор.

ЗАҲАРЛАНГАН ОДАМ

«Сен қордайин оппоқ, оппоқ бутунлай,
Бунчалар оқариб кетди ранг–рўйинг.
Не учун титрайсан, менга олтин май
Қўя туриб жомга тўлдими ўйинг?»
Қайрилдинг шу қадар енгил ва маҳзун...
Кўрдим у шаробни, шам ўчар, секин
Сени бўғар ўлим, талваса беун...
Мен эса ёниқиб сўзлайман: «Не тонг,
Азизам, мен ажиб туш кўрибман, туш.
Ҳудудсиз яланглик бўлди номоён,
Бош узра тилларанг осмон олар хуш.
На қаҳрим,на захрим ва на қатра кек,
Ким билан бўлсанг ҳам бахтли бўлгин, чек
Қўяман қайғуга, ҳасратга, ол,-эрк.
Менга жаннат ичра шаффоф ҳилқатда
Кўринар энг ёруғ кун мисли оху.
Йиғлама, жонгинам, жоним роҳатда,
Мени заҳарлади сен берган оғу.»

ҚЎШИҚ

Таратгайсан хушбўй ислар, ислар хушласанг,
Келмоқдасан порлаб–порлаб, чакнаб мисли ой.
Муқаддасдир қўлларингга неки ушласанг,
Уйғонажак, кўринажак энг сирли Чирой.

Сени десам ташвишларнинг кўшқлари қулар,
Қадамингда оқар ором ёлқинларими?
Кўзларингда ғами тиниқ осмонми? Қўллар
Афсонага тўлуғ денгиз тўлқинларими?

Бу дунёнинг кўпдир, хўбдир дилбар аёли,
Ёлғиз сени истаб келди кўнглим хаёли.

ВЛАДИСЛАВ ХОДАСЕВИЧ

1886 - 1939

Бу ном якин йиллар ичида яна она диёри Россияга, шеърият ихлосмандларига Гумилёв, Замятин, Набоков, Георгий Ивановлар қато-рида қайтиб келди.

Ҳассос шоир, мохир таржимон, нозиктаъб мунаққид ўз ижодини 15 дан зиёд тўпламларга жойлади. 1922 йилдан бошлаб мусофирлик қисматини бошидан кечирган шоирнинг сўнгги кунлари Парижда кечди. Умр бўйи туғилган уйига интилиб яшаган Владислав Ходасевич шеъриятида Ватанига ўтли мухаббат, сўнмас садоқат, юракнинг сўлим туйғулари, соғинч изтироблари, умиднинг рангинлиги бетакрор тимсолларда ифодаланади.

Дўстларим. бир ажиб кунлар келади,
Йўқламас ҳаттоки тушимни андуҳ.
Қаранг, қўлларимда сабр гуллади,
Шу гуллар рангидан ранг олади руҳ.

Узаман, ҳавойи ўйлар занжирин,
Нақ камон устида сайрар қўнгулни
Кўрлим, товушларга сочилар сирим,
Осмонга кўтаргим келади гулни.

Билганим шу бўлди-тўлмоқда нурга
Гул тўла йўлларим, хув, йироқларда.
Қанийди, кетсангиз мен билан бирга
Жаннати ишқ истаб ўшал ёқларга!

Бурама йўлларда, дарё лабида,
Кечиккан турналар хонишларида
Ёлғиз кезинаман, сезинаман жим
Бағри кенг далалар ёнишларида.

Борган сари ўйлар сирли, шиддатли,
Қамиш шивирида учади видо.
Оҳиста қулаган сўнгги япроқни
Қумликка кўмади паришон дарё.

ЁМҒИР

Борлиғимни чулғайди севинч,
Томлар узра тиниқ шом ранги.
Ёмғир юва бошлар шаҳарни,
Томчиларнинг тиниқ жаранги.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Ташқарини кузатаман жим.

Елдай учиб ўтдинг кўчамдан,
Туйғуларим ичра, ёлғизим.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Панароқда тин олиб бир зум,
Силкиб–силкиб соябонингни
Шошиласан, лабда табассум.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Билмайсанки, сендадир кўзим.
Мен томонга боқмайсан қиё,
Мен томонга тушмайди изинг.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Майли мени билмай ўтсанг ҳам,
Сенинг каби тоза, бебаҳо
Келаётир энг азиз кўклам.

Атиргулли боғларга эмас,
Куйи дарди чоғларга эмас,
Армони кўп тоғларга эмас,
Мен ичимга энаяпман, холос.

Булар-ҳамма биладиган сир,
Булар-ҳамма кўрадиган нур.
Бари бекор, бари бўлмағур,
Мен ичимга энаяпман, ахир.

Тун ортидан келар тонгни кут!
Тутун, туман, эриган булут
Кабир оғир тушларни унут,
Ичинга эн, ўз ичингни тут!

САЙР

Яхшиямки, ҳали оламда
Тунлар ойдин, тунлар сеҳрли.
Бойчечакдай бўйли кўкламда
Баландлаган қайинлар меҳри
Урилгай ойга.

Яхшиямки, ҳали оламда
Мўъжизалар кутади юрак.
Муҳаббатга тўла оқшомда
Маликага фақат сен керак.

Яхшиямки, бамисли қанот
Йўлакларда ҳалқа–ҳалқа нур.
Сояларда титранар ҳайрат,
Эгилар жим, тебранар ҳарир
Тим қора рўмол.

Яхшиямки, ўйлар севинчли,
Майли мени есвмаса севмас!
Ўша дилбар кеча ва ўтинч
Маликани тинч қўймаса бас!

МЕНИ ИЗЛА

Кўклам келаётган чоғларда изла,
Қанотман, кўзларга илғанмас, бедор.
Товушим, нафасим боғларда изла,
Шуъламан, у борки, билки, мен ҳам бор.

Бизни айрилиқлар енголмас дўстим!
Тингла, ўтган умр сўроқларини.
Кундуз оташлари сўнмабди, сездим
Ҳароратли қўлинг титроқларини.

Шошилмасдан изла. Кўзларингни юм.
Мен томон бир қадам боса олсанг, бас.
Бармоғинг учига қўнаман, жоним,
Оловли учкунга айландим бесас.

Ёруғ юлдуз, кадрдон осмон,
Тун эрийди майин ҳавода.
Тангрим, мени сақлайди омон
Эҳсонларинг, ишқинг дунёда.

Хаёлимда тиклана бошлар
Денгизларинг, тоғларинг, даштинг.
Қуёшингда шарафлар яшар,
Бу нурларнинг боқийдир гашти.

Тўкилади дув-дув ҳавасим,
Гарчи кўнглим муҳаббатлидир.
Болақайнинг қоғоз қалъаси
Каби дунё омонатлидир.

БАЛЛАДА

Ўлтирибман хонамда яккаш,
Гир айлана ёруғ ва баланд
Ўн олтига шамдонли қуёш,
Тўртбурчакли кўкка ҳавасманд.

Нурли уйим, мендан ҳам бой йўқ,
Жиҳозлар жим, курсилар тилсиз.
Қўлларимни кўярга жой йўқ,
Юрагимда ҳислар тизгинсиз.

Аёзда ҳам пальмалар оппоқ
Гуллаётир беғам, бетакрор.
Вақт оқади йўлида қайноқ
Ҳар лаҳзаси хаёлдай дилдор.

Умри қисқа бундай ғафлатга
Қайда ечим, қайдидр имкон?
Лойиқманми шундай ҳаётга,
Қани мени кутган кенг осмон?

Тебранаман, тиззамни тутиб,
Қўлларим—ла боғлаб ташлайман.
Бу дунёни буткул унутиб,
Шеърим билан суҳбат бошлайман.

О, бу нутқлар нечоғли кескир!
Гарчанд фикр йўқдир ҳайратли.
Лек товушлар дилбар ва ўткир,
Сўзлар борган сари кудратли.

Бу оҳанглар тобора маҳзун
Синиб борар сўнгаларимга.
Узун, узун, йўлдан ҳам узун
Тиғ ботади кўкракларимга.

Юлдузларнинг ўтинчларида,
Қадамимда олов ўрлайди.
Ўсяпман севинчларимда,
Дилни янги туйғу нурлайди.

Кўзларимни очаман тиник,
Кўраяпман илонларни ҳам.
Улар юта бошлайди аниқ
Барча бахтсиз давронларни ҳам.

Айланади, рақсга тушади,
Мўъжизага тўлади хона.
Куйлар шамол билан жўшади,
Борлиғимда яйрар тантана.

Ўн олтига шамдонли қуёш,
Тўртбурчакли осмон йўқолар.
Қояларда мен каби яккаш
Орфей қўлга созини олар.

Бу хонимнинг қўллари қонли,
Узоқ ювди, қаттиқ артди жим.
Унутмади бу гал ҳам қонли
Томоғини чаймоқни хоним.

Хоним! Хоним! Қушдай толмайсиз,
Тўлғонасиз совук ўринда.
Уч асрки, ухлай олмайсиз,
Олти ойки, уйқу йўқ менда.

ШОМ

Изиллайди шамол, қор бўрлар,
Музликларда совуқ рангинлик.
Ич–ичимдан ёлғизлик ўрлар,
Эй, худойим, қандай ғамгинлик!

Тундлашади тўрт тараф-тўрт йўл,
Шафқатларинг кимга қаратдинг?
Тангрим, ўлим ҳақ экан буткул,
Кенгликларни нечун яратдинг?

Кимга аён бу синоат, сир,
Ҳасратларджа яширин роҳат.
Ёшинг ўтиб борар, барибир
Сендан айро тушмас муҳаббат.

МАРТ

Борлиқ илиқлашди, борлиқ ивиди,
Ойна йўлакларга дилинг кетади.
Тиниққан нафасга бўлдириб кўксинг
Осмон кўшиғини ёмғир айтади.

Мўъжиза эмасми? Тундли ва оғир
Чехрамизга биллур томчилар қўнди.
Узатсақ, қўлимиз етгудай кўкка
Ердаги залворли туйғулар инди.

Асога суяниб ўтди қаландар,
Бирдан кўз ўнгимга келдинг, азизим.
Қизил ғилдиракли арава елар,-
Сен ҳам ҳаёлимда елдинг, азизим.

Шом чоғи йўлакда ёруғ чироқлар,
Сени эслатади менга, азизим.
Шу замин, шу осмон, денгиз, йироқлар,-
Сени излатади менга, азизим.

СТАНСЛАР

Бир лаҳзага бутун умрингни
Бергинг келар дамлар бўлади.
Бу онларда дил сурурини
Ким куйласа, ғами ўлади.

Бугун эса буткул бошқа кун,
Кўпайгандан кўпаяр ажин.
Донишманддай айланар кун–тун
Қучоғида дарёлар сокин.

Билганим шу-олис юлдузлар
Чарақласа таралгай жаранг.

Кўрганим шу-майса ҳам сўзлар,
Сочларимга қўнар кумуш ранг.

Қатралари уммон хаёлот,
Кўринмас нур тўлқинланади.
Яхши-ёмон, паст-баланд ҳаёт
Илҳом билан ёлқинланади.

Кексалигим-қўшиқ бир ховуч,
Қўлдан келар ишим-бахшилиқ.
Кунимга кун қўшаётган куч-
Ёмонликни енгган яхшилиқ.

Қадамларим енгил ва ғамгин,
Ердай вазмин тортиб борасан.
Неки ўтди-ўтли ва гулгун,
Неки қолди-татиб борасан.

Сокинлашар томирларда қон,
Ҳаволаниб учмайди қўллар.
Тўлишади меваси хандон
Кузги боғлар мисоли йиллар.

Кўзга тушмас энг нозик титроқ,
Илғаб бўлмас сирларни беун
Яна ерга эгилган бутоқ
Каби билмай ўтасан бир кун.

ҲАЙКАЛ

Қайдан олган дунё бардошни,
Кўрмадим бош,охирини ҳам.
Икки аср-икки қондошни
Шеърим билан боғладим маҳкам.

Яна Русга бағишлаб сурур
Тикланади ҳайкалим албат!
Асрларни кутаман мағрур,
Оқаверар ўлим билмас Вақт...

МАРИНА ЦВЕТАЕВА

1892-1943

Марина Цветаева фавқулодда истеъдодли рус шоирлари сирасига киради. У инсон қалбидаги XX аср фожиаларини, зиддиятларини оташин сатрларда маҳорат билан куйлай олди.

Марина Цветаева, А. Блок, С. Есенин, В. Маяковский, Б. Пастернак сингари забардаст шоирлар билан бир даврда яшаб, ижод қилди. Шоиранинг қисмати

қанчалик фожиали кечмасин, ўтли мисраларида ҳаётга чексиз муҳаббат яққол сезилиб туради.

Кимдир келар-ўлим ғалабасига.
Дарахтларда-кибр, фоже қайроғи.
Иудалар-қонли қурбонлик ракси!
Дарахтларда-тилсиз сирлар титроғи.

Бу-асрга қарши исён, суиқасд:
Ўлчовлар, ҳисоблар, вақт, касрлар.
У ери, бу ери йиртилган парда:
Дарахтларда - қотиб қолган қабрлар.

Кимдир келар. Осмон-йўл ибтидоси.
Дарахтларда-бахтнинг йўқ интиҳоси.

Қуёш-ягонадир, шаҳар кезади,
Қуёш-меникидир. Ҳеч кимга бермам.
На лаҳза, на нигоҳ, на нур сезади-
Қуёшни бермайман. –Ҳеч кимга. Ҳеч дам.

Зулматларда сўнсин шаҳарлар, майли,
Қуёш–
қўлимдадир! Қуёшсиз очун!
Ёндиргум-қўлу лаб, юрагим-далли!

У йўлдан адашса энг қоронғу тун
Еламан изма–из... Қуёшим менинг,
Ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман сени!

Ёнингга келаман, рақибам, у тун
Худди ҳозиргидай нурга тўлади.
Ҳовузда бақалар додлар бетутун,
Аёллар оғриқдан телба бўлади.

Мен-аср туғени ийлаган хур сас-
Рашкли кипригингга тўкиламан жим.
Айтмоқчи бўламан, мен-одам эмас,
Тушман-рўёларга айланган қоним.

Айтмоқчи бўламан,-юпанч бер, шаффоф
Юрагимга кимдир михлар қоқмоқда!
Айтмоқчи бўламан,-шамол ҳали соф,
Оловли юлдуздан шуъла оқмоқда...

Мен-махбуса. Сен эса-соқчи.
Сендан ортда қолиб бўлмайди.
Тақдир битта-бўм–бўш, алдоқчи
Сафсатага бўшлиқ тўлмайди.

Табиатим юввош, мулойим!
Нигоҳларим ёрқин! Ўтинчим-
Хув, қайинга қадарлик бир зум
Сайр этмоққа изн бер, соқчим!

Бемаҳал қўзғалмас кема,
Булбул бевақт куйламас билдим
Мен қанчалик яшаш истамай,
Оҳ, шунчалик ўлгим ҳам келди!

Болаликда бўлгани каби
Терлаб чиқдим лото ўйнидан.
Ўз бахтига ишонмас қўнгил,
Дунёлар бор дунё қўйнида.

Дилни меҳр билан чулғайди хаёл,
Тез орада мени чорласа йирок,
Кимга қолар экан-қалин жун рўмол,
Бўрининг мўйнаси, ихчам қўлтаёқ...

Ферузаранг кумуш билакузугим,
Кимнинг насибаси... Жами ёзувим,
Гулларни асрашга тоқат қилар ким...
Энг сўнги қофиям-энг сўнги туним!

На ўй, на зор, на қизгин баҳс,
На оромбахш уйқум бор.
На кун, на ой ва на денгиз,
На кемага орзум бор.
На деворлар, яшил боғлар
Ҳидин сезар туйғум бор.
На кутганим-қайноқ чоғлар
Тухфасини туйғум бор.

Қувонтирмас тонг ва тунлар,
Трамвайлар елиши.
Яшяпман-унут кунлар,
Вақт ва аср келиши.

Туюлар мен-кичик раққос,
Занжири узик мастман.

Қоронғу ой ичра ҳассос,
Мағрур хаёлпарастман.

Жуда эрта туғилди шеърлар,
Эсимда уларга қалбим берганим.
Бамисли фаввора томчилар, нурлар,
Билмаган эканман шоир эканим.

Саждагоҳга кирган иблис сингари
Ёшлиқ ила ўлим беун жўшади.
Оромли, исирик ҳидли гўшада
Ҳали ўқилмаган шеърлар жангари

Миттидай дўконда чанг босган ғамнок!
(Уни ҳеч ким олган эмас ва олмас!)
Бебаҳо дардларим-шеъримнинг олмос
Даври келгусидир шодумон ва пок.

Дўнгликларда югурар сўқмоқ
Жажжи-жажжм оёқлар билан.
Ока оқар сокин, эринчок
Уйқудаги ўтлоқлар билан.

Қўнғироқлар жаранглар, зарб-ку
Шошилади зарба ортидан.
Борлиқ куйлар эди энг эзгу
Болаликнинг хотиротидан.

Тонглар жаннат, чошгоҳлар жаннат,
Ловуллаган уфқ - оҳлар жаннат!
Яркираган шамширлар – сурат,
Қасрларни қулфлар сукунат.

Бари қайга кетди афтода?
Орамизда тўсиқ бор – недир?
Гулпуштанинг ўтинчи - бода,
Тушдагидай чайқалар оғир...

Менга ёқар, бемормассиз мен боис,
Менга ёқар, бемормасман сиз боис.
Менга ёқар, оғир заминнинг шари
Пойимизда оқиб ётмас сарсари.

Менга ёқар, бўлмоқ мумкин кулгили,
Сўзлар ўйинисиз яшамоқ мумкин.
Қўллар қўлга ногоҳ теккан маҳали
Қизартира олмас димикқан тўлқин.

Менга ёқар, кўзим олди-қаршимда
Ўзгаларни қуча оласиз сокин.
Сизсиз яшаганим ҳаққи, аршимда
Менга мўлжалламанг жаҳаннам ўтин.

Азизим, исмимни ёдлаш ёдида
Яшаманг на кундуз, на тун-бефойда...
Черковнинг улуғвор сукунатида
Куйланмас биз учун-аллилуйя!

Мени севганингиз учун билмасдан,
Сиздан миннатдорман юрак, қўл билан.
Майли, севиб яшанг,-тун, ором ҳаққи,
Қуёш кулмаган кун, олис шом ҳаққи;

Кунботарги гўё ногоҳ васлимиз,
Изимизни излар ойдин ғам ҳаққи...
Бемормасман фақат сиз боис-ҳайҳот!
Бемормасман фақат сиз боис-ҳайҳот!

Шеърлар ўса бошлар юлдузли, гулдай.
Қайдин оқиб келар менга бу шуъла?
Тожлар, тантаналар сўйлар бир тилда,
Юрагим тўлиқар, тўлғин ашула.

Тушимда ёрилиб кетади тошлар,
Кўкдан нур ёғилар барг нафасида.
Дунё, ишон! Куйчи туш кўра бошлар
Юлдуз шуъласида, гул шевасида.

ДОН ЖУАН

Туманли тонгда узок
Бўзлайди шамол, бўрон.
Бу қор майин, қор оппок,
Ётар унда Дон-Жуан.

Фавворалар сукутли,
На юлдуз, на ёруғ бор.
Ҳоч ярқирайди ўтли
Мажнун кўксида бедор.

Бу қоронғу рўёни
Ёритай деб атайин
Келди юрагим-тун-туғ.
Юрагим-бир ҳовуч чўғ,
Юрагим-тундай очик!

Олис юртдан сиз билан
Ишқ тўла дилбар дафтар
Ёнимга келди, ухланг,
Ухланг, Дон-Жуан! Етар...

Баҳс бойлаша - бойлаша.
Куйлай-куйлай толар тил.
Мени алдай - алдай Вақт
Аллалар - оромда дил.

Кўзларим юсам аста
Қайрилар киприкларим.
Тушимга кирар қушлар,
Дарахтга битикларим.

Оқшом чўкаётир улкан шаҳримга,
Мудраётган уйдан чиқиб кетаман.
Одамлар ўйлашар-аёлми, қизми,
Ҳаёлим ўғриси-тунга етаман.

Йўлимни супурар июл шамоли,
Қайдадир куй янграр элас ва элас.
Оҳ! Тонгга қадарлик бу майин ҳаво
Бағрига босади кўксимни бесас.

Кўринар қора тол, деразадан нур,
Баланд минорларнинг кўнғироқлари.
Қўлда гул, қушдан ҳам энгил қадамлар,
Уларга сингийман соя сингари.

Тилла иплар каби ёнади олов,
Япроқлар ҳидидан беҳушман, беҳуш.
Кундузги ташвишлар, тинч қўйинг мени,
Дўстларим, тушунинг, бир тушман, бир туш.

Кўзингга сингиган мовий кўкка бок,
Ҳайқиргинг келади:-Момақалдирок!

Йўловчи ўтмоқда, қалбингда сезги,
Айқириб оққиси келади: -Севги!

Совуқ оқимларни ёраман тонг пайт,
Шеър бўлиб тўкила бошлайман:-Ҳайрат!

ҚАЛБ ВА ИСМ

Давра оловланар, бу ўт тафтидан
Исийин демайди, тўлмайди бағрим.
Кўзимда ястаниб ётади кенглик,
Сен уни денгиз деб атагил, тангрим!

Бошни айлантириб юборар рақслар,
Мени ташлаб кетай демас соғинчим,
Шу соғинчлар солди қалбимга оташ,
Уларга денгиз деб ном бергил, тангрим!

Олов бўлиб куйлар афсунгар давра,
Ёниқиб чорлайди, тортмас оёғим.
Юрак йўлга тушди, йўл эса олис,
Йўлимга денгиз деб исм кўй, тангрим!

ДЕКАБР ВА ЯНВАР

Севинч туғди декабр тонгги,
Лаҳзада кечади
Умри илк бахтнинг.
Ёшариб кетади юрак бу бахтдан!

Қайғуси бор январ тонггининг,
Умри узун ҳасрат.
Таъми тахир, аччиқ бу ғамни
Тотдим илк бора!

МАКСИМИЛИАН ВОЛОШИН

(1877-1932)

Ҳаётлигидаёқ афсонавий шахсга айланган бу улкан рус шоири Киевда туғилиб, унинг илк болалик чоғлари Таганрог ва Севастополда ўтди. Тўрт ёшидан бошлаб, унинг ҳаёти Москва билан боғланди.

Шоирнинг оиласи 1893 йилда Қримга кўчиб ўтгач, бу ердаги дала ҳовлиси "Шоирлар уйи" га айланди. Бу уйда ўша даврнинг не-не шоирлари, олимлари, бастакорлари, хуллас, аҳли ижод яшамади дейсиз!

Онасининг талаби билан Москва Давлат универ-ситетининг ҳуқуқшунослик факультетида 1900 йилда бошланган таҳсили (талабалар намоёишидаги ишти-роки учун) тугалланмай қолди. У ярим йилча Мар-казий Осиёда, кўп йиллар Парижда яшади. У ердан Ўртаер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқди. Шоир ўз ватанига қайтиб келди ва умрининг охирига қадар сеvimли "Шоирлар уйи"да -Коктебелда (Қрим) яшади, тоғнинг баланд жойидаги ўзи васият қилган ерга дафн этилди.

Максимилиан Волошин нафақат ҳассос ва теран фикрли шоир, ажойиб мўйқалам соҳиби ҳам эди. Унинг қаламига мансуб рангтасвир асарлари шеърлари каби Ватани, дунё бўйлаб ўлимидан сўнг кезмоқда.

Шоирдан бой адабий мерос қолди. У ўз шеърла-рида инсон руҳияти кенгликларини, кечинмаларнинг мураккаб ва чуқурлигини, уйғуларининг тозаллигини, ўз замонасининг, замондошларининг ички ва ташқи қиёфасини, табиат гўзалликларини кенг қамровли ранглар билан ифодалади.

ВАГОНДА

Яна йўл. Сеҳрли кучниг туйғуси,
Мени чулғаетган бу ҳолат таниш:
Шовқин, юк ташувчи, чироқ ёғдуси,
Қичқирик, хайр-хуш, хуштак, ҳовлиқиш...

Вагонларда хира ёруғлик,
Сояларнинг қора излари.

Эгилиб мудрайди, мудраётир тик
Одамларнинг чарчок юзлари.

Аниқ-тиниқ,
Адоси йўқ, йўқ тини
Бир хилда тик–иқ
~илдираклар шовқини.

~увиллар сарсари
Уйкудаги шивир-
Тубсиз дарё сари
Олиб кетар сир...

Ҳаёт...рикчилик...
Кимдир қайгадир
Ниманидир тўқ–ўқ
Уради бир–ир.

Та–а–а...-а–та–а...
Тинмай не ҳақдадир
Уйқусида хаёл
Суради кимдир.

Қулоқни тешгудай тақиллатади:

Та–а–а...–а...–а–а...
Шамол ноласига урилар хаёл,
Поезд унга етиб, ўзиб кетай деб
Ҳайқира бошлайди, ҳайқиради лол...
Яна Россияга йўл олдим чоғи...
Ҳали олдиндадир минг-минг чақирим.
Қаршимда нохуш тун очар кучоғин,
Даладаги бекат... Чироқлар ёниб,
Толғин–толғин, нозли кўзлар мисоли
"Келгин... келгин..." дея шивирлайди жим.

Бу нима? Қўрқувми? Балони? Ўйлар?
Узоқлашар окшом, яқинлашар тонг.
Неки яшаб ўтди-ўтмишдан сўйлар,
Неки суғурилди-ич-таши вайрон...
Та–та–та... та–та–та.. та–та–та...

Бу йўллар чеки йўқ кўринар гўё...
Поезд кетиб борар тилсиз чўл бўйлаб.
Нолалар, фиғонлар қуюни аро
Қадимий–қадимий қўшиқлар куйлаб.
Ҳар битта вагоннинг деворин дилгир
Сирғалиб–сирғалиб санайди ёмғир.

Бу қўшиқ–ҳаётнинг интиҳосими,
Бу қўшиқ–ҳаётнинг ибтидосими,
Тинмас, сира тинмас Вақт садосими:
Та–та–та... та... та–та... та–та–та...

Бу туганмас йўлда
Саргардон дарвеш
Каби йиллар билан кезиб юраман.
Интиламан, интилиб дилдан
Яна бахт сасини сезиб юраман.

Фақатгина намхуш–шамхуш тунларда
Оғир–оғир ҳаво тўлқинларида
Димоғимга Руснинг ҳиди келади,
У ҳам олислардан мени билади.

Шамол ноласига урилар хаёл,
ғилдирак шовқини ноумид,хорғин
Қуйилар,тақиллай бошлар бемалол:
Та–та–та... та–та–та... та–та–та.
1901 й.

Оқшом тушиб келди. Ол ранглар ўчди.
Ўйлар чарақлади - кўнгул зиёси.
Қандай қудрат билан кўзини очди
Олис кунларимнинг унут дунёси!

Яшил хиёбоннинг қоронғусида
Тушлар адашишди,эртақлар сўлим.
Оқиб ўтаётган Вақт ёғдусида
Кунлар ўсиб борди, тун қуйилди жим.

Бизлар нимагаки кўл урдик,ногоҳ
Хушбўйланиб кетди, гуллаб кетди,оҳ!
Бизни ушлаб турган бу рангсиз олам -

Турманинг энг намхуш деворларидан
Олдинга силжитдик дил торларида
Бу азиз ҳаётни ҳамфикр, хуррам.
1902 й.

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бальмонтга

Қалбимдаги дардим хушбўй, чақинли,
Мовий қушлар каби чарх урар шуъла.
Ёруғ деразалар очик, ёлқинли,
Узайиб боради, тобора узун
Дилтортар нола-
Кўринмас тола...

Бу оқшом нечоғли нурли, сеҳргар,
Сўзлар рақсга тушар, бирдан ловиллаб
Севгили оҳанглар жуфтлашар дилбар.
Англамоқ тубида-айланма йўлда

Куюклашар ҳуркак соялар, сирлар...
Сунбул гул рангида туғилар дилда
Энг оппоқ,энг маҳзун, муаттар шеърлар.
1904 й.

Менга дунё тор келди, айланага қулфландим,
Мангулик аҳён–аҳён ярқирар шуъла мисол.
Кўзларимга урилар Вақт кучланди, учланди,
Йиллар сор қушлар билан учиб ўтар бемалол.

Паға–паға туманлар... яқин... ва йироқларим...
Сезаман кўчаётган манзаралар нафасин.
Психия чироғин қўлга олган чоғларим
Кўтараман англашнинг мовий алангасини.

Яширин тубсизликлар тубсиз тубсизлик аро.
Синга бошлайди шаклу шамойил кенг самога.
Қачондир қаердадир бирга ўлганмиз гўё,
Гўёки бизлар ҳали келмаганмиз дунёга.
1904 й.

О, нақадар тиниқ, бу дам бетакрор,
Қадамларим енгил, ўхшар чакмоққа!
Яна бир бор бола бўлиб қолгим бор,
Мен кириб бораман қадрдон боққа...

Эшит, эртакларнинг шитирими бу?
Мени англамоқнинг тубсиз иплари
Дарбадар йилларда билмасдан уйқу
Ортимга қайтарди–болалик сари...
1904 й.

ҚАДИМИЙ МАКТУБЛАР

Севаман–қадимий мактублар аро
Қадимий сўзларнинг ҳорғин шивири.
Уларда сезинар жон берар раъно
Гуллардан сўнгги ҳид, сўнгги шитири.

Севаман–бу гулдор ҳуснихатларда
Майсалар шовуллаб тўкар сирларин.
Ҳарфлар уча бошлар ҳур соатларда
Оҳиста пичирлаб маҳзун шеърларни.

Юрагимга яқин улардан ним–ним
Оқаётган чирой, жозиба, боли.
Улар Англамоқнинг дарахтидан жим
Тўкила бошлаган гуллар мисоли.
1904 й.

Бизлар бу дунёда адашиб кетдик,
Бу тубсиз зулматга боладай ҳадик
Ва кўрқув ичида кўз қиримизни
Ташлаб, маҳкам қучдик бир–биримизни.

Ўлик дарё бўйлаб товуши ўктам
Орфей ўз соясин чорлаётган дам
Кимдир итаради, ажратар, кимдир
Бизни айлантира бошлайди гир–гир.

Ғамнинг мадори йўқ, бесас ҳайқирик,
Кўллар кўлни сиқа бошлайди қаттик.
Жуда олисларда ҳўлланган тошлар
Эвридика номин ғулдирай бошлар.

1905 й.

Баҳор тунд, елмас сабо,
Водийларда нам ҳаво.
Мовий уфқлар қадар
Туташар тик тераклар.
Олис–олис тоғларда
Қор товланар чоғларда
Қуюқлашар ҳўл дала.

Булутларга эшилиб,
Жарликларга қўшилиб,
Шамолнинг нолалари
Ёмғирнинг толаларин
Тўқий бошлайди, денгиз
Шовуллар бўғиқ, ёлғиз.
Сўнгсиз қумликлар бўйлаб.

1907 й.

Сувлар ялангликда тебрана бошлар,
Кумушранг ҳошия билан ўралиб.
Хаёл тундлашади, деворлар тишлар,
Нурлар жимирлайди, кетар қуралиб.

Туманли кун очди олтин кўзини,
Шарқдан кўтарилар кундуз бошоғи.
Тўлқинда чайқалган нурлар ўзини
Тубсизликлар узра кўришди чоғи...

Борлиқ танҳоликда ярқираб кетар,
Марварид чакмоқда, қуёшда гўё
Олмос гирдоб ичра ўргимчак титрар.

Нозик қўлларингни кўк сари кўтар-
Айлан водийларнинг нилуфарига,
Олов ва тупроқнинг кумуш-зарига!
1907 й.

Бу йўлнинг ўйи оғир,
Азиз Коктебель томон
Кетиб бораман дилгир.
Тоғ чўққисида хуррам
Кумушранг бутазорлар,
Тоғолча тугади дур.
Водийда енгил нафас
Билан гуллайди бодом.
Қора ридо ичида
Туйғулари ёниқ ер.
Сирғаламан тоғлардан
Тушган шағал тошларга.
Бўғилган тўлқинларнинг
Аччиқ нафаси бир–бир
Пешонамга урилиб,
Айланади ёшларга.
Салом, баҳор бағрида
Тантанавор, Коктебель!

1907 й.

Мени алданг, алданг... буткул, бутунлай...
Ҳеч нарса ўйламай, эсламай қачон...
Алдовга ишонай бирор сўз демай,
Кетай зулмат сари таваккал, сарсон...

Ким келди, ким кўзим боғлади, чиқиб
Бўлмас айланага олиб кирди ким,
Кимнинг нафаслари ўтмоқда ёқиб,
Ким қўлимни қаттиқ сикаётгир жим...

Уйғонганда туну туманни кўрсам
Ҳамки, мени алданг, ишонинг сиз ҳам..
1911 й.

Ҳозирда альбомлар камайиб кетди-
Қуюқ бўёқ билан кам ишлар қўллар.
Китоб бобларига нафис из битди
Гўё тасодифан очилган гуллар.
О Пушкин илҳоми! Мен каби охир
Замон шоирида бормикан журъат
Ажиб киёфангиз чизмоқлик бир қур
Ранглар билан эмас, сўз билан фақат?

Ҳайҳот! Ёноқларда ёниқ табассум
Бу қувноқ чехрада очилиб кетди.
Бари-бари сингди сатрларга жим..
Шеърларимга сиғмай сочилиб кетди.
Тарам-тарам сочлар, ўйноқи кокил
Ёз чоғи қорайган сепкиллар ичра.
Бу мовий кўзларга ёйилар енгил
Олтинранг шуълалар, қумушранг нуқра.
Сабр маликаси, ҳаё лоласи,
Хуррам қорачиқнинг йўқдир тимсоли.
Сиз улкан ўрмоннинг ҳур илоҳаси
Билан бахт излаган оҳу мисоли.
Ҳуркак нигоҳингиз билан ёнди дил,
Сизми қоматингиз кўз-кўзлаб, Пуссен-
Чўққилар юртига, зулмат сари йўл
Олган дриад—ла куйлаган беун..
Менинг чехраси тунд Коктебелимга
Кўшилиб оқади қулғуларимиз.
Вайрона гумбазлар узра қўлимга
Тонг тўлади найдай-туйғуларимиз.

1912 й.

КАР-СОҚОВ ИБЛИСЛАР

Улар ер юзини юради кезиб,
Кўзлари кўр, тили соқов, қулоғи кар.
Оловли изларни чиқади чизиб,
Бағри кенг зулматда беқарор, бедор.

Улар тубсизликни ёритади жим,
Гарчанд ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас.
Улар тақдирдан нолишмас, сим—сим
Куйлайди, куйлайди бетиним, бесас.

Ҳавоси дим тим қоронғу жаҳаннам
Қучоғига йўллар башоратгўй нур...
Уларнинг тақдири-Ҳақда мужассам,
Булутлар ичидан тўкилади сир.

1917 й.

ТЕРРОР

Улар тунда ишлар, тунда ўқишар
Хуфия маълумот, хуфия ишни.
Ҳукмларга шошиб имзо чекишар,
Ичишар, унутар чарчок, ташвишни.

Ҳали тонг ёришмай сармаст аскарлар.
Шомги қоронғулик чоғида бир қур
Рўйхат ўқилади, аёл, эркаклар
Зим—зиё ҳовлига ҳайдалар бир-бир.

Бор-бисот шилинди, қонталаш бўйра,
Пахта тойларига боғлашиб таранг,

Оғир аравага ортишди. Сўнгра
Соат, узукларни бўлишди аранг.

Тунда бу одамлар бедор, бемажол
Сирпаниб муз тошга, музлаган қорга.
Шимоли-шарқ ёқдан эсган тик шамол
Билан қувилишди харобазорга.

Йўлни ёритишиб қўл чироқ билан,
Уларни бошлашди жарликлар томон.
Ярим дақиқанинг ичида омон
Қолмади ҳеч бир жон, қирилди ёмон.

Тепиб итаришди уларни охир
Қазилган чуқурга, тупрокқа кўмиб.
Йўл олишди уйга бамайлихотир
Жўшқин рус кўшиғин руҳига чўмиб.

Худди шу жарликка тонг отар-отмас
Тўпланишди аёл, она, итларким,
Ер ковлай бошлашди тирмашиб, бесас,
Жонсиз таналарга лаб босишди жим.

26 апрель. 1921. Симферополь.

ШОИРГА

1

Тоғларга тўк ғаминг, денгизларга соч,
Овозинг баланд қўй, куйла, қалбингни
Юксакларга учир, одамларга оч.

2

Бу йўлда озмайин десанг, қулоқ сол,
Сақлангин ҳатто дўст, ҳатто мухлисдан,
Ёв деб ўйлаганинг дўст чиқса, не ҳол.

3

Шухрат бўлаклайди қаламингни жим,
Қуёш қабр тошда эрийди сим-сим.

4

Оқимга қарши боқ: тинч, қатъий, бесўз.
Қара, қоя каби руҳингни ёвқур
Тўлқинлар босқини йиқар шафқатсиз.

5

Гарчанд сафдошларинг кулиб ўтмоқда,
Кимнинг қўлида тош, қай дилда ҳасад.
Билки, сени ҳеч ким билмай ўтмоқда.

6

Вақт етиб, Ҳақиқат кўтарса қилич,
Вақт етиб, қардошлик ўққа тутилса,
Вақт етиб, хатто ишқ олса ҳамки ўч-

7

Оломонни қўйгин, инсонга ишон.
Ҳар бир қароқчига иблис ёр, инон.
1925 й.

Дунёни боладай кезиб ўтайлик,
Шовдираган қиёқ товушин суйиб.
Ўтган юз йилликлар нордон, югурик,
Ва англашнинг аччиқ таъмини туйиб.
Энг сирли тушларнинг узун галаси
Кунларимиз рангин ўчирди гўё.
Ғўр оломон ичра ўтди, чамаси,
Болакай-ҳеч ким кашф этолмас даҳо.
1903 й.

Олмос нурлар ичра кўркамлашди шарқ.
Нурланади минглаб йўллар ва сўқмоқ.
Олисларда сирли ва сирли куйлаб,
Дунёни кезсайдик битта йўл бўйлаб!

Шу йўлда барини кўриб ва англаб,
Шу йўлда барини туйиб ва танлаб,
Олиб ўтсанг ўтли зиналар аро,
Қанийди бир йўлга жам бўлса дунё!

1907й.

Адабий – бадиий нашр

Ойгул СУЮНДИҚОВА

МЕН ТУФИЛГАН ЮРТ
Шеърлар ва таржималар
Ўзбек тилида

Муҳаррир: Фароғат Камол
Рассом: Рустам Зуфаров
Техн. Муҳаррир: Ф. Болтаев
Мусахҳиҳ - Д. Исломов

*Тершига 15.10 2006 й. да берилди. Босишга 15.05 2007 й. да берилди. Бичими 84x108.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табағи 14,0 Нашр табағи 14,2. Адади 1000
нусаха. Бюртма № _____. Нархи шартнома асосида.*



Ойгул Суюндиқова 1957 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилган. 1985 йилда Москвадаги Адабиёт институтини тугаллаган. «Уфқлар ёнганда» (1986), «Умр куйлари» (1986), «Эътиқод» (1990), «Мен туғилган юрт»(2007) шеърий китоблари чоп этилган.

1974 йилдан буён, туман, вилоят ва республика матбуотида шеърлари, таржималари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. 1989 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Ойгул СУЮНДИҚОВА

КЎНГИЛ КЕНГЛИКЛАРИ

Шеърлар
Таржималар

Таниқли шоира ва таржимон Ойгул Суюндиқова-нинг қатор китоблари кенг китобхонлар, шеърият ихлосмандларига яхши таниш ва яқин. У майин ва жарангдор овози, қаламининг нозик ва рангинлиги ҳамиша ажралиб туради.

«Кўнгил кенгликлари» номли янги китобида ҳам шоиранинг кенгликларини кашф этасиз, улар ажралмас ҳамроҳингизга айланиб қолади, деган ниётдамиз.

Унда Ватан, ота- она эҳтироми, табиатга шайдолик, ҳаётга муҳаббат, руҳият, ички кечинмаларнинг дилбар тўлқинлари билан йўғрилган шеърлар, жаҳон шеъриятидан она тилимизга ўгирилган ўзига хос таржималар ўрин олган.

Шеърлар

ОНА ЮРТ

Бу кўнгулда сендан улуғ дoston йўқ,
Тупроғингда ундим, ўлсам, армон йўқ.
Бу очунда сендай гул, гулистон йўқ,
Бўлмасанг, кўзимда яшнар осмон йўқ.

Тошларга урилиб синган ёмғирдай,
Шамолда шовуллаб тинган ёмғирдай
Тупрокқа инаман, кенгаяр бағрим,
Саратонда яшнар далалар—наҳрим.

Қасидадан улуғ шоирлар умри
Қаби куйлар булбул, товланар қумри.
Болангман, ҳеч қачон бағрингдан кетмас,
Сенсиз икки олам муродга етмас!

ИШҚ

Минг йиллардан буён сени излайман,
Эҳтимол, миллион йил ўтади яна.
Сен ҳақда тунлари ойга сўзлайман,
Сен ҳақда юлдузлар тинглайди ёна.
Тун бўйи деразам ортида тинмай
Қуйилди шамолнинг тўлқин туйғуси.
Не учун яшайман кўз ёшга кўнмай,
Нечун кўзларимнинг келмас уйқуси?
О, менинг энг буюк ғамиммисан, ишқ,
Рафиқим ва ёки ғаниммисан, ишқ...
Оёғини ерга тираб, самога
Армонини айтган тоғлардан ўтдим.
Ёмғир қўшиғини майин сабога
Сочган энг муаттар боғлардан ўтдим.
Мен сенга атадим, сенга тутқаздим
Ойга гуллар эккан хаёлларимни.
Билмадим, қайларда кимга ютқаздим

Жавоби топилмас саволларимни.
Ойдан сойга тушган толамисан, ишқ,
Ойдинда балқиган ноламмисан, ишқ...

Пойимда оқади қуюқ майсазор,
Бош узра сузади булутлар енгил.
Менинг шу лаҳзада қолиб кетгим бор,
Менинг билан қолса бас, дарё кўнгил.
Бу дунё беқиёс, бу дунё рангин,
Руҳимда шовуллар яшил япроқлар.

Нечун куз ҳавоси туюлар ғамгин,
Нечун олис хотир мени сўроқлар...
Исми гул, жисми гул туғёнимсан, ишқ,
Бу дунёи дунда гирёнмисан, ишқ...

Мактублар ёзаман, қорли мактублар,
Биламан, жавоби келмас, келмайди.
Уларни ёзганим шамоллар билар,
Хаёлдан ўзгаси билмас, билмайди.
Мактублар ёзаман, торли мактублар,
Балким умрим бўйи умримдан узун.
Ҳар битта сўзимда гуллар очилар,
Висоли ифорли, ҳижрони маҳзун.
Мактублар ёзаман, мактубимсан, ишқ,
Нигоҳим етмаган дил тубимсан, ишқ.

КИТОБЛАР

Сен Вақтнинг изида ёнасан елиб,
Осмон кўзларингда кетар чайқалиб.
Сени мутолаа қилар Кун ва Тун,
Улар сени олдга чорлайди жўшқин.
Агарки, осмонга учмоқда дилим,
Китоблар—муаллим.

Шафақлар эрийди гулгун сахарда,
Баҳор жаранглайди ҳар битта торда.
Бағринга отилар бир дунё севинч,
Боғларда кезинар шамоллар ҳам тинч.
Агарки, йўлимга қўшилар йўлим,
Китоблар—муаллим.

О, дарахт, баргларинг сарғайиб кетди!...
Вақтнинг сочларига оқ қиров битди.
Тонгга қадар ойнинг олис ёғдуси
Куйлатиб юборди юрак қайғусин.
Агарки, ишқ қадим, куйи-да қадим,
Китоблар—муаллим.

Қай кўз ёшдан бино бўлгансан, денгиз,
Эҳтимол, бахтлисан менсиз ҳам тенгсиз...
Нелар кўрдинг? Нелар кутмоқда сени?

Кутиб яшайсанми ё ҳамон мени...
Агарки, соғинчга ўхшаса умрим,
Китоблар—муаллим.

Тунга айланади кутиш, шу тунга,
Кунга айланади кутиш, шу кунга.
Унга айланади кутиш, шу унга,
Чинга айланади кутиш, шу чинга,
Агарки, сабр ҳам қилмоқда таъзим,
Китоблар—муаллим.

ҚАЙТИШ

Бир қушча мисоли
Учади юрак.
Уни осмон чорлаётир,
Уни қуёш кутмоқда.
Пастда эса—
Кенг далалар,
қирлар қолди кузатиб.
Сойлар, йўллар
Хушбўй гуллар,
Дарахтлар қўл узатиб...
Туманли тоғ,
Тоғ бағрида
Мўъжазгина уй қолди.
Юрак эса қушча каби
Узоқларга йўл олди.
Уни осмон чорлаётир,
Уни қуёш кутмоқда...

У булоқлар қўшиғини,
Заминнинг яшил рангин,
Тоғлардаги қайтмас сеҳр,
Боғлардаги меҳрни,
О, айниқса, ўша мўъжаз
Туғилган уй соғинчин
Жойлаб борар юрагига,
Бойлаб борар тилагига...
У самода кўрмаган ҳусн,
Булутлардан кўрмаган меҳр,
Ҳаволарда учмаган сеҳр,
Бари-барисин—
Туғилган уйдан топади, албат!
Туғилган уйини жуда соғиниб,
Бир қушча мисоли қайтмоқда ҳайрат.

Ёмғир тинди. Кўкнинг ҳам
Юзи бирдан ёришди.
Дарахтлар масрур, хуррам,
Шамол билан керишди.

Хўл баргларнинг учига
Қуёш нурини илди.
Қушларнинг севинчига
Ажиб хидлар урилди.

Боғларга бериб оро
Достонга айланди дил.
Кўзим олдида дунё
Гул бўлди, очилди гул.

ЭНАМНИНГ ХИРГОЙИСИ

Пангат сойнинг суви ширин, балиғи бор,
Ҳазир бўлгин, балиғининг қилтиғи бор.
Қармоқ отма бу қирларнинг қизларига
Қирни қирар, тошни ёрар қайлиғи бор.
Бу қирларнинг суви ширин сойи бордир,
Бир ғарибнинг қармоқ отган жойи бордир.

Жон сингиллар, жон укалар, кулаверинг,
Унда-бунда пичир-пичир қилаверинг.
Ўшал йигит—ўшал ғариб болани сиз
Фақат менга ошиқлигин билаверинг.
Бу қирларнинг суви ширин сойи бордир,
Бир ғарибнинг қармоқ отган жойи бордир...

Олтин ранглар ўчди боғларда,
Кезинади олис хаёллар.
Қуёш чиқиб келар тоғлардан
Сезинади совуқ шамоллар.

Улар қишдан беради хабар,
Оқ қорларга айланар ёмғир.
Ястанади кенгликлар қадар
Қор остида қолиб кетган сир.

Бир кун бу сир очилар гулдай,
Анҳорларда тўлиққанда сув.
Баҳор кулиб келгуси йўлда
Шамол дилга солгуси ғулув...

Ой чиқди бу оқшом. Нурлари новвот!
Кўзларим сеҳрлаб яйратаётир тун.
Юлдузлар имлайди навбатма-навбат,
Барча дардларимдан фориғман бутун.

Бу ойдин кечада майиндир ҳаво,
Балким армонларинг олиб кетади.
Сени чорлайвериб толиқмас ҳилол,
Юлдузлар ёнади, осмон кутади.

Бу дарахтлар менга яқин, кадрдон,
Баланд бўйли, куюқ баргли, виқорли.
Улар ҳар фаслда ёқиб ўтар жон,
Олтин табассумда, ёмғирли, қорли.

Бу кенг йўллар менга яқин, кадрдон,
Улар билан умрим оқиб ўтади.
Уларга сирини тўкади осмон,
Улар юрагимдан балқиб ўтади.

Бу райҳонлар менга яқин, кадрдон,
Ҳидлари шеърларим бўйлаб ўтади.
Улардан айрилгим келмас ҳеч қачон,
Улар мен ҳақимда сўйлаб ўтади.

Тунлар тўрт бўлинган уйқуларингни
Бешикка суяниб топмоқ бўласан.
Киприкдаги ойнинг ёғдуларини
Хаёл пардаси-ла ёпмоқ бўласан.

Тун эса охири кўринмас эртак,
Юлдузлар—сочилиб кетган марварид.
Сукунат бағрида сутдай оқ чечак—
Тонгнинг қўлларида очилар умид.

ШЕЪРИМГА

I

Шеърнинг бир мисраси тушимга кирди,
Мен кезиб чиқмаган йўлга ўхшади.
Тўлқинлар мен билан ёнма-ён юрди,
Парилар чўмилган кўлга ўхшади.

Шеърнинг бир мисраси тушимга кирди,
Ҳовучлаб ичганим—тонгга ўхшади.
Хаёлларим билан кенг осмон юрди,
Борлиқ мен билмаган рангга ўхшади.

Шеърнинг бир мисраси тушимга кирди,
Гулнинг баргидаги куйга ўхшади.
Шамоллар мен билан шодумон юрди,
Бари—адоғи йўқ ўйга ўхшади...

II

Ҳар бир сўзнинг нафасида ором бор,
Ҳар бир қадам қанот боғлаб учади.
Кўзларимнинг денгизига бўрон ёр,
Сочимдаги шамолни оҳ қучади.

Сўқмоқларнинг кафти илиқ, шабнамли,
Майсаларнинг ифоридан майин ер.
Уфқларнинг юзи тарам-тарамли,
Нурдан туғиларми, дилим, ўтли шеър...

Юлдузлардан кейин нима бор?
Ҳаёт борми ердан ҳам гўзал...
Ёки бўшлиқ, шамол беқарор,
Тубсиз зулмат йўлими азал?

Бу оқшом ой тўлади, сеҳр
Сени минг бир куйга солади.
Этагидан юлдузлар бир-бир
Тўкилганча шамол қолади.

Қайтиб келар қайтмас болалик,
Юлдузимни танлаб олади.
Отам бўлиб қайтмас болалик—
Ойтоғларнинг расмин солади.

Шамол олиб учар суратни,
Рухимда кенг осмон гуллади.
Ойтоғларга кўчган ҳайратни—
Ичимдагин онам билади...

Ойтоғларнинг қояларида
Шамол кезар сочлари толим.
Булутларнинг сояларида
Тонг исини ичди хаёлим.

Тонг шамоли уйғонди, яна
Кўзларимда ойтоғ нурланди.
Сада райҳон тебранди, ёна
Хушбўйланди дунё, турланди.

Юлдузларни кутаман, билгим
Келар ҳамон—ундан сўнг не бор?
Ойтоғларда сочлари толим
Шамол учар бетакрор, бедор...

Деразанинг ёнида бир қиз
Ўй суради дилбар, паришон.
Юрагида ҳоким қандай ҳис,
Кўзларида ёнар ҳаяжон,
Деразанинг ёнида бир қиз...

Оқшом эса келмоқда тушиб,
Уфқ ранги ўча бошлайди.

Ёш қалбида нелардир жўшиб,
Олисларга назар ташлайди,
Оқшом эса келмоқда тушиб...

Кипригида ялтирайди нам,
Ойнинг титроқ нурларида жим.
Недир қалбни тирнаган алам,
Уни маъюс этиб кетган ким?
Кипригида ялтирайди нам...

Кўз ёшингни кўрмасин ағёр,
Елларга айт артиб ташласин.
Тиниқ кўкда шўх юлдузлар бор,
Айт, уларга кўшиқ бошласин.
Кўз ёшингни кўрмасин ағёр...

Келгач дейди: « Малагим менинг!...»
Қайғунг кечар кечалар мисол
Кўзларингни соғиниб сенинг
Тонгги шафақ ловуллаиди лол.
Келгач дейди: « Малагим менинг!...»

Сада райҳонларнинг соясида жим
Тунаб қолган шамол каби уйғониб,
Тун бўйи тўлғониб, тун билан ёниб,
Тизангизга бошин урар ўтинчим,
Келдим, она, яна келдим, онажон...

Йўлга тушар оғир қарвон ғамларим
Кўзларимнинг тубсиз денгизларида.
Қалбим изтиробнинг ўт изларида,
Кипригимдан артиб ташланг намларим,
Келдим, она, яна келдим, онажон...

Ойтоғ эртаклари умримдан кечди,
Болалик - учқур от, хеч тутолмадим.
Мен неларга етдим ё етолмадим,
Тонг чоғи гул янглиғ шабнамни ичдим,
Келдим, она, яна келдим, онажон...

Дилимдан ўтгани осмонга аён,
Гоҳи ой, гоҳ юлдуз кезгувчи хаёл,
Ҳар кун нафасингиз сезгувчи шамол
Каби бўлолмаган армонга аён,
Келдим , она, яна келдим, онажон...

Яна ёнингизга қайтиб келаман,
Сиздайин меҳрибон инсон тополмай.
Меҳрингиздан улуғ дoston тополмай.
Билмайман, неларни битиб келаман,
Факат дейман келдим, келдим, онажон!...

ХАЁЛЛАР

1

...Изладим...
На еру осмонга сиғдим.
Тоғлар садо берди—
Эсладим...
Руҳимда ёниқди бир шам,
Бир чироқ.
...У менга яқиндир
Ва жуда узоқ...
Ҳаёт бахт ё ғам?
Надир ул ҳиссиёт?
Қандай бу олам?
На экан муҳаббат?!
Билмам, билмадим...
Энди, ухла,- дейди шу дамда онам.
Йўқ! Энди мен тошдим-
Дарёман, дарё.
Йўқ! Энди тоғ ошдим—
Дарёман, дарё.
Сўнгунча-сўнгунча,
Тингунча-тингунча оқаман.
Юрагим, юрагим ёқаман,
...Бир тутам айладим дунёни...

2

Сукунат.
Ёлғизлик...
Кезаман, самони кезаман.
Ҳаёлот-
Дунёни, дунёни сезаман.
Кезаман—
Сеҳр бор-сезаман.
Қуёшга ошиқдир бу тунлар,
Йўлларга тутшиб кетади уфқ.
Қуёшга кўксини тутуди ер ҳам,
Тошлар ҳам ёнади.
Еллар тебранади, эркаланади.
Мен эса дунёни кезаман,
Ошиқман, самони кезаман.
Энг ажиб сеҳрни сезаман...

ЙЎЛЛАР

Умр йўлдошимга

Йўлларга тикилдим—узайиб кетди,
Юлдузли осмон ҳам шўх, бойиб кетди.
Ой нурлари бахтданми ийиб кетди,
Бу йўллар бўлмаса, Сизни билмасдим,
Сизни билмай ўтсам, бахтли бўлмасдим.

Йўлдаман—шамолдир, қордир, ёмғирдир,
Йўлдаман—саробдир, зулматдир, нурдир.
Бошимдай айланган самодир, ердир,
Дамлар қувонч ила ғамга сайланди,
Тақдиримиз ипи маҳкам бойланди.

Ортига ҳеч қачон қайтолмас йиллар,
Биз қурган Ватанда барҳаёт гуллар,
Кутади ҳаётдай тугамас йўллар,
Фақат юрагимиз тарк этмасин ишқ,
Фақат айрилмасин умрдан кўшиқ!

Бу тонг майин-майин шаббода,
Саъва қушлар аллалар дилни.
Боғда райҳон тутади бода,
Маст қилади сўқмоқни, дилни.

Майсалари эрка адирлар,
Алвон-алвон гилам тўшайди.
Мен ахтариб кезаман қирлар,
Ул гул бунда йўққа ўхшайди...

Эгилибди мажнунтол боши,
Айтиб бўлмас дарди бормикан?
Сочларини ювар кўк ёши,
Бир меҳрибон кўлга зормикан?

Жилвагардир тоғлар чўққиси,
Елкасида - товланар ёли.
Орзум кўкка келар чиққиси—
Юлдузлардан ўтаман ҳали...

Олисларда юксак тоғларим,
Сочларини ёйган мажнунтол.
Кўкда юлдуз чаман чоғлари
Сирлари минг кечалик ҳилол...

Бу тонг майин-майин шаббода,
Саъва қушлар аллалар дилни.
Боғда райҳон тутади бода,
Маст қилади сўқмоқни, йўлни.

Армонларим—юрракдаги бардошимми,
Ёниб турган кўксим ичра тоғ-тошимми,
Кўзларимда қалқиб қотган қон ёшимми,
Кўй, йиғлама, осмон, ўзим йиғладим...

Сен йиғласанг, йиллар йиғлар, ой йиғлар,
Сокин оқшом юлдуз сузган сой йиғлар.

Ишқ кўйида гадо йиғлар, бой йиғлар,
Қўй, йиғлама, осмон, ўзим йиғладим...

Армонларим оққушларга айлансин,
Мен кирмаган ул тушларга айлансин.
Шу кенгликлар, тоғлар сендан айлансин,
Қўй, йиғлама, осмон, ўзим йиғладим...

Хув, олисда қуюқ тутзор,
Ўртасида узун йўл бор.
Хотиралар ёқар гулхан,
Ўтда ёнмоқ қисмат экан...

Мени ўшал ўт кутади,
Ойсиз тунни ёритади
Тунда эрир ўтинчларим,
Йўлга чиққан соғинчларим...

БАҲОР БИЛАН СУҲБАТ

I

Ҳар куни кутаман эшикни очиб...
Сада райҳонларнинг ҳидини сочиб
Елдай кириб келар соғинганларим,
Унут бўлар олис тун ёнганларим...
Ҳеч ким кириб келмас. Кутганим бекор!
Опамдай кўринган сенмидинг, баҳор...

Ҳар куни кутаман деразам очиб...
Ҳаволар киради нуқралар сочиб,
Ёмғир—шўх болакай шошиб келади,
Шамоллар тоғлардан ошиб келади.
Ҳеч ким кириб келмас. Кутганим бекор!
Укамдай кўринган сенмидинг, баҳор...
Ҳар куни йўлларга қарайман тонг-ла...
Кўнглим осмонида етти хил рангда
Соғинчлар эрийди, кўзим тўла ёш.
Ҳеч ким кириб келмас. Кутганим бекор!
Синглимдай кўринган сенмидинг, баҳор...

II

Бу қўхна дунёнинг ғамлари бисёр,
Гоҳ ширин, гоҳ тахир таъмлари бисёр.
Дўст бисёр, душманинг ундан ҳам бисёр,
Бахт бисёр, пушмонинг ундан ҳам бисёр.
Йўлимга шовуллаб тўлган ёмғирлар,
Йўлимни ловуллаб ёритган нурлар
Мен билан онамни кўргали кетди,
Мен билан ёнимда тургали кетди ...
Дарахтлар экдим мен, дарахт бўлай деб,
Шу дарахтда ўсган бут бахт бўлай деб.

Томири тупроққа тугашиб кетса,
Бўйлари осмонга бўйлашиб етса
Ёмғир тиллашар деб мен билан тунлар.
Бағримда яйраган куёшли кунлар
Мен билан онамни кўргали кетди,
Юзига тиниқ ранг сургали кетди...

Бу дунёни мендай ким суйди, кўнглим,
Ҳали бу дунёга ким тўйди, кўнглим!...
Биз ҳам—азиз меҳмон, биз ҳам—йўловчи,
Яхшиям, соғинч бор йўлга йўлловчи.
Баҳор, синглим бўлиб менинг билан юр,
Шамол, укам бўлиб ёнимда югур.
Гуллар, опам бўлиб меҳрингиз сочинг,
Йўллар, отам бўлиб йўлимни очинг!...
Болам, юр, онамни кўриб келамиз,
Кўнглини, кўнглини сўраб келамиз...

Рухда тўлқин, уфқда титроқ,
Кўзлардаги шуълалар дилбар.
Мени кутган энг олис сўқмоқ
Ловуллайди оқшомга қадар...

Ойнинг айтар сўзлари нурми,
Гуллар билан хушбўйланар тонг.
Кенг борлиққа сингган сурурми
Қаламимдан тўкилган достон...

Кўлмақларга қарамагин, чексиз осмон турганда,
Шу кенгликлар чайқалгуси тубсиз уммон турганда.
Юрагингни очиб қара, тиниқ нурлар сизмоқда,
Эриётган қор ҳидида яна баҳор кезмоқда.
Боксанг, боксанг, ҳар битта дил гулга ўхшаб кетади,
Шу гул униб-ўсаётган йўлга ўхшаб кетади.
Товушларга суяндим мен осмондаги тоғим деб,
Гул баргида суюндим мен кўнглимдаги боғим деб.
Сўзлар мени диёрига олиб кетди умрбод,
Энди умрим узун бўлгай, ўтгай ҳар дами обод.
Десанг, десанг, ҳар битта дил гулга ўхшаб кетади,
Шу гул униб-ўсаётган йўлга ўхшаб кетади.

Энди шамол билан қоламан,
Олисларга олиб кетади.
Ҳаволарни қалбга соламан,
Шу ҳаволар менга етади.

Энди осмон билан қоламан,
Ёмғирларда, қордами, селда.

Онасини кутган боламан,
Осмон руҳи ҳамроҳдир йўлда.

Энди юлдуз билан қоламан,
Олис юлдуз, энг олис юлдуз.
Сенга бир кун етиб оламан,
Ва кўнглимни тўкаман тўкис...

Энди тўлин ой-ла қоламан,
Ёлғизлиги менга ўхшайди.
Нурларини териб оламан,
Бағри жуда кенгга ўхшайди...

Энди хаёл билан қоламан,
Узун тунлар сари элтади.
Сукунатда ором оламан,
Тонгга қадар шу бахт етади.

Энди гуллар билан қоламан,
Улар менинг исмим-жисмимда.
Мен-да райҳон, мен-да лоламан,
Тонг ёришар табассумимда.

Энди йўллар билан қоламан,
Тоғу тошли, қирли, адирли.
Она тупроқ, қулоқ соламан,
Нафасларинг жонбахш, атрли!

Ёмғирдан сўнг...
Япроқлар титранар, ел ўйинқароқ,
Ҳаво хушбўйланар, булутлар парқу.
Райҳон гулидаги наво билан оқ,
Баҳор, сени туғмаган қайғу.

Ёмғирдан сўнг...
Бир ҳовуч осмоннинг чехраси тиниқ.
Тупроқни яйратиб ёйилар кулгу.
Қуёш шафақларда эрийди ақиқ,
Баҳор, сени туғмаган қайғу.

Ёмғирдан сўнг...
Хаёлимнинг баланд қояларида
Гуллар очилади, нурланар орзу.
Қолиб кетмас булут сояларида
Баҳор, сени туғмаган қайғу.

Ёмғирдан сўнг...
Йўлимга йўлини қўшар товушлар,
Сурурми, харорат, ранг-баранг ёғду.
Тобора баландлаб учади қушлар,
Баҳор, сени туғмаган қайғу.

Ёмғирдан сўнг...
Ювилади ғубор, артилади чанг.
Куйчи табиатнинг қўлида чолғу.
Тарала бошлайди жон қадар оҳанг-
Баҳор, сени туғмаган қайғу!
Ёмғирдан сўнг...
Бутун ер юзидан кўчади ҳовур.
На дилбар оқади юракдан туйғу,
Туйғуки, ҳаётбахш, ишқдан, бахтдан зўр!—
Баҳор, сени туғмаган қайғу.

Энг яхши кўшиқлар айтиб бўлинган,
Энг ажиб ғазаллар битилган десам...
Нега гуллайверар туйғулар гулгун
Қуёш чиқмасданоқ шаббода эсса...

Чалиниб бўлинган боқий наволар
Яшамоқда десам ғамни ўлдириб.
Нега куйлайверар тўлгин дарёлар
Бу кўҳна дунёни завққа тўлдириб...

Рангин бўёқларда ҳамон беғубор
Жилоланар десам орзу, ўтли хис.
Нега яна қайтиб келади баҳор,
Нега уфқларга боқамиз олис...

Пойимизга умр умид ва бардош,
Олтин кўшиқларни кетаркан тўшаб.
Нега ой васлига етолмас қуёш,
Нега юлдузларни бўлмайди ушлаб...

Икки олам ишқи яширин найда
Дунёлар ястанди, юраклар оқди.
Она алласидан улуғ сўз қайда—
Ким уни тингламай осмонга боқди!

Ҳамон болаликнинг соғинчи олов,
Қаричлаб бўлмайди чексиз самони.
Юрак, ўкиндингми, Вақтми беаёв,
Сен ҳам меҳмонисан мезбон дунёнинг...
Англадингми—ҳар бир лаҳза бетакрор!
Ортига қайтмайди, қайта олмайди.
Ер тинмай айланар, айланар бедор,
Қуёшга булутлар соя солмайди.

Ёниқлашиб борар ойдин хаёллар,
Токи давомлидир, давомли ҳаёт.
Изларимдан қолмас учқур шамоллар,
Ҳайрат тугамайди, тугамас ҳайрат...

Бахт қуш эмас, учиб кетгали,
У—дўстлиги болалигингни.
Сенга келди айтмоқлик гали
Болаликнинг эртақларини—
Ранги ўчмас лолалигингни.

Бахт сув эмас, оқиб кетгали,
Бахт-бахт ҳақда сўзлаб турганинг.
Умринг етмас таъриф этгали
Туйғуларинг чечакларини—
Ватан ичра ватан қурганинг.

ТОНГГИ ШУДРИНГ

Юлдузларнинг нолазимисан,
Туннинг биллур толасимисан,
Табассумнинг боласимисан,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Ойдин кеча муродга етди—
Дарёларда ой оқиб кетди.
Шуъла оққан кенгликка етдим,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Болаликда кўкни қучгандик,
Тонгни ҳовуч-ховуч ичгандик,
Яна қайтиб ерга учгандик,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Ой осмонга учиб кетдим,
Ё кўзимга чўкиб кетдим,
Еллар оҳим ичиб кетдим,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Шу ой ўғлим қабрига келди,
Шу ой кўнглим сабридай тўлди,
Шу ой армонлари дил тилди,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!
Умр қайтмас узун йўл экан,
Орзу йўлга тўла гул экан,
Бу дунёда осмон бўл экан,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Сен кечирган оний умрга—
Кўзим тўлди лимиллаб нурга.
Мен ҳам сендек лаб қўйдим ерга,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Тўкил, тўкил, отам бошига,
Айлан, айлан, кўзим ёшига,
Қара, қара, ичим - ташимга,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Қушлар бедор тонгни кутади,
Шамол сархуш бода туттади,
Бу кунлар ҳҳам ўтиб кетади,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Бир лаҳзада бутун дунёни
Кўражаксан—тунни, зиёни,
Руҳимисан Момо Ҳавонинг,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Сени ҳар кун кутиб оламан,
Кипригим-ла тутиб оламан,
Сўнг қалбимга шеърдай соламан,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Сипқор, сипқор ўкинчларимни,
Райҳон исли ўтинчларимни,
Онамга айт соғинчларимни,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Йўлга тушдим, қуёшли йўлга,
Айланаман тонг чоғи гулга,
Босар йўлим ўхшайди мўлга,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Менинг билан тоғ, ўрмондан ўт,
Менинг билан боғ, сайхондан ўт,
Ичим тўла дард, армондан ўт,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Жонимга кир, жонларимга кир,
Нурдан тоза қонларимга кир,
Юракдаги бонгларимга кир,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

Ой сочини хаёлим ўрди,
Тонг қайғуни, ў, ёмон кўрди!
Қуёш мен-ла суҳбатга кирди,
Тонгги шудринг,
Ай, тонгги шудринг!

БОЛАМГА

1

Деразани очиб қўй, болам,
Субҳидамнинг тоза нафаси.
Барглардан дув тўкилган шабнам
Юлдузларнинг сўнгсиз ҳаваси...

Деразани очиб қўй, болам,
Олисларга қарайин тўйиб.
Мени шундай кутади онам
Бу дунёни бир четга қўйиб...

Деразани очиб қўй, болам,
Бу дунёни бир четга суриб,
Йўлга тушдим, шамоллар хуррам,
Мен онамни келайин кўриб...

Деразани очиб қўй, болам,
Яна тонгда қайтиб келаман.
Соғинчлари бир дунё онам
Соғинчини айтиб келаман...

Деразани очиб қўй, болам...

2

Айланади замини замон,
Айланади давр ила даврон.
Айланади умид ва армон,
Айланмасин тик бошинг, болам.
Денгизлардан кўчади булут,
Чўққиларни кучади булут.
Хаёлингдан учади булут,
Тўкилмасин кўз ёшинг, болам.

Бу тоғларнинг оқ қори баланд,
Оқ қоридан виқори баланд.
Чашмаларнинг ишқ тори баланд,
Узилмасин дил торинг, болам.

Бу дарахтлар илдизи чуқур,
Бу япроқлар яшил ва масрур.
Вақт шамол эсса-да ёвкур,
Йиғламасин баҳоринг, болам.

Яхшиси бор, ёмони ҳам бор,
Шайтони бор, раҳмони ҳам бор,

Тикони бор, райҳони ҳам бор
Дунёда гул бўлиб қол, болам.

Бағритошлар учрар йўлингда,
Аччиқ ёшлар учрар йўлингда.
Сабру бардош учрар йўлингда
Оқ тонгларга йўлинг сол, болам.

Кунлар рангин, тунлари ойдин,
Юлдуз кечиб ўтодур сойдин.
Кўнглингга соз созлагин найдин,
Ватанингни қуйлаб ўт, болам.

Шунда баҳри очилар боғлар,
Ой юзидан ювилар доғлар.
Қайтиб келмас бу ёшлик чоғлар
Бўйларида бўйлаб ўт, болам.

Шу тупроғнинг гарди—менинг ҳам,
Шу тупроқнинг дарди—менинг ҳам
Бўлганидай бўлса сенинг ҳам,
Кўнглим тўлгай мени ҳам, болам.

Йўлларингда бор меҳри ийиб,
Бошинг узра қуёшни қўйиб,
Ватанинг ҳам менингдек суйиб,
Болам десин сени ҳам, болам!

Еламан, мен билан йўллар елади,
Йўлимда очилган гуллар елади.
Қўлида шу гуллар йиллар елади,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Учаман, мен билан ҳаво учади,
Шу ҳаво бағрида наво учади.
Кўнгли ишқ кўйида адо учади,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Келаман, бошлари осмон тоғларим,
Кўйлаги қирмизи дoston боғларим,
Мен билан келади бола чоғларим,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Ичаман булоқлар сувини тотли,
Ирмоқлари ўйноқ дарёлар отли.
Сунбул сочли еллар сархуш, қанотли,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Билдим - ғанимларим ғамларим экан,
Кўз ёшимнинг тахир таъмлари экан.

Келаётган азиз дамларим экан,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Оқди оёғимнинг остидан умр,
Оқди юрагимнинг тубидан сурур.
Боқдим, кўзларимда нурланди ғурур,
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Икки дунё ишки найда дедилар,
Ватансиз сенга бахт қайда дедилар!
Улар ҳам менингдек шоир эдилар -
Қуёшга етаман, қуёшга бир кун!

Ягонам, қуёшим - ўзингсан, юртим,
Изинг бўлай деган сўзимсан, юртим.
Сен- менинг онамсан, қизингман, юртим,
Қуёшга етаман сен билан ҳар кун!

Фироқ даштларида саргардон шамол
Дарё ёмғирларни бошлаб келади.
Кипригида шабнам уйғонган хаёл
Йўлида ғамларни ташлаб келади.

Шохларида булбул сайраган гулнинг
Ишқи осмонларга бориб туташди.
Қуёшга элтувчи энг узун йўлнинг
Куйлари умримни кечди – дил тошди!

Тонгга қадар куйлаб ўтди ой
Ишқнинг узун, ғамгин қиссасин.
Уни тинглаб тўлқинланди сой,
Ва сочилди шамол ғуссаси...
Дарахтлар жим тебранди, барглар
Лабларидан тўкилди шабнам.
Шафақлар чўғ, қуёш нур чархлар,
Ишқ эдими киприкдаги нам...

Дарё оқар, кўксимдаги дарё оқади,
Тўлқин-тўлқин елканлари хур силкинади.
Қирғоқдаги тошларга шу шамол ёқади,
Шамолларда ҳаводаги нур эланади.

Кунлар оқар, гул овозли кунлар оқади,
Товушлари, қадамлари - тўрт фасл ранги.
Қуш тилидан учаётган унлар оқади,
Юрагимнинг туб-тубига етар жаранги.

Ойдин кеча. Кенгаяди кўксимда кенглик,
Ойнинг илиқ тортиб борар шуълаларида.
Соғинчларга илинаман, намланар киприк
Қиёси йўк онажоним аллаларида...

Шўх юлдузлар шивирига тўлади осмон,
Шабнамлар жим сочиб ўтди майсага атрин.
Тонгга қадар бўзлаб учган турналар ҳамон
Қанотидан тўкаётир жонимни, сабрим!...

КЎНГЛИМ ВАТАНИ

Кўнглимда қуш сайрар, тонг яқин,
Кўнглимда тонг яйрар, вақт – оқин.

Кўнглим - дарё оқди тиниқлаб,
Кўнглим - юлдуз боқди ёниқлаб...

Кўнглимда ой нури новвотли,
Кўнглимда ишқ сири баётли.

Кўнглим - тиниқ булоқ - қўзимдир,
Кўнглим - яшил япроқ - сўзимдир.

Кўнглим – чашма, тиниш билмайди,
Кўнглим - дарахт, синиш билмайди.

Кўнглимда - ёз олис тикилди,
Кўнглимда - куз, хазон тўкилди...

Кўнглим қиши товланди бошда,
Кўнглим - кумри кўзу қошимда...

Кўнглимдаги кўклам айтади –
Кўнглимдаги дамлар қайтади.

Кўнглимга йўл солди шамоллар,
Кўнглим қадар ўсди хаёллар!

Кўнглимда нур чўккиси баланд,
Кўнглимдаги Ватан – Самарқанд.

Кўнглим ҳаволари – бардошларимни
Кўтариб осмоннинг тубига етдим.
Баргларда товланган кўз ёшларимни
Шамол сочларига сочиб юбордим.

Қучоғига босиб севинчларимни
Райҳон хидларига ўзимни урдим.

Туғилган уйимнинг соғинчларини
Гуллаётган бир туп олмада кўрдим...

Шеър тингласа шоир шоирдан,
Борлиқ бирдан жимиб қолади.
Майсалар бош кўтариб ердан,
Бахт сеники бўлиб қолади.

Шеър тингласа шоир шоирдан,
Алланечук бўлиб кетасан.
Соч тарайди шамоллар қирда,
Кўл узатсанг, кўкка етасан.

Шеър тингласа, шоир шоирдан,
Кўксингда тоғ тилга киради.
Елдан учқур қанот умрда,
Юракда боғ гулга киради.

Шеър тингласа шоир шоирдан...

Оқшом чўка бошлар она қишлоққа,
Шаббода яйрайди шўх, ўйинқароқ.
Нафаслари илик, юмшоқ тупроққа
Ўйила бошлайди уфқдан титроқ...

Юрак тўлиқади бедор қуш бўлиб
Ўзнинг умри қисқа салқин тунлари.
Булбул навосида оқади тўлиб
Ўзнинг умри узун оқин кунлари.

Қаршилайсан тонгнинг ёруғ юлдузин,
Тўлаётган ойнинг нурлари сим–сим.
Юлдузлар видоси туюлмас маҳзун,
Кўёш шудрингларни ичади лим–лим...

Ям–яшил япроқлар, адл тераклар,
Сени кутган йўлга хушнуд боқасан.
Сени ҳам янги кун сози дараклар,
Одамлар тўлқини билан оқасан.

Одамлар–қондошим, замондошларим,
Меҳрида меҳрим бор, кучида кучим.
Одамлар – жондошим, кўзу қошларим,
Сиз билан замини осмонни кучдим.

Булутсиз самога тикилдим тўймай,
Уфққа туташган далаларимда.
Ким яшай олади юртимни суймай

Момоларим айтган аллаларида!
Ким яшай олади дарёларингда
Дарё бўлиб жўшмай, юраги сузмай!
Ким яшай олади дунёларингда
Дунёга айланмай, дунёни кезмай!...

Ёмғирларинг жонбахш, шамоллар хуррам,
Шовуллар буғдойзор. Ризқи бут элим,
Сен–ла ўтган ҳар бир дамларим – байрам,
Болангман, йўлимдир – юртимнинг йўли.

Сўздан ҳам қадимроқ ер юзи бўйлаб
Топмадим сен каби умри чаманим.
Ҳар тонг уйғонаман мен сени куйлаб,
Тупроғингда тупроқ бўлай, Ватаним!

ЎЙЛАР

1

Осмон бунчалар сўлим –
Эсга келмайди ўлим!
Туйғу, туйғуларингда.

Бу йўл – бунчалар олис.
Яқин кўринар олис–
Орзу, орзуларингда.

Олам бунчалар дилбар,
Жон қадар, юрак қадар
Жой йўқ қайғуларингга.

2

Ҳаво бунчалар тиниқ,
Қуйилади тонг ёниқ
Кўзинг денгизларига.

Осмон бунчалар кўм–кўк,
Гўёки охири йўқ
Ўхшайди сўзларингга...

Ҳаёт ҳамиша ғолиб,
Ки, этма ўзни мағлуб!
Гул ўстир изларингга...

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади,
Кўнглимдаги тўлқин–тўлқин дарё билан,
Кўзларимда қуёш қулган само билан
Мени минг бир завқли кўйга солишади...

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади,
Дарахтларга тикиламан–солланади,

Қушлар учар, қанотлари товланади,
Мени ўйдан олиб, ўйга солишади...

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади,
Она ҳақда, ишқ ҳақида, гул ҳақида.
Кўк ила ер орасида – йўл ҳақида
Сўзлай–сўзлай менинг дардим олишади..

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади,
Кетгим келмас бу меҳрнинг қучоғидан,
Яшаб ўтсам шеър ишқининг ардоғида
Майли, ёмғир, майли, шамол олишади...

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади,
Тинглай–тинглай сел бўлади, ел бўлади,
Дилим, билсанг, шулар сенга –эл бўлади,
Хар бир сўзи сўзингга ўт солишади...

Давраларда шеър ўқинг деб қолишади...

Дарёга гул ташладим,
Оқиб кетди хаёлдай.
Уфққа кўз ташладим
Бахтни кутган аёлдай.
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Тўлқинлари мавжли.
Олисга йўл бошладим,
Қўшиқларим авжли.
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Ой билан, юлдуз билан
Гулдай суза бошладим,
Шамол эдими елкан?
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Оқиб кетдим ўзим ҳам...
Қирғоққа қўл ташладим,
Тонгга қолди бир қадам.
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Руҳ оташ, жоним оташ.
Майсалар кўз ёшлади–
Ичиб юборди қуёш!
Дарёга гул ташладим...

ВАТАН

Сонетлар

1

Ҳаволар ифорли гулдан ҳам, эй,дил,
Куёшли юртдаги йўлдан ҳам,эй,дил,
Навойи назм битган тилдан ҳам,эй,дил,
Бормикан азизу мукаррам,эй,дил!

Куёш нурларини кипригим илди,
Юлдузлар ёшурун, ой ҳам ёшурун.
Бутун ер юзига тонг кириб келди,
Шундай туғиламан мен ҳам ҳар бир кун.

Бу дунё мукаммал яралмиш азал,
Анингдек куй, ғазал яралмиш азал,
Алардек дил гўзал яралмиш азал.

Кезсанг ҳам топилмас хоҳ уч, пиёда,
Сен ҳам бор, мен ҳам бор бу чин дунёда
Бахт борми Ватандин улуғ, зиёда!...

2

Кетиб бораяпман кўнглим йўлидан,
Бу йўл ўхшамайди ҳеч кимникига.
Бу йўлда сўз битдим элим тилида,
Бу йўл туташади элимникига.

Ўлсам ҳам сеники бўламан, элим,
Сўзласам ҳам сендан сўйлайман, юртим.
Мен ҳам сенинг каби онаман, дилим
Куйласа, сени деб куйлайман, юртим.

Онанинг бағридан кенгроқ бағир йўқ,
Куёш таъзимдадур она меҳрига –
Оналикдан ўтар бардош, сабр йўқ.

Онаман – қиёси йўқ бахтимдур бул,
Яшасам сени деб яшайман, болам.
Ватаним, онамга хизматимдир – шул.

3

Мукаммаллик надир? Сенмисан, осмон,
Унда нечун доим кўкка сиғиндинг?
Мукаммаллик сенми, эй, тубсиз уммон,
Унда нечун доим кўкни соғиндинг...

Мукамаллик сенми, эй инсоният,
Нечун йўқотасан, нечун излайсан?
Мукамаллик сенми, она табиат,
Нечун ёнасану, нечун бўзлайсан?

Фалакдай, уммондай, ердай ардокли
Мукамаллик надир? Излама, юрак.
Жонга–жон, танга–тан, умрга тиргак.
Ҳар битта гиёҳи дардга ярокли
Дунёда мукамал ўзингсан, Ватан,
Мен ҳам дарахтингман қўлларинг эккан.

4

Онамни соғиндим – тонгларга қайтдим,
Барглардаги тоза шудринглар билан.
Онажон, бу сўзни бир умр айтдим –
Ки, фақат онамга ўхшайсан, Ватан!

Борлиқ уйғонмоқда, деразам очдим,
Куёш кўтарилиб келар уфқдан.
Олтин нурларини йўлларга сочди,
Жону таним яйраб кетди кўшиқдан.

Кел, менинг қаноти учқур сахарим,
Онам кўзларига тўйиб боқайин.
Баҳор, қўлларимдан ушла, баҳорим.

Бўлмасанг, келмасдим мен ҳам оламга,
Дарёлар, лангизлар билан оқайин,
Ки, фақат онамга ўхшайсан ,Ватан!

5

Варақлайман олис йўлларни кечиб,
Ватан, тарихингнинг китобларини.
Тунларни сипқориб, тунларни қучиб,
Тинглайман умримнинг хитобларини.

Сенсан – онажоним кўзида қалққан
Шабнамдан–да тиниқ биллур нафасим.
Сенсан– отажоним юзида балққан
Меҳнаткаш қуёшим нурлари сим–сим.
Сенсан – юрагимда яшнаган далам,
Сенсан – аждодлардан мерос шу тупрок
Тилидан тушмаган барҳаёт алла!

Юлдузлар – тарихинг, тарихинг – шу ой,
Ҳар бир тонг тарихинг битилур порлоқ,
Сенсан – ер юзида беназир чирой!

ДАРЁ, ОТАМ!...

Отам хотирасига бағишлайман.

1

Дарё оқар жўшқин ва шошиб,
Кўз тикканча ирмоқларига.
Ирмоқлари сўқмоқлари ошиб,
Шод отилар кучоқларига.

Тўлиб кучга, тўлиб қудратга
Борлиққа бахш этади у жон.
У тўлиқдир меҳр, шафқатга,
Дарё сизга ўхшар, отажон!

2

Тонг отар қуёшга кўзини тикиб,
Юрак титраётир оҳанглар ютиб.
Яшагим келади, ота, энтикиб,
Сиз босган изларга меҳримни битиб.

Қанча истасам ҳам, қанча қўмсасам,
Болалик иложсиз қолди қайтгали.
Худди шунинг каби, отажонгинам,
Умрим етмас барча сўзим айтгали...

Дегайман мен сизни умримдан азиз,
Ва орзумдан улўғ яшайсиз дилда.
Бахтлиман, Сиз менга хушнуд боққан кез
Гар тупроқ бўлсам Сиз босган йўлда.

3

Қуёшга термулди, ўйчан нигоҳлар
Нурлар титроғига қовушиб кетди.
Ёмғир ҳидларига тўлиқ бу чоғлар
Отам хотираси ёришиб кетди.

Бу—умр севинчи, дил шукронаси
Отам юрагига куй каби чўкди.
Бу куйнинг рангига хос тантанасини
Осмоннинг бахтиёр юлдузи ичди.

Тикилгани сайин кенгайди Ватан,
Нигоҳида-нурли ўйлар ўлкаси.
Уларда бор тинчлик аталмиш гулхан,
Туйғулар—умрнинг метин нафаси.

Отам кўзларида пахтадай маъсум
Тонглар армон билмай эриб кетади.
Еру кўк умрига бирдайн азим
Баҳор рангидаги бахтни тутади.

4

Сочлари оқариб кетди отамнинг,
 Кўзларида—тубсиз оғир дард изи.
 Чеки йўқ дунёда шодлик ва ғамнинг,
 Ажинлар—йилларнинг бешафқат сўзи.

Онгим, фикрларим дарахтга монанд
 Ерга илдиз отди, чўзди кўкка бўй.
 Олис нуқта каби чорлар хаёлан
 Болалигим, ота, энг қадрдон куй!...

Ҳаяжон, оғриқдан кўзга нам илди,
 Йўлимни изладим она заминдан.
 Ҳаёт сочдай нозик, чайир кўринди
 Сочимга оқ туша бошлаган кундан...

Отажон, ҳар бир кун—биз туғилган кун,
 Тонгда куёшнинг соф нурлари билан.
 Йўлларимиз аро юлдуз ила тун,
 Беором шамоллар, ёмғирлар билан.

Қанчалик кенгайиб ойдинлашса йўл,
 Шунчалик тўларкан ҳаётингга сир.
 Ота—менга азим тоғдай таянч йўл,
 Ота—эзгуликка ундаётган нур.

5

Болам, бу боғ отамдан қолган,
 Ҳар бир қаричида унинг иси бор.
 Бу ҳовли кўнглимга осмонни солган,
 Олис болаликнинг чакмоқ изи бор.

Болам, отам камтар, меҳрибон эди,
 Сўзлари меҳрли, қалби беғубор.
 Меҳнатдан ўлмаган зўр инсон эди,
 Боғи тўла олма, узум ва анор.

Болам, отам энди қайтиб келмайди,
 Қайтмайди болалик, ёшлик навоси.
 Армонсиз одамнинг ўзи бўлмайди,
 Мени қўлласа, бас, отам дуоси!...

ОНАМНИ ЁДЛАБ...

1

Мунгли қабр. Мунгли қабр.
 Ёмғир тинай демайди.
 Кипригимда синар сабр,
 Кўз ёш синай демайди.

Йиғлаб келдим, менинг билан
 Қўшилиб кўк йиғлади.

Отам экиб кетган баланд
Дарахтлар тик йиғлади.

Йиғлаб келдим, келсам ҳолим
Билмадингиз, онажон!...
Юрак бағрим тилим–тилим,
Келмадингиз, онажон!...

2

Бу дунёнинг ғамлари озор,
Бу дунёнинг ғамлари бозор,
Бу дунёнинг ғамлари дутор,
Бу дунёнинг ғамлари дийдор.
Қай бирига бўлинай, она,
Бошим узра тўлин ой, она...

Ёлғизликнинг сояларида,
Хаёлотнинг қояларида,
Учди олис дамларим менинг,
Олиб кетди ғамларим менинг.
Қай бирига бўлинай, она,
Бошим узра тўлин ой, она...

Дарахтларда – умр дафтари,
Ариқларда оқар ўтинчим.
Кўз олдимдан кетмайсиз нари,
Онажоним, қайтмас севинчим!...
Бу мангулик фироғи оғир,
Қабрингизга жим очдим бағир...

Қошингизда гуллаб турибди
Кўнглимдаги сабр дарахти.
Кипригимга юлдуз терибди
Соғинчларим, қайтмас бахтим!...
Қай бирига бўлинай, она,
Бошим узра тўлин ой, она...

Кўзларимнинг қувончи баҳор,
Сочларимнинг тўлқини бедор
Шамол кутиб турибди йўлда,
Олармикан ғамни кўнглимдан...
Соғинчларга уриндим яна,
Ой нурида кўринди онам!...

3

Тунлар хаёлимни қувиб етолмай,
қулаётиб,
аччиқ уҳ тортган шамол
қанотида дилни тиғлаганмисиз...

Онангиз қабрини тонгда зиёрат
қилаётиб,

намхуш майсани силаб,
дарахтларга қараб йиғлаганмисиз!...

4

Хаёлимни қайтиб бер, осмон,
Қайтариб бер болалигимни...
Мен йиғлаб чопайин онам ортидан
Йўқотиб қўйдим деб жамалагимни,
Хаёлимни қайтиб бер, осмон!...

Оёқяланг, бошыланг елдай
Эркаланиб гулбаҳорларда
Топиб олай жамалагимни
Шудринг ювган майсазорларда.
Оёқяланг, бошыланг елдай...

Шунда онам ёнимга келиб,
Силаб қўйсин азиз бошимни.
Артиб қўйсин киприklarимдан
Оқаётган тиниқ ёшимни,
Силаб қўйсин азиз бошимни...

Ой чикқунча сўйласин онам
Қайтариб бер эртаklarимни.
Соғинчларим тўкилаётган
Шамолларнинг эртаklarини,
Қайтариб бер эртаklarимни...

Кўз ўнгимда толлар учидан
Учиб кетди бир гала қушлар.
Айирмоқчи бўлиб ҳушимдан
Алдамаса эди бу тушлар –
Учиб кетди бир гала қушлар...

ОСМОН РАНГЛАРИ

1

Осмон ер юзига сув сеплаб чиқди,
Ҳовлига, гулзорга, боғлар, кўчага.
Тоғу тош, қир-адир, сахро, далага
Тонгни кутаётган олис кечада.

Осмон ер юзига сув сеплаб чиқди,
Хушбўйланди тупроқ, юмшади ҳаво.
Сойларда жаранглаб кетди томчилар,
Баргларга ранг берди ям-яшил наво.

Осмон ер юзига сув сеплаб чиқди,
Шамол этагидан тўкилди хаёл.
Қарасам, ўхшашиб кетамиз жуда,
Осмон—қўли ишдан бўшамас аёл.

Осмон чақиради, қуш каби аёл
 Кўзини юммайди, чарх урар хаёл.
 Қувонч ҳам, алам ҳам келмайди малол,
 Соат милларига урилар савол.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Соғинч чақиради, маънос тикилиб,
 Юлдузлар шуъласи кетди тўкилиб.
 Билдимки, баҳорлар ёнимдан ўтди,
 Билдимки, минг азоб жонимдан ўтди.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Шамол чақиради, изидан дулдул
 Булутлар кемаси сузади енгил.
 Кўрдимки, япроқлар йўлимни кутди,
 Кўрдимки, дилбар куз қўлимдан тутди.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Ёмғир чақиради, тупроқ ошиғи
 Осмон куйлаётгир ҳаёт қўшиғин.
 Ёмғир сувларида оқиб кетаман,
 Мен тонгни шу ёмғир билан кутаман.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Йўллар чақиради, адоғи йўқдай,
 Юрагимдан ўзга ардоғи йўқдай.
 Онамнинг олдида қолгим келади,
 Дардларимни тўкиб солгим келади.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Орзу чақиради, баланд тоғлардан
 қуёш кўтарилиб келган чоғларда
 Райҳон исли боғни қушлар уйғотди,
 Мени тонготарда тушлар уйғотди.
 Онам тушларида кўради мени,
 Чунки тушларимга киради онам...

Осмон бўзарди
 Яқинлашиб келгани сари.
 Уфқ қизарди,
 Оловланди терак учлари.
 Тиниққан борлик,
 Шабнамга айланди юлдуз видоси.
 Сени кутган ишқ—
 Майинлашиб борар тонгнинг навоси.

4

Осмонда ой қизарди
 Сим-сим нур...
 Зулматни махв этар,
 Шуъласи дунёни ёритар.
 Сойларга тушади
 Оймомо.
 Сувларда жўшади
 Оймомо.
 Сувлар ҳам, тошлар ҳам
 Ёнади бедор.
 Оймомо кўксида
 Ишқ ҳам, армон ҳам...
 Сойларга чўмилиб чиқса ҳам,
 Сирларга кўмилиб чиқса ҳам,
 Оймомо ҳеч кимга айтмайди,
 Айтмас—
 Ҳеч қачон қуёшга етмайди,
 Етмас...

5

Тўлқинланар кўнгил боғлари,
 Шовуллайди шамол эртаги.
 Мафтункордир соғинч чоғлари,
 Кўкка туташ уфқ этаги.

Вақт хаёлдан тез учиб ўтди,
 Оқ сочларни тортди билдирмай.
 Умрим ёзи хайрлашиб кетди,
 Яшаб бўлмас ғамни ўлдирмай!...

Оловларда куймади армон,
 Тошқин бўлиб оқиб кетмади?
 Юлдузларга бой эди осмон,
 Айт, қайсига қўлинг етмади?

Осмон билан яшайсан энди...
 Умиди бор юрак ўлмайди.
 Йўллар уйғоқ, олов кўринди,
 Умр ишқсиз нурга тўлмайди.

АЛЕКСАНДР БЛОК
(1880–1921)

Улуғ рус шоири Александр Блок ўзининг киска умрида бошидан Россиянинг муҳим воқеаларини кечирди ва бу унинг ўтли шеърлятида ўз аксини топди. Шоирнинг ота–онаси эрта ажрашиб кетишган бўлишса–да, Блок ҳамиша отасининг «қони»ни сезиб яшади. Шоирнинг онаси Александра Андреевна Бекетова ажойиб адиба эди. Онаси билан ўртасидаги рухий ва маънавий яқинлик, меҳр – муҳаббат болалигидан то умрининг охиригача юрагидан ўчмади. У Бекетовлар оиласида ўсди. Бу унинг энг яқин дўстлари, меҳмонлари – Гоголь, Некрасов, Тургенев, Салтиков –Шедрин, Достоевский кабилар бўлиб, Бекетовлар оиласи том маънода илм, адабиёт ва санъат билан яшашарди. Ёш Блок болалиқдан то умрининг охиригача ёзув столидан айрилмади. Шоирнинг бобоси – Андрей Николаевич Бекетов Петербург университети ректори, машхур ботаник олим ёз мавсумида гербарийлар йиғиш билан машғул бўлар, бу ишда кичик Блок бажонидил, ғурур хисси билан ёрдамлашарди.

Блок ҳаётида Россиянинг шимолий пойтахти Петербургдаги уйлари ва Москвадан унчалик узоқда бўлмаган Шахматова қишлоғи муҳим ўрин тутди. Ёш Блок ҳамиша қиш кунларини Петербургда, ёзни Шахматовада ўтказар, унинг энг гўзал асарлари, шеърлари осойишта Шахматова қишлоғида дунёга келарди. Классик адабиёт руҳида тарбияланган Александр Блокда «янги адабиёт» таъсири кучли кечади. У бутунлай янги, қудратли сўз санъаткорига айланади.

Блок ҳаёти унинг нозик юрагини муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тўлдирган севгилиси, кейинчалик бир умрлик рафиқасига айланган Любовь Дмитриевна Менделеева – улуғ кимёгар олим Дмитрий Менделеевнинг қизи номи билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир–бирларини севиб, ардоқлаб, тушуниб, қўллаб–қувватлаб яшадилар.

Блок қолдирган улкан адабий мерос теранлиги билан умумбашарий аҳамият касб этади.

Черковнинг хорида қўшиқ айтди қиз
Ўзга юртда жондан тўйганлар ҳақда.
Кемаларни қайтиб бермаган денгиз,
Севинчни унутиб қўйганлар ҳақда.

Овози гумбазлар узра сайр этди,
Нурда товлантлар елкасин малак.
Ҳар ким қоронғуда кўрди, эшитди
Қандай куйлаганин нурда оқ кўйлак.

Барчага туюлди – шодлик бўлажак,
Жойидан қўзғалар ул кемалар ҳам.
Ёруғ ҳаёт ила бахтга тўлажак
Бегона элларда ҳориган одам.

Ширин эди овоз, нафис эди нур,
Фақат йироқларда сирли уфқ бор.
Ҳақнинг эшигида гўдак йиғлайдур –
Ҳеч ким қайтиб келмас деган қўшиқ бор.

ЁЛҒИЗЛИК

Шамол. Музлаб боради дарё,
Дарё бўйлаб увлайди шамол.
Баҳор яқин, тошлардан садо
Сизиб келар бамисли хаёл.

Тош ёнида ўй суради у –
Юрагида аччиқ изтироб.
Қачонлардир бургутсимон бу
Нигоҳларда бугун кул–сароб.
Қалқиб кетди кеч тушар чоғи
Кўз ўнгида жонланди ўтмиш.
Унут бўлмас ғамнинг қирғоғин
Бесас соя, шарпалар тутмиш.

Мутлоқ ёлғиз, у мутлоқ ғариб,
Уни олам унутган гўё.
Қариб борар, боради қариб,
Ҳасрат адо қилади, адо...

Кўринади туби йўқ зулмат,
Иблис ёвлар қилишмас шафқат.
Қайда умид, қайда ҳарорат,
Қайда дўстлар, қайда муҳаббат?!

Наҳот ташлаб кетди бариси,
Наҳот қисмат эди бу қайғу?
Наҳот қалбда армон нафаси
Ва тонгларни кутмоқ беуйқу?
Қайга оқди орзулар? Ненинг
Қаршисида ўзни йўқотди?
Эслар экан югурик умрин
Ўтмиш ўйлар уни уйғотди...

Ширин эди бу дам ҳорғинлик,
Енгил қувонч кезар руҳида.
Хуш ёқарди дилга сокинлик,
~ам сезинмас шамол уҳида.

На хушомад, на шуҳрат даркор,
Унутгиси келади ишқни.
Хотиралар ҳамиша бедор
Булутлардай кучади уфқни.

Тўлди минор бағрига садо,
Гўзал ва кенг шаҳар йўллари.
Оқди кулранг ва олис само
Остидаги ўтли йиллари...

Сизиб чиқар тошлардан садо,
Яна дилни чулғайди хаёл.
Шамол.Музлаб боради дарё,
Баҳор чоғи увлайди шамол...

Шўрлик, хушомадгўй бадбахтлар...

Лири

Деразанинг ортида ёвқур,
Телбаланиб бўкирар бўрон.
Булутларни ҳайдайди ёмғир,
Шамол тинмас тилсиз, беомон.

Даҳшатли тун! Бундаин тунда
Ачинаман юраксизларга.
Надоматлар айтаман чиндан
Балчиқда ҳам кераксизларга.

Жафокашнинг толеси – зулмат,
Ё ёмғир–ла олишмоқ. Ё, раб!
Деразанинг ортида фақат
Бўкиради шамоллар инграб!

Еламиз,еламиз, хур гўдақларим,
Азиз юрт сари!
Табиат куйлайди, соф юракларим,
Бизники бари!

Кенгликда – кўз илғаб бўлмас фалаклар,
Тутун ва чанглик!
Еламиз, табиат хур гўдақлари,
Дала ва кенглик!

Елишар, елишар... ~арамдан ошиб,
Чор – атроф – дала.
Бепоен уфқни бағрига босиб,
Ер титрар палла.

Елишар қошига қуёшнинг, майнинг.
Озод паллалар
Иссиқ қучоғига босмоқда замин
Ўз болаларин...

Меҳрибон она ер чақалоқларин
Эркалаб қучди.
Баҳорий уфқда қўнғироқларнинг
Куйлари учди...

Уларни имлайди қоронғу тунлар,
Энг совуқ тунлар.
Уларга кўринар тезоқар кунлар,
Саноксиз кунлар...

О, одамзод насли, сенга алвидо!
Туманда денгизлар сузар паришон.
Қизил денгиз ичра энг совуқ ҳаво,
Туманни тарк этдим. Салом, янги тонг!

Халқлар, яна халқлар кўзига боқсам,
Гоҳо кўринмайди на ўт, шон, бироқ
Шу музни юракда эритиб оқсам,
Куёшнинг нурида тонг отса оппоқ!

Дераза ортида кезинмас шамол,
Ичкарида эса шамларим ўчди.
Кимдир кириб келди бесас, бемаҳал
Менга яқинлашди, елкамдан қучди.

Қайрилиб қарадим. Фақат осмонга
Шундай тикиламан руҳимда титроқ.
Бурилиб боқади у мен томонга,
Олисдан кўринар вазмин ва қувноқ.

На рўё, на туман эди у дилбар,
Нени англамадим, ё англаб етдим.
У ёнимга келди атай бу сафар –
Ўшал сирларимиз шивирлаб кетди...

Ойпараст мисоли хаёллар сурсам:
Она тупроқ ўлим билмаса, дейман.
Лоқайд, риёкорлар инсофга кирса,
Қурбимиз етмас иш бўлмаса, дейман.

Гарчанг оғир тушлар бўғар умрни,
Гарчанд димиктирар бу туш беомон.
Эҳтимол, қайсидир шўх йигит сирни
Очади – мен ҳақда сўйлайди оқ тонг.

Агар ғамғин тортса унинг кўзлари,
Қудратли юраги ғуссага ботса,
Гуноҳидан ўтинг! Не тонг, сўзлари
Дилларда эзгулик ва нур уйғотса!

НОМАЪЛУМ ҚИЗ

Димикқан шом. Майхона узра
Ёввойироқ ҳаво кезинар.
Сархуш оққан товушларда ҳам
Баҳор ўйи, ўти сезинар.

Олисларда – дала ҳовлининг
Тўзонларга тўлар кўчаси.
Иссиқ ҳиди келади ноннинг,
Гўдак йиғлар унда кечаси.

~арамларнинг ортида ҳар кеч
Санқий бошлар масхарабозлар.
Хонимлар–ла харобазорда
Сайр этишар, ҳатто соз созлар.

Сузар музли ҳалқалар кўлда,
Аёл додлар, ҳеч кимнинг иши
Йўқдай! Кўкда беҳис, бепарво
Эврилади ойнинг гардиши.

Кўринади ҳар шом ёлғиз дўст
Кўлимдаги жом ичра фақат.
Сирли, аччиқ таъмли нафасдан
Менинг каби чайқалар карахт.

Ёнимдаги қўшни столда
Мудроқ малай қаққайиб турар.
Қуён кўзли майхўр аёллар
Гуноҳини ёлғиз Ҳақ билар.
Ҳар оқшомда айнан бир пайтда
(Ё тушимга кирармикан бу?)
Деразадан сирғалар туман,
Шоҳиларга ўралганча У –

Майхурларни оралаб ўтар,
Ҳар вақт ёлғиз, ҳар вақт оҳиста.
Туман, атир ҳиди уринар,
Деразанинг ёнига аста

Ўлтиради. Шоҳи кўйлақлар
Товланади боққаним сари.
Тилло узук, тилло балдоқлар,
Занжирлайди мени ул пари...

Занжирлайди мени тобора,
Юзидаги қайғу ортидан
Кўринади – беқиёс кенглик,
Ажиб қирғоқ унинг ортида...

Очилмаган сирлар очилди,
Қўлларимда – ненинг оташи?
Юрагимга санчилди ёмон
Ўткир майнинг ҳасратли ёши.

Учаётган парлар сингари
Хаёлларим сархуш ва уйғоқ.
Тубсиз, мовий кўзларнинг юрти –
Олисларда шовуллар қирғоқ.

Юракдаги сирларим билан
Шароб ичра тўкиламан жим.
О, сархушлик, сархушлик, ҳақсан!
Гуноҳимни билар худойим...

Николай РУБЦОВ

Николай Рубцов - лирик шоир. У рус шеърлятига тиниқ овози билан жўшиб кирди. Шоир шеърларидаги таъсирчанлик кучи, рангинлик ва қалбининг нозик туйғулари бугунги кун ўқувчисини ҳам ўзига тортади.

Унинг ижодида Ватанга муҳаббат кучли ва етакчилик қилади. Бетакрор ишқ изтироблари ва қувончлари, болалик ва ёшлик хотиралари, рус табиатининг улуғворлиги, ҳаётга бўлган улкан муҳаббат билан йўғрилган шеърлар шоир босиб ўтган умр йўлларининг ифодасидир.

Жўнагайман мен бу қишлоқдан...
қолар музга айланиб дарё.
Ғижирлайди эшик тун билан,
Ҳовлиларда балчиқлар пайдо.

Жилмаймасдан ухлайди онам...
Унутилган бу кулранг ўлка.
Ҳиёнатим тўларсан оқшом
Беланчакнинг қошида, эркам...

Ботқоқликлар, тўнкалар тилсиз
Тўйғазгандай кафтда оқ қушни,
Меваси-ла ўрмоннинг у кез
Мени бокдинг—йўқотдинг ҳушни?!...

Сарой бўйлаб шамол шовқини,
Эшит, қизча тушда жилмайди?
Фаришталар ўйнатар уни
Қизча ерга қайтиб келмайди.

Андух чекма! қайноқ қирғоқда
Кемаларни баҳорда кутма!
Кел, ичайлик видоли чоғда,
Маъюсгина меҳрим унутма.

Бир қирғоқда кутамиз нени,
Бизлар—турфа қушлар, ишонгин,
қайтаролмас ҳеч нарса мени,
Балким қайтиб келарман бир кун...

Барча бир лаҳзада тушуниб етган
Сўзларни термоқлик эмас ақидам.
Коля Беляковни унутолмайман.
Ва унинг ажойиб сози ҳақида.

Зарбалари кучли, шафқатсиз ҳаёт.
Севаман, ногоҳон эшитсам узоқ,
Гитара куйлари—мовийранг ҳайрат,
Маънодор, жарангдор ҳар оҳанг, титроқ.

қора дуб остида ўзимга-ўзим,
Дердим бу ғамларнинг бордир охири.
қўполлик қилмайман, қизлар, чин сўзим!
Ва... майхўр бўлмайман отам сингари...

Орзу... Орзу... Буткул ўзгадир ҳаёт,
Гўё майхонасиз яшаб бўлмайди.
«Бу не?» -сўрсам, Коля берар маслаҳат,
Бошқасидан сира кўнгил тўлмайди.

Бироқ бошқа маҳал топилар албат,—
Сўзларни термоқчи эмасман ҳозир.
Сўзлаб бермоқ учун ажойиб фурсат
Коля Беляков ва созига доир.

НОМАЪЛУМ ОДАМ

Зулматларда, қор қучоғида
Кетар эди оч, уйсиз, ночор.
Кенг ўрмоннинг чет қишлоғида
Бир эшикка етди ҳокисор.
Чорлашмади. Бир бефаросат
Кампир унга сочгандай қаҳрин:
Яқинлашди қора сукунат:
—Дарбадардир, эҳтимол, ўғри...

Кетар эди ғамгин ва мудҳиш,
қорга тўлиб борар қучоғи.
Кутиб олди ҳаёти сўлғин,
Совуқ боққан дарё қирғоғи.

Сесканди-ю, босилди титроқ,
Ҳушдан кетди тебраниб олдга...
Узилди жон, бесўз йўлдаёқ
Олган каби ўлимни ёдга...

У жон берди. қорлар куйлайди,
Бошланади шов-шувлар сайри.
Эҳ, одамлар, ҳамон ўйлайди:
—Дарбадардир, эҳтимол, ўғри...

ПОЕЗД

Поезд елиб борар ғулдираб, увлаб,
Поезд елиб борар жаранглаб, ғувлаб.
қаршисидан чиқар тўзонли кенглик,
Сарғиш оловларнинг галалари тик.

Поезд елиб борар, бу шижоатким,
Ақл бовар қилмас қудрат бебаҳо.
Бу—яқин ҳалокат қошидир балким,
Мустаҳкам-мустаҳкам оламлар аро...

Поезд елиб борар, шиддатли туйғу,
қайлардадир чангал, тўқай дунёси.
Яқин ҳалокатнинг боши балким шу,
Номсиз ҳодисотлар, ранглар видоси...

Мана, у, оловранг кўзлари чакнаб,
Учиб кетаётир... Йўл бер, пиёда!
қайсидир саройнинг ёни—бекатда
Мени олиб кетди кўтариб девдай!

Тўзонли кенгликда у билан бу дам
Оромни ҳаёлга келтира олмам.
Еламан—қайгадир жаранглаб, ғувлаб,
Еламан—қайгадир ғулдираб, увлаб.

Еламан—қайгадир зўр шиддат билан,
Жумбоқли коинот ҳамон мендай сир.
Балким ҳалокатнинг нақ бошидаман.
Ҳайқираман сўнг бор кимгадир: “Хайр!”

Бас, етар! Йилдан йил жаҳонда куч-ла
Улғайиб бораркан бу тез ҳаракат.
Шунча одамларга тўла поездда
қандай рўй бериши мумкин ҳалокат!

Бўйчан эман. Туби йўқ сувлик,
Соя қоплар атрофни фақат.
Шу қадар тинч, сокин шунчалик,
Изтироб не—билмас табиат!

Сукунатга суюмли кучоқ,—
Ҳовуз бўйи сесканмас шамол.
Ким эшитган бундай қалдироқ!
Шилдирамас ҳовлида похол...

Ўрмон куши куйлар аҳёнда...
Мен-ку қайтдим, ўтмишим қайтмас.
Неки ўтган бўлса, қай онда
Шундай қолсин. Узайсин бироз

қалбнинг ғамдан озод лаҳзаси,
Шарпа беун силкинган маҳал
Шу қадар тинч, ҳатто ғам саси
Хаёлга ҳам келмайди малол.

Қалб ачинмай воз кечди недан
Чўмилади сир, малоҳатга
Ой нурига чулғанган маскан,
Юрак эса тиниқ ҳасратга.

КЕМА БИЛАН ВИДОЛАШДИНГ...

Юзда табассум-ла, кўзда ёш билан
Денгиз қирғоғида ёлғиз сен қолдинг,
Яна довуллар-ла ўйнашар елкан,
Севгим, ҳасратимни ўйинга солди!

Бетиним ташвишнинг ижодиман—мен,
Денгиз куши янглиғ ёргум бўронни.
Шу абадий туғён, нолалар учун
Севиб қолдим қаҳри қаттиқ уммонни.

Севиб қолдим ўзга қутб шаҳрини,
Сафардан қайтаман яна бағрига.
У тота билади совуқ қаҳрини,
У ҳузур тотади азоб қаърида.

Яна унинг қўйни овозга тўла,
Унда ғам билан бахт тўкнаш маҳалда,
Юзда табассум-ла, кўзда ёш ила
Видолашдинг кема билан шамолда...

У ҳалиям гўдақдир, гўдақ,
Тиниқ нигоҳ, майингина сас.
Яшайди у—нозикдир юрак,
Шўхликларга, ўйинга ҳавас.

—Айланайлик қалин ўрмонда!
—Уйғотайлик булбулларни ҳам!
Менга эса йўлка томонда
Тикилади ёлғиз курсичам.

—Югурайлик далалар томон!
—Кел, боқайлик, бу тонг-ку, ахир!
Истамасдан бўйин эгаман,
Нималардир дейман негадир.

Туйғуларим туғён солганда
Керагидан ортиғин билдим.
Бизлар тез-тез ёлғиз қолганда
Мени эзган ёлғизлик бўлди.

Яқинлашди энг сўнги висол—
Ғамгин боқар қаршимдаги гул.
Эҳ, сўзларим нақадар чигал!
У ўзини йўқотар буткул.

Нима учун кездик ўрмонда?
Булбулларни нечун уйғотдик?
Нима учун йўлка томонда
Ҳамон ёлғиз турар ўриндик!...

ХУТА ГАГУА

1935 йилда таваллуд топган нозиктаъб шоирнинг "Сукунат" (1969), "Лаҳза" (1977), "Шаффоф қанот-лар"(1980), "Юлдузлар уяси"(1981), "Ташналик" (1985) каби китоблари уни машҳурлик чўққисига олиб чиқди.

Гуржистон ўз номи, тарихи, адабиёти, маданияти билан халқи, табиатига монанд бетакрор ва қадимий ўлка. Хусусан, шеърятининг қудратли овози Гуржистон тоғлари каби викорли, дарёларидай жўшқин, ҳавосидай тиниқ. Бу ажойиб диёрнинг Шота Руставелидек улуғ шоирлари тутган қаламни эъзозлаб келаётган назм аҳли ичида Хута Гагуанинг ўз ўрни бор. Бу шеърят—туйғулардан туғилган олам. Шоир юрагидаги ўтли кечинмалар, изтироб ва ишқ, Ватан туйғуси ва табиат ҳайратлари—бари-бариси теран лиризм ва чуқур ҳаётий фалсафийлик билан йўғрилган.

ОҲУ

Бу бегона шаҳар ва бу зулматдан
Бошқаси хотирга келмади, жоним.
Фақат иккимизга аён ҳасратдан
Ўзгасини кўзга илмадим, жоним.

Ўртаниб йиғладинг. Соялар сархуш
Эрир бир шам каби чехрангни тилиб.
Шундайин йиғлашар оҳулар беҳуш
Яшил майсаларда қонга бўялиб.

Бу қайдан билибман, бу шаҳар, жоним,
Иккимиз учун ҳам бегоналигин?
Сен ютган азоблар, изтироб қони,
Аччиқ кўз ёшларнинг девоналигин?

Дедимки: "Азизам, югур! Тонготар
Момоқалди роқ ҳам, чакмоқ ҳам тинчир.
қани, бўл... Кетсанг-чи... "Олдда тоғ қадар
Тўсиқ чиққан каби силжимадинг бир.

Шунда ёмон кўриб кетдим бу шаҳар,
Бу ёмғир, бу шамол, бу кўчаларни.
Бу ҳаво, бу оқшом совуқ... То сахар
Ухламай уйғотдим тунд кечаларни.

Сен елиб борардинг олис-олисга,
Қадрдон водийлар яна кўз очди.
Чакалакзор ичра кўринмай кўзга
Сувларга чўқдингми—ўқлардан қочдинг...

Ортингдан қувлашар заранг дарахтлар:
"Қаранг, оҳу, оҳу! Уни ушла, тут!"
Мен эса борардим юракда қадар,
Бу ёт кўчаларда бу дунё унут.

Кўприк остидаги дарё тўлғонди,
Тутун кўк тоқига ўрлади ёмон.
Бирдан ойдинлашди—ҳамма уйғонди,
Вокзал бўлиб чиқди мен кўрган ўрмон.

Юрагимда ажиб, муқаддас туйғу,
Биринчи қор каби тиниқ, безавол—
Юксакликка қадар
Юксакка чорлар
Ул лаҳза, лаҳзаки, ҳаттоки мен лол.

Бундайин табассум, бундайин нурдан
Музтоғлар эрийди, юмшайди ҳаво.

Ҳали ҳеч ким билмас—
Ҳеч завол билмас
Туйғу кимга насиб этар, эй, дунё!

Шул мовий кўзларнинг кўлига чўмдим,
Ҳаяжон эркалар, ишқ акс-садоси.
Бағрингда туғилар,
Нур боланг бўлар—
Кўзларингга боқар хайрат пешвоси.

МЕН—ТУЙҒУМАН!

Тонг ёришиб келмоқда аста,
Оёқ илди сирли ёруғлик.
Ўрнингдан тур, сен ҳам оҳиста
Бу нурларни юрагингга тўк.

Шунда қалбинг кенгайиб кетар,
Мўъжизалар рўй берар гўё.
Шамоллар ҳам йўлини бурар,
Тисарилиб чайқалар дарё.

Она замин, руҳимда не ҳол,
Нечун яна чақмоқ монанд сир
Бу тонг мени айламоқда лол,
Оёғимнинг остидами нур?

Нечун руҳим безовта этдинг
Яна олис йўлларга чорлаб?
Ташлаб кетиб бўлмас бу метин
Ташвишларим битмасми, ё раб!

Мен—туйғуман, ер бағридан кенг
Борлиғимдан наво яратдим.
қондошларим билан тенгма-тенг
Ўз-ўзимга дунё яратдим.

Ўз-ўзидан нурланмас тоғлар,
Ўз-ўзидан рангинлашмас тонг.
Майса бошин кўтарар чоғлар
Чин кўнгиладан яйрайди бўстон.

Мен—туйғуман, тикилган сайин
Осмонларга бошим етади.
Кўк меҳрибон, тоғ кўкси майин
Қўшиқ айтиб, мени кутади.

Бу дунёда мавжудман токи,
Улар билан яқдилман, фоний
Бу дунёни тарк этсам ҳамки,
Улар боқий, улар абадий.

Қиндан чиққан қилич сингари
Харсангтошдан учди кўк қарға.
Дала бўйлаб отларнинг барин
Шамолларга юзлатар дарға.

Бу энг оддий мўъжиза, ҳақ рост,
Мени чиндан айлади мағлуб.
Бу гўзаллик қошида сармаст
Ва улуғман - мен унга махбуб!

Англадим
Сония
Сирини.

Қара!—
Қор учқуни-
Шамол зарбидан
Ойнага урилди капалак
Ва ҳавода йўқолди телба...

Йўқолди...
Исмсиз бир лаҳза.
Қўллар қотиб қолди ҳавода
Кўринмас қор учқунин топмай...

Бу лаҳза.
Бу мангулик.
О, борлигим, эҳтимол сен ҳам—
Қор учқуни деразага
Шарт урилиб, эриб кетгунча
Ўтган Вақт оралиғи.

ДЕНГИЗ

Ранги синиқ, кўзи ўткир йўловчи
Бандаргоҳда, тўсиқ ёнида ғамгин
Энг сўнгги кемани кузатар чоғи
Кузатмоқда сўнгги умидин толғин.

Ҳужрасидан чиқиб келган матросдай
Тиқилар денгизга кўтариб бошин.
Бу улкан денгизнинг туғёнларига
Қўшилиб кетмоқда тиниқ кўз ёши...

У ненидир кутар... Тушиб келар шом.
Қизғишланиб борар тўлиққан денгиз.
Қорайиб кўринар энг сўнгги кема,
Олислаб боради умидлар бу кез.

У ҳамон сукутда, оғир сукунат,
Лабларида шўр таъм, ютинди, тотди.
Бўғозлардан елиб келган шамолда
Бу таъм кенгликларда сочилди-котди.

Оқшом куюклашди, у ҳамон ёлғиз,
Тўп-тўп матросларнинг ўтишин кутди.
Уларнинг чехраси сўлгин ва вазмин
Қадамлар қўналға ёнидан ўтди.

Уларни кутишган аёллар билан
Илдам йўл олишди ором бағрига—
Милтиллаб кўринган кичик шаҳарнинг
Тунги меҳнат тўла қайноқ қаърига.
Уларнинг ҳеч бири ортга қайтмади,
Чўкиб кетишгандай тубсиз зулматда.
Шаҳар эса оғир, чайқалди оғир,
Уйлардаги чироқ ўчди ҳасратда.

Хароб қовоқхона ёнида дилгир
Тебраниб турибди пакана одам.
Ғариб кулбасига етиб улгурди
Эски кўчадаги ғариб бола ҳам.

О, сен болаликнинг олис қайғуси!
Қаёққа қарама—ҳаммаси сирли.
Оёғинг остида тубсиз денгизу,
Олдинда бир кичик уй ҳам бор нурли.

Гўё кўк тоқига чирмашган нигоҳ,
Юлдузлар порлайди факат шу ерда.
Демак, ҳали ҳеч бир умид ўлмаган,
Демакки, илоҳий тушлар шуурда.

...Суюклигим орзу, дилим қулфини
Очгувчи калитинг йўқолди—билдим.
Эҳтимол, уқувсиз ва ношуд чиқдим,
Эҳтимол, хазина оғирлик қилди.

Куюнчагим орзу, ҳар доимгидек
Улгурмадик ўлжа билан қайтишга.
Беташвиш болалик—Колумб най чалар,
Ожизман, бундан ҳам зўр сўз айтишга!

Майли, мен уқувсиз, майлига ношуд,
Аммо сен ўзингга ўзинг дарға бўл.
Болалигим—болам, уммонларга суз,
Орзуларнинг мовий уммонлари мўл!

ОНА ЕР

Дарахтлар солланар сўлим қирғоқда,
Дўнгда ер бағирлаб ётган билади—
Тегирмон шовқини яқин қишлоқдан
Барглар шивирида оқиб келади.

Эй, она тупроғим, шаънинг ва ишқинг
Қучоғимга сиғмас боғлардай ўлмас.
Дарахтлар солланар қирғоқда менинг
Бобом ҳам кўмилган, номлари ўчмас.

Қаҳрабо тусли кун қизиб боради,
Водий бўйлаб қирғий чарх урар вазмин.
Ўрдак тумшук бутазорлар ёради
Яйловлар бағрини бетиним, бетин.

Бунда бари менга яқин, меники,
Шу қадар азизки, бош кўкка етди.
Осмон ҳам энгашиб келмоқда, неки
Ушласам кўлимда гуллади-кетди!

Сувнинг шивирлари ёққани сайин
Менингдек тебранар денгиз ўтлари.
Бобом соқолидай қуюқ ва майин
Тегиб-тегмай ўтиб кетишар бари.

МАЙСА

Мен—майсаман, далада хур-хур
Шамол билан эркли ёш қалбим
Орзулари дурли, чехрам нур,
Руҳим тетик, тирикдир жисмим.

Сахий қуёш нурига чанқоқ
Қияликлар хушбўй атирдай.
Туғиламан қадимий тупроқ
Қучоғида ўтли сатрдай.

Шаҳар ойдин, юлдуз тилаги
Умр қўшар умрларимга.
Чирмашади нозик юрагим
Ернинг улкан томирларига.

Миннатдорман сендан, тақдирим,
Мен азалдан нурга шайдоман -
Метин тошни силжитганча жим,
Кутилмаган жойда пайдоман...

Қаҳратонда паноҳ йўқ, лекин
Қайтажакман, изимдан борлиқ.
Яшил рангда оқмоқда некбин-
Ернинг улкан томиридан ишқ.

ТОНГ

Мўъжизалар туғилар ерга
Чирмашишнинг ўзи бўлмайди.
Етса ҳамки қўл етмас нурга
Устунларнинг кўнгли тўлмайди.

Мана, эшик қулфи очилди,
Хуркиб учган бир жуфт каптарлар
Каби қизнинг туши сочилди,
Деразалар - очиқ дафтарлар—

Очилса ҳам, мудрар кўчалар,
Энг биринчи япроқ узилди.
Узоқлашиб борар кечалар
Ойналарнинг бағрини тилди.

Дарё суви янглиғ киприкда
Шабнам қалқар тиник ва сархуш.
Кетиб борар аркли кўприкда
Энг биринчи автобус бўм-бўш.

Афсонадан ҳам қадим дарахт
Ялангликнинг сайқали дейму?
Яйлов қўли битган яшил хат,
Ёки тирик ҳайкали дейму?

Тантанавор, мағрур ва масрур
Қуёш қаддин тиклайди, хуррам
Бинафшаранг тонг билан сурур
Ёйилади кенгликларга ҳам.
Нафаси нур гўзал бу дамнинг
Рухсорига тўйиб бўлмайди.
Қадамлари узилар ғамнинг,
Ҳаёт гули мангу сўлмайди.

Олислардан тонгги поезднинг
Товушлари тобора яқин.
Мцхетия томонга унинг
Елишлари мисоли чақин.

О, бу ранглар, о, бу ҳайкирик-
Чўккилардан оппоқ қор кўчди.
Кўз олдидан тўлишди борлик,
Хотиралар юракни кучди.
Гўё китоб варақларидан
Севимли ёр сурати учди...

ТОВУШЛАР

Ҳаволарда эрийди хаёл,
Ер юзида кезар товушлар.
Изсиз кетмас ҳижрон ва висол,
Яшар сувга оқса-да тушлар.

Юлдузларнинг олис нурлари
Кенгликларда порлади, зулмат
Ичра сингиб кетган сирларим,
Овозимни эшитдим фақат.

Эҳтимол, бу энг тиниқ нафас
Табиатнинг илҳоми—сўздир?
Болалиқдан туғилган ҳавас,
Сўнг армонга айланган бўздир?

Эҳтимолки, қаландар йўллар
Хотирамга бўрон йўллади.
Тонготарда очилган гуллар,
Товушимга туғён тўлади.

Қучиб бўлмас борлиқ сингари
Тўлғин-тўлғин оқар товушлар.
Соям каби сизар сарсари
Кўз олдимда ўтмиш ва тушлар.

Мен ўтмишим олдида оққуш
Каби ҳалол, каби покдомон!
Унда нечун безовта товуш
Виждонимни қийнайди ёмон?
Эҳтимолки, улар дунёни
Айланса ҳам айлайди сукут.
Хаёлларга чулғаб ҳавони
Яшаса-да, олис ва унут.

Эшитдингми, қўнғироқларни—
Улар бизни уйғотар ҳар он.
Юрагингда ёқ чакмоқларни,
Товушингни унутма, виждон!

СЎҚМОҚ

Далалар, яйловлар, ўтлоқлар билан
Тебранар майсалар ичган каби май.
Метин тош деворлар хаёлдан баланд,
Кимлар учиб ўтар экан билдирмай?

Висолга кечиккан сўқмоқ югурар
Чаманзор ичинда, қайинзор ичра.
Йўлини тўсади дарвиш тераклар,
Ҳорғин йўловчидай дам олар пича.

Қирларнинг кўксидан отилар бесас,
Интиқ бағримизга тўлади дунё.
Бир лаҳза майсалар аро кўринмас,
Ва бирдан кўзимиз олдида пайдо!

У ҳаммадан хушбуй, ҳаммадан сирли,
Қадам етмас жойга кўяди қадам!
Ҳар битга эшикка боқади нурли,
Уни сезмай қолар биронта ит ҳам.

Бирон-бир ҳовлида, бирон-бир жонда
Унинг жон риштаси узилиб кетмас.
Зиналардан ошиб, тундами, тонгда
Олис йўлга тушар—хаёл ҳам етмас.

Унинг охири йўқ. Боши бўлганми?
Ялангликлар, қирлар, ўтлоқлар ва ғор...
Ҳатто шаҳар усиз бағри тўлганми -
Майдонларга қадар кенг ва бетакрор.

Билгим келар—қайда йўлларим толиб,
Сўзимни айтаман сўнг бор—тун, тонгда?
Шунда бирдан сўқмоқ хаёлим олиб,
Сингиб кетар гўё улкан ўрмонга.

Август тонгларининг салқин эпкини,
Она табиатнинг сирли овози.
Менга насиб этди бахтнинг некбини,
Яна бошландими сурур парвози!

Чайқалади ўрмон, тоғлардан майин
Туман сийраклашиб борар тобора.
Икки қадам кўйсанг етасан тайин -
Бахт ҳам сен томонга юрмоқда, кара!

Мен—бу менман, баланд дарахт мисоли
Оқаётган сувлар бўйида шодон
Қўлларимни ёйсам, булутлар ёли
Қўлларимга тегди харир, покдомон.

Бутоқларим ўсди уфққа қадар,
Сайроқи куш унда сайраётир хуш.
Куйларида севинч ва ҳайрат оқар,
Овозинг бунчалар қудратли, эй, куш!

Унинг ҳам ороми йўқ, менинг каби
Кун бўйи тинмайди, тинмайди, фақат
Осмонга талпинар орзуманд қалби
Ёнади—оловли ишқ ила ҳасрат.

Ҳузур бағишлайди сувнинг бўйида,
Кўк ва замин аро кўтариб бошим
Яшамоқ— эзгулик ва бахт ўйида,
Ҳамиша куйласа мен-ла куёшим!

Мен сени ўйладим, ўйладим ёлғиз,
Кўмилгансан гўё тубсиз зулматда.
Хазина мисоли йўқолдинг изсиз,
Мен қорайиб кетдим тилсиз ҳасратда.

Деворларга бошим тираб, алаҳлаб,
Алаҳлаб сўрайман—ўт кўзли йиртқич
Сендай хазинамни кетди ўғирлаб,
Югурдим, бермади менга ҳам тутқич...

Купега ёруғлик урилди тикка,
Ерга тушди, шифтга аста ёйилди.
Мен тун бўйи сени ўйладим якка,
Тоши оғир ўйлар қалбимни тилди.

Бўлиниб-бўлиниб кетди нақ бошим,
Темирлар ва совуқ ўринда чил-чил.
Бўғзимга тикилди аччиқ кўз ёшим,
Оппоқ қор учқуни сачради енгил.

Ёруғлашиб борди тўрт томон, ҳарир
Ҳаводан илиди совуқ ўйларим.
Кириб келди нози нозанин ҳузур,
Руҳимга сингишди ором куйлари.

Мен сени кечирдим, кечирдим, сенинг
Билан видолашдим абадул-абад.
Поезд елиб борар, у билан менинг
Юрагимга тўлиб бормоқда ҳасрат.

Билмам, мени қайга бошлар бу Сафар?
Уясидан бошин чиқарган қушлар
Каби тикилади мудроқ дарахтлар,
Борлиқ тинч уйқуда, кезинар тушлар.

Қишки ўрмон каби ортга қайрилиб
Қарадим—гуноҳлар кетди сочилиб.
Поезд ҳайқиради хаёлим бўлиб,
Поезд елиб борар дарди очилиб...

ТАБИАТ

Бош кўтармай шўнғиймиз ишга,
Сезиб-сезмай табиат кўркин.
Бош-адоғи йўқдек ташвишга
Бериб қўйган каби руҳ эркин...

Тонгнинг совуқ нурлари метин
Тош деворга сингди—сезмадик.
Ва бошимиз узра ҳур, ёлқин
Тушлар учиб кўнди—сезмадик.

Шовқин тўла шаҳарни бир кун
Ташлаб чиқдик олис йўлларга.
Кенгликларда кенгайдик, тошқин
Дарё яқин келди дилларга.

Тоғ ёнғоғи тўкилди, жўшди,
Шабнамларни сачратди шоён.
Тоғдан туман шовуллаб тушди
Отилгандай кўринмас вулқон.

Қуёш ёнди, сахий нурлари
Далаларга битгандай ризқ-рўз.
Қуёш бизни суйгани сари
Баланд-баланд кўтарилдик биз.

Бунда бари—тоғ, чўкки, дарахт,
Дарё туби, далалар ва ғор...
Битта қондан яралган бут бахт,
Битта жондай яқдил, бетакрор.

Черков қадар тўшаб йўлини
Шовуллайди қайинлар ҳар шом.
Шовуллайди, улар тилини
Тушунади замин мукаррам.

Узайгандан узайди кундуз,
Қайси юмуш битди-битмади.
Уфқ биздан уза олмай кўз,
Нени кутди, нени кутмади...

Кундуз сўнди, беқарор бир руҳ,
Ҳатто зулмат кўринди маъсум.
Инди совуқ қотган лабга уҳ,
Тун бағрига ҳазин табассум...

ТОМЧИ

Ёмғир билан сийланди замин,
Бургутдан ҳам шиддаткор шамол.
Синиб кетди қадди дол қайин,
Қир бағрини чирт узди хаёл...

Шохларига кўл теккизсанг бас,
Титраб кетди армон туйғуси.
Кутилмаган ёмғир кўз ёшмас,
Денгизларнинг олис қайғуси...

Сирли кўз ёш, эй, нурли кўз ёш,
Бунча кучни қайдан олгансан?
Қалблардаги энг тиниқ бардош
Очилганда куйга солгансан.

Бу ажойиб нур, бу жилолар
Тақдиримми—йўлга чорлайди.
Илоҳийми—эрир ҳаволар,
Изларида—юлдуз порлайди.

Ёш боладай юрак шошқалоқ,
Билиб олсам дейди бир пасда.
Томчи, бутуқ, инсон ва тупроқ-
Бу қандайин муқаддас ришта?

Сузиб ўтар парку булутлар,
Тоғдан энар сурур туйғуси.
Олиб учар мағрур булутлар
Денгизларнинг олис қайғусин...

МУСИҚА

Кимнингдир юраги тўлиқмоқдами,
Кимдир кўлларини кўтарар, ёниб
Бехос оқиб келган дард ёқмоқдами
Қўшиғида шиддат, ғамлардан тониб?

Боғни сел босдими? Оҳангми ҳаёт,
Ёки ўчиб-ўчмас оташин вулқон?
Ким у—кулочини ёзади озод,
Булутларга суюқ бағри кенг осмон?

Томирлардан сизган қайноқ қон каби
На оғриқ, на ҳадик сезилар, фақат
Ёмғир куйларини улуғ Бах қалби
Каби боғ тинглайди, тинглар фароғат.

Нима у—шу қадар эрки ва мағрур,
Тақдир йўлларининг чакмоқлигимми?
Шамол қанотида оловли сурур,
Тунги армонларнинг уйғоқлигимми?

Бемаврид узилар чаманзорларнинг
Куйи авж паллада, тонгнинг бағрида
Кенгликлар ёришар эманзорларнинг
Ибтидоий ва пок шудрингларида!

АПРЕЛ

Яна сокин, яна вазмин боғ.
Тахирлашар
Сийраклашган қор.
Энди совуқ, аччиқ изғирин,
Қахратонни кутмоқлик бекор.
Яқинлашдим—
Ярқироқ мрамар
Кафтдан учиб тушган оппоқ зар
Мовий кўкка учди
Эҳтимол,
Ерни кучди—кўздан йўқолди.
Мрамар ҳайкал жим,
Қотиб қолди.
Табассуми биллур апрелнинг
Ҳаволари тоза.
Оғир туш
Каби бўрон тингач,
Бахтданми,
Сармаст шохлар,
Новдалар намхуш.
Соя каби
Баланд чўққида
Тебранади дарахтлар олис.
Шарқ томондан
Ёришган осмон
Қучоғида олов рангли из.
Парчаланиб кетган булутлар
Кенгликдаги, юраклардаги
Ҳаловатга дахл этолмай,
Сизиб ўтар гўё ўтли ҳис...

ҚОР

Лахза—ёзда учган қор учқунидай,
Умри қисқа елдай соврилди—кетди.
Вақт эса—оппоқ қор. Дил ёлқинида
Оппоқ сатрларга сингиди—битди.

Чор - атроф сукутда, чор-атроф кўркам,
Хўроқ қичқирғи—кимни уйғотди!
Майсаларга енгил қўнди-ю, шабнам
Бир лахза ичида музлади—қотди.

Бунда ором истар ҳар битта қадам.
Оҳуни кўзлаган нишонда қулиб

Турибди охунинг кўзлари—на ғам!
Карашлари теран, хайратга тўлиб.

Тўхтаб қолган каби—вақт, кенглик, тутун,
Тошлардан учинган қор учқунлари
Кимгадир урилди майин ва беун,
Қанотида тубсиз хаёл тунлари.

Лаҳзалик изғирин борлиқни тилди,
Лаҳзалик рўёнинг тушлари эртак.
Кўринмас пардалар яна осилди,
Парда этаклари бўлак ва бўлак.

Ўзи билан ўзи қолса ўралиб,
Ўзи билан ўзи қолмоқ—ё ботқоқ!
Эшик ғижирламас. Йўллар буралиб
Қарамас—на товуш, на парвоз, бироқ.

Мана (яна ёзги қор учқунидай
Лаҳза чир айланиб, жон берар бесас).
Сатрларда оккан қалб тўлқинида
Ҳатто қорли Вақт ҳам ўзин ўнглолмас.

Осмонда тутунлар ўрлайди, сизар,
Афсунгар дунё ҳам кўз очар—ёху!
Хўроз қичқириғи шамолдан ўзар,
Наҳотки йиқилди ярадор оху...

Яна алаҳсираш—бариси бекор!
Ўйладим ўтмиш ва келажак аро
Лаҳзадан мавжудроқ яна нима бор?
Ў, мрамрлар билан ўралган дарё!...

Нечун бу дарёнинг сувлари рангсиз,
Кўприклар тикилар—айтар сўзи йўк.
Қирғоқлар бошини силайди тубсиз
Дарёнинг сувлари ҳиссиз ва совуқ...

Яна шовқин-сурон, яна суринди,
Тўлқинланди икки кучли овозлар:
Ўнгда—қават-қават уйлар кўринди,
Чапда - осмонўпар минор, гумбазлар.

На дилбар тонг! Нурлари мўл-кўл!
Тўлишгандан тўлишибди боғ.
Шоир бўлиб сайрайди булбул,
Кўзларини юмиб, вақти чоғ.

Эркин-эркин таралар наво,
Қалб кўшиғи—захматдир, хуррам,

Бетакрор куй йиртқични ҳатто
Сеҳрлади—чирмади маҳкам.
Аммо бургут азмидан қайтмас,
Тут ва чинор хушлар дарғани.
Дилидагин ҳеч кимга айтмас-
Боғбон этди бокқа қарғани.

Мени қийнар, қийнайди бир зор—
Наҳот булбул куйламас янгроқ?
Қайда бургут билан қарға бор—
Юракларга сочади нифок...

ТОҒЛАР

Қирларнинг ортидан қирларни кезиб,
Далалар борлиққа ёйса ғулувни.
Ичгим келаётир тоғлардан сизиб
Келаётган тиниқ бир култум сувни.

Жилғалар жимирлар, олис ва уйғоқ
Тоғлар елкасида ёриқлар чуқур.
Кўз ўнгимда куюқ, ям-яшил ўтлоқ
Бағрига инади ором ва ҳузур.

Ёху, кадрдон тоғларим, ҳамон
Теп-текис йўлларга кўниқолмадим!
Тўкилар қалбимдан ўтли, беомон
Ташналик ва ҳайрат кўлларга сим-сим.

Бургут учар тубсиз жарликлар узра
Тоғлик йигитларнинг ўткир кўзлари
Чўккиларни илғар, мисоли нуқра
Шунда қолиб кетса дейман ҳисларим...

Димоғдорлик нечун, кеккаймоқ нечун!
Оёғимни тираб заминга маҳкам
Нигоҳимни кумуш чўкқи, инчунун,
Қор кетмас тоғлардан узолмам, узмам!

Нечун бошим эгиб юришим керак?
Шу тоғлардай мағрур қад кердим, қаранг!
Ҳамиша баланд бўл, баландла, юрак,
Шу тоғлар, чўккилар - ўқ ўтмас қалъанг!

ЭНГ ЁРУҒ ҚАЙҒУЛАР

Авж пардага чиқса қор кўшиқлари
Мармар ўчоғингиз қарсилладими?
Оқ қоғозга ёруғ ғам кўчган сари
Қорлар тобора оқ, чарсилладими?

Дераза ортида айланиб, учиб,
Чирмашиб изғирин қуюнларига
Шеърга сингган ҳасрат кетдими кўчиб
Қорнинг қалин, қуюқ уюмларига...

Ажинлар, чизиклар сирли ва учқур,
Йўллар каби узун, саноғи йўқдир.
Ёшлиқ ҳарорати беқиёс сурур,
Хаёллар, ҳисларнинг адоғи йўқдир.

Осмонда кезинар сулув кумуш ой
Табассуми ғамгин, армони ойдин.
Жимирлайди тўлқин, юлдуз тўла сой
Хонишлари ўтли келмоқда қайдин...

Чексиз хаёлотга чўкади тунлар
Сой бўйида кўркам дала ҳовлилар.
Шоир илҳомини ичади тунлар,
Байтлар тўкилади - тўкилади зар.

Тубсизликлар ичра тубсизлик ёркин,
Ҳаволар мовийдир, ҳаволар кумуш.
Туйғулари жўшқин-жўшқин ва ёлқин
Фаришта учади оҳанглари хуш.

ДЕҲҚОН

Бадқовоқ бойқушлар тун чоғи
Кундузги нурларни излашар.
Деразам ортида
Меваси мўл-кўл
Олма дарахтининг бутоқларида
Чайқалди осмон.

О, нақадар енгил
Узилар кўқдан
Олма юлдузлар!
Сен шу қадар ёшсан,
Шу қадар содда!—
Бошинг айланади
Жаннати мева
Ҳидлари илоҳий,
Кўл етмас сеҳр...

Тун бўйи
Хиргойи қилдим тонггача.
Овозим пастлатдим—
Олма дарахтин
Оқлаётган
Деҳқонни бехос
Ҳуркитиб юборгим келмади.

ОВЧИ ТАЗАРРУСИ

Жилға шилдирарми ўтлоқда, ҳамон
Чирилдоқ сайрарми янгроқ, бепарво?
Қўлимга олмайман мен энди, ишон,
Милтиқни ирғитиб юбордим ҳатто!

Тиз чўкиб йиғлайман, юзимни барча—
Барчадан яширгим келар иблисдай.
Шафқатсиз эмасдим, юрагим парча—
Парча этдим, билсанг, гуноҳкор ҳисда...

Қопқонга илинган бир ғариб жонни—
Қушми, кийикларни - омадим дедим.
Нақ кўксидан оққан ҳар қайноқ қоннинг
Хунини тўладим - тун мени еди...

Йиғлайман - минг лаънат шундай ёзуққа!—
Мергансифат қўлга қурол олган кун.
Дуч келди қай оҳу мен отган ўққа,
Ярасини ялай бошлайди беун...

Деразамга яқин келмоқда соям -
Бир қатра нурга зор иблиснинг уҳи!
Мен ваҳший эмасдим, дилдаги доям—
Унутди шафқатни овчилик руҳи.
Ё, тангрим, ҳунарим бўлди ёмонлик,
Гуноҳларим кечир, бергил омонлик!

ТУҒИЛГАН УЙ

Шамол тинди.
Шивалар ёмғир.
Тайёрагоҳ салқин ҳавоси,
Урилар кўксимга ҳузур,
Шошилмасдан кўтариламан,
Нафасимда—юртим навоси.

Лаззатлидир парвоздан парвоз
Эмас—ерга кўниш туйғуси.
Табиий ва содда, бепардоз,
Ташвишлари битмас заминга,
Яна уйга қайтмоқ орзуси.

Қалб куйлайди,
Иллюминатор
Сенга қарар,
Сен эса—ерга.
Учқур ҳаво кемаси такрор
Ошиқади бўлиққан дала,
Яшил ўтлоқ, яйлов ва қирга.
Она уйим—онажон шаҳрим,
Қимматлигим, беқиёслигим.

Сени кўрсам, очилар баҳрим,
Унутилар Париж соғинчи,
Қадим Рим ҳам кўздан йўқолар.
Ёзнинг илиқ ҳавасларида
Самодан ҳам яқин ва азиз,
Жонга туташ бир тутам майса.
Менинг каби ҳатто темир қуш
Она юртим—
Она тупроқдан
Кўтарилар истамайгина...

АЖДОДЛАР ҚОНИ

Яшагинг келади, яшнатиб
Шу тирик мавжудот, борлиқни.
Инсоннинг азалий орзуси—
Табассум ва яна табассум.
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Болалар жон - таним,
Болалар—дилим.
Улуғ шоирларни ўқийман такрор.
Важа, Шиллер, балки Марк Твен...
Ҳайратларга кўмади минг бор.
Болаликнинг келмас уйқуси—
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Болаларга дунёни бериб,
Болаларга тутдим байрамлар.
Эрк бераман, қиламан тортиқ
Дунёдаги ширинликларни...
Юрагимнинг йўқдир қайғуси—
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Сизга ором истайман, дўстлар!
Бошқаси—бекор.
Изғиринда қолган дарахтдай
Ёлғиз қолмоқ берса-да озор...
Оғир дамлар ўтиб кетгуси—
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Ў, Ватаним, сенинг куйчингман,
Томирларим—томирларингда.
Бундан бошқа қудратли сўз йўқ,
Рухим—тиниқ тонгнинг кулгуси.
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

ЙЎЛ

Йўлим оқар шиддатли ва тинч,
Ҳаётим хур, хаёлим бедор.
Қанча азоб, изтироб, ўкинч,
Юрагимни ўртаса ҳам зор...

Елкам яғир бўлса-да юкдан,
Йўлдош бўлди сабр ва чидам.
Нур ёғилди кўксимга кўкдан,
Ҳосил берди заҳматларим ҳам...

Дўстларимни асраб қолай деб,
Яна ўша хурлиқо кўзни...
Суйиб-суйиб дилга солай деб
Ўнглаб олди ўзлимиз ўзни.

Ёт кўзларда—зулмат ва ўлим,
Янчиб оташ—оташ зулмни.
Юзлашаман сен-ла, эй, ғаним,
Ўзим ўқий одил ҳукмни.

Олис йўллар зим - зиё қаъри,
Ёлғизликнинг нафаси, ёҳу!
Илонни ҳам илитар бағринг,
Тунлар сенга тутуди оғу...

Гоҳи хушҳол, гоҳида ғамгин,
Ўтмишимга назар ташлайман.
Тонгларимни кутгали рангин
Қуёш сари йўлим бошлайман.

Меҳр кутдим—ташқарида қиш,
Муз, сирпанчиқ йўлларда ҳатто.
Йўлим менинг—ҳаётим ва ишқ,
Барчаники ва менинг дунё.

Йўлим, менга ишон, ҳаммавақт
Суян тангри бардошларига.
Бир кун менга йўлиқса кулфат,
Бошим кўяй тоғ-тошларимга.

ТОҒЛАР МАНЗАРАСИ

Нақшинкор айвонда тонгни кутаман,
Кўринади қорли тоғлар қояси.
Жилғалардай ҳуркиб-ҳуркиб буралар
Чўққиларда баланд чинор сояси.

Хўроз қичқиради, тонг отар-отмас
Самодан қуйилар қайноқ-қайноқ нур.
Тарқала бошлайди пар каби туман,
Қалбимда тоғларга йўл олар сурур.

ЎЗ - ЎЗИГА КЎЧИШ

У кета бошлайди жим ва кўринмай,
У кета бошлайди—билмайди қайга.
Сўнгсиз оҳангларнинг руҳида тинмай
Ўзини излайди чўккандай сойга.

Унинг тақдирига ёзилмиш синик
Нағмаларни шамол узиб ташлайди.
Шунда кўз олдимга келади тиник
Муҳаббат армони, кўзин ёшлайди.

Ойнада кўринар қоп-қора доғлар,
Ақлдан озасан—қалқиб кетади.
У кетиб боради, йўлида боғлар
Қайрилар—хотира балқиб чиқади.

Тортилиб боради аччиқ аламлар,
Юрагимни ўртар оғир дард, бедор
Қадрдон чехралар, азиз одамлар
Соғинчи беқиёс, нурли, бетакрор.

Яна маконига йўл олар шамол,
Яна ватанига қайтади булут.
Ташвишларинг битмас, на ажиб хаёл!—
Бу дунёни унут, ўзингни унут.

Ўз-ўзига кўчиш бошланди, қара,
Нақадар улуғвор туғилмоқ сирдан!
Манзара ортидан елар манзара,
Дилбар куйлар оқар бир қатим нурда.

УФҚ

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам ғамгин нигоҳлар,
Кўз ёшларим ёйилади, дунё сарсари.
Видоли қарашлар, сукутлар, оҳлар,
Поезд елар уфқ, кунботар сари.

Кенгликни силкитар кучли чинқирқ,
Мени чирмаб олар поезд шовқини.
Видоли қарашлар—шафқат билмас ўк,
Улар мени адо қилар бир куни...

Кўлларинг силкийсан баланд ва узок,
Ҳасратларинг бир кун—умринг заволи.
Уфққа ёйилар қон рангли титроқ,
Айрилиқнинг телба шамоли...

ТАШНАЛИК

Кузги намхуш ҳаволар таъзим
Қила - қила кирди шаҳарга.
Болаларча содда табассум,
Тиниқ нурлар тўлар сахарга.

Кўзларимда—биллур шабнамлар,
Шаффоф кўллар мовий ва тубсиз.
Намланади киприкда ғамлар,
Юлдузларга айланар олис.

Умрим йўли узун, дил—овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби ҳеч бир йўловчи
Бундайин ҳис билан ёнмади.

Кўринади қадрдон қироқ,
Ўчмас ота уйим ўчоғи.
Отажоним меҳридай қайноқ
Нурланади осмон кучоғи.

Онам ҳамон кўринади ёш,
Сувга кетиб қайтиб келмади.
Кўза каби чил синди бардош,
Биров билди, биров билмади...

Умрим йўли узун, дил—овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби ҳеч бир йўловчи
Бундайин ҳис билан ёнмади.

БИЗ—МАЙСАЛАРМИЗ...

Дунёда ҳамма тенг—оқилу нодон,
Шиддат билан текис ўради чалғи.
Майсалармиз—борар йўлимиз битта,
Эртами - кеч бизни кўради чалғи.

Сиз билан яшадим, сиз билан ундим,
Кенг осмонни кўрдим, тупрокни суйдим.
Яшил далаларда баргларим ёздим,
Гулларим куйласа, куёш ҳам суйди.

Мен ҳам шу куёшга талпиндим, ёндим,
Бағримда товланди тонг, биллур шабнам.
Бир кун мен томонга ташлади қадам
Ўткир чалғи билан собиқ қўшним ҳам...

Кристина РОССЕТИ

(1830—1894)

Болалигидан то умрининг охиригача кўлидан қаламини туширмаган, суврати ҳам, сийрати ҳам гўзал бу бетакрор шоира инглиз шеъриятида ўзига хос ўрин катта эгаллайди. Унинг илк шеърий тўплами севикли бобоси томонидан нашр этилади. Шоиралик қисмати Кристина Россетига отаси— Лондонда яшаб ўтган италиялик муҳожир, итальян тили ва адабиёти ўқитувчиси Габриел Россети қонидан ўтган. Бундан ташқари, акаси Данте Габриел Россети ҳам ўз даврининг машҳур рассоми саналган. Айниқса, шоира синглизининг портрети ва унинг барча китобларига ишлаган сувратлари бугунги кунда ҳам кишини ҳайратга солади. Мана шундай ижодий муҳит Кристина Россети ижодини юксакка кўтарди. Чуқур лиризм, драматизм, воқелик ва фалсафийлик билан суғорилган бу шеърият орадан 175 йил ўтиб ҳам унинг номи ва ижоди муҳаббат билан тилга олинаётган экан, бунинг баҳосини адиба ва адабиётшунос Вирджиния Вулф сўзларидан англаб олиш қийин эмас: «Россети шеърияти шунинг учун ҳам қадрлики, у уйғотган туйғу ва ҳаяжон биз билан бирга яшайди, бизни бойитади. Чунки улар — бизга қадрдон туйғулардир».

МЕНИ ЭСЛА

Ўтинаман, мени эслагил...
Яқинлашар ҳижрон дамлари —
Қўлларимни кўйиб юборгил,
Сенга азоб бермас ^ғамларим
Олиб кетсам, бағри қон, вайрон
Қолсанг ҳамки, эсла, қадрдон!

Мени эсла, эсла, азизим,
На бир андух, на қайғу-ҳасрат
Ўйларингга солмасин соя,
Шу ўйларда яшайин фақат.

Билиб-билмай мени унутсанг,
Ўзингни ҳеч азобга солма.
Бу-дунёнинг охири эмас,
Аламингни кўз ёшдан олма...
Барчасини унут, кўзинг юм,
Табассум қил, жоним, табассум...

ОЙНИНГ БИР БЎЛАГИ

Ойнинг бир бўлаги... Тебранар борлик!
Яримлашар ёхуд ерга тортар ой?
Ойнинг бир бўлаги — севинч ёшлари,
Тоғлари виқорли, бахт очмиш чирой.

Ҳаётда ҳам шундай — ярмиси хато,
Бир бўлаги — жавоб, ярмиси — савол.

Бахт ҳам тўлишади бир куни ойдаи,
Қайғулар эрийди, эрийди хушхол.

Ёзнинг охири

Табиат гултожи — атиргулим, айт,
Қайда ранг, қайда кўрк, қайда ул туйғу?!
Ким билсин, эҳтимол, ёзимизни ҳам
Кутмоқдами шу йўл, шундайин қайғу?

Тубсизлик нимадир?

Ниманинг туби йўқ? - Қудуқлар, тоғлар.
Нима у —учар ўқ? - Рангин ёш чоғлар.
Нима у—ҳад билмас?- Сувлик, бахт сири.
Нима у —ҳеч ўлмас? —Шу қуёш нури.

Айтмишларим

Заҳматим тугади... Улушим олдим.
Шамол турадим-турмас, барибир,
Фақат осмон билан дўст бўлиб қолдим,—:
Далаларим бўшади, ахир.

Кунларим, тунларим қўшилиб оқди,
Яқинлашиб келар умри заволим.
Ким дўстим? Кимга мен ғанимдай боқдим?
Гуноҳларим кўпми, кўпми саволим?

Чалғини ташладим, хувиллар бағир—
Далаларим бўшади, ахир.

ГОБЛИНЛАР БОЗОРИ

(поэмадан парча)

Лаура беихтиёр
Қалқди ва қулоқ солди.
Опаси—ла далага
Етгач, у ортда қолди.
Қўрқув, саросимада
Ортига ўгирилди.
Уни сеҳрлаётган
Гоблинларга тикилди.

Бири — мўйловдор мушук,
Бири — ин ковлар сичқон.
Бири — кўрсичқон шумшук,
Тагида қалин ҳамён.
Бирида — илон пўсти,
Бирида — эшак тери.
Бирида — сичқон тиши,
Бирида — отнинг думи.
Бирида— йўлбарс ёли ,
Бир—бирига кўз қисар,

Лаурага қичқирар:
—Сотиб ол! Ҳа, сотиб ол!
Сукунатда товушлар
Майинлашар, жаранглар:
—Лаура, шош, тезроқ кел,
Қара, қандай соз ранглар!

Сувда ойнинг ўроғи,
Нурлар ёйилди чоғи...
Галасидан айрилган
Мисоли дуркун оққуш.
Жилғаларга бош эгиб
Турган бутқдек сархуш.
Эшкаги йўқ қайиқдай
Чайқалади, эгари
Урилмаган ёш бия,
Юрагида кўркув бор,
У ғўр жангчи сингари.
Гоблинларни тинглади
Чўридай итоаткор.

Бозорчилар қалқиди,
Муродига етишди...
Бири олиб, бириси
Қизни мақтай кетишди!

Бир айлана бўлишиб,
Бир—бирга кўз қисишиб,
Идишдаги шарбатдан
Бир татиб кўр, дейишди.
Бири олмахон бўлиб
Тишда чақади ёнғоқ.
Бири лаган тўлдириб,
Узум келтирибди, боқ!
Бири тахтни ирғитган
Каби тўнкани отди.
Токнинг новдалари—ла
Гўё тожни безатди.
Бошқуш қанотларига
Ўраниб олган гоблин
Қизнинг қулоқларига:
—Сотиб ол!- қуяр қизғин.
Сўнг иблислар галаси
Кўрсатишди зўр ўйин...
Лаура эса ҳамон
Жилолмас, юрмоқ қийин.
—Ёнимда бир мирим йўқ!-
Қиз айтди гўё айбдор.-
Ҳамёнимда на чақа,
На кумуш , на олтин бор.
Мен улар эвазига
Шовуллаб турган буғдой

Бўлик бошокларини
Маржондай териб келай!
—Хўш, тилла сочларинг—чи?
Гоблинлар ўкраяди.
Кокилингни сот , - дея
Бақадай бақраяди.

Титради, бош ирғади,
Сочи ёйилиб кетди.
Қайчи учларигача
Кўз ёши оқиб битди.
Сўнг боладай шошилиб,
Интилди—ку, шаробга.
Кокилларини қирқиб,
Сотиб олган азобга...
Ичган сари қоникмас,
У— сувдай тиник, рангсиз.
Кўринса-да, беозор,
У— гуноҳ, у — фитнакор.
Қиз эса шу лаззатга
Жонни бермоққа тайёр!
Шароб дарёдай оқди—
Шайтонлар дил хушлашди.
Қиз ичидаги шароб—
Иблис билан тиллашди.
Сўнг ердан ёнғоқ олиб,
Чайқалганча йўл солиб,
Кетди, англамади у —
Кунмиди, тунмиди бу...

Светлана МАКАРОВИЧ

1939 йилда Словенияда таваллуд топган бўлажак шоира, болалар адибаси, публицист ва мусиқа шайдо-сининг илк шеъри 17 ёшида эълон қилинди. Унинг шу кунга қадар 10 дан ошиқ шеърий тўпламлари, 1000 дан ошиқ болалар учун ёзилган эртак, пьеса, драмалари ўз Ватани ва халқи томонидан муносиб тақдирланиб, эъзозланиб келинмоқда. У уруш, унинг битмас жароҳатларини кўрди, ўзидан ўтказди. Шунинг учун ҳам инсоннинг инсон бўлиб яшашига ҳаққи бор, бу ҳақ ва завқни олиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея эзгуликни чорлайди у ўз шеърларида. У ўз шеърияти ҳақида шундай дейди: «Сенга нимаики азоб берса, нимаики мусибат келтирса, шуни юрагингдан ўтказиб, ёзолсанг, муқаррар енгил тортасан, табассум қилгинг ва ва узоқ яшагинг келади». Худди шу моҳият — Светлана Макарович шеъриятининг қудратидир.

ҚАРШИЛАШ

Қаршимда —
Дарча ортидаги нохуш манзара.
Қаршимда—
Қон билан тўлиққан олам.
Гиёҳсиз, бутқсиз яланғоч тоғлар
Ҳувиллаган бағрига, қара.
Қаршимда—
Бахт тутган қуш қаноти—
Синган қалам.

Лойқа сувлар, бадбўй сувларда
Лаънат оқар, наҳс оқар.
Қаршимда—
Кўр ва соқов
Қўшнилар хайрон боқар.

Қаршимда—
Белида белбоғи йўқ,
Отсиз, эгарсиз эрлар.
Қаршимда—
Гул жувоннинг
Юзи,кўзи кўқарар.

Қаршимда—
Бадбашара,
Жуни куюк говмишлар
Териси тўла яра,
Қандай насл бермишлар?
Шамол, далалар бўйлаб,
Кенг қулоч ёз, ўт куйлаб!
Қаршимда —
Юрт дея аталган қўшиқ.
Қаршимда—
Қаҳатчилик,
Ортидан келар ўлат.
Очлик, қирғин—қиёмат.
Қаршимда—
Алласиз солланар бешиқ.

АЛЛА

Кўзларингда уйқу йўқ, алла,
Сескандингми шамолдан, болам?
Шамол куйлар — умримиз бекор,
Бу — бор—йўғи изтироб, алам.

Шамол куйлар —чўлу—дашт ичра
Оғир, оқиш сўнгақларни ҳам
Ирғитади, изиллатади
Уриб турган юракларни ҳам.

Шамол куйлар— бۆзлайди, фалак
Ноласига тўлиб кетади.
Тоқати тоқ, сабри синади —
Манзилига қачон етади?

Шамол куйлаб, бир кун бу уйга
Бевақт ўлим олиб келса ҳам,
Қўрқма, жоним, қўрқмагил, алла,
Ширин тушлар кўргин, жон болам.

ПЎПАНАК

Оппоқ нон бўлаги, ушоқлари ҳам
Сени кутди қанча оқшом, қанча тонг.
Столнинг тагида, қара, нимадир
Жимирлаб кўринар, балки кумушранг
Пўпанак, пўпанак?
Ҳа,ҳа, пўпанак!

Ҳар битга бурчакда — ^ғира—ширалик.
Бу аёл дунёдан ўтиб кетди тоқ.
Нонни шу тандирдан узгану, алҳол,
Шам каби ўчибди — илло, ўлим ҳақ.
Товланар пўпанак,
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Бу кулранг кулбани майин, қалин қор
Суйибди, сийлабди тонггача бу тун.
Қайинлар қўлини узатди, узун
Соғлар тўшалди кулбага беун
Бамисли пўпанак,
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Ҳовлида қулф урди олча дарахти,
Бошига соғбон тутди замбуруғ.
Нечун қувонмайсан, сен билан боққа
Сурур қайтиб келди ^ғолиб ва улуғ!
Наҳотки пўпанак?
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Нелардир қўлларин силкиди узоқ,
Даладаги дон-дун ёки ўт-ўлан?
Кўзларинг тубида чарчоқлик ёхуд
Кўз олдингни тўсиб чиқдимми туман?
Бу ҳам —пўпанакми?
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Кўзингни қўлларинг билан беркитма,
Нима у — кўнглингга ҳеч ўтирмади?
Кўзларингни уйқу босиб келмоқда,
Сукут ҳам бир қатим нур келтирмади.
Яна пўпанакми,
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Бўлиниб—бўлиниб кетар нафасинг,
Хушбўйланар кулранг новдалар хушхол.
Шу ҳид борлигинга, қалбинга сингар,
Сени аллалайди, ухла, ором ол!
Албатта, пўпанак.
Ҳа,ха, пўпанак.

Нурларга бурканар кадрдон тупрок,
У шундайин сахий, шундайин азим.
Баҳслар тугамайди, билъакс, чуқуррок
Кириб борар, гўё юргизар ҳукм—
Пўпанак, пўпанак.
Ҳа,ха, пўпанак.

ОДАМЛАР ОВЧИСИ

Қийин бўлди қўшнига. Бизни
Четлаб ўтсин бу- тақдир, бу—ўк.
Бу —ўзга уй, ўзга болалар
Оғритмайди бегона оғрик.

Туғаб борар насиба, ризқ—рўз.
Ахволингни ҳеч ким билмайди.
Қани, кетдик. Қуюқлашар шом.
Кетган одам қайтиб келмайди.

Бунча ғамгин ўйларга ботдинг?
Айтиб бўлмас олис сирларни,
Мусибатни кўтармоқ учун
Кел, ёқамиз ёруғ нурларни.

Яхшилаб ёп эшикларни ҳам,
Бироз ҳордик, ором ол, жоним.
Узоқларда шамол увиллар,
Яна кимни овлайди ўлим?

РИММА КАЗАКОВА

Таниқли рус шоираси Римма Казакова 1932 йил 27 январда Севастополда ҳарбий оилада таваллуд топди. Унинг болалиги Белоруссияда, ўқувчилик йиллари – Петербургда ўтди. Ленинград Давлат университети тарих факультетини тугаллади.

Кўп йиллар Узоқ Шарқ - Хабаровскда яшади, ижод қилди. Ўтган асрнинг 60 – йилларида шеърят майдонига Евтушенко, Окуджава, Белла Ахмадуллина, Вознесенский, Рождественскийлар билан ҳамқадам кириб келган шоиранинг илк китоби – «Шарқда учрашамиз» 1958 йилда чоп этилди. 1964 йилда Москвада Адабиёт институти қошидаги Олий курсда таҳсил олди. 1976 – 1981 йиллар собиқ Иттифок Ёзувчилар Уюшмаси бошқарувчи котиби сифатида фаолият юритди. Умрининг охирига қадар Москва шаҳар Ёзувчилар Уюшмаси биринчи котиби вазифасини бажарди.

Шоиранинг «Тайгада кўз ёш тўкмайдилар» (1965), «Эсламан» (1974), «Оққа кўчирилган шеърлар»(1977), «Ўзан» (1979), шунингдек, «Сайланма» (1979), «Севги ўлкаси»(1980), «Синов тоши» (1982), «Қирлардан кел» (1984) сингари китоблари шеърият мухлислари орасида катта эътибор қозонди. Унинг шеъриятида тжтимлий туйғулар ва айни пайтда муҳаббат лирикаси устувордир. Шеърларида қатъиятли шахс туйғулари, ишқ изтироблари, ҳаёт тўлқинлари ва орзу-умид кенгликлари ярқираб, ястаниб, нафасида курашчанлик уфуриб туради. Унинг ижодидаги муҳим жиҳатлардан бири – таржима. Шоира чет эл адабиёти намуналари, шеъриятдан ажойиб таржималар қилди. Айниқса, ўзбек шеърияти, шоирлари билан ижодий ҳамкорлиги қизғин кечди. У Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби забардаст шоирларнинг шеърларини маҳорат билан рус тилига ўгирди.

«Римма Казакованинг онам Зулфия ва Зарифа Саидносирова, Ойбек устоз билан суҳбатларини кўп гувоҳи бўлганман, - дейди адабиётшунос олима Хулкар Олимжонова. -Уларнинг ҳар бир суҳбати адабиёт, шеъриятнинг янги қирралари, нукталари ва сирларини очиб борарди. У кўп бора кадрдон меҳмонимиз бўлган. Табиатан вазмин, қайноқ фикрли, мулоҳазалари теран, ўқимишли эди. Ўзбек шеъриятига, тилига ихлоси ва эҳтироми баланд эди».

Римма Казакова 2008 йил 19 майда Москвада вафот этди. Унинг тили тиниқ, гўзал адабий мероси ўзига хослиги билан ажралиб туради.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА

Эрта кетган улуғ шоирлар ҳар вақт
Эл – юрти қалбида битмас жароҳат.
...Давр руҳи, замон ғайрати ила
Маҳкам тутган эди шоир қўллари
Орзу – умидларга тўлуғ йўлларни.
Ташналикнинг ажиб ҳарорати – ла
Бирга туғиларди Ҳамид Олимжон!
Ундан сўнг дунёга келдиму, шу чоқ
Мени қарши олди шиддат, ҳаяжон.
Меҳрли кунлару, бахт куйи қайноқ,
Лаҳзалар кечарди гўё беармон!
Буларнинг боиси – нафақат шоир
Умри давомчиси – фарзандларидир.
Вафоли аёлдай дилбар, беназир
Машаққатли йўлнинг баландларидир.
Гарчанд ушлаб кўрса бўлар мрамрни,
Гарчанд майин - майин силашинг мумкин.
Лекин учраштирди мени у билан
Ўзбек шоирининг ғурури монанд
Уфқларга туташ далалар, йўллар!
Оддийгина ҳайкал ёнида бу дам
Сукунат ҳукмрон, кенглик муаззам.
Шоир шеърларидан ёд ўқир бола
Овозида титроқ, кўз ўнгимизда
Сатрлар қад керди залворли, чакноқ.
Улкан ҳақиқатлар очдилар бағир –
Ҳамиша тирикдир Ҳамид Олимжон!

Сингиб борар бола ҳар битта сўзга,
Бу шунчаки эслаш, хотирлаш эмас.
Уни тинглардилар чулғониб ҳисга,
Ҳайкал тирилгандай кўз илғай олмас
Ҳар бир томирига жон кирган сари
Эшитилди ҳатто юрак зарблари!
Эрта кетган шоир тилга олинса
Таърифи мушкулдай, сўз айтмоқ оғир...
Десалар ишонма, бари – уйдирма!
Улар яшаётир сатрма – сатр,
Улар қолдирмиши – дилларни кечиб,
Дилларга куйилмиш дарё – дарё сўз.
Энди сеникидир - бу юрак, бу Сўз!
Шоирлар ўлмайди, содиқ дўст каби
Кўкламда гуллаган ўрикни кутар.
Дунёларга сиғмас бебаҳо қалби
Энг узун муҳаббат йўлини тутар.
Муҳаббатки, қувонч, қайғуларида
Дунёнинг энг гўзал, пок аёлини
Бошида кўтариб, мукаррам этар.
Ҳар онда, ҳар бир кун, ҳар бир байрамда
Шоир шеърларида уйғотиб тонгни
Ёниқ кўнгулларни ларзага солиб,
Меҳри – ла ардоқлаб, қучмиш Ватанни!...
Изтиробдан куйиб кетса-да юрак
Шоирдан сўз очгум ҳеч ўлим билмас –
Яшаб ўтди шундай Ҳамид Олимжон!

Отам бор эди менинг
Меҳрли-ю, қаҳрли андак.
Аяб ўтирмасди кези келганда!
Тиллашарди даври билан жим.
Лек
Қани ўша отам?
Кексалик. Касаллик.
Сўнг – ўлим.

Онам бор эди менинг
Гўзаллардан гўзал, навқирон.
Яйраб кулганини кўрмадим бошқа–
Тоши оғир қайғу,
Сўлдирди армон.
Ҳали ҳам оёқда юргани –
Тақдир тутган энг аччиқ эҳсон.

Дугонам бўларди туғишганимдай.
Турмушга чикди-ю, мени унутди.
Мен ҳам унга ортиқ қилмадим парво,
Балки унутдим...
Шунчаки дугонам бор эди, аммо...

Севганим бор эди беқиёс, ўктам,
Куёв бўлди бой хонадонга.
Мансаб зинасидан кўтарилган дам
Йўллари айрилди икки томонга.
Унга дуч келаман гоҳи – гоҳида,
Қолгани – бўлмағур арзимас гаплар!

Вақт ўтди.
Изтироб сўнгандай сокин.
Юрак кўтаради энди барини .
...Аслида, йўк эди катъий қиёфам,
Туғилди у ҳам.

Уйғондим. Ўрнимдан турдим. Кийиндим.
Уйим - азиз ватан, азиз ҳаётим.
Чуқур нафас олдим, бир қур кўз солдим,
Бекаман, ҳар қалай. Оилам – отим.

Кундалик юмушлар билан оҳиста
Кезиндим уй ичра хаёл тингунча.
Кимнидир мактабга, кимнидир ишга
Кузатдим тонг нури қўлга қўнгунча.

Уйни тозаладим. Уюм кир ювдим.
(Вақт эса учарди. Маънисиздай кун.)
Бир – бир силаб кўрдим – юмшоқмикан нон,
Ортидан навбатга турдим сут учун.

Тушлик ҳозирладим. Сўнг – мутолаа.
Онам билан пича гурунглашдик ҳам.
Ахир, яхши қизман, одобли, доно,
Муҳими, бу – менинг бурч ва вазифам.

Узун – узун шеърлар таржима қилдим,
Ёзиб тугалланди икки мақола.
Муюлишда– кийим тозалаш цеҳи,
Қайтдим уйга ундан кийимлар ола.

Саргушт китобни варақладим жим,
Ақлимни шошириб қўйгандай бироз
Ундан чиқиб келди юзи ёришиб,
О, биринчи дўстим, о қувноқ шоввоз!...

Тегирмон тошида майдаланди ун,
Учган – учаётган сўзми, сукунат...
...Сездирмайин ўтди ёшлик чоғлари,
Яшамоқлик надир? - У зўр машаққат!

Елканга ортқилаб ҳар бир юмушни
Югурдингми қадр топмай беҳуда?

Ҳолбуки, курашар вужуд ва юрак,
Ҳайрат ва ҳаяжон кўп эди жуда!...

Нахот ўтган бахтли кунлар нафаси
Кўкка учди ёки ер ютди? Ахир,
Заҳматлари ҳамон юракда сизар,
Ҳаёт мушкул кечди юклари оғир...

Сўзинг керак экан болангга ҳар вақт,
Шудир - тилаганинг, бергани ҳаёт.
Оналиқдан ўтар ҳавас йўқ, бахт йўқ,
Оналиқ , бу – севинч тутган ҳарорат.

Онанг сенга сабоқ беради бот – бот,
Улғайган эсанг-да, асал таъмин тот.
Билки, бола бўлмоқ - фасли саодат,
Билки, бола бўлмоқ - фасли фароғат.

Шеърларимда алдамадим ҳеч! –
Нақадар соз! – Шифокордай тинч
Ташҳис қўйдим – сочар атрлар –
Йўқ, шунчаки эмас сатрлар.

Дафтарларим бир – бир очар тонг,
У – дилимдан тўкилган дoston.
Тўлиб борар саҳифаларим -
Кафтга қушдай қўнган зарларим.

Бу – осилиб ўйнаш машқидай,
Ё юракнинг зарби, шаштидай.
Кўпни кўрган кўз қарочиғим
Ҳайратлардан сўз очади жим .

Қават - қават осмон, чакалак,
Тўлқин – тўлқин қумликлар ҳалак.

Покистоннинг қақроқ йўллари
Бўйлаб хаёл сочилган сари
Қоришади катта-ю кичик,
Қиёфалар ва тиллар буюк.

Яшаяпман дунёни суйиб,
Кетса ҳамки юрагим қуйиб.
Ўтганимни сезмас майсалар,
Бола қувнар, еллар эркалар.

Шукроналик тўлар бағримга,
Мени босар илиқ бағрига –

Уй - Москва! Тун, иш столим,
Чирок ёғду сочади жим - жим.

Йўлим узоқ бўлди, бошим эса тош,
Мени не кўйларга солди ёш шиддат!
Видо ва умиднинг йўлагиди бош
Қўтарди - Русь ва Мен - эгизак суврат.
Ўтаётган куну кетаётган тун
Ичра қайдан келган бўлса, ул томон
Сингиб бораётир дилдаги туғён.

Ортга қайтмаслиги бебош, гўр ёшлик
Ҳақиқат бўлдими, аён бўлдими...
Прадо музейи, Париж ёки Рим,
Қиши қаттиқ келар тоғлар йўлида
Уйга шошилганда кўнглинг тўлдими...

Менга ёш боладай қилишар ҳавас,
Сеҳргар сафарлар шайдо қилади.
Қашшоқлик ва жилва ичида дунё
Очиқ ва дангали савдо қилади.
Лекин кўринмайди меҳроб дўкони...

Буюмларни суриб қўйиб бир четга,
Тунлари менга жим боқди юлдузлар.
Бу олам, бу борлиқ сири нимада?
Сочиб юборишди бир ҳовуч сўзлар.

Қуёшли соатда кетмадим оқиб,
Туйғуларим недир ёхуд кимлардир
Тўхтатиб қолса –да қутилмаган чок
Ҳеч эриб битмадим. Йўл ҳамон йироқ...

Сени сендан узоқларда туриб севаман,
Минтақалар, юртлар аро сарсари.
Сен – менинг биринчи муҳаббат сатрим,
Афсона сўйлайди йўллар дафтари.

Сени сендан узоқларда туриб севаман,
Гарчанд бегонасан, гарчанд кетасан...
Ишқингда телбавор қалбим зарби-ла
Улкан ер шарини ёриб ўтаман!

Кўз илғамас денгиз ортида қирғоқ,
Шовуллаб урилар юракка уйғоқ.
Менга ишондингми, ишнолмадинг,
Мени эсладингми, ё эслолмадинг?

Денгиз, улканимсан қирғоқдан, шиддат
Билан кесиб ўтар кўксимни ҳайрат.
Менга ишондингми, ишнолмадинг,
Мени севолдингми, ё севолмадинг?

Қирғоқ, улканимсан денгизлардан ҳам,
Денгиз, бўйинг кўрсат баланд ва ўктам!
Лекин юволмайсан қийноқларимни –
Юрагимнинг яшил қирғоқларини.

Денгиз улоқтирар тўлқинларини –
Балки изтиробли ёлқинларини...
Яқинлашиб борар, борар тобора
Юрак қирғоқларга урилар, қара!

Денгиз, кичигимсан қирғоқдан, нурли
Ёғдулар яширин сирлидан – сирли...
Менга ишондингми, ишнолмадинг,
Мени кутолдингми, ё кутолмадинг?!...

Муסיқа қуйилар, илк варақларим –
Кўкдан тушган ҳайратки, ярақлади.
Бу – ўша эдими, ўзга эдими,
Мен – ўша эдимми, ўзга эдимми?

Сенга ё ачиндим, ёки раҳм этдим,
Баҳслашиш на ҳожат, англадим – етдим.
Бу – не айрилиқки, бу – не музламоқ,
Топсам, топганимга етолсам шу чоқ!

Жиловсиз тубсизлик муסיқа – киминг?
Ларзага туш, ҳайқир, сақлаб қол Риминг!
Билмадим, ким суюк, ким эса ошиқ,
Қалтис уриндингми, о, ғўргинам ишқ!...

Қалблар энтикади, энтикар олис
Зулматни ёритган узоқ кечки куз.
Танламоқ, аслида – журъатнинг ўзи,
Аслида, бу чорлов – ҳаётнинг сўзи.

Дўстларим, жим бўлинг, жиминг бир нафас,
Уни маҳв этмасин мақтов ва ғийбат!
Шарафламанг зарра, бу – ҳасад эмас,
Унинг сўзларига, қадамларига
Бир бепарво ўтинг, бепарво фақат.

Ўрмалаб кирмангиз оловли тил-ла,
Йироқ бўлинг таъма, хушомадлардан.
Айтмасангиз ҳамки яхши биламан,
Асрай олсам эди хиёнатлардан!...

Сени кечираман бегумон, албат,
Билки, бош урмадим, қилмадим ҳасрат
Ўзга қирғоқларга гарчанд сарбаланд,
Ёлғизликда ўтган тунларим ҳаққи...

Ҳаётда изига тушгандай изинг,
Уйга шошилганда ортгандай ҳиссинг,
Кечира олдингму ўзингни ўзинг –
Сенсиз ўтган ғариб кунларим ҳаққи...

Оғирлик қилмасму елкаларингга –
Бу бир девоналик, бўлмағур сўзмас,
Ҳали ғўр новдалар сингари эмас,
Туйғулар залворли, эмас ўчар сас...

Толиқиб кетмаса эди кўлларинг –
Муқаррар кўринса айрилиқ йўли,
Озорлар, озорлар чекмасма дилинг,
Қай рангда товланар видонинг гули...

Кўтара оларми экансан мендек
Ортқилаб олганим – бу азиз ҳаёт,
Синдирмай, дилимга солганим баёт.
Бир нафасда айтдим – кўнглимни тўқдим
Мўъзижа яратган каби табиат!...

На бир маломат - бу, на бир таъна – бу,
Бу ишқ - менинг бахтим, ё дарду ҳасрат.
Энди балким ёруғ ғамларнинг нури
Кўйиб юбормайди қалбимни абад...

Чуқурлашиб кетма тубсиз ўйларга,
Кимсан? Сўрамадим, кўнглинг бўлсин тўқ.
Изоҳ қидирмадим, тушунгин фақат
Юрак оғриётир. Бошқа ҳеч гап йўқ.

Айланади йил фасллари,
Ҳаётимда – дил фасллари.
Кириш – чиқиш, Вақт фасллари,
Қайғу фасли, бахт фасллари.

Далаларни буркайди оқ қор,
Июн - қайоқ, о июл – рангин!
Қоришади пок ва бетакрор
Туйғуларда ҳаёт оҳанги.

Паст – баландга югуриш фасли,
Сўроқ фасли, қайнайди ҳаёт.
Ёшлиқ фасли, балоғат фасли,
Оҳ, кексалик – фароғат фасли!

Бу – саодат, сабрлар фасли,
Дўстлик фасли, жабрлар фасли.
Ўтаётир умр ҳавасли,
Тугамайди болалик фасли.

АВЕТИК ИСААКЯН

ЁРУҒ ВА ТИНИҚ ШЕЪРИЯТ

Аветик Исаакян – арман классик шоири. У 1875 йил 31 октябрда Арманистоннинг Александрополь шаҳрида дунёга келди. Шу ерда бошланғич таълим олиб, Эчмиадзин семинари ва Лейпцих, Цюрих университетларида таҳсил олди. Болалигидан шеъриятга катта муҳаббат қўйди, шеърлари адабий журналларда чоп этилди. Шоир узоқ йиллар чет эллар – Швейцария, Германия, Австрия, Италия, Францияда яшади; асарларида ўз Ватани соғинчи ва орзу – ўйлари билан нафас олди.

Унинг бой адабий мероси дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Хусусан, улуғ рус шоири Александр Блок унинг шеърларини рус тилига ўғираркан, дўстларига ҳайратланиб мактублар йўллайди: « ... Бу ажойиб шоирни таржима қилиш – ўта машаққатли. Меҳнатим қай даражада чиққанлигини муҳокама қилиш – менинг ишим эмас. Бироқ шуни айтишим лозимки, менинг бу шоирга меҳрим тушди, уни яхши кўриб қолдим... Исаакян – биринчи рақамли шоир. Эҳтимол, бундайин содда ва тиниқ тил талант бугунги кунда бутун Европада ҳам топилмас...»

Аветик Исаакян 1957 йил 17 октябрда Ереванда вафот этди.

Тунлар боғимда кўз ёш
Тўкаётир мажнунтол.
Қайғудан кўтармас бош,
Изтиробда ғамгин тол.

Ярқирар тонг хур мисол
Кўнғироқ соч бошини

Силкиб, артар мажнунтол
Тўккан аччиқ ёшини.

Тоғ чўққиси ортида қуёш,
Ғира – шира олисда ўтлоқ.
Тинди қушлар куйи-да юввош,
Менинг уйқум келмайди мутлоқ.

Том оралаб ой боқади, гул
Баргларида кўчади мезон.
Салқин ҳаво торқилайди йўл
Тун тоқида юлдузлар томон.

О, майин ел, юлдузли дунё,
Қани бу тун азиз дилдорим?
О, юлдузлар, танҳосиз, танҳо,
Қайда кезар тун бўйи ёрим?

Тонг отади, эшик очилиб,
Туман босар, ёғмоқда ёмғир.
Ёлғиз қайтар от ҳам дил тилиб,
Ох, ёр уйга қайтмайди, ахир!

ОНАМГА

Она юртдан олис – олисда
Саргардонман – на уй, на ором.
Она, қолдим айрилиб сиздан,
Ғариб сайёҳ каби беором.

Тоғдан учган бу қушлар билар:
- Онам йўлда йўламадими?
Денгиз бўйлаб шовдирар еллар:
- Онам салом йўлламадими?

Кўчиб кетди шамоллар бесас,
Жанубга йўл олади қушлар.
Юрагимга зар сочиб ҳавас,
Жанубга кўз солади қушлар.

Юзларингиз, ширин сўзингиз
Соғинаман, азиз онажон!...
Айлансайдим тушга изингиз
Топар эдим албат, бегумон.

Тунлар тушсам дилингиз томон,
Қучсам – гўё ҳуши йўқ туман.
Кетсам – кулиб, йиғлаб, онажон,
Ёндиргувчи соғинчлар билан!

Ўлсам, кўминг мени Алагяз
Тоғидаги шоҳсупага, то
Эссин Манташ чўққисидан соз
Бошим узра энг сарин ҳаво.

Токи қабрим ёнида ийиб
Буғдойзорлар тебранган сайин
Мажнунтоллар сочини ёйиб,
Кўз ёш тўксин жимгина, майин.

Тушларимда – шўр сувлар бўйи,
Қалбда оғрик, ёнбошлайман жим.
Аллалайди тушларим куйи,
Тўлқинларни ичиб тўймас қум.

Тушда – ёнлаб ўтар дўстларим,
Қувнаб, куйлаб, ҳайқирар бетин.
Менга бокмас, чорламас ҳеч ким,
Сукутдаман, тортаман ғамгин.

Мендан узоқларда ўзга юртлар бор,
Унда яшаётган диллар мен каби
Гоҳида ёлғизу, маҳзун ва бедор,
Ёниб – куяр, менга талпинар қалби.

Шунда туюлади ул олис қўлга
Йўллайман оташин, сирли ўтинчим.
Қўлим узатаман олгинсоч гулга,
Сочларини силай бошлар соғинчим.

Қанотлари учқур қорамтир бургут
Осмондан тушгандай кўксимни ўяр.
Тишида – юрагим, парвозида ўт,
Энг баланд чўққини айланиб суяр.

Тоғларни қиялаб учар, кўк ичра
Қалбимни ирғитар илкис қонатиб.
Шундан қулоғимдан кетмайди сира -
Шовуллаб туради бургут қаноти.

Тонг нурига ёғилар титроқ -
Қутлаётир тўрғай бу дамни.
У зулматдан, ғамлардан йироқ,
Ёниб куйлар севги, оламни.

Қоронғулик ичра йўл очиб,
Юрак тўқар зарралаб ўкинч.
Бўзтўрғайнинг навоси сочиб
Ўтар эгик бош узра севинч!

Тушимга кирибди: тотли куй чалиб,
Тебраниб, эшилиб кетмоқда карвон.
Тоғ оралаб, ўрлаб, қалбга ўт солиб,
Нурларга қўшилиб кетмоқда карвон.

Карвонда борадур суюкли дилдор,
Кўзларида жилва, либоси ҳашам...
Ортидан қолмайман, соғинчим бисёр,
Карвон қалбим тилиб, кул этар танам.

Дил яра, беланиб чангу тупроққа,
Ёлғиз қолдим ютиб ҳасратли ўйим.
Карвон ўтиб кетди узоқ - узоққа,
Майин жаранглатиб кўнғироқ куйин.

АЛЕКСАНДР ФАЙНБЕРГ

Александр Файнберг 1939 йилда Тошкентда туғилган. Унинг номи ва ижоди ўзбек китобхонлари, шеърят ихлосмандларига қадрли. Ўндан ортиқ шеърӣ тўпламлари Тошкент, Москва ва Санкт – Петербургда нашр этилган. Шоир қаламига мансуб еттита бадий фильмлар сценарийси ўзига хослиги ва ҳаётӣлиги билан ажралиб туради. Йигирмадан зиёд мултьфильмлар , насрий асарлар муаллифи. Бу асарларга ўзбек ўқувчиларнинг қизиқиши ҳам тобора ортиб бормоқда.

Александр Файнберг – катта таржимон. У русийзабон китобхонларга кўплаб ўзбек шоирларининг ижоди очиб берди. Москвада Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» поэмаси, Тошкентда « Оққушлар галаси» номли ўзбек шоирлари ижодидан қилинган таржималар жамланмаси нашр этилди. Таниқли шоирнинг ўзбек тилига ўгирилган шеърлари “Чиғир” китобида ўқувчилар қўлига бориб етди.

Ўзбекистон халқ шоири, Кинематография уюшмаси аъзоси Александр Файнберг Россия Президенти Фармони билан Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларга муносиб ҳисса қўшганлиги учун Пушкин медали билан тақдирланган (2009). Шоир 2009 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди.

Шоирнинг ижоди сермахсул ва кенг кўламли. Унинг шеърларида ранг – баранглик, фалсафӣлик, теранлик, туйғулар тиниклиги ярқираб туради. Шоир сўзни чуқур ҳис этади, бу ҳисга ўқувчини ҳам ҳамроҳ қилади. У Ўзбекистонда яшади ва ижод қилди. Бу юртнинг ҳавоси, осмони, тупроғи, эли, бир сўз билан айтганда, бутун борлиги шоирга

шеър қадар, қалб қадар азиз. Бу шоир сатрларининг, асарларининг ҳароратида бор бўйи билан кўринади, бўйлари нафасимизга урилади.

Сузаяпман, муҳаббат, олис
Гулханлардан ўрлайди тутун.
Сендан бўса олади юлдуз,
Бу қирғоқдан кетаман бугун.

Қирғоққа ташлайман лангарчўп,
Измига солади мовий сув.
Тўлқинлари югурик, тўп – тўп
Дарё туби – адабий ғулув.

Дарё бўйлаб оқим бетизгин,
Тикиласан самода – қушлар.
Тўлқинлар ҳам айрилиқ ҳиссин
Сезган каби бир – бирин ушлар.

Сирғалади бўзларинг қайноқ,
Кўринмайди гулхан тутуни.
Булутларнинг ортида – қирғоқ:
-Кечир! – кўкка сиғмайди унинг.

ҚОР УЧҚУНЛАРИ

Москвада январ.
Бўрон жаранглайди ерости бўйлаб.
Қаёққа, севгим?
Марказий телеграф. Ҳар бир зинада
қотиб қолган аёз мовийранг.
Уларни оралаб
чиқаман пешвоз –
одам тўла шаҳар.

Январ қори лабни куйдирар,
Фонусларга урилиб чирс – чирс,
ерости йўлидан ўтади учиб.
Сен у ерда йўксан –
ҳаммаёқдасан.
Севгим менинг. Энг сўнгги севгим.
Суворов ҳиёбони.
Қорлар уюми.
Юрак ҳапқиради парвоздан.
Кўраяпман –
Арбатга йўл олдинг, ёшлигим.
Тортқилайди пальтонг этакларини
Сочилиб – сочилиб кетаётган қор.

Москва узра қор.
Сумкалар учар.
Кўз олдимда –
жилвагар муз камар.
Елкангда - тасмаси нафис сумкачанг
қадамларинг билан чайқалиб борар.
Қор босади чўян панжараларни,
хайкалларда - кумуш қор пўстин.
Ҳар лаҳза, ҳар нафас эриб кетади
оппоқ қор учқуни қўлқопларингда.
Сени кўраяпман,
Бироқ – сен йўқсан.

Шереметьево – январ ўрмонларида.
Баландлаб боради учоқлар
Йўл солиб –
Нью – Йорк, Амстердам.
Сухандон япон тилида:
- “Токиога қўндик!” - беради хабар.
Шундайин кичик ер -
шунча кўп давлат!
Сен эса - ёлғизсан.
Ҳеч қаерда йўқсан – ҳаммаердасан.

Бўлмаганда эди шу январ қори,
музлаётган бўрон, алдов ва риё,
аёзнинг афсунгар сувратларида
дунёда йўқлигинг билардим.
Аммо
қор ёғар ажойиб ёшлик чоғлардай.
У сенсиз - ҳечдир.

Войковский, эҳтимол, Таган
еростида йўлида майин ел
сочларингни шовдиратади.
Шовқин солиб мовий эшиқлар
хўрсиниб – хўрсиниб қўяди оғир.
Олислайсан мрамар устундан,
сени олиб кетади поезд.
Тикиласан – ойнада аксинг,
ёнокларингда
эриб кетар қор парчалари.
Сен бунда – йўқсан. – Ҳаммаёқдасан.

Қор эса учади шаҳарлар бўйлаб –
Олма - ота, Актюбинск, Тоштагул.
Чўлларда ғувиллар юк вагонлари.
Томларда – Эстония йўл кўрсаткичи
ғирчиллайди оқиш чарх каби.
Ялтанинг қумқирғоқларида
денгиздан сапчийди январ шамоли.
У ерда ҳам йўқсан - ҳаммаердасан.

Айланар, айланар Москва бўрони
Йўл олади вокзал минорасига.
Кўкка кўтарилар бетакрор оханг,
Тилга кирар соф кумуш найлар.
Бу - умид сингари ажиб ва мангу,
Бу дунёдан ҳеч қачон кўчмас.
Сен бунда ҳам – йўқсан.
Лек нечун
Эшитаман занжир овозин
айрилиқ аралаш, қорлар аралаш.

Шу оппоқ қишда учиб кетаётир,
Ёруғ дўконларнинг ойнақларига
уриниб – уриниб жаранглаётир,
энаётир арча шарига ёғду
сенга ишонганим каби ёшлиқдан.
Сен бунда – йўқсан.
На кўлинг, на лабинг, қайноқ нафасинг,
На қийиқ кўзлар.
Сен – йўқсан.
Лекин – ҳаммаёқдасан.

Яна жимиб қолар кўтарилган қўл.
Пошналарингдан учиб – қўнаётган
Қорли чанглар - юлдуз тўла йўл.
Шом тушиб келмоқда. Ер бағри - январ.
Арчамдаги шарда - аёз юлдузи.
У мени чорлайди бўронлари сари,
Сени учратарму? Ортиндами у?
Кечир, билолмайман қачон, қаерда -
Учрашармиз ё?
Қорни тебратади олис кўприклар.
Самога ўрлайди қор учқунлари –
улкан парвоз олдидан
сўнгги йўлга чиқаётган
қуш қанотлари.

Кўклам ўтди - қабристонга келмадим,
Бўсағада кўзим тушди ногоҳон
Кўкдан тушаётган қормас, билмадим,
Онамнинг рўмоли эди шодумон.

Ёхуд кўзларимга кўриндим у,
Ховлимда - ноябр. Сездим бу дамни -
Туғилган кун. Туғилган кун эди бу –
Ноябр – таваллуд оғи онамнинг.

Беш дақиқа қолди парвозга,
Юрак – кукун. Андак - тутунда.
Сени олиб кетолмайман, бу –
Эхтимолки, сўнгги парвозим.
Билсанг, оддий ҳақиқатим – шу.
Мен йўл олган, кўзлаган ўлка
Сени билмас, кутмайди, эркам.
Қуёш нури. Иллюминатор.
Оқар сокин ҳаво тўлқини.
Қўлинг ёзиб хайқирдинг сўнг бор:
-Қайга? – уқдим лабингдан буни.

Ғилдираклар, елар йўлаклар,
Қанотларда шовуллар аёз.
Сени севиб қолдим шу ерда,
Саволларинг – ҳамроҳинг ёлғиз..
Қоласан – сен билан вафо, хиёнат,
Қоласан – сен билан саодат, ҳасрат.
Юрак бўм – бўш, унда топилмас
Зарра нафрат, зарра марҳамат.

Бу товушни англа – қанотлар сози,
Еростидан тўлқинланиб бўйлайди.
Саргардон қушларнинг тунги парвози
Ой нурига бўзларини ийлайди.

Эриб битмасидан овозни илға,
Бу – биз ер тубига сочган бахту ғам.
Қучиб ўтаётир кўзларинг илғаб,
Энаётир кузнинг видосига ҳам.

Ҳали англаб етмай бир – биримизни
Қиш келар, қор босар бор сиримизни.

ҚОРАЛАМАЛАР ҚАСИДАСИ

Шоир, шу борлиқда тонг чоғи очил,
Бошқа йўл танлама қабрга қадар.
Ернинг жамолига мафтун, ошиқ бўл,
Севиб – севиб куйла, тангри мададкор.
Бироқ, шоир, оққа кўчирмаларинг
Бари ҳам дилтортар, жилвагар дема.
Сиртга қалқиб чиқар бариси бир кун.
Бир умр қулфланган қораламалар
Каби ҳеч ким сенга бўлолмас содиқ.
Унда – китобларинг қони, томири,
У – ижод, жасорат, йўлбошчи ёниқ.
Улар олиб келар сенга шон – шуҳрат,

Тунги қоралама – кўз ёшдай эгик.
Қоралама... оддий кўринар, ҳеч вақт
Ҳиёнат қилмаслар – кечирмаслар лек
Ахир, бунда сўзлар, ҳарфлар эмас,
Кўзга ҳам илганмас юлдуз товуши.
Унда – Ҳаққа етар кўринмас ришта,
Шоир, шу риштани асра, албатта.
Ёдламоқ мумкин дир шеърларни
Аммо –
Лаҳзалар бетакрор садо.
Сўзлар, қофиядош эмассиз, асли -
Қондош оға – ини.
Мен парвоз тилайман сизларга баланд,
Кўзни юммай туриб ёкиб бўлмайди
Фақат, фақат қораламани.

Мен кимдан миннатдор бўлайин, кимдан -
Борлиғимда ҳамон яшайди тирик
мовийранг ва мунис бу азиз ҳовлим,
эшиксиз подъездлар,
настарин деворлар.
Юрагимда севинч, қайғу югурик –
Мен кимдан миннатдор бўлайин, кимдан?

Онамга айтаман:
- Тезда қайтаман.
Кўршапалак қанотидан узилар шамол.
Чордоқ деразаси.
Ундан - томга бемалол.
Жаранглаб кетади қизиган темир.
Бошим узра – тубсизлик эмас,
мен тубсизлик узраман гўё..

Борлиқ –бетин. Кўринмайди тун.
Оқади шомлар.
Юлдузлар чарақлар тиниқ ва некбин.
Айвондан сас келар: - Тўққиз... уйга кир...
Онамни алдайман: - Ҳозир, ҳа, ҳозир...

Ўша томдан тушиб бўлмас
Қабрнинг лавҳи қадар.
Қирқдаман...
Унда ҳали тўққиз бўлмаган...
Ундан кетмас баҳор, вақт ҳам бекадар.
Айвон ва мовийлик.
Онам айвонда...

Туби йўқ денгиздан бок
Юлдузлар ёруғ, чақнар.
Четлари қирра япроқ,
Шеърим асра жон қадар.

Айтиб бўлмади барин,
Ҳаёт сатрин бит, қалбим.
Тўқайзор сўқмоқлари,
Кўл қамишзори каби.
Ўрмон ялангликлари,
Қушли, булутли, сайроқ
Шеърларим борган сари
Сен билан қондош, япроқ.

Авлодларга пок ҳиссим
Элтиб бергувчи сасим –
Шамол, барглар, денгизим
Табассуми, нафаси.

Нелар рўй бермоқда мен билан, билмам,
Вақт отни сурдим азиз муқаррам.
Қирқ ёшимда ўттиз ёшдай шод, хуррам,
Элликда – элликнинг ярмидай кўркам.

Тасаввурга сиғмас қайси хато йўл,
Гуноҳларим чизиб борар тақдирим.
Мен ёшариб бораяпман йилма – йил,
Дўстим, нима кутар мenden охири?

КЕНГЛИК

На гўзал далалар! Майсалар тоти!
Онам изларида – оғриқ беадад.
Тиз чўкиб ўтади энди ҳаётим
Онамнинг ҳаёти олдида абад.

Блок – бу, юксаклик. Беқиёс шоир.
Асли, биз – ерликлар тақдири ўзга.
Адабият дерлар. Бу ҳам менга сир,
Ҳаловат топилмас, ҳузур йўқ бизга.

Ўнгда туш кўрамиз – риё ва севги,
Юз – кўзга тепинар жанглар тўғи.
Кураш тинмас. Сендан айрилмас сезги –
Оромни тушда ҳам кўрмайман чоғи.

Кимни суйдинг ўтли дилинг яралаб,
Келмас хузурингга йиллар оралаб.

Фақат баъзан – баъзан қай бир гўшада
Бир жуфт байт тўқийсан, ана ўшанда

Тилларингдан кўчган сўзларни ёна
Кимдир эслаб қолар, унутар яна.

Наҳот шунинг учун яшадинг узок?...

Ғамгин тортар тиниқ кўл бу чоқ
Куз сингари тунд, булутли ёз.
Ялангликлар титрайди олис,
Ёмғирларда ивийди тупроқ.

Қоровулнинг деразасига
Ел урилар, қушча бўзлаган.
Қулоқ тутдим мени излаган
Баргсиз бутоқ, хотир сасига.

Қаршилаيمان қарғаларни ҳам,
Намхуш ҳаво, далалар ҳорғин.
Отар тонгги бўлолмас тўлғин
Ким ўтмишин унутса бу дам.

Совуқ ёмғир тинмас зулматда,
Олис, чекка, хилват маконда
Бахтиёрман учратган ондан,
Сени топиб берган фурсатдан.

Миннатдорман кулранг кунчиқар,
Мудраётган кўл узра хуррам,
Қўниш жойи бўлмаган далам
Бўйлаб учган учоққа қадар.

Умринг бўйи ишонгинг келар
Буюк бўлиб туғилганингга.
Фаришталар ишора қилар
Дея кўкдан сен келганингга.

Умр ўтди. Чанг – тўзон аро
Билмай борми ё эдинг йўқдан.
Еростига чорлайди садо,
Лек ишорат бўлмади кўкдан.

Кечикади поездлар баъзан,
Учоқлар ҳам кечикар, аммо
Чин кулфатдир мабодо инсон
Айтар сўзи кечикса, илло.

Ўчиб қолган гулхандай ғамлар,
Тамбаланган ойнадай бу кез
Уни кеча кутган одамлар
Каби сўз ҳам бўзлайди ёлғиз.

Олис бокқан ўрмонлар ичра
Маънос тортар олис йўл пинҳон.
Саф – саф тортган қабрлар узра
Манзили йўқ, чексиздир осмон.

Қувончни ҳам, қайғуни ҳам қўй,
Ортингга бир қарама – ўтгин.
Неки бўлган бўлса – унутгин,
Хаёлингга рўёларни суй.

Ачинмагин ўтар шуҳратга,
Кузги титроқ кезган ўрмонда
Кўмма бериб савол ҳар онда
Бу майсалар, тошни ҳасратга.

Ёвшан исли елларни симир,
Ёдингга тут гар шоир бўлсанг –
Бу дунёда нима бор бўлса,
У дунёда бўлмайди, ахир.

Бу дунёда ажиб бир уй бор,
Унда жамдир дўстлар бахтиёр.

Деразада – кўклам, настарин.
Кимдир куйлар. Гуриллар камин.

Ўртада – жом. Ёруғдир бағрим,
Унда мени эслатгин, Тангрим!

Апрелгача, алвидо.
Очилган қўлларинг – висол.
Уюм – уюм қор учқунлари
севгилинг кафтидан бир умрга
учиб кетаётир.

Апрелгача, алвидо.
Янги настаринли боғ
ҳидлари анқигунча
кезиндик
қорда, қуёшда.
Омон бўлсин содиқ дўст - шаҳар.
У бизни бошлади,
сирларимиз – қалби.
Қўлларида тутди бизни
оғриқлари нафис мўъжиза каби.

Сени эслаб... унутамаман ҳам...
Кўз ўнгимдан кетмайсан хуррам –
баргсиз дарахтзорда,
қуёш нурида
севгидан бахтиёр.
Елкангдаги ёпинчиғингда
ярқирайди январ қуёши.
Бу айрилиқ ишқ эди, асли.
Лабларда музлаган бўсалар ёши.
Апрелгача, алвидо.
Бу апрел иккимиз учун ҳам –
қайтмайди,
қайтмайди,
қайтмайди.

ОЙ МАНЗАРАСИ

Тунги осмон четида туриб
Балиқчи жим, ёлғиз ўй сураб.
Елкасида ёйилар тўри,
Ой нурида борлиқ ярқираб.

Осилади юлдузлар тўрга,
Кумуш қайиқ, ҳовуч – ҳовуч зар.
Эшакларни кўмганча нурга
Мавжланади парсимон қумлар.

Мени дея чекма изтироб,
Яшайпман мағрур, қадди тик.
Елкам тутар собит Ишончим,
Ёруғ кунлар қаршимда - тетик.

Кенгликларда гоҳ ёмғир, шамол,
Ўрлар бўм – бўш дала ўтинчи.
Юрагимга баргсиз шохлардан
Мўралайди Умид соғинчи.

Ишонаман, умид узилмас,
Зиналарда – ҳаётим изи.

Тақдиримни мен-ла бўлишар
Олис, аччиқ Муҳаббат ҳисси.

Хусуматдан холи дил тоза,
Алам, ҳасрат сезинмас асло.
Мовий кўкда тиниқ юлдузим
Ойдин йўлга бошлайди, илло.



Ойгул Суюндикова 1957 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилган. 1985 йилда Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтига тугаллаган. «Уфқлар ёнганда» (1986), «Умр куйлари» (1986), «Эътиқод» (1990), «Мен туғилган юрт» (2007) , «Муллонафас» (таржималар, 2010) шеърый китоблари чоп этилган.

1974 йилдан буён, туман, вилоят ва республика матбуотида шеърлари, таржималари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. 1989 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ШЕЪРЛАР ВА ТАРЖИМАЛАР

Ойгул Суюндиқова

Шеърлар

ЁЗ ИЛҲОМИ

Қуёшжоним, қуёшжон,
Сенга тутай зўр достон.
Ҳар кун эрта турасан,
Кенг оламини кўрасан.

Сўзларим – болаларим,
Қизғалдоқ, лолаларим
Алвон – алвон қирларда,
Шамол сочган сирларда

Кулса, яшил далалар
Завқли – шавқли паллалар
Камари бойланади,
Зийнатга айланади.

Тиниқ, шарқироқ сувлар –
Сочи узун сулувлар
Тушишар тоғ бошидан,
Ўлкамнинг кўз - қошидан

Ўргилиб, товланади,
Ер чанқоғи қонади.
Қуёшнинг дафтарига
Зар кўшиб ҳар зарига

Сўз битибди олтин ёз,
Қадамлари – гул баёз.
Чаманлар хушбўй, кўркам,
Сўзи бол, азиз эркам,

Болажон, боғларга кел,
Энг тотли чоғларга кел!
Қуёш ашъор битмоққа
Чоғланган, кўчир оққа!

БОЛА ВА ШАМОЛ

Бола айтар шамолга:
«Кемангга ол мени ҳам.
Дунё кезар хаёлга
Қанот бўл олмос, ўктам!»

Болага дейди шамол:
«Хаёл тубсиз, кўк чексиз.
Кемага чик, бетимсол
Орзу рангли ҳисни чиз».

Шамол куёш соатин
Ушлаб учар фалакка.
Шу шамолнинг сувратин
Бола чизар юракка.

ОЙ ВА ҚИЗЧА

Ёнимга туш, оймомо,
Сен онамга ўхшадинг.
Хаёллари сой, момо,
Йўлимга нур тўшадинг.

Шамол элакларидан
Дув – дув тўкилди юлдуз.
Окшом эртақларида
Менман – йўлга чиққан қиз.

Йўл юрсам ҳам мўл юриб,
Ойга ҳам етиб олдим.
Еллар билан югуриб,
Сувларга кулоқ солдим.

Бу хаёлот, афтидан,
Билмас ҳад, йўқдек чеки.
Қўл узатсам, кафтимда –
Яркирок олмос чўққи.

Баланд – баландликларга
Қадам етмаган ҳали.
Ойдин ялангликларга
Тушдим гуллар эккали...

Оймоможон, оймомо,
Сен онамга ўхшадинг.
Эртаги кўп, бой момо,
Она, сизга ўхшади!...

БОЛАМГА

Навойни қўлимга олдим,
Овозаси олтин асрлар,
Зиналари биллур қасрлар,
Дарёларни кўнглимга солдим,
Навойни қўлимга олдим...

Қушлар келиб, кафтимга кўнди,
Кўк тўкилди юлдузли, ойли.

Ер жилмайди шундай чиройли!... –
Бу орзу бўстон кўринди,
Қушлар келиб, кафтимга қўнди...

Болажоним, йўлга отлансанг,
Навоийнинг қўлларидан тут.
Тўлқинлансин энг тиниқ сукут,
Юксакларга қараб шодлансанг,
Болажоним, йўлга отлансанг!...

Тонг билан кир ҳар бир китобга,
Хуш нафасга тўлсин нафасинг.
Муқаддас бил – шоир қалами
Нурга бошлар, ўхшар офтобга!
Тонг билан кир ҳар бир китобга...

Навоийни қўлларингга ол,
Енгиб бўлмас кучга тўласан.
Бир кун албат шоир бўласан,
Навоийни юрагингга сол,
Навоийни қўлларингга ол!...

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

Ер остида қурилган қасрим,
Сенда – шаффоф ҳаволар атри,
Сенда – илм ва меҳнат қадри,
Тошкентимнинг маммар метроси.

Олов сочар темир изларинг,
Ёниб турар Вақтнинг кўзлари.
Ҳар бекатда – меҳр сўзлари,
Тошкентимнинг мармар метроси.

Зиналарда – тоғлар овози,
Деворсуврат – булоқлар сози,
Поездларда – хаёл парвози,
Тошкентимнинг мармар метроси.

Эшикларинг очилар қувнок,
Чехраларда ҳеч сезмай чарчок,
Дейман доим йўлинг бўлсин оқ,
Тошкентимнинг мармар метроси!

Ер остида қурилган қасрим,
Сенда – шаффоф ҳаволар атри,
Сенда – илм ва меҳнат қадри,
Тошкентимнинг мармар метроси.

КЎЛБОБО ҲИКОЯТИ
Кенг қадим Ахсикентда
Кўрдим сўлим бир қишлоқ.
Мажнунтоллар бош эгиб,
Кўлни тинглашди узок.

Эрта тонгнинг ҳавоси,
Сувнинг тиниқ мавжлари.
Кўл ёқалаб қувнайди
Шамолнинг шўх авжлари.

Амир Умаршайх мирзо
Ҳузурига бир куни
Келтирдилар ажиб қанд
Гўё осмон бутуни.

Қанд юзида гул ранги,
Таъмида – ширин булок.
Бир тотинди амирнинг
Қалбига тушди титрок.

«Бу – шаҳ қанд бўлибди-ку,
Чорланг моҳир кўлларни!» -
Амирнинг мақтовига
Тўлдирдилар йўлларни.

Сийланди қандолатчи,
Сийланди болажонлар.
Қуёшнинг севинчлари
Кўлга тўкиб кетди зар.

Шу – шу бу қишлоқ номи
«Шоҳқанд» бўлиб кетибди.
Бундан ёшу қарининг
Боши кўкка етибди.

ГИЁҲ

Тун порлайди, осмон сим – сиёҳ,
Юлдузлардан тўкилар шуъла.
Дўнгликларда тебранар гиёҳ,
Лабларига кўчар ашула.

Еллар қучиб олади уни,
Тошларнинг ҳам бағри бўшайди.
Хаёллари, бўйи ҳар куни
Ўсаётган қизга ўхшайди.

Кўзларига келмайди уйқу,
Тугай демас ойнинг эртаги.

Ҳаваслари тиник, беқайғу
Тўлдиради шамол этагин.

Дўнгликларда товланар гиёҳ,
Тун порлайди, осмон сим – сиёҳ!...

БАРКАМОЛ АВЛОДМИЗ
Даврани кенг олинг, болалар,
Кўшиқлари қизгин паллалар.

Айтинг, недан ёник, яшнар дил? -
Бу – она тил, бу сайроқ булбул.

Не тўлдирар кучсам кучоғим? –
Ватанимнинг азиз байроғи.

Шараф, ғурур рамзи нимадир? –
Ўзбекистон гербидаги нур.

Кўксимизга қўл тутиб хуррам,
Янграр тилдан тушмас мадҳиям.

Шамолимиз – тоза, оқ тонгнинг,
Мустақил юрт – Ўзбекистоннинг!

Буғдойимиз – шу улуғ элнинг,
Гул – райҳони ҳар ўнгу сўлнинг.

Дарё - қирли, тоғли – ўтлоқли,
Яшил шаҳар, боғ-роғ қишлоқли,

Таърифига сўз етмас юртнинг,
Бошидан ҳеч бахт кетмас юртнинг

Товушимиз янгроқ ва озод,
Хур авлодмиз – баркамол авлод!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ
Юртимнинг юраги ягона, азиз,
Бунда ярқирайди тиник мрамор тош.
Ҳар бир қадам битиб борар ўтли ҳис
Тарих китобига сўзлари оташ.

Мағрур ҳилпирайди байроқ улуғвор,
Эсаётир тонгдан шамоллар сарин.
Бутун Ер курраси бўйлаб бетакрор
Ўзбекистон номи товланар заррин.

Ҳайкаллар сукутда, ҳайкаллар вазмин,
Хотира олови турар ловуллаб.

Пойида эҳтиром гуллари гулгун,
Дарахтлар таъзимда, таъзимда ёш қалб.

Буюк аждодларинг орзуси бўлиб,
Кўкни қуч, қуёшли йўлга туш бугун.
Баркамол авлодим, ғурурга тўлиб,
Муқаддас майдондан ўтиб тур ҳар кун!

Таржималар

АЛЕКСАНДР БЛОК

МУАЛЛИМ

Дарс тугайди, муаллим
Дарчада ўтирар жим.
Чўпон бола қичқирар,
Югурар қўй, эчкилар.

Эниб борар тоғ томон
Қуёш нурли чароғон.
Ховузлар оша намхуш
Оқ туман илиқ ва хуш.

Кекса муаллим чарчоқ
Сезар, иш битмас бироқ:
Эртага кутар меҳнат,
Кўп меҳнат, кўп машаққат.

Тонгда ўжар болалар
Билан мактабга борар.
Дафтар ҳуснин бузманг, дер,
Бўёқ тўкиб, чизманг, дер.

Чангитиб пода ўтар,
Болалар тўзғиб кетар.
Кекса маллим тақир
Бошини эгар оғир.

ЁЗ ОҚШОМИ

Ўрилмаган хушбўй буғдойзор,
Эрир шафақ сўнгги нурлари.
Уват бўйлаб майсада бедор
Бинафшаранг шомнинг сирлари.

На шамол, на қушлар овози,
Дарахтзорлар узра қирмиз ой.
Тинаётир ўроқчи сози,
Сукунатда тун очар чирой.

Раим ФАРҲОДИЙ

ЎЗБЕК БАЙРОҒИ

Мустақиллик майдонида
Тантанавор, қаддимиз тик,
Мағрурмиз-халқим буюк,
Ҳуқуқлари-эркинлик.

Ҳилпирайди юрт байроғи,
Қонунлари-одил, эзгу.
Ярқиратиб ҳар кадамни
Улғайтирар бизни орзу.

ҚАҲРАМОНЛАР ҚАНДАЙ ТУҒИЛАДИ?

Кўркувни енгса кимки,
Энг қийин дамларда ҳам.
Ташлай олар мардона
Ғалабага илк қадам.

Сўқмоқларни оралаб,
Олдга юрар, қайтмайди.
Эл-юрт уни ардоқлаб,
Қаҳрамон деб атаиди.

БИРИНЧИ ИШ ЖОЙИМИЗ

Болалар танаффусда
Парталарни от қилиб
Силкитар, шовқин – сурон,
Акробатлар сингари
Думбалок ошар чунон.
Зўрға турар парталар
Ғижирлаб ғамғин, оғир...
Камола билан Катя
Чидолмас: «Бўлди, ахир!
Синдирманг парталарни,
Қўли гул усталарнинг
Меҳнатин қадрлаб биз
Унутмайлик, парталар –
Биринчи иш жойимиз!»

ЖАНЖАЛ НИМАДАН ЧИҚАР?

Жанжаллашиб қолишди, ҳатто
Сал қолди мушт туширишга ҳам.
Шунда Зухра деди: - Йўқ жойдан
Чанг чиқармоқ ярашмас ҳечам.
Билинг, ким ҳақ ёки ноҳақ ким?
Жаҳлингизни босинг ва бекор

Узманг дўстлик ришталарини,
Дўстликнинг ҳам ўз низоми бор.

ФУТБОЛ КОПТОГИ

Сен – чакқон, мен - кизиққон,
Нима у – бизда жўшар?
Учқур футбол коптоги
Кучимизга куч кўшар.

БУ ЯХШИМИ Ё...

Эрталаб тўп тегиб ўтдинг,
Болакайни уриб, йиқитдинг,
Бу жудаям, жудаям...

Журнал олдинг мендан бесўрок,
Сўнг онангга қичқирдинг, аҳмоқ,
Бу жудаям, жудаям...

Сўрамайсан ҳаттоки узр,
Сен кўполсан, безори, ахир,-
Бу жудаям, жудаям...

КУЧ – АДОЛАТДА ДЕРЛАР

Юрагида ишонч борки,
Чўққига чиқар одам.
Кучсизларга суянч – мардлар,
Танти, кўрқмас ва ўктам.

Эзгу амал – дунёдаги
Энг кадрли ўлчовдир.
Бунда – меҳр ва садоқат,
Умидлар чин, оловдир.

МЕҲР УЙИ

Бекорга айтилмас ҳеч:
Меҳр уйи – зўр қалъа.
Унда – опа – сингиллар,
Қанча оға – инилар
Яшар – аҳил оила.
Тарбиячи опа-ла
Боғларни кездик бир-бир.
Бу – «Меҳрибонлик» уйи,
Меҳри тирик булоқдир.

НИМА ЧИЗАР МУСАВВИР?

Рассом тасаввур қилар:
Қоидага риоя
Қилмасдан машиналар
Учса, айтинг, не бўлар?

Ўқувчи хаёл сурар:
Дарсда мисли чумчуқлар
Чуғурлаб, қоидани
Бузсак, айтинг, не бўлар?

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

Яна мактаб саҳнасида
Танлов – мусиқа, кўшиқ.
Кўргазма: «Кўкни забт этинг!»,
«Соғлом бўлинг!» ни кўшинг.

Кўтарилар кимдир баланд,
Кимдир ўқий бошлар шеър...
Ҳар синфда бор – истеъдод,
Ким санайди бирма – бир!

КИМ БЎЛМОҚЧИСАН?

Бу дунёда бисёр шарафли касблар:
Муҳандис бўлсамми ёки шифокор?
Ҳуқуқшунос - қизик касб дерлар менга,
Мен эса скрипка чалсам бетакрор!...

Касблар қатор - қатор танлай бошласанг,
Баҳс давом этади: «Ким бўлсам экан?»
Санъаткор, стюардесса, балким модельер?
Фазоларда учса орзулар улкан...

Бўлгинг келар катта, машҳур дипломат,
Банкир бўлсаммикан, дейди дўстларим.
Тонг отса, кун ботса, - завқ оламан, завқ,
Тинглаб еллар, жилға куйларини жим.

Бу дунёда кўпдир бебаҳо касблар,
Менинг орзум эса ягона, ахир,
Мусиқа тингламоқ учун ажойиб
Концертимга кирар банкчи, фазогир.

ЎЛКАМ ТАРОВАТИ

Беқиёсдир она юртимиз
Шаҳарлару, боғлари билан.
Сарҳад билмас чексиз далалар
Токқа чиқар сўқмоқлар баланд.

Кўтарилиб борсанг уларда
Кўз олдингда гўзаллик буткул –
Ёзда, кузда, баҳорда яшнар
Афсонавий гиламлар яшил.

Азиз Тошкент – Ўзбекистонни
Улуғлаган улуғ пойтахт у:
Иншоотлар, катта кўчалар,
Илм шаҳри, боғлар шаҳри – бу.

Озод халким, кўнгли оқ халким
Билар меҳнат роҳатини ҳам.
Инсон ақли ва қўли билан
Кундан – кунга она юрт кўркам.

КУЗ ҲИДИ

Анқийди тўкилган,
хўл барглар ҳиди,
тиллари қовунлар,
хушбўй беҳилар.

Кузнинг ҳар лаҳзаси,
хаёл, умиди
райҳон исларида
майин таралар.

Ўзбек тандиридан
осмонга қадар
ҳаволанар ноннинг
ҳиди бетакрор!

МАКТАБДА ВА УЙДА

Ким бизнинг ғамхўримиз? –
Ҳамма билади буни.
Бутун синф баравар
Кўтаради қўлини:
Бу – «Ватан», бу – «Муаллим»,
«Шифокор ва ҳамшира»,
«Далада дон экканлар»,
«Бизга уйлар қурганлар»,
Бу – «Азиз она, ота» -
Дер болалар қувониб.
«Буви», «Ака ва опа».
Парта ортидан Мурод
Айби бордай тикилар:
-Бошимда шундай ташвиш:
Шўхлик қилсам доим ҳам
Кечирмас ота-онам...

БЕЛГИЛАР ВА ОДАТЛАР

Илса бўлар қанча белгилар:
«Ифлос қилманг!»,
«Майсаларни босмасин ҳеч ким!» -
Буларнинг бари –
Ёмон одат, ёмон хулқларни
Олиб ташлар эдими балким...
Ўрганарди ҳар битта одам
Қонунларни ҳурмат, эътибор
Билан адо этмоқликни ҳам.
Ўйлаб топинг турли белгилар,
Тезда ёзиб юборинг бизга.
Енгажакмиз ёмон одатни,
Янги шеърлар ёзамиз сиз – ла.

БИЗ ВА ҚОНУНЛАР

Ҳаммаси қонунга мувофиқ бўлсин,
Қонун халқ номидан қилинар қабул.
Ўрганиб чиқишар битта – битталаб
Одил депутатлар - коидаси шул.

Унинг ҳар бир сўзи аниқ ва тиниқ,
Саволга ўрин йўқ, барча тушунар.
Қонунни тутади мустаҳкам таянч –
Азиз Юртбошимиз имзоси турар.

Ҳар битта отага, ҳар бир онага,
Ватан учун жуда зарур бу қонун:
Болалар ҳуқуқин ҳимоя этмоқ -
Ҳар битта одамга қонундир бугун.

БИР ДАВРА ДЎСТЛИК

Тилларанг сочлимиз, қорамағизмиз,
Яшаймиз дунёнинг турли ерида.
Биз жуда ўхшаймиз бир-биримизга,
Орзулар гуллагай юрак қаърида.

Ям-яшил дарахтлар тўлса борлиққа,
Деразадан бокса қуёш шодумон.
Ҳеч ер портламаса, кўркмасе ҳеч ким,
Дарчага беркиниб олмасе осмон.

Бутун инсоният ёруғ дунёда
Тинчликда яшаса дўстлик, бахт жўшиб.
Бирлашса қўлларга қўшилиб диллар,
Янаям баландроқ янгресе қўшиқ.

Олис-олислардан кўринар боғлар,
Водий, дарё, ўрмон, дала – куйимиз.
Ярқирар денгизлар, қорли чўққилар,
Она сайёра бу – бизнинг уйимиз.

ИНСОН

Демакки, у – Ернинг боласи, азиз,
Оловли, самимий, оддий ва камтар.
Унинг йўллари бор узундан – узун
Ердаги уйдан юлдузлар қадар.

Уқиб юз минг китоб донолигини,
Тиллашади қуш, гуллар билан.
Улуғ заковату, меҳрга йўлдош,
Юраги тозадир, шиддати баланд.

Йўллар бошласа-да уни узоққа,
Фарзанд ва ғурурдир шу ерга ҳақли.
Туғилиб, улғайиб боради, албат
Ҳалол меҳнатлари шарафлар халқин.

ИТ ҲАҚИДА ШЕЪР

Турли ўйинларга ўргатманг итни,
Аксинча, у билан дўст бўлинг азиз.
Шунда тушунади улар ҳам сизни ,
Бехавотир яшар кўнгил, уйингиз.

Агар кулфат тушса дўсти бошига
Оловда ҳам йўлни топиб боради.
Дарёларнинг муздек сувини кечиб,
Бағрини сиз томон ёқиб ёради.

Суйиб, шўхликларин кўтаринг баланд,
Ҳеч қачон қаттиққўл бўлманг дўстларга -
Турли ўйинларга ўргатманг уни,
Аксинча, яқин дўст бўлинг итларга.

МЕНИНГ ХОНАМ

Уйимизда менинг хонам бор:
Стол, шкаф, кресло, кровать.
Тўзғиб ётар бари буюмлар,
Йиғиштириб оламан албат.

ҚУЁШЛИ ЮРТ БОЛАЛАРИ

Ватанимиз , бу – ўз уйимиз,
Қанотида ота – онанинг.
Бахтлимизки, шунда туғилдик,
Бахтлимизки, у меҳрли, кенг.

Бахтимизни асрагувчидир
Бу Ватанда ҳамма бир бўлиб.
О, қуёшли Ўзбекистоним,
Ёзилгансан чин тақдир бўлиб!

Ватанимиз, бу – ўз уйимиз,
Мактабга йўл оламиз тонгда.
Уқтиришар такрор ва такрор:
Китоб - қуёш, китоб осмонда

Тиник, ёниқ нурлар сингари
Калитидир илмнинг ўткир.
Қўлимизга тутар устозлар
Садокату иштиёқдан дур.

Бизга – ўқиш, бизга улғаймоқ,
Шунда йўллар оқ бўлади, оқ.

РАНГИН ТАБИАТ

Йўлбарсларнинг олов кўзлари
Зулматда товланиб ёниб туради.
Чирмовиклар, пальмалар, қуюқ
Чангалзорлар хиди уради.

Тундрада елар буғулар,
Ғижирлайди қорларда чана.
Бизда эса сокин куз фасли,
Барглар тўлар боғларга яна.

Уруш, нифоқ, низодан фақат
Хотиралар аччиқ, қуюқ саҳролар.
Бизлар эса дарахтлар экиб,
Гўзал бўлсин деймиз дунёлар.

Ер юзининг йўллари бўйлаб,
Биздан қолар из келар қуйлаб.
Табиатда ранг бениҳоя,
Сақланг уни, қилинг ҳимоя!

ЧУМЧУҚЛАР АРҒИМЧИСИ

Тераклар шох - шаббаси –
Чумчуклар арғимчиси.
Чумчуклар арғимчига
Келди бир тизилгиси.
Учиб ўтар читтаклар:
-Майлими, биз сиғишсак?
Ўрмон куши, саъвалар:
-Жой топиларми жиндак?
Йўлақдан шовқин солиб,
Шўх болалар елишар:
-Бизга етармикан жой?
-Арғимчини ким эшар?
Чумчуклар дер уларга:
- Чўчитманг бизни бекор!
Болалар, сал секинроқ,

Шохларга берманг озор!
Тераклар бутуқлари –
Чумчуқлар арғимчиси.

ХОЛАЖОН, СОАТ НЕЧЧИ?

Марям хола бизларга
Деди: - Ўйнанг, бир соат!
Биз эса: - Соат неччи
Бўлди? – сўрадик фақат.
Хола деди бемалол:
-Бўлибди икки ярим!
Гала бўлиб учдик биз,
Бурчакка урилар тўп,
Дарвоза қизиди хўп.
Ҳисоб қанча? -
Ҳеч қанча!
Оғир нафас оламиз:
-Вақт бўлганга ўхшайди...
-Неччи бўлди, холажон?
Соатга бир қараб жим,
Киприк қоқмай жонажон
Холажон: - Икки ярим!
Мана, куёш ҳам ботди,
Ҳовли эса ёп – ёруғ.
Яна бир гол уришга
Эҳтимол, улгурармиз?
Марям хола бизларга
Пиширар ширин палов.
Янги кўйлак тикади,
Иши тугай демас – ов...
Кенг айвонда ўтириб,
У болаларни кутар.
Кўкда юлдузлар ёнар ,
Хола соатга қарар –
Турарди, тошдай қотиб,
Соатин тақиллатиб,
Югурар Марям хола
Кўприкнинг бўйидаги
Устахона томонга.
-Уста Аҳмад, хо, Аҳмад,
Кўшни, ёрдаминг керак.
Бузилиб қолди соат.
Мўйлабин бураб Аҳмад:
-Эртага якшанба, - дер,-
Бугун эса кеч бўлди...
-Қимматли Аҳмад, тўхта...
Хола кўзи ёшланди.
-Неччида тўхтаганди?
Хола беради жавоб:
-Ик-ки ... ик-ки я-рим-да...
Соат созловчи Аҳмад

Мўйлабин бураб аста,
Бир сўз демай, бир пасда
Тузатди - қўйди уста!
Энди соат югурар,
Вақт ҳам тушди изига.
Марям хола чақирар
Болаларни: - Бебошлар,
Кўрсатаман сизларга!...
-Холажон, соат неччи?
Хола дер: - Бўлди, етти!
Жаҳли чиққандай хола:
-Қани, ҳамма – уйига!
Кутиб кўзларим толди,
Палов ҳам совиб қолди...
Марям хола – жаҳли тез,
Марям хола – меҳрибон.
Дейди барча – барчага:
-Ёзинглар кенг дастурхон!
Кўкда ёнар юлдузлар...
Болалар бир овоздан:
-Марям хола, минг раҳмат,
Тўйиб-тўйиб ўйнашга
Бердингиз имкон ва вақт!

ВЛАДИМИР ДАЛЬ

**ЧИПТА КАВУШЛИ ТУЛКИ
ЭРТАК**

Қиш тунларининг бирида йўл бўйлаб кетаётган тулкининг қорни оч эди. Булутлар осмонда осилиб турар, далага қор учкунлари сочилиб – сочилиб тушар, қор майдалаб ёғарди.

«Ҳечқурса, бир тишлам егулик бўлсайди», - дебди тулки. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди; йўлда ётган чипта кавушни кўриб қолибди. «Жойи келса, шу чипта кавуш ҳам асқотиб қолар» - йлабди у. Кавушни тишлаб олибди-да, йўлида давом этибди. Қишлоққа кириб, биринчи кулбани тақиллатибди.

- Ким у? – сўрабди деҳқон дарчасини очаётиб.

- Бу – мен, эй, яхши одам, тулкихон – сингилжонман. Тунашга жой бер!

- Биз сенсиз ҳам тиқилиб ётибмиз! – дебди қария ва дарчасини ёпмоқчи бўлибди.

- Менга кўп нарса керак эмас, - ўтиниб сўрабди тулки.- Ўриндиққа ётсам ҳам бўлаверади, думимни эса унинг тагига қўяман.

Чолнинг унга раҳми келибди ва уйига уиргизибди. Тулки унга дебди:

- Ҳой, деҳқон, чипта кавушимни беркитиб қўй!

Деҳқон унинг кавушини олиб, печканинг тагига отиб юборибди.

Ҳамма уйқуга кетибди, шунда тулки ўриндиқдан секин тушибди-да, кавушни ўғирлаб, печкадан узоқроқ жойга ташлабди.Ортига қайтиб, ҳеч нарса бўлмагандай, ўриндиққа ётиб олибди , думини ўриндиқнинг тагига жойлабди.

Тонг ота бошлабди. Одамлар уйғонишибди; кампир печга ўт қалабди, чол ўтин териб келгани ўрмонга отланибди. Тулки ўрнидан турибди-ю, чипта кавуши томон ошиқибди. Қараса, кавуши жойида йўқ. У чинқира бошлабди:

- Мени хафа қилди бу қария, очик кўнгиллигимдан фойдаланди. Чипта кавушимнинг ўрнига товук ҳам олмайман!

Чол печнинг остига кўз югуртирибди - чиндан ҳам чипта кавуш йўқ! Нима қилиш керак? Ахир, ўз кўллари билан қўйган эди-ку! Товукни олибди-да, тулкига тутибди. Тулки тинмай товукни олмайман, деб бақирар, овози қишлоқни тутиб кетар, ҳадеб қария уни хафа қилганини таъкидлар экан.

Чол билан кампир тулкининг кўнглини олай деб унга косачага сут қуйиб беришибди, нонни ушатиб, тухум ковришибди. Тулки шуни кутиб турган экан. Ўриндикқа сакраб чиқиб олибди, нонни ебди, сутни симирибди. Тухумни паққос тушириб, товукни олиб, тўрвасига солибди. Уй эгалари билан хайрлашиб, йўлга тушибди.

Йўл бўйи қўшиқини бошлабди:

Зим - зиё тун оралаб
Кетиб борар тулкихон
Қорни оч ва бедармон.
Юриб – юриб бир куни
Топиб олибди кавуш.
Оқкўнгил одамларни
Алдаб, қипти айёр иш –
Битта чипта кавушни
Товукқа алишибди.

Кеч яқин у бошқа қишлоққа етиб борибди. Тақ - тақ - тақ! – тулки кулбани тақиллатибди.

- Ким у? – сўрабди дехқон.

- Бу – мен, тулкихон – сингилжон. Амакижон, тунашга жой бер!

- Сенсиз ҳам тиқилиб ётибмиз, йўлингдан қолма, - дебди дехқон ва дерзасини ёпиб олибди.

- Мен сизларни сиқиб қўймайман, - дебди тулки. – Ўзим ўриндикқа ётиб оламан, думимни ўриндикнинг тагига қўяман, вассалом!

Тулкини уйга киритишибди. У уй эгасига эгилиб салом берибди- да, товугини сақлаб беришини сўрабди. Ўзи ўриндикнинг бир чеккасига ўрнашиб, ётиб олибди. Думини ўриндикнинг тагига бураб қўйибди. Хўжайин товукни олиб, панжара ортидаги ўрдаклар орасига қўшиб юборибди. Тулки буларнинг ҳаммасини кўриб турган экан. Уйдагилар уйқуга кетгач, товугини ўрдаклар ичидан чиқариб олибди ва бир пасда еб қўйибди. Патлари, суякларини печка остига кўмиб, ишни қойиллатгандай ўриндикнинг устига сакраб чиқибди, кучала бўлиб ётиб олибди-да, уйқуга кетибди.

Тонг ёришибди. Кампир печни ёқишга киришибди, дехқон сигирларга ем берибди. Тулки уйғониб, йўлга тайёрланибди. Уй эгаларига миннатдорчилик билдириб, товугини сўрабди.

Дехқон қараса, тулкининг товуги йўқ! У ёққа югурибди – бу ёққа югурибди, ўрдакларини бирма – бир кўриб чиқибди. Жуда ғалати – товук йўқ!

Тулки овозини баралла қўйиб, айтиб – айтиб йиғисини бошлабди:

- О, менинг товукчам, қорамағиз товукчам! Сени семиз – семиз ўрдаклар битталаб чўқиб - чўқиб, зангор патли ўрдаклар қоқиб - қоқиб ташлашдимми? Сени ҳеч қандай ўрдакка алмашмайман!

Кампирнинг тулкига раҳми келибди, чолига дебди:

- Унга ўрдак берамиз, қорнини ҳам тўйдирамиз.

Тулкини едириб – ичириб, қўлига ўрдакни тутқазиб, дарвозадан чиқариб қўйишибди.

Тулкихон йўл бўйи лабларини ялаб – ялаб, қўшиқ айтибди:

Зим - зиё тун оралаб
Кетиб борар тулкихон

Қорни оч ва бедармон.
Юриб – юриб бир куни
Топиб олибди кавуш.
Оққўнгил одамларни
Алдаб, қипти айёр иш –
Битта чипта кавушни
Товуққа алишибди.
Товуққа эса – ўрдак.

Тулки узоқ - яқин, қисқа – узун йўл босибди. Қош қорайибди. Уйлар кўринган томонга бурилибди. Эшикни тақиллатибди: тақ - тақ - тақ.

- Ким у? – сўрабди уй эгаси.

- Тулкихон – сингилжонман, йўлда сирғалиб кетдим, жудаям совқотдим. Қочавериб - қочавериб оёқларим толиқди! Эй, яхши одам, мени уйингга киргаз, дам олиб, исиниб олай!

- Қўяй дейману, тулкижон, жой йўқ - да!

- Эй, отагинам, ўзим ўриндикқа сиғаман, думимни унинг тагига ташлаб қўяман – бўлди!

Қария ўйлай – ўйлай, тулкини ичкарига киргазибди. Тулки хурсанд бўлибди. Уй эгаларига таъзим қилибди, эрталабгача яссибурун ўрдагини сақлаб беришларини сўрабди. Улар тулкининг ўрдагини ғозлар орасига қўйиб юборишибди. Тулки эса ўриндикқа ўрнашиб, думини ўриндик тагига жойлаб, хуррак ота бошлабди.

- Қўнгли очик экан, бечора чарчабди, ухлаб қолди, - дебди кампир.

Кўп ўтмай уй эгалари уйқуга кетишибди. Тулки ўриндикдан секин тушиб, ғозларнинг орасидан яссибурун ўрдагини ушлаб олибди. Уни тишлаб – тишлаб, патларини юлиб – юлиб, тозалабди, ебди. Суяклари ва патларини печнинг остига кўмибди. Бамайлихотир уйқуга кетибди, кун ёришиб кетгунча уйғонмабди. Кўзини очиб, керишибди, атрофга қарабди. Кулбада кампирнинг бир ўзи экан.

- Бекажон, хўжанг қани? – сўрабди тулки. – у билан хайрлашиб, иссиқ жой учун миннатдорчилик айтмоқчи эдим.

- У бозорга кетган, - дебди кампир.

- Унда хуш қол, бекажон, - дебди тулки эгилиб – эгилиб. – Яссибурун ўрдакчам ҳам уйғонгандир. Уни келтир, тезроқ йўлга тушишимиз керак.

Кампир қараса - ўрдак йўқ! Нима қилсин, қаердан топсин? Қайтариш керак, ахир! Кампирнинг ортида тулки турар, кўзларини олайтириб, бор овози билан, йиғисини бошлабди: ўрдаги бор унинг - доврўқли, бетакрор, дўмбокқина, кумушранг. Бундай ўрдагини ҳеч қандай ғозга алмашмайди.

Бека кўрқиб кетибди. Тулкига эгилиб - эгилиб дебди:

- Олақол, онажоним Тулкихон Патрикеевна, истаган ғозни олақол! Мен сени меҳмон қиламан. Ёғимни ҳам, тухумимни ҳам аямайман.

Тулки қорнини тўйдириб олибди. Семиз, ёғли ғозни танлабди, тўрвасига солибди. Бекага таъзим келтириб, йўлга тушибди. Йўлда кетаётиб, қўшиғини бошлабди:

Зим - зиё тун оралаб
Кетиб борар тулкихон
Қорни оч ва бедармон.
Юриб – юриб бир куни
Топиб олибди кавуш.
Оққўнгил одамларни
Алдаб, қипти айёр иш –
Битта чипта кавушни
Товуққа алишибди.
Товуғига – ўрдакни,
Ўрдакка – семиз ғозни!

Тулки йўлда чарчаб қолибди. Тўрвадаги семиз ғозни кўтариш қийинлашиб бораркан: дам ўтирибди, дам югурибди, дам турибди. Қорон²у тушибди. Қайси эшикни тақиллатмасин, очишмабди, рад этишибди. Энг сўнгги кулбага етиб келибди, астагина тақиллатибди: тук – тук – тук.

- Нима керак? – овози келибди уй эгасининг.

- Қадрдоним, исиниб олай, тунашга жой бер!

- Жой йўқ! Сенсиз ҳам тиқилиб ётибмиз!

- Мен ҳеч кимни сиқиб қўймайман, - дебди тулки. – Ўзим ўриндикқа ётиб оламан, думимни унинг тагига қўяман.

Хўжайиннинг раҳми келибди, уйига киритибди. Тулки ундан ғозини сақлаб беришини сўрабди. Уй эгаси уни панжара ортидаги куркаларга қўшиб қўйибди –да, ўйланиб қолибди. Шу кунларда бозор томонлардан айёр тулки ҳақида миш – мишлар тарқалаётган экан. «Бу ўша – ҳамма гапираётган тулки эмасмикан?» – йлабди чол ва уни кузата бошлабди. Тулки ўзини эсли – хушли, одоблидай тутибди. Ёриндикнинг устига чиқиб, ётиб олибди, думини унинг тагига жойлабди. Кампирнинг хурраги эшитилибди. Чол к'зларини ж'рттага юмиб олибди. Тулки панжара ортига сакраб тушибди. ғозини тутиб, тишлаб – тишлаб, тозалаб олибди-да, ейишга тушибди. Еб – еб дам оларкан. Ахир, бирданига шундай семиз ғозни бирдан тугатиб бўлмас экан-да! Чол барисини кузатиб турган экан. Тулки суяк ва патларни печканинг тагига кўмибди-да, жойига бориб ётибди ва уйқуга кетибди.

У узоқ ухлаб қолибди, хўжайин уни уйғотибди:

- Тулкижон, яхши ухлаб турдингми?

Тулки керишиб, кўзларини ишқалабди.

- Иззатинг борида йўлга туш, - дебди хўжайин эшикни ланг очиб.

Тулки унга жавобан:

- Уйни совутмасангиз яхши бўлармиди, йўлимни ўзим топиб оламан. Олдин бериб қўйган омонатимни олай, девдим. Қани, ғозимни бер!

- Қайси?

- Қечқурун сенга берганим –да. Олган эдинг, тўғрими?

- Ҳа, олгандим, - деди хўжайин.

- Олган бўлсанг, қайтар, - қистади тулки.

- Ғозинг панжара ортида йўқ, ишонмасанг, ўзинг бориб қара, - куркалар бор, холос.

Буни эшитган айёр тулки ўзини ерга ташлаб, ҳар ёққа уриб, йиғисини бошлабди: у ғозини ҳеч бир куркага алмашмайди!

Дехқон тулкининг шумлигини фаҳмлаб қолибди. «Тўхтаб тур, - дебди у ичида. – Сен бу ғозингни кўп эслайсан ҳали!»

- Нимаям қилдик, сен билан келишиб оламиз, шекилли.

Унга ғоз ўрнига курка беришга ваъда берибди. Тўрвага куркани эмас, билдирмай итини солибди. Тулки буни сезмабди. Тўрвасини елкасига ортиб, хўжайин билан хайрлашиб, йўлга тушибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ўзи ва чипта кавуши ҳақидаги қўшиғини айтгиси келибди. Тўрвасини ерга қўйиб, ўтирибди. Қўшиғини бошламоқчи бўлган экан, бирдан тўрвадан хўжайиннинг ити отилиб чиқибди, тулкига ташланибди. Ит қувгандан - қувибди, бир қадам ҳам ортда қолмабди.

Иккаласи югуриб – югуриб, ўрмонга кириб келишибди. Тулки кундалар, бутуқлар оралаб, ит унинг изидан чопибди. Тулкининг бахтига қаршисидан уя чиқиб қолибди, унга ўзини отибди. Ит уяга сиғмабди, тулки чиқиб қолармикан деб, унинг ёнида кута бошлабди.

Тулки кўрққанидан нафас ололмас экан. Сал ўзига келгач, ўзига – ўзи гапира бошлабди:

- Қулоқларим, жон қулоқларим, сизлар нима қилдингизлар?

- Бизлар ит тулкини еб қўймасин деб диққат билан тингладик.

- Кўзларим, жон кўзларим, сизлар нима қилдингиз?
- Бизлар ит тулкини еб қўймасин деб киприк қоқмай қарадик.
- Оёқларим, жон оёқларим, сизлар нима қилдингиз?
- Бизлар ит тулкини ушлаб олмасин деб тўхтамасдан тез югурдик.
- Думчам, ҳой думчам, сен нима қилдинг?
- Тўнкалар, булоқларга чирмашиб қолмагин деб йўл бермадим.
- Ҳали сенми мени қочишимга йўл бермаган! Мана, сенга бўлмаса! – дебди тулки ва думини ўрадан чиқариб, итга қичқирди:
- Ол, мана буни е!
- Ит тулкини думидан ушлабди-да, уядан тортиб олибди.

КОНСТАНТИН ПАУСТОВСКИЙ

ЎЗ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

ҳикоя

Неча кундирки, тинмасдан совуқ ёмғир қуюди. Богда намхуш шамол шовуллади. Кундуз соат тўртларданоқ керосинли чироқларни ёқдик. Шунда беихтиёр ёз бутунлай тугаганлиги, ер тобора туманларга қоришиб бораётгани, атрофни изъирин, айни пайтда, галати қоронғулик босиб келаётганини илғаб қолдик.

Ноябр охири - қишлоқдаги энг ҳазин палла. Эски оромкурсига жойлашиб олган мушук кун бўйи ухлади, ёмғирнинг қоп - қора томчилари дераза ойналарига шитоб билан урилганда босинқирагандай учиб – учиб тушарди.

Йўллар ҳўлланди. Дарё бўйлаб сарғиш тўнкалар қалқиб ўтар, сув текис оқарди. Қушлар бўғотлар остига яширинишди. Мана, ҳафта ўтди ҳамки, мени ҳеч ким йўқлаб келмади: на Митрий бобо, на Ваня Малявин, на ўрмончи. Ҳаммасидан ҳам кечки пайт ёқимли кечарди. Биз печга ўт ёқардик. Олов гурлаб, қизғиш нурлари ёғоч деворлар, Брлюловнинг эски сувратида мавжланарди. Оромкурсига ўрнашиб олган мусаввир бизга тикилиб турарди: қўлида очиқ китоб, кўзлари ўйчан, шариллаб оқаятган ёмғир куйига қулоқ тутгандай.

Чироқлар ёрқинлашиб, самовар қўшиғини бошлади. У билан хонамиз тўлиб қолди. Ойналар намланди, қайин барглари ойналарга тинимсиз урилади. Чой ичиб бўлгач, печка ёнига ўрнашиб, китоб ўқий бошладик. Бундай пайтларда Диккенснинг узундан - узоқ , қалбни титратувчи романлари, «Нива» ва «Ранг – тасвир» журналларини ўқиш мароқли эди. Фунтик – малларанг, митти, қийиш оёқли мушугимиз уйқусида тез – тез йиғларди. Ўрнимиздан туриб, уни иссиқ қалин мато билан ўраб қўярдик, у эса миннатдорчилик билдиргандай қўлларимизни ялаб, ҳўрсиниб, яна пинакка кетарди. Девор ортида қоронғулик ҳайқирар, ёмғир шовқин солар, шамол кучаярди. Шундай ҳавода кўз илғамас кенг ўрмонларда қолиб кетганларни ўйлаш қўрқинчли эди.

Бир куни тунда галати сезги билан уйғониб кетдим. Тушимда кар бўлиб қолган эмишман. Кўзларимни юмганча узоқ тингладим. Билдимки, эшитаяпман. ташқарини ўхшаши йўқ сукунат қоплаб олган. Ўрнимдан туриб, дераза ёнига бордим – ойналар қорли ва жим – жим. Туманли осмонга қарасанг, бошинг айлангудек юксакликда - ёлғиз ой, уни сарғиш – тилла гардиш ўраб турарди. Биринчи қор қачон ерга тушдийкин? Девордаги соатга яқинлашдим. Шу қадар ёруғ эдики, ҳатто соат миллари тим қора бўлиб кўриниб турарди. Вақт тунги – икки.

Кўзим илинибди. Икки соат ичида ер юзи шу қадар ўзгарибдики, далалар, ўрмонлар ва боғлар қуюн ичида. Ойна ортидан боғдаги заранг дарахти булоғида ўтирган катта

кулранг қушни кўрдим. Шох чайқалди, шовуллаб қор тўкилди. Қуш аста қўзғалди-да, учиб кетди. Ойнакка урилган қор сочилиб – сочилиб кетарди. Атроф бирдан жимиб қолди.

Рувим уйғонди. У ойнадан ташқарига тикилиб турди-да, чуқур нафас олиб:

- Биринчи қор ерга жуда ярашиди. У иболи қиздай оқ либосига ўранибди. – деди.

Тонгда ҳаммаёқ биллурдек ярқирарди: музлаб қолган дарахтлар, тўкилган япроқлар, қор остида тарвақайлаб ётган дарахт томирлари. Чой ичаётганимизда Митрий бобо келди, бизни илк қор билан табриклади.

- Ер қор суви – қумуш сув билан тозариб олди, - деди.

- Митрий, бундай с'зларни қаердан оласан-а? - сўради Рувим.

- Тўғримасми? – кулимсиради бобо.- Онам айтардики, бурунги замонларда қизлар қумуш кўзалардаги биринчи қор сувига юзларини чайишаркан. Шунинг учун ҳам уларни гўзаллик тарк этмас экан.

Қишининг биринчи куну. Уйга сизмай кетдик - ўрмон кўллари томон йўл солдик. Бобо бизни ўрмон этагигача кузатиб борди. У ҳам кўлга боргиси келди-ю, лекин совуқдан «суякларининг зирқираши» бунга йўл қўймади. Сув тиниқ, тим қора. Юзада нимаики қалқиб турган бўлса, қиш пайти сув тагига чўкиб кетарди. Қирғоқларда музликлар ойнадай товланиб, қад кершиди. Музлик шу қадар шаффоф эдики, яқиндан қарасанг, кўзинг тиниб, уни бирдан илғаб олиши қийин. Қирғоқбўйи сув юзасида чавақ балиқлар галасини кўрдим. Улар томонга майда – майда тошлар отдим. Тошлар музликларга бориб тегиб, жаранглаб кетди. Ёғочли тўғонларда балиқ тангалари ялтираб – ялтираб кетар, соллар ичкарилаб боради. Музликда уларнинг ортидан оқ излар қоларди. Шундагина музлик қатламлари пайдо бўлганини пайқадик. Кўлларимизни узатиб, музчалардан олишга уриндик. Улар қарсиллаб, бармоқларимизда қор ва бута мевасининг қоришиқ бўйи анқиди.

Яқин - йироқ ялангликларда қушлар кўтарилди, қанотларини гамгинлик билан силкиб қўйишиди. Кўк жуда ёруғ ва оппоқ. Қуюқлашиб бораётган уфқ ранги қўрғошинга гхишарди. Қорли булутлар аста – аста силкиниб келарди. ўрмон қоронгулашиб борар, атрофда - жим – житлик. Қалин қор ёғди. У кўлнинг қоп - қора сувларида эриб, юзларни чимчилар, ўрмонни кулранг тутун билан қопларди.

Қиш бошланди. Аммо говак - говак қорни ёйиб, тозалаб ташланса, янги гуркираб турган ўрмон гулларига кўзингиз тушарди. Билардикки, читтаклар қишлаб қолишса, печимизда олов чирсиллаб турса, бундай қишининг завқига ҳеч не етмайди! Шунда қиш кўзимизга ёз каби янада мафтункор кўриниб кетди.

1940 йил

КОНСТАНТИН ПАУСТОВСКИЙ

САРҒИШ НУР

ҳикоя

Кулранг тонг билан уйғондим. Хона бир текис сарғиш нурда товланди, у чироқдан таралаётгандай. Нур деразадан пастлаб оқар, ёғоч шифтларни ёркинроқ ёритарди. Ғаройиб нур – олис ва қўзғалмас куёш нури каби. Бу ярқироқ нурлар – кузги барглар эди. Шамолли ва узоқ тунда боғ қуриб қолган япроқларини тўкди. Улар ерда шовуллаб ётар, билинар – билинмас нурланарди. Бу шуълалардан одамларни юзлари қизариниб кўринар, стол устидаги китоб варақлари мум қатламлари билан коплангандай.

Куз шундай бошланди. Наздимда, у шу тонгда кириб келди. Унга мен ҳеч нарсани англамагандим: ўрмонда ҳали чириган япроқларнинг ҳиди сезилмас, кўлдаги сув мовий

тус олмаган, қировлар тахта деворлар, томларга сочилиб кетмаган эди. Куз кутилмаганда келди. Бу кириб келаётган бахтнинг сезинар – сезинмас лацзалари, сезгилари – Ока парходларининг олис товушлари ёхуд бехосдан туғилган табассумдай.

Куз тўсатдан ташриф буюрди - ҳаммаёкни эгаллаб олди. Боғлар, дарёлар, ўрмонлар, ҳаво, далалар, қушлар кузникига айланди. Боғда читтаклар югуриб юрарди. Уларнинг кичкириғи – синган ойнанинг жарангидай. Ҳуштак, шовқин – сурон, қағ - қағлар аралашиб - қуралашиб, кўкка кўтарилди. Боғ кундузлари осойишта: қушлар жанубга учиб кетишмоқда.

Хазонрезги. Барглар куну тун тўкилади. Улар шамолда ёнбошлаб, эниб, энгашиб уча – уча намхуш майсаларни қоплайди. Ўрмон ёмғир аралаш учиб - кўнаётган хазонларга тўлиб кетди. Сентябрнинг охирига борибгина ўрмон этаклари очилди. Энди дарахтлар орасидан далаларнинг очиқ бағри кўриниб турарди. Кекса Прохор - балиқчи, яна сават тўқийди. Солотчеда ҳамма қариялар сават тўқишга одатланишган. У менга куз ҳақида бир эртақ айтиб берди. Мен шу кунгача бундай эртақ эшитмаганман. Менимча, Прохор уни ўзи тўқиган.

- Сен атрофга қара, - деди у бигиз билан чипта кавушни тўқиркан. – Синчиклаб назар сол, қимматли одам! Шу куёш, ҳар бир тирик жон нима билан нафас олади? Қара – да, тушунтириб бер. Мана, япроқ кузда учиб юрибди. Нега? Буниси одамларга ҳам тушунарли, ҳам тушуниксиз. Одам ўқни ўйлаб топди. Мен ҳам унинг ҳидини биламан. Бурунги қишлоқ темирчилари биринчи қуролни ясади-да, уни ўқ билан тўлдиришди. Бу қурол бир тентакнинг кўлига тушиб қолибди. Тентак ўрмон бўйлаб кетаверибди. Зарғалдоқлар, осмон бўйлаб учаётган қушларни кўрибди. Уларнинг қандай сайрашаётгани, бир – бирини меҳнат қилишга чорлаётганини эшитиб қолибди. Тентак уларга ўқ узибди. Шунда олтин пар ерга узилиб тушибди - ўрмонлар қувраб қолибди, улкан офат ёғилибди. Қушлар қони сачраб кетган япроқлар қизариб - қизариб ерга тўкилибди. Шундан ўрмонда сарғиш ва қизғиш барглар пайдо бўлибди. Ўша кунгача барча қушлар бизнинг ўрмонлардан кетмас экан. Ўрмонлар ҳамиша яшилланиб, кўзиқоринлари гуркираб, гуллаб тураркан. Қор бўлмаган экан, қиш келмас экан, деяпман. Қиш бўлмаган!... Тентак биринчи қушни ўлдирди – ер ғамғин тортди. Ўша ондан хазонрезги бошланди, намхуш куз келди. Изғиринли шамоллардан кўрқиб кетган қушлар узоқларга кетиб қолишди, одамлардан хафа бўлишди. Кўрдингизми, азизим, биз ўзимизга - ўзимиз зарар етказдик. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсани асраб – авайлашимиз зарур.

- Нималарни?

- Мана - қушларни, ўрмонни, сувни, ерни.

Мен кузни ҳафсала билан узоқ кузатдим. Бирон бир нарсани чинакамига кўришни истасанг, ўзинг ҳам шуни биринчи марта кўраётганингга ишонининг керак. Куз билан шундай кечди. Мен ҳам ўзимни бу куз умримга кириб келган биринчи ва сўнгги куз эканлигига ишонтирдим. Шунда кузга синчиклаб назар ташладим, олдин кўрмаганларимни ҳам илғашга уриндим. Улар куздаги лойгарчиликлар, Москва трамвайларининг намли томлари устидаги хотиралардай эриб кетгувчи туйғулар эди.

Мен нафақат тилларанг, балки қирмизи, алвон, сиёхранг, малларанг, қора, кулранг, оқиш баргларни ҳам кўрдим. Бу ранглар куз қоронғулигида майинлашар, ҳавода қимирламай осилиб турарди. Ёмғир ёғаётганда ранглар жилванади, булутли осмон ажиб нур таратиб туради. Бу жилваланишда ёмғирли ўрмонлар олис – олисдан тонгги шафақда ловиллаб ёнаётган гулханлардай кўзга чалинади. Қарағайзорда қайинлар совуқдан дийдирайди, сумалакларга тилла суви суртилгандай. Болталар зарбининг товуши, қушлар қанотидан кўчган шамолда титраниб кетган япроқлар шовдирайди.

Дарахтлар эрта сарғая бошлашди. Танасининг ярми қизғиш, ярми ям – яшил осина дархатини учратдим. Кун ўртасида Прорва бўйлаб сайрга чикдим. Жануб томонда куёш эниб бормоқда. Унинг синиб – синмаётган нурлари қорайиб бораётган сувда аксланади. Бу нурлар бўлак - бўлакраниб, тўлқинраниб, қирғоқ бўйлаб текис югуради, сувдан кўтарилиб, дарахт учларига сингиб кетади. Нур мавжлари қалин майсазор ва

бутазорларга иниб, бир лацзада бутун қирғоққа, тоғ жинсларига юзлаб бўёқлар шудрингдай ёйилиб кетади. Нур гоҳо захарли замбуруғнинг оловранг бош кийими, гоҳ зарғалдоқ тусли яркироқ майсалар, тўкилиб ётган қуруқ меваларни оралаб, гоҳо эман баргларига, пўстлоқларига, белларига қоришиб кетарди.

Тўкилаётган кузги баргларга синчковлик билан қарайман. Мен айнан барг чирт этиб узилиб тушаётган дамни кўриш илинжида, ўша билдирмайгина ўтиб кетадиган лаҳзани ушлаб олиш истагидаман. Бандидан узилиб, ерга тушаётган япроққа тикиламан. Китобларда тўкилаётган япроқлар шивирлари ҳақда кўп ўқиганман, аммо бу товушни эшитмаган эдим. Барглар фақат ерда оёқ остида шовулларди. Баргнинг ҳавода шовуллаши баҳор чоғи майсаларнинг ўсиб боришини илғашдек тасаввурга сиғмас ҳолат бўлиб кўринди.

Шаҳар кычаларининг тинимсиз шовкин – суронидан гарангсиб турган товушлар ҳам ўзига келиши, тупроқнинг энг тоза ва тиниқ овозигача чулганган кузги тинглаш учун кутиш керак эди. Кеч тушиши билан боққа чиқдим, ёғоч қудуқ ёнига келдим. Бир четига фонусни кўйдим, сув олдим. Челақда барглар сузиб юрарди. Улар ҳаммаёқда кўзга чалинади, гўё улардан кутилиб бўлмасди. Нонвойхонадан ҳозиргина олиб келинган қора нонга ҳам хўл барглар ёпишиб қолибди. Шамол ҳовуч - ҳовучлаб стол усти, ўриндиқлар, ер, китобларга барглар тўкарди. Боғ йўлакларида юриб бўлмасди: қор устида юргандай ҳазонларни ғижирлатиб ўтасан. Биз уларнинг устида ағанардик, улардан анкиётган хидларга тўймасдик. На тили, на қулоғи бор бу куз оқшомларининг! Шамол эсмай кўйди. Ўрмон этаклари шу қадар тинчки, қоровул тўқмоғининг зарбигача эшитилади.

Тун. Фонус қудуқ, девор остидаги кекса заранг дарахти, сочилиб - сарғайиб кетган бутоқлар, гултуганакларни ёритиб турарди. Заранг дарахтига қарадим. Шохлардан аста – астагина ажралиб чиқаётган қизғиш баргга кўзим тушди, титраб кетдим. У бир муддат ҳавода тўхтаб қолди. Сўнг энгашиб, шитирлаб, чайқалиб оёқларим остига туша бошлади. Шунда биринчи бор тўкилаётган япроқ шитирини эшитдим – тушуниксиз, худди гўдакнинг шивир – шивирига ўхшайди. Тинч, осойишта ер узра тун ҳукмрон. Юлдузлар жилваси шу қадар тиниқки, тасаввурга сиғмайди.

Мен жунжикдим. Куз осмонидага юлдуз туркумлари челақдаги сувда ҳам, кичиккина кулба дарчасида ҳам жилванарди, мавжланарди. Персия ва Орион юлдузлар буржи ер бўйлаб сокингина оқиб тишарди, титраниб, бўрилар мудраб ётган чакалакларда хиралашиб, Старице ва Прорванинг саёзликларида тўкилиб ётган балиқ тангаларида ҳам нурланиб кетарди.

Тонготарда мовий Сириус ёниб кўринди. Унинг эниб келаётган оловлари тол баргларига уринди. Юпитер қорайиб кўринган ғарамлар узра ўтлоқзорлар, лойли кўчалардан чайқалиб ўтарди. Сатурн эса осмоннинг бир четидан ўрмонлар, бўйи унутилган гўшаларни оралаб кўтарилди. Борлиқда юлдузли тун порлайди, метеоритларнинг совуқ нурлари парчаланади, кузнинг нордон сувида қамишлар шовуллади, уларнинг ҳиди чор – атрофни тутиб кетади. Куз охираётганда Прорвада Прохорни кўриб қолдим. Тўзғиган оппоқ сочларига балиқ тангалари ёпишиб, ялтиллаб турибди. Толзорда олабуға балиқ овларди. Кўринишидан юзга киргандай. Тишсиз оғзини очиб қулди, дўппайиб турган чўнтагидан олабуға балиқни чиқариб кўрсатди - ёғли ўлжаси билан мақтанди. Балиқнинг ёнбошларига уриб – уриб кўйди - балиқ тутдик!

Кеч тушгунга қадар икковлон қотиб қолган нонни кавшандик, ярим овозда яқинда рўй берган ўрмон ёнғинидан с'злашдик. Ёнғин Лопух қишлоғи ёнида бошланган. У ерда ўроқчилар гулхан ўчиришни унутиб қолдиришган. Қуруқ шамол эсарди. Олов шитоб билан шимолга йўналди. У поезд тезлигида – соатига йигирма километр йўл босарди. Пастлаб – пастлаб учаётган учоқлар каби ғувилларди. Тутун билан қопланган осмонда осилиб турган қуёш оппоқ - кулранг қалин пўпанакнинг тўқ қизил ўргимчагига ўхшарди. ишқорланиб ёғарди ёмғир. Кулранг дарё сувини босиб, коплаб турарди. Аҳён - аҳёнда кўкда кулга айланган барглар учиб ўтарди. Улар сал тегиб кетган учкундан ҳам чангга айланиб кетарди.

Тундлашиб бораётган тунда шафақ шарқ томонда айланага ўралар, ҳовлиларда сигирлар бўкириб кўяр, отлар кишнар, уфқда ракеталардан сачраётган оқиш нурли сигналлар ярқираб кетарди. Бу - ҳарбий қисмлардан, улар ўтқи ўчиришган. Бир – бирига сигнал юбориб, яқинлашиб келаётган ёнғиндан хабар беришарди. Биз Прорвадан кечга яқин қайтдик. Қуёш Ока ортига энди. Шунда биз ва қуёш ўртасида рангсиз кумуш ҳалқалар тўшалди. Қуёш нурлари кузги ўргимчак учларида аксланар, бу бутун ўтлоқзорни ўраб олган эди.

Кундуз пайти пўпанаклар ҳавода учиб юрар, қўл урилмаган майсаларга қоришиб кетар, эшкак, юзлар, сувлиқ, сигир шохларига калава ипдай илашиб қоларди. Тонг чоғи ўргимчак уяларида шудринглар товланиб, бир зумда эриб битарди. Пўпанаклар ва шудрингли толлар қуёш остида олис юртлардан бизнинг ўлкага келиб қолган эртақчи дарахтлардай туришарди. Ҳар бир ўргимчак уясида митти ўргимчак ўтирарди. У уя тықирди. Бу ўргимчак парвози кузги қушлар учишига ўхшаб кетарди. Шу кунгача нима учун ўргимчаклар юпқа калава иплари билан ер юзини қоплаб учишларини ким яхши билишини ҳеч билмайди ҳам.

Уйга кириб, юзларимга ёпишиб қолган пўпанакларини ювиб ташладим-да, печга ўт қаладим. Қайин тутунининг ҳиди калава ип бўйи билан қоришиб кетди. Кекса қора чигиртка куйлай бошлади. Пастда сичқонлар зир югуришади. Улар қишлик ғамида - уяларини қаттиқ нон ушоқлари, қанд, қотиб қолган пишлоқ бўлақлари билан тўлдиришмоқда. Тун ярмидан оққанда уйғониб кетдим. Хўрозлар иккинчи бор қичқирди. Юлдузлар қимир этмай ёниб туришар, тонгни энтиқиб кутаётган шамол боғ узра сокингина шивирларди.

БУЮК МУСАВВИРНИНГ ГЎЗАЛ ЭРТАҚЛАРИ

Дунёнинг энг машҳур мусаввирларидан бири Леонардо да Винчининг асарлари бугунги кунда ҳам мухлисларни бениҳоя ҳайратлантиради. Лекин сиз унинг ажойиб эртақчи бўлганини биласизми? Италия қишлоқ болалари ҳанузгача унинг эртақларини мароқ билан тинглашади, рассомнинг номи эса афсонага айланиб кетган. Бу эртақларининг бош қаҳрамони – донишманд табиат, унинг бузилмас қонуниятлари, « ҳар ким ўз ишини қилиш керак» деган ғоялар ва уларда яшаётган инсонийликдир.

ҚОҒОЗ ВА БЎЁҚДОН

Ёзув столида бир уюм қоғозлар. Кунларнинг бирида уларнинг биттасини одам қўлига олди. Перони бўёқдонга солди ва қоғоз юзини сўзларга, белгиларга, расмларга тўлдириб ташлади.

- Нимага менинг оппоққина юзимни бу қадар чаплаб ташладинг? – юраги тўлиқиб, стол устидаги бўёқдон ёнида турган ўша « чапланган»идан ғамгин тортиган қоғоз. – Сенинг ўчириб бўлмас бўёқларинг оқ юзимни бўяб ташлади. Мендай қоғозни бир умрга янчиб ўтди! Мен бундай ҳолимда энди кимга керакман?

- Ловуллама, - деди меҳри товланиб бўёқдон. – Сени ҳеч ким ерга ҳам урмади, чапламади ҳам, аксинча, керакли қоғозга айландинг. Энди сен оддий қоғоз парчаси эмассан, балки номага айландинг. Шу лаҳзадан бошлаб, сен инсон фикр – ўйларини сақлагувчисан. Бу сенинг қимматинг ва улуғ қадринг ҳамдир.

Оққўнгил бўёқдон ҳақ бўлиб чиқди. Кунлардан бир кун ёзув столини тартибга солаётган одам сарғая бошлаган, бетартиб сочилиб ётган қоғозларга кўзи тушди. Уларни йиғиб, секин ёниб турган камига ташламоқчи бўлди-ю, ўша «чапланган» варақни кўриб

қолди. Одам керксиз қоғозларни ташлаб юборди-да, ўша сўзлар, расмлар, белгиларга тўла қоғозни авайлаб, стол тортмасига солиб қўйджи. Негаки, унда инсон ақлининг номаси – маҳсули яшарди.

ТИЛ ВА ТИШЛАР

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир бола бўлган экан. У баъзан катталарга ҳам хос бўлган «касаллик» билан оғриган экан – тиним билмай гапирар экан.

- Бу тил биз учун қандай жазо бўлдики, - дейишибди куйиниб тишлар, - қачон у бир пас бўлса ҳам дам олади, жим бўлади?

- Мен билан нима ишларингиз бор? – дебди сурбетларча тил. – Енглар, ичинглар, ош бўлсин! Лекин жим ўтиринглар, сизга айтсам! Бизни ҳеч нарса боғлаб турмайди. Менинг ишларимга худа – беҳудага қўшилишларига, бурун тиқишларига йўл қўймайман!

Бола керак – нокерак нарсаларни сўзлашдан тинмабди. Тил ўзини еттинчи осмонда сезар, янгидан – янги сўзларни ўрганар, уларнинг моҳиятига чуқур етиб бормаса-да, сўзлашдан роҳатланаркан. Кунларнинг бирида бола жаврашга шу қадар берилиб кетибдики, ўзи ҳам сезмаган ҳолда панд еб қолибди. У ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун тилига эрк берибди - ёлғон сўзлабди. Шунда тишлар чидаб туролмабдилар, сабр косалари тўлибди. Улар худди келишиб олишгандай бирдан жим қолибдилар-да, ўринсиз ёлғонларни тўкиб солган боланинг тилини қаттиқ тишлаб олишибди. Болакай эса уят ва оғриқдан йиғлаб юборибди. Шу - шу тил ҳам, бола ҳам ўзини эҳтиётлаб тутадиган, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирадиган бўлишибди.

СУВ

Сув завққа тўлиб, қадрдон денгиз қўйнида эркаланиб оқарди. Бироқ бир куни унинг хаёлига осмонга етиш ўйи ўрнашиб қолди-ю, ёрдам сўраб оловнинг олдида борди. Олов ўзининг ёлқинлари билан сувни майда – майда томчиларга, томчиларни илиқ буғга айлантирди. Буғлар ҳаводан ҳам енгил экан.

Буғ ўша заҳотиёқ баландга, энг совуқ ҳаво қатламларига кўтарилибди. Булутлар ортига тушиб қолган буғ томчилари совуқдан шу қадар қотиб қолишибдики, тишлари тишларига тегмай тақилларкан. Улар нима қилиб бўлса-да, салгина исиниб олиш ниятида бир-бирига яқинроқ келишибди, бирлашиб кетишибди. Шундан ҳавода оғирлашиб, яна ёмғир томчилари каби ерга қайтиб тушишибди.

Кеккайиш касалига дучор бўлган сув кўкка кўтарилди-ю, бироқ у ердан ҳайдалди. Чанқаб турган ер уни бир томчисини ҳам қолдирмай, ютиб юборди. Сув эса яна денгиз кенгликларига чиқиб олиши учун тупроқ қатламларида ҳали узоқ вақт бўлишига тўғри келади – бу унга берилган табиатнинг ҳақли жазоси эди.

АДОЛАТ

- Бу дунёда адолат йўқ ! – норози оҳангда чийиллабди мўъжиза туфайлигина латчанинг ўткир панжаларидан зўрға қутилиб қолган сичқонча.

- Ёлғонга чидаймай кўр- чи! – жаҳл билан қичқириб юборибди мушукдан кўрқиб, қавагига яшириниб олган латча.

- Бу тақдирдан қочиб бўлмайди! – миёвлари мушук ва баланд деворга чиқиб олди-да, хавотирли кўзлари билан ҳовлида айланиб юрган кўппакка қараб - қараб қўйди.

- Дўстларим, тинчланинг! – деди донишманд бойкуш деҳқон ҳовлисида тўрда ўтирган кўйи. – Наҳотки ҳаёт фақат нолишдан иборат бўлса? Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз улуши ва ҳиссаси бор. Адолат фақат бир кишига тааллуқли ва биттага боғлиқ бўлмайди.

Унинг сўзларини тинглаб, сичқонча уясидан бошини кўтариб, ташқарига қаради, латча қавагидан бурнини чиқарди, мушук деворга яхшироқ ўтириб олди, кўппак эса орқа оёқларига чўзилиб ётди.

- Адолат , - давом этди бойкуш, - табиатнинг олий қонуни. У ерда яшаётган жамики жонзодлар ўртасида одилона келишув муҳитини яратади. Бу доно қонун бор эканки,

хайвонлар, кушлар, балиқлар ва ҳатто ҳашоротлар бир – бири билан келишиб яшайдилар. Қаранглар, асаларилар қандай иноқ яшашади, биргаликда меҳнат қилишади.

Бойқуш ҳақ эди. Асаларилар оиласида она асалари бошчилик қилади. У ишни ҳаммага бирдай бўлиб беради, уларни назорат қилади. Ҳар бир ари қўлидан келадиган ишни бажаради. Бир гуруҳ ариларнинг гулдан шарбат терадилар, бошқалари – мумли асал йиғадилар, бирлари арихонани қўриқлайдилар, арихонага яқинлашган хира ва тукли ариларни кувадилар. Санитар арилар тозаликни сақлайдилар, она арининг шахсий қўриқчилари ундан бир зум ҳам айрилмайдилар. Она асалари қариб қолса, энг кучли асаларилар уни авайлабгина кўтариб, табиб асаларилар олдига олиб боришади. Улар уни меҳр билан даволашади. Бирон – бир асалари ўзига юклатилган вазифани уддаламаса ё ундан бош тортса, уни муқаррар жазо кутади.

Табиатда ҳамма нарса ақл билан жой – жойига қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши лозим. Ҳар ким қўлидан келган ишни қилсагина, ҳамма жойда адолат барқарор топади. Ҳаётнинг энг олий ҳақиқати мана шу доноликда мужассам.

НИЛУФАР

Ломбардия далалари ва ўтлоқлари бўйлаб оқаётган Тичино дарёсининг ям-яшил қирғоқларида латофатли нилуфар бўй чўзди. Дала гулларининг бари унга ҳавас билан қарашди ва эгилишди. Унинг гўзаллигига ҳам ҳатто соялари билан ҳалақит бермасликка ҳаракат қилишарди. У эса қадди - қоматини тик тутиб, кўз –кўз қилиб, шамолда енгил, завқ - шавқ билан тебранар, сувдаги аксини кўриб, ўзига ўзи қараб тўймасди. Унинг хуснини кўрган тўлқинлар ҳаяжонга тушишди ва уни қўлга киритиш ғамига тил бириктириб олишди.

Дарё бир зумда тўлқинлар ғулувидан қайнаб, тўлиб тошди. Бир – бирларини қувиб бораётган тўлқинларнинг бебошлиги тутди. Мағрур нилуфар эса уларга эътибор ҳам қилмади. Шунда тўлқинлар уни қисиб келишди, қирғоқ томонга сув сачратиб, кўтарилиб тушишди. Ниҳоят, шум ниятларига етишишди – ғувиллаб турган гирдобга нозиккина нилуфарни ҳам олиб кетишди.

ТЕРАК

Терак бошқа дарахтлардан тезроқ ўсди. Унинг новдалари баландга қараб бўй чўзиб борди, ён – атрофидаги ўт – ўланлардан ўзиб кетди.

Бир куни ёш теракнинг хаёлига бошқача ҳаёт кечириш фикри келиб қолди. Кўзи унга ҳавас билан қараб турган узум новдасига тушди ва уни ёқтириб қолди.

- Қандай ғалати телбалик! – дейишди оға – инилари. – Бу гўзал узум новдаси сенга мусибатлар келтиради, холос. У сенга нимага керак? Бизнинг вазифамиз, ишимиз – баландлаб бориш, ўсиш. Бизга бундан ортиқ қисмат пешонамизга ёзилмаган.

Бироқ ўжар терак ўз айтганидан қайтмади. У навниҳол ток новдасини шу қадар яхши кўриб қолдики, узум новдаси теракка чирмашиб кетиши учун изн берди. Мустаҳкам таянччи кўрган ток новдаси шитоб билан ўсиб, тезда мевага кирди.

Терак танасига қаттиқ чирмашиб, яхши ҳосилга кирган токни кўрган фаросатли деҳқон баҳорда теракнинг шохларини кесиб ташлади, ўсаётган шохлар токка, унинг новдаларига ҳалақит бермасин, дебди-да. Чунки унинг мақсади кузга бориб узумдан кўп ҳосил олиш эди.

Қайга кетди теракнинг шамшодлиги? У кундага ўхшаб қолди, аввалги оловлиги сўнди, тақдирига тан берди. Шохлари кесиб ташланган тумтоқ танаси йилдан – йилга ҳосилга қираётган узум новдаларига паноҳ, суянч эди, холос.

Унинг оға – инилари эса ёнгинасида кенг қанот ёзиб, шитоб билан баландлаб борар, мустаҳкам шохлари кўкка интилар, ям – яшил барглари шамолда бетиним шовулларди.

ЧУМОЛИ ВА БУҒДОЙ ДОНАСИ

Ўрим - йиғимдан сўнг далада қолиб кетган буғдой донаси сабрсизлик билан ёмғир ёғишини кутарди. Ёмғир томчилари уни ерга сингдириб, қадаб қўйса эди, эшик қоқиб турган совуқ шамоллардан омон қоларди.

Шу ердан югуриб ўтаётган чумоли уни кўриб қолди. Ўлжасидан қувониб, ўйлаб ҳам ўтирмай, оғир буғдой донини қилдек елкасига ортқилади, зўрға - зўрға қадам босиб, чумолилар уясига йўл олди.

Чумоли қоронғуга қолмай уйига етиб олайн деб дам олмасдан йўл босди, елкасидаги юк эса уни тобора босиб борарди.

- Нима учун бунчалик куйиб – пишиб мени олиб кетаяпсан? Илтимос, шу ерга ташлаб кет! – дея ялиниб сўради буғдой донаси.

- Агар сени ташлаб кетсам, - деди чумоли пишнаб, - биз қишда емаксиз қоламиз. Биз – кўпчиликмиз. Ҳар биримиз қиш ғамини ейиш учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Шунда буғдой донаси ўйланиб қолди ва деди:

- Мен сендай ҳалол меҳнаткашнинг ташвишларини тушунаман, лекин сен ҳам менинг аҳволимни англа. Мени эътибор бериб тингла, эй, доно чумоли!

Чумоли бир пас чарчоғини ёзиб олиш учун тўхтади, елкасидаги юкни ерга туширди, ўтирди.

- Яхшилаб билиб ол, - деди буғдой донаси. – Менда жуда катта ҳаётий куч мавжуд. Менинг қисматим – янги ҳаётни дунёга келтиришдир. Кел, иккаламиз битим тузамиз.

- Яна қанақа битим?

- Агар мени чумолилар уясига олиб бормасанг, даламда қолдириб кетсанг, - Идея тушунтирди буғдой донаси, - бир йил ўтгач, сени тақдирлайман.

Хайрон бўлиб турган чумоли ишонқирамай бошини чайқади.

- Менга ишон, қимматли дўстим, мен сенга асл ҳақиқатни айтаяпман. Агар мени ташлаб кетиб, сабр қилсанг, мен сабрингни ортиғи билан мукофотлайман. Шунда уйинг буғдойга тўлиб кетади. Сен битта буғдой донаси ўрнига юзта буғдой донаси оласан.

Чумоли бошини қашлаб, ўйлаб қолди: « Биттасининг ўрнига – юзта. Бундай мўъжизалар фақатгина эртақларда бўлади».

- Буни қандай қилмоқчисан? – ҳам қизиқиш, ҳам гумонсираб чумоли.

- Бу – ҳаётнинг буюк сири. Кичкина ерни қазиб, мени ўша ерга яшириб қўй. Ёзда яна шу ерга қайтиб кел.

Чумоли ёзда далага қайтди. Буғдой донаси ваъдасининг устидан чиқди.

КЕДР

Боғда кедр дарахти ўсарди. У йилдан – йилга кучга тўлиб, янада тикроқ, янада гўзал бўлиб борарди. Унинг ҳашаматли, шоҳона тожи баландлаб, бошқа дарахтлардан ўзиб кетди ва уларга қуюқ соясини солди. Бироқ у баландлаб боргани сари ундаги такаббурлик ҳам шунчалик ўсиб борди. Кедр дарахти атрофдагиларга менсимайроқ қаради-да, буйруқ оҳангида кичкирди:

- Мана бу бадбашара ёнғоқни олиб ташланг! – ва ёнғоқ илдизи билан суғуриб ташланди.

- Менинг мана бу анжирга тоқат қилолмайман. Унинг тасқаралиги жонимга тегди. Ундан мени халос қилинг! – деди инжиқ кедр. Анжирни ҳам ўша машъум қисмат кутди – олиб ташлашди.

Ўзи билан ўзи овора, новдаларини мағрур силкитиб, кеккайгандан кеккайган, кўркам жаврашдан тинмасди:

- Атрофимни нок ва олмалардан тозалаб ташланг! – ва дарахтлар ўтинга айланди.

Шундай қилиб, тиниб – тинчимаган кедр дарахтларни бирин – кетин кесишга буйруқ бераверади, катта боғнинг ёлғиз бекасига айланди. Боғнинг салобати йўқолди, аввалги кўркидан фақат тўнкалар қолди, холос.

Кунлардан бир куни кучли довул турди. Совуқдан қалтираб колган кедр бор кучи билан унга қаршилиқ кўрсатди, мустақкам илдизларини ерга қаттиқ қадади, оёқларини тираб олди. Шамол эса йўлида бошқа дарахтларни учратмаганидан ҳеч бир қийинчиликсиз бир ўзи қакқайиб турган кедрга ташланди, уни юлиб – юклади, илдизларигача қўпориб ташлагудай силкитди. Эзилиб кетган кедр дарахти бундай қахрли шамолга дош беролмай, қарсиллаб кетди ва ерга юзтубан йиқилди.

РУС ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН ШЕЪРЛАРИ

ОЙГУЛ СУЮНДИКОВА

АВТОБИОГРАФИЯ

Я, Ойгул Баратовна Суюндиқова, родилась в семье учителей Самаркандской области Пайаркского района 17 сентября 1957 г. Здесь закончила школу и сначала обучалась в Ташкентском культурно– просветительном техникуме по специальности библиотекаря, закончив его с отличным дипломом. С 1980 г. по 1985 г. училась в Московском Литературном институте и занималась в семинаре поэзии у поэта Е.А.Долматовского, защитила диплом – сборник стихов – «Уфклар ёнганда» (Когда горят горизонты) на отлично. После окончания института поработала в школах, в журналах, в институтах. Я участвовала в следующих творческих семинарах и конкурсах:

- 1978 г. – г.Шахрисабз (молодежно - творческий семинар)
- 1984 г. – г. Ташкент. (молодежно - творческий семинар)
- 1991 г.- г.Фергена (творческий семинар учителей - поэтов)
- 1993 г. –г. Гулистан.(творческий семинар учителей – поэтов)
- 2002 г. – г.Ташкент (конкурс журналистов женщин –«Атиргул», дипломам награждена)
- 2008 г. – г. Ташкент (конкурс переводчиков при поддержке Посольства Российской Федерации, дипломам награждена).

Вышли мои следующие стиховорные книги:1.«Уфклар ёнганда», Т., 1986 г. Изд. Им. Г.Гуляма. («Когда горят горизонты). На узбекском языке.2. «Умр куйлари» , Т., 1986 г. Изд.«Ёш гвардия»,(Мелодии жизни). На узбекском языке. 3. «Эътикод», Т., 1990 г. Изд. Им. Г.Гуляма. (Убеждение). На узбекском языке. 4. « Мен туғилган юрт», Т., 2007, изд. Ворис. (Родина, где я родилась). На узбекском языке. 5. «Мулланафас». – перевод с туркменского. – Ташкент, 2010. на узбекском языке. 6. Аннотированный каталог. – Ереван, 2009. (стихи) на русском языке. 7. «Пайариқ оҳанглари» - Тўплам. -Самарқанд, 2007. – (Пайарикские мелодии», на узбекском языке).8. «Илонбалиқ» - таржималар. Тошкент, «Мухаррир» нашриёти, 2009. - Тўплам. –(«Змеирыба», на узбекском языке).9. «Муборак дамлар»- Тошкент, тўплам. -1997. – на узбекском языке. 10. «Ёшлиқ баёзи - 80» - Тошкент, 1980. - Тўплам. (на узбекском языке). 11. XX аср жаҳон адабиёти. - ҳикоялар, таржималар. – Тошкент, 2009. (переводы, на узбекском языке).

Кроме этого, мои стихи и переводы с русского на узбекской из русской и всемирной литературы печатались и печатаются в республиканских альманахах, газетах и журналах. Я член Союза Писателей Узбекистана с 1989 г. Семейная, мать троих детей. Мой супруг – Ортиқбой Худойбердиев – журналист. Живём в Ташкенте. Данное время работаю в детском журнале .

СТИХИ

Не крепостью – родного дома стены,
Когда встает беда сплошной стеной.
Замкну уста я – ни слезы, ни стоны,
Лишь одного прошу – не быть одной...

Дай бог перенести свои потери
И, распрямившись, снова обрести!
Мы счастья ношу пополам разделим.
Я не смогу одна. Не уходи...

Природа до солнца возносит
И дарит такие лета!
Но каждую новую осень
Не горько ли вам облетать?

Застыли древесные соки
Как будто уснувшая кровь.
Но знаю – в заветные сроки
Оденете новый покров.

Я здесь не мудрец, не учитель –
Самой буй освоить азбуку!
Деревья мои, не молчите,
Хоть знак мне, хоть каплю росы...

Что – праздник, что – сладкие чащи,
Пустые слова похвалы!
Но – обетованная чаша,
Зеленые ветви, стволы...

Переводы с узбекского Беллы ГЕРШГОРИН

(«Молодая смена», журнал. 1987 № 7, Ташкент).

МАРТОВСКИЕ КАРТИНЫ

1

В марте выпал снег. Странные желанья
И странные чувства пришли в сердце мне.
На обледенелых дорогах схватывает дыханье,
Ну как тут не тосковать по весне?

Чем дальше всматриваешься – тем ночь длиннее,
Даже с мартовским снегом что-то не то.
Лишь город безразличен, гул его все слышнее –
Упаднических настроений не знают авто.

В городских парках с распущенными волосами,
Как заблудившийся дервиш, бродит снег.
Томленье деревьев – великое самое:
Весна – их детство, их первый побег.

Идешь – и путь преграждает мысли
Подавленное небо, тоскливо и тускло.
Безмолвные стены над сердцем нависли,
О как тяжело без весны, как грустно!

2

Из столицы ушел почему- то печальный
Самый последний день зимы.
Деревья молчат, хоть сегодня начальный
Весенний день встречаем мы.

Ночи без звезд. Темный – темный лес.
Все тихо кругом, все беззвучье хранит.
В глазах моих глубина небес,
И я не хочу ее уронить.

Небо, как сердце , - переполнилось явно:
Всю ночь сыпал снег, белой далью вставал.
И падая, он диковато смеялся
И, чувствуя гибель свою, лютовал.

Небо видит сон. В этом сне
Я самой счастливою птицей летаю.
Река видит сон. В этом сне
Плыву я, волны ее лаская.

Зима погрузилась в объятая сна,
Ей снится цветѹ, что из недр вѹрастают.
А этим цветам уже снится весна,
Прекраснейшая из всех, что я знаю.

И ветер тоже забѹлся сном,
В котором лечу я по небосклону.
А мама моей снится сон о том,
Что утром вернусь я к родному дому.

Безнадежный и тяжкий день завершен,
Не было ни дождя, ни письма.
Молчание серый обняло небосклон,
Рассеянные сады смотрелись скучно весьма.

Все валилось из рук, любая работа, -
Пенье птиц казалось печальным почти;
Только город был, как всегда, в заботах,
И гул его лился, как сталь, из печи.

Я шла одна к кладбищу... Мое состояние
Сопрягалось с закатом в его скорбях.
На заходе солнца вера рыданья
Так и остались висеть на ветвях.

Не радовали, хоть не смущали разум
Мраморные камни, цветы, монументы.
Здесь все смотрят на тебя разом
И задают вопрос одновременно.

Большие и маленькие, свой и чужой
Проступают на плитах, твой взгляд лица.
И тяжкий день мой обрел покой,
Вместе со мной придя на кладбище.

Вновь серый город в объятиях осени,
В садах зачарованность после дождя.
Трепещет листва в неземной невесомости,
Пока чуть замочено пряжа ветвей.

Куда – та торопятся ненастья,
Влекут мое сердце в небеса середину.
Спешит, словно жизнь, медлит, как будто счастье,
Та осень, с которой я сердцем сроднилась.

Полночь. Я. Холодная комната.
Ветра морозного пляски.
В окно мое шепчит (вот она!)
Зима свои первые сказки.

Окно мое тоже рассвета ждет,
Будто сказать что – то хочет,
Слези горячая глаза мои жжет,
Сердце сжимается в одну строчку.

Полночь. Белесых небес кружева,
Песни стужи в оконной раме.
Холодная комната. Я чуть жива
И так тосковалась по маме.

ЛИСТ

Уж почкой он глаза открыл
И к солнцу жадно устремился.
Росой лицо свое омыл,
Душою с песнею сроднился..

Как звездный смех, что ночь кружил,
Ушел огонь весны из сада.

И осень, пожелтев как жизнь,
Запела песни листопада.

В душе листка печальный стон:
« О, скольких не постиг я истин!...»
С несбывшейся надеждой листик
Уже землю погребен.

Идти буй идти бесконечной дорогой,
Лишь только бы пыль не тревожила глаз.
Кто – то сказал: « Стань мне другом! – так много
Невыданнѹх красок есть в мире для нас».

Идти бы идти бесконечной дорогой,
Чтоб мыслей усталых не слышался зов.
Кто – то сказал мне: « Мой друг, ты мне дорог,
Увидимся в добрый наш час, будь здоров!»

Идти бы идти бесконечной дорогой,
Чтоб стала она оживленной тропой.
И кто – то мне руку у порога:
« Прощаюсь, чтоб новый ждать встречи с тобой».

На дворе удивительный дождь,
Заставляет забыть печаль.
Осень дальше уходит, но все ж
Расставания с нею не жаль.

На дворе удивительный дождь,
Заставляет ждать новых вестей.
Если в долгом томлении ждешь,
Невозможность свершится верней.

На дворе удивительный дождь...

Деревья больны – и не задают вопросов,
Будто лишилась природа веры.
Лицом к лицу со мной время прозы:
Нет ни снега, низвезд, ни луны, ни ветра.

Месяц сунбула завершается грустно,
Нерадостные чувства душой владеют.
И сердце ширится грусти русло,
Где земля? Где небо? И где я?!

Переводил с узбекского Николай Ильин
«Звезда Востока», 2010, № 2

ОЙГУЛ СУЮНДИҚОВА

ТАРЖИМАЛАР

ШЕЪРИЯТ
НАСР

ТОШКЕНТ - 2010

Таниқли шоира Ойгул Суюндиқова ўзига хос овози ва қаламига эга. Унинг лирик шеърларидаги дилбар оҳанг ва тиниқ ранглар самимийлик билан уйғунлашиб, дилларда ажиб ёруғлик ва уйғоклик уйғотади.

Айни пайтда шоира ижодида бадий таржима – назм ва наср – катта ўрин тутади. Яқин ўн йиллар давомида (1999–2008) шоира таржималари кенг китобхонлар ва ўқувчилар, жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Бу таржималар «Жаҳон адабиёти» журналы, шунингдек, бошқа даврий нашрларда чоп этилди.

Шоиранинг янги «Таржималар» китобида жаҳон адабиётининг энг сара намуналари жамланган. Ҳар бир таржима бетакрор, бир-бирини тўлдириб борувчи дунёлардир.

«Таржималар» китобида Сиз ҳам дунё шоирларининг нафасини сезасиз, овозини эшитасиз ва улар чин дўстингизга айланиб қолади, деган ниятдамиз.



Ойгул Суяндикова 1957 йилда Самарқанд вилояти Пайарик туманида ўқитувчи оиласида туғилган. 1985 йилда Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтига тугаллаган. «Уфқлар ёнганда» (1986), «Умр куйлари» (1986), «Эътиқод» (1990), «Мен туғилган юрт» (2007) шеърий китоблари чоп этилган.

1974 йилдан буён, туман, вилоят ва республика матбуотида шеърлари, таржималари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. 1989 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Марина Цветаева

Марина Цветаева (1892-1943) – рус шеъриятида муҳим ўрин ва аҳамият касб этувчи хассос шоира. Унинг ижоди кенг кўламли, ҳақиқий ва ўтли асарлар билан бугунги кунда ҳам адабиёт ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда.

Уларда шоира руҳиятининг кенглиги, теранлиги, туйғуларининг чуқур ва тиниқлиги, давр нафасининг уйғунлиги, инсоний қадриятларнинг олий ва юксак чўққилари намоён бўлади. Унинг ҳар асари, шеъри ўзига хос ва бетакрор.

Марина Цветаева А. Блок, С. Есенин, В. Маяковский, Б. Пастернак сингари забардаст шоирлар билан бир даврда яшаб, ижод қилди.

Шоиранинг қисмати қанчалик фожиали кечмасин, ўтли мисраларида ҳаётга чексиз муҳаббат яққол сезилиб туради.

Кимдир келар-ўлим ғалабасига.
Дарахтларда-кибр, фоже қайроғи.
Иудалар-қонли қурбонлик рақси!
Дарахтларда-тилсиз сирлар титроғи.

Бу-асрга қарши исён, суиқасд:
Ўлчовлар, ҳисоблар, вақт, касрлар.
У ери - бу ери йиртилган парда:
Дарахтларда-қотиб қолган қабрлар.

Кимдир келар. Осмон-йўл ибтидоси.
Дарахтларда-бахтнинг йўқ интиҳоси.

Қуёш-ягонадир, шаҳар кезади,
Қуёш-меникидир. Ҳеч кимга бермам.
На лаҳза, на нигоҳ, на нур сезади-
Қуёшни бермайман. –Ҳеч кимга. Ҳеч дам.

Зулматларда сўнсин шаҳарлар, майли,
Қуёш-қўлимдадир! Қуёшсиз очун!
Ёндиргум-қўлу лаб, юрагим-далли!

У йўлдан адашса энг қоронғу тун
Еламан изма-из... Қуёшим менинг
Ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман сени!

Ёнингга келаман, рақибам, у тун
Худди ҳозиргидай нурга тўлади.
Ҳовузда бақалар додлар бетугун,
Аёллар оғриқдан телба бўлади.

Мен-аср туғени ийлаган ҳур сас-
Рашкли кипригинга тўкиламан жим.
Айтмоқчи бўламан, мен-одам эмас,
Тушман-рўёларга айланган қоним.

Айтмоқчи бўламан,-юпанч бер, шаффоф
Юрагимга кимдир михлар қоқмоқда!
Айтмоқчи бўламан,-шамол ҳали соф,
Оловли юлдуздан шуъла оқмоқда...

Мен-махбуса. Сен эса-соқчи.
Сендан ортда қолиб бўлмайди.
Тақдир битта-бўм-бўш, алдоқчи
Сафсатага бўшлиқ тўлмайди.

Табиатим юввош, мулойим!
Нигоҳларим ёрқин! Ўтинчим-
Ҳув, қайинга қадарлик бир зум
Сайр этмоққа изн бер, соқчим!

Бемахал кўзғалмас кема,
Булбул бевақт куйламас билдим.
Мен қанчалик яшаш истамай,
Оҳ, шунчалик ўлгим ҳам келди!

Болаликда бўлгани каби
Терлаб чиқдим лото ўйнидан.
Ўз бахтига ишонмас кўнгил,
Дунёлар бор дунё қўйнида.

Дилни меҳр билан чулғайди хаёл,
Тез орада мени чорласа йироқ,
Кимга қолар экан-қалин жун рўмол,
Бўрининг мўйнаси, ихчам қўлтаёқ...

Ферузаранг кумуш билакузугим,
Кимнинг насибаси... Жами ёзувим,
Гулларни асрашга тоқат қилар ким...
Энг сўнгги қофиям-энг сўнгги туним!

На ўй, на зор, на қизғин баҳс,
На оромбахш уйқум бор.
На кун, на ой ва на денгиз,
На кемага орзум бор.

На деворлар, яшил боғлар
Ҳидин сезар туйғум бор.
На кутганим-қайноқ чоғлар
Тухфасини туйғум бор.

Қувонтирмас тонг ва тунлар,
Трамвайлар елиши.
Яшайпман-унут кунлар,
Вақт ва аср келиши.

Туюлар, мен-кичик раққос,
Занжири узик мастман.
Қоронғу ой ичра ҳассос,
Мағрур хаёлпарастман.

Жуда эрта туғилди шеърлар,
Эсимда, уларга қалбим берганим.
Бамисли фаввора томчилар, нурлар
Билмаган эканман шоир эканим.

Саждагоҳга кирган иблис сингари,
Ёшлик ила ўлим беун жўшади.
Оромли, исирик ҳидли гўшада
Ҳали ўқилмаган шеърлар жангари

Миттидай дўконда чанг босган ғамнок!
(Уни ҳеч ким олган эмас ва олмас!)
Бебаҳо дардларим-шеъримнинг олмос
Даври келгусидир шодумон ва пок.

Дўнгликларда югурар сўкмоқ
Жажжи-жажжм оёқлар билан.
Ока оқар сокин, эринчок
Уйқудаги ўтлоқлар билан.

Қўнғироклар жаранглар, зарб-ку
Шошилади зарба ортидан.
Борлиқ куйлар эди энг эзгу
Болаликнинг хотиротидан.

Тонглар жаннат, чошгоҳлар жаннат,
Ловуллаган уфқ - оҳлар жаннат!

Яркираган шамширлар – сурат,
Қасрларни кулфлар сукунат.

Бари қайга кетди афтода?
Орамизда тўсиқ бор – недир?
Гулпуштанинг ўтинчи - бода,
Тушдагидай чайқалар оғир...

Менга ёқар, бемормасиз мен боис,
Менга ёқар, бемормасман сиз боис.
Менга ёқар, оғир заминнинг шари
Пойимизда оқиб ётмас сарсари.

Менга ёқар, бўлмоқ мумкин кулгили,
Сўзлар ўйинисиз яшамоқ мумкин.
Қўллар қўлга ногоҳ теккан маҳали
Қизартира олмас димикқан тўлқин.

Менга ёқар, кўзим олди-қаршимда
Ўзгаларни қуча оласиз сокин.
Сизсиз яшаганим ҳаққи, аршимда
Менга мўлжалламанг жаҳаннам ўтин.

Азизим, исмимни ёдлаш ёдида
Яшаманг на кундуз, на тун-бефойда...
Черковнинг улуғвор сукунатида
Куйланмас биз учун-аллилуйя!

Мени севганингиз учун билмасдан,
Сиздан миннатдорман юрак, қўл билан.
Майли, севиб яшанг,-тун, ором ҳаққи,
Қуёш кулмаган кун, олис шом ҳаққи;

Кунботарги гўё ногоҳ васлимиз,
Сайримизга зор ойдаги ғам ҳаққи...
Бемормасман фақат сиз боис-ҳайҳот!
Бемормасман фақат сиз боис-ҳайҳот!

Шеърлар ўса бошлар юлдузли, гулдай.
Қайдин оқиб келар менга бу шуъла?
Тождлар, тантаналар сўйлар бир тилда,
Юрагим тўлиқар, тўлғин ашула.

Тушимда ёрилиб кетади тошлар,
Кўкдан нур ёғилар барг нафасида.
Дунё, ишон! Куйчи туш кўра бошлар
Юлдуз шуъласида, гул шевасида.

ДОН ЖУАН

Туманли тонгда узоқ
Бўзлайди шамол, бўрон.
Бу қор майин, қор оппоқ,
Ётар унда Дон-Жуан.

Фавворалар сукутли,
На юлдуз, на ёруғ бор.
Ҳоч ярқирайди ўтли
Мажнун кўксида бедор.

Бу қоронғу рўёни
Ёритай деб атайин
Келди юрагим-тун-туғ.
Юрагим-бир ҳовуч чўғ,
Юрагим-тундай очик!

Олис юртдан сиз билан
Ишқ тўла дилбар дафтар
Ёнимга келди, ухланг,
Ухланг, Дон-Жуан! Етар...

Баҳс бойлаша-бойлаша.
Куйлай-куйлай толар тил.
Мени алдай-алдай Вақт
Аллалар-оромда дил.

Кўзларим юсам аста
Қайрилар киприкларим.
Тушимга кирар қушлар,
Дарахтга битикларим.

Оқшом чўкаётир улкан шаҳримга,
Мудраётган уйдан чиқиб кетаман.
Одамлар ўйлашар-аёлми, қизми,
Ҳаёлим ўғриси-тунга етаман.

Йўлимни супурар июл шамоли,
Қайдадир куй янграр элас ва элас.
Оҳ., тонгга қадарлик бу майин ҳаво
Бағрига босади кўксимни бесас.

Кўринар қора тол, деразадан нур,
Баланд минорларнинг кўнғироқлари.
Қўлда гул, қушдан ҳам енгил қадамлар,
Уларга сингийман соя сингари.

Тилла иплар каби ёнади олов,
Япроқлар ҳидидан беҳушман, беҳуш.
Кундузги ташвишлар, тинч қўйинг мени,
Дўстларим, тушунинг, бир тушман, бир туш.

Кўзингга сингиган мовий кўкка боқ,
Ҳайқиргинг келади:-Момоқалдирок!

Йўловчи ўтмоқда, қалбингда сезги,
Айқириб оққиси келади: - Севги!

Совук оқимларни ёраман тонг пайт,
Шеър бўлиб тўкила бошлайман:-Ҳайрат!

ҚАЛБ ВА ИСМ

Давра оловланар, бу ўт тафтидан
Исийин демайди, тўлмайдди бағрим.
Кўзимда ястаниб ётади кенглик,
Сен уни денгиз деб атагил, тангрим!

Бошни айлантириб юборар рақслар,
Мени ташлаб кетай демас соғинчим,
Шу соғинчлар солди қалбимга оташ,
Уларга денгиз деб ном бергил, тангрим!

Олов бўлиб куйлар афсунгар давра,
Ёниқиб чорлайди, тортмас оёғим.
Юрак йўлга тушди, йўл эса олис,
Йўлимга денгиз деб исм қўй, тангрим!

ДЕКАБР ВА ЯНВАР

Севинч туғди декабр тонгги,
Лаҳзада кечади
Умри илк бахтнинг.

Ёшартириб кетгай юракни бу бахт!
Қайғуси бор январ тонггининг,
Умри узун ҳасрат.

Таъми тахир, аччиқ бу ғамни
Тотдим илк бора!

АННА АХМАТОВА

(1889 – 1966)

Рус шеърятининг сўнмас юлдузига айланган шоира шеърятни, ижодни қисмат деб билди. Бу қисмат қувончлари ва изтироблари беқиёс сатрларда ўз аксини топди. Ундан улкан адабий мерос қолди. Анна Ахматова айтгани каби: «Шоирлик тақдим этилмайди ва тортиб олинмайди ҳам».

1

Пойимда танги куз! Ажиб наҳорни
Атай зориқтириб олиб келишди.
Ортга қайта олмас ўн беш баҳорни
Ердан кўтаролмай армоним жўшди.

Мен унга шу қадар зориқиб бокдим,
Борлиғим камради ардоқли хотир.
Кузнинг қаламида оловли оқди
Ҳеч кимга айтилмас энг қадимий сир.

2

Қуёшли хотирлар сўнаётир жим,
Майсалар сарғиш.
Қор-қировли кунлар ушлайди қўлим,
Гўё совуқ туш.

Тўлиб-тошиб оққан сувлар қайдадир,
Музлик бепоён.
Мўъжизалар қайтмас, дардларим оғир
Ўйлар беомон.

Дарахтларнинг боши осмонда, шамол
Куйлайди сўлим.
Умр йўлдошингиз эмасман, малол
Келмасин, жоним...

Қуёшли хотирлар сўлмоқда, нечун
Зим-зиё, олам?
О, балки!... Келишга улгурар бу тун
Аёзли қиш ҳам.

3

Соз чалади бола, соз чалар,
Қизча гулдан ўрар гулчамбар.
Икки йўл бор кесишган дилбар
Ўрмон қадар, далалар қадар.

Ёдга тушар олис муҳаббат,
Қайта ёнмас олов ва ҳайрат.

Ёшлик ўтди, сўнди ҳарорат,
Фақат ўчай демас хотирот.

Исинайин шу ўтда бир пас
Изн беринг, совуқ едим...О!...
Тиласам ҳам, кутсам ҳам келмас
Овозлари қанотли худо.

4.

Сен мени дафн эт, дафн эт, шамол,
Келишмади ҳатто энг яқинларим.
Бошим узра кезар бесас, бемалол
Саргардон шом ила замин унлари.

Мен ҳам эдим сендек армоним йўқ, ҳур,
Фақат жуда-жуда келди яшагим.
Музлаб бораяпман, музлаяпман, кўр,
Ҳеч кимсиз, ҳеч несиз кетмоқдаман жим,

Кўксимдаги тубсиз ярани бекит,
Шомнинг ним қоронғу нафаси билан.
Мовий туманларга етказ, амр эт,
Тиловат қилишсин руҳ саси билан.

Ёлғизликда енгил тортсин бу жоним,
Бир куни сўнгги йўл бўлса чин ёрим,
Улуғвор гиёҳлар бирла бетиним
Шовуллаб чорласин қайтмас баҳорим...

5. СЎНГГИ ҚАДАҲ СЎЗИ

Ичадурман вайрон бўлган уй,
Заҳарханда ҳаётим учун.
Иккимиз ҳам ёлғизмиз-ку, қуй,
Сенинг учун ичгайман бу тун.

Мени сотган лабдаги рўё,
Кўзлардаги ўлик қаҳр учун.
Бешафқат ва бўм-бўш бу дунё,
Худо дариг тутган меҳр учун.

6.

Бу ерни танладим айтайин ишон,
Қаерда зерикмоқ-барибир менга!
Баланд тепаликда мудрар тегирмон,
Йиллар тилсиз, сукут сақларлар бунда.

Оҳиста сузади қовжираб қолган
Зарпечак устида асаларилар.
Ҳовуз ёнидаман, хаёлим олган
Сув париси бевақт жон берди, дерлар.

Занглаган балчиқлар қалинлашади,
Саёзлашиб борар шундай кенг ҳовуз.
Терак учларига яқинлашади
Нозиккина ҳилол ердан узмай кўз.

Борлиқ янгиланар, яна кўз очар,
Мирза тераклардан намхуш ҳид анқир.
Сукутдаман. Сукунатим жон сочар
Яна сенинг бўлмоқ учун, она ер.

7. ОСИЁ...

Осиё, қадалдим қароқларингга,
Ичимга киргандай кўринди ичинг.
Сукунатнинг ўлмас кучоқларига
Сочилди ўйларим ҳавасли, қизғин.

Термиз саратони каби ёлқинли
Хотиралар оқди идрокларимда.
Карвонлари оғир, қадимий жонли,
Парчаланган вулқон ирмоқларидай.

Кўксимдан отилган бўзларимни жим
Ўзгалар кафтида ичгандай бўлдим.

8. ГУЛЛАЁТГАН ТОШКЕНТ.

Айтиб бўлмас кучнинг азми, амри-ла
Шаҳар бирданига нурланиб кетди
Ҳар битта ҳовлига севинч, сабр ила
Энг оппоқ, энг енгил хаёллар етди.

Юракда бир ажиб нафасли оҳанг,
Уйғонди бу олам хушсурат, дилбар.
Анҳорлар тубида осмон жилваранг,
Туйғулар тўлиқди, дилда йўқ кадар.

Хотиралар ўчмас, тиниқ ёнарлар
Олис юлдузлардан тонг чоғи ҳайрат.
Сочлари тун каби толим оналар
Кўлларида гуллай бошлайди ҳаёт.

9. ЎПРИЛИШ

1

Қанча ойлар ўтди, қанча йил ўтди –
Йўлларимиз айри. Бу қандай хабар –
Эркин қушларни ҳам изғИрин кутди,
Мўйсафид бошларда оппоқ гулчамбар.

Қор остида қолди ҳиёнат , қайғу,
Мени эшитмайсан тонг отса ҳам зор.
Асло ўхшаши йўқ ўшал илк туйғу
Хотираси ҳамон дилбар ва бедор!...

Ўприлиш онда ўшал илк кунлар
 Жонланди хотирда фаришта мисол.
 Оқарган новдалар виқорли, тунлар
 Хаёлни қамрайди кумуш мажнунтол.

Нечоғли такаббур, задали, кўзни
 Ердан узолмаган энг оғИр дамда
 Куйларди дил қушим илоҳий сўзни –
 Қандай содиқ эдик бахт ила ғамда...

Николай ГУМИЛЁВ

(1886 - 1921)

XX асрнинг дастлабки чорагида Россия шеърляти майдонида Маяковский, Есенин, Блок, Брюсов каби қатор забардаст истеъдодли соҳиблари билан бирга Николай Гумиёв ҳам қалам тебратди. Шўролар истибдоди қурбони бўлган шоирнинг ижоди оммадан «сир» тutilди. Фақат кейинги йиллардагина Николай Гумилёв асарлари ўз юрти–Россияда қайта–қайта нашр қилинмоқда. Ўзбек тилида унинг туркум шеърлари илк марта чоп қилинаётир.

СУВ ПАРИСИ

Сув париси бўйнида маржон,
 Ёқут лаъллар товланар алвон.
 Туш кўради ғаройиб нолон
 Дунё карахт, ўйлари сарсон.

Сўлгай ярим туннинг жамоли,
 Ҳайқиради денгиз шамоли.
 Сув париси ёниб қарайди,
 Сочларини тўлқин тарайди.

Ул фаришта кўзлари ғамғин
 Мен севаман шу қизни. Туннинг
 Сирларига чулғанар чоғи.
 Мафтункордир ҳар бир нигоҳи.

Ишқ кутаман фақат шу қиздан,
 Қарашида шафақ пардози.
 Ёқут кўзнинг оловли нози
 Мени олиб чиқди денгиздан.

ЎЛИМ

Энгда майин, рангсиз ва кулранг либос.
Пайдо бўлди нозли қарашлар алвон.
Сени кўрмагандим бурун бу алфоз,
Шамшир рақси авжда, карнайлар нолон.

Кўзимга тилларанг, сармаст кўриндинг,
Кучасан кўксимда лов–лов оловни.
Қалин туман ичра кўкка уриндинг,
Ёриб йўлингдаги ҳар қандай ғвни.

Мангулик шайдоси Австрейя янглиф
Нигоҳларда ажиб теранлик қаъри.
Томирларда қонлар шиддатга тўлуғ
Пишиқроқ эшилди қўл мускуллари.

Лек сени, гарчандки, ўзгасан ҳозир,
Танидим ҳув ўшал орзу–ҳасратда.
Жаннат кўшиғида сеҳрлар зоҳир,
Энди учрашамиз бизлар жаннатда.

ЎЙЛАР

Ўйлар меникига тўпланди нечун,
Тинч зулмат қўйнида ўғридай бехос?
Бадқовоқ, даҳшатли калхатдай беун
Нечун талаблари шафқатсиз қасос?

Умид ва орзулар зумда йўқолди,
Ҳаяжондан кўзим қинидан чиқди.
Хаёлот лавҳаси кўзимни олди,
Сўзим, ишим, фикрим жим ўқиб чиқдим.

Зафар кучганларни сокин нигоҳим
Билан кузатмоққа уринган эдим.
Бегуноҳ лабларга бу қайноқ оҳим
Бокира хис билан суринган эди,

Омоч нелигини билмасдан ўтган
Нозик эди бу қўл, нозик бу бармоқ.
Дарбадар қаландар кўшиғин элтган
Туйғу эзгин эди, аламли, янгроқ.

Қасос олмоқ вақти сабр ҳам тугар,
Кўрлар алдов қасрин бузар машшоқдай.
Ўйлар-сукунатнинг ўғриси бўғар
Мени қоронғуда қолган қашшоқдай.

ҒАЛАБАДАН СЎНГ

Жингалак сочимга қуёш нур тўқар
Шамол–ла тиллашиб, гуллар узаман.
Нечун бахтлимасман шу гўдак қадар?
Нечун ўзни шохдай нотинч сезаман?

Ёй иплари таранг, титраб толмайди,
Шивирлайди борлиқ шамшир шивирин.
У телба оролни унутолмайди,
Мовий денгиздаги бемисл қирғин.

Ўлим ҳозирлайди кимларга яна,
Эй, қудратли қилич, эй учқур камон?
Билмайсизки, бизлар бизга дўстона
Эгилган ҳар қарич ерга ҳукмрон.

Не денгизлар кемам ўпдилар тоша,
Қирғоқларни ишғол этдик жанг билан.
Наҳот замин ва кўк сарҳади оша
Сизга аён бўлди биз билмас душман?

АҚЛЛИ ШАЙТОН

Бу кўшиқни менга дўст Шайтон айтди:
У менга қадрдон, содиқ шу тобда:
«—Тун бўйи денгизчи сузди гирдобда,
Тонг отарда денгиз қаърига қайтди.

Пасаяр, кўпирар қайта ва қайта,
Тўрт тарафда тўлқин девори қайноқ,
Тўлқин томчисидан ҳам тоза, оппоқ
Буюк ишқи оқди роз айта—айта.

У сузиб кетаркан бонг урилди, бонг:
«Сени алдамайман, о, менга ишон!»
Унутма,-ўтинди ақлли Шайтон,-
У чўккан маҳалда отар эди тонг».

ТУШИМДА

Тушимда иккимиз жон бердик бирга,
Ранглар тонгдан тиниқ, нигоҳлар сокин.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрда
Ёнма—ён турибди, шундоқ ёнма—ён.

Қачон жонимизга тегди барчаси,
Қачон аён бўлди бу тилсим туйғу?
Юракдан силжимас музлар парчаси,
На оғриқ,на йиғи, на алам, қайғу.

Бу жонсиз ҳисларнинг жозибаси бор,
Донг қотган бу ўйлар майин, бекадар.
Лабларингга йўқдир менда майл, зор,
Гарчанд улар дилбар, ҳамиша дилбар.

Тақдир буюрибди, жон бердик бирга,
Ётибмиз, ниҳоят, нигоҳлар сокин.
Иккита оқ, оппоқ қабрлар тўрга
Ёнма—ён қўйилган, шундоқ ёнма—ён.

ШОМ

Яна бир бесамар кун,
Кечди, недан умидвор!
Оромбахш соя, келгин,
Қалбга кийдиргин ридо.

Ярашар бу инжу тун,
Сен келдинг... Ўлдириб жим
Ваҳший қуш ғамларини.

Ғолиб қадамларингнинг
Нашидасини бир зум
Енгишга кимда ҳад бор,
О, сен тунги ҳукмдор!

Юлдузлар сукунати.
Ёрқин ой–билакузук.
Орзулар салтанати–
Тушимга кирар нозик
Бахт азалдан азадор.

ЗАҲАРЛАНГАН ОДАМ

«Сен қордайин оппоқ, оппоқ бутунлай,
Бунчалар оқариб кетди ранг–рўйинг.
Не учун титрайсан, менга олтин май
Қўя туриб жомга тўлдими ўйинг?»

Қайрилдинг шу қадар енгил ва маҳзун...
Кўрдим у шаробни, шам ўчар, секин
Сени бўғар ўлим, талваса беун...

Мен эса ёниқиб сўзлайман: «Не тонг,
Азизам, мен ажиб туш кўрибман, туш.
Ҳудудсиз яланглик бўлди номоён,
Бош узра тилларанг осмон олар ҳуш.

На қаҳрим, на захрим ва на қатра кек,
Ким билан бўлсанг ҳам бахтли бўлгин, чек
Кўяман қайғуга, ҳасратга. Ол, эрк!

Менга жаннат ичра шаффоф хилқатда
Кўринар энг ёруғ кун мисли оху.
Йиғлама, жонгинам, жоним роҳатда,
Мени заҳарлади сен берган оғу.»

ҚЎШИҚ

Таратгайсан хушбўй ислар, ислар хушласанг,
Келмоқдасан порлаб–порлаб, чакнаб мисли ой.
Муқаддасдир қўлларингга неки ушласанг,
Уйғонажак, кўринажак энг сирли Чирой.

Сени десам ташвишларнинг кўшклари қулар,
Қадамингда оқар ором ёлқинларими?
Кўзларингда ғами тиниқ осмонми? Қўллар
Афсонага тўлуғ денгиз тўлқинларими?

Бу дунёнинг кўпдир, хўбдир дилбар аёли,
Ёлғиз сени истаб келди кўнглим хаёли.

ВЛАДИСЛАВ ХОДАСЕВИЧ

(1886 – 1939)

Бу ном яқин йиллар ичида яна она диёри Россияга, шеърият ихлосмандларига Гумилёв, Замятин, Набоков, Георгий Ивановлар қато-рида қайтиб келди.

Ҳассос шоир, моҳир таржимон, нозиктаъб мунаққид ўз ижодини 15 дан зиёд тўпламларга жойлади. 1922 йилдан бошлаб мусофирлик қисматини бошидан кечирган шоирнинг сўнгги кунлари Парижда кечди. Умр бўйи туғилган уйига интилиб яшаган Владислав Ходасевич шеъриятида Ватанига ўтли мухаббат, сўнмас садоқат, юракнинг сўлим туйғулари, соғинч изтироблари, умиднинг рангинлиги бетакрор тимсолларда ифодаланади.

Дўстларим. бир ажиб кунлар келади,
Йўқламас ҳаттоки тушимни андуҳ.
Қаранг, қўлларимда сабр гуллади,
Шу гуллар рангидан ранг олади руҳ.

Узаман, ҳавойи ўйлар занжирин,
Нақ камон устида сайрар кўнгулни
Кўрлим, товушларга сочилар сирим,
Осмонга кўтаргим келади гулни.

Билганим шу бўлди-тўлмоқда нурга
Гул тўла йўлларим, хув, йироқларда.
Қанийди, кетсангиз мен билан бирга
Жаннати ишқ истаб ўшал ёқларга!

Бурама йўлларда, дарё лабида,
Кечиккан турналар хонишларида
Ёлғиз кезинаман, сезинаман жим
Бағри кенг далалар ёнишларида.

Борган сари ўйлар сирли, шиддатли,
Қамиш шивирида учади видо.
Оҳиста қулаган сўнгги япроқни
Қумликка кўмади паришон дарё.

ЁМҒИР

Борлиғимни чулғайди севинч,
Томлар узра тиниқ шом ранги.
Ёмғир юва бошлар шаҳарни,
Томчиларнинг тиниқ жарангги.
Борлиғимни чулғайди севинч,
Ташқарини кузатаман жим.
Елдай учиб ўтдинг кўчамдан,
Туйғуларим ичра, ёлғизим.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Панароқда тин олиб бир зум,
Силкиб–силкиб соябонингни
Шошиласан, лабда табассум.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Билмайсанки, сендадир кўзим.
Мен томонга боқмайсан киё,
Мен томонга тушмайди изинг.

Борлиғимни чулғайди севинч,
Майли мени билмай ўтсанг ҳам,
Сенинг каби тоза, бебаҳо
Келаётир энг азиз кўклам.

Атиргулли боғларга эмас,
Куйи дардли чоғларга эмас,
Армони кўп тоғларга эмас,
Мен ичимга энаяпман, холос.

Булар-ҳамма биладиган сир,
Булар-ҳамма кўрадиган нур.
Бари бекор, бари бўлмағур,
Мен ичимга энаяпман, ахир.

Тун ортидан келар тонгни кут!
Тутун, туман, эриган булут
Каби оғир тушларни унут,
Ичингга эн, ўз ичингни тут!

САЙР

Яхшиямки, ҳали оламда
Тунлар ойдин, тунлар сеҳрли.
Бойчечакдай бўйли кўкламда
Баландлаган қайинлар меҳри
Урилгай ойга.

Яхшиямки, ҳали оламда
Мўъжизалар кутади юрак.
Муҳаббатга тўла оқшомда
Маликага фақат сен керак.

Яхшиямки, бамисли қанот
Йўлақларда ҳалқа–ҳалқа нур.
Сояларда титранар ҳайрат,
Эгилар жим, тебранар харир
Тим қора рўмол.

Яхшиямки, ўйлар севинчли,
Майли мени севмаса севмас!
Ўша дилбар кеча ва ўтинч
Маликани тинч қўймаса бас!

МЕНИ ИЗЛА

Кўклам келаётган чоғларда изла,
Қанотман, кўзларга илганмас, бедор.
Товушим, нафасим боғларда изла,
Шуёламан, у борки, билки, мен ҳам бор.

Бизни айрилиқлар енголмас дўстим!
Тингла, ўтган умр сўроқларини.
Кундуз оташлари сўнмабди, сездим
Ҳароратли қўлинг титроқларини.

Шошилмасдан изла. Кўзларингни юм.
Мен томон бир қадам боса олсанг, бас.
Бармоғинг учига қўнаман, жоним,
Оловли учқунга айландим бесас.

Ёруғ юлдуз, қадрдон осмон,
Тун эрийди майин ҳавода.
Тангрим, мени сақлайди омон
Эҳсонларинг, ишқинг дунёда.

Хаёлимда тиклана бошлар
Денгизларинг, тоғларинг, даштинг.
Қуёшингда шарафлар яшар,
Бу нурларнинг боқийдир гашти.

Тўкилади дув-дув ҳавасим,
Кўнглим ҳамон муҳаббатлидир.
Болақайнинг қоғоз қалъаси
Каби дунё омонатлидир.

БАЛЛАДА

Ўлтирибман хонамда яккаш,
Гир айлана ёруғ ва баланд
Ўн олтига шамдонли куёш,
Тўртбурчакли кўкка ҳавасманд.

Нурли уйим, мендан ҳам бой йўқ,
Жихозлар жим, курсилар тилсиз.
Қўлларимни қўярга жой йўқ,
Юрагимда ҳислар тизгинсиз.

Аёзда ҳам пальмалар оппок
Гуллаётир беғам, бетакрор.
Вақт оқади йўлида қайноқ
Ҳар лаҳзаси хаёлдай дилдор.

Умри қисқа бундай ғафлатга
Қайда ечим, қайдадир имкон?
Лойиқманми шундай ҳаётга,
Қани мени кутган кенг осмон?

Тебранаман, тиззамни тутиб,
Қўлларим—ла боғлаб ташлайман.
Бу дунёни буткул унутиб,
Шеърим билан суҳбат бошлайман.

О, бу нутқлар нечоғли кескир!
Гарчанд фикр йўқдир хайратли.
Лек товушлар дилбар ва ўткир,
Сўзлар борган сари кудратли.

Бу оҳанглар тобора маҳзун
Синиб борар сўнгакларимга.
Узун, узун, йўлдан ҳам узун
Тиғ ботади кўкракларимга.

Юлдузларнинг ўтинчларида,
Қадамимда олов ўрлайди.
Ўсяяпман севинчларимда,
Дилни янги туйғу нурлайди.

Кўзларимни очаман тиник,
Кўраяпман илонларни ҳам.
Улар юта бошлайди аниқ
Барча бахтсиз давронларни ҳам.

Айланади, рақсга тушади,
Мўъжизага тўлади хона.
Куйлар шамол билан жўшади,
Борлиғимда яйрар тантана.

Ўн олтига шамдонли қуёш,
Тўртбурчакли осмон йўқолар.
Қояларда мен каби яккаш
Орфей қўлга созини олар.

Бу хонимнинг қўллари қонли,

Узоқ ювди, қаттиқ артди жим.
Унутмади бу гал ҳам қонли
Томоғини чаймоқни хоним.

Хоним! Хоним! Қушдай толмайсиз,
Тўлғонасиз совуқ ўринда.
Уч асрки, ухлай олмайсиз,
Олти ойки, уйқу йўқ менда.

ШОМ

Изиллайди шамол, қор бўрлар,
Музликларда совуқ рангинлик.
Ич–ичимдан ёлғизлик ўрлар,
Эй, худойим, қандай ғамгинлик!

Тундлашади тўрт тараф-тўрт йўл,
Шафқатларинг кимга қаратдинг?
Тангрим, ўлим ҳақ экан буткул,
Кенгликларни нечун яратдинг?

Кимга аён бу синоат, сир,
Ҳасратларджа яширин роҳат.
Ёшинг ўтиб борар, барибир
Сендан айро тушмас муҳаббат.

МАРТ

Борлиқ илиқлашди, борлиқ ивиди,
Ойна йўлакларга дилинг кетади.
Тиниққан нафасга тўлдириб кўксинг
Осмон қўшиғини ёмғир айтади.

Мўъжиза эмасми? Тундли ва оғир
Чехрамизга биллур томчилар кўнди.
Узатсак, қўлимиз етгудай кўкка
Ердаги залворли туйғулар инди.

Асога суяниб ўтди қаландар,
Бирдан кўз ўнгимга келдинг, азизим.
Қизил ғилдиракли арава елар,-
Сен ҳам ҳаёлимда елдинг, азизим.

Шом чоғи йўлакда ёруғ чироқлар,
Сени эслатади менга, азизим.
Шу замин, шу осмон, денгиз, йироқлар,
Сени излатади менга, азизим.

СТАНСЛАР

Бир лаҳзага бутун умрингни
Бергинг келар дамлар бўлади.
Бу онларда дил сурурини

Ким куйласа, ғами ўлади.

Бугун эса буткул бошқа кун,
Кўпайгандан кўпаяр ажин.
Донишманддай айланар кун–тун
Қучоғида дарёлар сокин.

Билганим шу-олис юлдузлар
Чарақласа таралгай жаранг.
Кўрганим шу-майса ҳам сўзлар,
Сочларимга қўнар кумуш ранг.

Қатралари уммон хаёлот,
Кўринмас нур тўлқинланади.
Яхши–ёмон, паст–баланд ҳаёт
Илҳом билан ёлқинланади.

Кексалигим-қўшиқ бир ҳовуч,
Қўлдан келар ишим-бахшилиқ.
Кунимга кун қўшаётган куч-
Ёмонликни енгган яхшилиқ.

Қадамларинг енгил ва ғамғин,
Ердай вазмин тортиб борасан.
Неки ўтди-ўтли ва гулгун,
Неки қолди-татиб борасан.

Сокинлашар томирларда қон,
Ҳаволаниб учмайди қўллар.
Тўлишади меваси хандон
Кузги боғлар мисоли йиллар.

Кўзга тушмас энг нозик титроқ,
Илғаб бўлмас сирларни беун
Яна ерга эгилган бутоқ
Каби билмай ўтасан бир кун.

ҲАЙКАЛ

Қайдан олган дунё бардошни,
Кўрмадим бош,охирини ҳам.
Икки аср-икки қондошни
Шеърим билан боғладим маҳкам.

Яна Русга бағишлаб сурур
Тикланади ҳайкалим албат!
Асрларни кутаман мағрур,

Оқаверар ўлим билмас Вақт...

АЛЕКСАНДР БЛОК

(1880–1921)

Улуғ рус шоири Александр Блок ўзининг қисқа умрида бошидан Россиянинг муҳим воқеаларини кечирди ва бу унинг ўтли шеърида ўз аксини топди. Шоирнинг ота–онаси эрта ажрашиб кетишган бўлишса–да, Блок ҳамиша отасининг «қони»ни сезиб яшади. Шоирнинг онаси Александра Андреевна Бекетова ажойиб адиба эди. Онаси билан ўртасидаги руҳий ва маънавий яқинлик, меҳр – муҳаббат болалигидан то умрининг охиригача юрагидан ўчмади. У Бекетовлар оиласида ўсди. Бу уйнинг энг яқин дўстлари, меҳмонлари – Гоголь, Некрасов, Тургенев, Салтиков –Шедрин, Достоевский кабилар бўлиб, Бекетовлар оиласи том маънода илм, адабиёт ва санъат билан яшашарди. Ёш Блок болаликдан то умрининг охиригача ёзув столидан айрилмади. Шоирнинг бобоси – Андрей Николаевич Бекетов Петербург университети ректори, машхур ботаник олим ёз мавсумида гербарийлар йиғиш билан машғул бўлар, бу ишда кичик Блок бажонидил, ғурур ҳисси билан ёрдамлашарди.

Блок ҳаётида Россиянинг шимолий пойтахти Петербургдаги уйлари ва Москвадан унчалик узокда бўлмаган Шахматова қишлоғи муҳим ўрин тутди. Ёш Блок ҳамиша қиш кунларини Петербургда, ёзни Шахматовада ўтказар, унинг энг гўзал асарлари, шеърлари осойишта Шахматова қишлоғида дунёга келарди. Классик адабиёт руҳида тарбияланган Александр Блокда «янги адабиёт» таъсири кучли кечади. У бутунлай янги, қудратли сўз санъаткорига айланади.

Блок ҳаёти унинг нозик юрагини муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тўлдирган севгилиси, кейинчалик бир умрлик рафиқасига айланган Любовь Дмитриевна Менделеева – улуғ кимёгар олим Дмитрий Менделеевнинг қизи номи билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир–бирларини севиб, ардоқлаб, тушуниб, қўллаб–қувватлаб яшадилар.

Блок қолдирган улкан адабий мерос теранлиги билан умумбашарий аҳамият касб этади.

Черковнинг хорида қўшиқ айтди қиз
Ўзга юртда жондан тўйганлар ҳақда.
Кемаларни қайтиб бермаган денгиз,
Севинчни унутиб қўйганлар ҳақда.

Овози гумбазлар узра сайр этди,
Нурда товлантлар елкасин малак.
Ҳар ким қоронғуда кўрди, эшитди
Қандай куйлаганин нурда оқ қўйлак.

Барчага туюлди – шодлик бўлажак,
Жойидан қўзғалар ул кемалар ҳам.
Ёру\ ҳаёт ила бахтга тўлажак
Бегона элларда хориган одам.

Ширин эди овоз, нафис эди нур,
Фақат йироқларда сирли уфқ бор.
Ҳақнинг эшигида гўдак йиғлайдур –
Ҳеч ким қайтиб келмас деган қўшиқ бор.

ЁЛҒИЗЛИК

Шамол. Музлаб боради дарё,
Дарё бўйлаб увлайди шамол.
Баҳор яқин, тошлардан садо
Сизиб келар бамисли хаёл.

Тош ёнида ўй суради у –
Юрагида аччиқ изтироб.
Қачонлардир бургутсимон бу
Нигоҳларда бугун кул–сароб.

Қалқиб кетди кеч тушар чоғи
Кўз ўнгида жонланди ўтмиш.
Унут бўлмас ғамнинг қирғоғин
Бесас соя, шарпалар тутмиш.

Мутлоқ ёлғиз, у мутлоқ ғариб,
Уни олам унутган гўё.
Қариб борар, боради қариб,
Ҳасрат адо қилади, адо...

Кўринади туби йўқ зулмат,
Иблис ёвлар қилишмас шафқат.
Қайда умид, қайда ҳарорат,
Қайда дўстлар, қайда муҳаббат?!

Наҳот ташлаб кетди бариси,
Наҳот қисмат эди бу қай\у?
Наҳот қалбда армон нафаси
Ва тонгларни кутмоқ беуйқу?

Қайга оқди орзулар? Ненинг
Қаршисида ўзни йўқотди?
Эслар экан югурик умрин
Ўтмиш ўйлар уни уйғотди...

Ширин эди бу дам ҳорғинлик,
Енгил қувонч кезар руҳида.
Хуш ёқарди дилга сокинлик,
Ғам сезинмас шамол уҳида.

На хушомад, на шуҳрат даркор,
Унутгиси келади ишқни.
Хотиралар ҳамиша бедор
Булулардай кучади уфқни.

Тўлди минор бағрига садо,
Гўзал ва кенг шаҳар йўллари.
Оқди кулранг ва олис само
Остидаги ўтли йиллари...

Сизиб чиқар тошлардан садо,
Яна дилни чулғайди хаёл.
Шамол.Музлаб боради дарё,
Баҳор чоғи увлайди шамол...

Шўрлик, хушомадгўй бадбахтлар...

Лири

Деразанинг ортида ёвкур,
Телбаланиб бўкирар бўрон.
Булутларни ҳайдайди ёмғир,
Шамол тинмас тилсиз, беомон.

Даҳшатли тун! Бундаин тунда
Ачинаман юраксизларга.
Надоматлар айтаман чиндан
Балчиқда ҳам кераксизларга.

Жафокашнинг толеси – зулмат ,
Ё ёмғир–ла олишмоқ. Ё, раб!
Деразанинг ортида фақат
Бўкиради шамоллар инграб!

Еламиз,еламиз, хур гўдақларим,
Азиз юрт сари!
Табиат куйлайди, соф юракларим,
Бизники бари!

Кенгликда – кўз ил\аб бўлмас фалаклар,
Тутун ва чанглик!
Еламиз, табиат хур гўдақлари,
Дала ва кенглик!

Елишар, елишар... Ғарамдан ошиб,
Чор – атроф – дала.
Бепоён уфқни бағрига босиб,
Ер титрар палла.

Елишар қошига куёшнинг, майнинг.
Озод паллалар
Иссиқ кучоғига босмоқда замин
Ўз болаларин...

Меҳрибон она ер чақалоқларин
Эркалаб кучди.
Баҳорий уфқда кўнғироқларнинг
Куйлари учди...

Уларни имлайди қоронғу тунлар,
Энг совуқ тунлар.
Уларга кўринар тезоқар кунлар,

Саноксиз кунлар...

О, одамзод насли, сенга алвидо!
Туманда денгизлар сузар паришон.
Қизил денгиз ичра энг совуқ ҳаво,
Туманни тарк этдим. Салом, янги тонг!

Халқлар, яна халқлар кўзига боқсам,
Гоҳо кўринмайди на ўт, шон, бироқ
Шу музни юракда эритиб оқсам,
Куёшнинг нурида тонг отса оппоқ!

Дераза ортида кезинмас шамол,
Ичкарида эса шамларим ўчди.
Кимдир кириб келди бесас, бемахал
Менга яқинлашди, елкамдан қучди.

Қайрилиб қарадим. Фақат осмонга
Шундай тикиламан руҳимда титроқ.
Бурилиб боқади у мен томонга,
Олисдан кўринар вазмин ва қувноқ.

На рўё, на туман эди у дилбар,
Нени англамадим, ё англаб етдим.
У ёнимга келди атай бу сафар –
Ўшал сирларимиз шивирлаб кетди...

Ойпараст мисоли хаёллар сурсам:
Она тупроқ ўлим билмаса, дейман.
Лоқайд, риёкорлар инсофга кирса,
Қурбимиз етмас иш бўлмаса, дейман.

Гарчанг оғир тушлар бўғар умрни,
Гарчанд димиртирар бу туш беомон.
Эҳтимол, қайсидир шўх йигит сирни
Очади – мен ҳақда сўйлайди оқ тонг.

Агар ғамгин тортса унинг кўзлари,
Қудратли юраги ғуссага ботса,
Гуноҳидан ўтинг! Не тонг, сўзлари
Дилларда эзгулик ва нур уйғотса!

НОМАЪЛУМ ҚИЗ

Димикқан шом. Майхона узра
Ёввойироқ ҳаво кезинар.
Сархуш оққан товушларда ҳам

Баҳор ўйи, ўти сезинар.

Олисларда – дала ҳовлининг
Тўзонларга тўлар кўчаси.
Иссиқ ҳиди келади ноннинг,
Гўдак йиғлар унда кечаси.

Фарамларнинг ортида ҳар кеч
Санқий бошлар масхарабозлар.
Хонимлар–ла харобазорда
Сайр этишар, ҳатто соз созлар.

Сузар музли ҳалқалар кўлда,
Аёл додлар, ҳеч кимнинг иши
Йўқдай! Кўкда беҳис, бепарво
Эврилади ойнинг гардиши.

Кўринади ҳар шом ёлғиз дўст
Кўлимдаги жом ичра фақат.
Сирли, аччиқ таъмли нафасдан
Менинг каби чайқалар карахт.

Ёнимдаги кўшни столда
Мудроқ малай қаққайиб турар.
Кўён кўзли майхўр аёллар
Гуноҳини ёлғиз Ҳақ билар.

Ҳар оқшомда айнан бир пайтда
(Ё тушимга кирармикан бу?)
Деразадан сирғалар туман,
Шоҳиларга ўралганча У –

Майхурларни оралаб ўтар,
Ҳар вақт ёлғиз, ҳар вақт оҳиста.
Туман, атир ҳиди уринар,
Деразанинг ёнига аста

Ўлтиради. Шоҳи кўйлақлар
Товланади боққаним сари.
Тилло узук, тилло балдоқлар,
Занжирлайди мени ул пари...

Занжирлайди мени тобора,
Юзидаги қайғу ортидан
Кўринади – беқиёс кенглик,
Ажиб қирғоқ унинг ортида...

Очилмаган сирлар очилди,
Кўлларимда – ненинг оташи?
Юрагимга санчилди ёмон
Ўткир майнинг ҳасратли ёши.

Учаётган парлар сингари
Хаёлларим сархуш ва уйғоқ.
Тубсиз, мовий кўзларнинг юрти –
Олисларда шовуллар қирғоқ.

Юракдаги сирларим билан
Шароб ичра тўкиламан жим.
О, сархушлик, сархушлик, ҳақсан!
Гуноҳимни билар худойим...

xxx

Шамол билан келди олисдан
Кўкламги кўшиқлар муждаси.
Очилди кўкнинг қай бурчида
Энг ёруғ ва тубсиз парчаси.

Ва жилвагар баҳор шомида
Бошдан учиб кетгандай хушлар
Кўз ёш тўкди қиш бўронлари,
Зар сочилди – юлдузли тушлар.

Бўзладилар кўринмас қора
Ранг ичида ҳуркак торларим.
Шамол олиб келди олисдан
Кўшиқларинг – тиниқ зорларинг...

xxx

Уй\онаман туманли тонгда,
Юзларимга урилар қуёш.
Зиналардан кўтарилаётган
Со\инганим, сенмидинг, оташ?

Ланг очилар оғир дарвоза!
Деразада анқир еллар ҳам!
Кўп куттириб қўйишган эди
Кўшиқларки, кувноқ ва хуррам!

Юзларимга туманли тонгда
Урилади қуёш ва шамол!
Улар билан кўтарилади
Зиналарга ул соҳибжамол!

xxx

Тушларимда – шодон хаёллар,
Тушларимда – эмасман ёлғиз...
Тонгга яқин уйғотди шовқин,
Парчаланиб кетаётган муз.

Хаёлимдан кечди мўъжиза...

У томонда – болталар чархлаб,
Хурсанд, қони қайноқ одамлар
Гулхан ёқди ҳангоматалаб,

Қатрон суриб оғир қайиққа...
Дарё куйлар ортиб ҳаваси,
Қучо\ида муз, мовий тўлқин,
Ва эшакнинг синган парчаси...

Бундай бахтли дамларда сархуш
Каби юрак тўлиқар чексиз...
Айрилмайди мёндан энг ажиб
Хаёлларим – эмассан ёлғиз...

ФАБРИКА

Деразаси заҳил кўшни уй.
Кеч тушарда оғир ва оғир
Урилади болтлар, одамлар
Дарвозага келади бир – бир.

Зич ёпилар темир эшиклар,
Ва деворда кимдир кўринар.
Қимирламас қоп-қора соя
Одамларни жимгина санар.

Баланд жойда туриб тинглайман:
Минғир овоз чорлаган дамлар
Пастдан эгик яғир елкасин
Кўтарганча чиқар одамлар.

Тўпланишар, тарқалар белга
Маҳкам боғлаб қуллик, ярани.
Кузатади заҳил дераза
Кула –кула умри қорани.

КУЗ ЭРКИ

Йўлга чиқдим, очик юз шамол
Қайиради шохларни қувноқ.
Қияликда майда – майда тош,
Сарғиш тортиб боради тупроқ.

Водийларда – намхуш куз ҳиди,
Очилар ер қабристонлари.
Қишлоқларда қизғиш тус олар
Четанзорлар хиёбонлари.
Шўх рақсини бошлар қувончим,
Буталар соз чалаётир, соз!
Силкинади гулдор кўйлагинг
Енгларидан учаётган ноз...

Ким чорлади мени бу йўлга,
Турма ойнасида таниш истехзо?
Тошли йўллар бўйида ғариб
Куйлаётган псалмами ё?

Йўлга чиқдим чорловсиз, тупрок
На енгилдир! Чалинар сархуш
Рус овози ! Майхона томи
Остида жим учаётган хуш –

Майга оқиб кетган ёшлигим...
Куйлатади армонли сурур –
Бўзлатади толлар қайуси,
Кенгликларинг севдим бир умр...

xxx

Баҳор йўлларида қанотли еллар
Кўшқларга, уйларга узатар қўллар,
Яйраб кетар тиниқ овоздан диллар.
Кўтаролмай ердан бошини бу кез
Зиналар ёнида кутар эди қиз,

Эшик ҳалқасини тутар эди қиз.
Олис-олисларга йўл олди дилдор,
Қайдаки, шовуллаар ям-яшил толзор,
Қайдаки, ўрмонлар узра учар зор.

Улкан қайинзорнинг қуюқ бағрига
Кўз ташлар сеҳргар нари – берида,
Қизни имлай кетди ўтлок қаърига.

Ҳайқирдим тўнкалар устида адл:
« Гўзалим, севгимсан, севгилимсан, бил!
Соғинчим, ёнимга, ёнимга, қайт, кел!»

Уни дағал қўллар менадан беркитди,
Улар майсазорга, кенгликка етди,
Ўрмон туманлари кўтарди – кетди.

Шундайин бир соғинч борлиқни тутди,
Шом чоғи шамоллар хушхабар кутди –
Баҳор ва афсунгар никоҳдан ўтди.

РУСЬ

Бетакрорсан тушларимда ҳам,
Қўлим етмас этакларингга.
Етолмайман уйқуда ҳам, Русь,
Сирларингга, эртақларингга.

Русь, белингни боғлаб дарёлар,

Қуюқ ўрмон, чангалзор сўзлар.
Ботқоқликлар, ҳатто турналар,
Милтиллайди афсунгар кўзлар.

Ўлкалардан ўлкаларгача
Қатор халқлар тунни орқалаб,
Куйлаб ўтди тонг шафақида
Ёнаётган қишлоқ оралаб.

Ялангликда алвасти, жинлар
Далаларга сочади сомон.
Қорли йўлда, симёғочларда
Дил хушлайди ажина, шайтон.

Том устида бўрон увлайди,
Зир – зир титрар ғарибгина уй.
Қор остида бевафо дўстга
Бир киз йўллар ҳамон ўтли куй.

Айри йўллар, кесишган йўллар
Эгри ҳасса каби ҳорғин, жим.
Сувсиз ҳовуз. Чинқирар қуюн,
Ривоятлар ёдланар қадим...

Тушимда ҳам кезиниб юрар
Қадим Руснинг оч – ночорлари.
Мен яшириб қўяман пахмоқ
Қуроқларга аччиқ зорларим.

Тунги ёлғиз ғамғин сўқмоқни
Эзиб ўтдим мозорга қадар.
Қабристонда тунадим, олис
Қўшиқ айтдим, айтдим бекадар.

Билолмадим бу қўшиғимни
Бағишладим кимга? Ё имон
Келтирдим мен қайси худога?
Ё ишқ ўти куйдирмиш ёмон...

Сингиб кетди кенгликларингга
Тирик қалбим ва тирик сезгим.
Сенга очдим, сенга бахшида
Ғубори йўқ биринчи севгим.

Етолмайман уйқуда ҳам , Русь,
Сирларингга, эртақларингга.
Бетакрорсан тушларимда ҳам,
Қўлим етмас этакларингга.

Баҳорни куйлади малика хушнуд
Наволар, оҳанглар учган маҳали.
«Унутма, малика, - дедим, - унутма,
Мени эслаб кўз ёш тўкарсан ҳали».

Шунда елкам қучди нозик қўллари,
Овоз жаранглади: « Кечиргил мени.
Қўлингга қилич ол. Жангга кир, отлан,
Йўлларингда омон сақлайман сени.

Олдга юр. Олдга юр. Қайтурсан уйга
Юрагингда \олиб бурч ва садоқат.
Биллур қўшқларимда ҳаттоки совуқ,
Ҳаттоки музларга қилурман тоқат.

Ул кун нигоҳларга кўчади қувонч,
Сокин оқиб ўтар йилларки, сулув.
Қасримни тарк этмас сирли ғулувлар,
Тубсизликда эса оқар тиниқ сув.

Мен ўшал дамларни кутаман интиқ,
Қўлим узатаман синдириб ғамни.
Сен ўша жанглардан олиб келурсан
Мен ҳам кутаётган эрка кўкламни».

Олис – олисларда яллиғланар уфқ,
Ёнаётир қаср, минорлар тикка.
Кетаяпман ўтли баҳор изидан,
Йўлим узок, мени кечир , малика...

xxx

Қуло\имни ерга тутдим, титрадим
Ернинг изтиробли товушларида.
Кўксимга урилди бўғиқ зорлар жим
Ҳад билмас зимистон оғушларида.

Ай, ўрнингдан тур-да, ёлқинлан ва ёқ!
Ай, баландроқ кўтар болғаларингни!
Парчала зулматнинг қора, чинкироқ
Ютаман деб турган долғаларини!

Ковлайди, ковайди ерни кўрсичқон,
Зўриққан нафаслар кўчади оғир.
Шошил. Қара, заиф бошоқлар ҳамон
Ойболта учида учади бир – бир...

Буғдой уруғидай тупроққа сингиб,
Майсаларга айлан,ерга бер салом.
Кутилмаган омад ортидан синиб,
Судралиб келмоқда рутубатли шом.

Кириб келаётган янги баҳорнинг
Нурларида эри, ардокла, куйла.
Қонларингдан оқиб чиққан сахарнинг
Гуллаётган оташ ишқидан бўйла.

xxx

Аза тутган тонг пайти тунги
Сўқмоқларга ёйилар нурлар.
Келаётир мазлумлар қалқиб,
Изларидан қолмас қонхўрлар.

Бу \ариблар ўй, ташвишини
Чул\аб олар соя, шарпалар.
Силласини куриитар баттар
Қорни тўқлар, оғзи катталар.

Кемаларни бераҳм гирдоб
Елканлари билан ютади.
Бели йўғон долғалардан ким,
Қандай қилиб шафқат кутади!

Кўпчиб турган тунд башарани
Кўрмай десанг – кўмгил қабрга!
Шундай ҳукм бергуси тақдир
Етказгуси \олиб сабрга!

Улоқтириб ташла елкадан
Чириётган тобутларни ҳам!
Шунда нурли қуёш остида
Зулматларга берурсан барҳам!

xxx

Най навоси кўприк устида,
Гулга кирди олмалар оппок.
Фаришталар кўкка кўтарди
Яшил рангли юлдуз ярқирок.

Нақадар соз кўприк устидан
Кўз ташламоқ тубсизлик қадар –
Бу сув бунча тиниқ, тезоқар!

Чўпон, қани ҳайда отарни...
Най куйлайди, юлдуз порлади.
Унут дунё ташвишларини,
Тезоқар сув кимни чорлайди...

Сен ҳеч қачон англамагансан –
Тубсизликки, дилбар, беғубор!
Сен ҳеч қачон тингламагансан –
Бундай теран сукут қайда бор!...

Сувда оқар хаёл сурдингми,
Ёки ажиб бир туш кўрдингми?...

РОССИЯ

Қайтиб келган каби олтин даврлар
Ҳилпирайди уч от абзали, пилта
Ниналар болайди эски арава
Ғилдирак изларин битта ва битта...

Россия, о, шўрлик Россия! Менга
Кўз ёши кабидар илк муҳаббатнинг
Энг ғариб, энг кулранг кулбаринг-да,
Шамолларнинг куйи – куйи ҳайратнинг!

Кўлимдан келмайди сенга ачинмоқ,
Авайлаб – асрайман ҳочимни абад...
Майли , бериб юбор афсунгарларга
Хаёл қароқчиси – чиройинг беҳад!

Сени буколмаслар, йўқотолмаслар
Жодуларнинг макри, алдовлар майли.
Фақат ташвишларим, ғамим туманли
Бетакрор , мафтункор ҳуснинг туфайли...

Нима бўпти, дерсан ? Ҳақсан, қайғунгда,
Томчи кўз ёшингда – дарё, анҳорлар.
Сен ҳамон ўшасан – ўрмон, далалар,
Кўз - қошингга қадар тоғлар, чинорлар.

Имконсиз нарсанинг ўзи йўқ гўё,
Бу йўллар тупроғи енгил, баногоҳ
Ярқираб кетади бир лаҳза олис
Чодирлар баъридан оташин нигоҳ.

Тинмайди, жаранглар соғинч ва оғриқ -
Куйлаб кетаётир извошчи бўғиқ!...

КУЗ КУНИ

Кетаяпмиз анғиз бўйлаб жим,
Сенинг билан ёнма – ён , дўстим.
Ёзилади кўнгиллар бу кез
Черковида қишлоқнинг ёлғиз.

Виқорли кун – куз куни сокин,
Эшитилар қарғалар бетин
Дўстларини чорлайди бир – бир,
Ўҳтин –ўҳтин йўталар кампир.

Ғаллаларга энади ҳаво,

Кўзга сингиб боради само
Тизим – тизим турна изида,
Бўғиқ овоз, видео бўғзида...

Учар, учар арғамчи каби
Йи\лаб борар йўлбошчи қалби.
Бу не товуш, ниманинг иси,
Қайдан келди кузнинг йиғиси?

Пастак уйли қишло-лар ичра,
Қучиб бўлмас ўтлоқлар ичра
Қора тортиб борган олис кун
Ловуллаиди зўр гулхан беун...

Ёлғизлардан ёлғизим, юртим,
Юрагимга энг яқин этдим!
Шўрликкинам, аёлим менинг,
Бунча аччиқ кўз ёшинг сенинг!...

xxx

Қўл силтаб шаҳарнинг ташвишларига,
Зерикарли шовкин – сурондан кечиб,
Кетаман дил бериб товушларига
Зимистон бўшлиқнинг бўронин ичиб.

Хаёл риштасини узаман бирдан,
Унутилар нима ва қандай бари...
Оппоқ қор, трамвай, уйлар ва нурдан
Йирокда кўринар зулумот қаъри...

Сеҳрланган каби ўзим ҳам билмай
Узиб юборсаму хаёл риштасин,
Қайтиб келар бўлсам ғамлари ўлмай,
Кечирар эдингми мен – ишқ хастасин?

Билгувчисан олий мақсад онларин,
Кўргувчисан маёқ каби ҳайратни.
Кечирдингми қалбим бўронларини,
Адашган хаёлим, шеърим, фурқатни?

Уйғот, қўнғироғинг чал, уйғот, илло,
Улар фориг этсин оғир дардимдан.
Шунда мени олиб кетолмас асло
Туннинг дайдилари уйим, юртимдан...

xxx

Олик ва эркисизлик ичра на бир кун,
На бир йил ўзига ўхшамай қолар.
Буғдой далалари шовуллар,беун
Хўрланган халқ қачон тинч нафас олар?

Гоҳо қад ростлайди, гоҳида эгик
Зулматда шитирлар ёзги хаёллар.
Тонгга қадар гиёҳ, дон – дунга битик
Битиб чиқар гўё сирли шамоллар.

Замин рангларининг гултожи – халқ, бу –
Рангин севинчларга сочади ёғду.
Қадамлари қутлуғ ёз билмас уйқу,
Бизга ҳам тутуди энг хушбахт туйғу.

МОСКВАДА ТОНГ

Ёқимлидир эрта тонг турмоқ,
Қумларда жим ва енгил юрмоқ.
Ёқимлидир эсламоқ сени,
Ёнимдасан, дилбарим менинг.

Сени яхши кўраман, гўзал,
Қайғуси йўқ ёшлигим азал.
Кремлинг нури мафтункор,
Сендай ажиб бу тонг қайда бор!

xxx

У томонда ёруғ осмонли ўлка
Димикқан доғларни боради ёриб.
У томонда ғозлар елкама - елка
Қуйлашар оловли чоғларни қориб.

Эркин ва хушнудман, кучли ва ботир,
Қадрдон водийлар севимли, азиз.
Тинглайман олисдан келади соҳир
Дамлардан бир товуш, унда оқдик биз.

У томонда шомнинг сиёҳи майин
Кузни бўяб борар кенг уфқ томон.
У томонда болта урилган сайин
Сийраклашиб борар кексайган ўрмон.

xxx

Менга илҳом шундай амр этмиш шитоб,
Қанотлари учқур хаёлларим ҳам.
Ёпишиб боради ҳўрлик ва азоб,
Зулмат ва ночорлик қаърига бу дам.

Даҳшатли оламини севдим мен, гўё
Ортидан кўринар чин заргар дунё –
Орзумдаги дунё, ажойиб рўё,
Энг оддий дунё бу, сеҳргар дунё.

Агар ўрмас бўлсанг, экмас бўлсанг ё
Билгинки, аталдинг – «шунчаки одам».
Кўлингдан келарми бу телба дунё
Хорлик – зорлигига бермоқлик барҳам?

Сени –да қачондир ўнгда ё тушда
Хўрлаганми очлик, беморлик, ўкинч?
Ғарибларни кўприк остида қишда,
Париж болаларин кўрганмисан ҳеч?

Ҳаётнинг қоронғу даҳшати тилка –
Тилка қилмай туриб, тезроқ очил, кўз.
Токи бу довулда сен севган ўлка
Сурилиб кетмасин қолдирмасдан из.

Агар алам кучли, нафратинг мағрур,
Яксон этсин қаҳри қаттиқ золимни.
Лекин ғаним эккан бу оғу қурғур
Бесамар кетмади, ёрди дилимни.

Гарчанд бу ҳаётда бағрингни очиб,
Дил бермадинг қорни тўқларга, фақат
Кўрсичқондаё кўрқиб, ёруғдан қочиб,
Ерга кириб кетдинг, маконинг – зулмат.

Гарчанд умр бўйи ғазаб ўтида
Дунёни лаънатлаб яшади, сўқир
Кўзлари кўрмади зулмат ортидан
Қалқиб келаётир тўлқинлар, ахир!

ТУШЛАР

Ором чоғи, тўкилар тинчим,
Кўзларимга уйқу келмайди.
От елади, тебратма курсим,
Отда елгим келар – билмайди!

Чирок нури туманда, илло,
Бир – икки! Бир – икки! Бир...! Кўринмас
Чавандозлар учади, аммо
Энаганинг эртаги тинмас...

Кириб бордим қадимдан қадим
Баҳодирлар эртагига ҳам.
Денгиз сари одимма – одим
Кетдим сизни излаб, маликам...

Бир – икки! Бир – икки! ... Бари зихрли,
Чавандозлар отин елдиар.
Чорлар мени йўллар сеҳрли,
Ва ортидан елдай елдиар...

Денгиз ошиб, уммонлар томон
Имлашади елгандан елиб.
Мовий туман ичида ҳамон
Ухлар гўзал малика кулиб...

Ухлар биллур ўринда сокин,
Ўтса ҳамки юзлаб олис тун...
Мовий нурли чироқ бетутун,
Юз – кўзини ёритар беун...

Кимбоҳларга ўралиб ётар,
Аллалайди тушлар оҳанги.
Деворларга урилиб кетар
Синаётган қилич жаранги.

Етти кеча – кундуз тип – тикка
Ул чавандоз ким-ла олишар?
Еттинчи тун гўзал малика
Боши узра ёруғ нур тўшар...

Мудраётган пардадан секин
Ёғилади майин – майин нур.
Тамбаланган турма эшигин
Жаранглатар калитлар бир – бир...

Босиб келар ширин бир мудроқ.
Мудрадингми? – Оромга сингдим.
Мовий нурлар, эй, мовий чироқ,
Сизни севдим, сизларга индим!...

xxx
З.Н.Гиппиус

Қулоғи беркилган йиллар туғилган
Борки, эслай олмас ўз йўлини ҳеч.
Биз – Руснинг даҳшатли йиллар боласи,
Сақлагаймиз барин эрта – кеч.

Ёниб, кули кўкка соврилган йиллар!
Телбалик ё умид келтирмиш хабар?
Уруш кўрган кунлар, эрк истар кунлар –
Юзда акс этади қонли шуълалар.

Гунглик, соқовликда наъра шовқини
Тилларни боғлади, оғизни ёпди.

Қачондир туйғуси тошқин қалбларда
Маъшум ва шум бўшлиқ чин макон топди.

Қузғунлар бошимиз узра чарх уриб,
Ўлим соясини ташласин, майли, -
Кимки бу шарафга лойиқдир, ё раб,
Ўша жаннатга йўл бошласин, майли!

ПУШКИН УЙИГА

Пушкин номли Фанлар академияси! –
Яқин, дилга яқин товуш нақадар!
Бу – улуғ дарёда жарангдор шовуш,
Кемадан – кемага кўчгувчи хабар.

Бу - қадимий Сфинкс, нигоҳи олис
Тўлқинлар изини қучади енгил.
Енгилмас мис отлиқ, темир чавандоз
Гўёки тулпорда учади минг йил.

Гарчанд сузиб ўтди ўтли қайғулар
Нева боши узра сирли ва беун.
Кутиб олдик гўё оғир сукутда
Қоронғу кунларни оловли оқ тун.

Алвон водийларни тухфадай тутган
Бу дарё бизни-да этмишдир асир.
Гарчанд бу – биз кутган кун эмас асло,
Гарчанд кутганимиз – келажак аср.

Четлаб ўтиб умри қисқа алдовни,
Чириб бораётган кунларни бир – бир.
Тиниқлашди мовий – пуштиранг туман,
Келаётган янги кунга инди нур.

Сенинг товушларинг эмасми жўшқин
Ҳаяжонга солган бедор йилларни?
Сенинг севинчларинг эмасми, Пушкин,
Қанот каби ёзган бизнинг қўлларни?

Шундандир – бу товуш ҳар битта қалбда
Ҳамиша қадрдон, ҳамиша яқин.
Пушкин номли Фанлар академияси–
Товушки, мафтункор! Товушки, чақин!

Шундандир – кун ботар чоғи ол ранглар
Тунга сингиб борар гўёки изсиз.
Мен эса Сенатнинг оқ майдонида
Унга таъзим бажо айлайман сўзсиз!

xxx

Ташвиш ҳам уйқуга чўмар тунлари,
Шаҳарни қуршайди зулмат - қора ранг.

О, шунда оҳанглар оқар илоҳий,
Она еримизни чулғайди оҳанг!

Ҳаёт бўронлари нимадир – гулинг
Гулласа, ёндирса юрагим менинг!
Кўз ёшлар нимадир – олис уфқда
Оловланиб кетса юрагинг сенинг!

Қабул эт, мен каби гуноҳкор банданг
Кўлидан, эй, бутун борлиқ эгаси,
Қон кечиб, ғам ютиб, қабрлар ичра
Куя – куя қотган изтироб сасин!

xxx

Осмон яллиғланди. Тун жим-жит, бежон.
Мени ўраб олар бу улкан ўрмон
Дарахтлари, олис, кўз илғай олмас
Шаҳар томонлардан келар тиник сас.

Қатор уйлар оғир, тим қора боғлар
Тош девор ортида тош қотган чоғлар.
Миноралар, совуқ боққан истехком,
Минг асрлик қалъа мағрур, мустаҳкам.

Асрлар қаъридан ойдин ва чанқоқ
Қалқиб уйғонади хаёллар уйғоқ -
Кул бўлган шаҳарлар унут шонлари,
Ва қайта тирилган ҳаёт қонлари.

БУЛУТДАГИ ТОВУШ

Бизни денгиз олиб келди оний туш,
Бу ёввойи ерга, хилватга охир.
Денгиз узра шамол – шиддатли товуш,
Тубсизлик дилларга солар хавотир.

Ҳорғин, бемор танга ўт солди бедор
Денгиздаги хушнуд момақалдирок.
Дарбадар тун боқди ҳиссиз ва беор
Қорайган юз, дардманд кўзларга узок.

Шамол – ла олишдик, олишдик ҳалол,
Зулматда, ниҳоят, сўқмоққа тушдик.
Ўсаётган бўрон элчиси мисол
Бир даҳо товушга уриндик, жўшдик.

Тошли тик жарликлар, лаҳзалик сукут,
Кўринди зарворли қиялик, қўрқоқ,
Парчаланиб кетган қоп - қора булут,
Шўх қўшиқ бошлади момақалдирок:

« О, ғамғин одамлар, толғин одамлар,

Уйғонинг, билингки, яқиндир севинч!
Денгиз мўъжизалар куйлар хуш дамлар
У томон йўл олар маёқлар ҳар кеч!

У излар иштиёқ, ҳавас йўлларда,
Ўрткир нурлари-ла ёруғ бу макон.
Соатлаб тикилар олис эллардан
Келаётган катта кемалар томон!

Кенгайиб боради нурлар йўлаги,
Оқим жўшар кўпик қайнаган сари!
Денгиз – тантанавор! Туннинг юраги,
Бўронда – сирена чинқириқлари! »

Баландда қалқиди, эҳтимол, кўйлак,
Уфқ гумбурлади, силкинди чақин
Кўл каби ... адашган умидвор юрак
Англади – ғойибдан келар Бахт яқин!

Уфқни уйғотган шуълалар куйи
Шаҳардан узокда ловулар, ортга
Қайтолмас оловли қушдай тун бўйи
Поездлар учишди, уринди портга.

Ғувиллайди уммон, кема ва маёқ
Жулдур кўпикларни итқитар ҳамон.
Сирена ингранди узун ва узок:
Балиқчи кемани тутибди бўрон.

Сизга самолардан келтирдим хабар,
Само зулматига барин боғладим.
Орзумда - қаҳрамон. Лекин болталар.-
Қайиқда. Шу ерга қаттиқ боғландим.

Қайиқ ўриндиғи қонталаш, тонгда
Кўрдим қиймаланган орзу қонини.
Бироқ ҳар битта уй, ҳар томчи қонда
Излайман безавол ҳусн шонини.

Фаришта қизларнинг кўзи кўр – бунда,
Йигит нигоҳида ёнмайди олов.
Ортга ! Зулмат сари! Сағана – унда!
Сизга қилич даркор, сизга болта – ёв!

Сиз – ла хайрлашаман баридан кечиб,
Кўзингиз тушади бир кун дафъатан
Димиққан тоғларнинг ортида учиб
Кетарман оловли булутлар билан!

МАКСИМИЛИАН ВОЛОШИН

(1877-1932)

Ҳаётлигидаёқ афсонавий шахсга айланган бу улкан рус шоири Киевда туғилиб, унинг илк болалик чоғлари Таганрог ва Севастополда ўтди. Тўрт ёшидан бошлаб, унинг ҳаёти Москва билан боғланди.

Шоирнинг оиласи 1893 йилда Қримга кўчиб ўтгач, бу ердаги дала ҳовлиси "Шоирлар уйи" га айланди. Бу уйда ўша даврнинг не-не шоирлари, олимлари, бастакорлари, хуллас, аҳли ижод яшамади дейсиз!

Онасининг талаби билан Москва Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида 1900 йилда бошланган таҳсили (талабалар намоёишидаги ишти-роки учун) тугалланмай қолди. У ярим йилча Мар-казий Осиёда, кўп йиллар Парижда яшади. У ердан Ўртаер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқди. Шоир ўз ватанига қайтиб келди ва умрининг охирига қадар севимли "Шоирлар уйи"да – Кўктоғбелда (Қрим) яшади, тоғнинг баланд жойидаги ўзи васият қилган ерга дафн этилди.

Максимилиан Волошин нафақат ҳассос ва теран фикрли шоир, ажойиб мўйқалам соҳиби ҳам эди. Унинг қаламига мансуб рангтасвир асарлари шеърлари каби Ватани, дунё бўйлаб ўлимидан сўнг кезмоқда.

Шоирдан бой адабий мерос қолди. У ўз шеърла-рида инсон руҳияти кенглиklarини, кечинмаларнинг мураккаб ва чуқурлигини, туйғуларининг тозаллигини, ўз замонасининг, замондошларининг ички ва ташқи қиёфасини, табиат гўзаллиklarини кенг қамровли ранглар билан ифодалади.

ВАГОНДА

Яна йўл. Сехрли кучнинг туйғуси,
Мени чулғаетган бу ҳолат таниш:
Шовқин, юк ташувчи, чироқ ёғдуси,
Қичқирик, хайр-хуш, хуштак, ховлиқиш...

Вагонларда хира ёруғлик,
Сояларнинг қора излари.
Эгилиб мудрайди, мудраётир тик
Одамларнинг чарчоқ юзлари.

Аниқ-тиниқ,
Адоси йўқ, йўқ тини
Бир хилда тик–ик
~илдираклар шовқини.

~увиллар сарсари
Уйқудаги шивир-
Тубсиз дарё сари
Олиб кетар сир...

Ҳаёт, тирикчилик...
Кимдир қайгадир
Ниманидир тўқ–ўқ

Уради бир – бир.

Та–а–а...-а–та–а...
Тинмай не ҳақдадир
Уйқусида хаёл
Суради кимдир.

Қулокни тешгудай тақиллатади:
Та–а–а...–а...–а–а...
Шамол ноласига урилар хаёл,
Поезд унга етиб,ўзиб кетай деб
Ҳайқира бошлайди, ҳайқиради лол...
Яна Россияга йўл олдим чоғи...

Ҳали олдиндадир минг-минг чақирим.
Қаршимда нохуш тун очар кучоғин,
Даладаги бекат... Чироқлар ёниб,
Толғин–толғин, нозли кўзлар мисоли
"Келгин... келгин..." дея шивирлайди жим.

Бу нима? Қўрқувми? Баломми? Ўйлар?
Узоқлашар оқшом, яқинлашар тонг.
Неки яшаб ўтди-ўтмишдан сўйлар,
Неки суғурилди-ич-таши вайрон...
Та–та–та... та–та–та.. та–та–та...

Бу йўллар чеки йўқ кўринар гўё...
Поезд кетиб борар тилсиз чўл бўйлаб.
Нолалар, фиғонлар қуюни аро
Қадимий–қадимий қўшиқлар куйлаб.
Ҳар битта вагоннинг деворин дилгир
Сирғалиб–сирғалиб санайди ёмғир.

Бу кўшиқ–ҳаётнинг интиҳосими,
Бу кўшиқ–ҳаётнинг ибтидосими,
Тинмас, сира тинмас Вақт садосими:
Та–та–та... та... та–та... та–та–та...

Бу туганмас йўлда
Саргардон дарвеш
Каби йиллар билан кезиб юраман.
Интиламан, интилиб дилдан
Яна бахт сасини сезиб юраман.
Фақатгина намхуш–шамхуш тунларда
Оғир–оғир ҳаво тўлқинларида
Димоғимга Руснинг ҳиди келади,
У ҳам олислардан мени билади.

Шамол ноласига урилар хаёл,
~илдирак шовқини ноумид,ҳорғин
Қуйилар,тақиллай бошлар бемалол:

Та-та-та... та-та-та... та-та-та.

1901 й.

Оқшом тушиб келди. Ол ранглар ўчди.
Ўйлар чарақлади - кўнгул зиёси.
Қандай қудрат билан кўзини очди
Олис кунларимнинг унут дунёси!

Яшил хиёбоннинг қоронғусида
Тушлар адашишди, эртақлар сўлим.
Оқиб ўтаётган Вақт ёғдусида
Кунлар ўсиб борди, тун қуйилди жим.

Бизлар нимагаки қўл урдик, ногоҳ
Хушбўйланиб кетди, гуллаб кетди, оҳ!

Бизни ушлаб турган бу рангсиз олам -
Турманинг энг намхуш деворларидан
Олдинга силжитдик дил торларида
Бу азиз ҳаётни ҳамфикр, хуррам.

1902 й.

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бальмонтга

Қалбимдаги дардим хушбўй, чақинли,
Мовий қушлар каби чарх урар шуъла.
Ёруғ деразалар очик, ёлқинли,
Узайиб боради, тобора узун
Дилтортар нола-
Кўринмас тола...

Бу оқшом нечоғли нурли, сеҳргар,
Сўзлар рақсга тушар, бирдан ловиллаб
Севгили оҳанглар жуфтлашар дилбар.
Англамоқ тубида-айланма йўлда
Қуюқлашар хуркак соялар, сирлар...
Сунбул гул рангида туғилар дилда
Энг оппоқ, энг маҳзун, муаттар шеърлар.

1904 й.

Менга дунё тор келди, айланага қулфландим,
Мангулик аҳён-аҳён ярқирар шуъла мисол.
Кўзларимга урилар Вақт кучланди, учланди,
Йиллар сор қушлар билан учиб ўтар бемалол.

Паға-паға туманлар... яқин... ва йироқларим...
Сезаман кўчаётган манзаралар нафасин.

Психия чироғин қўлга олган чоғларим
Кўтараман англашнинг мовий алангасини.

Яширин тубсизликлар тубсиз тубсизлик аро.
Синга бошлайди шаклу шамойил кенг самога.
Қачондир қаердадир бирга ўлганмиз гўё,
Гўёки бизлар ҳали келмаганмиз дунёга.

1904 й.

О, нақадар тиник, бу дам бетакрор,
Қадамларим енгил, ўхшар чакмоққа!
Яна бир бор бола бўлиб қолгим бор,
Мен кириб бораман қадрдон боққа...

Эшит, эртақларнинг шитирими бу?
Мени англамоқнинг тубсиз иплари
Дарбадар йилларда билмасдан уйку
Ортимга қайтарди-болалик сари...

1904 й.

ҚАДИМИЙ МАКТУБЛАР

Севаман-қадимий мактублар аро
Қадимий сўзларнинг ҳорғин шивири.
Уларда сезинар жон берар раъно
Гуллардан сўнгги ҳид, сўнгги шитири.

Севаман-бу гулдор хуснихатларда
Майсалар шовуллаб тўкар сирларин.
Ҳарфлар уча бошлар ҳур соатларда
Оҳиста пичирлаб маҳзун шеърларни.

Юрагимга яқин улардан ним-ним
Оқаётган чирой, жозиба, боли.
Улар Англамоқнинг дарахтидан жим
Тўкила бошлаган гуллар мисоли.

1904 й.

Бизлар бу дунёда адашиб кетдик,
Бу тубсиз зулматга боладай ҳадик
Ва қўрқув ичида кўз қиримизни
Ташлаб, маҳкам қучдик бир-биримизни.

Ўлик дарё бўйлаб товуши ўктам
Орфей ўз соясин чорлаётган дам
Кимдир итаради, ажратар, кимдир

Бизни айлантира бошлайди гир–гир.

Ғамнинг мадори йўқ, бесас ҳайқириқ,
Қўллар қўлни сиқа бошлайди қаттиқ,
Жуда олисларда ҳўлланган тошлар
Эвридика номин ғулдирай бошлар.

1905 й.

Баҳор тунд, елмас сабо,
Водийларда нам ҳаво.
Мовий уфқлар қадар
Туташар тик тераклар.
Олис–олис тоғларда
Қор товланар чоғларда
Қуюқлашар ҳўл дала.

Булутларга эшилиб,
Жарликларга қўшилиб,
Шамолнинг нолалари
Ёмғир толаларини
Тўқий бошлайди.

Денгиз
Шовуллар бўғиқ, ёлғиз.
Сўнгсиз қумликлар бўйлаб.

1907 й.

Сувлар ялангликда тебрана бошлар,
Кумушранг ҳошия билан ўралиб.
Хаёл тундлашади, деворлар тишлар,
Нурлар жимирлайди, кетар қуралиб.

Туманли кун очди олтин кўзини,
Шарқдан кўтарилар кундуз бошоғи.
Тўлқинда чайқалган нурлар ўзини
Тубсизликлар узра кўришди чоғи...

Борлиқ танҳоликда ярқираб кетар,
Марварид чакмоқда, қуёшда гўё
Олмос гирдоб ичра ўргимчак титрар.

Нозик қўлларингни кўк сари кўтар-
Айлан водийларнинг нилуфарига,
Олов ва тупроқнинг кумуш-зарига!

1907 й.

Бу йўлнинг ўйи оғир,
Азиз Кўктоғбел томон
Кетиб бораман дилгир.
Тоғ чўққисида хуррам.

Кумушранг бугазорлар,
Тоғолча тугади дур.
Водийда енгил нафас
Билан гуллайди бодом.

Қора ридо ичида
Ёниқланиб борар ер.
Сирғаламан тоғлардан
Тушган шағал тошларга.
Бўғилган тўлқинларнинг
Аччиқ нафаси бир–бир
Пешонамга урилиб,
Айланади ёшларга.

Салом, баҳор бағрида
Тантанавор, Кўктоғбел!

1907 й.

Мени алданг, алданг... буткул, бутунлай...
Ҳеч нарса ўйламай, эсламай қачон...
Алдовга ишонай бирор сўз демай,
Кетай зулмат сари таваккал, сарсон...

Ким келди, ким кўзим боғлади, чиқиб
Бўлмас айланага олиб кирди ким,
Кимнинг нафаслари ўтмоқда ёқиб,
Ким кўлимни қаттиқ сиқаётир жим...

Уйғонганда туну туманни кўрсам
Ҳамки, мени алданг, ишонинг сиз ҳам..

1911 й.

Ҳозирда альбомлар камайиб кетди-
Куюқ бўёқ билан кам ишлар қўллар.
Китоб бобларига нафис из битди
Гўё тасодифан очилган гуллар.

О Пушкин илҳоми! Мен каби охир
Замон шоирида бормикан журъат
Ажиб қиёфангиз чизмоқлик бир қур
Ранглар билан эмас, сўз билан фақат!

Ҳайҳот! Ёноқларда ёниқ табассум
Бу қувноқ чехрада очилиб кетди.
Бари-бари сингди сатрларга жим,
Шеърларимга сиғмай сочилиб кетди.

Тарам-тарам сочлар, ўйноқи кокил
Ёз чоғи қорайган сепкиллар ичра.
Бу мовий кўзларга ёйилар енгил

Олтинранг шуълалар, кумушранг нукра.

Сабр маликаси, хаё лоласи,
Хуррам қорачиқнинг йўқдир тимсоли.
Сиз улкан ўрмоннинг ҳур илоҳаси
Билан бахт излаган оху мисоли.

Хуркак нигоҳингиз билан ёнди дил,
Сизми қоматингиз кўз-кўзлаб, Пуссен-
Чўққилар юртига, зулмат сари йўл
Олган дриад–ла куйлаган беун..

Менинг чехраси тунд Кўктоғбелимга
Кўшилиб оқади кулгуларимиз.
Вайрона гумбазлар узра қўлимга
Тонг тўлади найдай-туйғуларимиз.

1912 й.

КАР-СОҚОВ ИБЛИСЛАР

Улар ер юзини юради кезиб,
Кўзлари кўр, тили соков,қулоғи кар.
Оловли изларни чиқади чизиб,
Бағри кенг зулматда беқарор, бедор.

Улар тубсизликни ёритади жим,
Гарчанд ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас.
Улар тақдирдан нолишмас, сим–сим
Куйлайди, куйлайди бетиним, бесас.

Ҳавоси дим, тим қоронғу жаҳаннам
Қучоғига йўллар башоратгўй нур...
Уларнинг тақдири-Ҳақда мужассам,
Булутлар ичидан тўкилади сир.

1917 й.

ТЕРРОР

Улар тунда ишлар, тунда ўқишар
Хуфия маълумот, хуфия ишни.
Ҳукмларга шошиб имзо чекишар,
Ичишар, унутар чарчок, ташвишни.

Ҳали тонг ёришмай сармаст аскарлар.
Шомги қоронғулик чоғида бир кур
Рўйхат ўқилади, аёл, эркаклар
Зим–зиё ҳовлига ҳайдалар бир-бир.

Бор-бисот шилинди, қонталаш бўйра,
Пахта тойларига боғлашиб таранг,
Оғир аравага ортишди. Сўнгра
Соат, узукларни бўлишди аранг.

Тунда бу одамлар бедор, бемажол
Сирпаниб муз тошга, музлаган қорга.
Шимоли-шарқ ёқдан эсан тик шамол
Билан қувилишди харобазорга.

Йўлни ёритишиб қўл чироқ билан,
Уларни бошлашди жарликлар томон.
Ярим дақиқанинг ичида омон
Қолмади ҳеч бир жон, қирилди ёмон.

Тегиб итаришди уларни охир
Қазилган чуқурга, тупрокқа кўмиб.
Йўл олишди уйга бамайлихотир
Жўшқин рус кўшигин руҳига чўмиб.

Худди шу жарликка тонг отар-отмас
Тўпланишди аёл, она, итларким,
Ер ковлай бошлашди тирмашиб, бесас,
Жонсиз таналарга лаб босишди жим.

26 апрель. 1921. Симферополь.

ШОИРГА

1

Тоғларга тўк ғаминг, денгизларга соч,
Овозинг баланд қўй, куйла, қалбингни
Юксакларга учир, одамларга оч.

2

Бу йўлда озмайин десанг, қулоқ сол,
Сақлангин ҳатто дўст, ҳатто мухлисдан,
Ёв деб ўйлаганинг дўст чикса, не ҳол.

3

Шухрат бўлаклайди қаламингни жим,
Қуёш қабр тошда эрийди сим-сим.

4

Оқимга қарши боқ: тинч, қатъий, бесўз.
Қара, қоя каби руҳингни ёвқур
Тўлқинлар босқини йиқар шафқатсиз.

5

Гарчанд сафдошларинг қулиб ўтмоқда,
Кимнинг қўлида тош, қай дилда ҳасад.
Билки, сени ҳеч ким билмай ўтмоқда.

6

Вақт етиб, Ҳақиқат кўтарса қилич,
Вақт етиб, қардошлик ўққа тугилса,
Вақт етиб, ҳатто ишқ олса ҳамки ўч-

7

Оломонни қўйгин, инсонга ишон.

Хар бир қароқчига иблис ёр, инон.

1925 й.

Дунёни боладай кезиб ўтайлик,
Шовдираган қиёқ товушин суйиб.
Ўтган юз йилликлар нордон, югурик,
Ва англашнинг аччиқ таъмини туйиб.

Энг сирли тушларнинг узун галаси
Кунларимиз рангин ўчирди гўё.
~ўр оломон ичра ўтди, чамаси,
Болакай-ҳеч ким кашф этолмас даҳо.

1903 й.

Олмос нурлар ичра кўркамлашди шарқ.
Нурланади минглаб йўллар ва сўкмоқ.
Олисларда сирли ва сирли куйлаб,
Дунёни кезсайдик битта йўл бўйлаб!

Шу йўлда барини кўриб ва англаб,
Шу йўлда барини туйиб ва танлаб,
Олиб ўтсанг ўтли зиналар аро,
Қанийди бир йўлга жам бўлса дунё!

1907й.

Николай РУБЦОВ

(1936 - 1971)

Николай Рубцов - лирик шоир. У рус шеърлятига тиниқ овози билан жўшиб кирди. Шоир шеърларидаги таъсирчанлик кучи, рангинлик ва қалбининг нозик туйғулари бугунги кун ўқувчисини ҳам ўзига тортади.

Унинг ижодида Ватанга муҳаббат кучли ва етакчилик қилади. Бетакрор ишқ изтироблари ва қувончлари, болалик ва ёшлик хотиралари, рус табиатининг улуғворлиги, ҳаётга бўлган улкан муҳаббат билан йўғрилган шеърлар шоир босиб ўтган умр йўлларининг ифодасидир.

1

Жўнагайман мен бу қишлоқдан...
Қолар музга айланиб дарё.
Ғижирлайди эшик тун билан,
Ҳовлиларда балчиқлар пайдо.

Жилмаймасдан ухлайди онам...
Унутилган бу кулранг ўлка.
Ҳиёнатим тўларсан оқшом
Беланчакнинг қошида, эркам...

Ботқоқликлар, тўнкалар тилсиз
Тўйғазгандай кафтда оқ қушни
Меваси-ла ўрмоннинг у кез
Мени боқдинг—йўқотдинг хушни?!...

Сарой бўйлаб шамол шовқини,
Эшит, қизча тушда жилмайди?
Фаришталар ўйнатар уни
Қизча ерга қайтиб келмайди.

Андух чекма! Қайноқ кирғоқда
Кемаларни баҳорда кутма!
Кел, ичайлик видоли чоғда,
Маъюсгина меҳрим унутма.

Бир кирғоқда кутамиз нени,
Бизлар—турфа қушлар, ишонгин,
Қайтаролмас ҳеч нарса мени,
Балким қайтиб келарман бир кун...

2

Барча бир лаҳзада тушуниб етган
Сўзларни термоқлик эмас ақидам.
Коля Беляковни унутолмайман.
Ва унинг ажойиб сози ҳақида.

Зарбалари кучли, шафқатсиз ҳаёт.
Севаман, ногоҳон эшитсам узоқ
Гитара куйлари—мовийранг ҳайрат,
Маънодор, жарангдор ҳар оҳанг, титроқ.

Қора дуб остида ўзимга - ўзим
Дердим бу ғамларнинг бордир охири.
Қўполлик қилмайман, қизлар, чин сўзим!
Ва... майхўр бўлмайман отам сингари...

Орзу... Орзу... Буткул ўзгадир ҳаёт,
Гўё майхонасиз яшаб бўлмайди.
«Бу не?» -сўрсам, Коля берар маслаҳат,
Бошқасидан сира кўнгил тўлмайди.

Бироқ бошқа маҳал топилар албат,—
Сўзларни термоқчи эмасман ҳозир.
Сўзлаб бермоқ учун ажойиб фурсат
Коля Беляков ва созига доир.

3. НОМАЪЛУМ ОДАМ

Зулматларда, қор кучоғида
Кетар эди оч, уйсиз, ночор.
Кенг ўрмоннинг чет қишлоғида
Бир эшикка етди ҳокисор.

Чорлашмади бир бепаросат
Кампир унга сочгандай қаҳрин:
Яқинлашди қора сукунат:
—Дарбадардир, эҳтимол, ўғри...

Кетар эди ғамгин ва мудҳиш,
Қорга тўлиб борар кучоғи.
Кутиб олди ҳаёти сўлгин,
Совуқ боққан дарё қирғоғи.

Сесканди-ю, босилди титроқ,
Ҳушдан кетди тебраниб олдга...
Узилди жон, бесўз йўлдаёқ
Олган каби ўлимни ёдга...

У жон берди. қорлар куйлайди,
Бошланади шов-шувлар сайри.
Эҳ, одамлар, ҳамон ўйлайди:
—Дарбадардир, эҳтимол, ўғри...

4. ПОЕЗД

Поезд елиб борар ғулдираб, увлаб,
Поезд елиб борар жаранглаб, ғувлаб.
Қаршисидан чиқар тўзонли кенглик,
Сарғиш оловларнинг галалари тик.

Поезд елиб борар, бу шижоатким,
Ақл бовар қилмас қудрат бебаҳо.
Бу—яқин ҳалокат қошидир балким,
Мустаҳкам-мустаҳкам оламлар аро...

Поезд елиб борар, шиддатли туйғу,
Қайлардадир чангал, тўқай дунёси.
Яқин ҳалокатнинг боши балким шу,
Номсиз ходисотлар, ранглар видоси...

Мана, у, оловранг кўзлари чакнаб,
Учиб кетаётир... Йўл бер, пиёда!
Қайсидир саройнинг ёни—бекатда
Мени олиб кетди кўтариб девдай!

Тўзонли кенгликда у билан бу дам
Оромни хаёлга келтира олмам.
Еламан—қайгадир жаранглаб, ғувлаб,
Еламан—қайгадир ғулдираб, увлаб.

Еламан—қайгадир зўр шиддат билан,
Жумбоқли коинот ҳамон мендай сир.
Балким ҳалокатнинг нақ бошидаман.
Ҳайқираман сўнг бор кимгадир: “Хайр!”

Бас, етар! Йилдан йил жаҳонда куч-ла
Улғайиб бораркан бу тез ҳаракат.
Шунча одамларга тўла поездда
Қандай рўй бериши мумкин ҳалокат!

5

Бўйчан эман. Туби йўқ сувлик,
Соя қоплар атрофни фақат.
Шу қадар тинч, сокин шунчалик,
Изтироб не—билмас табиат!

Сукунатга суюмли кучоқ,
Ҳовуз бўйи сесканмас шамол.
Ким эшитган бундай қалдироқ!
Шилдирамас ҳовлида похол...

Ўрмон қуши куйлар аҳёнда...
Мен-ку қайтдим, ўтмишим қайтмас.
Неки ўтган бўлса, қай онда
Шундай қолсин. Узайсин бироз

Қалбнинг ғамдан озод лаҳзаси,
Шарпа беун силкинган маҳал
Шу қадар тинч, ҳатто ғам саси
Хаёлга ҳам келмайди малол.

Қалб ачинмай воз кечди недан
Чўмилади сир, малоҳатга
Ой нурига чулғанган маскан,
Юрак эса тиниқ ҳасратга.

6. КЕМА БИЛАН ВИДОЛАШДИНГ...

Юзда табассум-ла, кўзда ёш билан
Денгиз қирғоғида ёлғиз сен қолдинг,
Яна довуллар-ла ўйнашар елкан,
Севгим, ҳасратимни ўйинга солди!

Бетиним ташвишнинг ижодиман—мен,
Денгиз қуши янглиғ ёргум бўронни.
Шу абадий туғён, нолалар учун
Севиб қолдим қаҳри қаттиқ уммонни.

Севиб қолдим ўзга қутб шаҳрини,
Сафардан қайтаман яна бағрига.
У тота билади совуқ қаҳрини,
У ҳузур тотади азоб қаърида.

Яна унинг қўйни овозга тўла,
Унда ғам билан бахт тўқнаш маҳалда,
Юзда табассум-ла, кўзда ёш ила
Видолашдинг кема билан шамолда...

7

У ҳалиям гўдақдир, гўдақ,
Тиниқ нигоҳ, майингина сас.
Яшайди у—нозикдир юрак,
Шўхликларга, ўйинга ҳавас.

—Айланайлик қалин ўрмонда!
—Уйғотайлик булбулларни ҳам!
Менга эса йўлка томонда
Тикилади ёлғиз курсичам.
—Югурайлик далалар томон!

—Кел, боқайлик, бу тонг-ку, ахир!
Истамасдан бўйин эгаман,
Нималардир дейман негадир.
Туйғуларим туғён солганда
Керагидан ортиғин билдим.
Бизлар тез-тез ёлғиз қолганда
Мени эзган ёлғизлик бўлди.

Яқинлашди энг сўнгги висол—
Ғамгин боқар қаршимдаги гул.
Эҳ, сўзларим нақадар чигал!
У ўзини йўқотар буткул.

Нима учун кездик ўрмонда?
Булбулларни нечун уйғотдик?
Нима учун йўлка томонда
Ҳамон ёлғиз турар ўриндик!...

ХУТА ГАГУА

Гуржистон ўз номи, тарихи, адабиёти, маданияти билан халқи сингари, табиати монанд бетакрор ва қадимий ўлка. Хусусан, шеъриятининг қудратли овози Гуржистон тоғлари каби виқорли, дарёларидай жўшқин, ҳавосидай тиниқ. Бу ажойиб диёрнинг Шота Руставелидек улуғ шоирлари тутган қаламни эъзозлаб келаётган назм аҳли ичида Хута Гагуанинг ўз ўрни бор. Бу шеърият—туйғулардан туғилган олам. Шоир юрагидаги ўтли кечинмалар, изтироб ва ишқ, Ватан туйғуси ва табиат ҳайратлари—бари-бариси теран лиризм ва чуқур ҳаётий фалсафийлик билан йўғрилган.

1935 йилда таваллуд топган нозиктаъб шоирни "Сукунат" (1969), "Лаҳза" (1977), "Шаффоф қанот-лар"(1980), "Юлдузлар уяси"(1981), "Ташналик" (1985) каби китоб-ларида жамланган, уни машҳурлик чўққисига олиб чиққан том маънодаги катта шеърият Сизни ҳам мафтун этишига ишонгим келади.

ОҲУ

Бу бегона шаҳар ва бу зулматдан
Бошқаси хотирга келмади, жоним.
Фақат иккимизга аён ҳасратдан
Ўзгасини кўзга илмадим, жоним.

Ўртаниб йиғладинг. Соялар сархуш
Эрир бир шам каби чехрангни тилиб.
Шундайин йиғлашар охулар беҳуш
Яшил майсаларда қонга бўялиб...

Мен қайдан билибман, бу шаҳар, жоним,
Иккимиз учун ҳам бегоналигин?
Сен ютган азоблар, изтироб қони,
Аччиқ кўз ёшларнинг девоналигин?

Дедимки: "Азизам, югур! Тонготар
Момоқалдиروق ҳам, чакмоқ ҳам тинчир.
Қани, бўл... Кетсанг-чи... "Олдда тоғ қадар
Тўсиқ чиққан каби силжимадинг бир.

Шунда ёмон кўриб кетдим бу шаҳар,
Бу ёмғир, бу шамол, бу кўчаларни.
Бу ҳаво, бу оқшом совуқ... То сахар
Ухламай уйғотдим тунд кечаларни.

Сен елиб борардинг олис-олисга,
Қадрдон водийлар яна кўз очди.
Чакалакзор ичра кўринмай кўзга
Сувларга чўкдингми—ўқлардан қочдинг...

Ортингдан қувлашар заранг дарахтлар:
"Қаранг, оху, оху! Уни ушла, тут!"
Мен эса борардим юракда қадар,
Бу ёт кўчаларда бу дунё унут.

Кўприк остидаги дарё тўлғонди,
Тутун кўк тоқига ўрлади ёмон.
Бирдан ойдинлашди—ҳамма уйғонди,
Вокзал бўлиб чиқди мен кўрган ўрмон.

Юрагимда ажиб, муқаддас туйғу,
Биринчи қор каби тиниқ, безавол—
Юксакликка қадар
Юксакка чорлар
Ул лаҳза, лаҳзаки, ҳаттоки мен лол.
Бундайин табассум, бундайин нурдан
Музтоғлар эрийди, юмшайди ҳаво.
Ҳали ҳеч ким билмас—
Ҳеч завол билмас
Туйғу кимга насиб этар, эй, дунё!

Шул мовий кўзларнинг кўлига чўмдим,
Ҳаяжон эркалар, ишқ акс-садоси.
Бағрингда туғилар,
Нур боланг бўлар—
Кўзларингга боқар ҳайрат пешвоси.

МЕН—ТУЙҒУМАН!

Тонг ёришиб келмоқда аста,
Оёқ илди сирли ёруғлик.
Ўрнингдан тур, сен ҳам оҳиста
Бу нурларни юрагингга тўк.

Шунда қалбинг кенгайиб кетар,
Мўъжизалар рўй берар гўё.
Шамоллар ҳам йўлини бурар,
Тисарилиб чайқалар дарё.
Она замин, руҳимда не ҳол,
Нечун яна чакмоқ монанд сир
Бу тонг мени айламоқда лол,
Оёғимнинг остидами нур?

Нечун руҳим безовта этдинг
Яна олис йўлларга чорлаб?
Ташлаб кетиб бўлмас бу метин
Ташвишларим битмасми, ё раб!

Мен—туйғуман, ер бағридан кенг
Борлиғимдан наво яратдим.
Қондошларим билан тенгма-тенг
Ўз-ўзимга дунё яратдим.

Ўз-ўзидан нурланмас тоғлар,
Ўз-ўзидан рангинлашмас тонг.
Майса бошин кўтарар чоғлар
Чин кўнгилдан яйрайди бўстон.

Мен—туйғуман, тикилган сайин
Осмонларга бошим етади.
Кўк меҳрибон, тоғ кўкси майин
Кўшиқ айтиб, мени кутади.

Бу дунёда мавжудман токи,
Улар билан якдилман, фоний
Бу дунёни тарк этсам ҳамки,
Улар боқий, улар абадий.

Қиндан чиққан қилич сингари
Харсангтошдан учди кўк қарға.
Дала бўйлаб отларнинг барин
Шамолларга юзлатар дарға.

Бу энг оддий мўъжиза, ҳақ рост,
Мени чиндан айлади мағлуб.
Бу гўзаллик қошида сармаст
Ва улуғман - мен унга маҳбуб!

Англадим
Сония

Сирини.

Қара!—
Қор учқуни-
Шамол зарбидан
Ойнага урилди капалак
Ва ҳавода йўқолди телба...

Йўқолди...
Исмсиз бир лаҳза.
Қўллар қотиб қолди ҳавода
Кўринмас қор учқунин топмай...

Бу лаҳза.
Бу мангулик.
О, борлигим, эҳтимол сен ҳам—
Қор учқуни деразага
Шарт урилиб, эриб кетгунча
Ўтган Вақт оралиғисан!.

ДЕНГИЗ

Ранги синиқ, кўзи ўткир йўловчи
Бандаргоҳда, тўсиқ ёнида ғамғин
Энг сўнгги кемани кузатар чоғи
Кузатмоқда сўнгги умидин толғин.

Ҳужрасидан чиқиб келган матросдай
Тиқилар денгизга кўтариб бошин.
Бу улкан денгизнинг туғёнларига
Қўшилиб кетмоқда тиниқ кўз ёши...

У ненидир кутар... Тушиб келар шом.
Қизғишланиб борар тўлиққан денгиз.
Қорайиб кўринар энг сўнгги кема,
Олислаб боради умидлар бу кез.

У ҳамон сукутда, оғир сукунат,
Лабларида шўр таъм, ютинди, тотди.
Бўғозлардан елиб келган шамолда
Бу таъм кенгликларда сочилди - қотди.

Оқшом қуюқлашди, у ҳамон ёлғиз,
Тўп-тўп матросларнинг ўтишин кутди.
Уларнинг чехраси сўлғин ва вазмин
Қадамлар қўналға ёнидан ўтди.

Уларни кутишган аёллар билан
Илдам йўл олишди ором бағрига—
Милтиллаб кўринган кичик шаҳарнинг
Тунги меҳнат тўла қайноқ қаърига.

Уларнинг ҳеч бири ортга қайтмади,
Чўкиб кетишгандай тубсиз зулматда.
Шаҳар эса оғир, чайқалди оғир,
Уйлардаги чироқ ўчди ҳасратда.

Хароб қовоқхона ёнида дилгир
Тебраниб турибди пакана одам.
Ғариб кулбасига етиб улгурди
Эски кўчадаги ғариб бола ҳам.

О, сен болаликнинг олис қайғуси!
Қаёққа қарама—ҳаммаси сирли.
Оёғинг остида тубсиз денгизу,
Олдинда бир кичик уй ҳам бор нурли.

Гўё кўк тоқига чирмашган нигоҳ,
Юлдузлар порлайди фақат шу ерда.
Демак, ҳали ҳеч бир умид ўлмаган,
Демакки, илоҳий тушлар шуурда.

...Суюқлигим орзу, дилим қулфини
Очғувчи калитинг йўқолди—билдим.
Эҳтимол, уқувсиз ва ношуд чиқдим,
Эҳтимол, хазина оғирлик қилди.

Куюнчагим орзу, ҳар доимгидек
Улгурмадик ўлжа билан қайтишга.
Беташвиш болалик—Колумб най чалар,
Ожизман, бундан ҳам зўр сўз айтишга!

Майли, мен уқувсиз, майлига ношуд,
Аммо сен ўзингга ўзинг дарға бўл.
Болалигим—болам, уммонларга суз,
Орзуларнинг мовий уммонлари мўл!

ОНА ЕР

Дарахтлар солланар сўлим қирғоқда,
Дўнгда ер бағирлаб ётган билади—
Тегирмон шовқини яқин қишлоқдан
Барглар шивирида оқиб келади.

Эй, она тупроғим, шаънинг ва ишқинг
Қучоғимга сиғмас боғлардай ўлмас.
Дарахтлар солланар қирғоқда менинг
Бобом ҳам кўмилган, номлари ўчмас.

Қахрабо тусли кун қизиб боради,
Водий бўйлаб қирғий чарх урар вазмин.
Ўрдак тумшуқ бутазорлар ёради
Яйловлар бағрини бетиним, бетин.

Бунда бари менга яқин, меники,
Шу қадар азизки, бош кўкка етди.
Осмон ҳам энгашиб келмоқда, неки
Ушласам кўлимда гуллади-кетди!

Сувнинг шивирлари ёққани сайин
Менингдек тебранар денгиз ўтлари.
Бобом соқолидай қуюқ ва майин
Тегиб-тегмай ўтиб кетишар бари.

МАЙСА

Мен—майсаман, далада хур-хур
Шамол билан эркли ёш қалбим
Орзулари дурли, чехрам нур,
Рухим тетик, тирикдир жисмим.

Сахий куёш нурига чанқоқ
Қияликлар хушбўй атирдай.
Туғиламан қадимий тупроқ
Қучоғида ўтли сатрдай.

Шаҳар ойдин, юлдуз тилаги
Умр қўшар умрларимга.
Чирмашади нозик юрагим
Ернинг улкан томирларига.

Миннатдорман сендан, тақдирим,
Мен азалдан нурга шайдоман -
Метин тошни силжитганча жим,
Кутилмаган жойда пайдоман...

Қаҳратонда паноҳ йўқ, лекин
Қайтажакман, изимдан борлиқ
Яшил рангда оқмоқда некбин-
Ернинг улкан томиридан ишқ.

ТОНГ

Мўъжизалар туғилар ерга
Чирмашишнинг ўзи бўлмайди.
Етса ҳамки қўл етмас нурга
Устунларнинг кўнгли тўлмайди.

Мана, эшик қулфи очилди,
Ҳуркиб учган бир жуфт каптарлар
Каби қизнинг туши сочилди,
Деразалар – очик дафтарлар—

Очилса ҳам, мудрар кўчалар,

Энг биринчи япроқ узилди.
Узоқлашиб борар кечалар
Ойналарнинг бағрини тилди.

Дарё суви янглиғ киприкда
Шабнам қалқар тиниқ ва сархуш.
Кетиб борар аркли кўприкда
Энг биринчи автобус бўм-бўш.

Афсонадан ҳам қадим дарахт
Ялангликнинг сайқали дейму?
Яйлов қўли битган яшил хат,
Ёки тирик ҳайкали дейму?
Тантанавор, мағрур ва масрур
Қуёш қаддин тиклайди, хуррам
Бинафшаранг тонг билан сурур
Ёйилади кенгликларга ҳам.

Нафаси нур гўзал бу дамнинг
Рухсорига тўйиб бўлмайди.
Қадамлари узилар ғамнинг,
Ҳаёт гули мангу сўлмайди.

Олислардан тонгги поезднинг
Товушлари тобора яқин.
Миҳетия томонга унинг
Елишлари мисоли чақин.

О, бу ранглар, о, бу ҳайкирик-
Чўқкилардан оппоқ қор кўчди.
Кўз олдимда тўлишди борлик,
Хотиралар юракни кучди.
Гўё китоб варақларидан
Севимли ёр сурати учди...

ТОВУШЛАР

Ҳаволарда эрийди хаёл,
Ер юзида кезар товушлар.
Изсиз кетмас ҳижрон ва висол,
Яшар сувга оқса-да тушлар.

Юлдузларнинг олис нурлари
Кенгликларда порлади, зулмат
Ичра сингиб кетган сирларим,
Овозимни эшитдим фақат.

Эҳтимол, бу энг тиниқ нафас
Табиатнинг илҳоми—сўздир?
Болалиқдан туғилган ҳавас,
Сўнг армонга айланган бўздир?

Эҳтимолки, қаландар йиллар

Хотирамга бўрон йўллади.
Тонготарда очилган гуллар,
Товушимга туғён тўлади.

Қучиб бўлмас борлиқ сингари
Тўлғин-тўлғин оқар товушлар.
Соям каби сизар сарсари
Кўз олдимда ўтмиш ва тушлар.

Мен ўтмишим олдида оққуш
Каби ҳалол, каби покдомон!
Унда нечун безовта товуш
Виждонимни қийнайди ёмон?

Эҳтимолки, улар дунёни
Айланса ҳам айлайди сукут.
Хаёлларга чулғаб ҳавони
Яшаса-да олис ва унут.

Эшитдингми, кўнғироқларни—
Улар бизни уйғотар ҳар он.
Юрагингда ёқ чакмоқларни,
Товушингни унутма, виждон!

СЎҚМОҚ

Далалар, яйловлар, ўтлоқлар билан
Тебранар майсалар ичган каби май.
Метин тош деворлар хаёлдан баланд,
Кимлар учиб ўтар экан билдирмай?

Висолга кечиккан сўқмоқ югурар
Чаманзор ичинда, қайинзор ичра.
Йўлини тўсади дарвиш тераклар,
Ҳорғин йўловчидай дам олар пича.

Қирларнинг кўксидан отилар бесас,
Интиқ бағримизга тўлади дунё.
Бир лаҳза майсалар аро кўринмас,
Ва бирдан кўзимиз олдида пайдо!

У ҳаммадан хушбуй, ҳаммадан сирли,
Қадам етмас жойга қўяди қадам!
Ҳар битта эшикка боқади нурли,
Уни сезмай қолар биронта ит ҳам.

Бирон-бир ҳовлида, бирон-бир жонда
Унинг жон риштаси узилиб кетмас.
Зиналардан ошиб, тундами, тонгда
Олис йўлга тушар—хаёл ҳам етмас.

Унинг охири йўқ. Боши бўлганми?

Ялангликлар, кирлар, ўтлоқлар ва ғор...
Ҳатто шаҳар усиз бағри тўлганми -
Майдонларга қадар кенг ва бетакрор.

Билгим келар—қайда йўлларим толиб,
Сўзимни айтаман сўнг бор—тун, тонгга?
Шунда бирдан сўқмоқ хаёлим олиб,
Сингиб кетар гўё улкан ўрмонга.

Август тонгларининг салқин эпкини,
Она табиатнинг сирли овози.
Менга насиб этди бахтнинг некбини,
Яна бошландими сурур парвози!

Чайқалади ўрмон, тоғлардан майин
Туман сийраклашиб борар тобора.
Икки қадам қўйсанг етасан тайин -
Бахт ҳам сен томонга юрмоқда, кара!

Мен—бу менман, баланд дарахт мисоли
Оқаётган сувлар бўйида шодон
Қўлларимни ёйсам, булутлар ёли
Қўлларимга тегди ҳарир, покдомон.
Бутоқларим ўсди уфққа қадар,
Сайроқи қуш унда сайраётир хуш.
Куйларида севинч ва ҳайрат оқар,
Овозинг бунчалар қудратли, эй, қуш!

Унинг ҳам ороми йўқ, менинг каби
Кун бўйи тинмайди, тинмайди, фақат
Осмонга талпинар орзуманд қалби
Ёнади—оловли ишқ ила ҳасрат.

Ҳузур бағишлайди сувнинг бўйида,
Кўк ва замин аро кўтариб бошим
Яшамоқ— эзгулик ва бахт ўйида,
Ҳамиша куйласа мен-ла куёшим!

Мен сени ўйладим, ўйладим ёлғиз,
Кўмилгансан гўё тубсиз зулматда.
Хазина мисоли йўқолдинг изсиз,
Мен қорайиб кетдим тилсиз ҳасратда.

Деворларга бошим тираб, алаҳлаб -
Алаҳлаб сўрайман—ўт кўзли йиртқич
Сендай хазинамни кетди ўғирлаб,
Югурдим, бермади менга ҳам тутқич...

Купега ёруғлик урилди тикка,
Ерга тушди, шифтга аста ёйилди.

Мен тун бўйи сени ўйладим якка,
Тоши оғир ўйлар қалбимни тилди.

Бўлиниб-бўлиниб кетди нақ бошим,
Темирлар ва совуқ ўринда чил-чил.
Бўғзимга тикилди аччиқ кўз ёшим,
Оппоқ қор учқуни сачради енгил.

Ёруғлашиб борди тўрт томон, ҳарир
Ҳаводан илиди совуқ ўйларим.
Кириб келди нози нозанин ҳузур,
Руҳимга сингишди ором куйлари.

Мен сени кечирдим, кечирдим, сенинг
Билан видолашдим абадул-абад.
Поезд елиб борар, у билан менинг
Юрагимга тўлиб бормоқда ҳасрат.

Билмам, мени қайга бошлар бу Сафар?
Уядан бошин чиқарган қушлар
Каби тикилади мудроқ дарахтлар,
Борлиқ тинч уйқуда, кезинар тушлар.

Қишки ўрмон каби ортга қайрилиб
Қарадим—гуноҳлар кетди сочилиб.
Поезд пишқиради хаёлим бўлиб,
Поезд елиб борар дарди очилиб...

ТАБИАТ

Бош қўтармай шўнғиймиз ишга,
Сезиб-сезмай табиат кўркин.
Бош-адоғи йўқдек ташвишга
Бериб қўйган каби руҳ эркин...
Тонгнинг совуқ нурлари метин
Тош деворга сингди—сезмадик.
Ва бошимиз узра ҳур, ёлқин
Тушлар учиб қўнди—сезмадик.

Шовқин тўла шаҳарни бир кун
Ташлаб чиқдик олис йўлларга.
Кенгликларда кенгайдик, тошқин
Дарё яқин келди дилларга.

Тоғ ёнғоғи тўкилди, жўшди,
Шабнамларни сачратди шоён.
Тоғдан туман шовуллаб тушди
Отилгандай кўринмас вулқон.

Қуёш ёнди, сахий нурлари
Далаларга битгандай ризқ-рўз.
Қуёш бизни суйгани сари
Баланд-баланд қўтарилдик биз.

Бунда бари—тоғ, чўққи, дарахт,
Дарё туби, далалар ва ғор...
Битта қондан яралган бут бахт,
Битта жондай яқдил, бетакрор.

Черков қадар ташлаб йўлини
Шовуллайди қайинлар ҳар шом.
Шовуллайди, улар тилини
Тушунади замин мукаррам.

Узайгандан узайди кундуз,
Қайси юмуш битди-битмади.
Уфқ биздан уза олмай кўз,
Нени кутди, нени кутмади...

Кундуз сўнди, беқарор бир рух,
Ҳатто зулмат кўринди маъсум.
Инди совуқ қотган лабга ух,
Тун бағрига ҳазин табассум...

ТОМЧИ

Ёмғир билан сийланди замин,
Бургутдан ҳам шиддаткор шамол.
Синиб кетди қадди дол қайин,
Қир бағрини чирт узди хаёл...
Шохларига қўл теккизсанг бас,
Титраб кетди армон туйғуси.
Кутилмаган ёмғир кўз ёшмас,
Денгизларнинг олис қайғуси...

Сирли кўз ёш, эй, нурли кўз ёш,
Бунча кучни қайдан олгансан?
Қалблардаги энг тиниқ бардош
Очилганда куйга солгансан.

Бу ажойиб нур, бу жилолар
Тақдиримми—йўлга чорлайди.
Илоҳийми—эрир ҳаволар,
Изларида—юлдуз порлайди.

Ёш боладай юрак шошқалоқ,
Билиб олсам дейди бир пасда.
Томчи, бутуқ, инсон ва тупроқ -
Бу қандайин муқаддас ришта?

Сузиб ўтар парку булутлар,
Тоғдан энар сурур туйғуси.
Олиб учар маҳрур булутлар
Денгизларнинг олис қайғусин...

МУСИҚА

Кимнингдир юраги тўлиқмоқдами,
Кимдир қўлларини кўтарар, ёниб
Бехос оқиб келган дард ёқмоқдами
Қўшиғида шиддат, ғамлардан тониб?

Боғни сел босдими? Оҳангми ҳаёт,
Ёки ўчиб-ўчмас оташин вулқон?
Ким у—кулочини ёзади озод,
Булултарга суюк бағри кенг осмон?
Томирлардан сизган қайноқ қон каби
На оғриқ, на ҳадик сезилар, фақат
Ёмғир куйларини улуғ Бах қалби
Каби боғ тинглайди, тинглар фароғат.

Нима у—шу қадар эрки ва мағрур,
Тақдир йўлларининг чақмоқлигими?
Шамол қанотида оловли сурур,
Тунги армонларнинг уйғоқлигими?

Бемаврид узилар чаманзорларнинг
Куйи авж паллада, тонгнинг бағрида
Кенгликлар ёришар эманзорларнинг
Ибтидоий ва пок шудрингларида!

АПРЕЛЬ

Яна сокин, яна вазмин боғ.
Тахирлашар
Сийраклашган қор.
Энди совуқ, аччиқ изғирин,
Қаҳратонни кутмоқлик бекор.

Яқинлашдим—
Ярқироқ мрамар
Кафтдан учиб тушган оппоқ зар
Мовий кўкка учди

Эҳтимол,
Ерни қучди—кўздан йўқолди.
Мрамар ҳайкал жим,
Қотиб қолди.
Табассуми биллур апрелнинг
Ҳаволари тоза.
Оғир туш
Каби бўрон тингач,
Бахтданми,
Сармаст шохлар,
Новдалар намхуш.

Соя каби
Баланд чўққида
Тебранади дарахтлар олис.
Шарқ томондан

Ёришган осмон
Қучоғида олов рангли из.
Парчаланиб кетган булутлар
Кенгликдаги, юраклардаги
Ҳаловатга дахл этолмай,
Сизиб ўтар гўё ўтли ҳис...

ҚОР

Лаҳза—ёзда учган қор учқунидай,
Умри қисқа елдай соврилди—кетди.
Вақт эса—оппоқ қор. Дил ёлқинида
Оппоқ сатрларга сингиди—битди.

Чор - атроф сукутда, чор-атроф кўркам,
Хўроз қичқириви—кимни уйғотди!

Майсаларга енгил қўнди-ю, шабнам
Бир лаҳза ичида музлади—қотди.

Бунда ором истар ҳар битта қадам,
Оҳуни кўзлаган нишонга кулиб
Турибди охунинг кўзлари—на ғам!
Қарашлари теран, ҳайратга тўлиб.

Тўхтаб қолган каби—вақт, кенглик, тутун,
Тошлардан учинган қор учқунлари
Кимгадир урилди майин ва беун,
Қанотида тубсиз хаёл тунлари.

Лаҳзалик изғирин борлиқни тилди,
Лаҳзалик рўёнинг тушлари эртак.
Кўринмас пардалар яна осилди,
Парда этаклари бўлак ва бўлак.

Ўзи билан ўзи қолса ўралиб,
Ўзи билан ўзи қолмоқ—ё ботқоқ!
Эшик ғижирламас. Йўллар буралиб
Қарамас—на товуш, на парвоз, бироқ

Мана (яна ёзги қор учқунидай
Лаҳза чир айланиб, жон берар бесас).
Сатрларда оққан қалб тўлқинида
Ҳатто қорли Вақт ҳам ўзин ўнглолмас.

Осмонда тутунлар ўрлайди, сизар,
Афсунгар дунё ҳам кўз очар—ёху!
Хўроз қичқириви шамолдан ўзар,
Нахотки йиқилди ярадор оху...

Яна алаҳсираш—бариси бекор!
Ўйладим ўтмиш ва келажак аро

Лахзадан мавжудроқ яна нима бор?
У—мармарлар билан ўралган дарё.

Нечун бу дарёнинг сувлари рангсиз,
Кўприклар тикилар—айтар сўзи йўк.
Қирғоқлар бошини силайди тубсиз
Дарёнинг сувлари ҳиссиз ва совук...

Яна шовқин-сурон, яна суринди,
Тўлқинланди икки кучли овозлар:
Ўнгда—қават-қават уйлар кўринди,
Чапда - осмонўпар минор, гумбазлар.

На дилбар тонг! Нурлари мўл-кўл!
Тўлишгандан тўлишибди боғ.
Шоир бўлиб сайрайди булбул,
Кўзларини юмиб, вақти чоғ.

Эркин-эркин таралар наво,
Қалб қўшиғи—заҳматдир, хуррам,
Бетақрор куй йиртқични ҳатто
Сеҳрлади—чирмади маҳкам.

Аммо бургут азмидан қайтмас,
Тут ва чинор хушлар дарғани.
Дилидагин ҳеч кимга айтмас-
Боғбон этди боққа қарғани.

Мени қийнар, қийнайди бир зор—
Наҳот булбул куйламас янгроқ?
Қайда бургут билан қарға бор—
Юракларга сочади нифоқ...

ТОҒЛАР

Қирларнинг ортидан қирларни кезиб,
Далалар борликқа ёйса ғулувни.
Ичгим келаётир тоғлардан сизиб
Келаётган тиниқ бир култум сувни...

Жилғалар жимирлар, олис ва уйғоқ
Тоғлар елкасида ёриқлар чуқур...
Кўз ўнгимда қуюқ, ям-яшил ўтлоқ
Бағрига инади ором ва ҳузур.
Ёху, қадрдон тоғларим, ҳамон
Теп-текис йўлларга кўниколмадим!...
Тўкилар қалбимдан ўтли, беомон
Ташналик ва ҳайрат кўлларга сим-сим.

Бургут учар тубсиз жарликлар узра
Тоғлик йигитларнинг ўткир кўзлари

Чўққиларни илғар, мисоли нуқра
Шунда қолиб кетса дейман ҳисларим...

Димоғдорлик нечун, кеккаймоқ нечун!
Оёғимни тираб заминга маҳкам
Нигоҳимни кумуш чўққи, инчунун,
Қор кетмас тоғлардан узолмам, узмам!

Нечун бошим эгиб юришим керак?
Шу тоғлардай мағрур қад кердим, қаранг!
Ҳамиша баланд бўл, баландла, юрак,
Шу тоғлар, чўққилар – ўқ ўтмас қалъанг!

ЭНГ ЁРУҒ ҚАЙҒУЛАР

Авж пардага чиқса қор кўшиқлари
Мармар ўчоғингиз қарсилладими?

Оқ қоғозга ёруғ ғам кўчган сари
Қорлар тобора оқ, чарсилладими?
Дераза ортида айланиб, учиб,
Чирмашиб изғирин қуюнларига
Шеърга сингган ҳасрат кетдими кўчиб
Қорнинг қалин, қуюқ уюмларига...

Ажинлар, чизиклар сирли ва учкур,
Йўллар каби узун, саноғи йўқдир.
Ёшлиқ ҳарорати беқиёс сурур,
Хаёллар, ҳисларнинг адоғи йўқдир.
Осмонда кезинар сулув кумуш ой
Табассуми ғамғин, армони ойдин.
Жимирлайди тўлғин, юлдуз тўла сой
Хонишлари ўтли келмоқда қайдин...

Чексиз хаёлотга чўқади тунлар
Сой бўйида кўркам дала ҳовлилар.
Шоир илҳомини ичади тунлар,
Байтлар тўкилади - тўкилади зар.

Тубсизликлар ичра тубсизлик ёрқин,
Ҳаволар мовийдир, ҳаволар кумуш.
Туйғулари жўшқин-жўшқин ва ёлқин
Фаришта учади оҳанглари хуш.

ДЕҲҚОН

Бадқовок бойқушлар тун чоғи
Кундузги нурларни излашар.
Деразам ортида
Меваси мўл-кўл
Олма дарахтинринг бутоқларида
Чайқалди осмон.

О, нақадар енгил

Узилар кўкдан
Олма юлдузлар!
Сен шу қадар ёшсан,
Шу қадар содда!—
Бошинг айланади
Жаннати мева
Ҳидлари илоҳий,
Қўл етмас сеҳр...

Тун бўйи
Хиргойи қилдим тонггача.
Овозим пастлатдим—
Олма дарахтин
Оқлаётган
Дехқонни бехос
Ҳуркитиб юборгим келмади.

ОВЧИ ТАЗАРРУСИ

Жилға шилдирарми ўтлоқда, ҳамон
Чирилдоқ сайрарми янгроқ, бепарво?
Қўлимга олмайман мен энди, ишон,
Милтиқни ирғитиб юбордим ҳатто!

Тиз чўкиб йиғлайман, юзимни барча—
Барчадан яширгим келар иблисдай.
Шафқатсиз эмасдим, юрагим парча—
Парча этдим, билсанг, гуноҳкор ҳисда...

Қопқонга илинган бир ғариб жонни—
Қушми, кийикларми - омадим дедим.
Нақ кўксидан оққан ҳар қайноқ қоннинг
Хунини тўладим - тун мени еди...

Йиғлайман - минг лаънат шундай ёзуққа!—
Мерган сифат қўлга қурол олган кун
Дуч келди қай оҳу мен отган ўкка,
Ярасини ялай бошлайди беун...

Деразамга яқин келмоқда соям -
Бир қатра нурга зор иблиснинг уҳи!
Мен ваҳший эмасдим, дилдаги доям—
Унутди шафқатни овчилик руҳи.

Ё, тангрим, хунарим бўлди ёмонлик,
Гуноҳларим кечир, бергил омонлик!

ТУҒИЛГАН УЙ

Шамол тинди.
Шивалар ёмғир.
Тайёрагоҳ салқин ҳавоси,
Урилади кўксимга ҳузур,
Шошилмасдан кўтарилман,

Нафасимда—юртим навоси.

Лаззатлидир парвоздан парвоз,
Осон эмас—қўниш туйғуси.
Табиий ва содда, бепардоз,
Ташвишлари битмас заминга,
Яна уйга қайтмоқ орзуси.

Қалб куйлайди,
Иллюминатор
Сенга қарар,
Сен эса—ерга.
Учқур ҳаво кемаси такрор
Ошиқади бўлиққан дала,
Яшил ўтлоқ,яйлов ва қирга.
Она уйим—онажон шаҳрим,
Қимматлигим, беқиёслигим.
Сени кўрсам, очилар баҳрим,
Унутилар Париж соғинчи,
Қадим Рим ҳам кўздан йўқолар.

Ёзнинг илиқ ҳавасларида
Самодан ҳам яқин ва азиз,
Жонга туташ бир тутам майса.
Менинг каби ҳатто темир куш
Она юртим—
Она тупроқдан
Кўтарилар истамайгина...

АЖДОДЛАР ҚОНИ

Яшагинг келади, яшнатиб
Шу тирик мавжудот, борлиқни.
Инсоннинг азалий орзуси—
Табассум ва яна табассум.
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Болалар жон - таним,
Болалар—дилим.
Улуғ шоирларни ўқийман такрор.
Важа, Шиллер, балки Марк Твен...
Ҳайратларга кўмади минг бор.
Болаликнинг келмас уйқуси—
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Болаларга дунёни бериб,
Болаларга тутдим байрамлар.
Эрк бераман, қиламан тортиқ
Дунёдаги ширинликларни...
Юрагимнинг йўқдир қайғуси—
Аждодларим қони қадарлик

Қонларимда—фахр туйғуси.

Сизга ором истайман, дўстлар!
Бошқаси—бекор.
Изғиринда қолган дарахтдай
Ёлғиз қолмоқ берса-да озор...
Оғир дамлар ўтиб кетгуси—
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

Ў, Ватаним, сенинг куйчингман,
Томирларим—томирларингда.
Бундан бошқа қудратли сўз йўқ,
Руҳим—тиник тонгнинг кулгуси.
Аждодларим қони қадарлик
Қонларимда—фахр туйғуси.

ЙЎЛ

Йўлим оқар шиддатли ва тинч,
Ҳаётим хур, хаёлим бедор.
Қанча азоб, изтироб, ўкинч,
Юрагимни ўртаса ҳам зор...

Елкам яғир бўлса-да юкдан,
Йўлдош бўлди сабр ва чидам.
Нур ёғилди кўксимга кўкдан,
Ҳосил берди заҳматларим ҳам...

Дўстларимни асраб қолай деб,
Яна ўша хурлиқо кўзни...
Суйиб-суйиб дилга солай деб
Ўнглаб олди ўзлимнинг ўзни.

Ёт кўзларда—зулмат ва ўлим,
Янчиб оташ—оташ зулмни.
Юзлашаман сен-ла, эй, ғаним,
Ўзим ўқий одил ҳукмни.

Олис йўллар зим - зиё қаъри,
Ёлғизликнинг нафаси, ёху!
Илонни ҳам илитар бағринг,
Тунлар сенга тутуди оғу...

Гоҳи хушҳол, гоҳида ғамғин,
Ўтмишимга назар ташлайман.
Тонгларимни кутгали рангин
Қуёш сари йўлим бошлайман.
Меҳр кутдим—ташқарида қиш,
Муз, сирпанчиқ йўлларда ҳатто.
Йўлим менинг—ҳаётим ва ишқ,
Барчаники ва менинг дунё.

Йўлим, менга ишон, ҳаммавакт
Суян тангри бардошларига.
Бир кун менга йўлиқса кулфат,
Бошим кўяй тоғ-тошларимга.

ТОҒЛАР МАНЗАРАСИ

Нақшинкор айвонда тонгни кутаман,
Кўринади қорли тоғлар қояси.
Жилғалардай ҳуркиб-ҳуркиб буралар
Чўққиларда баланд чинор сояси.

Хўроз кичкиради, тонг отар-отмас
Самодан қуйилар қайноқ - қайноқ нур.
Тарқала бошлайди пар каби туман,
Қалбимда тоғларга йўл олар сурур.

ЎЗ - ЎЗИГА КЎЧИШ

У кета бошлайди жим ва кўринмай,
У кета бошлайди—билмайди қайга.
Сўнгсиз оҳангларнинг руҳида тинмай
Ўзини излайди чўққандай сойга.

Унинг тақдирига ёзилмиш синик
Нағмаларни шамол узиб ташлайди.
Шунда кўз олдимга келади тиниқ
Муҳаббат армони, кўзин ёшлайди.

Ойнада кўринар қоп-қора доғлар,
Ақлдан озасан—қалқиб кетади.
У кетиб боради, йўлида боғлар
Қайрилар—хотира балқиб чиқади.

Тортилиб боради аччиқ аламлар,
Юрагимни ўртар оғир дард, бедор
Қадрдон чехралар, азиз одамлар
Соғинчи беқиёс, нурли, бетакрор.

Яна маконига йўл олар шамол,
Яна ватанига қайтади булут.
Ташвишларинг битмас, на ажиб хаёл!—
Бу дунёни унут, ўзингни унут.

Ўз-ўзига кўчиш бошланди, қара,
Нақадар улуғвор туғилмоқ сирдан!
Манзара ортидан елар манзара,
Дилбар куйлар оқар бир қатим нурда.

УФҚ

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам ғамғин нигоҳлар,
Кўз ёшларим ёйилади, дунё сарсари.
Видоли қарашлар, сукутлар, оҳлар,

Поезд елар уфқ, кунботар сари.

Кенгликни силкитар кучли чинқирик,
Мени чирмаб олар поезд шовқини.
Видоли қарашлар—шафқат билмас ўқ,
Улар мени адо қилар бир куни...

Кўлларинг силкийсан баланд ва узок,
Ҳасратларинг бир кун—умринг заволи.
Уфққа ёйилар қон рангли титроқ,
Айриликнинг телба шамоли...

ТАШНАЛИК

Кузги намхуш ҳаволар таъзим
Қила - қила кирди шаҳарга.
Болаларча содда табассум,
Тиниқ нурлар тўлар сахарга.

Кўзларимда—биллур шабнамлар,
Шаффоф кўллар мовий ва тубсиз.
Намланади киприкда ғамлар,
Юлдузларга айланар олис.

Умрим йўли узун, дил—овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби ҳеч бир йўловчи
Бундайин ҳис билан ёнмади.

Кўринади қадрдон чироқ,
Ўчмас ота уйим ўчоғи.
Отажоним меҳридай қайноқ
Нурланади осмон кучоғи.

Онам ҳамон кўринади ёш,
Сувга кетиб қайтиб келмади.
Кўза каби чил синди бардош,
Биров билди, биров билмади...

Умрим йўли узун, дил—овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби қеч бир йўловчи
Бундайин ҳис билан ёнмади.

БИЗ—МАЙСАЛАРМИЗ...

Дунёда ҳамма тенг—оқилу нодон,
Шиддат билан текис ўради чалғи.
Майсалармиз—борар йўлимиз битта,

Эртами, кеч бизни кўради чалғи.

Сиз билан яшадим, сиз билан ундим,
Кенг осмонни кўрдим, тупроқни суйдим.
Яшил далаларда баргларим ёздим,
Гулларим куйласа, қуёш ҳам суйди.

Мен ҳам шу қуёшга талпиндим, ёндим,
Бағримда товланди тонг, биллур шабнам.
Бир кун мен томонга ташлади қадам
Ўткир чалғи билан собиқ қўшним ҳам...

Десанко МАКСИМОВИЧ
Югославия

XX асрнинг 20 йилларидан то 90 йилларигача давом этган улкан ва баракали ижоди шоира-нинг чинакам истеъдодидан дарак беради. Унинг илк китоби 1924 йилда дунё юзини кўрган бўлса, сўнгги шеърлари 1987 йилга бориб тақалади.

Ёшлигидан отаси каби ўқитувчи ва шоир бўлишни орзу қилган Десанко Максимович шеърляти кенг қамровли, забардаст. Анна Ахматова бу дилбар шоиранинг шеърларини севиб, таржима қилди.

Десанко Максимович - Югославия Халқ шоираси, Сербия илмий ва санъат академия-сининг ҳақиқий аъзоси, кўплаб адабий мукофотлар соҳибаси Десанко Максимович номи жаҳон адабиётида ўз овози, ўрнига эга, чин ва катта маънодаги муҳаббат ҳақида сўздир!

А Ё Л

Юрагим-севгининг тиниқ булоғи,
Шифоли, ям-яшил гиёҳдир-сўзим.
Куйласа, кўринмас меҳрим адоғи
Йўлда йўлбошчидир қуёшли кўзим.
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимники жонидан тўйдирди дунё,
Шафқатсиз ҳасратда кимки бўлди кул.
Қайрилиб қараса, кўради, илло,
Унга ҳамширадай тутяпман қўл
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимники безовта қилар оғир туш,
Кўз очиб юмгунча учиб келган куш
Каби дардларини олгани келдим,
Юрагига умид солгани келдим,
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Кимки осойишта тонгларни кутса,
Кимки уйқусизлик ғамин унутса
Кўлимни кўлига дўстона тутдим,
Кўнгиллар кўнглимдан сув ичиб ўтди.
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

Тақдирим ишқ билан қондошдир, ҳар кун
Тонглар тугилади кафтимда маъсум.
Нигоҳимда меҳр боғлари гулгун,
Бахтга айлантирди ғамни табассум
Сабрлари олтин сингилман, сингил,
Саодатдан сархуш кўнгилман, кўнгил.

ҒУССА НА ДАРКОР

Қадрдон дўстларни тупрокқа қўйдик,
Киприклар эгилди майин, беармон,
Бегона қитъалар ёйинки осмон
Тубларидан елган номадай шодон
Азиз чехралардан сабоқлар туйдик.

Вақт етди, оғриқли хотирни буткул
Дилдан аритай деб, ерга кўмай деб,
Баҳорий ёмғирлар қўшилди мўл-кўл
Дарёларга ойдин тушдай кўмай деб,
Рухинг тўлқинлари оқади гул-гул.

Ўчирмоғинг керак тилсиз оловни,
Йўқса, идрокларда тутай бошлайди.

Итқитиб баҳорнинг йўлидан ғовни
Туйғулар шошади дилбар, жангари.
Энг осуда дамлар қадам ташлайди,
Музлик остидаги денгиз сингари.

Кўклам йўлларини кучган қалдирғоч
Қанотида турфа муждалар учди.
Ҳорғин ҳасратларни сўндирди, ичди
Булбулнинг ёр-ёри тиниқ, жарангдор.
Бокира оламнинг бағрида қийғоч
Гуллади ҳайратим, ғусса на даркор!

СИРЛАР

Сиру синоатсиз яшашим қийин.
Камлик қилар менга шеърлар инъоми
Гулғунча бағрида кулгумдай майин
Очила бошлайди табиат сири.
Қанотли қуш каби эркин ёйилиб,
Тарқалган булутнинг тўсатдан ийиб,
Тубсизликка чўкиб кетар кўз қири.
Сиру синоатсиз яшашим қийин
Қадамимда йиллар сизгани сайин
Ҳарорат олади дилнинг қайғуси.
Тазарру қиламан момо ер каби,
Сўзларим-майсанинг яшил туйғуси.

Тазарру қиламан, тазарру танҳо,
Қалбимни кўлимда ушлаб пиёда
Бораман черковнинг пойигача то,
Меҳробга сингийди борлиғим гўё.

ЁЗ ОХИРИ

Замин хушбўй, борлиқ нури кучоқда,
Еллар майсалардан олмоқда бўса.
Настарин баргидай ўй тотли чоғда
Ёзнинг охири.

Бутоқлар эгилди, мевалар пишди,
Япроқлар уюми-оловли қисса.
Уфқлар қизариб руҳимда жўшди,
Ёзнинг охири.

Хазонлар чулғанар ғамгин навога,
Кумуш ип шодаси билмайди ғусса,
Бардошинг етарми, юрак, видога-
Ёзнинг охири...

СУҲБАТДОШИМ ДЕЙДИКИ...

Тақдир-кўтарилиб келаётган куёш,
Яна шу йўл билан ортга қайтади.
Тақдир-дарди билан суюмли бардош,
Қанотида умид кўшиқ айтади.

Тақдир-қачонлардир олис саҳарлар
Кечикди, кимнингдир ёзи кечикди.
Ундан ўзиб кетди ўзга баҳорлар,
Ичикди, чин мағлуб дамлар ичикди.

Тақдир-сени дилбар тонглар кутади,
Адашмайман дея ичасан қасам.
Қуёш ботаверар, бахт ҳам ўтади,
Тахир шароб тутар қалбингга алам.

Тақдир-ҳеч ўнгидан келмаётган иш
Тушингдаги каби ўнгланиб қолса.
Тақдир-чўққисига кўтарилган ишқ
Қалбдаги тошларни парчалай олса...

ҚУЁШ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Тун эрий бошлайди ўтинчларимда,
Пойимда оқади тонгги фароғат.
Қуёшли ўтлоқда ям-яшил кўкат
Титрайди шамолнинг ўпичларидан

Уммонли хаёли ўтли муҳаббат,
Рухимда гуллайди гиёҳ орзуси.
Қўркув сололмайди ўлим қайғуси,
Гўё сен бўлмасанг тўхтайдилар хаёт.

Ўтлоқ билан мени қуршайди шитоб
Билан келаётган жангари тилсим.

Тубсиз қоронғулик чулғайди сим-сим,
Қирларнинг ортига чўккалар офтоб.

Кўнглимни ушласа дейсан янги кун,
Ўлим ҳақ дейсану, умид ўлмайди.
Ҳеч ўлгинг келмайди, ўлгинг келмайди,
Яшагинг келмайди нурсиз ва ғамгин.

НОМСИЗ ДАРЁ

Урилади дарё шовқини
Дала томон кумларни отиб.
Бу қандайин сирки, номи йўқ,
Наҳот уни қўйган йўқотиб?

Харитада на чизик, на сўз.
Овозлари майин шаршара
Бахтли яшар номсиз, доврўқсиз,
Қалбга туташ бу ҳислар, қара!

У-гўёки қўшиқ барҳаёт,
Қадимийдир шоирлардан ҳам,
Ё рассоми номаълум сурат.

Бунда буюк соддаликлар жам-

Шоирдан-да бебаҳо ҳайрат,
Мусаввирдан аълороқ сурат.

ҚУЁШ ВА МЕН

Қуёш билан дўстлашгим келди,
Унга туташтирдим йўлларим.
У-осмондан, мен-тоғдан келдим,
Узатаман тонгда кўлларим.

Шошиламан етиб олай деб,
Мени кутиб турганга ўхшар.
Кенгликларни завққа солай деб
Бир пас хаёл сурганга ўхшар.

Ярим йўлга етганда қуёш
Мен оловли куйга тушаман.
Нафасимга урилар оташ,
Ҳайратларим ичра жўшаман.

Қияликлар мовийлашади,
Қуёш эниб бормоқда сокин.
Туйғуларим майинлашади,
Тоғларимдай виқорли, вазмин.

Тун чўқади, хушлашар хуррам,
Тушимга ҳам киради ҳали.
Унинг билан қадам-бақадам
Кетаяпмиз тонгни кутгали.

АЛДОВЛАР

Олисдан уйғониб келаётир тонг,
Сут ҳидини туйиб, тўлаётир тонг,
Гўдак нафасида кулаётир тонг,
Қуёш нурларини силаётир тонг,
Бари-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

Кўкда бир жуфт булут чиройли, оппоқ,
Гуллаган олхўри шоҳига уйқаш,
Тақдирлари туташ, пар каби юмшоқ
Буркиб-буркиб ёйилар булут
Бойлангани сўнгги тушларга,
Айлангани тунги кушларга.
Бари-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

Сувлар, қуюнларда жунунваш жилва,
Очиқ денгиз, чақмоқ, довуллар ҳолва,
Тўлқинлар уммоннинг қаъридан, қаранг,
Абадият каби қадим ва кулранг

Иткитиб юборди қайроқ тошларни.
Бари-барини
Тортиқ қилмоқ истар кимдир кимгадир.

САРХУШЛИК

Мени маст айлади баҳор тўсатдан
Дунё очик денгиз каби тўлғонди.
Ойни қарши олган хаёлпарастдай
Мени интиқ кутган шеърлар уйғонди.

Билмам, не қудратли-юрак энтикиб
Қайноқ туйғулардан қувонмоқликму?
Сатрлар қатига жонини тикиб,
Янги япроқлардай барқ ёнмоқликму?

Не тонг, бир олий сеҳр сийлади,
Очди борлиғимнинг пок сирларини.
Денгизлар тубини ишғол айладим,
Ўйнатдим, қувнатдим кўк нурларимни.

Гўё уйқудаман, лек бари ёдда-
Табиатнинг турфа ранги ва жони.
Идрок мўъжизаси буюк ва содда,
Муסיқа оқмоқда-дарё тошқини.

ХАЛҚ ҚАРҒИШИ

Қайдаки, яхшилик барқ урди сўлим,
Туёқлар остида топталди хун-хун.
Золим,
Сени жазолайди табиат бир кун!

Қайдаки, мунаввар тонгларда тиним
Билмасдан куйлади эркинлик куши.
Бир кун кишанлади уларни тишинг,
Золим,
Изинг қолар бўлса қайси сўқмоқда
Қарғиш тўфонлари қувсин тўқмоқдай!

Қайдаки қабристон-сўнгги манзил бор,
Аждодлар руҳидай дарахтлар ҳам жим.
Кўрарлар, айтолмас-тупроқ бўлди хор,
Лаънат, лаънат бўлсин отинг,золим,
Қирон, қирон келсин зотингга, золим!

ҲИДЛАР

Гўдакнинг ҳидига ўхшайди саҳар,
Ноннинг ҳидларида ҳаёт елади.
Тупроқ, нафасингдан созланади тор,
Ўраамлардан майса иси келади.

Қалин чимни ёриб-ёриб ўтарми

Чимзор ва туманни тутатаётган ис?
Пармаланиб синган гирдоб тутарми
Август ўтлоғига қадрдон пок ҳис...

Авайлаб-асрагинг келар қарокда
Ёмғирли сувларни, музликларни ҳам.
Яхшилик сўзи бор ҳидлар ардоқда,
Жонланар табиат, замин ва олам.

Тонг чоғи йўлларга тўшалди ўйинг,
Эсингдами, бирдан завқланди дунё.
Ёзги ёмғирларнинг ёқимли куйи
Қушча қанотида тўкилдими ё?

Арғувон гуллайди, руҳинг аллалар
Баҳорий насимлар! Сархуш паллалар!
Ёдингдами, майин пўстлоқнинг ҳиди
Баридан—да нозик туйғули эди!...

ЕР БИЛАН СУҲБАТ

Ер менга онамдай рост гапиради,
У-жонли ҳалқадир, узилмас ришта.
Биз билан борликка жонин беради,
Кўргиси келмайди ҳеч кимни хаста
У-инсон сийратин чизувчи шоир,
Табиат сеҳрига асир мусаввир.

Ер менга онамдай рост гапиради,
Маъсума яшиллик дилдорлашади.
Юлдузлар шуъласи дилга уради,
Олис хотиралар дийдорлашади.
Қайтмас кунлар меҳри қайтиб келади,
Тонг чоғи қуёшни айтиб келади.

Ер менга онамдай рост гапиради,
Хаёлнинг паст-баланд дўнгликларида
Осмон ҳам биз билан бирга юради,
Юрагининг ажиб кенгликларида
Ҳали сен кўрмаган замон бор, замон,
Вақтдан ҳам чуқурроқ даврон бор, даврон.

ҚОП - ҚОРА ЁШЛАР

Фам—ғуссанинг кўз ёши қора,
Тинмай вақт-бевақт
Томчилайди ернинг бағрига.
Тирик экан заҳарли яра,
~азаб ва офат
Илдиз отар ернинг қаърига.

~ам–ғуссанинг кўз ёши оғир-
Қоп–қора ёшлар
Қай зулматдан сирқирамоқда.
~ам–ғуссанинг кўз ёши сағир,
Қонли бардошлар
Ернинг нақ кўксидан тирқирамоқда.

ЁЛҒИЗ ОДАМ

1. Сонет

Одам кетиб борар йўл бўйлаб тонг пайт,
Узилган япроқлар тупроқни кучди,
На қўшиқ, на ҳислар, на кушлар учди,
Қуриган дарахтлар кутмай қўйган бахт.

Одам кетиб борар, қиймалар ўйлар,
Тўнғиган чигиртка мисоли сирлар
Совуқ ва кимсасиз уйда ғимирлар,
Шубҳа ва қўрқувлар зулматдан сўйлар.

Бу кенг олам нечоғ бўм - бўш ва совуқ!
Ўтди Микеланджело, Тацит ва Байрон,
Пушкин ўлдирилди, Толстой ҳам йўқ.

Кузги барглар каби қайтмайди туйғу,
Тириклар сафида қолмади бирон
Қадрдон дўсту ёр, ёлғиз қолди-у.

ЎЛ И М

2. Сонет

Бўйчан майсаларнинг бағрида ётар,
Билмам, тулкичами, олмахонмикан.
Унинг жонсиз тани тупроққа ботар,
Шамоллар нафаси саргардонмикан...

Сезмас поялардан оқади шарбат,
Гиёҳлар чайқалди, жилғалар шошди.
Ўрмалаб, югуриб, учиб бетоқат
Ваҳший очофатлар хаддидан ошди.
У эса яшади-кўз очди-юмди,
Камтарин меҳмони бўлди дунёнинг,
Уни қурт-қумурсқа қўшини кўмди.

Ўрмонда азалий қонуният бор-
Мурдани хазонлар кўмади, ғамгин
Шамоллар куйлайди узок ва бедор.

ВАЙРОНА ЧЕРКОВ

3. Сонет

Урушнинг қурбони бўлди бу черков,
Қаровсиз боғида нималар бўлмас:

Иконалар тушиб кетса—да, биров
Билмас, ойналар ҳам синар басма—бас.

Динсизга черковнинг кераги ҳам йўқ,
Бу-менинг ишиммас, дея ўйлайди.
Ғира-шираларда ранглари совуқ
Моғорли деворлар недан сўйлайди...

Қорайиб кўринган иконаларга
Урилар, юлқилар шамоллар дайдиб,
Кузги хазон тўлар бўш хоналарга.

Қишда жон сақлайди жонворлар бунда-
Шу кимсасиз черков қаҳрли тунлар
Омон олиб чиқар қорли қирғиндан.

ҲИДЛАР БЎРОНИ

4. Сонет

Ҳидлар сарсон кезар юраклар мисол,
Бу жунунваш ҳидлар изтироб ҳидлар.
Қуёш ҳиди урар сояни хиёл,
Туман ҳиди анқир хилватга қадар.

Куйлар ҳиди қалбга оқиб киради,
Ҳар дамнинг ҳидида гуркирар кўклам.
Баҳсу низо, сирлар суҳбат куради-
Бахтнинг шивирида совуққина ғам.

Учар руҳлар ҳиди-учқур сулувлар,
Қамишдаги унут ҳидлар суронин
Йўллар менга уйғоқ ва тўлғин сувлар.

Чирмашар, кенгаяр ҳидлар кўлами,
Ҳидларнинг мастона жонли бўрони-
Табиатнинг майин-лирик тўплами.

ШОИР

5. Сонет

Шоир ҳамма вақт ҳам эркин ва уйсиз,
Вақтнинг қонунлари унга ҳокиммас.
Худонинг қудрати энг бахтли нафас
Сув, ҳаво, шоирни яратди туйқус.

У-Вақтга бўйсунмас илҳомдир, бешак,
У-йигирма ёшда даҳо ва қўшиқ.
У-тўқсонга кирган навқирон ошиқ.
У-денгизлар, тоғлар билан эгизак.

Ёлғизликда унинг ҳамрози-илоҳ,
Халал бермас сирли тушлар кўрса ҳам,
Мўъжизалар тортиқ этар баногоҳ.

Жазоламас уни севги худоси,
Сидирар қалбига инса қатра ғам,
Юксакларга чорлар ҳайрат маъвоси.

МОРИС КАРЕМ

Бельгия

(1899 – 1978)

Бўлажак шоир Ваврада, мўъжаз Брабанта шаҳарчасида меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Отаси бўёкчилик, онаси сотувчилик қилиб, амаллаб рўзғор тебратсалар–да, ўғли Мориснинг илмли бўлишини истади. У мактабни тугатди. Брюсселдаги ишчилар шаҳарчасида ўқитувчилик қилди. Ёшлигидан қўлига қалам олди–дилига шеър ишқи тушди.

1972 йили Парижда «Шоирлар қироли» унвонига сазовор бўлди. Шоирнинг Брюссел-даги уй музейида мавжуд китоблар фақат музей бойлиги бўлиб қолмади, аксинча, жаҳон адабиётида ўзининг муҳим ўрнини эгаллаб, дунё халқларининг тилидан тилига кўчиб, ҳамон баланд руҳда янграмоқда.

Морис Карем -чин маънодаги халқ шоири. Буни унинг сўзлари ҳам айтиб турибди:

«Шундай бир шакл, ифода яратсамки, у энг тиниқ ойна каби юрагимни, унинг зарблари, торларини кўрсатиб турса».

ЁЛҒИЗЛИК

Суҳбатлашмас сен билан ҳеч ким,
Жавоб бермас саволингга-жим.
На куйлаш бор, на сас, на иддо,
Бирон тилдан кўчмас илтижо.

Ёлғиз эдинг. Бутунлай. Юрак
Тубида ярқ этди зўр истак.
Дуб барглари дув–дув тўкилди,
Дарахт билан сўзлашгинг келди.

Ё ҳайқирсанг бор овоз билан,
Акс–садоси қайтса... Соз билан
Айтилмаган қўшиқ қолмаса,
Қайғу–ҳасрат жонинг олмаса.

Тиз чўксангу, ибодат қилсанг,
Бағрингни кенг дунё деб билсанг,

Англасанг ҳам бариси-бекор,
Ниманидир кутсанг интизор.

ШИМОЛ ДЕНГИЗИ

Денгиз ўша-ўша, қаршимда
Қумтепалар, ўша шамоллар...
Яшаётир кундуз аршида
Дераза ва стол, хаёллар...

Қушлар учар, яшил қирғоққа
Бош уради майин тўлқинлар.
Қалқиб-қалқиб турар оёққа
Юракдаги ўлмас эпкинлар.

Болаликнинг завқи бетакрор,
Қуёшдан ҳам эрта уйғониб
Ўйин бошлар, елар болалар
Қумтепалар қураар қувониб.

Элас–элас шовқин товуши,
Стол. Яна қўлларимда иш.
Оддий, содда сўзлар қовушиб,
Куйласайди кўнглимдаги ишқ.

Кўринади яқин ва йироқ,
Хаёлларим кемага етди.
Кемадаги тилларанг маёқ
Қуёш билан тўқнашиб кетди.

БОЛАЛИК ДУНЁСИ

Кўк қуш менинг билан учмас осмонда,
Мушук ҳам этигим олиб юрмайди.
Кулранг бўри қалин қуюқ ўрмонда
Мени учратмайди, суҳбат қурмайди.

Сеҳрли чироғин бермас Олоуддин,
Менда йўқ нарсанинг кечдим баридан.
Жавоҳир ўлкасин изламадим, чин
Сўзим шу, сўзлайман йиллар қаъридан.

Болаликнинг қувноқ олами нажиб,
Шамол билан эсган ўйин, эртаклар.
Мен билан яшайди, нақадар ажиб!
Гўдакка айландим, ҳайрат эркалар.

Бу севинч йўлининг йўқдай адоғи,
Ҳаётни жон қадар суйдим ёниқиб.
Қанийди, шу тубсиз дарё қирғоғи,
Ичсайди ишқимдан қониб, қониқиб.

СЕҲРЛИ КЎЗГУ

Донишманд сеҳргар яратди бир кун
Кўнгил акс этгувчи сеҳрли кўзгу.
Қиролликда кўплаб казо–казолар
Юрагида ваҳм, кўзда йўқ уйку.

Яширдилар уни бўм–бўш саройга,
Қаровсиз, ташландик қасрга бесас.
Бир кун келиб қолди бўри, ойнага
Кўзи тушди, кўрди у-ваҳший эмас.

Кунлардан бир куни қирол ўзини
Атай шу кўзгуда кўрмоқчи бўлди.
Кўринди-бир ҳамла билан дунёни
Ютгудай йиртқич қуш, ғазабга тўлди.

Чил –чил синдирилди кўзгу шу онда,
Сеҳргарни ўлим кутди бешафқат.
Ҳозир саройдаги барча ойналар
Қалб эмас, кўрсатар юз-кўзни фақат.

ҚИРОЛНИНГ ҚАЙТИШИ

Бошда темир қалпоқ,
Ёғоч кўлтиқ таёқ,
Қирол уйга қайтди урушдан хуррам.
Чанг ютиб аскарлар
Қўшиқлар айтарлар,
Уларга жўровоз оқсоқ қирол ҳам.

Либослари кўркли,
Бахмал, ипак, эркли
Қиролича кутар минорада тик.
Рўмолча эпкини,
Қўшин тўлқини,
Куйлаб юборади малика тетик.
Оёқяланг, жулдур,
Қалпоқда гул, довдир
Оломон авжи рақс этар майдонда.
У куйлар басма–бас,
Ки, жим ҳам туролмас,
Бундайин кунларда, бундайин онда.

Ноғоралар авжли,
Байроқлар мавжли,
Урушдан ватанга қайтар шаҳаншоҳ.
Урушда енгилди,
Оёқдан айрилди,
Лек ўзида йўқ шод-тирик қайтди шоҳ.

ҚИЗЧА ВА ЎҒИЛ БОЛА

- Ўғил бола бўлсайдим,-
Қизча қизишиб дерди.-
Африкага бир сакраб,

Югуриб етар эдим.

-Мен қизалоқ бўлсайдим,-
Бола қизишиб дерди.-
Нинага ип ўтказиб,
Дунёни тизар эдим.

Улғайишди, вақт етиб,
Энди улар эр–хотин.
Энди фақат пул ҳақда
Баҳс бойлашар куну тун.

БОЙ ОДАМ

Жаноб, сизга яна не дейин?
Ўқигансиз жуда кўп китоб.
Лек Шекспир ҳақда баҳс тайин
Ярашмайроқ турибди шу тоб.

Доим бандсиз. Йил ортидан йил
Келар, битта ташвишингиз бор:
Даромадни баракали қил,
Бойлик ўсиб турмоғи керак.

Дастурхонда турфа таом жам.
Ошпазингиз-парижлик, баланд
Уйингизнинг жиҳози кўркем,
Хизматчингиз-малласоч шотланд.

Ажойибдир мевали чорбоғ,
Кезинади товланиб пати
Рангин қушлар, гулга тўла боғ,
Кўриб дейсиз, бу-ер жаннати.

Сиз билмаган сирлар ҳам борми,
Жаноб, нечун дилингиз оғрир?
Сувдай оққан умр бекорми,
Не етишмас? Саволлар оғир.

ИСТАКЛАР

Юрмоқни истади-
Боғланди йўллар.

Олмоқни истади-
Қайрилди қўллар.

Сўзламоқ истади-
Ёниб кетди сўз.

Бўзламоқ истади-
Оқиб тушди кўз.

Севмоқни истади-
Қатл этилди ишқ.

Қандай яшаш мумкин?-
Сўрар Исодан.

Йўқ садо, йўқ таскин
Михланган худодан.

ҒАРИБЛАР

Келди қора қисмат,
Манглайда ёзик:
На товук, на—да от,
На ҳовли, на қозик.

Шунда бутуқлардан
Яна ер бағирлаб,
Тикладилар ватан,
Омон—омон терлаб.

Уй—жойсиз қолдириб,
Ўлдира олмагач,
Очликдан толдириб,
~ажирмоқчи ғарч.

Чой, сувдан мосуво,
Нондан йўқ урвоқ.
Қолди фақат само,
Ва сахий тупроқ.

Шунда насибаси-
Мевали ўрмон.
Каштан жозибаси,
Қўзиқорин хирмон.

Бостирмай қўйишди
Қишлоққа қадам.
Бор йўлни ўйишди,
Ёпишди, на ғам!

Буйруқ хаддан ошди-
Ўрмондан қувишгач,
~ариблар тилашди-
Осмон, бағринг оч...

ҲАВОРИЙЛАР

Матфей деди: «Сиздан яширолмаيمان,
Жавоб бера қолсин яхшиси Иоан».

«Лукага учрашинг,-сўз қотди Иоан,
Лука-дониш. Жавоб топар бегумон».

«Энг аввало, Маркка этинг мурожаат,-
деди Лука.–Ечим топгуси албат.

Билсангиз, мен учун ушбу муаммо
Хитой хати каби қоронғу савдо.»

Марк ҳам кутгирмасдан, ўтказмай фурсат,
Матфейга боришни берди маслаҳат.

Тонгда уйдан чиқиб кетган одамлар
Гоҳ у, гоҳ бу ҳаворийга борарлар.
Улар чақа олмас, очмас оғзини,
Еру кўк қомусин асил мағзини.

БЕБАҲРАЛИК

Баридан бебаҳра-
На нон бор, на шароб.
Баридан бебаҳра,
Лек жилмаяр, ё раб.

Билар, муҳтожлик ҳоким,
Умрбод айрилмайди.
Аммо юздан табассум
Бир нафас тойрилмайди.

Оғир, ҳаёти оғир,
Бўлса ҳамки, барибир
Ўзини йиқитмасдан
У яшай олди, қаранг,
Куни ўтса–да аранг,
Дилини оғритмасдан.

БИР ҲОВУЧ

Стол, унинг устида
Олма, ёнида пичоқ.
Уларнинг ёнида-нон.

Нон, олма, пичоғи бор
Столнинг қаршисида
Битта одам турибди...

Шундай ҳам, дейлик, майли:
“Ҳаммаси-сыйқа гаплар”-
Айтарсиз, аммо
Бу одам-мусаввир.
У акс эттира олди-
Стол, унинг устида
Нон, олма ва пичоқ.

Уларни ушлаб турган
Бир ҳовуч осмонни ҳам.

ҚУРОЛ

Қурол сотиб олди ўзига,
Бу - шунчаки эрмакка фақат.
Қурол сотиб олди ўзига,
Ва ғилофда сақлади кўп вақт.

Сотиб олган бўлсанг қуролни,
Недур қилмоқ керақдир албат.
Сотиб олган бўлсанг қуролни,
Аввал жилддан чиқармоқлик шарт.

Мана, ғилоф олиб ташланди,
Эшитсайди ўқ овозини.
Мана, ғилоф олиб ташланди,
Кўрса кўкда ўқ парвозини.

Бекорга ўқ отмоқ не даркор,
Ки, бор экан жонжоту қушлар?
Бекорга ўқ отмоқ не даркор?
Ўрдақ отгинг келганга ўхшар.

Қурол сотиб олди ўзига,
Бу шунчаки эрмак деб билди.
Қурол сотиб олди ўзига,
Қуш отилди, йиртқич отилди.

Ва кунларнинг бирида охир
Одамни ҳам отди, барибир...

ҚАШШОҚ

Олисларда қолган уйларни кўрмас,
Эшитмас одамлар товушин, фақат
Ўзидан ўзга—ла суҳбат ҳам қурмас,
Ундан айрилмайди ёлғизлик, ғурбат.

Халтасини ерга қўйиб, афтидан,
Чориғини ечди, увишди оёқ.
Бу баланд, бу мовий осмон остида
Оғриниб, ўгрилиб ётди ва чарчоқ

Қўлларини қўйди кўксига бесас
Болаликда каби. Кўзини юмди.
Ўзи ҳам билмасди-қайта уйғонмас,
Титради—ю, мангу уйқуга чўмди.

Уни топишганда лабида кулгу,
Илк бор яйрагандай умрида. Ҳайрат
Ичида қолгандай. Абадий уйку
Тортиқ этган эди унга чин жаннат.

ҚАРИ ТЕРЕЗА

Ҳеч ким сезмай қолди-ёлғиз, бегина,
Жимгина яшади, ўлди жимгина.

Столнинг ёнида берган экан жон,
Қора нон ушоғи, бўшабди қанддон.

Қайнатгич тубида қаҳва қуйқаси
Қорайган, қотиган, чиққан сийқаси.

Буфетни беаган бўм-бўш шамдонга
Суянган сурат бор, тикилиб тонга.

Ўлган қизиники. Эшик ортида
Чириган картошка сасир афтидан...

Кеча қабристонда кўмишди уни,
Топилмади тупроқ тошлар яқини.

Ҳаётлигида кам гапирар эрди,
Ўлимдан гап кетса, қисмат-ҳақ, дерди.

Ҳеч кимга айтмасдан кетди бир сўзни-
Наҳот сўнгги дам ҳам аяди бизни...

ДЕЙДИЛАРКИ

Дерлар, Исо Масих пайғамбар
Сўзи билан иши бир эрди.
Ҳа, ҳа, сўзу амал бирлиги!
Афсус, қиска умр кечирди.

Дерлар, Исо тирилганини
Кўриб Фома ҳайратда қолди.
Ҳа, у кўрди! Ва лекин, афсус,
Ном-нишонсиз ўзи йўқолди.

Дерлар, Лазар ўлганидан сўнг
Ҳазрат бўлиб қайта тирилди.
Ҳа, у яна кўз очди. Бироқ
Кўп ўтмасдан ўлим ҳақ келди.

Дерлар, унинг ортидан қанча
Авлиёлар заб ибрат бўлди.
Ва уларнинг башоратлари
Қуруқ сўздан иборат бўлди.

Дерлар, ишонмоқлик лозимдир
Алар айтган ҳар битга сўзга.
Аммо тарих ўзгача таъриф,
Хулосалар беради бизга:

Сўзлар чиндан жуда кўп эрди,
Шунчалик кўп, ақлга сиғмас.
Башоратлар биронтаси ҳам
Камбағалга қайишган эмас.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёнида бир жуфт този ити,
Қўшоғиз ов милтиғи қўлда.
Санқиб юрмоқ эмас одати
Куни бўйи ўрмонда, йўлда.

Қолдирмасдан концерт кўради,
Чалишга бор фортепяноси.
Ёз кунлари ором беради,
Уммонларнинг салқин ҳавоси.

Хуллас, унга кулиб боққан бахт:
Болалиги кечди диловар.
Умр бўйи эътибор, ҳурмат,
Меросхўрлик жозибаси бор.

Фақат... Йўлида учраса ногоҳ
Икки каптар каби икки дил
Ўзи билмай тортар эди оҳ,
Узоқларга олар эди йўл.

Бу изтироб сирли ва ҳазин,
Юрагига ўтказса ҳукм,
Ҳаётининг сархуш ва ширин
Дамлари ҳам азобга маҳкум...

Кристина РОССЕТИ (1830—1894)

Болалигидан то умрининг охиригача қўлидан қаламини туширмаган, суврати ҳам, сийрати ҳам бу гўзал ва бетакрор шоира ижоди инглиз шеъриятида ўзига хос ўрин катта эгаллайди. Унинг илк шеърӣ тўплами севикли бобоси томонидан нашр этилади. Шоиралик қисмати Кристина Россетига отаси— Лондонда яшаб ўтган италиялик муҳожир, итальян тили ва адабиёти ўқитувчиси Габриел Россети қонидан ўтган. Бундан ташқари, акаси Данте Габриел Россети ҳам ўз даврининг машҳур рассоми саналган. Айниқса, шоира синглизининг портрети ва унинг барча китобларига ишлаган сувратлари

бугунги кунда ҳам кишини ҳайратга солади. Мана шундай ижодий муҳит Кристина Россети ижодини юксакка кўтарди. Чуқур лиризм, драматизм, воқелик ва фалсафийлик билан суғорилган бу шеърят орадан 175 йил ўтиб ҳам, муҳаббат билан тилга олинаётган экан, бунинг баҳосини адиба ва адабиётшунос Вирджиния Вулф сўзларидан англаб олиш қийин эмас: «...Россети шеъряти шунинг учун ҳам қадрлики, у уйғотган туйғу ва ҳаяжон биз билан бирга яшайди, бизни бойитади. Чунки улар — бизга қадрдон туйғулардир».

Мени эсла

Ўтинаман, мени эслагил...
Яқинлашар ҳижрон дамлари,
Қўлларимни қўйиб юборгил,
Сенга азоб бермас ^ғамларим
Олиб кетсам, бағри қон, вайрон
Қолсанг ҳамки, эсла, қадрдон!

Мени эсла, эсла, азизим,
На бир андух, на қайғу-ҳасрат
Ўйларингга солмасин соя,
Шу ўйларда яшайин фақат.

Билиб-билмай мени унутсанг,
Ўзингни ҳеч азобга солма.
Бу-дунёнинг охири эмас,
Аламингни кўз ёшдан олма...
Барчасини унут, кўзинг юм,
Табассум қил, жоним, табассум...

Ойнинг бир бўлаги

Ойнинг бир бўлаги... Тебранар борлиқ!
Яримлашар ёхуд ерга тортар ой?
Ойнинг бир бўлаги — севинч ёшлари,
Тоғлари виқорли, бахт очмиш чирой.

Ҳаётда ҳам шундай — ярмиси хато,
Бир бўлаги — жавоб, ярмиси — савол.
Бахт ҳам тўлишади бир қуни ойдай,
Қайғулар эрийди, эрийди хушҳол.

Ёзнинг охири

Табиат гултожи — атиргулим, айт,
Қайда ранг, қайда кўрк, қайда ул туйғу?!
Ким билсин, эҳтимол, ёзимизни ҳам
Кутмоқдами шу йўл, шундайин қайғу?

Тубсизлик нимадир?

Ниманинг туби йўқ? - Қудуқлар, тоғлар.
Нима у — учар ўқ? - Рангин ёш чоғлар.
Нима у—ҳад билмас?- Сувлик, бахт сири.

Нима у —ҳеч ўлмас? —Шу қуёш нури.

Айтмишларим

Заҳматим тугади... Улушим олдим.
Шамол турадимми-турмас, барибир,
Фақат осмон билан дўст бўлиб қолдим,—
Далаларим бўшади, ахир.

Кунларим, тунларим қўшилиб оқди,
Яқинлашиб келар умри заволим.
Ким дўстим? Кимга мен ғанимдай боқдим?
Гуноҳларим кўпми, кўпми саволим?

Чалғини ташладим, хувиллар бағир—
Далаларим бўшади, ахир.

Гоблинлар бозори
(поэмадан парча)

Лаура беихтиёр
Қалқди ва қулоқ солди.
Опаси—ла далага
Етгач, у ортда қолди.
Қўрқув, саросимада
Ортига ўгирилди.
Уни сеҳрлаётган
Гоблинларга тикилди.

Бири — мўйловдор мушук,
Бири — ин ковлар сичқон.
Бири — кўрсичқон шумшук,
Тагида қалин ҳамён.
Бирида — илон пўсти,
Бирида — эшак тери.
Бирида — сичқон тиши,
Бирида — отнинг думи.
Бирида— йўлбарс ёли ,
Бир—бирига кўз қисар,
Лаурага кичкирар:
—Сотиб ол! Ҳа, сотиб ол!
Сукунатда товушлар
Майинлашар, жаранглар:
—Лаура, шош, тезроқ кел,
Қара, қандай соз ранглар!

Сувда ойнинг ўроғи,
Нурлар ёйилди чоғи...

Галасидан айрилган
Мисоли дуркун оққуш.
Жилғаларга бош эгиб

Турган бутокдек сархуш.
Эшкаги йўқ қайикдай
Чайқалади, эгари
Урилмаган ёш бия,
Юрагида кўркув бор,
У ғўр жангчи сингари.
Гоблинларни тинглади
Чўридай итоаткор.
Бозорчилар қалкиди,
Муродига етишди...
Бири олиб, бириси
Қизни мақтай кетишди!

Гир айлана бўлишиб,
Бир—бирга кўз қисишиб,
Идишдаги шарбатдан
Бир татиб кўр, дейишди.
Бири олмахон бўлиб
Тишда чақади ёнғоқ.
Бири лаган тўлдириб,
Узум келтирибди, боқ!
Бири тахтни ирғитган
Каби тўнкани отди.
Токнинг новдалари—ла
Гўё тожни безатди.
Бошқуш қанотларига
Ўраниб олган гоблин
Қизнинг қулоқларига:
—Сотиб ол!- қуяр қизғин.

Сўнг иблислар галаси
Кўрсатишди зўр ўйин...
Лаура эса ҳамон
Жилолмас, юрмоқ қийин.
—Ёнимда бир мирим йўқ!-
Қиз айтди гўё айбдор.-
Ҳамёнимда на чақа,
На кумуш , на олтин бор.
Мен улар эвазига
Шовуллаб турган буғдой
Бўлиқ бошоқларини
Маржондай териб келай!
—Хўш, тилла сочларинг—чи?-
Гоблинлар ўқраяди.
Кокилингни сот ,дея
Бақадай бакраяди.

Титради, бош ирғади,
Сочи ёйилиб кетди.
Қайчи учларигача

Кўз ёши оқиб битди.
Сўнг боладай шошилиб,
Интилди—ку, шаробга.
Кокилларини қирқиб,
Сотиб олган азобга...
Ичган сари қоникмас,
У— сувдай тиник, рангсиз.
Кўринса-да, беозор,
У— гуноҳ, у — фитнакор.
Қиз эса шу лаззатга
Жонни бермоққа тайёр!

Шароб дарёдай оқди—
Шайтонлар дил хушлашди.
Қиз ичидаги шароб—
Иблис билан тиллашди.
Сўнг ердан ёнғоқ олиб,
Чайқалганча йўл солиб,
Кетди, англамади у —
Кунмиди, тунмиди бу...

Светлана МАКАРОВИЧ

1939 йилда Словенияда таваллуд топган бўлажак шоира, болалар адибаси, публицист ва мусиқа шайдосининг илк шеъри 17 ёшида эълон қилинди. Унинг шу кунга қадар 10 дан ошиқ шеърий тўпламлари, 1000 дан ошиқ болалар учун ёзилган эртак, пьеса, драмалари ўз Ватани ва халқи томонидан муносиб тақдирланиб, эъозланиб келинмоқда. У уруш, унинг битмас жароҳатларини кўрди, ўзидан ўтказди. Шунинг учун ҳам инсоннинг инсон бўлиб яшашига ҳаққи бор, бу ҳақ ва завқни олиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея эзгуликни чорлайди у ўз шеърларида. У ўз шеърияти ҳақида шундай дейди: «Сенга нимаики азоб берса, нимаики мусибат келтирса, шуни юрагингдан ўтказиб, ёзолсанг, муқаррар енгил тортасан, табассум қилгинг ва ва узоқ яшагинг келади». Худди шу моҳият — Светлана Макарович шеъриятининг қудратидир.

ҚАРШИЛАШ

Қаршимда —
Дарча ортидаги нохуш манзара.
Қаршимда—
Қон билан тўлиққан олам.

Гиёҳсиз, бутоксиз яланғоч тоғлар
Хувиллаган бағрига, қара.
Қаршимда—
Бахт тутган қуш қаноти—
Синган қалам.

Лойқа сувлар, бадбўй сувларда
Лаънат оқар, наҳс оқар.
Қаршимда—
Кўр ва соқов
Кўшниллар хайрон боқар.

Қаршимда—
Белида белбоғи йўк,
Отсиз, эгарсиз эрлар.
Қаршимда—
Гул жувоннинг
Юзи,кўзи кўкарар.

Қаршимда—
Бадбашара,
Жуни куюк говмишлар
Териси тўла яра,
Қандай насл бермишлар?

Шамол, далалар бўйлаб,
Кенг қулоч ёз, ўт куйлаб!
Қаршимда —
Юрт дея аталган қўшиқ.
Қаршимда—
Қаҳатчилик,
Ортидан келар ўлат.
Очлик, қирғин—қиёмат.
Қаршимда—
Алласиз солланар бешиқ.

Алла
Кўзларингда уйқу йўк, алла,
Сескандингми шамолдан, болам?
Шамол куйлар — умримиз бекор,
Бу — бор—йўғи изтироб, алам.

Шамол куйлар —чўлу—дашт ичра
Оғир, оқиш сўнгақларни ҳам
Ирғитади, изиллатади
Уриб турган юрақларни ҳам.

Шамол куйлар— бўзлайди, фалак
Ноласига тўлиб кетади.
Тоқати тоқ, сабри синади —
Манзилига қачон етади?

Шамол куйлаб, бир кун бу уйга
Бевақт ўлим олиб келса ҳам,
Кўркма, жоним, кўркмагил, алла,
Ширин тушлар кўргин, жон болам.

Пўпанак

Оппоқ нон бўлаги, ушоқлари ҳам
Сени кутди қанча оқшом, қанча тонг.
Столнинг тагида, қара, нимадир
Жимирлаб кўринар, балки кумушранг
Пўпанак, пўпанак?
Ҳа,ҳа, пўпанак!

Ҳар битта бурчакда — ^ғира—ширалик.
Бу аёл дунёдан ўтиб кетди тоқ.
Нонни шу тандирдан узгану, алҳол,
Шам каби ўчибди — илло, ўлим ҳақ.
Товланар пўпанак,
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Бу кулранг кулбани майин, қалин қор
Суйибди, сийлабди тонггача бу тун.
Қайинлар кўлини узатди, узун
Соялар тўшалди кулбага беун
Бамисли пўпанак,
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Ҳовлида кулф урди олча дарахти,
Бошига соябон тутди замбуруғ.
Нечун қувонмайсан, сен билан боққа
Сурур қайтиб келди ^ғолиб ва улуғ!
Наҳотки пўпанак?
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Нелардир кўлларин силкиди узок,
Даладаги дон-дун ёки ўт-ўлан?
Кўзларинг тубида чарчоқлик ёхуд
Кўз олдингни тўсиб чиқдимми туман?
Бу ҳам — пўпанакми?
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Кўзингни кўлларинг билан беркитма,
Нима у — кўнглингга ҳеч ўтирмади?
Кўзларингни уйқу босиб келмоқда,
Сукут ҳам бир қатим нур келтирмади.
Яна пўпанакми,
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Бўлиниб—бўлиниб кетар нафасинг,
Хушбўйланар кулранг новдалар хушхол.
Шу хид борлигингга, қалбингга сингар,
Сени аллалайди, ухла, ором ол!
Албатта, пўпанак.

Ҳа,ҳа, пўпанак.

Нурларга бурканар қадрдон тупроқ,
У шундайин сахий, шундайин азим.
Баҳслар тугамайди, билъакс, чуқурроқ
Кириб борар, гўё юргизар ҳукм—
Пўпанак, пўпанак.
Ҳа,ҳа, пўпанак.

Одамлар овчиси

Қийин бўлди қўшнига. Бизни
Четлаб ўтсин бу- тақдир, бу — ўқ.
Бу —ўзга уй, ўзга болалар
Оғритмайди бегона оғриқ.

Туғаб борар насиба, ризқ—рўз.
Аҳволингни ҳеч ким билмайди.
Қани, кетдик. Қуюқлашар шом.
Кетган одам қайтиб келмайди.

Бунча ғамгин ўйларга ботдинг?
Айтиб бўлмас олис сирларни,
Мусибатни кўтармоқ учун
Кел, ёқамиз ёруғ нурларни.

Яхшилаб ёп эшикларни ҳам,
Бироз ҳордиқ, ором ол, жоним.
Узоқларда шамол увиллар,
Яна кимни овлайди ўлим?

НАСР

Марина Цветаева
МЕНИНГ ПУШКИНИМ

Қизил хона. Жозибали китоб жавони. Инглиз ёзувчиси Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» романи. Жавон мени ўзига доим тортиб туради. Унга қараб юрмоққа чоғлансам, девордаги «Дуэл» деб номланган суврат ҳамиша мени тўхтатиб қолади. У жавондан кучли.

...Қор. У қанчалик оппоқ бўлмасин дарахтларнинг куйиб, қора куюк бўлган шохларини ёполмаган. Шохлар йиртилган енг ичидан чиққан, дарё билан осмонга кўтарилган чандикли кўллардай... Чанада ётгани-ярадор, ярадор этилган жон. Кетаётган-қотил. Негадир икки кўзи орқасида, негадир қордаги излари билинар-билинмас, уни ғолиблик эмас, кўрқув, ваҳима итариб кетаётгандай. Қорга сочилган қон-совқотаётган чечаклар...

Бу «Дуэл» эмас, юрагимдаги Пушкиннинг илк суврати эди. Ўзим билан бирга бу суврат улғая бошлади. Йўқ, тирила бошлади.

Пушкин-шоир.

Дантес-фаранги.

Пушкин шеър ёзади.

Дантес ёза олмайди.

Дантес Пушкинни ёмон кўради. Ўзи шеър ёза олмагани учун бир куяди.

Пушкин бўла олмаганидан икки куяди.

Шу ҳасад унинг қонини бузади, ёвузга айлантиради. Шоирни дуэлга чақиради. Нақ қорнини кўзлаб, ўқ узади. Негадир гап Пушкиннинг қорнига бориб тақалса, кўнглим ғаш бўлади. Шоирни қорни борлиги менга ёқимсиз туюлади.

Ўша пайтда мен ҳали Гончаровани танимасдим. Пушкинни сева-сева улуғ муҳаббат ичида у билан ҳам танишиб олдим.

Хуллас, мен ўзимнинг Пушкинимни «Дуэл»да-ўлим онидан топдим. Бу ўлим ёлғиз уники эмас эди...

- Сен тасаввур қил,- дея ҳаяжон билан ҳаяжонимни яна кучайтирарди онам. – Унга ўқ отдилар. Йиқилди. Лекин юраги чиқиб кетмади. «Балли, азамат!»- деди. Пичирлаб эмас, эҳтирос билан айтди. Шу туришда унда Африка уйғонган эди. Қасоскорлик шиддати жануб кўёши янгли ўтли эди. Совуқ эмас эди у. Онамининг ётоғи. Унинг ўлим, фожиа ҳақидаги сўзларидан оппоқ пардаларга қора ранг сачрайди. Пардалар, уй, ҳатто, онамининг овози қораяди. Пушкин дунёда мен таниган Биринчи шоир эди. Менинг шоиримни ўлдирдилар. Шу лаҳзалардан бошлаб гўдаклигим, болалигим, ёшлигим-умр фаслларимга тинимсиз ўқлар отилди. Гўдаклигим-ярадор, болалигим, ёшлигим-ярадор.

Дунё мен учун иккига бўлинди. Энг улкан бўлаги Пушкин эди дунёнинг. Қолган бўлаги-бошқалар. «Сен меникисан», деб шивирладим ўша Пушкинли дунёга. Юрагим зирқираб-зирқираб кетди. Кўзларимдан ёш тирқиради. Мен кичгинагина жоним билан ўз-ўзимникига айланиб бўлган бўлакни ҳимоя қилишга чоғландим.

...Уйимизда одамнинг кўргиси келадиган, кўрмаса юраги орзиқадиган учта картина бор эди:

«Исо пайғамбарнинг халқ олдидаги чиқиши».

«Татарлар».

«Дуэл».

«Татарлар» деразасиз уйда оқ устунлар орасида туриб, ўз йўлбошчиларини қатл қилишяпти. «Дуэл»да ҳам ўлим манзараси. Шу икки картинага узоқ термулиб турсам, бошлар бирлашади, кўллар, оёқлар ҳам. Баҳайбат одамга айланади. У ўз жонига қасд қилаётганга, ўзига ўзи хиёнат этаётганга ўхшайди. Қотилларни девордан ҳайдаб тушириб, ҳаммасини ерда чўзилиб қолгунча қувлардим. Қора терга ботиб, халлослаб яна картинага қарасам вожаб, ҳалигина чанада осмонга термулиб ётган беҳуш Пушкин ё дорда солланган татар йўлбошчи ёнида яна бошдан-оёқ қоп-қора кийинган қотиллар ғимирлаб юришарди...

...Пушкин чинакам ҳабаш эди. Икки чеккасидаги бакенбарднинг ўзиёқ унинг ҳабаш эканлигини минг карра исботлаб турарди. (Чунки бу бакенбард дегани ё генералда ё ҳабашда бўлади, вассалом). Сочлари жип-жингалак. Лаблари қалин. Қора кўзларида баъзан кўкиш учкунлар сочиб қолади. Ҳабаш нима бўлгандаям-ҳабаш-да. Шундай деб баъзан юрагимда баҳайбат бир ширин азобга айланган севгимга сув сепиб, совутмоқчи бўлардим. Аммо қаерга борсам у йўлимдан чиқарди. Онам бизни кўпинча Александров растасида сайр қилдирарди. Бу ерда суви қуриб қолган фавворалар қотиб туришарди. Қизик, уларга қараб қачонлардир камалақдан белбоғ боғлаб осмонга отилган фаввораларни эмас, Пушкинни ўйлайверардим. У ҳақидаги хотирам ёлғиз ўзимники эканига унчалик ишонмасдим. Бу олов бобомдан отамга, отамдан менга мерос ўтгандай, ҳеч қачон занжирсимон хотиранинг бирон ҳалқаси бир жойда узилиб қолмагандек туюларди.

Ёдимнинг тўлқинсимон алангаси аро Пушкин ҳамиша энг баландга қалқиб, сузиб чиқаверарди. Кўлида бош кийимини ушлаб, хиёл эгилган куйи хаёлчан турарди доим.

Хотирамдаги шоирга қанчалик бино кўйган бўлсам Пушкин ҳайкалига ҳам шу қадар бино қўярдим. Қор, ёмғирлар остида бир хилда мағрур, боши тик туришига қараб: «Баттар бўлларинг, у тураверади! Ёмғир қамчиласа нима? Қор бўронини юборса нима?» дердим. Ўз овозимдан роҳатланардим. Россиянинг оқликларини елкасида кўтариб турган қора Африка, дердим баъзан.

Ася икковимизга шу жойда югуриш-сайримизнинг энг қўнгилли лаҳзалари эди. Ким Пушкинга биринчи бўлиб етиб келади? Биз биринчи бўлиб Пушкин ҳайкалига қўл теккизиш учун ҳаллослаб чопардик. Ва биринчи бўлганимиз кун бўйи шу бахтдан маст юрардик. ~олибга етар одам бўлмасди.

Мен Пушкин ҳайкалига доим қулочимни ёзганимча борардим. Уни кучиб айланаверардим. Бошим мутлақо айланмасди, кўзим сира тинмасдим. Гоҳ унга кўзимни қисардим, шўхчан хохолардим. Бир оёқда ҳаққалардим. Йиқилиб тушмасликка жон-жаҳдим билан эринардим.

Ўша пайтда, Москвада, чинни кўғирчоқлар, ҳайкалчаларимни Пушкиннинг кадрдон оёқлари остига тизиб чиқардим. Бир марта бўлса-да, миттигина ўйинчоқларимни оёқлар атрофига юргизардим. Мен Пушкин кичраймайди деб ўйлардим. Тобора улканлашиб, баландлаб борардим. Мен унинг оёқ остига қарамаслигидан, эгилмаслиги, ҳамиша тиклигидан юз чандон, минг чандон суюниб ирғишлардим.

Мен Пушкин ҳайкалига қараб, оқ ва қора ранглар барча рангларнинг султонини эканини ҳис этдим. Зариф, нафис-оқ ранг. Улкан, кучли-қора ранг. Мен қорани танладим, қорани севдим. Чунки унда ҳаёт ва ҳақиқат бор эди. Пушкин ҳайкали-сирли дунё, мен унинг ўқувчиси эдим. Бошидан оёғигача мум ҳайкалчаларни қаторлаштириб қўйсам, нечта ҳайкалча керак бўларкин? Миямда шундай савол келган заҳоти: «Қанча бўлсаям, етмайди», - дея қатъий жавоб қайтарардим.

Ўйинчоқларимнинг эгаси - мен, менинг эгам эса - Пушкин, деган хаёлимдан заррача хижолат тортмасдим. Аксинча, бу тасаввур ўзимга беҳад ёқимли эди. Айниқса, ўзимнинг жонсиз эмас, тирик, ўйинчоқ эмас чинакам одам эканлигимдан ғурурланардим.

Шу жиҳатдан ўзимни унга муносиб деб билардим. Ва унинг атрофида айланишга, уни хоҳлаганча кучишга, ҳаққалаб ўйнашга, иссиқ қафтларимда силаб-сийпалашга ҳаққим бор деб ҳисоблардим.

Мен шу ҳайкал атрофида улғайиб борардим. Минглаб, миллионлаб мум ҳайкалчалар кўшилганда ҳам биргина Пушкинга ета олмаслигини жуда тез фаҳмладим.

Пушкин ҳайкали роял каби қоп-қоралигини айтган эдим. Мен шу қора рангга термула-термула шу ранг яқинимга айланди. Шу рангга содиқ қолдим.

Москва кўчаларида бирор бир ҳабашга кўзим тушса, юрагим «жиз» этиб кетардим. Унда менинг Пушкинимдан нимадир борга ўхшарди. Уни севишга бурчлидай туюлардим. Пушкин ҳайкали Россиянинг даҳо шоирига эмас, инсонни инсондан айиришга, кимнидир

кўтариб, кимнидир ерга уришга, дунёдаги барча нотенглик, айирмакашликларга қарши ўрнатилган исён ҳайкали бўлиб туюларди, менга.

Бу исён Пушкиндан ҳам аввалроқ бошланган эди асли. Ҳабаш ўғли Осип Абрамович Ганнибал билан Мария Алексеевна Пушкина никоҳланган кезде!

Йўқ! Ундан ҳам олдин. Буюк Пётр ҳабаш ўғли Иброҳимга меҳрли назар билан қараган чоғда. Бу қараш-Пушкин муқаррар туғилади, деган башорат эди, аслида.

Пушкиннинг ҳайкалининг ҳар чизиғини китобдай ўқийвераман, ўқийвераман. Ҳайкал тош занжирлар билан ўралган. Ажиб, занжирланган шоир.

-Уни ҳимоя қилишяпти,-деди кимдир киноя билан.

Тош занжир, тош занжир... Тинглаб турсам, кишанлар шилдираши эштиради... Узоқ қараб турсам, Николайнинг қўлларига ҳам ўхшайди. Бу қўллар Пушкинни кучоқламаган, қўйиб ҳам юбормаган. Дунёдаги барча чинакам эркин ёмон кўралган шоҳлар каби... Пушкин эса занжирларга сиғмаётганга, улардан кўтарилиб бораётганга ўхшарди.

Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,

Чунки чорловим билан эзгу ҳислар тудирдим.

Шу ёвуз замонамда кўркмай эркин мақтадим,

Хор-зорларга ачинмоққа чорладим.

Оғриқли, қувончли дунёни бойитган бу ҳайкални Опекушин яратганини биласизми? У ҳам эркесвар шоир қиёфасида ўз ботиний исёнларини сувратлангирдимикин? Тайёр бўлган ҳайкалига қараб: «Кечир, бу мен» - дея шивирламадимикин?

Осмон худосига етди ноласи,

Қалбига илоҳий бир қудрат отди.

Ҳабаш Иброҳимнинг ўрис боласи

Буюк Русияда тенгни уйғотди.

Ҳозирги гапимни эшитиб, албатта:«Олиб қоч-а...» дейсиз. Аммо бу гап шу қадар ростки!

Кунларнинг бирида бизниқига Пушкин ҳайкали меҳмонга келди. Деворлари, шифтидан оқ-совуқ ранг сочилиб, жунжиқтириб турадиган хонада ирғишлаб ўйнаб юрардим. Эшик кўнғироғи жиринглади. Ҳеч кимга ўхшамаган бир жаноб бемалол кириб келди. Онам уни тавозе билан қаршилаб меҳмонхонага кузатиб келди.

-Муся, ҳозир келган жанобга қарадингми?

-Албатта-да, ойи.

-Бу- Пушкинни ўғли. Тинчгина ўтир, безорилик қилма. қайтиб чиқаётганда, яхшилаб танишиб ол...

Меҳмонхона эшигидан кўзимни узмасдан киприк қоқмай қараб ўтирибман. Юрагим «гурс-гурс» уради. Ниҳоят, чиқишди. Ойим, дадам, ўртада ўша жаноб. Ҳаяжонланганимдан нукул ойимга қарайман. Ойим жанобга ишора қилди. Фақат кўксидаги юлдуз эсимда қолибди.

-Хўш, Мусенка, Пушкиннинг ўғлини кўрдингми?

-Кўрди,-дейман хўрсиниб.

-Қандай одам экан?

-Юлдузи бор одам...

-Дунё юлдузликларга тўлиб кетган, қизалоғим. Дарахтнинг силкитсанг, юлдузли одамлар «тап-тап» ёғилаверади. Доим керак бўлмаган жойни кўрасан.

-Мусенка,-дея онамнинг гапини оҳиста кесади отам. –Сен тўрт ёшингда Пушкиннинг ўғлини кўрдинг. Бу ҳазилакам гап эмас. Ҳали невараларингга афсонага ўхшатиб, гапириб юрасан.

Мендай одам неvara кўргунча бу гапни бировга айтмай чидаб туролармиди?

Ванянинг ёнига учдим.

Ванянг ким, дейсизми? Энагамизнинг невараси. У қалай ишлаб чиқарадиган заводда ишлайди. Якшанба кунлари бизникига келиб туради. У ёқимли, саҳий инсон. Ҳар қанақа қувончни айтсанг тушунади. Менга ўзи ясаган кумуш каптарни совға қилган. Ваня уйимизга келиб ҳеч қачон ялпайиб ўтириб олмасди. Дарров бувисини ёнига кирарди, уйларни ҳам тозалаб кетаверарди.

Уни ётсирамасдик. Хонамизга бемалол кирар, бирга чақчақлашиб чой ичардик.

-Ваня, бизникига ҳайкал Пушкиннинг ўғли келди!

Назаримда, унинг оғзи лош очилиши керак эди. Аммо у жўнгина оҳангда:

-Ойимқиз, бир нарса дедингизми?-деб сўради. Овозимни кўтариброқ айтганимни такрорлайман.

-Сенга бу гапни етказишим шарт экан. Отам айтди, -кўшиб қўяман хабаримни тоши оғирроқ бўлсин деб.

-Отангиздан нимадир керак бўлган-да, бекорга келармиди...

Ванянинг гапи минғирлаш бўлиб эшитилди.

-Ҳеч нарса сўраб келгани йўқ.-Ваняни шарт кесди энага.-Шунчаки меҳмон бўлиб келди. У ахир генерал-ку! –Энага қўлларини елкасига қўйиб погон қилиб кўрсатди. Бели бақувват одам. Тверь хиёбонидаги Пушкинни биласан-ку, ўшанинг ўғли.

-Ҳа-а...-Ванянинг овози кўтарилди. Нимадир тушунди, шекилли.

-Соч-соқоли оқариб кетибди, қарибди,-деди энага.

Мен бу суҳбатдан қаришнинг яхши эмаслигини ҳис этдим. Отам, онам, энагамнинг айтганлари қулоқ ёнидан ўтиб кетадиган гаплар эмаслигига, уларни хотирамда сақлаб қолишим шарт эканлигига фаҳмим етди.

...Мен ҳайкал Пушкинни ўғли ҳақида шу қадар кўп ўйладимки, бора-бора у менга шоирнинг ўзи бўлиб туюла бошлади. Яъни, оппоқ тонгда совуқдан жунжикиб турганимда уйимизга ҳайкал Пушкин меҳмон бўлиб келди!

Келинлар, яна ўша сирли китоб жавони бор қизил хонага қайтамиз. Мен билан бирга чопиб, чарчаб қолмадингизми? Ўзим билан туйғуларим, сўзларим, овозим ҳеч қачон оҳиста қадам ташламайди. Баъзан эҳтирослардан ўзим ҳам толиқиб кетаман. Эҳ, гап менда эмас-ку, сирли жавонда! Бу жавоннинг бор-йўқ сири-таъқиқланган Пушкин! Яна ҳам тушунарлироқ айтсам-«А.С.Пушкиннинг сайланма асарлари».

Мен таъқиқланган сайин унга қаттиқроқ ёпишаман. Бутун вужудим КАТТАКОН кўзга айланади. Бутун вужудим билан ўқийман Уни. Ҳарфдан ҳарфга сакраган сайин оловланаётган туйғуларим бўғзимга тикилади, кўйдиради. Жисми-жоним заррама-зарра Пушкинга ўта бошлайди, бармоқларим, қорачиғларим, овозим ана Муся, Марина йўқ. Пушкин, фақат Пушкин бор. Унда топган дунёи давлатимнинг биринчиси-лўлилар. Қандай чиройли жаранглайди, лўлича исмлар-Алэко, Земфира, Қария... Мен шоирнинг «Лўлилар» дунёсига киргунимга қадар қария деса кўз олдимга Таруса хилхонасида хизмат қиладиган Осип келарди. Акасини бодринг билан уриб ўлдирганидан кейин, қўли қуриб, ёғочга ўхшаб қолган экан.

Бобожоним Мейнни зинҳор-базинҳор қариялар қаторига қўшгим келмасди. Чунки:

Қария кўча-куйда тентираб юради.

Уни ҳеч ким севмайди.

У ҳаммага бегона.

Ҳа-я, мен лўлилар ҳақида гапираётгандим. Уларни сира кўрмаганидим. Фақат энагамдан эшитганим бор. Унинг айтишича, тиллога ўлгудай бир лўлига олтин суви юритилган зиракни тозаси, деб сотишибди. Лўлижон ҳақиқатни билгач, зиракни қулоғидан шунақа ғазаб билан тортибдики, бир парча гўштиям қўшилиб, юлинибди.

Ана томоша-ю мана томоша... Лўли ўзининг тилида роса чинқириб, зиракниям, кулоқнинг йиртиғиниям тепиб-тепиб хумордан чиқибди.

Лўлилар ўз йўлига. Мен асардан муҳаббат деган бу дунёдаги энг чиройли сўзни топдим.

Кўксингда ўт ёнса, юрагингнинг туб-тубида денгизсифат нимадир шовулласа...

Севги эканда шу!

Мен гўдаклигимдан, эхтимол, туғилмасимдан олдинроқ шундай хиссиётлар аро яшай бошлаганман. Лекин унинг исми севги эканини «Лўлилар»дан ўргандим

Оҳ, Алэко Земфирани севди. Дунёда яна биров лўлилардай севолармикин? Мен эса Алэко, Земфира, Мариул, улар яшаган макон, улар юрган йўллар, босган-бари-барини яхши кўриб қолдим.

Йўқ, айтолмадим.

Тўғримгача, кўзимгача, сочимнинг толаларигача яхши кўрдим, ўлгудай яхши кўрдим. Мен ана шу яхши кўриш ичида ўзимни танидим. Ўшанда билганларим, ўйлаганларимни яна кимгадир айтиб бергим келадиган бўлди. Тингловчи ҳам тезда топила қолди - Асянинг энагаси ва унинг чевар ўртоғи. Онам тез-тез театрга тушиб турарди. Ася ширингина бўлиб уйкуга кетганда, учовимиз чойхўрликка ўтирардик. Энаганинг ўртоғиям кунда-шундалардан эди-да.

Бизнинг Мусенканинг билмагани йўқ. – Энага мени тил учида «Муся, Мусенька»ларди. Аммо пайтини топиб ота-онамга етказадиган тил топса, мактаб кўярди: - Бўри билан кўзичоқни гапириб, манови мошиначи холангни оғзини бир очиб кўй. Ё ноғорачидан оласанми?

Ё, тангрим! Беш ёшимданоқ ёзуғимга кимларгадир «маънавий озуқа» бахш этиш ёзилибди. Мен бу қисматдан ҳеч қачон ғурурланмаган эмасман. Ҳозир... тўғриси, алдаб нима қиламан, ачинаман!

Мен суҳбатдошларимга бир зум тикилиб тураман. Аввал қизғонаман. Юрагимдаги «Лўлилар»ни тилимга чиқарсам, улар бировнинг мулкига айланиб қоладигандай рашким келади. Сўнг «Нима бўлса, бўлди» дейман ичим ёниб.

-Лўлилар ҳақида гапиргим келяпти.

-Лў-ли-лар?-дея чўзиб сўрайди энага. Улар ҳақидаям эртак тўқишибдими? Вой, савил-ей, ўша исқиртларга эртак тушиб қолибди-да.

-Улар таборда яшайдилар!-дейман алам аралаш ғурур билан.

-Таборлари борми? Саройи бор, дегандай гапирасиз-а, ойимқиз.

Ёшроқлари-ку, йўлдан ўтказишмайди. «Тахтингдан очайми, бахтингданми? Дарди бизнинг бахту тахтимиз эмас, ақча! Ёши ўтганларини-ку бурнига хода етмайди. Бошланг. Қуло-лари, қўллари ялтирайди. Бари-ўғрилиқ, бойлардан ўмаришган.

-Бу-булар бошқача лўлилар!-дейман. Лабларим титраб, кўзларим чарақлаб кетгани ўзимга сезилади.

-Ўз эркига кўйсанг-чи! Гапирсин!-дейди энаганинг ўртоғи-Балки, ойимқизнинг лўлилари чиндан ҳам бошқачадир.

Менинг лўлиларим! Мен бу ҳадя учун мана шу лаб-даханини бўяган хотинни бошдан - оёғигача ўпишга тайёр эдим.

-Зўр йигит бор экан,йўқ олдин бир чол ва унинг бир қизи бор,-сўзларим ўзимникига ўхшамасди. Туфлаб ташлагим келди шу бечорагина «бор эди, бор эди»ларни! –Йўқ, шеър айтиб бераман!

-...

-Қандай яхши-я, қандай яхши!-юзлари нурланиб кетди мошиначи аёлнинг.

-А-айиқ,- деди энага бепарвогина. Лўлиларнинг айиқ ўйнатиши рост. «Қани, Миша, ўйнаб бер», дейди. Маймоғи ликонлаб айланади. Фу, шуям ўйин бўпти-ю...

-Э, гапнинг белига тепмай тур. Кейин нима бўлди, Мусенка?- шоширади мошиначи.

-Қизи келди... «Отажон, мен севган шунқорнинг оти Алэко деди!»

-Ни-ма-а?

-Алэко!

Шуям исм бўпти-ю, лўлига ит ҳам от, бит ҳам! Энагани кулочкашлаб туширгим келди. Минг, минг афсус, бизда муомаланинг бошқа усули қатъиян ман этилган.

-Алэко! - тишларим ғижирлаб кетади.

-Алека-калека.

-Алека эмас, Алэко!

-Мен нима дедим?

-Сен Алека дединг.

-Ўртоғим ўзи шунақа демоқчи эди. Тили айланмасди-да. Ўрганмаган. - мошиначи бизни мурасага келтиришга уринарди. –Жаҳлинг чиқмасин, Муся, айта қол, кейин нима бўлди?

-Гўзал Земфира (лўли қизнинг исмини иложи борича аниқ, чиройли айтишга ҳаракат қиламан) отасига: «Энди Алэко биз билан бирга яшайди. Тангри уни менга саҳрода дуч этди. Чолга унинг саҳрода топилгани жуда ёқиб кетибди.

«...»

Мен ҳикоямга қўшиқни улаб юбораман. Энага ҳам менга қўшилиб куйлай бошлайди.

Улар доим йўлда эдилар. Ўрмонлар, дарё соҳилларида тўхташарди. Болалари йўлларда туғилди. Шу қадар бахтли эдиларки! Митти лўличокларни (ча дегим келмади, улар ростдан қўзичокқа ўхшаш лўличок эдилар-да!) саватларга солиб юришарди.

-Бўпти, бўпти, -дерди энага бетоқатлик билан. - Чол ҳақида гапир!

-Чолнинг хотини ёш, дилбар Мариул эди. Бора-бора чолдан унинг кўнгли қолди. Лочиндай бошқа бир лўли йигитни севди-да, шартта у билан кетиб қолди.

Лўлилар доим севиб, севиб яшашни хоҳлашади. Битта одамни ҳар доим севиш уларга зерикарли туюлади. Шунинг учун Земфира ҳам бошқа янги севиклиси билан қабристонга кетди. Бу пайтда Алэко хуррак отиб ухлаб ётарди. (Ичимда «баттар бўлсин» деб қўйдим). Уйғониб қараса, Земфираси йўқ. Қуюндай учди. Хотини билан ёш лўлини қабристондан топди. Лўлига пичоқ тортиб юборади. Земфиранинг юраги ёрилиб кетади. Уям...уям...ўлиб қолади.

-Одамхўр, ярамас! Пичоқ билан сўйибди, дегин. Бу лўлиларни бари бир гўр. Чолга нима бўпти, чолга?

-Бунча чол, чол, дейсиз? Земфира ўлди! –дейман йиғлагудай бўлиб. –Чолга балоям ургани йўқ. Кетди. Алэко эса... бит-та ўзи қолди.

-Ажаб бўпти. Қотилнинг жазоси шу-яккамохов бўлиб қолаверсин. Қишлоғимизданам биттаси чиққан. Хотинини биров билан тутиб олибди. Икковиниям ўша заҳотиёқ нариги дунёга равона этибди. Вася, Василий дейишарди баттолни. Э, бу дунёда қанақа ваҳшийликлар бўлмайди, дейсан?

Севги азоби ёмон... -энага алланечук бошқача бўлиб қолади. Эҳтимол, уям кимнидир эслагандир, ахир, ёш бўлган-ку...

Мен Пушкинни сеvgи боис қаттиқ севдим. У менга одам боласини гоҳ телба, гоҳ одил, гоҳ даҳо, гоҳ гадо қиладиган; гоҳ гулханга ўхшаб сачраб-сачраб ёндирадиган бир хиссиётнинг исмини топиб берди. Йўқ, ўзини кўрсатди. Бир куни уй ходимимиз бировнинг дерасидан неча кунлаб киролмай турган мушукчани уйга олиб келди. Мушукча бир бурчакка қунишиб, ҳар шарпага ётсираб қараб, уч кун яшади. Кейин тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Шу кетганича қайтмади.

Бу-муҳаббат.

Ёки Августа Ивановнанинг «Мен Ригамга етиб олсам бас, сира-сира қайтмайман», дейиши ҳам муҳаббат.

Ноғорачи ўз ихтиёри билан урушга кетиб, қайтмади.

Буям-муҳаббат.

Мен уларнинг ҳаммасини кўксида ўзим биладиган ўтти шундоққина кўриб турибман. Бўри билан кўзичоқ эса муҳаббатга кирмайди. Ойижоним такрор ва такрор улардан гап отиб, икковини муҳаббатга яқинлаштирмакчи бўлади:

«Оппоққина, майингина кўзиок...» дейди ачиниш оҳанги билан.

Ростини айсам, мен аслида бўриларни яхши кўрардим. Аммо Криловнинг машҳур бўрисини яхши кўргим келмасди. У кўзичоқни еб қўйди! Оғизларидан қон оқизиб гўшт еган бўри билан менинг муҳаббатим мутлақо келиша олмасди.

Унга ялиниб ётган кўзичоқни ҳам севишни истамасдим. Ундан кўра, қирғоқдан битта тош олиб, тумшуғига солса, севиш мумкин...

Менинг севикли бўрим-Исёнкор йўлбошчи эди. Агар ким қулликка нафрат билан қараса, эркин севса, мен қайси исёнкор ҳақида гапираётганимни сўзсиз тушунади.

Бу-Пугачёв.

Мен Пушкин, Пугачёв ва ўзим ҳақимда кейинроқ гапириб бермакчи эдим. Ахир, пугачёвли олам бу подпоручик Гринёвли оламдан ҳам бошқачароқ. У ертубан ётган ҳақорат, кўрлик дунёси аро ҳамиша тик тургувчи кучли бир баландлик. Уни эгилиб эмас, ҳамиша тикланиб кўрасан.

Мен исёнкор йўлбошчимни ҳамма сеvimли жонли, жонсиз нарса ва одамлардан кўра кўп, жуда кўп яхши кўрардим.

Мен сизга сирли жавонимда Пушкин яшайди, дегандим. Бу гапимга ишонинг. Аммо исёнкор йўлбошчи яшайди, десам кўпроқ ишонинг.

...Ота-онамдан ўғринча китоб ўқишларим сабаб бўлса керак, мен ховлидаги ўзимга тенгдош болалардан мутлақо бошқача сўзлардим.

Гапимни мақтанчоқликка йўймаслигингиз учун онам билан бўлган суҳбатларимнинг бирини айтиб берай:

-Муся, қайси ўйинчоғингни яхши кўрасан? Немис кўғирчоғинг чиройлими ё французими?

-Французи дурустроқ.

-Нега?

-Чунки унинг кўзлари тирик.

-Нима-а?

-Унинг кўзига қараб кўрқасям бўлади, ваҳимаси бор!

Онам мени мутлақо тушунмади. Тўғрироғи, аввал кўрқиб кетди. Кейин қўл силтаб, қўя қолди. Мен ойимдан ҳафа бўлмадим. Чунки менинг айтаётганларим сўзлар эмас, ҳислар эди. Мени фақат Пушкин тушунади. Балки бошқа шоирлар ҳам англайди. Бари-бир Пушкин жуда яхши тушунади. Чунки у Биринчи шоирим.

*

Музыка тинглаб юрагим ағдар-тўнтар бўлганда олти яшар эдим. Мерзляков тор кўчасида Зограф-Пласинанинг музыка мактаби бор эди. Рождество кечаларининг бирида онам ўша мактабга етаклади. Аввал «Сув париси»дан кўриниш томоша қилдик.

Энди қушдай учиб борамиз,

У Татьяна билан учрашган боққа.

Мен бу сатрларни эшитганимдан сўнг ростдан ҳам сахнадаги воқеалар изидан қуш бўлиб учдим.

... Ўриндик. Татьяна ўтирибди. Онегин келди. У тик турган куйи гапира бошлайди. Қиз охистагина туради. Онегин сўзлайди, сўзлайверади. Татьяна тинглайверади. Э, худойим-ей, кулранг мушук, Августа Ивановна, кўғирчоқлар-бари-бир ёлғон муҳаббат экан-да.

Муҳаббат - Онегинни жим тинглаётган Татьяна экан.

-Томоша зўр бўлдимиз? Сенга «Сув париси» ёқандир-а? Унинг ғаройиб тегиримонлари, князлар, баҳайбат дев, Вагнеда?

-Татьяна билан Онегин ёқди,-дейман оймнинг майин товуши мутлақо мос келмайдиган кескин оҳангда.

Ойм юзимга ажабланиб қарайди:

-Бирон нарсага ақлинг етдимиз? Нимани тушундинг?

-Татьяна билан Онегинни тушундим.

-Татьяна билан Онегинни.

Ойм қизиша бошлайди.

-Хўш, англаганингни гапириб кўр-чи.

Бўғзимга нимадир тикилади, жимман.

-Ана, айтмадимми? Олти яшар боласан-а, нима ёқиб, нима ёқмаганини билармидинг?

-Биламан. Татьяна билан Онегин...

-Эшшакдай қайсарсан!-жавоб қилади ойм. Энди минг маротаба сўрайвер, пластинка бир хил айланади: Татьяна, Онегин! Мен таниган, билган болаларнинг ҳаммасига «Сув париси» ёққан. Бу ўжарни нима қилишга ҳайронман! Она билан икковимизнинг суҳбатимизни беҳосдан эшитиб қолган мактаб директори Александр Леонтович Зограф кўшилади:

-Мусенька, нега айнан улар кўнглингга ўтиришди?-сўрайди директор.

Чунки улар муҳаббат, ростакам муҳаббат, иссиқ муҳаббат, дегим келади. Аммо овозимни чиқармайман.

-Сабабини мен биламан,-дейди Валерий Брюсовнинг синглиси Надежда Яковлевна. Маҳмаданагина бу қиз юқори синф ўқувчиси эди. - Муся еттинчи осмонда юрибди.

Еттинчи осмон? Муҳаббат яшайдиган жойми у? Директор менга бир нималар деб олмами, мандаринни узатади. Ҳаммасининг шакли-шамойили, овозлари узоқлашиб кетади. Мен тобора енгиллашиб бораман.

-Мандаринлар учун раҳмат ҳам демадинг-а, бу қандай шармандагарчилик! Олти ёшида муҳаббат деб ўтирса-я. Онегинни яхши кўраман деса-я ...

Ойм сал адашди. Мен уларни икковини бирга яхши кўриб қолгандим. Илк тасаввурим сабабли, бахтиёр севишганларни эмас, севилиб, айрилганларни севардим. Айрилиқли севгидан ҳузурланардим. Бу дунёдаги энг кучли ишққа ўхшарди. Ўша дамларданок ўзимни бахтиёр бўлмасликка кўндирдим.

Татьяна Онегин уни севмаслигини, севолмаслигини биларди. Шунинг учун айнан уни танлади. Жавобсиз ишқ кучли одамга беқиёс улкан куч бахш этади. Мен буни олти ёшимдаёқ билардим, фақат сўзини топиб айта олмасдим.

Мен жамалак соч болалиқдан ўла-ўлгунча Татьянани ўйладим. Манна, у шамнинг кўкиш ёруғи мрамардай елкалари, кўкси узра сочларини ёйиб турибди. У кўзларимда шундай туради. Ўпгим келади. Кўзларимни кучгим келади. У мардлик суврати. ~урур суврати. Бир умр ўқиб, тўймайдиган китобим менинг Татьянам!

Татьяна «Евгений Онегин»дан чиқиб кўнглида севгиси бор одамларнинг севимли қахрамонига айланди. Гўзал маъшуқа! Татьянанинг ҳонишларида заррача бўлса-да, рад этилганли алами йўқ. У мутлақо қасос алангасида ёнмайди. Аксинча, қалбидаги бениҳоя буюк севгини Тангридан инъом деб билади. Шунинг учун Онегин ҳайратда. Аммо уларнинг учрашув саҳнасидаги бор кайфиятни Татьяна бошқаради. У хоҳласа, Онегинни бир пул қилиши мумкин. Аммо у буни истамайди! Бир ўзи қолади, сукунат билан. «Мен сизни севаман!» дея айтолмаган лаблари, кўзлари билан Татьяна Онегинга ҳамиша севимли.

Қизлар, қизларжоним! Келинг, севимли қахрамонлардан бир нафасгина узилиб, мени тингланг! Илк севгини севинг, унга ишонинг. Севгидан ҳам кўпроқ ғурурингизни яхши

кўринг. Зинҳор-базинҳор ўзингизни рельслар устига ташламанг! Жамият ҳам, муҳаббат ҳам эзгинларни баттар эзади. Бошингизни тик тутинг. Одамсиз, ахир! «Мен»ни денг!

... Менга қадар Танюша онамнинг қадрдони бўлган. Онамнинг ҳам ошиқлари қатор-қатор эди. Ҳаммасини рад этиб, дадамни танлади. Йўкса, дадам онамнинг икки ёшини яшаган, бунинг устига икки болалик тул эркак эди. Онам уни қандай бўлса, шундайлигича севди, шундайлигича қабул қилди. Баъзи саволларига ўзи, кўзи, юзидан тополмаган жавобни дадамнинг ёзганларидан топди. Онам жим севиш, жим садоқат кўрсатишни Татьянадан ўргангандай, назаримда. Шунинг учунми, менинг дунёга келишимга ҳам Пушкин ва унинг Татьянаси сабаб бўлган, деб ўйлайман. Ахир, Пушкин юраги қонаб, ўша дилбар шеърий романни ёзмаганда, онам Танюшага тақлид қилиб, суймаганида мен маҳмадона Муся, Мусенька қайдан бунёд бўлардим, дейсиз...

Менинг Пушкиним бошқача.

Уларнинг яъни қолган барча одамларнинг Пушкини бошқача. Улар «Евгений Онегин»даги захарханда кинояни пайқашган. Даврга киноя, давр қахрамон-ларига киноя ... Мен эса «Евгений Онегин»ни ўқиганимда ҳали етти ёшга тўлмагандим. Ҳали муҳаббатли юракка тош отилишини билмасдим. Ҳали ҳақоратланиб, хўрланиб кўрмагандим. Ҳали қувғин деган сўзнинг оғирлиги, оғриғини ҳис этмагандим.

Фақат Тарусадаги чорбоғимиздаг боғни, бизнинг ётоқхонамиздагидай лип-лип ёнаётган шамни ва ўзимнинг бола қалбимдагидай тоза севгини билардим.

Ўқиш ман этилган, барча кўрқоқлар зир титраб кўрқадиган, кўрганда ботирларнинг ҳам юраги «шув» этиб кетадиган мовий муқовали Пушкинимни қалбимнинг туб-тубига бекитиб қўйдим. Соғинсам, қалбимга мўралайман. Эҳ, қандай мазза! Қанчалар улкан, қанчалар улғ! Худойим балки уни ростдан ҳам кўрқоқларга қарши исён тарзида яратгандир.

...Хуллас, менга бошқа Пушкинни рўпара қилишди. Барибир эмасми? Бунисининг ҳам муқоваси - мовий рангда. Фақат қоғози юпқароқ. Шаҳар билим юртлари учун чоп этилган дарслик китоби. Китобдаги барча ёзувлар, сувратлар ичида биттаси - жону дилим. У ҳам бўлса - ҳабаш бола. Мен ўша суратни ҳозир ҳам Пушкиннинг энг яхши суврати деб биламан. Соатлаб термулсам ҳам мутлақо зерикмайман. Аксинча, ўша суврат чизгиларидан ўзим учун энг азиз дунёга кириб кетаман.

Айниқса, портретдаги қон белгисини берувчи чизгиларга бошқача бир ҳайрат билан қарайман. Бу ўз сукутига ўзи ўралиб ётган дунёда эрк овози бўлиб яралаётган шоир қони эмасмикин?

Китобчанинг ўзи эса менга ёқимли ҳисоби. Номланиш ҳам жўнгина – «Шаҳар билим юрти ўқувчилари учун». Шуям ном бўлди-ю... Улар ким эди ўзи? Совуқдан кўкариб, қалт-қалт титраб, очин-тўқин юрган болалар...

Пушкиннинг юзлари ҳам шундай чизилган эди. Фақат Пушкин оч бўлса нонга эмас, ҳақиқат, адолатга оч яшагандир... Бу сувратни кўрсанг, ачинмайсан. Ич-ичингдан кимгадир, нимагадир нафратинг тошиб келаверади. Айниқса, шоирнинг қўллари... Қаттиқ тугилган икки мушт.

Бу аламни билмас осмон қушлари,
Бу ўқинч,бу хасрат ётдир уларга...

Ўша қушлар ростдан бормикин, осмон осмонмикин ўзи? Балки бу дунё эмас, бечорагина капалақдир. Бу сатрлар Пушкинга ўхшайди. Аммо «Қиш. Дехқон нашидаси» деган одам боласининг юрагини «жиз» эттирмайдиган сатрларни ноширлар қайси чуқурдан қовлаб топишди экан?

Тавба, нега чуқур деса кўз олдимга Пушкин ҳайкали келади... Занжири етмагандай занжирларига мих ҳам қоқилган. Узоқ қараб турсанг мих ўйилган кўзларга ҳам ўхшайди.

Бироз чалғидим. Мен Пушкиннинг шаҳар билим юрти болалари учун чоп этилган китоби ҳақида гапираётгандим. Китобни мен тугул ўша юпун болалар ҳам севолмайди. Чунки улар Пушкинни қаттиқ тугилган муштларини очишга қурбилари етмасди. Очганда ҳам унинг кафтидаги ёзувни ўқий оладиган кўзнинг ўзи йўқ эди.

Мен ўзимнинг китобларимни болалардай, болаларни эса китобларимдай яхши кўрардим.

Укам Андрюшани ўқишга тоби йўқроқ эди. Ўқиш майли-я, уни қисқартириб, кўчириб ёзиш, аллақандай саволларга жавоб топиш... Айниқса, гал шеърга келганда, Андрюша бир ёқда қолиб, онамнинг ҳам кўзларига савол қалқарди:

Ой ва юлдуз порлаган оқшом,
Тулпорни шамолга боғлаган кимдир...

Онам:

-Нима дегани бу?-дея сўрайди.

Андрюша эса ҳафсаласижгина елкасини қисиб қўя қолади.

Икки қўллаб қалпоғига ёпишар, нега?
Чунки унда хуфя, ёвуз битта хабар бор.
Хуфя хатнинг сир-асрорин Кочубей билар,
Шоҳ Пётрни этмоқ истар бундан хабардор.

Хуфя хабар нималигини ўша пайтларда аниқ билмасдим. Фақат шу сўзни эшитганда совқотиб, жунжикардим. Ойли, юлдузли совуқ тун. Тулпор шамолдай учди. Казак икки қўллаб қалпоғини ушлаб-ушлаб қўяди. Ҳадик, хавотир олади. Чунки унда Гетман-Шоҳ Пётрга ёвуз Кочубейдан хуфя фитна хати бор.

Бу менинг тарих билан илк учрашувим эди.

Ёвуз Шоҳ... Ҳар доим шу атамани тўлалигича тушунгим келади. Товушлари, харфларнинг аврв-астарини ағдаришни хоҳлайман. Ким ўзи у?

- Ким у? - дея сўрайди онам ҳам Андрюшадан.

Андрюшага эса бу савол мутлақо ёкмайди.

- Мен қайдан билай? - дейди у одатдагидай елкасини қисиб.

- Хўш, Муся, сен нима дейсан? - онам ранжиганини билдирмаслик учун мени саволга тутди.

- Паҳлавон, - дейман шартга.

- Нега? – энди ойимни тўхтатиб бўлмайди.

- Чунки унга ҳамма бўйсунди.

Шу каби савол-жавобларда шоҳ ҳақида ўзим гапириб, ўзим бир қадар англагандек бўламан. Кўпинча, унинг оти Пётр бўлиб туюлади. Аммо у ҳамиша тасаввуримда шу исм билан қотиб туравермайди. Аста-аста ёвуз Гетман ва Кечубей билан бирлашиб кетади. Художоним-ей, наҳот Пётрни улардан ажратиб олиб бўлмаса? Бора-бора уларни бирлаштириб тургувчи менинг хаёлим эмас, тахт ва тож эканига ишона бошладим. Яна Пушкинга қайтаман. Йўқ, аслида ундан узоқлаб кетмадим. Фикримдаги барча саволларга Пушкин орқали ўтаман-ку, ахир.

Дарвоқе, савол... Шоирни ўқиганларимда унинг саволларига қараб хайрон қолардим. Наҳот шундай кап-катта одам шу нарсаларни билмай мендан сўраса, деб ажаблангани - ажабланган эди. Энди билсам, Пушкин ўзи учун эмас, мен учун сўроқ қўяр экан. Мени шу саволлар аро улғайтирмоқчи, кўзимга дунёни аниқроқ кўрсатмоқчи экан. Мен сўроқли сайрларни оралаб, дарёда оққандай оқаман.

Тўғриси айтсам, шеърлардаги сўроқ аломатини ёмон кўраман. Нимага, нечун деган саволлар шеърят руҳини ўлдиради. Шеър билан менинг руҳиятим орасини узиб-узиб ташлайди. Ахир, шеър дегани топишмоқ ё масал эмас-ку. Мана «Чўкаётганлар» шеъри.

Унда ҳамма нарса табиий. Биз – болалар дарё бўйида чопкиллаб ўйнаб юрибмиз. Гоҳ ниманидир талашиб қолсак, чувиллашиб, оталаримизни чақирамиз. Дарёга чўкканлардан эса кўрқиб ўтирмаймиз. Одамлар бизни нукул мурдалар, уларнинг руҳи билан кўрқитмоқчи бўлишади. Кўрқитиб бўпти! Тарусада яшаётганимизда ҳам чўкканлар, чўкаётганлар ҳақида бизга кўп гапиришарди. Дала ҳовлимизга жуда яқин жойдан шовуллаб Ока дарёси оқарди.

Болалар чўкишарди, маст-аластлар...

Баъзан хушёр одамларнинг ҳам чўкканини. (эхтимол, чўктирилганлигинидир) пичирлашиб қўйишарди. Ҳатто азиз бобожонимиз Александр Даниловични ҳам чўкиб ўлганга чиқаришган.

Мен эса уларга рақ ёпишган деган фикрда эдим:

Кўпчиб ётган оғир баданга

Чип ёпишган қоп-қора рақлар.

Умуман, чўктирилганларда из қолмас экан. Балки, одамлар шунинг учун ҳам ҳар қанақа ажални сувга ағдариб қўя қолишар.

Саҳарданок тундлашар ҳаво,

Юракларда бўронли ғамлар.

Зич ёпилган дарчани гўё

Муштлай бошлар чўккан одамлар.

Бундай сатрларимни ўқиганимда чиндан ҳам кўз олдимда арвоҳлар ғимирлай бошлайди. Яна бунинг устига руҳлар ҳақида «Бурдалак» деган ваҳимали шеър бор. Ўшани ўқий бошласам, Ваня кўрқувдан титрай бошлайди. Ранги оқариб, пешонасидан тер чиқади.

- Оғзи қон Бурдалак ғажийди суяк...

- Бурдалак нима ўзи?

Ваня-ей, шуям савол бўпти-ю. Ахир суякни қуш ғажимамайди-ку. Бурдалак - ит-да. Ваня энди кўрққани учун ит бечорани айбдор қилади. Аммо одам юрагидаги кўрқув учун, акиллаётган итлардан ҳам кўпроқ юрак айбдор. Итлар ҳам япроқдай титраб турган юрак,, жовдираган кўзга қараб вовуллайди-да. Хуллас, кўрқув ҳақида гапиришяпмиз.

«Жинлар» ҳам кўрқинчли шеър. Лекин севаман-да шу шеърни. Шеърдаги Ой ўзи кўринмайди, лекин ҳаммани кўриб туради. У атайлаб ҳаммани кўриш учун кўринмас бўлиб олган. Тун сукунатини тилиб, тулпорлар кишнайди. Чавандоз – бўроннинг бир парчаси. Эҳ-ҳа, бундай ҳолатда оддийгина одам бўлиб ўтириб бўларканманми? Қўлингни шундай баландга кўтарсанг-да, қушга айлансанг кенгликлар кенгаяверса, учаверсанг, учаверсанг... Товушларинг осмонларда рақс этса, тинмаса. Сен ўша қушлигингда ҳам ўзингни йўқотмасанг, ўзингни сезмасанг. Шундоққина Ойнинг дўстидай, у билан қўшиқ айтиб, ёнма-ён кетаётгандай бўлсанг...

Шунда мени Пушкин, албатта, кўради. Ахир, Ой уники - да. Ойга маъюс термулганда менга-да кўзи тушади.

Бу – тасаввурим эмасди. Мен чиндан ҳам Пушкиннинг шеърларида яшар эдим. Сатрлар ичига кириб кетардим. Узоқ-узоқ қолардим. Барча туйғуларим шоир асарлари ичида туғилганга ўхшарди.

Бурдалакка ачинардим. Уни очликдан, зулмдан ҳимоя қилгим келарди. Ўз-ўзича суягини ғажиб юрган бу бечоранинг кимга зарари тегади деб ўйлардим.

Жинларга келганда савол қопим очиларди. Жинлар ҳам ўлармикин, йўқ, олдин улар турмуш қуришармикин? Ўлишса, уларни ҳам кўмишармикин? Ҳар на қилганига ишонса бўлади, аммо бу баттолларнинг шукрона қилишларига мутлақо ишонмасдим. Жину жодугарларни Худонинг ўзи уриб қўйган. Бизники ортиқча. Улар шу ҳолида ҳам менга

гоҳ булутлар бўлиб кўринарди. Кулранг, ажабтовур булутлар. Осмон денгизида чўкиб, калқаверали, чўкиб калқаверади.

«Тўлқинли туманда суза бошлар ой». Сузар эпчил мушукдай, қароқчи хотиндай, ўзига ишонган тулкидай... «~амгин далаларга маънос нур тарар». Эҳ, нақадар улкан ҳасратлар ҳаммаси!

Қатл этасиз, эй мовий кўзлар,
Нега ахир бегуноҳ жонни?
Юраксиз, золимсиз нечун,
Қадр этмайсиз ҳатто инсонни?

Эҳтимол, «Мовий кўзлар, мовий кўзлар»ниям, бошқасиниям кимлардир Пушкин деб билмас. Мен йўқ жойда ҳам кўрадиганим кўриб ҳаяжонланадиган ойимни танимас... Аммо мен учун буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўзимдай, кўзимдай, юрагимдай таниш... Улар менинг муҳаббатимдан ҳам улкан, бепоён. Улар Россия! Азиз Россиям! Россия Пушкинда бутунлашади, Пушкинда парчаланади.

«Суронли кунларим дўстисан, мунис кабутаргинам»...

Ҳар бир сатр – аниқ. У нима ёки ким... Аммо Асянинг энагасини мутлақо кабутаргинам, деб бўлмайди. Менинг энагамни шундай атасалар – бошқа гап, чиппа ёпишади. Асянинг энагасини ўзини айтмай қўя қолай, фамилияси ҳам бир бало – у эмас, бу эмас – Мухина.

Кабутаргинам эса шу қадар ёқимли... Бу сўзни илк бор отамдан эшитганман. Отам онамни шундай эркалатарди.

- Кабутаргинам, бу нима дегани, тушунтириб берасанми?
- Уларни қўявер, кабутаргинам. Ўзимизни бил!

Отам онамга ҳадеб шундай деяверганим учун «кабутар» сўзи бизга кундай равшан эди. Фақат «дўст» деган сўз «кабутар»дан сал узоқроқ эди. Чунки Ася икковимизнинг деярли дўстимиз йўқ эди. Тўғрироғи, икковимиз бир-бировимизга дўстмиз, дўстроқ деса ҳам бўлади.

Кабутар – она. Пушкин энагасини жуда яхши кўргани учун «мунис кабутар» деганига чиппа-чин ишонса бўлади.

Мен кимни кўпроқ яхши кўраман? Энагамними ё Пушкинними? Албатта Пушкинни! У ўзининг энагасини қанчалик юраги узилиб кутган бўлса, мен ҳам ўз шеърларимга шундай интизор бўламан.

Ана, ўша энага... Дераза тагида ўтирибди. Дераза тагида фақат кимгадир илҳақ одам ўтиради. Энаганинг қўллари тез-тез ҳаракат қилади, нималарнидир тўқийди. Кўзлари эса йўлда. Пушкиннинг ўзи қаерда экан? Кўринмайди. Келмайди. «Қайинзор ўрмонлар бағрида мени кутиб яшайсан ҳануз». Қайинзор ўрмонни ҳам биламан. Тарусамизда ҳам бор. Шундайгина Окага яқин. Қайинзор орол. Доим шовуллаб ётади. Жонингни яйратадиган ҳидлар олиб келади шамол. Чиройли ранглар сачрайди оролдан. Онам дарахт пўстлоқларидан турли-туман нарсалар яшашга уста эдилар. Елканли қайиқчаларни қотириб қўярди. Мен эса қайинчаларни бағримга, юзларимга, манглайимга босардим. Қайиқчалардан, қайинлардан Пушкиннинг энагасини ҳиди келарди. Мен гўзал қайинчаларни эмас, мулойим, юзлари нурли энагани қучгандай бўлардим. «Ўлтирасан шамга термулиб, деразанинг тагида мудом». Энаганинг деразаси доим ёруғ ва топ-тоза бўлган. У Пушкинни тўйиб кўриш учун ўз деразаларини ҳамиша ораста тутган, қоронғуликни яқин келтирмаган.

Шеърлар жаранглайверади. Энаганинг кўзлари тешилади. Аммо шоир йўқ! Нима килардинг Уни? Наҳот энди ростдан ҳам келмаса?!

«Вақтга қўшилиб ёнаётган» энагажон! Қанчалар тушунаман сени! Ана, бошинг узра девор соати. Тинмай чиқиллайди. Сен эса бот-бот соатга қараб қўясан. Гўё келиш вақтини

айтиб етгандай. Гўё ваъда бергандай. Соатдаги каккуча ҳам бошини чиқариб «ку-ку»лайди.

Келади, деганими?

Пушкинни ўқиб ўйлайман, ўйлаб ўқийман. Энага ҳам аста-секин кабутардан чиқиб кўллар, кўзлар соғинчига айланади. Соат милларини эслатадиган тўқиш пилталари... Бари-бариди интиқлик: серажин, юмшоқ кўллар, ланг очилган дарвоза, мунғайган дераза... Мен ҳар бири олдида узоқ-узоқ тўхтаб қоламан.

Болаликда ёдингга нима ўрнашган бўлса, умринг охиригача сенга хиёнат қилмайди. Болалиги йўқ одамнинг ҳеч нарсаи йўқ...

Пушкиннинг қисқа умри давомида кўп аёлларга меҳри тушган. Аммо у бирортасини энагидай жон-тани билан яхши кўрмаган. Бошқаларни эҳтимол севмаган лаҳзалари бўлгандир, аммо энагасини ҳатто уйқуси, тушларида ҳам яхши кўриб яшаган.

«Энага» – Пушкиннинг ҳеч қаримайдиган, ҳамиша ёш муҳаббати...

Тўғриси айтиб қўя қолай: адабиёт дарсликларидоги Пушкин ҳақиқий Пушкин олдида хижолатдан ўлай деса керак. Чунки у шу қадар ғариб берилган. Дарсликдаги шеърларни ўқиётиб, иложи борича, бошимни кўтармасликка уринаман. Кўтарсам, шоирни истехзоли нигоҳларига дуч келишдан кўркаман. Ва минг, миллионинчи бор онамдан миннатдор бўламан. Пушкиннинг буюклигини аввал онамнинг кўзлари, сўзларидан кўрганман-ку. Мен шоир шеърларига кирганимда онам бахтимга у-бу деб сўрайвермасдилар. Мен Пушкинни саволларсиз ўқишни севардим. Айниқса, ёлғиз ўқишни. Ёлғизликда шеърнинг товушлари жонланади. Мен ҳар нафасни юрагим устида ҳис этаман. Фикрларни, ҳиссиётларни ушлаб кўра оламан, қорачиғларимга босаман, қафтларимда силайман. Дардкашим, дўстимга айланади...

Далибош дегани иблис. Иблислиги учун қизил. Чир айланишни ҳам иблислар қойиллатади. Казак ер юзида бошқа дурустроқ урушувчи қолмагандай шу иблислар билан олишади.

Шу шеърни эсладим дегунча 1924 йил Прагадаги бир воқеани эслаб, тутуним чиқади. Бир эмас, икки эмас, бир варақайига учта талаба нима дейди денг? Далибош бу черкасининг байроғи эмас, ўзи эмиш. Кечириб қўясиз. Кўзингизни очиброқ ўқинг Пушкинни. «Чир айланар қизил далибош».

Байроқ эмасми шу чир айланаётган, гоҳ унга, гоҳ бунда юзини буриб? Иблис ҳам шунинг ўзи эмасми? Бундай ғалати образли шеърятни адабиётчилар модернизм дейишади. Баъзи модернистларни умуман англаб бўлмайди. Пушкиннинг модерни ҳам тушунарли. Уларни кўздан ҳам кўра юрак тезроқ илғайди.

Далибош, яъни иблис (байроқ ҳам шунинг ўзи!) ҳилпирайди, казакнинг боши йўқ. Улар бир-бирининг бошини ейишган:

Эй казак! Жангдан сақлан!

Далибош қизил тиғли

Ханжар билан бешафқат

Бошингни олар қасддан.

Байроқнинг ўтли тиғи казакнинг умуман, кўп замонларда буён кўпларнинг бошини егани ҳақиқат. Хуллас, мен Россиянинг етти яшарли қизчаси Россиянинг энг жасур шоири шеърларини Прага талабаларидан кўра чуқурроқ англадим.

Қорабоғликлар. «Қорабоғликлар Бонапартни кўради». Қорабоғликлар ва Бонапарт. Бир-биридан жуда узоқ бу номларнинг ёнма-ён келиши ҳам менга жуда қизиқ туюларди. Саволлар миямда ғужғон ўйнаган дамларда ҳам онамни безовта қилавермасдим. Ўзим топган жавобларимга маҳкам ёпишардим. Баъзи-баъзидагина онамдан жавобларимнинг шилвираб турган жойларини тўлдиришга интилардим.

- Ойи, Наполеон деган нимаси?

- Ростдан билмайсанми?

- Ахир, ҳеч ким ҳеч қачон менга Наполеон ҳақида гапириб бермаган-ку?

- У осмоннинг одами. Ҳамиша осмонда осилиб туради.

Шу мулоқотдан сўнг осилиб турган нарсага кўзим тушса, уни Наполеон билан боғлардим. «Осилиб турмоқ» иборасининг ўзида қандайдир бир қора қисмат бор эди. Ўз ихтиёридан ташқарилик, эркисизлик, маҳкумлиқ яшарди. Наполеон нимага тасаввурларда осилган? Шухратгами, тожу-тахтгами, чексиз ҳукумронликками?

Ўйларверсанг, толиқиб кетасан. Лекин шу ўйларнинг бари баланд-пасти билан меники эди.

- Ася, Муся! Ҳозир битта гап айтама...а...а...н! – бўйлари чўзилиб қолган Андрюша (Андрей Иванович Цветаев (1890-1933) М.И.Цветаеванинг акаси, санъатшунос). - Доктор Яrho бор-ку, онамизни кўриб қўйди, биласанми, сил бўлганмиш. Тезгина ўлармиш. Кейин-чи, кўзимизга оқ кафанда кўринармиш. Қизиғ-а?

Ася ўша заҳотиёқ хўнграб юборди. Мен қотиб қолдим, оёқ-қўлим музлади. Андрюша эса бир оёқлаб ҳаққаларди. Онамни кўриб, оёқ-қўлимга жон киргандай бўлди:

- Болалар! Доктор Яrxонинг фикрича, жиддий даволанишим керак эмиш. Денгиз бўйига борамиз маззами?

- Йўқ. Керакмас, - деди Ася ҳиққиллаб: Андрюша... у айтдики, у... Сиз... кўзимизга оқ кийим... им...

- Алдама! – деди Андрюша бақириб. – Оппоқ кафанда деганман.

- Кийимми, кафанми, бу гапни фақат сен айтгансан, Андрюша!

Чунки қулоғингга тушганни дарров оғзингга чиқариш факт сенинг кўлингдан келади. Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, қизалоғим. Иссиқ жон, ҳамма касал бўлади. Мен эса сизларни денгизга олиб бормоқчиман.

Денгизга! Менинг эгизим - денгиз. Марина... Мари... Море... нақадар ўхшайди бу исмлар. Фақат товушлари, оҳангларигина эмас, бир олманинг икки палласига ўхшардик денгиз икковимиз.

1902 йил. Мен Пушкиннинг «Денгиз»ини адабиёт дарслигидан қўлбола китобчамга кўчириб олдим.

Мен бирданига бойиб кетгандай бахтиёр эдим. Ахир қўйнимда Пушкиннинг «Денгиз»и шовуллаб ётарди. Аммо буни ҳеч кимга билдиргим келмасди. Бировга айтсам сиримнинг ширинлиги тўкилиб кетадигандай туюларди.

Оҳ! «Денгиз»ни кўчирган пайтларим ундан-да тотли, ундан-да ҳаяжонлироқ эди. Ёлғиз панжараларига гуллар чирмашган балконда мук тушиб ўтираман. Денгизни қўлбола китобчага сиғдирмоқчи бўламан. Қўлларим, кўзимнинг нури тўлқинларга айланади. Шундай шовуллаймизки! Ҳаяжондан қаламим эгилиб-эгилиб кетади.

Баъзан ёзганларим ўзимга бирданига ёқмай қолади. Қоғозларни ғижимлаб отаман. Ҳаммасини бошқатдан бошлайман. Яна ўша аланга, ўша ёнишлар. « Алвидо зўр қудрат, асов ғалаён!»

- Алвидо! Илҳом денгизига нега алвидо дейди у? Чунки жон-дили билан севади. Севги бор жойда айрилиқ бор, видо бор. Видонинг армони ҳам улкан. Қалбим бир дақиқага бўлса-да сокин яшай олмайди. Ўзим унинг эҳтирослари изидан югурганим югурган.

У томонга талпинар юрак...

У томон дегани қайда экан? Оканинг нариги қирғоғимикин? Холам бир пайтлар шивирлаб гапириб берарди. Ўша тарафда қоп-қоронғи тунларда қоровуллар оҳиста куйлашар экан. Қайси хонадонни чироғи ёниқ, ёруғ бўлса келиб, олиб кетишар экан. Олиб кетилганлар эса деярли қайтиб келмайди.

Мен бу нарсанинг даҳшатини бутун вужудим билан ҳис этсам - да, нариги соҳилга қизиқавераман. Ўша тарафга ўтсам, бошқа одамга айланиб қолгандайман. Исминми ҳам Катями ё Рогнеда деб ўзгартиришадигандай...

Шундай дейману ўйларимдан кўрқиб кетаман. Ахир, мен ўз исмимсиз, ота-онамсиз, Ася, Андрюшасизияшай олармидим?

Сен кутдинг, чорладинг... мен кишандайдим,
Рухим қанотланди бекордан бекор.
Қудратли орзуга мафтун бандайдим,
Шу сабаб мен қолдим қирғоқларда зор.

Пушкин ҳам мендай денгизни севган. Тош қирғоқларга урилиб, ушлаб изига қайтаётган,
баландга сапчиб, яна йиқилаётган тўлқинларга узоқ термулиб турган...

Қирғоқларда қолиб кетдим зор...

Худди севгилимдай таниш соғинч, таниш интизорлик.

У битта қоядир-шон сағанаси,
У ерда ухлайди совуқ уйқуда
Улкан хотиралар ҳаммаси
Наполеон ҳаёти сўнган ер шу-да.

Сағана, тош, Наполеон. Бир-бирини жон-жаҳди билан рад этувчи тушунчалар. Агар мен бу сатрларни илгарироқ ўқиганимда эди, онаизоримни: «Наполеон ким?» деб қийнаб ўтирмаган бўлардим.

У ерда азобда бўлди у ҳалок,
Унинг орқасидан довул сингари –
Ўзга даҳо учди, дилни айлаб чок
Ақлимизнинг ўзга бир ҳукмдори.

Ким эди ўша? Байрон!

Шовкин сол пўртана, уни улуғлаб,
У сенинг қўшиқчинг эди-ку, денгиз!

Кўзларимда ёшлар тирқирайди. «Алвидо, эй, денгиз, унутмайман ҳеч...»

Денгиз билан ҳар ким ҳам видолашмас. Денгизга ҳар ким ҳам ваъдалар бермас. Мен ҳам бир замонлар Тарусамиздан чиқиб кетаётганимизда худди шундай йиғлаган эдим. Арчалар, қайинлар, ёнғоқларимга, дарёмга видо сўзларини титраб-титраниб айтгандим.

Ўрмонлар ва жимжит саҳролар томон –

Ёрқин хотиралар ола кетаман.

Қоялар, кўрфазлар, тўлқин ва сурон

Соя, жилғаларинг ёдда тутаман.

Пушкин, менинг Пушкиним!

Денгизларни кучоқлаб йиллардан-йилларга ўтади. Тўлқинлари шовуллайди, узоқ-яқинларни уйғотади, ҳаракатга келтиради. Шоир бағридаги денгиз осмонга ҳам ўхшайди. Осмонда чакмоқлар қарсиллаб, момақалдироқлар гулдураётгандай. Менинг денгизим – Пушкин. Осмоним – Пушкин.

Ўша 1902 йил ноябр охирларида онам ётоғимизга кириб «Денгиз» деганларида дунёдаги энг чиройли сўз шу, деб ўйлагандим. Шу сўздан онамнинг юзларига, ётоқхонамизга, менинг юрагимга шуъла таралган эди. Шу лаҳзадан бошлаб юрагим чағалай бўлди. Тунда, тонгда, оқшомда - қайси соат, қайси кун бўлмасин ўйлаган ўйларим мени денгизга етаклаб кетарди. «Денгизга кетамиз» дердим. Товушимдан учкунлар сачрарди. Товушим гўзал эди. Ўзим қаттиқ ишонардим товушларимга. «Келинг, орзулашайлик». Бу сўзим ҳам «Денгизга кетамиз» каби азиз эди менга. Онам тинимсиз йўталарди, оғир хансирар, зўриқиб нафас оларди. Ўтинчим ичимга чўкиб кетарди. «Келинг, орзулашайлик»нинг «к-е...з...»лари синиб-синиб, парчаланиб-парчаланиб ичимга чўкарди.

Менинг орзуларим - ёлғиз орол. Ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари эса оролимга муттасил ҳужум қилувчи ваҳший аждаҳо эканин пайқадим. Пайқамаган чоғларим жуда ёш эдим. Англаб етгунимча умр ўтибди.

- Ася, кел, хаёл сурамиз! Йўқ дема, жон сингилчам, бир зумгина, бир нафасгина.

- Хаёл суриш жонимга тегди! Яхшиси, расм чизаман.

- Мен сенга Серёжани бераман (Серёжа деганим тухум).

- Ишониб бўпман! Аллақачон пачоғини чиқаргансан!

- Пўчоғи сағал дарз кетган, холос. Ичи бут-бутун, мана қара...

- Майли, - дейди Ася хўрсиниб, - орзу қилсак, қилибмиз. Аммо роса расм чизгим келаётган эди.

Тухумни берган заҳоти қайтариб оламан. Чунки Асягина хаёл суриш, орзу қилишга тоқати йўқ. Наридан борса қайроқ тошлар, чиғаноқлар дейди... Унинг фикрича, бу зерикарли машғулот эмиш. Хохламасмиш!

Оҳ, мен-чи! Денгиз орзусига тушганимда қандай хайкираман, қанчалар шовуллайман! Туйғуларим қон томирларимни ёриб юборай дейди.

Валерия Асядан бошқачароқ. У катта опам. Валерия Қрим, Қора денгиз, Парилар, Дарвешлар чўққиси ҳақида менга ажабтовур тушунтиришлар қилади. Татарча туфлилару, дала ҳовлилар ҳақида ҳам яхшигина маълумотларга эга эдим. Аммо унинг суҳбатида заррача ёмонлик бўлмаса-да, юрагим сиқиларди.

У менинг «мен»ларимдан йироқ нарсалар эди. Ахир, мен Асядан, Валериядан, уй ходимамиз Генрихова, оқсоч Аришадан нима истадим?

Истаганим, излаганим Тверь хиёбонидаги Пушкин хайкали атрофидаги занжирланган эрк исёнларимиди? Йўқ. Улар ҳамиша менинг юрагимда эди. Йўқса, нега ҳиссиётларим бунчалар чопарди, бу қадар учарди? Нимага етолмасдим? Нени тутолмасдим! Пушкинга чорловларними, видоларними?

Кутавериб, тоқатим тоқ бўлди. Қачон сафарга чиқамиз? Қа-чон? Сабримнинг сўнги томчиси узилай-узилай деб турганимда Надя Иловойская (М.И.Цветаеванинг отасининг биринчи хотини В.Д.Иловойскойнинг қариндошларидан бири) ташриф қоғози келди. Денгизга таклифнома! Умрим бўйи бу қадар чиройли қоғозни кўрмаган эдим. Кўкиш тусли қайинлар, қоронғуликдан қочаётган осмон, юпқа тортаётган булутлар, пориллаётган ой, чўққилардан бошланган денгиз суврати бор эди таклифномада. Ундаги ҳар чизги: - «Тезроқ келинглар!» - дея чорлаётгандай эди.

Бир пасда мен бу мўъжизакор қоғозни хўжайинига айландим. Қўлимга ҳам, кўзимга ҳам ишонмайман уни. Бировга бериб қўйса-я, бировга кўрсатиб қўйса-я, деган хавотир доим ёнимда пичирлаб туради... Кўрсам, берсам бу мўъжизакор қоғозни сеҳри заифлашадигандай...

Уни энг севимли китобларимнинг энг севимли саҳифаларига бекитиб қўяман. Бекитиб қўйган жойларимдан денгиз шовуллаб туради. Мен, фақат ўзимгина бу қудратли товушларни эшитаман. Эҳ, қанчалар ажойиб эди ўша дамлар! Чинакамига ҳаёт деса бўларди ўша кунларни. Орзуларим, қувончларим бир лаҳзага бўлса-да кичраймади, улканлашгандан улканлашаверади. Мен умримнинг бундай лаҳзаларини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Муся, Марина фақат ана шундай кунларда яшаган, қолган дамларда...

- Ася, Муся, қаранглар денгиз!

- Қани?

- Ана, ана-ку!

«Ана»га ўзимизни ташлагудай термуламиз. Ўрмон дейишга мутлако арзимайдиган ёғочзор, пастроқда бир текис сув, худди кўпираверганидан кимдир сапчиган тўлқинларимга бошларини шарт узиб ташлагандай – теп-текис. Ася икковимизнинг хафсаламиз пир бўлди. Онам бир қарашдаёқ буни ҳис қилдилар:

- Бу - Генуэс қўлтиғи. Сувнинг шиддати бу жойда ҳамиша пасаяди. Чинакам денгизни эртага кўрасизлар, - деди онам.

Эрталаб эрталарга уланаверди. Аммо денгизга борадиган йўл кўринмасди. Қайси йўлга тушсак ҳам бизни торгина кўчада қўнишиб турган меҳмонхонага ё унга ёпиштириб қурилган уйлар тизимига бошлаб борарди. «Денгиз»га қарагим келмасди, чунки унинг қўлтиқ эканини аллақачон билиб олган эдим.

Аммо ҳақиқий денгиз сира хаёлимдан кетмасди. Қўлларим, кўзларим, юзларимда ҳайқирарди бу денгиз. Аммо ҳар нарсанинг кўтарилиши, баландлиги, тушкин лаҳзалари бўлганидек денгизга бўлган ишонч, иштиёқим ҳам оҳиста сўна бошлади. Отам онамнинг иссиғини ўлчаб: «Болакайлар, ниҳоят бугун кечқурун дегизни кўрасизлар», дегани менга оддийгина «Ухлаб турасизлар» дегандек эшитилди.

Билсам, бу бекорга эмас экан. Бир-икки соат ўтар-ўтмас уйимиздаги вазит ўзгарди. Кўчишимизга тўғри келди. Бутун кучимиз парронлардаги кутишга, юк тушириб, киритишга, «Рус пансионати»га етиб келишга ем бўлди. Шунгача тун яримладию онамнинг иссиғи кўтарилиб кетди, ахволи оғирлашди.

Онамнинг тепасида туриб, денгизга бўлган севгим, соғинчимни ёмон кўриб кетдим. Ундан кўра, Яратган эгамга онам учун илтижолар қилсам бўлмасмиди? Онажоним, мен энди денгиз билан дийдорни эмас, Худодан сизнинг жонингиз, азиз жонингизни сўрайман...

Бу илтижом қанчалик чин бўлмасин, мени кўринмас бир қудрат денгиз билан абадий боғлаган эди.

Мана, у! Денгиз. Орамизда тун. Икковимиз туннинг икки қирғоғидамиз. Тонг отгандагина мен Денгиз билан туташаман. Балки у ҳам менга севгилисига интилгандай интилгандир. Балки тўлқинлар туннинг қора кўзларидан ўпиб: «Марина, Марина!» дея эҳтиросли шивирлагандир. Мени кутгандир, соғингандир. О, художон-ей, ахир мен ҳам денгизни эҳтиёжиман-ку. Икковимиз ҳам эҳтиёж болаларимиз.

Биласизми, айнан шу қабатимда мени ҳамма тушунаётгандай ўхшайди. Дунё денгизлангандай, бўронми, пўртанами босиб келаётгандай.

Бу тасаввур эмас, бу қаттиқ истак. Ахир, ҳаммаси шу холича, сукунатда абадий қолиши мумкин эмас-ку. Сукунат ҳам жаранглайди-ку, гулдурос солади-ку.

- Ҳидини сезяпсанми? Оҳ, оҳ! – деди Валерия тонгда.

Сезмай бўларканми? Денгиз ҳиди гуркираб кетди. Ташрифномадаги сувратига термулиб қувончдан юрагим ёрилай деганди... Қани, мен кутган денгизми шу? Нега руҳим жисмнигина ечиб ташлаб, оппоқ тўлқинларига қўшилиб гувилламайди? Нега шеър қуюлиб келавермайди, нега оддий ҳаяжон?

Балки, менинг кутганим бошқача денгиздир... Ҳа-а...

Энг аввал кўзларим чиқиб кетди денгизга вужудимни ташлаб. (Орадан ўн саккиз йил ўтгач, мен Блокка худди шундай кўз билан термулганман).

- Бу чўққининг номи росаям қизик, - Бақа – уй эгасининг ўғли Володя бизни ён-атроф билан таништира бошлади.

Биздан бир қадамча нарида - сув! Қайроқ тошлар яркирайди.

- Пастда ғор бор, бу жойларнинг бари бизники. Эҳтиёт бўлинглар, йиқилиб тушманглар. Аксига олгандай, йўл кўрсатувчимиз гапини тугатар-тугатмас, йиқилиб тушамиз. Бошдан-оёғимиз шалаббо бўлади. Володя сурғалаклаб олиб чиқиб тошга

ўтқазади. Кўйлақларимни қуритгим келмайди. Ася билан Володя тош теришга тушиб кетишган. Мен эса бутун борлигим билан сувга тикиламан. Яркирайди. Синади, бутунланади. Чўққига узайиб, бармоғим учида ёза бошлайман.

Алвидо, эй асов ғалаён!

Сўзлар чўққига сиғмайди, пастга тушаман. Яқин атрофда ёзса бўладиган силлиқ жой йўқ. Ҳарфларни сиқиштираман. Шамол кўзғалади. Тўлқинлар чопа бошлайди. Мен эса тўлқин етиб келгунча ёзиб тугатаман:

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН

Аммо тўлқин тилларини осилтириб югуриб келади, ҳарфларимни ювиб юборади. Қоп-қора тош билан ёлғиз қоламан.

Денгизга узоқ нтилган бўлсам ҳам илк учрашувданоқ севиб қолганим йўқ. Ҳаммаси аста-секинлик билан юз берди. Қайроқ тошчалар териб денгизга ташлайман. Такрорлардан ниманидир қаттиқ кутаман.

Орадан ўттиз йил ўтгач, билдимки, денгиз бу сувлоқ эмас. Александр Сергеевичнинг дунёси экан. Мен бу ғалаёнли дунёга ёлғиз ўзим эмас Байрон, Наполеон билан, тун орзулари, кундузнинг ишончлари билан интилган эканман. Кейинчалик Ўртаер денгиз бўйлари, Қора денгиз, Бақалар чўққиси, Атлантида уммони дея аталган улкан сувлоқларда ҳам ўша мурғак пайтимдаги ташрифномадагидек поёнсиз денгиз кўрмадим.

Денгиз ва Пушкин тасавурида мудом ёнма-ён яшади.

Денгиз Пушкинни кутади.

Пушкин қайтаман, дея ваъдалар қилади.

Тасавури шу қадар чексиз эдики, доим бу чексизликда шошиб, оташланиб, адашиб юрардим. Шу оташланиш, адашиш ўзим учун қанчалар ёқимли эканини айтиб тушунтира олмайман.

Мен чўққига қайта-қайта «Алвидо, эй асов ғалаён» деб ёздим. Аммо бу видо мендаги ғалаённинг интиҳоси эмас, ибтидоси эди. Мен жонажон денгизим – Пушкин дунёсида мутгасил ғолибликни ўргандим, кўрқувни унутдим. Зулм, ўлим – бари-бари денгиз тўлқинларида ювилиб кетажак, йитажак ҳас-чўпга ўхшаб туюлди.

Мени ана шу ҳаёлот улғайтирди, юраклантирди. Тўлқинлар гулдурос солиб, тонгги, шомги шафақлар аксида ёлқинланиб, мен билан йиллардан-йилларга ўтаверади. Шеърият, шеъриятим ўзим Денгизга қўшила бошладим. Шунда қанчадир севганим видо сўзининг кучи заифлашганини ҳис этдим. «Салом»га ишқ, ишонч боғладим. Ҳар эрк соғинчи, ҳар қуликка исён, ҳар кўзғолиш, ҳар гулдуросда уфғон бошладим.

Уй-ғо-на бошладим.

1937 йил.

ҚАЙЛИҚ

Машхур рус шоираси М. Цветаева (1892-1943) XX аср қиёфасини бутун қувончлари, ранглари, зиддиятлари билан қуйлай олди. Улуғ рус шоирлари А. Блок, А. Ахматова, Б. Пастернак, С. Есенин ва бошқалар билан бир даврда яшаб ижод қилди.

Эътиборингизга унинг шахсий ҳаётига оид “Қайлиқ” очеркини ҳавола этмоқдамиз. Бу очерк “Сўнгги хабарлар” кундалик газетаси (Париж, 1933 йил 15 октябр) да босилган. Унда ёзувчи А.К. Виноградов (1888-1946) ҳақида сўз кетади. У Цветаевлар оиласига таниш шахслардан бири, бадиий-автобиографик асарлар муаллифи. Гарчи битик очерк деб аталса-да, ундан Маринача эҳтирос, кескинлик суратлари кўриниб туради.

У на меники, на Асяники бўла олди, чунки ҳеч биримизнинг кўнглимизга ўтирмади. Биздан катта опамиз аллақачон уйли-жойли. Боши очик бўлганда ҳам, унгам ёқишга мутлақо ишонмайман. Қайлиқ ёш, келишган бўлмаса-да, истарали. (одобли, ахлоқли, беғараз, санаса анча фазилатлари бор-а! Аммо биз билан қовушиб кетолмади...) Айниқса, унга келажаги бор, деган гап чиппа ёпишади. Ҳамма гап-мана шу келажакда, буни яратиш биз-отаимизнинг турмушга чиқмаган икки қизидан бирининг зиммасида эди. У бизга совчи қўйди, кўнглимизни олишга уриндигина эмас, остонамизда ётиб олди. Нимага ўхшатсам экан? Қассоб атрофида гирдикапалак мушукдай. Бу мушук тўқ эди, анчагина тўқ. Узун бўйли, басавлат бу йигитдан ғалати ёқимсиз ҳид келарди. Тери остида тўпланган ер ости сувлари билан боғлиқ нималардир бор эди.

Кўзлари тиник эди. ~оят соф ҳалол эди. Бир жуфт бўм-бўш ифодасиз бўшлиқ сизга қараб турибди. Болаликда бундай кўзларни самовий дейишарди. Нима учун аёлларнинг бундай кўзлари сув парисиникига қиёсланади-ю, эркакларники ҳалолликка? Улар ҳалоллик кафолати деб талқин этилсалар-да, аслида энг доғули инсонларда учрайди. Улар худди шу кўзлари билан юқорилайдилар! Ўқувчилик, куёвлик, директорлик... Қўйсангиз-чи, одам бундай кўзлар билан ундай ишларга, дея эътироз билдирманг. Йўқ, айнан шундай беозоргина кўринган кўзлар сизга тик, киприк қоқмай қарайди, нигоҳингизни чиллак ўйинидагидай ўраб, чирмайди.

Лаблари бошқача, кўзлари бошқача сўзлайди. Мен барини биламан, деган суврат бор лабларида.

Қайлиқнинг сув билан яна бир уйғунлиги-Ока учрашув жойимиз. Дарё бўйидаги Таруса шаҳарчасида унинг ота-онасига тегишли дала ҳовли бор. Бу ерга илк қадам қўйишимиздаёқ қадамимизни гумонсираш, хавфсираш таъқиб қилган.

-Нимага шундай бўлаяпти-а?-баҳслашардик опа-сингил Тарусадан ўзимизнинг Қумсоҳил тўлқинларидай ястанган қирлардан чопқиллаб, чиқиб-тушарканмиз. –Биз ҳақиқий княгинялар, машхур актрисалар эмасмиз-ку! Ажабо, ҳозирги ҳолатимизда нимамизга кизикади?

-Эътибор бердингми, ҳар бир сўзимизни қўллаб-қувватлашгани етмагандай, завқланиб хи-ҳилашади ҳам?

-Айниқса, отаси.

-Айниқса, онаси.

-Толя, Толя-чи, тамшаниб, ютиниб ўтирди. Ася, онт ичаманки, бариси сени, сени деб!

-Бемаъни гапларингни қўй. Агарда у шундай қилган бўлса, фақат сен туфайли, чунки мен сендан ёшман. Турмушга чиқишимга эрта ҳали. Сенга эса атиги бир йил қолди.

Толянинг жони-дили ҳаммом эди. Тарусагами, Москвадаги меҳмондорчиликка қақришса борсак, синглиси Нина бўсағадаёқ:

-Толя ҳали йўқ. Ҳаммомда Сизларга билдирмаслигимни ўтинди. Дўстлигимиз ҳаққи айтяпман буни, - дея шивирларди.

-Хаммом мужиги,-дерди Ася аччикланиб. –Унга шеър ёзишдан кўра савдогарлар қашлагичи билан қашланиб ўтириш кўпроқ ярашади. Бу каби руҳонийни севиб турмушга чиққандан кўра, севмасанг-да подшога эрга теккан маъкул. Бу бечорага-ку севгиям ярашмайди.

Туғилган кун зиёфатлари! Катта зал, оппоқ, тўкин дастурхон, ҳашаматли стол атрофида хизмат қилаётган бизнинг уй ходимамиз-немис аёли, навқирон, кадрдон чехраларни оралаб-ўтиб, оқишроқ малла соқол-мўйловли Анатолий Ася икковимизнинг нигоҳимизни овлаш билан овора. Кўзлари гоҳ менга, гоҳ синглимга учиб қўнди.

-Марина! Сирли орзуларимиз учун! Ася!

-Нима-а-аа?!

-Худо ҳаққи, болагинам, бундай чинқирма!

-Ажойиб йигит-да, - ҳазиллашарди унинг ҳар бир ташрифидан сўнг бизнинг немка. – Босиқ, тавозели, яхши хулқли. Афсус, башараси сал... Гимнастика билан шуғулланса эди. Кўпроқ қора олхўрининг шарбатини ичиш керак.

Анатолийлар хонадонининг оқсочи-одмигина, жўнгина аёл эса Толяни жини суймасди.

-Асенка, ҳеч қачон, ҳеч қачон унга турмушга чиқманг! Қорни тўқ, ранги оқ. Кўзлари мовий бўлса-да, ишонманг у кўзларга! Бунақалар албатта калтаклашади. Ёки лўттивозлик қилиб, чимчилаб кўришади. Ҳеч бўлмаса, игналар билан санчиб-санчиб олишади. Чунки уларнинг юраги илонникидай совуқ, жуда совуқ.

Қайлиқ бир йил давомида бизнинг ўртамизда чайқалиб юрди. Ниҳоят, Асяга мойиллиги кўринди. Синглим ҳали жудаям ёш, кўркам, қувноқ. Улар ўртасида жонли девор Толяга паст кўринди. Мен билан унинг орасини муқаддас Еленанинг метин қоялари тўсиб туради.

Тўрт қаторли бағишлов шеърлари, кўзларни қайирмоққа уринган ўткир нигоҳлар, аммо Ася барини кескин рад этди.

-Ася, қачон ўзингизга номуносиб давраларни, аллақандай Гриша ва Мишаларни тарк этасиз? Қачон улғаясиз?

-Сиз учун улғайишга тоқатим йўқ.

-Қачон ақлингиз киради?

-Сиз учун ақлим киришини мутлақо хоҳламайман.

-Бунчалар ғўр, бунчалар ёшсиз!

-Сизга ёқмайдимиз? Ҳамиша шундай бўлиб қоламан.

Москвада Толянинг ишлари ёмонлашгандан ёмонлашди: Таруса қучоғида миш-мишлар сув бўлиб окди. Оканинг ўзи уларни қайлиққа етказиб турди: кеча ким билан қайси тешик қайиқда унинг ўн уч ёшли қайлиғи сайр этди, ким билан қумда ўтириб олиб, тонгги соат учга қадар овози бўғилиб қолгунча Трансвал, Трансвал, менинг юртим,-деб кўшиқ айтди... Қизиғи шу эдики, танишувлар, учрашувлар ҳақида Асянинг ўзи биринчи бўлиб суюнчилар эди:

-Мен бир реалист билан танишиб қолдим. Толя, унинг кўзлари қоп-қора-Пушкинникидай.

-Пушкиннинг кўзлари мовий эди,-мингилларди Толя.

-Алдаяпсиз, Толя, мовий кўзлар фақат сизгагина тегишли. Унинг исми Паша, мен уни пошо дейман. Шундай дейишни яхши кўраман. Ахир Туркия ва Миср султонлари, ҳарбий саркардаларни шундай аташган-да.

-“Уруш ва тинчлик” даги Анатолийга ўхшасангиз ҳам майли эди. Аммо сиз Левинга ҳам ўхшамайсиз...

-Сизга бундай жиддий китобларни ўқишга ҳали эрта руҳсат беришмоқда,-унинг сўзини бўларди Толя, ўзининг кимга ўхшашлигини тинглашга ортиқ тоқати қолмай.

-Сизга ўхшаган китобни-чи? Эрта эмасмикан? Яхшиси, сиздай китобларни ўқимаган маъкул.

Ўша кунларда дадам билан орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди:

-Дада, сизга Анатолий ёқадими?

-Янги қоровулимизми?

-Йўқ. Қоровулимиз-Антон, у эса-талаба, Тихонравов.

-А-а-аа... У узокқа боролмади, чоғи? Ундан ғалати ёқимсиз ҳид келади.

Йиллар ўтди. Бизга атаб экилган ёнғоқлар бўй кўрсатди, уларга қўшилиб ўзимиз ҳам ўсдик.

Биз сўнгги синфлардамиз, сўнгги босқичдамиз. Кутилмаганда Тарусадан Асяга хат ташувчи мактуб олиб келди. Толянинг ёзуви. Очамиз: жимжимадор ҳарфлар орасида янчилган семиз капалак қуртининг расми.

-Аҳмоқ,-деди Ася совуққонлик билан.

-Автопортрет,-аниқлик киритдим. Расмнинг тагида ўзингизни ўзингиз ва мен учун асранг, деган ёзув.

-Сурбет. У менга шундай хат ёзишга ҳаққим бор деб, ўйлабди-да! Шу ернинг ўзида мактуб орқасига: Мулкингизни қайтармоқдаман, менда сизга аталган ҳеч нарса йўқ, бўлмади ҳам, деб ёзиб қайтариб жўнатди.

-Эҳтиёт бўл, Ася, у ҳали бизга бу капалак қуртини эслатиб қўяди!

Капалак қурти маъшум бўлиб чиқди. У Анатолий билан Ася ўртасидаги иттифоқ бўлиши мумкинмаслигини таъкидловчи энг сўнгги қалин қора ўчмас чегара эди. Шу қишда Ася Борис исмли йигит билан танишиб, тез орада унга турмушга чиқди.

1921 йил, баҳор. Ася Феодосиядан яқиндагина қайтди. У 1917 йилдан буён ўша жойда яшаётган эди. Сўнгги йиллар ўтларни қайнатиб кун кўрдик. Синглим озгин, ҳаминқадар кийинган, аммо ўша-ўша тиниб-тинчимас.

-Марина! Музейга ишлашга бораман!

-Эсингни еб қўйибсан! У ерда ҳозир директор-Анатолий.

-Анатолий директорми? Ҳатто бизга уйланмай ҳам шу мартабага эришибди-да. Бахти кулибди йигитнинг!

-Рисоладагидай ойимқизга уйланган.

Рисоладагидай ойимқиз? Ҳозироқ Музейга бораман! (Сўз уларнинг отаси-И.В.Цветаев ташкилотчилигида қад кўтарган (1898-1912) Россиядаги илк тасвирий санъат музей ҳақида бормоқда. У 1913 йилда юрак хуружидан вафот этди).

Ася бориб келди.

-Кириб бордим. Отамнинг ўрнида ўтирибди, қилт этмади, турмади ҳам. –Келганингизга анча бўлдимми?-Кеча. –Нима истайдилар?-Музейдан иш. Бўш ўринлар йўқ. –Шунда мен унга жуда қисқа, аммо чертиб:-Эҳтимол, мен учун топилиб қолар? Толя, барибир ўйлаб кўринг,-дедим. Ўйлаб кўраман. Бирон нарса топилганда ҳам сизга тўғри келармикин...-деди. Марина, шунда хотини кириб келди, тақиллатмасдан, бемалол, ўз уйига кириб келгандай. Ёшгина, хушрўйгина-чиндан ҳам кўзга яқин. Қўғирчоқ дейсан-тирноқлари, тирсакчалари, қўш этакли оқ кўйлакчалари. У бизларни таништирмади ҳам. Мени ўтиришга таклиф ҳам этмади. Сухбат, воқеалардан карахтланиб, оёқда тик турдим.

Ася гапираётди жилмайди.

Ҳафта ўтиб, директор имзоси билан билдириш хати келди. Ася кутубхонага штатдан ташқари ходим этиб тайинланган эди. Ойлиги эса... арзимас. Ася музейда ўн йил ишлади. Шундан тўққиз ярим йили Анатолий раҳбарлигида кечди. Номаълум сабабларга кўра, кунларнинг бирида ундан директор ўрнини бўшатиб қўйишни сўрашди. Бироқ у нима қилганда ҳам, отамнинг ўрнида ўтириб кетди.

Анатолий ҳозир-ёзувчи. Унинг китоблари энг яхши қоғозларда чоп этиларди. Муқовалари қалин, қизил матоли хошия чизиклари бор. Хориж ҳаётидан ёзади. Шунақа, у бизга уйлана олмаган бўлса-да, ёзувчи бўла олди. Фақат-қандай ёзувчи?

МАРИНА ЦВЕТАЕВАНИНГ
ПАСТЕРНАККА МАКТУБЛАРИ

Марина Цветаева-улуғ рус шоираси, унинг бетакрор ижодида замондош шоирларга ёзган мактублар алоҳида хусусиятга эга. Уларда ўша давр нафаси, ижод, шеърятнинг қисмат эканлиги уфуриб туради. Хусусан, эътиборингизга ҳавола этилаётган Борис Пастернакдек катта шоирга ёзилган мактубларда шоир шахси акс этади.

Пастернак!

Сиз менинг биринчи шоиримсиз. Тирик шоирим. Сизнинг эртанги кунингизга ўзимникига ишонгандай ишонаман. Беқиёссиз, шоирим.

Пастернак мен ҳаётимда кўп шоирларни кўрдим: каттасини ҳам, кичигини ҳам. Улар шеър ёзувчилар эди, ҳатто ажойиб қилиб ёзиб қўйишарди.

Вассалом. Уларнинг биронтасининг манглайида шоирлик қисматини кўрмадим. Бу қисмат, машаққат олис-олисларга бориб етгувчи, ёндиргувчидир! Шоирликни ёрлик қилиб олганлар ҳам кўп экан, айтганча улар жуда осонлик билан турмуш синовларидан енгиладилар. Улар сўзларнинг кушандаси, айнаи чоғда, умрларини ҳам беҳудага ерга совурадилар.

Қизиқ, худди шу нарса уларни кониктиради, коник-тирадигина эмас, тўйдириб юборади. Ҳатто ҳаддиларидан ҳам ошиб кетишади бу тўқлик боис. Эндиликда улар шеър ёзишни ҳордиқ чиқариш усули деб қарай бошладилар. Ёки шунчаки сайрга чиқишгандай қўлига қалам оладилар... Айнаи чоғда шоир бўла олмаганликлари учун ҳам худбинлашадилар: ёзган-чизганлари учун тўлов талаб этадилар, тўлов! Булар-тавозе, таъзимлар, лагнбардорлик, тириклик чоғидаёқ қўйилган ҳайкаллар. Мен ҳам хушомадни қойиллатдим-улардан кетдим.

Мен шоирларни иштаҳа билан овқатлангиси келганда яхши кўриб кетардим. Негаки, улар ҳам оддий одамлар. Уларга ҳам кимдир меҳр билан энагалик қилади, кимдир ширин таомлар пиширади. Шундай шоирлар олдида шоирлигимни унутардим. Илҳом парисига эмас, айнан энагага айланардим. Шоирлигимни эсга солишса, тонардим.

Қизиғ шундаки, аввалига мен уларнинг шеър ёзишига иштиёқини кўриб, даҳоларга тенгладим. Ўзимнинг тантиқ қаламимга қарадим. "Мен ҳам шоирманми? Мен яшаяпман, холос. Қувонаман, йиғлайман, мушугимни севаман, шеърлар ҳам ёзаман. Мана, Мендельштам, мана, Чурилин. Уларни шоир деса бўлади".

Шундай ҳолат яралдики, мендан ҳамма ўзини олиб қоча бошлади. 1912 йилдан (ўшанда 18 ёшда эдим) 1922 йилгача биронта тўплашим нашр этилмади. Ҳолбуки, қўлимда бешта китобга етарли қўлёзмаларим бор, тахт.

Яхшиси сизга қайтайлик, Пастернак, юраги тоза шоирсиз. Бундайлар кам ёки бошқа йўқ. Сиз Байрон каби эртаси бор даҳосиз. Замондошларим орасида фақат сизга шу қувончимни ишонч билан раво кўраман. Бу ерда гап на мен, на сизда. На менинг, на Сизнинг гуноҳингиз бор бунда. Сиз бундан юз йил олдин ҳаётдан кўз юмганлигингиз учун айбдор эмассиз. Гап нимадалигини тушуниб турибсиз. Одамлар руҳонийга эмас, худога сиғинадилар. Мен ҳам сизга эмас, сиздаги руҳга сиғинаман. У сиздан-да улуғ ва буюк, ишонаман, унга рашк қилмайсиз.

Кузнинг сўнгги кунларини Сизга, ҳаёлингизга бағишладим. Ҳатто мутолаага қўлим бормади. Яқинда Прагага йўлим тушди. Бизнинг кичиккина намхушгина поезд станциясига ғира-ширада, ҳали тонг отмасдан етиб бордим. Қоронғу платформанинг у ёғидан бу ёғигача бораман-келаман, қандай узоқ масофа! Чироғи ёниқ устунларнинг бири олдида тўхтадим. Сизни чақирдим: "Пастернак!" - ёнма-ён туриб узоқ суҳбатлашдик дарбадарларча. Мен Сизни ҳамиша икки жойда кўриб қолишни жуда истардим: Веймер ва Кавказ. Бу-хаёл оғир...

Ўша кузда Сизни чорлаганим-ўзим ҳам тизгингиз туйғулар измида эдим. Ич-ичимдан шуни хоҳладим. Сизни, юрагингизни чорлаш ҳамиша сирларни чорлашдай осон ва завқли, чунки уларнинг қачон, қаерда бўлишини билмайсан ҳеч қачон!

"Вокзалга" ва "Пастернакка". Бу бир хил ҳодиса, тушунча, ҳолат. Мен вокзалга эмас, Сизга борардим. Тушимда учаётган йўллар, баландлик ерга тегмаётган оёқлар. Станциядан узоқлашиб, поездга ўтирдимми, бас, ўзимга келардим, ҳушимга келардим. Сиз менинг ҳаётимга кирмагансиз. Мен ҳеч қачон ҳеч ерга атайлаб бормаганман. Прагага йўлим тушмай қолган дамдан бошлаб, Сиз ҳам тугадингаз. Неки бўлса - бўлиб ўтди, айтдим. Ҳамиша, ҳамиша, ҳамиша. Пастернак, ҳаётимнинг барча вокзаллари, тақдиримнинг чироқли устунлари, равон йўллар узра - менинг чорловим. Сизнинг ташрифингиз.

Китобингиз қўлимда. Пастернак, бир ўтинчим бор: "Лўлилар шундай бошлайдилар" шеърингизни менга бағишланг. (Ҳаёлимда айтаяпман, узр.) Тухфа эдинг менга шу шеърни. У фақат менга тегишли эканлигини ҳис этай. Токи ҳеч ким у меники дея ўйлай олмасин, ҳадди сиғмасин.

Пастернак, Сиз сирли чизикларга яширингансиз. Сизни "омма" тушунмаслигини унга нокараксан, дея қараганларининг моҳияти шунда. Сизда шоҳоналик ёхуд саркардалик ҳислати бор. Пешонангизга Пастернак даҳосининг чизиклари топилган. Сизни севмаслар Сиздан кўрқув ҳиссини туядилар. Кимдир "Ортда қолиш"дан чўчийди, кимдир-хужумга шай, фақат кўрқоқларча, зимдан. Аммо сизни билмоқ, сизни англамоқ не сир... Буни ҳатто мен билмайман. Балки Пастернак ҳам билмас. Пастернак ҳарфларни теради, ёзади, ярим тунда ёғдусида англаб етади. Ахир, тонгда уни унутиб юборишади-ку. Дунёда эса бошқа олам ҳам бор, Пастернак. Бу - болалик ёзувлари. Бошингизни эгманг, тик тулинг! Ана, қаранг, Сизни "Политехника зал"ингиз кутиб турибди! Икки сафардан буён хатларингиз оғир, жуда оғир. Сабаби- одамлар Сизни сиқиб қўйибди. Сиз учувчисиз! Кенгликлар фарзандисиз. Учиб кетинг. Тангрининг олдиги боринг, дарахтларга яқинлашинг. Бу лирик эмас, шифокор маслаҳати. Одамлар шаҳар ташқарисида бекорга яшамайди. Германияда бу осонроқ кечади ҳозирги кунда. Бирдан ҳамма истаган истаганингизга етишасиз. Китоблар, дарахтлар, дафтарлар, ҳаво, ором, кадр. Мана бу ер хатингиздаги энг оғрикли жой: ўйлайсизки, "мен ачиқ ва сиқик" туйғуларни ўлдирмоқ ўйида Берлиндан ташқарида яшаётиман! Йўқ, аксинча!

Берлин мени талаб бўлди, қўлларим бўш, йўлларим ёпик, руҳим чилпарчин.

Қалам аҳли-хароб! Яратганда эса ҳамиша бир нарсани сўрайман, шу ҳаётимни кўп кўрма. Бутхонали қудук, жилғалар товуши, баланд чўққим, эчкиларим, дарахтларим, дафтарларим, Серёжа ва Аля. Сизнинг ва С.Волконский китобларидан мени айирмасин.

Мен ҳақимдаги ўзгалар қулоқ солманг. Дўстларимникига ҳам! Негаки, мен кўпларнинг жонига тегдим. Севдим-севмай куйдим, ўстирдим-кўндим. Уларнинг бари-барига тантилиқ билан омонлик тилайман.

Сиз уларни тингламанг. Сўзларим оғир, бешафқат, бироқ ҳақиқат!

Қадрли Пастернак!

Мен бу гал Сизнинг ёзувларингиз мабодо вақт ва қоғоз етса, ўзим ҳақида ёзмоқчиман. Китобингиз - олов. Аввалгиси, жала эди, буниси гулхан. Ушладим - қўлим куйди. Ўқидим - дилим ёнди, вужудим, руҳим чатнади, тобландим. Тунларим ҳам кунларим ҳам йўқ. Ёлғиз - Сиз. Мен - йиғувчиман. Ўзимдан оламан кучни. Ўзимни ўзим талаб, еб бўлгандан сўнггина ором топаман.

Азизим, Пастернак! Сакрашга изм беринг. Сиз фавқулодда ҳодисасиз, Сиз ҳеч нарсага кўнмай яшай олгансиз. Аслида, Тангри Сизни эман дарахтидай қудратли ва енгилмас қилиб яратгану, одамга айлантирган. Сизни чақин ҳам, пул ҳам, бало ҳам урмайди. Бу - қисмат.

Сиз - шеърсиз ҳам шоирсиз. Сизнинг - суҳбатингиз шоир, чехрангиз шоир. Нима учун ҳар бир шеърингиз энг сўнггисидай жаранглайверади, туюлаверади? "У шундан сўнг бир сатр ҳам ёзмади". Сирингизми бу?

Сирлар. Биринчиси, сўзга бўлган иштиёқингиз. Бу дадил, бу-манба. Иштиёқ - бу, тангликдан, умидсизликдан чиқа олиш услуби. Товушни сўздан ҳам кучлироқ севасиз, шовқин товушдан ҳам қудратли. Чунки, унда ҳаммаси мужассам. Сиз - сўзлар тутқунисиз.

Сиз сўзлар диёрида қилиб бўлмас ишларга қўл урасиз. Сиз нишонга олиб бўлмас шоирсиз. Сизни худо сақлайди.

Иккинчиси. Сиз томошабин эмас, тақдир бошқарув-чисисиз. ~аройиб хислатларингиз шеърларингизда ҳаракатланади, жонланади, яшайди. Биласизми, Пастернак, сиз катта ишга бел боғлашингиз зарур. Бу - Сизнинг иккинчи ҳаётингиз. Биринчиси, худо берган умр. Ёза бошласангиз, барча оғирликлар кўтарилади. Кишанлар ечилади руҳингиздан, озод бўласиз. Ҳеч ким ва ҳеч нарсани сезмайсиз. "Оғирлигингиз" шундаки, сиз одамларга, шеърларга, зўрма-зўраки суқилиб кирмоқдан зўриқиб кетмоқдасиз. Буларнинг бари бефойда. Бу билан мушкулотларингизни ҳал қила олмайсиз. Эшитинг, бир марта берилган умрда неча ёшгача киришингиз аҳамиятли эмас, муҳим эмас. Гап - қандай яшашда! Бу дунёга ким тўйибди, ким армонсиз кетибди, кимнинг иши битибди, дейсиз! Ўзингизни қоғоз ва қаламга топширинг. Акс ҳолда, илҳом дақиқалари телбалик соатларига айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Лирик шеърлар - ҳаракатнинг оний лаҳзалари. Болалигингиздаги айланувчи колейдоскопларни эслайсизми? Ҳаракатни кўз олдингизга келтиринг, бурасангиз бас шиддатли бурилиш. Лирик - бу йўналиш, олисдан қора бўлиб кўринади. Тикилиб қарсанг, нуқталар орасидаги масофалар ҳавосиз кенгликларга олиб боради. Мана, нима учун сиз шеърдан шеъргача ўлиб борасиз. Бу - ҳар бир шеър энг сўнггиси дегани.

Роман, поэма, ҳатто мақолаларнинг ўз қонуниятлари бор. Уларда бундай ҳолатга дуч келмайсиз. Чунки китоб ёзувчини, ёзувчи китобни, қаҳрамонлар эса китоб ва ёзувчини бошқариб боради. Айниқса, қаҳрамонлар жуда яшовчан бўлишади. Сира ўлишни исташмайди. Сиз ҳам насрда ёзасиз деб, эшитганим бор. Болалик ҳақидамикин ... Ўқиб кўрмаганман, қўлимга тушмади ҳали. Москвада бу бу ҳақда ўзингиз сўз очмаганмидингиз? Ё Лилитдан эшитдимми? Геликон гапиргандай бўлдимми? Нима бўлганда ҳам менга бу ҳақда ёзиб юборишни унутманг.

Энди китоб ҳақида. Энг севимли шеърлар - Маргарита. "Булут, юлдузлар. Ва ёнбошдан...", "Мен уларни унутаман" - ва охиргиси. Улардан олов уфуради, олов. Қачондир, қаердадир, нимадир ёзилиши табиий, гап бу ҳақда эмас. Китобингизда "Умри боқий" шеърлар шу қадар кўпки, улар етти қаватни ёриб, бош кўтариб чиқа оладилар. Айта оласизми, қайси китобингиз сиз учун биринчиларнинг биринчиси, ўша китобни ёза олганмисиз?

БОЛАЛАРГА МАКТУБ

Ҳассос рус шоираси Марина Цветаева қолдирган бой адабий меросида унинг мактублари алоҳида эътиборга молик. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мактуб аслида 1937-38 йиллар, май ойларида ёзилган бўлиб, 1969 йилда «Янги дунё» FНовўй мирF журналининг 4-сонида босилган. У болаларга атаб ёзилган. Мактуб, унинг зояси ва самимияти сизни лоқайд қолдирмайди, деган умиддамиз

Азиз болалар!

Мен барчангизни бирдек яхши кўраман, барчангиз азизсиз менга. Сизлар ҳам билар каби катта-кичик одамларсиз. Ҳар бир авлод, ҳар бир насл ўзига хос. Менинг сизларга айтадиган гапларим кўп.

Ҳеч вақт сувни бекордан бекорга исроф қилмангиз. Худди шу дамларда саҳроларда кимдир сувсизликдан жон бераётганини унутманг. Зинҳор калта ўйламангки, мен сув тўккан ўша одамга, ўша чўлга етиб борармиди деб. Сув етиб бормаса ҳам, ўша кимса худди шу сувни ичмаса ҳам, дунёда яна битта қонунларда ёзилмаган жиноят камаяди.

Ҳеч қачон нонни ерга ташламанг, урвоғини ҳам. Уволи тутмасин. Қарда кўриб қолсангиз, ердами, оёқ остидами, қўлингизга олиб, қўл етадиган, кўз тушадиган жойга қўйинг. Бу дунёда ташналикдан мадори қуриётганлар билан бирга бурда нонга зорлар ҳам бор. Ҳар қалай, тупрокка, чанга, лойга ботиб, қоришиб ётган нонни олиб етгандан кўра баландроқ жойдаги тоза нонни олиб ейиш қулайроқ, егани ўзига ботади. Сизни билмаса ҳам дуо қилади. Савобга қоласиз.

Ҳеч қачон телба одамлардан кўрқманг. Уларга дучлан-сангиз, дардига шерик бўлинг. Балким шунда ўзингиз ҳам билмаган ҳолда уни шу дарддан болаларча соддалингиз, самимиятингиз, беғуборлигингиз, таъмасизлигингиз билан фориғ этарсиз. Уни дилидагини топишга урининг, нимани истайди ўзи, сўраб билинг, сўраб кўринг. Одам тафтини одам кўтаради, ахир. Бундайларнинг устидан асло кулманг! Бошқалар ҳам кулаптилар-ку, гапиришяпти-ку, деб гуноҳингизни бошқаларга ағдарманг, ўзингизга ўзингиз лойқайд бўлманг, ўзингизга ўзингиз маъсул бўлинг. Эркин, мустақил фикрлашга ўрганинг.

Ота-онангизни ранжитманг. Улардан бўлар-бўлмасга аразламанг, Унутмангки, улар ҳам сиздек қачонлардир бола бўлишган, вақти-соати етиб, сиз ҳам улардек кексаясиз. Ота-оналарингизни эрта қаришларига, бу дунёдан бевақт кўз юмишларига сабабчи бўлиб қолишдан сақланинг. Уларни ерни тепиб юришларининг ўзи катта бебаҳо давлат, суянчиқ.

Йўлингизда тош кўринса, олиб ташланг. Фараз қилингки, сиз чошиб кетаяпсиз, кўрмай-билмай шу тошга суриниб кетдингиз. Бурнимиз қонади, шикастландингиз. Ҳеч бўлмаса, ўзингиз учун шу тошни йўлдан четга олиб қўйинг.

Одамлар орасида, транспортларда ўзингиздан каттага жой беришдан уялманг, аксинча, бермасангиз уялинг! Моддий томондан устунлигингизни ҳеч вақт кўз-кўзламанг.

Рақибингиз, душманингизни енгсангиз, ғурурланманг. ~олиблик нашидасини ичдан англаб етишнинг, сезишнинг ўзи-кифоя. Бировнинг ортидан мазах қилиб кулманг, ҳаттоки айбини, камчиликларини билсангиз ҳам. Айниқса, сизни гиж-гижлаганлардан қочинг, улар сизни гиж-гижлаб қочиб кетишади.

Синалмаган отнинг ёнидан ўтманг. Ўз уйингизга тош отманг, бу уй сиз билан қолади, ўзгалар уйига сизни барибир киритишмайди, сиғмайсиз, ортиқчасиз уларга.

Китобни варақлаганда, варақни юқори қисмидаги учидан очиб боринг.

Нега дейсизми? Чунки китоб ўқилганда пастдан юқорига эмас, юқоридан пастга қараб ўқилади.

Тамадди қилаётиб, ликопчангизни ўзингизга яқинроқ, қулайроқ қўйинг. Бехосдаан дастурхонгами, қаршингиздаги кишигами, тиззангизгами тўкилиб кетмасин.

Мабода, сизга буларнинг бари романтика дейишса, улардан сўраб кўринг: “Романтика нима ўзи?” Шунда улар тилини тишлаб қолишади, илмсизликларини билдириб қўйишади. Фақат фикрлай олмайдиган одамларгина шундай савол беришади. Сиз уларга Жуковскийнинг ўлмас, буюк сўзлари билан жавоб беринг: “Романтика - бу юрак”.

Николай Гумилёв

НОВЕЛЛАЛАР

Машхур рус шоири Николай Гумилёв (1886–1921) қисқа умрида нафақат бетакроп шеърляти, балки ёниқ насрий асарлари билан ҳам гўзал мерос қолдирди. Унинг эътиборингизга тақдим этилаётган новеллаларида инсон руҳияти, қалбнинг нозик ва изтиробли торлари, мураккаб руҳий кечинмалар, яхшилик ва разиллик дунёсининг азалий ва абадий курашлари теранлик билан мушоҳада этилади. Ирода, истеъдод, ҳаётга муҳаббат, айна пайтда, худди шу туйғуларни поймол этишга бел боғлаган қабихликларнинг боқий эмаслиги улуғ сўз устаси қаламида мохирона очилиб боради ва ўқувчини ҳамиша ёруғликка етаклайди.

СТРАДИВАРИУС СКРИПКАСИ

Мэтр Паоло Белличини скрипка учун соло ёзди. Куйлаётиб, лаблари титраб кетди, оёқлари асабий ҳолда тактга уринар, узун–узун, оппоқ ва нозик қўлларининг шўхлиги тутгандай, бепарволик билан камончани қайирмоқчи бўларди. Мэтрнинг минглаб ўқувчилари унинг худди мана шу – оппоқ хинд илонларига ўхшаш қўлларидан кўрқисарди.

Кекса мэтр машхур эди. Ҳеч ким унинг сеҳрли мусиқасидан аълороқ бирон–бир иш қилолмаган. Ҳукмдор герцоглар у билан танишишни шараф деб билар, шоирлар унга шеърлар, поэмаларини бағишлар, аёллар унинг ёшини ҳам унутиб, табассум ва гуллар ҳада этишарди. Шунга қарамай, турли гап–сўзлар мусиқачининг сархуш шухратига соя солиб ўтарди. Унинг иқтидори, аввало, худо юктирган иқтидор эмас, аксинча, у ўйламай–нетмай, қайсарлик билан улуғ санъаткорлар руҳини жодугарлик йўли билан ёриб ўтади, безовта қилади, дейишарди. Мэтр мухлислари бундай гаплардан қанчалик аччиқланмасинлар, улардан ҳасад, камситилган ҳамият хидлари келиб турибди, демасинлар, барибир бу гап–сўзларда ҳам жон бор эди. Чунки кекса мэтр мусиқалари аллақандай қўл етмас нималаргадир, қайларгадир учаётган ҳавойи ва телбавор, эҳтимол, таъқиқланган парвозларга ўхшар. Бундан ташқари, у шундай ожиз ва уқувсиз, баланд бўйи, озгинлиги жанубий мамлакатларда яшайдиган ғамгин ботқоқ қушини эслатарди.

Мэтрнинг кабинети мусиқачи хонасидан кўра кўпроқ қора рангли китоблар сотувчисиникига ўхшаб кетарди. Баландда товушларнинг яхши таралиши, эшитилиши учун англаб бўлмас эгри–бугри чизиқли гумбаз ва арklar ўрнатилган. Улкан виолончеллар, эски темир мусиқа асбоблари ҳали ҳам жозибасини йўқотишмаган, айна пайтда туш кўришаётгандай, алаҳсираётгандай Лоррена, Колланинг ажойибу ғаройиб асарлари сингари қоронғу бурчакда тикилиб туришарди. Деворларга эса мураккаб алгебраик тенгламалар, қийшиқ бурчаклар, учбурчаклар, айланалар чизиб ташланган. Кекса мэтр математикларга ўхшаб, ўз ижодини ҳисоблар чиқар, мусиқа алгебранинг

юраги деб биларди. Бу хонанинг ягона беаги – қизил бахмал билан қопланган скрипка футляри эди. Бу скрипка – машҳур Страдивариус яратган энг севимли, энг сўнгги соз эди. Уста бу асбоб устида ўн йил ишлади. Бу сознинг шухрати тугалланмасиданоқ олий доиралар тилига тушди. Уни қўлга киритиш учун ҳукмдорлар бахслашишар, ҳатто Франция қироли бир эшакка юк бўладиган олтин беришни ҳам ваъда қилди. Папа эса – парли кардинал шляпасини! Бироқ улуғ уста бу таклифларга учмади, пўписалардан кўрқмади. Уни ўша пайтда ёш, ҳали номи чиқмаган Паоло Белличинига тухфа қилди. Фақат скрипкадан ҳеч қачон айрилмасликни талаб қилди. Паоло қасам ичди. У ўзининг энг бахтли дамлари учун фақат шу скрипкадангина миннатдор эди. Скрипка гўзал маҳбубаси, севимли ёрига айланди. Соз унинг оппоқ қўлларида гоҳ қотиб қолар, гоҳ йиғлаб юборарди. Ҳатто энг ашаддий ошиқлар ҳам бу сознинг овози суюклиларининг овозидан–да дилбарлигини тан олишар, англаб етишар, ҳис қилишарди.

Кеч тушди. Тун боғ ичида олис ва қадимий даврлардаги сўз усталарининг нутқлари сингари ўсиб борди, қизил, мовий ва оқ баргли гиацинтлар каби сочилиб ётган юлдузлар остида гуллаб кетди. Венециянинг баланд деразалари қаршисига келиб, чайқалиб кетди, аста–секин чиқиб келди–да, осмон остида туриб қолди. Шу тун билан бирга–бирга мэтр қалбидаги нотинчлик кучайди, сувнинг енгил, совуқ ирмоғи каби илҳомга сокин олов куйилди. Куйнинг бошланиши гўзал эди. Майин куйларни кучли тўлқин бир зумдаёқ эгаллаб олди, бу товушлар бир–бирини қувиб, бир–бирига гал бермай, шитоб билан кўринмас чўққига интилишар, у ердан қўлида дунёнинг энг гўзал гули – улуғвор мусиқа оҳанглари билан қайтишни иташарди. Бироқ айнан шу сўнгги қатъий парвозни кекса мэтр урдалай олмас, охирига етолмас, етказолмас, туйғулари қанчалик шиддатли бўлмасин, соддагина математик ҳисоб–китоблар уни бор кучлари ўшал гўзаллик сари қанчалик етаклашмасин, у учолмасди. Бирдан унинг хаёлидан кўрқинчли ўй кечди. Эҳтимол, даҳо устоз охириги нуқта – юксакликка кўтарилиб бўлгандир? Паолонинг бунга кучи етмаса–чи? Қачон келади мукамаллик, комиллик?! Бироқ кутиш унга тўғри келмайди – бунинг учун кексалик қилади. Кутолмайди, ибодат қилиш эса фақатгина оддий ва кундалик ишларда ярайди, ёрдам беради, холос. Ижод изтироблари эса – чин ёзмишдир, қисматдир. Унинг олдида боласини дунёга келтираётган аёлниг–да азоблари арзимасдек кўринади.

Кекса мэтр телбанома умидлар исканжасида скрипкага қаттиқ ёпишди – гўёки у унинг сирғалиб тушиб кетаётган туйғуларини, оҳангларни ушлаб қоладигандай, қўли етмас нарсасини олиб берадигандай. Ҳаммаси беҳуда! Скрипка ҳар доимгидай итоаткор ва майин жилмайди, куйлади, ўйларидан сирғалиб тушди, аммо ўшал машъум нуқтага етмай, етолмай, енгил сувлуқ билан боғланган тоза қонли араб тулпоридай тўхтади. У дўстидан уни тинглашни эркаланиб, ёлвориб сўраётгандек кўринди. Деворларда терилиб турган қадимги мағрур шоирларнинг оғир жилдли китоблари қорайиб кетди, улар скрипканинг изтиробларини ҳис этишгандай, санъатнинг муқаддаслигини яна бир бор эслатишгандай, унинг давомли, барҳаётлигига улар–да дахлдорлигини айтишаётгандай эди. Бироқ қаҳри қаттиқ мэтр ҳеч нарсани тушунмади ва унга ёрдам бермаган скрипкани зарб билан футлярга отиб юборди.

Ўринга кириб, бироз ором олмоқчи бўлди. Узоқ тўлғонди, аммо ухлай олмади. Тугалланмаган соло ўйи дахшатли қип–қизил бургутдай боши узра осилиб турарди. Ниҳоят, уйқу келди, оғриқлари ёйилиб кетди. У охири йўқ йўлак бўйлаб кета бошлади. Йўлак кенгайгандан кенгайиб, ёруғлашиб, уни олисларга олиб кетди. Чор–атрофда аллаловчи, унутилиб кетган нафаслар эшитилди, товушлар чалинди. Қанотли каламушлар сингари нимадир сокинлашган, ҳеч нарсани эшитмаётган Паолонинг бутун вужудидан сизиб ўтгандай бўлди. У кутилмаганда ёлғиз эмаслигини ҳис этди. Ёнида ўрта бўйли, қора соқол, қарашлари ўткир, жингалак соч нотаниш одам борар, у қадимий немис миннезингерларига ўхшаб кетарди. У эгнига кулранг, қора ва бинафшаранг марварид иплари билан ўралган матони ташлаб олган, унинг елкасида товланаётган афсонавий

алвон ипак Константинополь султонининг энг нозиктаъб ва инжиқ, танти ва севимли асирасининг ҳам ақлини оларди.

Паоло йўлдошига ишонч тўла табассум билан қаради. У эса бир текис овозда сўзлай бошлади:

«Мухтарам мэтр, ҳеч нарсадан кўркма. Мен санъат фидойиларини ҳурмат қилишни биламан. Менга қора ниятли ҳукмдор ва гуноҳлар отаси деб тухмат қилишади. Аслида, мен фақат гўзаллик яратувчи, шу гўзалликлар шайдосиман, холос. Доврукли Каин бу ерлик бўлмаганлар билан ҳисоб–китобини қилиб, дунёни қуриш ишига киришган чоғида унга устозлик қилдим. Яъни, ожиз сўзлардан чинакам шеърий оҳанглар, ўткир киррали олмослар билан фил суяларидан одамлар ва жониворлар қиёфасини яратиш, мусиқа асбобларини ясаб, уларга эгалик қилиш санъатини ўргатдим унга. У билан биргаликда Ливан тоғларидаги қуюқ кедрлар соясида салқин кечаларда ажойиб ариялар куйладик. Далалар бўйлаб жонбахш шамоллар эсди, улкан–улкан жануб юлдузлари киприк қоқмай бизни кузатишди. Тунги осмон остида қоп–қора капалаклар қанотларидан учган чангнинг соялари учиб кетди. Пастда – оқим бўйлаб ғазаллар оқди. Уларни узоқ тинглаб, ҳайратланиб, бошимизни кўтардик, ойдан оқаётган нурларни ичдик. Биз нурлар рақсидан шодланар, суюнардик. Дунё бундан кейин бундай мусиқани бошқа эшитмади. Орфей яхши чаларди, аммо у арзимас муваффақиятлар билан қаноатлангувчи эди. Уни тинглаб тошлар йиғлаганида, эринчоқ арслонлар юввош тортганидаёқ мукамалликка, комилликка етишишни тўхтатди, чунки у комилликка эришиб бўлдим, деб ўйлади. Ҳолбуки, унинг этагига эндигига етган эди. Унинг куйлари билан юнонларгина илҳомланишар, бу билан улар ўзларини янада ақли ва гўзал инсонлар деб билишга, кўрсатишга уринишарди, холос.

Шу кундан бошлаб, ғамгин ва кўримсиз дамлар бошланди. Негаки, одамлар ажойиб оҳанглар сеҳрини унута бошлашди. Мантиқ билан шуғулланишга киришдим. Георгий билан суҳбатлашар, гоҳида жуда чуқур кетиб, фалсафа оламига чўкиб кетдим. Телба монахлар билан бирга Париждаги Богоматер собори минорасига кўрқинчли маҳлук ҳайкалчасини қўйишни ҳам ўйлаб топдик, энг жозибали Хоним суратини чиздим, уни Саванороннинг ёввойилари ёқиб юборишди. Мен ҳатто Австралияда бўлдим. У ерда узун қўлли ёқимсиз одамлар учун ажойиб ўйинчоқ – бумеранг кашф этдим. Ҳозир бу ҳақда ўйласам, кулгим қетайди. Бу ўйинчоқ қаҳрли ёввойининг қўлида жонга киради, учади, қайрилади, буралади ва душманининг бошини олиб, хўжасининг оёқлари остига ташлайди. Кўриниши шу қадар юмшоқ ва беозор, бегуноҳ! Тўғриси, у сизнинг алмисоқдан қолган зил–замбил милтиқларингиз ва тўпларингиздан минг марта афзалроқ. Аммо буларнинг бари арзимас нарсалар эди. Мен оҳангларни қаттиқ соғиндим. Страдивариус ўзининг илк скрипкасини яратганида ҳаяжонга тушдим, ўша заҳотиёқ унга ҳамкорликни таклиф этдим. Бироқ қайсар кекса чол ҳеч нарсани эшитгиси ҳам келмади. Аксинча, менга сираям ёқмайдиган, қўл–оёғи миҳланган пайғамбарига соатлаб илтижо қилар, сиғинарди. Мен даҳшатли ишларни кўриб турардим. Одамлар энг юқори, энг баланд гармонияни фақат мен яратган скрипка торларидан олишларини истардим.. Бу – фақат менинг эмас, Яратганнинг номидан эди! Мени кўлингда турган шу скрипка даҳшатга солар, кўрқитарди.

Яна бир мингйиллик ўтиб, шундайин шахд, иштиёқ билан шундай созлар яратилганида борми, мен абадий қоронгуликнинг ғамгин тубсизликларида йўқ бўлиб кетардим. Не бахтки, у сенинг қўлингга тушди! Сен эса яна мингйилликлар ўтишини сабр билан кутишни истамайсан, кутолмайсан. Сен бугун кутилмаганда мен чалган куйга тушиб қолдинг. Мен уни олис тунда – гуннлар франклар монастири деворлари ортида ярим минг бегуноҳ қизларни қийноққа солишган дамда яратган эдим. Бу – жуда зўр куй эди! Истасанг, мени уни охиригача чалиб бераман». Нотаниш одамнинг қўлида скрипка пайдо бўлди. Тўқ қизил рангли, кўринишидан бошқалардан фарқи йўқдай. Аммо Паолонинг синчков кўзлари осонлик билан бу скрипканинг бошқалардан ажралиб турадиган чизгиларини илғади, кўрди ва кекса мэтр ҳаяжондан қотиб қолди.

«Ажойиб нарса! – деди нотаниш одам.- У Византия маликасининг кўзларидай кайсар, қўлларидаги қимматбаҳо узуклари сингари тантик. Нималарнидир хиргойи қилади, хаёлингга ҳам келмас оҳанглар топади у. Ҳатто менга ҳам уни бошқариш мушкул». Ва у чала бошлади. Афродита денгиз бўйида оппоқ қояларда бўзлаб, юрагини тирнаб, Адонисни чорларди гўё. Паоло ҳаммасини тушунди. У буни қачонлардир соғиниб излайди, бундан ҳам муҳими, у соғиниши мумкин бўлган ягона туйғу эди бу. Фақатгина у бу истагига, бу соғинганига ердаги ҳаётида етолмади, етишолмади. Ҳаммаси ўзгарди. Кун ярмида куюқ, зардали булутлар остидаги тол барглари шамолда шовуллар, бошоқлар ранги мовий, тилларанг, донлар ичида ёқутлар ҳам ял-ял ёнарди. Пурвиқор қуёш осмонга кўрк бағишлаб турар, дарахтларга жон ва роҳат, мўл-кўл мевалар берар, ғаройиб қушлар тинмай қичқиришар, капалаклар учаётган гулларга ўхшашарди. Олиймақом скрипка жаранглаб куйлар, еру осмонни ларзага солар, ҳаво ҳам шундай соғинчли бахт билан тўлиб кетгандики, борликни бўлиб-бўлиб юборди.

Паолонинг қалби парчаланиб кетди. Бу даҳшатли тушдан уйғонганида кўзлари янада ғамгинлашди, ўйлари қоронғулашди. Тушида тинглаган куйидан нималар эсида қолдйкин? Ер юзида яна шундай скрипканинг ўзи бормикан? Иблис ниятига етди, яхши ўйин кўрсатди – айёрона нутқлари, сўзлари мэтрнинг ожиз ва очкўз юрагини захарлади. О, Страдивариуснинг севимли ва бечора скрипкеси! Сени энг бахтсиз, энг дилгир дамда буюк устанг Паоло Белличини қўлига тутқазди. Сен инсониятнинг неки эзгу ўйлари, хис-туйғуларини нозик пардаларга жойладинг, одамлар билан тиллашдинг. Оқибати эса-қочиб бўлмас тақдир ўйинида айбсиз қурбонга айландинг! Надоматлар бўлсинким, инсон яна шундай қудрат яратгунча, унинг қалби, қўлига яна шундай муқаддас онлар келгунча қанчадан-қандан асрлар ўтиб кетади энди!

Мэтр Паоло Белличини сеҳрли футлярга йўлбарсдай писиб борди. У ўзининг севимли, садоқатли йўлдошини астагина чиқарди. Унинг мукамал яратилганини илк бора сезиб қолди. Алами келди. Скрипкани ўзидан сўнг кимгадир бериши зарурлигини ўйлаб, кекса мэтр рашкдан титраб кетди. Йўқ, йўқ! Шунчалик нозик, шунчалик гўзал ва севимли ҳилқатга ҳеч ким ҳеч қачон қўл текизолмайди. Оғир оёқ кийими пошналарининг кучли зарблари остида синиб кетган скрипканинг учаётган изтиробли оҳанглари янграб кетди. Шовқинни эшитиб, югуриб келган толиблар мэтрни ақлдан озганлар уйига олиб боришди. Бу – шаҳар четидаги қайғули ва қоронғу бино эди. Тунлари бу ердан қичириқлар, оҳ-воҳлар эшитилар, кутилмаган босқиндан кўрқиб юргувчи қоровуллар совут кийиб олишарди. Телба Паолони пастдаги қоронғу ертўлага жойлаштиришди. Унга қўллари қонга беланган бўлиб кўринди. Ҳар куни ичиш учун бериладиган сувни қонни кетказаман деб тошли деворга ишқалаб ташлаган қўллари ювишга ишлата бошлади. Орадан беш ўтиб, қоровул уни ўлик ҳолда топди – у сувсизликдан жон берган эди. Тунда чуқур қазиб, ҳеч қандай сўзсиз, маросимсиз кўмиб ташлади. Страдивариуснинг мўъжизакор скрипкеси ўлими тиллардан тилларга, эллардан элларга, йиллардан йилларга қайғули кўшиқдай кўчди. Унинг қотили эса энг даҳшатли ўлим топди.

САРОЙНИНГ СЎНГГИ ШОИРИ

Бу қирол ажодлари каби ўта дангаса, ишёқмас ва беғам эди. У саройда бўладиган тантаналар боисгина мадҳиялар ёзиб берадиган кекса шоирни нафақага чиқаролмас, унга етарлича нафақа тайинлаб, хайр-хушлашишга журъати етмасди. Шоирнинг ўзи эса кетишни сираям истамасди.

Қирол оиласида кимдир туғилса ёки вафот этса, бошқа юртлардан элчилар келса ёки кўшни давлатлар билан иттифоқчилик имзоланса, одатий маросимлардан сўнг сарой аҳли қироллик залига йиғилар ва қовоғи солиқ, ҳамиша нимадандир норози шоир шеър ўқий бошларди. Айни кунларда тилдан ва истеъмолдан чиқиб кетган иборалар эскирган сўзлар ғалати жаранглар, қадимги инглиз бичимида тайёрланган соч париғи уни янада ожиз қилиб кўрсатар, шунинг баробарида сочининг тўкилган жойлари ярқираб-ярқираб, ажиб

улуғлик касб этарди. Олкишлар ҳам олдиндан ўйлаб қўйилгандай енгилгина, қўлқопли қўлларнинг шовқини худди шеърятни улуғлашга етарли хизмат қилаётгандай кўринарди.

Шоир ерга қадар таъзим қилди, аммо унинг юзи ҳамон тунд, қирол қўлидан қимматбаҳо тошлар билан безатилган узук ёки олтин тамаки қутисини олганда ҳам кўзлари тобора ғамгинлашиб кетарди.

Байрам дастурхони ёзилганда у паригини ечиб қўйиб, кекса мансабдорлар орасида ўтирар, темир йўлларга оид шартномалар, турли хил ўғирликлар, миш–мишлар ҳақида гапирар, тузга солинадиган солиқ лойиҳасига жуда қизиқарди.

Одатдагидай қирол совғасини хазиначига топшириб, ўрнига мўмайгина пул олиб, уйига қайтди. Шоирнинг уйи катта ва беўхшов, отаси – собиқ марҳум сарой шоиридан қолган мерос эди. Марҳум қирол бу лавозимни наслдан наслга ўтувчи қилиб қўйган, бу билан, эҳтимол, тартиб–интизомни сақламоқчи, ҳар хил нохушликлардан йироқ бўлмоқчи эди.

Шоирнинг уйи юраги каби маънос ва қоронғу эди. Кечга бориб, фақат иш кабинети ёруғлашарди. Жавонларда китоблар ўрнида ноёб қадимий тамаки қутилари терилиб турарди. Отаси шу буюмга ўта иштиёқманд коллекционер чиқиб қолди. Қачонлардир, ҳа, қачонлардир у ҳам уйланган, шу уйда ипак қўйлақларнинг шилдираши эшитилар, нозик қўллар меҳр билан чиройли муқовали китобларни варақлар, жавонлардаги ҳамма нарсалар бу ажиб ҳилқат, қирмизи юзлар шуъласи олдида ҳайратдан қотиб турарди. Бироқ шоирнинг хотини бу ерда бир йилча ҳам яшай олмади – ёш ва номаълум рассом билан қочиб кетди. Шоир қайғули, байронона руҳда қасос ўти билан ёниб турган ишқий поэмасини ёза бошлади. Худди шу пайтда қиролликдан кимдир вафот этиб қолди–ю, шу муносабат билан элегия ёзиш талаб этилди. Шу билан бошланган поэмага яна қайтиш ҳаваси сўнди.

Оғир ва зерикарли йиллар камергернинг тортилган мундирлари каби судралиб ўтди. Бу йилларнинг ягона ҳодисаси янгидан–янги тамаки қутилари олиш бўлиб қолаверди.

Сукунат қанчалик узоқ чўзилса, момақалди роқ шунчалик кучли бўлишини билганлар шоирга хизмати тугаганлигини айтолмас, айтсалар, унинг юзлари, кўзлари янада маъносланиб, тушуниксиз киноя аралаш ноўрин ҳазил деб тушунишини олдиндан хис этишарди.

Бу ишнинг бошланишига, афтидан, Испания шахзодасининг келиши муносабати билан ёзилган байрам дастурхони сабаб бўлди. Таклиф этилганлар орасида шоирга яқин жойда ўтган подшоҳлик даврининг мансабдорларидан бири ўтирарди. У шу қадар қариб, сочлари оқариб, тишлари тўкилиб кетгандики!... Қария нима учундир ҳозиргина ўқилган шеър билан жудаям қизиқиб қолди. Қулоғи яхши эшитмаслиги боис нималарнидир сўраб – суриштирди, ҳатто охири сатрни қайта кўриб чиқиш лозимлигини ҳам уқтирди. Сўнгра қутилмаганда ҳи–ҳилаб, ҳаммага маълум латифасифат гапни айтиб берди – унда шоирларни граммофонлар билан алмаштириб қўйиш вақти келди, дейиларди.

Шоир уни лоқайдлик билан тинглади. Янги орден таъсис этилиши ҳақида суҳбатлашаётган қўшни столдагиларга қўшилиш иштиёқида турганида, қирол улар томонга қараб турганини, киноя ва ачиниш аралаш кулаётганини сезиб қолди. Сезиб қолди–ю... Агар шуни сезмаганида қарияни бу қалтис ҳазили учун кечирган ҳам бўлармиди!... У собиқ мансабдорга кескин, қаҳрли жавоб қайтарди. Тушлик тугаши билан уйига қайтди. Шоир асабий, ваҳимали, важоҳатли эди.

Тонг отиши билан унинг қалбида қатъий қарор туғилди. Хизматкорини кун бўйи китоб дўконларига югуртирди, авваллари «шаҳарлик шоирлар» деб менсимай қарайдиган шоирларнинг кўплаб китобларини сотиб олди. Тамаки қутилари билан тўлган хонасидан икки ой чиқмади – бу ерда қизгин ва сирли ишлади. Сарой шоири ўзининг кичик укаларидан ўрганди, услубини ўзгартди.

Саройда хотиржамлик ҳукм сурарди. Шаҳар чеккасидаги ғамгин уйда нималар бўлаётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Бу орада ҳаёт ўз йўлида давом этди. Кимдир севди, кимдир севилди, кимдир тортишди, кимдир ярашди, яна бир–бирларига хушомад

килиб, ерга қадар эгилиб кун кечирдилар. Албатта, мардлик ва жасорат амалларини амалга оширдилар. Ва ҳалиям шеърятга қадимий ва тантанавор эскилик қолдиғи сифатида қарашдан воз кечмадилар.

Ниҳоят, кутилган кун келди. Аслзода малика турмшга чиқди, шу важдан шеърлар зарур бўлиб қолди ва бу хабарни сарой шоирига етказдилар. У ғамгин, ғалати, савдойи киёфада кириб келди. Зийрак нигоҳларгина шоирнинг лабларидан учаётган енгил, нохуш ним табассумни, асабийлик билан қўлидаги шеър ёзилган қоғозларни ғижимлаётганини илғай оларди. Аммо шу пайтгача у ва унинг шеърлари билан кимнинг иши бўлганки, энди бўлсин! Ёшлар учун жудаям кексалик қилар, у қатори юқори мартабали амалдорлар эса шунча ҳурмат–эътиборга қарамай, уни ўзларига тенг билмасдилар.

Тантана бошланди. Улуғсифат руҳоний жозибали руҳда никоҳ маросимини тугатди. Тўйга ташриф буюрган элчилар, меҳмонлар келин – куёвга эҳтиром кўрсатишди. Ниҳоят, ранглари оқарган, аммо қатъийлашган шоир шеър ўқишни бошлади. Сарой аҳли орасида англаб бўлмас шивир–шивир ўрмалади. Ҳатто ёшлар, ҳар қадамда кимни кўрса, шунга ошиқ ёшлар ҳам ҳайрат билан бошларини кўтариб, уни тинглай бошлашди.

Нима бўлди? Қани шамол худоси, бургутлар, гулларга аталган, ҳайратомуз оламни мадҳ айлаган баландпарвоз сўзлар жилоси? Шеърлар бутунлай янги, эҳтимол, ажойиб эди. Ҳар қалай, бу қолипга солинган шеър эмас эди. Сарой аҳли унчалик хуш кўрмайдиган шаҳарлик шоирларнинг руҳи бор эди унда. Шеърлар тобора ярқираб, ўзига тортиб борарди. Гўёки сарой шоирининг узоқ вақт ушлаб турилган иқтидори бирдан юзага калкиб чиқди, чиқди–ю, бир пайтлар ўзи ҳам юз ўгириб келган ўша мўъжизаларни яратди–қўйди. Шиддатли сатрлар оқиб келар, ширали овоз жаранглаб учар, ажойиб манзаралар яралар, мисли кўз илғамас тубсизликдан ёруғлик порлаб чиқарди. Кекса шоирнинг кўзлари парвозга чоғланган бургутникидай ёнар, товуши шу бургутникидай ҳар томонни тугди.

Бутун сарой аҳли, яна қирол ҳузурида бундай яхши шеърлар ўқишга қандай журъати етдийкин унинг!... Ҳеч ким олқишлашга ўзида куч топмади. Камергерлар қаҳр билан шивирлашга тушди, ёш юнкерлар ўзларини тутиб олиб, жиддий тортишди. Ҳайратдан қотиб қолган қоши қалам хонимлар ҳам англаб бўлмас тарзда қошларини чимириб қўйишди. Қирол норози оҳангда мукофот учун тайёрлаб қўйилган узукни бир чеккага улоқтирди.

Саройнинг сўнгги шоири ёлғиз, вабога йўлиққандай тантананинг тугашини ҳам кутмай, чиқиб кетди, кетаётиб, қатта канцлер қотибга шоирни нафақага чиқариш ҳақидаги буйруқ тайёрлашни буюрганини эшитди.

Аммо биринчи бор уйга қайтиш нечоғли завқли, ёлғиз қолиш эса ундан–да фароғатли кечди. У қадини мағрур тутиб, кечки залларни кезиб чиқди, сўнгги шеърларини баланд овозда ўқиди, кексаларга хос айёрона табассум билан шаҳарлик шоирларнинг китобларига назар ташлади. У нафақат улар билан тенглашди, ҳатто улардан ўзиб кетганини ҳам ҳис этди. Ниҳоят бу қувончини ким биландир бўлишгиси келиб, ажрашганларидан сўнг илк бора хотинига хат ёзди. Тантанавор оҳанг билан биринчи марта уни олқишламаганликларини битиб, шеърларини қўшди, хат сўнггида ғурур билан қўшиб қўйди: «Шундай одамни ташлаб кетдинг!»

ОСМОНДАН ТУШМАГАН МУҲАББАТ

Анна Андреевна Горенко (Ахматова) га бағишланади

Дилхун изтироб туйғулари Данте Алигьери юрагидаги нозик илҳом париси Беатриче – машхур Фолько Портинарининг қизига бўлган муҳаббатини Флоренцияга ўзгача сийратда кўрсатди. Бу ишқнинг қувонч ва қайғулари олис совуқ самовий кенгликларда эмас, балки шу ерда – Италиянинг гуллаб–яшнаётган қучоғида кечди. Кимгаки, Яратганнинг назари тушиб, шундай муҳаббатнинг гувоҳи бўлган, кўрган бўлса, бахтлидир. Инчунун, мен ҳам олийжаноб Гвидо Кавалькантининг қадди шамшод Примаверага бўлган муҳаббатидан сўйламоқчиман.

Пинҳоний муҳаббат дардига мубтало бўлган Кавальканти ниҳоят севгилиси навнихол Примаверага кўнглини очмоққа қарор қилди. Унга ўйлаб чиқарилган бир воқеани сўзлаб бериб, қиз қалбини забт этмоқ, Венеция усталари ясаган қимматбаҳо узуклар билан тўла нозик қўлларини ушламоқни хаёл қилди. Тасодиф - севишганлар орасига суқилиб –кириб оладиган ғаразли ҳодиса! – не бахтки, бу гал унга ёрдамга келди. Кавальканти дўстиникига борди, алқисса, у Примаверанинг энг яқин қариндошидан бири бўлиб чиқди. Улар заллардан бирида суҳбатлашиб ўтиришар, у ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай, яқиндагина ўқиб чиққан, бундан ҳайратга тушган рицарлар тарихидан биттасини айтиб беришга изн сўради. Дўсти ҳаяжонга тушди, Примавера эса кўзларини ерга тикиб, жилмайди ва унсизгина розилигини билдирди. Унинг бу хуш хулқи олий насаб қизларгагина хос бўлиб, айна пайтда, қиз кўнгли фазилатларини ҳам очиб берарди.

Кавальканти бир синьор ҳақида сўз бошлади. Синьор гўзал хонимга ошиқ бўлиб, хоним унинг туйғуларига жавоб бермас, ҳатто у билан ҳеч қаерда – кўчалар, қизлар даврасида ҳам учрашиш нияти йўқлигини айтарди. Шунда рицар барча қайғуларини юрагига солиб, олисларга йўл олди. Рицарнинг узоқдаги бу қасрида ғалати воқеалар рўй бериб турарди. У машҳур рассомга севгилиси сиймоси жонлантирилган олтин ҳайкалчани ясаганди. Ёлғизлик кунлари узайгандан–узайди, харобаларда яшагучи бойқушлар сингари ғамгин ва ўйчан дамлари учиб кетди. Бу ўйлар ертўлаларда яшириниб олган захарли ва қора илонлар сингари судралиб юрарди. Эрта тонгдан то тун ярмигача бахтсиз ошиқ жонсиз ҳайкалчаси ёнида турар, унинг нолалари ва ўтли нафаслари залларни тўлдириб, янграб кетарди. Ошиқнинг лабларидан учган эҳтиросли сўзлар фақат севгилисидан сўзлар, унга аталарди. Орадан қанча оғир йиллар ўтганини ҳеч ким билмайди, билмасди. Буюк муҳаббат мўъжиза яратмаганида, эҳтимол, бу бешафқат тақдирнинг оловлари ҳадемай ўчар, ошиқ рицарнинг ярим–очик кўзларидан оққан ёшлар мангулик туни қадар сингиб кетармиди!...

Ошиқ рицар қалбини севинч туйғулари бутунлай қамраб, чирмаб олган кунда лабларидан майин сўзлар учаётган дамларда ҳайкалчанинг қўллари титраб кетди ва у ошиғини кучмоқчи бўлгандай қўлларини узатди. Шунда ошиқ рицар уни кучди, лаблари билан кучди. Нурафшон шодликлар қалбининг чуқур жойларига қадар етиб, жаранглаб кетди. У ўрнидан турди – кучли, довюрак. Янги ҳаёт иштиёқи билан тўлди кўзлари, руҳи, вужуди ва бутун борлиғи.

Ҳайкалча ҳамон қўлларини узатганча қотиб турарди.

Сўзларкан, Кавалькантининг овози титраб кетди, Примавера томонга тез–тез ўтли нигоҳларини ташлаб кўярди. Қиз кўзларини ердан узмай, жимгина тингларди. Дўсти гўзал хонимларнинг бераҳмлиги ҳақида сўзлай кетди. Примавера муҳаббат ҳақидаги бу ўтли ҳикоя қанчалик қизиқарли бўлмасин, барча рицарлик романлари ва севги новеллаларидан кўра, назокатли, айниқса, Франциско Ассизскийнинг «~унчалари»ни афзал билишини айтди–ю, ўрнидан турди. У шундай ажиб ғурур, назокат ила чиқиб кетди–ки, бунинг таърифига маъбудалар қадамларини куйлаган қадимги шоирларнинг шеърларигина ярашарди.

Юрагини аллалаган умиднинг бу қадар тез пучга чиққанини кўриб, Кавалькантини қалби ўртаниб кетди, ўзини тутиб ўтиришга кўзи етмади, уни кузатмасликларини сўради. Қуёш ботиб борар, заллар бўйлаб шом ранглари сузарди. Эшикнинг олдида яқинлашиб қолган Кавальканти кутилмаганда навнихол Примаверани кўриб қолди. Қиз мрамор полга энгашиб, ниманидир изларди. «Узугимни тушириб юбордим,–деди у майин овозда,– топишга ёрдам беришни истайсизми?»

У энгашди, қизнинг нозик, майин қўллари гўёки тасодифан унинг юзларига тегиб кетди, бир лаҳзага лабларида қотиб қолди. У бошини кўтараман дегунча Примавера оғир, эман дарахтларидан тайёрланган эшиклар ортида кўринмай кетди. Шунда

Кавальканти англадики, узук Адриатика денгизига чўкиб кетган тақдирда ҳам у ҳеч қачон тополмайди, юраги энг олий, энг баланд туйғуларга тўлиб, тўлиб, уйига қайтди.

II

Сўнгги вақтларда Кавальканти гўзал Примавера билан тез–тез кўришиб турар, унинг каби ёш йигитлар ёш хоним қизларга илтифот кўрсатишар, уларнинг эътиборига тушишни шараф деб билишарди. Эътиборли кечалар, қизнинг ота–онаси уйидаги учрашувларда Примаверанинг бепарво нигоҳлари йигитнинг на оташ қарашлари, хўрсиниқлари, на севги сонетларини сўндиролмади. Бу пайтда бутун Флоренция тилида ташриф буюраётган венециялик эътиборли синьор, унинг гўзал Примаверага алоҳида эҳтироми, гўзаллиги олдидаги ҳайратлари эди. Бу венециялик тўтиқўшларга ўхшаб кийиниб олган, бузиб–бузиб куйлар, унинг сўзлари, ҳикоялари, кўшиқларини фақат кўпол аскарларгина тинглаши, қабул қилиши мумкиндай эди. У ўз ватандоши Марко Полонинг саёҳатларини мактаниб гапирар, ўзи эса бу саёҳатларда қатнашишини хаёл ҳам қилолмасди. Кавалькантига бехосдан Примевара бу калондимоғ аҳмоққа илтифот кўрсатгандай кўринди. Венециялик синьор куйлаган сонетда қизнинг гўзаллиги кулгили ва беўхшов сўзлар билан тилга олинарди: нигоҳлари ёввойи Тартарияда яшовчиларнинг оғули тилларига, қалбида уйлонган севги Буюк Мўғўллар сарҳадларида йилига минглаб одамларни ютиб юборадиган даҳшатли маҳлуқ Симлага қиёсланарди.

Кўшиқ матни, сўзлари, қофиялари шу қадар чалкашиб, бузилиб кетган эдики, бу кўшиқми ёки узук–юлук сўзларни оҳангга солиб айтиб–айтолмасликми, англаб бўлмасди. Бундай ғамгин лаҳзаларда Кавальканти қалбини ҳасрат камраб олди, рашк алангаланди. Рашк туйғуси зобитнинг эски, намхуш, совуқ ертўлаларда занглаб ётган қиличига ўхшаб кетарди. У қайғулар уйида ёлғиз яшар, бир куни бу ерлардан бош олиб, олисларга кетгиси, ҳаётининг энг маҳзун дақиқаларини узиб юборгиси келарди.

Қадимги Флоренциянинг сокин кўчалари кеч киришини кутиб, мудрашарди. Сал ўтмай, бу кўчаларни дилбар ёш хонимлар тўлдриб юборишади, уларни олислардан кузатиб турган навқирон ошиқ йигитлар нигоҳлари ловиллайди. Кавальканти оғир ўйларга кўмилиб бораркан, кутилмаганда Лоренцони кўриб қолди. Бу кекса ғарибнинг айёрлиги ёшлар орасида овоза бўлиб кетган эди. У ошиқларнинг учрашувларини совуқ шамоллардан асрар, дўқиллаган ҳасса зарблари севишганларни хавфдан огоҳ этарди. Кекса Лоренцо лабларида кинояли табассум, эгнида кенг этакли қалин матоли ёмғирпўш, ёнида эса хижолатдан қизариб кетган навнихол Примаверанинг ипак кўйлақлари товланиб кетарди.

Кавальканти нигоҳлари ўткирлашди, кучланди. Кутилмаган пайтда оловли рашкнинг шубҳалари қирмизи булутдай қошлаб олдики, у ўзини қўлга оламан дегунча, Лоренцо кўшни муюлишга яширинди. Примавера эса шитоб билан қадам ташлаб, уйига йўл олди. Уни иккаласи ҳам сезишмади. Юрагида аччиқ алам, рангида қон қолмаган Кавальканти Примаверани ортидан чопди, етиб олди. Титроқ овоз билан дил изҳорини бошлади. Ў, у қачондан буён уни севади, қандай севиб қолди, унинг изтироблари нечоғлиғ улуғ ва улкан! У сўнгги бора шафқат сўрагандай кекса Лоренцо қайси бахтли одамган ундан мактуб олиб кетганини сўради. У қизнинг кўнгли муносиб инсонга боғланганлигига ишонар, бу сирни ҳеч кимга айтмасликка, шу бугуноқ шу сир билан бирга ўлиб кетишга қасам ичди.

Примавера бошини кўтармай, кетиб борар, минг хижолатда нозик бармоқлари хушбўй тасбеҳларни терарди. Кавальканти сўзлагани сайин унинг лаблари титраб кетди, ёноқлари алвонланди. Йигитни охиригача тингламай, қизгин ва тез–тез сўзлай кетди. Нима учун, қандай қилиб бу йигит Примавера хат ёзган деган хаёлга борди? Бундан ҳайратланди ҳам. Олийнасаб қизлар ҳеч қачон бундай йўл тутишмайди. Бундай ишлар Неапол кўчалари ёки кўрғонларни кезиб юрувчи дайди кўшиқчи аёлларнинггина кўлидан келади. Буни Кавальканти жуда яхши билади ўзи ҳам ўшандай аёллар билар таниш–ку!

Қизнинг тассавурига йигит қандай қилиб кўчада қизга яқин келишга журъат этгани, устига устак, севги изҳор қилгани сиғмасди, тушунолмасди.

Олийнасаб қиз учун бундай сўзларни эшитиш ва тинглаш ниҳоятда оғир, айти дамда ноқулай эканлигини наҳотки у билмаса?! Сўзларини тугатмай, бинафшаранг ҳинд марваридидай уятдан қизарганича уйи томон учиб кетди. Ўз қилмишидан ўзи уялиб, асосиз рашкидан хижолатга тушган Кавальканти уйига қайтди. Бу ҳилқатга ҳеч ким эришолмайди деган ўйлар билан ўзини овутди. Бундан буён уни ноқулай аҳволга солмасликка, ундан кечирим сўраб, айбини ювишга қарар қилди, ўзига ўзи сўз берди. Унинг ўйларини уйи атрофида анчадан буён катта учар каламушдай айланиб юрган кекса Лоренцо тарқатиб юборди. «Бу – гўзал Примаверадан, – деди у авайлабгина хатни узатаркан. – У менга бутун бошли дукат берди».

III

Орадан кўп ўтмай, Кавальканти оғриб қолди ва Яратганнинг хоҳиши билан мангулик сари йўл олди. Навниҳол Примавера йиғлаб қолди унинг ортидан. Қизнинг кўз ёшлари севгилиси ётган қабрни парчалаб ўтар, синъорлар қайғу билан марҳум шоир Италия шеърятини қандай баланд пардаларга олиб чиққанини эслашар, сонетлари, балладалари ва табиатга баҳшланган ажойиб битикларини тилга олишарди. Ўйчан Флоренция мотам либосини кийди.

...Нурли чехра фаришта Кавалькантини жаннат эшиклари олдига олиб борди. Деворларга яшил нур билан шундай сўзлар битилган эди:

«Сизларга – кириб келувчиларга адабий ором, абадий бахт. Сизлар энди – барҳаётсизлар».

Ва фаришта деди : Истасанг, сени Бокира Марияни қуршаб олган қизлар даврасига олиб бораман. Улар орасида ипак булутдай хуснига ҳатто фаришталар ҳам ҳавас қилгудай дилбар Беатричени учратасан».

Ва Кавальканти деди: « О, нурли чехра, сени қай тил билан олқишлай! Сен дардли юракларга дармон топгувчисан. Мени гўзал Беатриченинг олдига олиб бор, олислардан бир лаҳзага бўлса–да, ипак либосларда товланаётган бу ҳилқатга назар ташлашга журъат бер. Ахир, у – Примаверанинг дугонаси–ку!

Ва фаришта деди: « Истасанг, сени жаннатнинг кумуш ўтлоқларида тиниқ куёш нурларида Шарқ нилуфарлари ичра кезиб юрган Исо Масиҳнинг олдига олиб борай. Ул Зот ҳузурига қайтиб келган ҳар бир одамни меҳр билан сийлайди.»

Ва Кавальканти деди: « О, нурли чехра, ҳимматларинг тилакларимни ижобат қилмоқда. Мен Исо Масиҳдан Шарқнинг учта донишманд шоҳлари томонидан Унга олиб келинган олтинни сўрайман, ундан нақшин марварид кўзли узук ясаб, ичига кириб оламан. Бу узук тунда кўзларга кўринмай, Гефсиман боғларига тушиб қолади. Бу ерга Примавера келса, унга шуни тухфа қиламан».

Ва фаришта деди: « Истасанг, сени ёруғ руҳлар қуршовидаги Куч–қудрат ва шон–шуҳрат қўшинлари Худолар Отасининг тахтиравони атрофида суҳбат қуришаётган жойга олиб бораман. Бошда олтин гулчамбар, елкасида олтин мантия, пойида олтин зинапоялар. Бу ердан фаришталар ерга тушадилар, ҳақгўйлар қалби жаннат роҳатлари қадар кўтарилади».

Ва Кавальканти деди: « О, нурли чехра, энг соҳир тилагимни адо этмоқчи бўлсанг, ўша ерга борайлик, қадамларимизни тезлатайлик. Олтин зинапоядан ерга тушай–да, Примавера яшайдиган жойга етиб олай».

(1873—1954)

«Табиат тилга кириб, унинг сирли ҳаётига кириб борган, гўзаллигини куйлай олган инсонга ўз миннатдорчилигини билдира олганида, аввало, бу бахтга М.М.Пришвинга сазовор бўлган бўларди». -деб ёзган эди Константин Паустовский.

М.М.Пришвин ҳаётининг йўли иккига бўлинди-биринчиси, бой савдогар оиласида кечган болалиги, ёшлиги, муҳит, гимназия, олий таҳсил, Клин ва Лугадаги агрономлик фаолияти, шу соҳага оид биринчи китоби ва... у кутилмаганда иккинчи йўлни танлади. Пришвин хизматдан бўшади-ю, бутун Шимол ва Карелияни қўлида ов қуроли, қалам ва дафтарлар билан пиёда айланди. Шимол таассуротларидан «Ёввойи қушлар ўлкаси» номли китоби дунёга келди ва Пришвин ёзувчи сифатида тилга олинди. У саёҳатини давом эттириб, бутун Ўрта Россия, Шимол, Қозоғистон ва Узоқ Шарқни кезиб чиқди.

Пришвин табиатни жуда севди, ардоқлади. Ҳар бир заррадан тортиб, улкан ходисаларгача уни ҳайратга солади. Ёзувчи ижодида табиат жонли, азиз, сеvimлики, уни куйлаганда, шундай самимий, шундай содда ва ширали тилда дилидаги, кўрганларини, билганларини халққа етказа олганки, оқибатда унинг барча асарлари бугунги кунда ҳам севилиб ўқилмоқда.

ЎРМОН ТОМЧИЛАРИ

(Эсдаликлар)

Эсимда, биз болаликда ўйинчоқларимизни, совғаларни, ҳатто соатларни ҳам албатта бузиб кўрардик. Ичида нима борлигини билгимиз келарди—да. Эски замонларда мактабдаёқ бизни табиат билан худди шу йўсинда киришишга, уни ичига кириб боришга ўргатишарди. Далага олиб чиқишарди, биз гулларни юлишга тушардик. Гулнинг барглари, ғунчалари, тугунчаларини ҳам бирма—бир эринмай юлиб ташлардик, сўнгра энди бизга кераксиздай отиб ташлардик. Ахир, ўйинчоқлар билан ҳам шундай бўлмаганмиди—на ўйинчоқ бор, на гуллар...

Биз энди табиатни бошқача ўрганамиз — уни бузмасдан, ҳеч нарсани юлмасдан, топтамасдан, қандай бўлса, шундайлигича севиб, катта—кичик ҳар бир тирик жон, тошларга ҳам инсон кўзи билан қараб, уни тўлдирамыз.

Мен бунинг ўзим ўргандим, ҳар бир қадамимда ёзиб бордим, кузатдим. Бу йўлларда қўлингиздаги «Ўрмон томчилари» номли китобим битилди. Бу—менинг шоир кўзим, шоир қаламим билан кўрганларим, билганларим, ҳис этганларим, англаганларимдир. Уларда табиат билан инсон, бутун борлиқ, мавжудотнинг уйғунлигини Сизга ҳам етказмоқчи бўлдим.

1. БОРЛИҚ БАҲОРИ

Табиатдаги ўзгаришларнинг ҳар бир кунини кузатиб боровчилар— фенологлар тили билан айтганда, баҳор бир қатим қуёш нурунинг тушиши, қўшилиши билан бошланади. Халқ эса айиқ уясида у ёнидан бу ёнига ағдарилаётганда қуёшнинг нурлари ёз томонга бурилади, ўша дамда қиш аёзи чарсиллаб турса—да, лўли пўстинини сотади, дейди.

Январь, февраль, мартнинг боши — бариси борлиққа баҳорнинг кириб келишидир. Осмондаги музларнинг эриши биз яшаётган катта шаҳардаги баланд улкан тош уйлардан яққол кўринади. Бу вақтда мен шаҳарда битта ўй билан яшайман — кўпроқ пул топишга киришаман. Бунинг учун дўзах азобига кириб ишлашга ҳам тайёр тураман. Атрофдагиларим билан урушиб—талашиб бўлса ҳам, мўлжалимдаги пулни йиғаман. Шундан сўнг пул ишлаш мумкин бўлмаган ерларга чиқишга ҳозирлик кўраман, ўзимни бахтиёр сезаман.

Ҳа, борлиққа баҳор келишини шаҳардаёқ сезиб, кўриб, сўнгра уни— табиатда, борлиқда сувлар, майсалар, ўрмонлар, эҳтимол, инсон баҳорини ҳам она ер кучоғида, тупроқ ҳидларини сезиб кўришни, кутиб олишни истаган одам чиндан ҳам бахтли.

Қорли қишдан сўнг бутун ер юзига лопиллаб баҳор кириб келар экан, одамлар уйларида ташқарига, табиат бағрига чиқадилар. Атрофга боқиб, ҳаяжонланадилар, уларнинг ҳар бирини битта савол қизиқтиради— бу йил баҳор қандай келар экан? Баҳор эса ҳеч қачон бир—бирини такрорламайди, ҳар бири —бетакрор. Бу йилги баҳор ҳеч қачон бултургисига ўхшамайди.

Бу йил баҳор бизни куттириб қўйди, қорнинг ярқирашидан кўз тиниб кетади, атрофда эса битта садо янграйди:

—Бу тезда ўтиб кетади!

Чаналарда узоқларга йўл олишган одамларда хавотир бор— ишқилиб, чаналарни бирон—бир жойга ташлаб кетишга, отларни етаклаб, ортга қайтишга тўғри келмасин—да.

Яхшиямки, янги баҳор ҳеч қачон эскисига ўхшамайди. Шундандир чиройли яшагинг келади баҳордай, баҳорни ҳаяжон билан, илҳом билан кутиб олгинг келади, унинг канотида хуш кунларни кўргинг келади.

2. БАҲОРНИНГ БОШЛАНИШИ

Эрта тонгда ҳаво ҳарорати минус 20 градус бўлса-да, куннинг ўртасига келиб, томдан томчилар туша бошлади. Бу кун эрталабдан то тунгача биллурдай ялтираб гуллади, ёшарди. Қайинлар гўёки қор билан нақшлангандай кечгача гоҳ бинафшаранг, гоҳ мовий рангларда нурланиб турди. Осмонда оқиш ойнанинг ўроғи узоқ вақтгача қалқиб турди, уфқда эса ранглар парчаланиб-парчаланиб кетди. Борлиққа кириб келган баҳорнинг биринчи кунда ҳаммаси ажойиб эди. Биз бу кунни овда ўтказдик. Кучли аёз бўлишига қарамай, қуёнлар кўп эди. Уларни нафақат ботқоқликларда (одатда, улар қаттиқ совуқларда ботқоқликларда жон сақлашади), балки далаларда, бутоқларда, орол этакларида ҳам учратиш мумкин эди.

3. ЁҚУТ КЎЗ

Аччиқ аёз жимлиги. Кеч тушмоқда. Яланғоч ўрмоннинг бутоқлари қорайиб кўринади. Ўрмон тун ичига бутун фикру хаёлларини, ўйларини бир жойга жамлаб кирмоқчидай салобатли. Бутоқлар орасидан қуёшнинг ёқут кўзлари — нурлари ёниб ўтарди, ярқираб—ярқираб кетаётган бу кўзлар одамниқидан катта эмас.

4. БАҲОРГИ АЁЗ

Аёз ва шимол бўрони қуёшнинг бор уринишларини, кун бўйи тер тўкиб қилган меҳнатини бир пасда чиппака чиқаришди ва ҳаммаси айқаш—чуйқаш бўлиб кетди: ҳатто мовийранг гунафшалар ҳам биллур қорга бурканиб, ушласанг, синиб кетгудай, қуёш ҳам бу ҳолатдан уялганидан туролмай, кўзғалолмай қолганга ўхшарди.

5. МОВИЙ СОЯЛАР

Борлиққа аёзли ва ёруғ сукунат чўқди. Кечаги кунги биринчи қор юпқа муз устида майин упадай сепилиб, ярқираб ётарди. Музлар эса ҳали—вери эрий демас, аксинча, далада ҳам, қуёш нурларида ҳам соядагидан кўра яхшироқ, тиникроқ жилваланади. Ҳар бир эски шувоқ, майса, қариқиз, ўтпоялар бу ярқираб турган биринчи қорга— ойнага қарагандай қарашарди. Ўзларини шу кўзгуга солишарди, янада мовий, янада гўзал кўринишарди.

6. ШОШИЛМАЙ КЕЛАР БАҲОР

Тунда аёз турмади. Кулранг кун, ҳаво ҳам илиқ эмас. Баҳор секин—асталик билан силжимоқда: ҳали музлари эриб битмаган ҳовузларда бақалар бошини кўтаришиб, ярим овозда вақ—вақлашади. Бу худди олисларда катта йўлда биз томонга қараб келаётган

араваларнинг шовкинига ўхшаб кетади. Ер ҳайдаш давом этмоқда. Қорнинг сўнги бўлаклари ҳам эрийди. Аммо ҳали тупроқдан иссиқ ҳовур кўтарилганича йўқ. Сувлар илиқлашмади ҳали. Баҳор эрта келган бўлиб кўринса—да, у шошилмай келарди. Борлиқда ноқулайлик мавжуддай .Қор яқиндагина ёғди, қиш бўйи ёғмади ҳисоб.Эндиликда эса вақтидан олдин ҳайдалган ерлар ҳам бевақт музлади. Ёнғоқ гуллади, аммо ҳали чангланмаган. Қушчалар қор учқунларини чўкилаб кўради, ҳали илиқлик сезилмайди. Қорга бурканиб олган япроқлар қалин, кулранг.

Кеча вальдшпен мана шу баргларга тумшуғини тикиб, ундан уруғликларни олмоқчи бўлди; шу пайт биз келиб қолдик. У учмоққа чоғланди, аммо тумшуғидаги баргга ўралган эски ари уясидаги майда мева уруғларини эса ташлаб юборишни истамади. Мен уни уриб туширдим, унинг тумшуғида эса ўнточа эски ари уясидаги барг парчалари осилиб турарди.

7. МАРТ ОХИРИДАГИ ЙЎЛ

Кундуз кунлари баҳор йўлларида емак истаб барча баҳор қушлари учиб ўтадилар; тунда эса қулоғига қадар қотиб қолмаслик учун шу йўлдан ҳайвонлар ҳам ўтишади. Бу кулранг ва малларанг йўлларда музларда тойиб, ағанаб кетмай деб чаналарда юк ортиб одамлар ҳам ўтишади.

Бу йўл аста—секин баҳор ирмоқлари тўлиб бораётган тўғонга айланиб боради. Одамлар ёнига болаларини олиб, чаналарда ўтиб кетишди, худди шу пайт ирмоқлар бирлашди — йўлнинг бир томонига бутун бошли кўл оқиб кетгандай бўлди. Сув тўғонни бор кучи билан босиб кела бошлади, сувнинг оқими кучайди — тўғон бардош беролмай, парчаланиб кетди ва шовқинли оқим чанада кетаётганларнинг йўлини кесиб ўтди.

8. БАҲОР ИРМОҚЛАРИ

Сувнинг тортилиб—тортилиб оқаётганини тингладим. Жилвагар ўтлоқдан сув овозсиз оқмоқда.Аҳён—аҳёнда оқаётган сувнинг кўринмас тўлқинлари бир—бири билан тўкнашиб, чайқалиб кетади. Мен сувнинг оқишини тинглай туриб, келаётган чайқалишини кузатарканман, ўйлайман—нега бундай? Осмондаги , баланддаги қорларданми бу, шу қорларнинг остидаги ирмоқларданми бу... Ағдарилиб—ағдарилиб тушаверади сувлар, бу ҳодиса ирмоқлар ҳаётидаги оқимларнинг тўкнашувига олиб келади. Нималар бўлмайди дейсиз бу ҳаётда! Агар ҳаётимизга биттагина бўлса ҳам баҳор ирмоғини киритсак, биз уни мукамал деб қарасак, шу мукамалликда ҳаётни англашни уринсак, унда ҳаётни борича борлиқ билан биргаликда, аввало,руҳимиздан,юрагимиздан ўтказиб кўришимиз лозим.

9. БИРИНЧИ ЖИЛҒАЛАР

Мен енгилгина, қушлар қанотидан учган товушларни эшитдим ва итимга қарадим— кўриб, билиб кел-чи, чиндан ҳам вальдшпенлар учиб кетишди-микан? Аммо Кента хотиржамлик билан чопиб борарди. Мен яна сувнинг оқишини кузатиш завқига ошно бўлиш истагида орқага қайтдим, қайтаётиб, йўл—йўлакай яна ўша — қушлар қанотидан учган товушларни эшитдим, яна ва яна...

Ниҳоят, мен бу товушларнинг тўхтаб—тўхтаб қолиш сирини англадим. Яна товушни эшитдим. Бу товуш борган сари кучайди, тинмади, шунда тушундимки, қаердадир қорлар остида энг кичик жилғалар шундай куйлашади. Бу менга шундай ёқиб тушдики, мен эринмай бошқа ирмоқларга ҳам қулоқ тутдим, ҳайратландим — улар бир—бирига ўхшамас товушларда куйлашарди.

10. МАЙ ИЗҒИРИНИ

Тунда кучли изғирин бўлиши кутилмоқда. Ой кўринган вақтда мен эманзорли ўтлоққа келдим—бу ерда майда, кичик—кичик қушчалар ва биринчи бўлиб очиладиган

гуллар кўп. Бу ажиб гўшага шунинг учун ҳам митти кушлар ва бинафша гуллар мамлакати деб ном қўйдим.

Тез орада ғарб томонни ҳам тонг эгаллай бошлади, шарқ томон ёришди. Тонгги шафақ эниб келар, уфқнинг кўзга илганмас чизиклари ўзига оҳанграбодай тортарди. Кетаётган тун жозибали эди. Мен қадамимни тезлатдим, шу қадар қизиқ кетдимки, кучли аёз майсалар ва баҳорнинг биринчи гулларини музлатиб қўйганини сезмай қолибман. Тонгга яқин соатларда эса аёз янада кучланди. Мен бир дона бинафша гулни кўлимга олиб, кафтларимда иситмоқчи бўлдим. Аммо совуқда музлаб, қотиб қолган гул кўлларимда синиб кетди.

Лимонзор, Тилларанг капалак бута барглариининг устида қанотларини йиғиб ўтирибди. Энди у куёш иситмагунча қимирламайди, учмайди, учиб кетолмайди. Унга тегай—тегай деб турган бармоқларимдан ҳам ҳимояланишни, ўзини сақлаб қолишни истамайди.

Қачонлардир қаердадир ўтлоқда куёш нурларида эриётган музни кўрганмисиз? Кечагина жуда бой эди бу ирмоқ: шундоққини ўтлоқдан кўриниб турарди. Тун илиқ, у тонггача ирмоқдаги бор сувни катта сувга қўшишга улгурибди. Қолиб кетган сувларни тонгга яқин аёз ушлаб қолди. Улардан ялтироқ ойналар ясади. Кўп ўтмай чиқиб келган куёшнинг олтин нурлари бу муз ойналарни парчалаб ташлади, парчалаганда ҳам ҳар бирини эринмай парчалади.

11. КЕЧИККАН ИРМОҚЛАР

Ўрмонда майин ҳаво. Майсалар яшилланмоқда, кулранг бутоклар ярқираб турибди. На сокин сўқмоқлар! На дилбар сукунат, ўйчанлик! Какку биринчи май кунини бошлаб беришга жазм айлади. Тетеровкалар ҳам кечки шафақ олдидан ўз тилларида нималардир деб ғулдирашади. Баҳор ирмоқлари ҳар қанча югуриб, елишмасин, барибир кечикиб келишди. Энди улар яшил майсалар бўйлаб оқишмоқда. Ирмоққа қайинларнинг синдирилган бутокларидан оқаётган шарбатлари томчилайди.

12. СУВЛАР БАҲОРИ

Қор ҳали қалин, қаттиқ, аммо дона—дона бўлиб турганидан юмшоқ туюлади. Ҳатто куёнлар ҳам бемалол ағанаб, ергача кириб борадилар, қоринлари, қўл—оёқлари билан қорни юқорига титиб олиб чиқадилар. Мазза!

Узоқ йўл босиб келган қушлар емак истаб, далаларнинг қорайиб—қорайиб кўринган очик жойларига учиб бориб қўнадилар. Қайинлар ёмғир остида шодликдан йиғлаётганга ўхшашади — пастга эниб тушади тиниқ томчилар. Сўнгра бу томчилар қорга сингиб кетади ва қор янада қаттиқлашиб бораверади.

Йўлдаги сўнги музлар чарсиллайди, биллурдай товланади — улар бош суякларига ўхшаб ётибди. Музли қўлмак ҳам ювилиб кетди. Мана шу қўлмакдан нариги томонга сакраб ўтган куённинг излари аниқ—тиниқ кўзга ташланади.

13. ЖИЛҒАЛАР ВА СЎҚМОҚ

Қарағайзор ёқалаб ўтган сўқмоқда қорлар, музлар эримоқда. Шовуллаб ирмоқ оқмоқда. Олисларда офтобнинг иссиқ нурида ўрмон этагидаги ирмоқлар ва сўқмоқлар югуради. Ирмоқ орқасида — шимолий қияликда нинабаргли дарахтлар орасида эса Сибир тайгасининг қўл урилмаган, из босилмаган, бузилмаган қорлари ярқирайди.

14. ТИНИҚ ТОМЧИ

Куёш ва шамол. Баҳорги ёруғлик. Читтаклар ва клестлар ошиқона оҳангда куйлашади. Чанғиларда қолган муз қобиғи ойна каби ялтираб, жаранглаб учиб кетади. Ўрмон этагида қорайиб кўринган ёш, майда қайинлар куёш нурида бинафша рангда жилоланади. Темир томларда тоғ музликларига ўхшаб кўринган қотиб қолган қорлар куёш нурида ялтирар, бу нурлар тагидан ҳақиқий музликлардагидай сувлар дарёси оқиб ўтар, оқибатда музлик ортга тисланарди. Музлик ва том четидаги тобора қизиқ келаётган темир тасма янада кенгайиб, қорайиб борарди. Аёзда ярқираб турган сумалакка томдан томчилар оқиб тушади. Бу сув томчилари сумалакка урилиб, яхлаб қолади. Сумалак тонггача яхлаб қолган томчилар шарофати билан тўлишиб боради.

Куёш чикди. Томдан ошиб тушган куёш нурлари сумалакка етгач, аёз чекинди. Муз эрий бошлади, эриётган сумалакдан эса олтин томчилар ярқираб ерга туша бошлади. Кузатсангиз, бутун бошли шаҳарнинг ҳар бир тоmidан оқиб тушаётган олтин томчиларни кўрасиз.

Ҳали шом пардаси борлиқни бутунлай қамраб олмасиданок, музлаш, аёз аччиғи сезила бошлади. Том устидаги сумалакдаги музлар сезиларли даражада эриган бўлса—да, аёз эриётган томчиларни сумалакка етар—етмас, ёки оқиб тушишига қўймай, ярим йўлда, сумалакнинг уч—учларида музлатиб қўймоқда эди. Сумалакнинг бўйи кечгача анча ўсди. Янги кунда эса куёш чиқади, яна музлар эрийди. Сумалак эрталаблари энига, кечга бориб эса бўйига ўсиб, тўлишиб, гўзаллашиб кўринади.

15. ҚУЮҚ ИЛИҚ ЁМҒИР

Деразам олдида арғувон дарахти яшилланмоқда. Унинг каттга-катта куртакларида шу куртаклардай катта—катта тиниқ томчилар товланади. Бир куртакдан иккинчи куртакка урилиб—урилиб кетаётган томчилар, ерга тушади. Дарахтнинг улкан бутоғи пўстлоғидан баландда дарё ўзанидан тошиб кетгандай бутун бошли сув кўзга кўринар—кўринмас бўлиб қалқиб турибди. Ҳар қалқиганда майда—майда томчиларга бўлиниб, новдаларга тушади, ерга тўкилаётган томчилар ўрнини эгаллайди. Гўё бутун бошли дарахт томчилар қуршовида — бутун бошли дарахт томчилаяпти.

Бир ярим кун, бир ярим кундуз тинимсиз ёмғир ёғди. Кўчаларда лойгарчилик бошланди. Мен шу йўлларни суратга олдим. Йўл бошида ярқираб турган томчиларни суратга туширдим: томчилар гуллаётгандай кўринди. Мен уларда осмонни кўрдим. Ерга тушаётган томчиларни эса қалин ўрмон фонидан олдим, шундай қоронғуликда ҳам томчилар жилоланиб кўринарди. Бу — баҳорги қуюқ илиқ ёмғирнинг митти мўъжизалари.

16. СУВЛАР ҚЎШИҒИ

Сувлар баҳори бир—бирига қон—қариндош товушларни бир жойга йиғади, баъзан буларнинг барини бирданига илғаб ололмайсан— бу нима? Сув биқирлаяптими, ёки бақалар вақ—вақлашаяптими... Ҳаммаси сувлар қўшиғига қўшилиб кетади. Бу қўшиққа ҳамоҳанг бекас оқариб кўринади, солланади. Шу қўшиқ оҳангига вальдшпен хиргойиси ҳам қўшилади, сирли равишда қўлбақа қушлари авжга чиқади. Қушларнинг бундай ғаройиб куйлаши, аввало, сувлар қўшиғидан туғилади, чамамда.

17. ТОШ АСРИ АРҒАСИ

Жарлик тубидаги дарахтларнинг осилиб турган бўлак - бўлак узун илдизлари, томирлари қирғоқнинг қуюқ гумбазлари остида сумалакларга ўхшаб кўринади, тобора ўсиб, сувликни қамраб олишади. Шамол эсади, баҳорги майин шамоллар сувни тўлқинлантиради. Майда - майда тўлқинлар жарлик тубидаги сумалакнинг сўнги учигача етиб боради. Сумалаклар эса тебранишади, бир—бирига хабар бераётгандек бир - бирига

урилиб, жаранглаб кетишади. Бу жаранг баҳорнинг илк жарангги - тош асри арфасининг оҳанглариدير.

18. БИРИНЧИ ГУЛ

Саргашта шабада эски баргларни енгилгина силкиб ўтдим десам, биринчи капалак учиб кетган экан. Кўзим олди нега мавжланади десам, бу бойчечак— биринчи гулнинг кулф уриб очилиши экан.

19 СУВЛАР ҚЎШИҒИНИНГ БОШЛАНИШИ

Мен шаҳардан унчалик узоқлаб кетганим йўқ эди: ҳаммаси эшитилиб турибди. Электровозларнинг овози, турли - туман тақир - тукурлар, аммо муҳими бу эмас. Чунки ўрмоннинг ўзига хос сукунати бор. Бу сукунат жуда ҳаракатчан, бутун диққат—эътиборимни ўзини қилиб олган. Шаҳар шовқинини менга умуман эшиттирмайди.

Мен кетиб борардим. Ёмғир ёнгинамда бўлса—да, уни сезмасдим. Мен биринчи марта ёмғирни ёш қайиннинг олдига келганимда илғадим. У самовий ранглар билан биринчи бор учрашаётгандек қизариниб борар, рангсиз катта - катта томчилар қайин бутوقларида осилиб турар, бу бутوقларнинг катталиги самбиттолларникидай кўринарди.

Қора кўприккача юриб бордим. У ерда ирмоқлар ҳали қалин қор уюмлари остида жимирлаётганини кўрдим. Фақат қаерлардадир сувга тўлган чуқурликлар кўзга ташланиб коларди. Мен бугун баҳор сувларининг биринчи кўшиқларини тингладим.

20. ЙЎЛ

Музли, захматли, отлар туёғи ва чаналар изларидан тўлиққан, янгиланиб бораётган йўл тиниқ сувлар денгизи томон шошади. Денгиз томондан қарасангиз, баҳор булутлари тиниқлашиб, йўл тобора янги, тобора гўзал кўринади.

21. ТОМЧИЛАР НУРИ

Тунда ўрмондан қайтиш қийин кечди. Аммо ҳеч қандай чарчоқлик кўтаринки рухимни — ичимдаги туйғуларни синдиrolмади. Негаки, мен бугун гуллар бўйи ва қушлар кўшиғи қанотида шиддат билан кириб келаётган қайноқ қонли баҳорни кўрдим.

Ҳали яшилланиб улгурмаган ўрмонда ёш, эртаги мажнунтоллар биллур қандиллар сингари гул хаёлларга ўраниб тебранади. Новдаларда эса замбуруғлар, наврўзгуллар, анемонлар, бўри пўстлоғи, куртаклар нурланади, томчилар товланиб турибди.

22. ШОМ

Куннинг ўртаси. Иссиқ шамолдан ҳаммаёқ илиқлашди. Кечга бориб, куннинг елкасида баҳорнинг янги даври бошланди. Эртаги толлар гуллади, сайроқи дрозд - ўрмон қуши бор овози билан куйлаб юборди. Қурбақалар шовқинидан ҳовузнинг юзаси тўлқинланди. Шом ҳавоси турли—туман овозлар билан тўлиб тошди. Кеч тушиб келиши билан узунбурунчалар – сичқонсифат ҳашоратхўрлар ерга кириб кетишди. Осина дарахтининг баргларидаги табиийлик шу қадар жозибали эдики, худди сувга тушиб кетган балиқдек узатсак, қўлимиз етмасди.

23. МУЗ ОЙНА

Яна куёшли изғирин билан келди чехраси очиқ кун. Йўлларда ирмоқлар ўз изларига тушиб олишди. Қор босиб ётган ўрмонларнинг қорли уюмларида қизғин палла. Ўрмон ялангликларидаги қор уюмларига кириб, кечиб, севимли ирмоғим оқиб ўтадиган жойгача бордим. Мен қайиннинг шундоқ ёнгинасида тобора очилиб бораётган сувликни кўрдим. Уни сурагга олдим. У баҳорнинг бошланаётган кўшиғи сингари эди.

Тунда совуқ шунчалик кучли бўлдики, муз ҳеч қаерда синмади, ёрилмади. Аммо тойиниб кетсанг борми, унинг зарбини ҳеч қачон унутолмайсан. Ҳозир эрталаблари

музларнинг устидан юриб, ўрмоннинг ичкарасига бора бўлади. Куннинг ярмига келиб эса ўрмонда қолиб кетишинга тўғри келади. Чунки эриётган музлар ичидан кечиб ҳам чиқиб кетишинг мушкул. Хуллас, тунги совуқдан музларнинг яна қотишини кутишинга тўғри келади.

24. БАҲОРГИ ЙИГИМ - ТЕРИМ

Бир неча кун, бир неча ҳафтала ўтиб, ўрмонда ақл бовар қилмас даражада кўплар юмушлар бошланиб кетади. Табиат гуллар, майсалар, ҳашоратлар, янги нозик новдалар билан ўрмон юзасини беркитади. Буни кузатишнинг ўзи завқли Табиат йилида икки марта ғамхўр онадай ўрмондаги Сарғайган, қуриб, қотиб қолган суяқларини йиғиб олади. Биринчи марта – баҳорда. Табиат уни ҳали кўзимиз тушиб улгурмаган гуллар, ўт–ўланлар билан ўрайди. чор–атрофни, Иккинчи марта – кузда қорлар билан қоплайди.

Тез орада ёнғоқлар ва зирк дарахтлар – ольхалар гуллайди. Уларнинг олтин балдоқлари ҳозирданок қушларнинг нафаси, қанотлари тегиб–тегмас потраб кетмоқчидай. *Аммо ҳозир гап бунда ҳам эмас. Айни пайтда бизни ям - яшил юлдузчали гулларнинг гўзаллиги ҳайратлантиради бизни. Аҳён - аҳёнда бўри пўстлоқлари кўзга ташланиб қолади, ҳавасингизни келтиради.*

Ўрмон йўлларида музлар эриди. Фақат чириган гўнлар қолди, холос. Шу гўнлар устига жойини топгандай арча ва қарагай ёнғоқларида қолиб кетган кўплаб Уруғ дончалари учиб туша бошлашди.

25. ЁНҒОҚ ДУДЛАРИ

Барометр пастлаб бормоқда. Хушбўй илиқ ёмғир ортидан совуқ шамол ҳам сезинади. Нима бўлганда ҳам баҳор қадамлари силжимоқда. Кўлмаклар, ирмоқлар ёқаси яшилланди. Бу яшиллик қирғоқ қияликлари, йўл четларига кўчди. Кечга бориб, ер юзини буткул яшиллик қоплагандай. Ҳайдалаётган далалардаги қаторлар тўлқинланиб турибди - нақадар гўзал! – коп - қора тупроқ билан яшил ранг қоришиб кетган. Бугун шумурт - оқ гулли хушбўй дарахт куртаклари яшил либосга бурканишди. Ёнғоқ дарахтининг балдоқлари пўстини ёриб, чиқишмоқди. Ҳар бир ёрилишда дуд хосил бўлиб, бу дудлар қушчалар каби тўрт томонга учиб кетишди.

26. СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Тунда Терибровага кетдик. Каркушлар маконига тунги соат бирларда етиб бордик. Ўрмонда тўхтамай ёққан ёмғир остида эрталабги соат саккизгача йўл босдик. Бирон - бир қушнинг овози эшитилмади. Қайтаётганда осина дарахтида бўртиб турган тўлиқ куртакларни кўрдим. Улар аввалги тунда кўрганим каби изғиринда ҳам шундай хушбўй таратиб турардики!... Ёмғир эса эрталабгача ёғди.

Кулранг тонг турди. Ўрмонни ювган севинч ёшларими, ғам ёшларими эди–билолмадик. Аммо деворлар ортидан ҳам қушлар овози эшитилди. Англадикки, дераза ортидаги қайин дарахтларида ғам кўз ёшлари эмас, севинч товланиб турарди.

27. ТИРИК ТУНЛАР

Уч - тўрт кун аввал баҳор қадамларида улкан ва сўнгги кўтарилиш рўй берди. Ҳаво илиқлашди, ёмғирлар ҳам. Тераклар, қайинлар ва гуллаётган қайинларнинг ёш, чайир баргларининг ҳидлари билан тўлиб–тошди ўрмон қучоғи. Чинакамига ҳақиқий тирик тунлар даври бошланди. Бундай тунларнинг баланд қоясидан туриб, ортга қараши завқлантирди кишини. Шунда хаёлингидеги ноҳуш кунлар кунлар хотираси ўчади, ўйларингда ажойиб тунлар дунёга келади.

38. ҚУЁН ПЎСТИНИ

Энди қор ноёб нарасадай кўзга ташланади. Баҳор йўлларида оппоқ, тулланган, узук–юлуқ қуён пўстини қоп–қора ерга тўшалиб ётибди.. Бу қишда қуёнлар сероб бўлди.

Уларни ҳамма ерда осина дарахтларининг кулранг баргларида ҳам оқ қуён пўстинининг парчаларини кўриш мумкин эди. Яшил тусга кириб бораётган майсалар буралиб - буралиб , осина дарахтзорлари, узун Сарғиш саломалайкум ва оқбурунларнинг супургиларини оралаб, югуриб келмоқда эди. Мана шу биринчи бўлиб очилган яшил йўлларда ранги-рўйи ўчган, аммо ҳали ҳам оппоқ, парчаланиб кетган қуён пўстинлари кўриниб қоларди.

29.БАҲОРНИНГ СИЛЖИШИ

Нинабарглилардан сўнг осина дарахтлари уруглашди. Ялангликлар, ўтлоқлар уларнинг капалак қуртлари билан тўлиб - тошган. Майсалар бултурги похол ва гарамлардан қандай қилиб чиқиб келаётганини , ям - яшил гиламлар қандай тўқилаётганини кузатаман. Ўрмонда турли ҳашоратлар ва қушларнинг овози баландлаб бораётганини илгайман.

30.ҚАЙИНЛАР ГУЛЛАМОҚДА

Кекса қайинлар гуллашса, уларнинг олтин балдоқлари юқорида ниш уриб, очилган кичкина барглари ичига яширинишса, пастдаги манзара бутунлай бошқача – ёмғир томчилари катталигидаги ёш, навқирон , тиниқ баргларга кўзингиз тушади. Аммо ўрмон ҳалиям кулранг ёки тўқ малларангда. Йўлларингиздан чиқиб қолган шумурт дарахтлари сизни ҳайратга солишади. Уларнинг катта-катта кулранг барглари жуда тоза ва беғубор! Шумурт дарахтлари шоналади. Какку тўлиб куйлайди. Булбуллар сайрашга чоғланади. Ҳатто «Шайтон қайнона»дай ёввойи гул ҳам ажойиб кўринишда – чунки у ҳали тиконларини кўтарганича йўқ. Ерда катта юлдузга ўхшаб ёйилиб ётибди. Ўрмон тубидан лойқа қора сувлар потраб чиқади ва шу ондаёқ сув устида заҳарли ёввойи сарғиш гуллар очилиб кетади...

31.БАҲОРГИ БУРИЛИШ

Кундуз. Осмоннинг бир четида «мушук думи» кўринса, иккинчи бурчида улкан, сон-саноксиз булутлар сузмоқда. Олдиндан нима бўлиши номаълум - келаётган циклонми, антициклон?

Кечга бориб бариси ойдинлашди. Айнан шу оқшомда ҳали бутунлай кийиниб олмаган баҳор яшилланиб бораётган баҳорга айланди, яъни узоқ кутилган бурилиш кўз ўнгимизда рўй берди.

Биз ёввойи ўрмонни кўриш, текшириш мақсадида ичкариладик. Арчалар ва қайинлар орасида, дўнгликларда ётган қамишлар, қўғаларнинг қолдиқ-ларини кўрдик. Улар бизга нималар қуёш нурларига чидамли эканлигини кўрсатди. Ўрмонда ўтиб бўлмас хилват гўшалар ёз ва кузда кўпроқ кўзга ташланади. Аммо бу хилват гўшалар нимаси биландир дилга яқин, ёқимли туюлади. Ўрмон илиқлашиб борар, бутун борлиқда баҳор нафаси сезилади. Бирдан сув юзаси ярқираб кетди. Қувониб кетдик. Қирғоққа йўл олдик. Ўзимизни бутунлай бошқа мамлакат, бошқа иқлимга тушиб қолгандай ҳис этдик.

Бу ерда ҳаёт қайнар, ботқоқлик қушлари авж билан чарх урар, бекас, дупел сингари ўрмон қушлари дарахт таналарини дўқиллатиб, гўё ҳозир Букур от елиб келаётганини билдирмоққа уринишар, тетеревкалар ҳам уларга жўровоз бўлишар, ҳаммаёқни турналарнинг «кур-кур»лари босиб кетган. Бу манзара бизга нақадар кадрдон ва севимли! Қушлар шундоқ рўпарамизда оқаётган тиниқ сув бўйига тизилиб олишди. На ҳуштак, на моторнинг ғувиллаши, ҳатто инсон товуши эшитилмасди.

Худди шу дақиқада бурилиш рўй берди, ҳамма-ҳамма нарсанинг ўсиш ва очилиш палласи бошланди.

32. БИРИНЧИ ЯШИЛ ҒУЛУВ

Кечга бориб ғарб томонни қуёшнинг тиниқ нурлари ёриштириб юборди. Бошқа томондан эса қора булутлар бостириб келар, тобора кучланиб, буғланиб борарди. Булутлар кўчиб кетармикан ёхуд чақмоқли тунга айланармикан – буни англаш қийин эди.

Буғланиш чоғида худди арслоннинг кўм-кўк бўғизларидай кўплаб шакллар гуллаб чиқади. Ўрмонда қуён карамлари ва хушбўй нўхатлар қулф уриб очилган. Смоланинг хушбўй ҳиди сингиб кетган қайин барглари шом нурларида янада ярқираб кўринади. Ҳаммаёқда оқ гулли дарахтнинг ҳиди анкийди. Чўпонлар ва турналарнинг овози тўрт тарафни босиб кетгандай. Лёш ва карас балиқлари қирғоққа яқинлашади...

Биз томондан кўриниб турган ёлқинга боқиб, ўйладик: «Бу ёнғин бизда эмасмикан?» Аммо бу ёнғин эмас эди, ҳаётда кўриб турган нарсангни нима эканлигини тушунмаганимда, ўзингдан қайта-қайта сўраганинг каби биз ҳам бир-биримиздан сўрардик: «Агар бу ёнғин бўлмаса, унда нима?» Ниҳоят ўша яллиғланиб турган айлана аниқ-тиниқ кўриниш олди. Билдикки, бу – қизил ой экан. Унинг шуъласи кўл ортида узоқ ярқираб турди. Енгил шабададан барглари шовуллаб турган ўрмонда биринчи марта яшил ғулув эшитилди.

33. БИРИНЧИ КУ - КУЛАШ

Очиқ кўл. Унинг ёнида туриб, кўнглимдан фақат бир ўй ўтади – сув ёқалаб, ўрмонга кириш. Ўрмон ичидаги Усолье қишлоғида қайиқ усталари яшашади. Уларнинг олдига боришим керак.

Кўлнинг ўнг томонида баланд қарағайзор шовуллайди, чап томонда ёввойи ботқоқли ўрмон ёйилиб кетган. Атрофни катта-катта ботқоқлик кенгликлари камраб олган. Қарағайзор. Қуёш нурининг юқлари ўрнашиб қолган брусникалар – майда мевали бута ўсимликлари бўйлаб кетарканман, кўзимга ҳаракатланаётган аллақандай соялар чалинади. Бошимни баланд кўтариб қарасам, улар – у қарағайдан бу қарағайга овоз чиқармай учаётган калхатлар экан.

- Эрталабки совуқ ҳаво кечга бориб ўтиб кетди.- деди бизга ўрмончи.

- Ҳа, тонг, - дедим.- анчагина салқин эди.

- Тонгланок кушлар қандай гумбурлатиб қўйлаганини кўрсангиз эди!

Худди шу дамда қичқириқ янгради, Шунда биз йиқилиб тушган қайиннинг устига ўтириб дам олдик. Қаршимдаги улкан шумурт дарахтига қарадим. Ку-кулашни зўрға илғаб олдик. Бу овоз гумбурлаб қарағайзор бўйлаб, сузиб кетди. Сайроқи қизиштиштонлар, кичик-кичик кушлар ҳам сайраб, яйраб кетишди – гумбурлаштишди. Бутун қарағайзор гумбурлади. Аммо ҳеч кимнинг кўзи тушмас баланд-баландларда у шохдан бу шохга учиб қўнаётган ваҳший кушлар – калхатлар қанотларининг соялари ҳамон бутуқларга, майса юзларига келиб урилари.

34. ШУМУРТ ДАРАХТИ

(оқ гулли хушбўй дарахт)

Йиқилиб тушган қайин дарахтининг устига чиқиб, дам олдим. Қаршимда - улкан шумурт дарахти. Уни ҳайратланиб қарайман, ҳаёлга чўмаман. Шумурт - оқ хушбўй гулли дарахт кўз ўнгимда ям-яшил ғулувдан туғилгандай шаффоф либосга бурканди. Атрофида эса ҳали яшилланиб улгурмаган, кулранг барглари шовуллаб турган ўрмон дарахтлари унга ҳавас билан қараётгандай. Унинг ортидами, ораликларидами кўзимга оқ қайинлар ҳам кўрингандай бўлди. Ям-яшил шумурт билан ҳайрлашмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим. Бироқ бу дарахтнинг ортидан кўрингандай бўлган оқ қайинларни кўрмадим. Бу қандай ҳодисот? Балки бу тасаввуримда пайдо бўлгандир? Ёки шумурт айна мен дам олаётган дамда менга билдирмай кийиниб олдимикан...

Кеча шумурт гуллади, бутун шаҳар уйига ўрмондан оқ хушбўй гуллар билан қайтди. Мен ўрмондаги бир дарахтни биламан: неча йилдирки, яшаш учун курашади. Баландга интилади. Синдирувчилар, ўрмон кесувчилар қўлидан омон қолди. У узоқ яшашни уйдалади. Ҳозир шумурт буткул яланғоч.- пальмадай.. Биттаям новдаси қолмади. Унга энди чирмашиб ҳам, тирмашиб ҳам чиқиб бўлмайди. Қўл етмас энг баланддаги новдалари

эса қийғос гуллади. Унинг ёнидаги бошқа дарахтлар эса бу ишни эплей олишмади-заифлашишди. Эндиликда улардан фақат қуриган шохлар қолди, холос.

35.ТАСМАДАГИ ҲАЁТ

Биз ўтган йили ўйилиб қолган жойни белгилаб қўйиш учун биттагина қобик тасмасига осилиб, йиқилай-йиқилай деб турган ёшгина қайинни ағдариб ташлаган эдик. Мен бу йил яна ўша жойга бордим. Ҳайратдан қотиб қолдим. Ағдариб ташланган қайин дарахти ям-яшил, яшнаб турарди. Ўйладимки, эҳтимол, узилиб тушмаган қобик тасмаси қуриб битаётган новда, булоқларга шарбат - жон етказиб турган кўринади.

36.ЗАРҒАЛДОҚЛАР

Қарағайлардаги ёруғлик узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турарди. Жавдари буғдойлар тиззага уради. Дарахтлар, баланд бўйли ўт-ўланлар, гуллар ястаниб олишган. Эрта баҳорнинг қушлари ҳам жим қотиб туришибди: ота қушлар эринчоқлик билан ўзларига қулай жой танлашмоқда, она қушлар эса уяларида рўза тутмоқдалар. Ўрмон хайвонлари болаларига емак ахтариб топиш ғамида. Деҳқоннинг ўйида эса - баҳор юмушлари, ер хайдаш, Уруғ қадаш.

Зарғалдоқлар учиб келишди, узунқанот қушлар, қирғоқ бўйи қалдирғочлари сайрай бошлашди. Тунги ёмғирдан сўнг тонгни қалин туман қоплади. Бироздан сўнг қуёш чиқди, тиниқ ҳаво ёйилди. Қуёш ботиш олдидан яна тоғдан кўлга ҳаво ўзгариб, оқиб келди. Кўл ҳамон мавжланиб турарди. Қуёш мовий булутлар ортига яширинди, ўрмон узра осилиб турган улкан ёйиқ нурсиз шарга айланди.

Зарғалдоқлар ўзгарувчан, беқарор ҳавони яхши кўришади. Улар қуёш гоҳ чарақлаб, гоҳ булутлар орасига яшириниб олишидан, шамол барглари тўлкинлатиб ўйнатаётганидан завқланишади. Зарғалдоқлар, қалдирғочлар, узунқанот қушлар, балиқчи қушлар шамол билан қон-қариндошдай.

~ира-шира тонг.Бирдан ҳаво димиб кетди. Катта-катта қора булутлар босиб кела бошлашди. Шамол турди. Зарғалдоқларнинг най наволари ва қалдирғочларнинг қий-чуви остида булутлар парчаланиб кетди. Зазеръенинг ортигами, ўрмонгами кўчишди, аммо тезда яна кучайишиб, шамолга қарши қоп-қора, улкан ва шиддатли булутлар қайтиб келишди.

Кўл ҳаяжонланди. Шамол шамолга, тўлкин-тўлкинга урилиб, қушлар қанотининг соясидай қоп-қора доғлар кўлнинг у учидан бу учига шитоб билан бориб келишарди. Қирғоқда чакмоқ чакнади, момоқалдироқ гумбурлади. Зарғалдоқ куйлашни тўхтатди, узунқанотлар ҳам кўнишиб олишди. Фақатгина булбуллар бўғзига катта-катта илиқ томчилар урилмагунча сайрашди. Осмондан челақлаб сув қуйила бошлашди.

37.АСАЛ

Май ойининг совуқ ҳаволари илиқлашди. Шумурт дарахтлари товлана бошлади. Ўрмон анжирлари ғунчалади, настаринлар гуллади. Анжирлар гулласа, баҳор, қизил тусга кирса, ёз тугашидан нишона. Шунда куз бўйи ов мавсуми очилади ва биз қишгача ўрмон анжирларининг қирмизи меваларидан баҳраманд бўламиз.

Шумурт дарахтининг ҳиди қандай эканлигини бирдан билиш жуда қийин. Уни ҳеч нарса билан қиёслаб ҳам, тенглаб ҳам бўлмайди. Баҳор чоғларида биринчи марта уни ҳидлаганимда, болалигим ёдимга тушиб кетди. Қадрдонларим, қариндошларимни эсладим. Назаримда, улар ҳам мен каби бу дарахтни ҳидлаб кўришгану, ундан нима анқиётганини билишмаган. Боболарим, бобоқалонларим, ҳамма-ҳаммаси - Игорь жанги ҳақида қуйлаган-лар ҳам, уни яратиб ўтганлар ҳам, ундан олдин яшаганлар ҳам, ҳатто эсимиздан чиқиб кетган қадим замонларда ҳам шумурт дарахтлари бўлган, булбуллар сайрашган, турли-туман ўт-ўланлар ўсган, турфа қушлар турли томонларга учишган. Уларнинг ҳаммасида ўзига хослик, ўзига хос овоз ва ранг, туйғу ва мазмун бўлган. Мана шулар бирлашиб, уйғунлашиб, Ватан ҳиссини уйғотган қалбимизда.

Мана у гуллаб бўлди. Мен сўнгги бора унинг гулларини ўзим учун олиб кетаяпман. Шунда ҳам сўнггисиз ўйлар қуршовиданман - бу дарахтдан ниманинг хиди келади ўзи?! Ниҳоят, бирдан англаб етаман, ҳайратланиб, ҳис этаманки, унинг гулларидан асал хиди анқирди. Ҳа, мана шу сўнгги дақиқаларда тушуниб етдимки, биз ўрганиб қолганимиздек, шумурт дарахти ўзи билан ўзи анқимайди, аксинча, ундан асл хиди келади. Буни менга унинг гуллари айтди. Майли, улар энди тўкилса тўкилсин, эвазига қанчадан-қанча асал йиғилади-ку!

38. ДАРАХТ ТЕПАСИДАГИ ҒЎШША

(ғўшша - ўсимликнинг тепасида бир жойда тўп -тўп бўлиб ўсган барглар, гуллар ёки новдалар)

Кечаги қор тонгда ҳам оқариб турарди. Қуёш кўринди. Шимолдан эсган совук шамолда кун бўйи оғир булутлар осилиб турди. Улар қуёш юзини гоҳ бекитишади, гоҳ очишади, гоҳ пўписа қилишади.

Бағри шамолга тўла ўрмонда ҳеч нарса бўлмагандай баҳор ҳаёти давом этади. Ўрмонда қандай эртақлар бўлмайди дейсиз! - улар ўрмоннинг ҳамма қаватларида осилиб, тортилиб туришади, бир-бирига дучланишади, чирмашишади, бир-бири билан дўстлашишади. Ҳали яшил либосга бурканишмаган, тўла ғунчалаб улгуришмаган бўлишса-да, тизилиб турган қатор-қатор куртақлар кўзни қувонтиради.

Ям-яшил шумурт дарахтларининг хипчинлари, маржон дарахтларининг тўлқин-тўлқин новдалари соч каби ёйилиб ётибди. Эртаги толнинг тўлқин-тўлқинли пўстлоқлари орасидан майда Сарғиш гуллар бўртиб чиқмоқда. Улар борган сари тўк сариқ рангга кириб, ҳозиргина тухумдан чиққан жўжаларга ўхшаб кетишади.

Ҳали унчалик қаримаган арчаларнинг танаси ҳам яшил нинабарглар – пўстинга ўранди. Дарахтларнинг энг юқори қисмида жойлашган ғўшшада эса янги туғилиб келаётган ғўшшаларнинг бўғин-бўғинлари яққол кўриниб туради.

Сўз бизлар - катта, мураккаб одамлар болаликка қайтганимиз ҳақида эмас. Аксинча, ўзимизни шу дарахтларга ўхшатгим, улардан ўрناق олишишимиз зарурлигини айтгим келди. Шу дарахтлар каби ҳар бир боламизни авайлаб сақлашимиз, улар ҳақда ҳамиша ўйлашимиз, улар ўз йўлини топиб олишларида елкадош бўлишимиз лозим, демоқчиман. Дарахтларнинг энг юқори қисмида жойлашиб олган ғўшшалар гўдакдай қуёшга яқин, нурга интилади. Дарахт эса унга куч-қудрат ба\ишлайди. Дарахтлар - аслида, бизлар - катта одамлар эмасми!

39. УЧРАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВ

Мен катта ички ҳаяжон билан оқимнинг бошланишини кузатдим. Қаршимдаги қирда жуда баланд бўйли арча турарди. Ёмғир томчилари бутоқларда йиғилиб, дарахт танасига тушар, у ерда мустаҳкам жойлашиб олиб, яна йўлида давом этар, дарахт танасидаги ғадур-будурлардан сирғалиб тушиб, танани ўраб олган қалин тиниқ яшил рангдаги қурбақа ўтларига сингиб кетарди. Дарахтнинг энг пастки қисми эгилган, қайрилган бўлиб, ёмғир томчилари қурбақа ўтларнинг орасидан сизиб чиқиб, шу ердан тўппа-тўғри хотиржамлик билан пуфакчалари жимирлаб турган кўлга йўл олишарди.

Кўз олдимда дарахт тагидаги бу кичкина кўл парчаланиб кетди. Қор тагидаги оқим уни йўлга олиб чиқди. У тўғонга айланди. Янги оқим шундай кучга тўлдики, йўл - тўғонни бўлиб ташлади. Сув пастга - зағизғонлар ўлкаси бўйлаб дарёга югурди. Дарё бўйидаги зирк дарахтзорларини сув босди. Ҳар бир шохдан айланмага томчилар тушар, улар сон-саноксиз пуфакчаларга айланишар, пуфакчалар аста-секинлик билан айланма бўйлаб, оқим томон сузар, у ерда ҳар биттаси ҳар томонга сочилиб, дарё бўйлаб тўнгалар билан бирга суза бошлашарди.

Туманда қандайдир қушлар учиб ўтгандай бўлишди, Мен уларнинг қайси қушлар эканлигини билолмадим. Қушларнинг қий-чуви дарёнинг шовқинларига қўшилиб кетди.

Уларнинг қичқириқларини тўлиқ англай олмадим. Улар дарё бўйидаги қаторлашиб, уюлишиб турган дарахтларга қўнишди. Мен ҳам ўша томонга йўл олдим. Биз томонларга иссиқ ўлкалардан шунчалик эрта ташриф буюрган қушларни билгим, кўргим келди.

Оқим шовқини ва томчилар оҳангги остида мен инсоният мусиқасини тинглаган кезларимдаги каби ўзим ҳақида ўйладим. Юрагимнинг оғриқларини сездим. Қадрдон жойларимни қўмсадим...Мен қизилтўшлар - ўрмоннинг сайроқи қушларининг овозидан ўзимга келдим. Қулоқларимга ишонмадим, аммо тезда шуни англадимки, туманнинг ичидан учиб, эрта ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳаммаси – қизилтўшлар эди. Минглаб қизилтўшлар чарх уриб учишар, тинмай сайрашар, дарахтларга қўнишар, тўп–тўп бўлиб кузда шудгорланган ерга ёйилиб кетишарди. Шунда мен биринчи марта тушундимки, бу қушларнинг номи «зяблик»(русчаси.-тарж.) - «зяби» («куз ҳайда» - тарж.) сўзидан олинган. Қизиғи, мен бу ажойиб қушлар билан учрашганимда салгина кўрқдим ҳам. Яна ўйладимки, агар улар озчилик бўлишганида, уларни қўйиб юбормасмидим...

Шундай бўлди - бугун мен қизилтўшларни қўйиб юбордим. Дейлик, эртага қаршимдан қушлар эмас, балки яхши бир одам чиқиб қолса-чи? Уни ҳам қўйиб юборсам, менинг эътиборимдан четда қолса, кўмак беролмасам ё бермасам, ҳалок бўлиб кетиши ҳам мумкин-ку. Нима бўлса ҳамки, руҳимда турли ўйлар бир–бири билан баҳс бойлашарди. У ҳолат қизилтўшларнинг, минглаб қизилтўшларнинг тўхтатиб бўлмас чуғУр-чуғурларига ўхшаб кетарди...

40.НОМАЪЛУМ ДЎСТГА

Нурли,шабнамли тонг.Бу худди очилмаган ерга ўхшайди. Осмоннинг кўз илғамас парчасидай, бу тонг – бутунлик. Ҳали ҳеч ким уйғонмаган, ўрнидан турмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани кўриб улгурмаган. Фақат сен ҳаммасини биринчи бўлиб кўриб турибсан.

Булбуллар баҳор қўшиқларини бошлаб юборишган. Хилват гўшаларда момоқаймоқлар барқ уриб туришибди. Қайдадир намхуш қора соялар остида марваридгуллар оқариб кўринади. Булбулларга жасур ёз қушлари –подкравниклар қўшилишди, Айниқса, зарғалдоқларнинг най оҳанглари борлиқни эритиб юборди. Атрофни бетоқат ўрмон қушлари – дроздакларнинг шовқин-сурони тутиб кетди. Қизилиштонлар ҳам ўз полапонларига емак ташишдан чарчашди, шекилли, бироз дам олиш учун улардан узоқроқдаги буталарга ўтириб олишди.

Ўрнингдан тур, дўстим! Тарам-тарам бўлиб турган бахтинг нурларини териб ол, дадилроқ бўл, курашни бошла! Қуёшга кўмаклаш! Эшит, какку ҳам сенга ёрдамга шошилмоқда. Қара, бўктарги - йиртқич қуш ҳам сувда сузмоқда. У оддий қуш эмас. Бу тонгда у биринчи бўлиб сувда сузмоқда. Мана, зағизгонлар ҳам шудрингларда ялтираб, йўлга чиқишди. Эртага улар худди бугунгидай товлана олишмайди, эртанги кун ҳам бугунгига ўхшаб келмайди. Эртага бу зағизгонлар бутунлай бошқа жойларда бўлишади. Бу тонг - ягона. Уни ҳали ер юзи бўйлаб бирон-бир киши кўрмади -фақат сен ва сенинг номаълум дўстинг кўриб турибди.

Инсонлар ер юзида ўн минг йиллаб яшашди, уни қазиб, бойликлар излашди, бойликлар тўплашди. Бир-бирига қувончлар улашишди. Сен ҳам бир куни дунёга келишинг, шу бахтни кўришинг, шу нурларни териб олишинг ва қувонишинг учун қилишди буларнинг ҳаммасини. Дадил бўл,дўстим!

Юрак кенгайиб кетди – арчалар, қайинлар на ажиб! Мен кўзларимни қарағайларда товланиб турган яшил нурлардан ва арчаларнинг қизил ғуддаларидан узолмайман. Арчалар, қайинлар - мукамал гўзаллик!

41. БИРИНЧИ БУЛБУЛ

Дарёдан кўлга кўчиб ўтишда, бу ғувиллашда, бу новда–бутоқларда бирдан сув буқаси бор овози билан қаттиқ бўкириб юборди. Бу - қатта кулранг қуш ҳайвон каби бутун танаси билан бўкирарди. Гиппопотомга ўхшаб кетади. Кўл яна бутунлай

тинчланди, тиниклашди. Шамол кун бўйи кўл сувини ювиб чиқди. Сувдаги энг нозик товуш ҳам олисларга эшитиларди.

Сув буқаси ўзини сув ичига тортди. Сўнг бутун сукунатни бузиб, «Ух!» « тортиб юборди. Бир, икки, уч, ўн дақиқалардан сўнг яна ўша – «Ух!» Ҳар бир «Ух!» уч мартадан олти мартагача такрорланди.

Усолье қишлоғида эшитган ҳикояларимни эсладим. Бир балиқчи кўл бўйлаб сузганида уни тўлқинлар айлантириб, водий бўйидаги сойнинг гирдобига тортиб кетибди. Мен қирғоқ соялари тушиб турган жойлар ёқалаб суза бошладим. У ерда булбуллар сайрашарди. Узоқлардан турналар овози келди. Кўлдаги тиқ этган товуш ҳам қайиғимизга эшитиладиган даражада атрофни сукунат босди. Кутилмаганда бир томондан ҳуштакчи қушлар шовқин солишар, бир томондан, қораликлар - ўрмон қушлари бир-бири билан уришишар, бир томондан турли-туман ўрдакларнинг хори бошланган эди.

У ерда ҳам, бу ерда ҳам худди ҳар жойга қоқиладиган қозикдай сувда гагарлар – катта сув қушлари ва балиқчи ўрдакларнинг бўйинлари юзага қалқиб чиқар, зум ўтмай шўнғиб кетишарди. Бинафшаранг сувнинг мавжларида майда чўртанбалиқларнинг оппоқ қоринлари кўриниб кетар, ката-катта бошлари уларни янада улканлаштириб кўрсатарди.

Осмонни булутлар қоплади. Мен қорайиб турган чап томондаги қирғоққа қараб суза бошладим. Сув буқаси ҳар гал «Ух!» тортганида бу товушдан сеҳрлангандай у неча марта «Ух!» лашини санай бошладик. Бу товушни икки чақирим наридан ҳам эшитиш мумкинлиги ҳайратланарли эди. Сўнгра уч, ҳатто етти чақиримгача бу товуш эшитилиб турди. Ниҳоят, Гремячий тоғларига яқинлашганимизда атрофни сон-саноксиз булбуллар кўшиғи босиб кетди.

42. МАЙ ҚЎНҒИЗЛАРИ - БУЗОҚБОШИ ҚЎНҒИЗЛАР

Ҳали шумурт дарахтлари бутунлай гуллаб, гулини тўкишмади. Эртаги толларнинг куртаклари ҳам буткул очилганича йўқ. Аммо бу баҳорда бир–бирини қувиб етишга аҳд қилишгандай баб-бараварига олмалар, акациялар ва четан дарахтлари гуллашди.

Май қўнғизларининг гала–гала учиши бошланди.

Эрта тонгдан сокин кўл гуллаётган дарахт ва майсалардан сочилиб тушган Уруғликлар билан тўлиб–тошган. Мен қайиқда сузиб кетаяпман. Қайиғимнинг изларидан кўлда йўл очилгандай кўринади. Бу йўлдан ўрдак ўтса, айлана, балиқ сузиб, шўнғиган бўлса, тешикча пайдо бўларди.

Ўрмон ва сувлик бир-бирини кучишди.

Мен смолали дарахтларнинг ҳидидан ҳузурлайин деб қирғоққа чиқдим. Қирғоқда бошдан-оёқ тозалаб ташланган катта қарағай дарахти ётибди. Бирон-бир шох, бутоғи қолмаган. Шохлари ҳар томонга сочилиб кетган. Уларнинг устида зирк ва осина дарахтларининг шох–бутоқлари, барглари ҳам аралашиб ётибди. Мана шуларнинг ҳаммаси - дарахтларнинг бўлак-бўлаклари билинар-билинемас чириётган, ич-ичидан тутаётган бўлса-да, ўзидан шундай ҳид таратардики, яшаганда ҳам, ўлаётганда ҳам хушбўй ҳид таратиш қандайлигини, нималигини тирик, ваҳший ва беозор жониворлар уларчалик билишмас, тушунишмас, чамамда...

43.МОМОҚАЛДИРОҚ

Тушга бориб, кучли шамол кўтарилди. Ҳали яшилланиб улгурмаган осина дарахтларининг таналари бир-бирига урилиб кетгудай қасирларди.Буни эшитиш жуда ҳаяжонли эди. Кечга бориб кучли момоқалдиरोқ бошланди. Лада - садоқатли итим ёнимга югуриб келиб, кроватим тагига кириб олди. У жуда кўрқиб кетди. Бу кўрқув даҳшати уни тонггача тарк этмади. Момоқалдироқ тинган бўлса–да, у бутун вужуди билан қалтирарди. Эрталаб соат олтиларда мен уни ҳовлига олиб чиқдим. Қандай тоза тонг ҳавоси! Ит бирдан ўзига келди.

44. ШУМУРТ ДАРАХТИНИНГ ГУЛИ ТҶКИЛДИ

Қариқизлар, қичитқи ўтлар, ям-яшил ўт-ўланлар устини оппоқ гулбарглар қоплаган. Шумурт дарахтининг гули тўкилди. Маржон дарахтлари, ундан пастроқларда землянкалар (кулупнайга ўхшаш ўсимлик меваси.-тарж.) гуллади, момоқаймоқлар, осина дарахтининг қорамтир барглари тиниқ яшил тусга кира бошлади. Қорамтир далага майин жунли қўйлар тарқалишди. Ботқоқликларда баланд қиёқлар қад керишди, улар тим қоронғу тубсизликка яшил соя солиб туришарди. Қоп-қора сув устида кўнғизчалар – майнавозлар гир айланишар, яшил қиёқлар оролида у ёқдан бу ёққа мовий ниначилар учиб юришарди.

Оппоқ қичитқизорлар бўйлаб кетаяпман. Димоғимга уларнинг ўткир ҳиди урилади. Баданларим қичишиб кетади. Дроздлар – ўрмон қушларининг безовта қичқириклари олисларга кетади, ҳатто ваҳший қарғаларнинг уясигача бориб етади. Бу ерда минг-минглаб ўт-ўланларнинг ҳаётидаги ҳар бир дақиқа бутун ер юзидаги доимий ҳаракатнинг уйғунлигини англашиб туради.

45. ШОХ-ШАББАЛИ ХОДА

Ўрмон дарёсини гуллаётган ўт-ўланларнинг чанглари шундай тутиб кетдики, ҳатто қирғоқдаги баланд дарахтлар ва булутлар ҳам кўринмай қолди. У қирғоқдан бу қирғоққа олиб ўтувчи шох-шаббали хода баландликда осилиб турардики, унга тирмашсанг, шу онда йиқилиб, жароҳатланишинг ҳеч гап эмас.

Бу хода - долон ҳозир ҳеч кимга керак эмас. Дарёни оддий, катта, майда қайроқ тошлар устидан юриб ҳам кечиб ўтиш мумкин. Шу пайт олмахон ўша томонга югурди. Оғзида узунчоқ нимадир бор. Емагидир балким... У ходанинг энг охири учига етиб келди. Мен уни чўчитсам, у емагини ташлаб қочар деб ўйладим. Қарасам, у осина дарахтига сакраб чиқиб олди. Ҳуркиб кетган олмахон тишидаги ўлжасини маҳкам қисиб, баландроққа сакради. У ерда ҳам узоқ туриб қолмади. Бор кучи билан отилиб, энг баланд шохдан ўлжасини ташлаб юбормай, арчага учиб ўтди ва унинг қалин барглари орасига яширинди.

46. ОСИНА ДАРАХТИНИНГ ПАРЛАРИ

Осина дарахтининг хипчинлари дарахт танасида ёйилиб кетадиган парларни учириб юборди. Қуёш, шамолга пешвоз чиқиб учаётган арилар момик қор парчаларига ўхшаб кетади. Узоқ кузатиб турсанг, уларни нимага ўхшатишга ҳам қийналиб қоласан – парларми бу ёки арилар? Бўй чўзаётган Уруғликми ёхуд учаётган майсами? Ё ҳашоратлар емак истаб чарх уришмоқдами?

Атроф тинч. Тун бўйи осина дарахтининг учаётган парлари йўлларни, заводларни, хуллас, бари-барини оппоқ қор билан қоплаб олгандай. Кўз олдимда осина дарахтзорлари, ўтлоқзорлари, у ерларда ётган қалинқ-қалин пар қатламлари ястанди. Биз уларни ёқиб юбордик. Олов ўтлоқзор бўйлаб яллиғланди. Парлар куя-куя қорайди.

Осина дарахтининг парлари – баҳорнинг улкан ҳодисаси. Бу пайтда булбуллар, каккулар ва зарғалдоқлар сайрашади. Улар ёз қушлари – подкравниклар жўр бўлишади.

Ҳар баҳорда ҳар гал осина дарахтининг парлари учаётганда юрагимни нимадир тирнаб ўтади. Бу ерга тўкилган - уруғлар. Улар балиқларда уруғ очиш мавсумидан ҳам кўп ерга тўкилади, исроф бўлади. Шу мени ташвишга солади.

Кекса осина дарахтларидан парлар учаётган дамларда ёш дарахтлар болаликдаги малларанг либосларини яшилига алмаштирадилар. Улар бу даврда йилда бир марта бўладиган байрамга, сайилга чиққан қишлоқ қизлари каби ҳали у кўйлагини, ҳали бу кўйлагини кўз-кўзлаётгандай.

Ёмғирдан сўнг чиққан қуёшнинг қайноқ нурлари ўрмонни қизитиб юборди. У гўёки улкан иссиқхонага айланди. Унда инсонни ақдан оздирадиган даражада хидларнинг бурқсиши ва секин ёниши бошланди. Бир томонда қайин қуртакламоқда, ёш майсалар, хушбўй ўт-ўланлар бўй чўзмоқда. Бошқа томонда эса - бултурги баргларнинг чириши,

улардан келәтгән хид. Эски пичан, похоллар, пуштадаги Сарғиш пүстлөк толалари яшил майсаларга чирмашиб кетгән, гүеки у билан үсаётгандай. Қайин дарахтларининг балдоқлари ҳам яшилланди.

Осина дарахтидан уруғлик - гумбаклар учиб тушишар, дуч келгән нарсага ёпишиб қолишарди. Бу ерда ўтган йилги баланд буйли қалин оқбуруннинг толалари осилиб турарди; улар эҳтимол, тебрана-тебрана куён ва кушларни ҳам чўчитиб юборгандир. Осина дарахтининг капалак курти бу толалар устига тушиб, уларни бутунлай парчалаб ташлади. Улар эса тўғри яшил майсаларнинг устига бориб тушишади, яшил майсалар эса уларни кўринмас нарсага айлантриб қўйишди. Аммо бунгача ҳали анча бор. Бу кекса сариқ дарахт танаси шошилмай узоқ кийинади. Янги баҳорнинг яшил рангларини эринмай териб олади.

Уч кундирки, шамол осина дарахтининг Уруғларини сочиб чиқмоқда, ер эса чарчамасдан кўпроқ талаб этмоқда. Шамол кучайди. Осина дарахтининг Уруғлари янада мўлроқ сочилди. Ер юзи осина дарахтининг чуванчанг куртлари билан қопланди. Ерда миллионлаб Уруғлар ётибди, шу миллионлар орасидан жудаям озгинаси униб чиқади. Ёш ва навқирон осина дарахтлари шундай қалин шох-шаббали бўлиб ўсиб чиқадики, уни йўлида учратиб қолган ҳар қандай куён қочиб кетади.

Майда баргли қуюқ осина дарахтлари орасида кўп ўтмай ҳаёт учун кураш бошланади: томирлар чуқурроқ бориш учун ерга, шохлар эса баландроқ ўсиш учун нурга талашадилар. Ёш осина дарахтлари сийраклашиб боради. Энди куёнлар бемалол уларнинг пүстлөкларини кемира бошлайдилар. Нурларни севгувчи осина дарахтзорлари, ўрмонлари ўсиб борар экан, унинг соясида бағрига киргудай бўлиб, қуюқ сояли арчалар ўсади. Билиб-билдирмай осина дарахтларига буйлашиб олишади. Улар осина дарахтларини ҳамиша титраб турувчи барглари, соялари билан гоҳ ажиб хидга тўлдиради, гоҳ бўғиб ташлайди ...

Осина дарахтларининг гули ва барглари буткул тўкилиб, сибир шамоллари арча тайгаларида ҳукмронликни бошлашганида ёлғизгина осина дарахти водийдан узоқдан яхлит кўрнийиб турарди. Унинг танасидаги кўплаб тугунлар, коваклар яққол кўзга ташланади, қизилиштонлар уни тақиллата бошлашади, улар тешган ковакларга чуғурчиқлар, ёввойи каптарлар, кўк кушлар ўрнашиб оладилар. Олмаҳон ва савсарлар у ёқдан бу ёққа елиб-югуришади. Қачонким, бу улкан дарахт йикилиб тушса, шу ерлик куёнларга унинг пүстлөғи қишдан омон олиб чиққувчи озикқа айланади. Куёнлар ортидан эса тулкилар изғийди. Шу осина дарахтига тикилиб, уни кузатиб, бутун ўрмон олами бир-бири билан нечоғли узвий боғланганлигини тасаввур қилиш, идрок этиш қийин эмас..

47.НИМАДАНДИР НОРОЗИ ҚУРБАҚА

Сувлар ҳам ҳаяжонланиб кетишди – қурбақалар тўлқинланди. Сўнгра сувдан чиқишди ва турли томонга тарқаб кетишди. Кеч тушди. Қадам боссанг, оёқ остингда - қурбақалар.

Бу илиқ тунда ҳамма қурбақалар, хатто нимадандир норози қурбақалар ҳам бир маромда секингина қуриллашди. Туннинг ажиблиги нимадандир ҳамиша кўнгли тўлмай юрадиган қурбақага ҳам завқ бағишлади чоғи, ўзини унутган кўйи бор овози билан қуриллаб юборди.

48.БИРИНЧИ ҚИСҚИЧБАҚА

Момоқалдирок гумбурлади, ёмғир қуйиб берди. Ёмғир томчиларида куёш нурланди. Осмоннинг у учи билан бу учигача камалак белбоғи боғланди.Шумурт дарахтлари хушбўйланди, қулоч ёзиб, керишди. Ёввойи қорағатларнинг ям-яшил шохлари сув устида солланди. Шунда қисқичбақалар ўчоғидан бошини кўтариб, мўйловини кимирлатиб, биринчи қисқичбақа ўзини кўрсатди.

49.ҚУВНОҚ ТОНГ

Жарангдор, хушнуд тонг. Илк ҳақиқий шудринг. Балиқ бир сакраб, яна сувга шўнғиди. Тоғ томондан иккита бедор хўрознинг қаттиқ овози эшитилди. Уларга олти тетеровкалар қўшилишди. Жайронлар сардори ўз мулкини айланиб чиққандай биринчи хўроз айланиб юрди. Йўлидан чиққан иккинчи хўрозни қувиб юборди. Яна айланиб чикди, яна уришишди. Кулранг ўрмонларда эртаги толлар куртаклади – толларки, гуллари сариқ рангли момик жўжалардай, ҳидидан асл таъми келади.

50.ГУЛЛАР ДАРЁСИ

Кечагина баҳорги оқимлар югуриб–елиб юрган жойларда бугун гуллар оқмоқда. Бу гулга тўла ўтлоқзорлардан айланиб ўтарканман, яйраб кетаман. Ўйлайман: «Демак, баҳорги лойқа сувлар бежизга эмас экан».

51.ЎРМОННИНГ ҚУЁШЛИ ЭТАГИ

Тонг ёришган чоғларда ҳам, йилнинг айна гуллаган даврида ҳам ўрмоннинг қуёшли этаги ҳаёт учун муҳим макон ҳисобланади.

Қуёш кўтарилади, унинг нурлари қаерга тушмасин, ўша ерда ҳамма нарса уйғонади, пастликда, қоп–қоронғу, тубсиз жарликлардагилар, назаримда, соат еттигача ухлашади.

Ўрмон этагининг четида баланд бўйли зиғирпоялар кўринади, пояда – қирқбўғинлар. Мана буни шарқона мўъжиза деса бўлади – қирқбўғин – минора! У шудрингларда, кўтарилаётган қуёш нурида товланиб турибди.

Қирқбўғинлар қуриб битганда эса нинчалар миноранинг соқчиларига айланишади, айтгандай, улар соялардан жудаям қўрқишади.

52.ЎРМОН ИРМОҚЛАРИ

Агар ўрмоннинг юрагини тушунмоқчи бўлсанг, унинг ирмоқларини топиб ол ва ирмоқлар қирғоғи бўйлаб, паст ёки баландликларга йўл ол.

Мен ўзимнинг севимли ирмоғим бўйлаб, эрта баҳордан йўлга тушаман. Қаранг, нималарни кўраяпман, эшитаяпман, тинглаяпман ва ўйлаяпман!

Кўраяпман - оқиб кетаётган сув кичкина жойларда арча илдизларининг тўсиқларига дуч келади, шу топдаёқ илдизлар ҳақида шивирлайди. Бу шивирлар пуфакчаларга айланади, сўнгра ёйилиб кетади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бирдан йўқолиб, ёйилиб кетмайди. Олдга интилади, олисларда кўришиб турган оппоқ қорли уюмга етиб олиш учун йўлидаги тўсиқларни ошиб ўтади.

Сувнинг йўлида янгидан–янги тўсиқлар пайдо бўлаверади, аммо бу унга ҳеч қор қилмайди, иродасини синдирмайди. Аксинча, жилғаларга айланиб, мускулларини қисиб олгандай, бу курашда нима бўлса ҳам енгиб чиқмоқчидай оқаверади.

Сув томчиларидаги титроқ қуёшда ярқираб, арчанинг сояларида аксланади, майсаларда ярқирайди. Соялар дарахт таналари, поялари бўйлаб югуради, бу титроқларда жаранг туғилади ва туюладик, майсалар мана шу мусиқа садолари остида ўсмоқда, соялар ҳам уйғунлашмоқда.

Сув майда-майдалаб, аммо кенг қулоч ёзиб жилваланади, торгина жарликларга сингиб кетади. Мана шу шовқинсиз югуришда, талпинишда сувнинг мускуллари қаттиқроқ қисилгандай кўринади. Қуёш эса уни ушлаб олади, таранг тортилган ирмоқлар сояси дарахт таналари ва майсалар бўйлаб югуради-елади.

Бу эса - катта уюм, тиқин. Сув гўёки зорланади, Бу нола – шилдираш узоқ–узоқларга ҳам эшитилади. Аммо бу заифлик эмас, Сув бундай инсоний хис–ғуйғулардан йироқ. Ҳар бир ирмоқ катта ва эркин оқаётган сувга албатта етишишига ишонади, агар унинг йўлини тоғлар, айтайлик, Эльбурс тоғлари тўсса ҳам, тоғни иккига бўлиб юбориб, эртами-кечми ўз манзилига етиб олади.

Сув куёш нурида жимирлаб кетди, соялар эса тутундай дарахтлар ва майсалар бўйлаб югургилаб ўтади. Ирмоқлар жарангги остида куртаклар хушбўйланиб очилади, қирғоқларга ёйилиб кетади.

Кўринишидан тинч туюлган гирдоб йиқилиб тушган дарахтларнинг ич-ичида айланади, шу ерда ҳам сатанг қўнғизбошилар сув юзини тўлқинлатиб ўтадилар. Хотиржам оқаётган ирмоқчалар собитлик билан жилдирайди ва бундай қувончни улар қўйиб юборишмоқчи эмас. Улар ўз қувончларига бефарқ эмаслар: катта-кичик жилғалар бир–бирига қўшиладилар, бир-бирига урилаётиб, тиллашадилар ва бир-бирларини чорлайдилар. Бу чорловлар келаётган ва кетаётган барча жилғаларга тегишлидир.

Сув янги туғилаётган сариқ гулларнинг куртакларига, бутоқларига тегиб ўтади. Сувда гуллардан сачраган титроқ пайдо бўлади. Шу тариха ирмоқлар ҳаёти пуфакчалар ва кундалар, қувончли чорлар, гуллар, рақс тушаётган соялар ичида кечади.

Бу дарахт қачонлардир ирмоқ йўлига ғов бўлиб ётиб олган, кўкариб ҳам кетибди. Аммо ирмоқча дарахт тагидан ўзига йўл очиб, илдам оёқлари билан титранаётган соялар қуршовида олдга интилади, шилдираб оқади.

Майсалар аллақачон сувдан бошларини чиқариб олишибди, улар энди оқимга эгилиб қарайдилар. Ҳаммаси бир бўлиб, соялар титроғи ва жилғалар оқишига жавоб қайтарадилар.

Майли, йўллар тўла тикин бўлсин, уюм бўлсин! Тўсиқларни ҳаётнинг ўзи қўяди: агар улар бўлмаганда эди, сув ҳис–туйғусиз, ўликдай уммонга бориб қўшилган бўларди – ўлик танадан мавҳум ҳаёт ўтиб кетгандай.

Йўлда кенг, чуқур пастқамлик пайдо бўлди. Ирмоқлар қизғонмасдан у ерни ҳам сувга тўлдирдилар ва яна олдга интилдилар. Ортда қолган кўлмакни эса ўз ҳаёти билан яшаши учун қўйиб бердилар - ташлаб кетдилар.

Кенг қулочли бутоқ қиш қорлари оғирлигини кўтаролмай, эгилиб, қайрилиб тушди. У ҳозир ирмоқчага ўзининг кўплаб шохларини ташлаб юборган, худди ўргимчакка ўхшаб ётибди. Бунинг устига, у кулранг, ирмоқчанинг устига ўзининг узун оёқлари – шохларини бемалол силкитиб ётибди. Арчалар ва тоғтеракларининг уруғлари ҳам сузиб ўтмоқда. Ўрмон оралаб ўтаётган ирмоқнинг йўли узоқ давом этадиган кураш йўлидир. Шу йўлда бу ерда вақт туғилади. Бу кураш давом этар экан, бу давомийлик ҳаётни туғдиради, онгимизга сингиб боради.

Ҳа, агар мана шу тўсиқлар бўлмаганида эди, сув ўша заҳотиёқ оқиб кетар, ва умуман, вақт–ҳаёт тушунчалари ҳам дунёга келмаган бўлармиди...

Ирмоқлар куч билан, иштиёқ билан курашадилар, оқимлар худди мускуллардай эшилиб–эшилиб оқади. Бу оқимлар қачондир вақти келиб, эртами–кечми уммонинг эркин сувларига қўшилишига шубҳа йўқ. Худди мана шу «эртами–кечми» – Вақтнинг, Ҳаётнинг ўзгинаси эмасмикан! Оқимлар бир–бирини чорлаётиб, сиқик қирғоқлардан ошиб ўтадилар, ўзларининг қадимий – «эртами–кечми» қўшиқларини тинмай такрорлайдилар. Кун бўйи, тун бўйи мана шу қўшиқни шивирлаб айтишади. Сўнгги томчи оқиб ўтмагунча, баҳорги ирмоқлар қуриб битмагунча сув толиқиш нималигини билмай : « Эртами-кечми биз ҳам уммон сувлари билан қўшилаемиз! - дея таъкидлайверади, таъкидлайверади... Қирғоқ орти бўйлаб оқаётган баҳор сувларини кема борти бўлиб юборган, бу ерда эса бўғоздаги чўртанбалиқ асирга тушибди.

Шундай тинч ва осойишта жойларга келиб қолсанг, бутун ўрмон бўйлаб снегирь (чумчуксимон ўрмон қушлари)ларнинг қуриллашини ва қизилтўшлар чўқиладиган эски барглари шилдирашини эшитасан. Улкан оқимлар, қия бурчаклар бўйлаб чопаётган жуфт–жуфт оқимлар ирмоқда бирлашиб, қўшилиб кетадилар. Улар бутун кучлари билан тиккаликка, жарликка уриладилар, жарлик эса кўплаб, балки асрлар бўйи ерга томир отиб кетган арчаларнинг илдизлари билан мустаҳкамланиб ётибди.

Мен шу томирлар устига ўтириб олдим–да, роҳатландим – пастликда, жарликда бир–бирига урилиб, бир-бирини чорлашиб, ўзларининг « эртами-кечми» қўшиғини айтиб,

отилаётган улкан оқимлар қандай завқли, уларни кўриб туриш, тинглаш, эшитиш унданда завқли эди!...

Тоғтерақлар атрофида сув рақсга тушиб оқарди, у бора-бора кўлга айланди, бир бурчакка йиғилди. Жарликдан бир метрлар баландликдан пастга оқиб туша бошлади, унинг овозаси олис-олисларга тарқалиб кетди. Сувнинг қаттиқ шилдираши ошгандан ошди. Кўл юзаси эса жимирлар, майда-майда жимирлар, бир-бирига зич жойлашган тоғтерақлар эса сув билан қуршаб олиниб, илондай тўлғонишар, аммо ўзларидан - ўзлари ҳеч қаёққа кетишолмасдилар.

Ирмоқ мени боғлаб олди. Мен ҳеч қаёққа кетолмайман, кетсам, ниманидир йўқотиб қўяман гўё...

Ўрмоннинг қайсидир йўлидан чиқдим, кўзим кичкина, энди ниш ураётган ям-яшил майсага тушди. Дейлик, захарли бўлиши ҳам мумкин. Унинг ёнгинасига иккита ғилдирак изи тушган, излар ҳам сувга тўлган.

Энг ёш қайинлар яшилланмоқда, тиниқ рангда товланаётган куртақлардан хушбўй хид таралади, аммо ўрмон ҳали яшил либосга бурканмаган. Яланғоч ўрмонга каккунинг учиб келиши яхшилик аломати эмас. Ўн икки йилдирки, мен эртаги, ҳали кийинишга улгурмаган баҳор билан биргаман. Эндигина бўри пўстлоқлари, анемонлар, наврўзгуллар гуллаётир, ковақларга қараб ўтаман. Бутоқлар, дарахтлар, ҳатто кундалар менга шундай танишки, ёввойи ковақлар ҳам менга боғдай кўриниб кетди: ҳар бир бутоқ, ҳар бир қайрағоч, ҳар бир арчани меҳр ғилан силаб ўтаман, уларнинг ҳаммаси – меники бўлди, улар мен эккан, ўстирган боққа айланди.

«Боғим»дан яна ирмоғимга қайтиб келдим. Ўрмонда рўй берган улкан воқеаларга гувоҳ бўлдим: катта, улуғ ёшли арча, унинг атрофидан ирмоқ оқиб ўтмоқда. Ирмоқ устига ўзининг барча – эски ва янги ғуддаларини сочиб юборган, кўплаб шохлари ирмоқ ёқасида солланиб турибди. Ҳар бир шохнинг ёнидан оқимлар шилдираб оқаётиб, бир-бирини чақириб ўтардилар: «Эртами–кечми...».

Ирмоқлар ўрмон ичкарасидан ялангликларга чиқиб кетишар, бу ерда уларни очиқ, илиқ куёш нурлари кутиб олар, беминнат тўкилар, бундан улар тобора жилваланиб, мавжланиб борарди. Шу ерда биринчи сариқ гул сувдан қалқиб чиқди. Сув юзасида худди асалари инидай қурбақа уруғлари сочилиб ётар, уларнинг ҳали кўзи очилмаган, ялтироқ тухумларидан қора бошчалари ялтираб кўриниб турарди.

Шу ернинг ўзида – сувнинг тубида катталиги худди майда ҳашоротларникидай келадиган кўплаб кўм-кўк пашшалар осилиб турарди. Улар, назаримда, қайлардандир учиб келиб, сувга тушиб қолишган, шу билан ўзларининг қисқа умрларига нуқта қўйишган эди. Сув юзасида мисдай ярқираб кўнғизлар айланиб юришар, бу чавандозлар ҳар томонга от чоптиришар, аммо сувнинг юзига қанотларини ҳам тегизишмас, уни қўзғатишмас эди. Катта ва тиниқ рангли лимон капалаги тинч оқаётган сув бўйлаб учиб ўтди. Сувнинг бурилиш жойларидаги кичик кўлмакчалар атрофи майсалар ва гуллар билан бурканган, эртаги толда эса мулойим тизимгуллар гулламоқда. Улар узоқдан кўзга сариқ момик кичкина жўжачаларга ўхшаб кўринади.

Ирмоққа нима бўлди? Суви иккига бўлиниб, иккита оқимга ажралиб, иккиси икки томонга кетишди. Эҳтимол, биринчиси ўз эътиқоди - «эртами-кечми»га содиқ қолиб, бу кураш йўлини тутгандир, у шу йўл тўғри мақсадга олиб боради, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Иккинчи оқим эса қисқа йўлни кўриб, ўз йўлини танлагандир. Оқибатда, улар ажралишди ва айланани айланиб ўтиб, ораликларида катта орол пайдо қилдилар. Яна бирлашиб, қувлашиб, англаб етдиларки, сувлар учун айри йўллар бўлмайди. Ҳамма йўллар – эртами-кечми албатта уммонга олиб келади.

Кўзларим яшнаб кетди, кулоқларимга аниқ чалинмоқда: «эртами-кечми» куйи, толлар ва қайин куртақларидан анқиётган хушбўйлик бирлашди. Мен шундай роҳатландимки, шу ердан бошқа жойга кетгим, силжигим келмасди. Мен томирлаб кетган дарахтларни оралаб, пастга тушдим, дарахтларга суяндим ва юзимни куёш томонга бурдим - саодатли онларнимни туйдим.

Менинг ирмоғим уммонга кўшилди.

53. МОЙЧЕЧАК

Нақадар ажойиб! Ўрмондаги ўтлоқзорда йўлимдан мойчечак чиқди, жуда оддий ва содда мойчечак – «севади-севмайди». Бу кувончи учрашувдан шуни англадимки, ўрмон унга қондош–қариндошдай бўлганларгагина бағрини очади, ўзи-да очилади. Бу илк мойчечек ҳам ўтаётганларга разм солиб, ўз саволига ўзи жавоб топишга ҳаракат қилади, излайди: «севади–севмайди?»

«Кўрмай ўтди, кўрмасдан ўтиб кетди, демак, фақат ўзини севади. Ёки кўрдимикан–а... Қандай яхши ! У севади! Бу чиндан ҳам яхши, ҳамишадагидай яхши: «севса, мени кўлига олади, ахир. Шундай эмасми!»

54. ҚИРМИЗИ ҒУДДАЛАР

Муздай шудринглар ва тиниқ шамол ёзнинг қайноқ тафтини босади. Фақат шу пайтлардагина ўрмонни кезса бўлади, акс ҳолда, иссиқ. Дим кунда эрталабдан уйғонган ва кечгача тинмай диган чивинлар сизни тинч қўйишмайди. Бутун борлиқни унутиб, от чоптириб елсанг, чинакамига ҳузур қиласан.

Тиниқ қуёшли тонгда мен далалар оралаб, ўрмонга кираман. Ҳали ишчилар хотиржамлик билан дам олишмоқда. Ўрмондаги кўлмак муздай шудринглар билан тўлиб-тошган, ҳашоратлар уйқуда, ҳали кўплаб гуллар лаб очишмаган. Фақатгина тоғтерак барглари шитирлайди, баланддаги япроқлари эса куриб бошлаган, пастларидаги бахмал шудринглар майда тақинчоқлардай ялтирайди.

- Ассалом, эй, кадрдон арчаларим, қандай яшаяпсизлар ? Оламда нима гаплар?

Улар ҳаммаси жудаям яхши деб жавоб қайтаришади. Бу пайтда қирмизи ғуддалар чинакамига тўлиб, бутун дарахт таналарини безаб боришарди. Эскирган бўм-бўш ғуддалар ёнида ёш, тўлиқ ғуддалар яшнаб туришибди.

Арчазорларни оралаб, қуёшли ўрмон этагига ўтаман. Йўлда - кўзга кўринмас жойда марваридгулларга кўзим тушади, улар ҳамон жозибали, фақатгина бироз сарғайишибди, улар энди хушбўй ҳид таратишмас эди.

55. ГУЛЛАЁТГАН МАЙСАЛАР

Далалардаги, ўтлоқзорлардаги кузги жавдари буғдойлар каби барча бошоқли дон ўсимликлари ҳам гуллади. Уларни турли ҳашоратлар силкитиб ўтишар, шунда улар тилларанг булутдай чангларга бурканишарди. Ҳамма-ҳамма гуллар, ҳатто отқулоқлар ҳам гулга кирди - оппоқ тақинчоқларини тақиб олишди.

Юпқа поялардаги қисқичбақа бўйинлари, медуницалар, турли–туман бошоқчалар, тугмагуллар, ғуддалар қаршиламоқда эди бизларни. Уларнинг қанчадан–қанчаси куриб битган, билмадим, буни билиб ҳам бўлмас. Назаримда, улар - ўша эски ва кадрдон дўстларим эди - ўша бўйинлар, ўша бошоқчалар, ўша ғуддалар. Ассалом, азизларим!

56. НАЪМАТАКНИНГ ГУЛ ЧЕҲРАСИ

Наъматак, балким баҳор келиши билан ёшгина тоғтеракнинг танасига чирмашиб борди, мана ҳозир тоғтерак ўзининг янги туғилган фарзандини – наъматакни туғилган куни билан қутламоқчи бўлди, шекилли, ҳаммаёқни қип-қизил , хушбўй ёввойи атиргуллар босиб кетди. Асалари ва арилар ғўнғиллайди, шовқин солишади, тукли арилар дўриллайди. Ҳамма наъматакнинг туғилган куни билан табриклашга, шундай кунда шудринглардан тўйиб-тўйиб ичмакка, уйига асал билан қайтмоққа шошилади.

57. АРЧА ВА ҚАЙИН

Арча фақат кучли қуёш нурларида янада гўзаллашиб кетади. Шунда унинг одатдаги қора танаси энг қуюқ, жуда кўплаб яшил ранглар билан товланиб кетади. Қайин эса қуёш нурида ҳам, кулранг кунларда ҳам, ёмғир остида ҳам ҳамиша ёқимли ва жозибасини йўқотмайди.

58. МЕНИНГ ҚЎЗИҚОРИНИМ

Қўзиқоринли ўрмонда бир яланглик иккинчисига бутуқлар орқали қўл бериб кўришишади, мана шу бутуқлардан ўтсанг, ялангликда сени қўзиқорининг кутиб олади. Уни излаб юрма: у ҳамиша сенга қараб туради.

59. АНЮТКАНИНГ КЎЗЛАРИ

Қанотлари қоп–қора, енгил нафис оқ ҳошияли капалак ўтиради–да, тўхтаб қолади – учбурчак дейсиз. Манна шундай кичкина капалаклар орасида ҳаммага жуда таниш бўлиб қолган кўм–кўк капалак бор. Агар у чўпга ўтирса, гулга ўхшаб қолади. Капалакнинг ёнгинасидан ўтиб кетасан, уни капалак деб ўйламайсан ҳам: гул бу, гул - Анютканингни кўзлари.

60. ИВАН ЧОЙ

Мана, ёз ҳам келди. Салқин ўрмонда оппоқ чиннидай тун гўзали хушбўй таратади. Кунданингни олдида офтоб тиғида ўрмонларимизнинг хушсурат, хушқомат Иван чойи ўзинингни бор маҳобати билан қаддини керди.

61. ЙИРТҚИЧ ЖОНИВОРЛАР

Йиртқичлардан ким кўркмайди, дейсиз. Уларни ҳаммаям бирдек суймайди ҳам Ҳатто Эл орасида»у – ҳақиқий йиртқич» деган ибора ҳам юради. Лекин манна шу йиртқич жониворларда ҳам тубсиз, ҳадсиз меҳр туйғуси яшириниб ётибди. Табиатда қанча меҳр–муҳаббат борлиги онасидан айрилган йиртқич болаларини кўрганда, уларнинг яшаш жойи ўзгарганда кўринади.

Кичкина, ҳали кўзи очилмаган тулки боласини уясидан олиб чиқишди-да, уни яқинда болалаган она мушук тарбиясига беришди. Мушук уни беқиёс даражада яхши кўриб қолди, у ҳам мушукка эркаланар, худди онасидай кўрарди.

Мушук яна болалади, болаларини олиб қўйишди. Бошқа мушук ўша ерда - қўлсаватда тезда болалади, унга битта боласини қолдиришди. Шунда икки она мушук битта мушук боласига оналик қила бошлашди. Биттаси кетса, иккинчиси сакраб, саватга чиқиб олади-да, оналик туйғуси билан мушук боласини эркалайди, тўйғазади. Нафақат бўрилар, ҳатто йўлбарслар ҳам одамнинг кўзига шундай меҳр билан қарай оладики, қачонким, унга кичиклигидан инсон ҳам онаси каби тарбиялаган, меҳр-муҳаббат беролган бўлса, бу - ҳақиқат.

Итларда эса барча йиртқич жониворлардан фарқли ўлароқ инсонга меҳр-муҳаббат жуда кучли бўлади. Бу муҳаббат уларнинг қони, характериға ҳали кўзлари очилмасидан, туғилганлари заҳотиёқ киради, намоён бўлади. Ёввойи табиат бағриданингни олинган итлар, балким она–табиатға бўлган ҳис–туйғунингни унутгану, инсонға худди онасидай яқинлашиб, сингишиб, бутун садоқатини бахшида этади. Итларда ҳамма жониворларда ва ёввойи табиатда мавжуд бўлган неки муҳаббат бор бўлса, бариси яққол кўриниб туради.

62. ЎРМОН ҚАБРИСТОНИ

Ўрмоннинг бир палласини ўтин учун кесишга кесишди-ю, нимагадир ҳаммасини ҳам олиб кетишмади; кесилган бўлак–бўлак дарахтлар қолиб кетди. Айрим-айрим жойларда ёш тоғтерақларнинг барглари ёки арчаларнинг бир қисмигина кўриниб турарди. Кимки ўрмон ҳаётини яхши билса, тушнса, бундай кесишдан ҳам қизиқарлироқ нарса йўқлигига амин бўлади. Чунки ўрмон - уруғлар, донлар муҳрланган китобдир, кесиш эса - китобнинг очилган саҳифаси. Қайрағочларни қирқишгач, ўрмонга қуёш бор нурлари билан отилиб кирди, хиёл ўтмай, улкан ўт–ўланлар бўй кўрсатди. Шу пайтгача уларни қайрағоч ва арчалар қуёш нуридан тўсиб турар, ўсишига йўл қаймасди. Майда, қуюқ ва шалпангқулоқ тоғтерақлар йўлидаги ҳар бир майса, ўт–ўланларни енгиб, ҳеч нарсага қарамай, авж олиб ўсаверадилар. Тоғтерақлар майсаларни қуршаб олишганида, сояпарвар арча тоғтерақлар қуршовида ўса бошлайди, ундан ҳам баландлаб бораеварди, шунинг учун ҳам одатда арчалар қайрағочларнинг ўрнини боса олади.

Бу кесишдан сўнг ўрмон аралаш-қуралаш бўлиб кетгандай кўринади кўзга. Аммо энг муҳими, бу ерда ботқоқланган моғор, пўпапақлар босган доғлар пайдо бўлиб, улар тезда жонланиб кетишади, улар шу ерни кесишга қадар қувноқ ҳаёт кечиришди.

Шу кесилган ўрмонда ҳамма нарсани ўқиб–уқиб олса бўлади, унинг турли - туманлиги яққол кўринади: бу ерда ўзининг кўм–кўк ва қип–қизил мевали мохлар, қизил ва кичик юлдузчали мохлар, қип–қизил бурсуникаларга сепилган кам учрайдиган оқ доғли ягенлар ва ерниклар...

Ҳаммаёқда қари тўнкаларнинг қоронғу жойларида ҳам қуёш нури ярқираб кетди, ёш қайрағочлар, қайинлар, арчалар яйради. Уруғларнинг жўшқин ҳаёти умидларга тўлди, қоп-қора кундалар – қачонлардир баланд ва навқирон бўлган дарахтларнинг яланғоч қабристонлари ўз кўринишларини заррача ўзгартиришмади, улар худди одамларнинг қабристонига ўхшаб туришади.

Дарахтлар турлича - ҳар бири ўзига хос ўлади. Қайин ичидан ерилиб боради, шунинг учун узоқ вақтгача , қулаб тушмагунича уни оқ дарахтга ўхшатиб юрамиз. Унинг ичидан эса фақат чириндидарни топасиз, холос. Бу ёғоч лабигача сув билан тўлган, оғир. Бу дарахтни кўзгатмоқчи ёки ёнбошга ётқизмоқчи бўлсанг, баланддаги қуриб қолган дарахт бўлаклари – шохлари пастга қулаб тушиб, сенга жароҳат етказиши, ҳатто ўлдириши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда қайин кундалари гулдастага ўхшаб туради: фақат ёлғиз қайин пўстлоғигина оқ ёкага ўхшаб кетади, фақат угина чиримайди, дарахт ичида - чириндилар ичидан гуллар ва янги буталар ўсиб чиқади. Арча ва қайрағочлар қуриб битишгандан сўнг , энг аввало, пўстлоқларини тушириб юборадилар, улар пастга парча–парча бўлиб туша бошлайдилар, худди кўйлақлардай, дарахт бағрини тўлдириб ётадилар. Сўнгра дарахтнинг уч-учлари , новдалар, ва ниҳоят кунданинг ўзи ҳам қулаб тушади.

Кўплаб гуллар, кўзиқоринлар, қиркқулоқлар қачонлардир улкан бўлган дарахтларнинг қулаши – йўқ бўлиб кетишига товон тўлашга шошиладилар гўё – уни чир айлантириб ўраб оладилар. Аммо улардан ҳам аввал дарахтнинг ўзи шундоқ кунданинг ёнида ёш дарахтга айланиб, ўсишда давом этади. Тиниқ яшил рангли , катта-катта юлдузчали , бўлақларга бўлинган шохлар дарахтнинг яланғоч тиззаларини ёпмоқ бўлади, дарахт бу тиззалари билан қачонлардир ерга маҳкам чирмашиб олган эди; манна шу шохлар ичидан кўпинча кўзиқоринлар кўриниб қоларди. Оч яшил қиркқулоқлар , қип–қизил землянка, брусника , кўм- кўк брусникалар бу хароба жойни қуршаб оладилар. Баъзан чирмовикдай клюквалар ҳам шу кундани оралаб ўтишга ҳаракат қиладилар, унинг тўқ қизил ранг олган мевалари ингичка новдаларидаги майда-майда баргларга осилиб, қулаб тушган тўнканинг атрофини янада гўзаллаштириб юборади.

Қоронғу ўрмон куёшли ёруғ кунда чирой очади. Салқин ҳаво, ранглар жилоси, мўъжизаси. Дрозд ёки ўрмон тўрғайлари жаннат қўшиқларини айтишади. Улар куёш нурларида қанотларини ярқиратиб, нурларни кесиб ўтиб, соддагина четан дарахтларини яшил ранглар билан пуркаб ўтишаётганда Шаҳризода эртаклари ёдга тушади. Ўрмон чакалакзорларидан пастга эниб, дарё томон тушганинг сари ўрмон қалинлашиб боради, салқин ҳаво қуюқлашади. Заранг дарахтларнинг ҳидлари билан тўлган йўллар оралаб сув ярқираб кўринмагунча, қирғоқда намхуш қумларни кўрмагунингча йуллар очиб бораверасан. Йулда жимгина кетишинг керак, чунки сув ичаётган мусичаларни чўчитиб юборошинг мумкин. Қумларда оёқчалардан қолган митти чуқур– чуқур изларни кўриб завқланасан. Ёнгинангдан учиб, ўрмон эртақчиларидан бири - тулки ўтиб кетди...

Шунинг учун ҳам бу ўрмон қоронғу ўрмон деб аталади, чунки куёш унга деразага қарагандай қарайди. Ҳамма нарсалар ҳам бирдай кўринмайди. Бу ердаги бўрсиқлар уяси ва уя олдида қаттиқ қўмилган қумни майдаллашиб, майдон қилиб юборишади. Шундан бўрсиқлар ҳам тезда кўзга ташланмайди. Бу ерда уларнинг уяси жудаям кўп, буни тулкилар қовлаб ташлашган кўринади. Улар шу уяларга жойлашиб, оладилар – да, ўзларининг бадбўй ҳидлари ва исқиртлиги билан бўрсиқларни сиқиб чиқарадилар. Аммо бу ер ажойиб, уни ўзгартиришни ҳеч ким истамайди. Қумли қирлар, ҳар томонда жарликлар, улар шу қадар қучоқ чакалакзорга айланганки, ҳатто уни куёш ўзининг кичкина ойнасидан ҳам кўролмайди.

64. ЧУМОЛИ КУНДАСИ

Ўрмонда эски шундай кундалар борки, улар Швейцария қишлоқларидаги тешиқ–тешиқли тошдай ўзларининг кўринишини сақлаб қолган. Бироқ бундай кундалар устида ўтириб қолсанг, тешиқларини ўраб турган қалин деворлар бузилиб кетади. Ўзингни кунда устида осилиб тургандай ҳис қиласан. Шунда аста –секинлик билан ўрнингдан тур, ҳар бир тешиқнинг ичидан кўплаб чумолилар чиқиб келишини кўрасан. Кавакли кунда бошдан - оёқ чумоли уяси -чумоли кундасига айланиб қолишига гувоҳ бўласан .

...

65. ЎСАЁТГАН ЎТЛОҚ

Ўрмон ўтлоқлари. Қайинлар тагига чўқдим - нималар кўринмади, дейсиз. Бир– бирига ёндошган арчалар шу қадар қалинлашибдики, қутилмаганда қамишли катта ўтлоқни қоплаб олишибди. Ўтлоқларнинг бошқа томонида ҳам шундай манзара. Арчалар бир жойга тўпланиб олишиб, бошқа жойга силжишни ҳам ўйлаётгани йўқ. Хуллас, ўтлоқларни қалин баланд бўйли арчалар ўраб олишган, ҳар бир арчазор олдида –қайинлар. Катта ўтлоқлар ям–яшил дўнгликлар билан қопланган. Бу ерлар қачонлардир кўрсичқонлар томонидан қазиб чиқилган, ўт–ўланлар билан қопланган. Кўрсичқонлар ҳайдаб кетишган қирларга уруғлар сепилиб, қайинлар ўсиб чиққан. Қайинлар остида эса соясевар арчалар ўсиб кетмоқда. Уларни қайинлар оналик меҳри билан аёз ва жазирамадан сақлаб боради. Баланд бўйли арчалар ўзларининг фарзандлари - арчаларни очик ҳолда ўтлоқзорларга қўйиб юбормай, қайинлар қуршовида олиб чиқдилар ва айнан қайинлар ҳимоясида ўтлоқларини етиштирадилар.

66. ЎРМОН ЎЙЛАРИ

Биз эски қизилиштон уяси бор тоғтеракни топдик. Унда бир жуфт майналар уя қуришибди. Яна битта эски квадрат шаклидаги қавакни кўрдик. Бу дарахтда узун бўйли йиртқичга кўзимиз тушди, у отилиб чиқди.

Арчаларда иккита олмахон уясини кўрдик. Гуллар пастга шу қадар чирмашиб кетишганки, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Иккита олмахон уяси ҳам арчанинг ўртасида жойлашган, шундан билса бўладики, олмахонлар – ўрмоннинг ўрта қаватларида.

Олмахонни пастда ҳам кўриб қолдик, унчалик баланд бўлмаган дарахтга чиқишини кузатдик.Олмахон қиш либосда эди.

Дарахт танасида чигирткалар ,кумурсқалар айланишар, афтидан ,бу ерда уларнинг уяси бор эди. Қоровул қорақарға ўз уясидан ярим километр нарида қичкириб, айланиб учиб юборди. Шитоб билан учаётган тетерка унинг изидан келаётган қирғий йўлини кесиб ўтди. Йўлдан адашди ,шекилли ,нохуш кайфиятда дарахтнинг қуруқ шохларига ўрнашиб олди. У боши оппоқ эди.

Қизилиштонлар уясини кўзиқоринларни излагандек излашга тўғри келди. Кўзинг,кўз қиринг етган жойларгача бутун эътиборинг билан қарайсан,хамма ёқни диққат билан кузатасан– пастга ва баландга. .Албатта, қизилиштонлар уяси хамиша баландда бўлади.Пастдан ҳам қизилиштонни излаш сабаби –худди шу пайтда қизилиштонлар ўзларига уя ясашга киришадилар. Ўт– ўсаётган ердан кўриниб , юзага чиқиб турган очик дарахтларнинг томирларини чўкилаб кўриб бошлайдилар – шундан қизилиштон ўзи учун қайин дарахтини танлаб олганини билиб олиш мумкин.Қизилиштон ўзига керакли бўлган дарахтни дарров тополмайди, машаққат чекади. Биз учратган бу уялар бир –биридан катта бўлиб,улар тоғтерак остида, кўзиқоринлар мўл–кўл жойда бўларди .Бунинг қизилиштонга қандай фойдаси бор – уни ёмғирдан сақлайдими ёки кўзиқоринлар устида дарахтни тешиши, чўқиллаши осонми, бунисини билолмадик ҳали.

Унчалик катта бўлмаган ,қулаётган ,чириётган қайинларнинг танасидаги уяни кўриш янада қизикроқ туюлади. Уянинг баландлиги тўрт метрча бор. Биттаси – энг тепаликда , иккинчиси – пастроқда, кўзиқоринлардан сал баландда эди . Бу дарахт танаси ёнида унинг қулаб тушган энг баланд қисми – қуриган , чириган. Унинг ичига сув тўлибди .Уяни ушлаб турган дарахт танаси мустаҳкам эди.Лекин силкитсанг, қулаб тушадигандай. Қизилиштон уни уя, яшаш учун тешмагандир, эҳтимол...

67. ХЎЖАЙИН

Момоқалдиروقдан сўнг кутилмаганда ҳаво совиб кетди. Кучли шамол бошланди. Қалдирғоч ва узун қанотли қушлар учмай қўйишди ,қайларгадир гала –гала тарқалиб кетишди.

Олисларда ,турналар баландлаб –баландлаб учаётган жойда одамсиз,эшкаксиз ва елкансиз қайиқ сузиб юрарди .Биттагина қайиқ–кимсасиз,шу қадар ваҳимали кўринардики , жиловдорсиз от жарликка бораётгандай. Биз учун хатарли кўринса-да , ўша ерга боришга қарор қилдик,. Нима рўй беришини билишга ошиқдик. Унга яқинлашганимизда эса қайиқнинг ичидан бизга кўринмай турган хўжайин – қайиқчи ўрнидан турди–да ,эшагини эшиб ,тўлқинларни кесиб сузиб кетди.

Биз хурсандчилигимиздан қичкириб юборишимизга оз қолди. Шундай тўлқинли дунёда биздан бошқа одам ҳам борлигига қувондик.Бу -толиккан балиқчи эди.Унинг кимлиги биз учун аҳамиятсиз, муҳими,уни кўриш эди. Биз бунга эришдик.

68. КАККУ

Қулаб тушган қайин устида дам олиб ўтирган пайтларда менинг борлигимни билмай,менга яқин жойга,какку келиб ўтирди. Бироз ғулдириб олди–да: «Қани ,уришиб кўрай–чи,нима чиқаркин?»–дегандай, ку-куллашга тушди.

-Бир! - эски одатимга кўра,яна неча йил яшашимни билмоқчидай санай кетдим.

-Икки!

У ўзининг иккисини айтди–ю, мен ўзимнинг «Уч»имни айтишга энди чоғланган ҳам эдимки:

-Кук! - деди–ю,учди–кетди.

Ўзимнинг «Уч!»имни айтолмадим – насиб қилмади. Яхшига оз вақт ажратилгандай туюлди менга. Аммо бундан хафа эмасман,мен етарлича яшадим.Ачинарлиси шуки,қандайдир йилларни ўзида қамраб турган мана шу «Икки»да катта,улкан ишларни

бошласанг-у, бирдан , «Кук» - кесиб юборса... Ҳаммаси тугайди! Шунинг учун янги иш бошлаш шартмикин? «Шарт эмас!» - деб ўйладим ҳатто...

Аммо ўрнимдан туриб, қайинларга қарадим. Кўнглим бирдан ёришиб кетди. Қулаб тушган бу ажойиб қайин умрида сўнги янги баҳор учун куртакларини гуллата бошлади.

69. ЎРМОН МАЛИКАСИ

Шамолли, салқин ва очиқ кун. Ўрмонда «ўрмон ғувиллайди». Бу шовқин - суронда пастлаб, баландлаб учаётган қушларнинг ўтли, тошқин ёзги кўшиқлари аниқ эшитилади.

Ўрмоннинг фақат юқориси ғувиллайди. Ўрталикда эса ёш тоғтеракзорлардан япроқлар тўкилади. Майин Юм-юмалоқ барглар титрайди, шитирлайди. Майсалар жим, атрофда - сукунат, фақатгина тукли арилар ғўнғиллайди.

70. ҚУРҒОҚЧИЛИК

Катта қурғоқчилик даври давом этмоқда. Дарё бутунлай қуриб битган. Қачонлардир сувга қулаб тушган, сув устидаги кўприкларга айланган дарахтлар қотиб қолишган. Қирғоқбўйида ўрдақ овловчилар кўринишмайди. Қумларда қуш ва жониворларнинг янги излари кўзга ташланади, улар бу ерга сув излаб келишган. Топишолмаса, бошқа жойдан албатта сув топишади.

71. ЖАВДАР ТЎЛИШМОҚДА

Жавдар тўлишмоқда.. Жазирама. Кечга бориб , куёш нурининг толим - толим сочлари жавдарга ёйилиб кетади. Шунда ҳар бир жавдар этатлари пар тўшакларга ўхшаб кетади. Бунинг сабаби – этатларни оралаб ўтаётган сув йўли текис, равон бўлиб , сув ҳамиша мавжланиб сузарди. Шундай пар тўшакли жавдарлар қияликда янаям жозибали кўринади.

Кўтарилиб келаётган куёш нурида этатлар – пар тўшаклар шу қадар ажиб эдики , унинг ҳар бирига етиб олсанг , унга ўхшаб, мавжлангнинг келарди.

72. МУСИЧА

~улдираётган мусичанинг сокин товушлари ўрмон аҳлига - яхшиликдан аломат. Ҳаёт давом этмоқда.

73. ЙИЛ ОХИРИ

Ёз эндигина бошланди, бизда эса - йил охири. Агар жавдар гуллаган , пишаётган бўлса, ўрмон-йиғим даври қачон бошланишини айтиш қийин эмас.

Тонги куёш нурларида оқ қайинларнинг кўзни қамаштирувчи қоматлари мармар устунларидан ҳам чиройли , оппоқ кўринади. Қайинлар остида итшумурт ўзининг берақроқ гулларини кўз-кўз қилиб туради. Четан дарахтлари чалкашиб ётибди. Малина, смородина – қорағатнинг барглари кучли , тўлиқ, катта – катта яшил мевалар билан тўлиб туради.

Кундан – кунга ўрмонда «ку–ку» овози камроқ, янада камроқ эшитилиб бормоқда. Ёзнинг хотиржам ва осойишта сукунати кўпроқ ва янада кўпроқ оналар ва болаларни чақиришларига , чорлашларига тўлади. Энг камёб ҳодиса – қизилиштоннинг гумбур – гумбур кўшиғи. Уни яқиндан эшитсанг қалқиб тушасан ва ўйлайсан «Кимдир бормикин?» Бутун ўрмондаги яшил ғулув ичида дроздан ўтадиган сайроқи қуш топилмайди. У шундай ажойиб куйлайдики , у шу қадар ёлғизки... Ҳа у ҳамиша бутун дунёни унутиб, бир ўзи куйлайди. Унинг кўшиқлари янада жарангдор эшитилади бизга, ҳаммага, борлиққа – чунки олдинда ажиб кунлар , ёзнинг бошланиши кутиб турибди. Бироқ барибир нималардир йўқдай ва уларни излаб тополмайсан ҳам. Ўтгани ўтди, ахир, йил тугаб бормоқда.

74. ЖУНЖИККАН ТОҒТЕРАКЛАР

Кузнинг куёшли кунда арчазорлар этагида ёш ва навкирон тоғтераклар тўпланиши. Улар бир–бирига шундай яқин, шундай қалин эдиларки ,гўё арчазорда совқотиб қолишгандай. Шунинг учун ҳам ўрмон этагига чиқиб, исинишарди - қишлоқ одамлари куёш чикқан кунларда нураб тушган жойларда исинишга чикқанлари каби!

75. КУЗГИ ШУДРИНГЛАР

Куз кириб келди. Пашшалар шифтга урилади. Чумчуқлар гала-галашади. Бўм–бўш далаларда - кузғунлар. Зағизғонлар юрган йўлларига уруғ қадаб кетишмоқда. Шудринглар муздай, кулранг. Бошқача кўринган бу шудринг кун бўйи бир япроқнинг бўм- бўш баргида ярқираб туради.

76. КУЗ

Эрта тонгдан қувончлари ичига сиғмай ғозлар тумшукларини тақиллата бошлашади – дарахт пўстлоқларидан пайпоқлар тўқий бошлашади.

Кўзиқорин баландлагандан баландлайди.

78. ХАЗОНБАРГЛАР

Қуюқ арчазор ичидан қайин тагида турган қуён чиқиб кетди ва тўхтади, у катта ўтлоқзорни кўриб қолди. У томонга тўғридан–тўғри боришга журъат этолмади, бутун ўтлоқзорни айланиб ,қайиндан– қайинга ўтиб борди. Мана у яна тўхтади, кулоқ солди... Кимки ўрмонга киришдан кўрқиб турса, яхшиси кирмасин, айниқса, барглар тўлишиб, бир–бирига шивирлаётган дамларда. Қуён тингламоқда. Албатта ,кўрқоқ қуён ҳам ўзида куч топиб ,орқага қарамасликка ҳаракат қилади, аммо бу ерда бошқача ҳодиса рўй бериши ҳам мумкин. Демак, сен кўрқмадинг, тўкилаётган япроқлар алдовига учмадинг, ишонмадинг. Худди шундан фойдаланиб, кимдир орқандан келади-да, шовқин ичида сени тишлари билан маҳкам ушлаб оладигандай...

78. КЕТАЁТГАН КУЗ

Келаётганимизда жавдар тилланаётганини кўрдим. Ортга қайтаяпман. Жавдар пишиб, одамлар дастурхонини тўлдирди . Янгилари эса яшилланиб келмоқда. Ўшанда ўрмон дарахтлари ям–яшил рангга кирган бўлса, энди ҳар бири ўзга оламга айланган. Ҳа, куз ҳамиша шундай. У ҳамма дарахтлардан бирданига эмас, бирма бир япроқларини териб олади. Ҳар бирига бироз бўлса-да, ўзи билан ўзи қолишга ,ўзи билан ўзи завқланишга имкон беради.

79. ШУДРИНГ

Далалар, ўтлоқлар, сувлардан туман кўтарилди ва самовий ранглар сузиб ўтди, бироқ ўрмонда туман узоқ вақт ушланиб қолди. Қуёш баландлаб боради, унинг нурлари ўрмон туманлари ичидан чангалзорларнинг энг қалин, энг олис жойларига ҳам кириб боради. Улар шу чакалақзорлардан аниқ кўриниб туради, уларга тик қараш ҳам мумкин.

Туман ўрмоннинг яшил сўқмоқларида дадил сузмоқда, туман ҳамма ерда кезмоқда. Сув пуфакчалари баргларга, ,арча нинабаргларига, ўргимчак уясига, телеграф симларига ўрнашиб олган. Қуёш кўтарилиб борган сари ҳаво илиқлашади ва телеграф симларидаги томчилар бирдан сизиб тушиб кетмайди. Дарахтлардан томчилар сизиб тушмоқда.

Ниҳоят ,куёш телеграф симларини қиздира бошлайди. Катта–катта камалақ томчилар ерга тушади. Ўрмонда ҳам шундай бўлди – ёмғир эмас, балки севинч ёшлари шовуллаб тўкиляпти. Айниқса, тоғтеракларнинг ҳаяжони ўзгача - баланддан тушаётган ҳар бир томчи баргларда жаранглаб кетар, пастга тушган сари товланиб, шамолсиз кунда ҳам тоғтераклар титраниб–титраниб кетишади.

Баланд - баландда ўргимчак уялари кўринади, ўргимчаклар ўзларининг сўнги сигнал берувчи ипларини судрашади. Қизилиштон арчани тақиллата бошлайди, дрозд эса четан дарахтларини чўқилайди.

80. ШАМОЛЛИ КУН

Майин шамол овчилар билан тиллашишни қийинлаштиради. Овчилар бир-бири билан қувончли воқеаларни сезиб яшаётгандай суҳбатлашишади. Гапирса ҳам, сукут сақласа ҳам бўлади: суҳбат ва сукут овчиларда енгил кечади. Баъзан овчи ниманидир хаяжонланиб сўзлаб кетаётганида осмонда нимадир йилт этиб кўринади ва овчининг хаёли ўша томонга кетади. Сўнгра : «Мен нима ҳақда сўзлаётгандим?» – дейди. Ҳеч нарса эсига келмайди. Ҳечқиси йўқ, бошқасидан бошласа бўлади. Кузги шамоли ҳам шундай-доимо ниманидир шивирлаб бошлайди – да, охирига етказмай туриб, янғисидан сўз очади. Ёш тетеревкаларнинг ғулдираши эшитилди – ю, тинди. Турналар қур – қурлари авжига чиқди.

81. ЯНГИ МАЙСАЛАР

Осмон икки тусга кирди, булутлар турли томонга тарқалиб, икки кунлик ёмғирга айланди. Бироқ қуёш эрталабдан нур соча бошлади. У осмоннинг бундай қилиқларига парво ҳам қилмайди. Мен овга камера билан чиқдим, ердан чиққан жавдарнинг майсалари аскардек тизилиб турарди. Ҳар бир аскар бошдан – оёқ қирмизи рангда, қўлидаги қалқони – яшил, ҳар бир қалқонда юм – юмалоқ томчилар товланар, улар қуёшда камалак тус олар, олмосдек ярқиради. Мен камерани олиб, олис – олисларни, ҳар бир аскар майсани кузата бошладим. Кўз олдимда яшил қалқонли қирмизи кўйлакли аскарлар қуёшга тик қараб туришар, улардан кўз узолмадим – нақадар ажойиб манзара! Завқим ошиб, ерга ёнбошлаб олдим – да, майсаларни суратга ола бошладим.

Бироқ суратга олиш кўнгиладигдек чиқмаётган эди. Ахир, қизил кўйлакли аскарлар тўқ рангда чиқиши, ер билан уйғунлашиб кетиши, брусникадаги шудринглар эса охириги планга туриши керак эди. Мен ерга ётиб, ёнбошлаб суратга олмаганимда, янги майсалар – яшил қалқон қирмизи кўйлакли аскарларни кўрмаган бўлардим.

82. ЭНГ СЎНГИ ГУЛЛАР

Аёзли тун. Тонгда далада омон қолган кўнғироқ гуллар уюмини кўрдим. Уларнинг бирини устида тукли ари ўтирарди. Мен кўнғироқгулни суғуриб олдим, ари учиб кетмади. Арини силкитган эдим, у ерга тушди. Мен уни қуёш нури тушиб турган очик ерга қўйдим, жонланди. Ўзини ўнглаб олди – да, учиб кетди. Қисқичбақа бўйнида ҳам ўша тунда қизил ниначи ёпишиб қолган экан. Менинг кўз ўнгимда қуёш нурларидан жонланиб, ўзига келиб, учиб кетди. Оёқ остидан кўплаб чигирткалар ўрмалаб чиқа бошлашди, улар орасида кўринган трескуналар мовий ва оч-қизил рангларда товланиб, шиддат билан осмонга кўтарилди.

83. ПАҲЛАВОН

Чумолилар ҳайдаб ташлаган ернинг юзаси брусникалар билан қопланган, ўт-ўланлар орасида кўзқорин туғилди. У юмшоқ шляпасини бошига кўндириб, боши узра бир ўрам брусникани озод кўтарди ва ёруғликда оппоқ бўлиб кўринди.

84. ҚАЙИНЛАР

Қишда қайинлар нинабаргли ўрмонларда чириб кетишади. Баҳорда эса барглари яшнаб, шитирлаб, қоронғу ўрмондан ўрмон этагига чиқишади. Бу манзара қайин барглари қораймагунча давом этади ва нина барглилар билан ранг талашмайди. Кузда қайинлар биз билан тилла рангларда хайрлашади.

85. ПАРАШЮТ

Сукунат. Майсаларга чиқолмаган чигирткалар бир–бирларининг кулоқларига танбур чертишмоқда: Баланд арчаларнинг олдини кесиб ўтган қайинлардан сап–сарик япроқ учиб тушиди. У сукунат ичидан сирғалиб тушиди, ҳолбуки, тоғтерак барглари қимирламай туришарди. Назаримда, баргнинг шитирлаши ҳамманинг эътиборини ўзига тортди ва арчалар, қайинлар ва қайроғочларнинг барглари, шох–шаббалари, бутуқлари остидаги ўт–ўланлар ҳам хайратга тушиб ,сўрашди: «Шундай сукунатда у қандай қилиб жойидан кўзгалди ва учиб тушди?» Барг ўзи истаб кўзгалдими - йўқми билиш учун баргнинг ёнига бордим ва билиб олдим. Йўқ, у ўзидан–ўзи учиб тушмаган экан. Ўргимчак пастга тушиб унга ёпишиб олибди-да, парашютига айлантирибди. Кўп ўтмай, унчалик катта бўлмаган ўргимчак уяси осилиб тушди.

86. ҚИЗАРАЁТГАН ЧЕТАН ДАРАХТИ

Шудринглари сийрак тонг. Кесилган дарахтларда ўргимчак уялари кўринмайди. Жимжитлик. Дроздлар, желкалар ,тўрғайлар овози келади. Четан дарахтлари тоборо кизариб ,қайинлар сарғиш тус олмоқда. Майсалар узра оппоқ, кичкина капалаклар учиб юрибди.

87. ИЛК ЁЗ

Тиниқ ой нурларига чўмилиб, тун ҳам ўтди. Тонгнинг илк аёзи бошланди. Ҳамма ёк кулранг, аммо кўлмаклар ҳали музламаган. Қуёш чиқиб, чор - атрофни иситгандек дарахтлар ва майсаларга шудринглар ширадай қалин ёғилди. Қоронғу ўрмондаги арчаларнинг шохлари ҳам ярқираб кўринар ,бундай олмосларни ер юзидан топиш амри маҳолдай. Айниқса, малика қайроғоч бошдан–оёқ олмосларга кўмилиб турибди. Бундай гўзалликдан борлиғимга завқ ёйилди. Садоқатли итим ҳам бағримга отилди-севинчданми, хайратдан....

88. ҲАЁТ УЧУН КУРАШ

Қайинлар сўнгги олтин баргларини арчалар устига кўмаётган пайт. Мен сўқмоқларда оқаётган хазонлар овозини ҳам кузатаман ,уларни куёш нури эркалаб ўтмоқда. Завқланиб, адоғи йўқдай кўринган ўрмон сўқмоғидан кетавераман. Шунда ўрмон менга -денгиздай, этаклари - қирғоқдай, ўтлоқзорлари –оролдай бўлиб туюлади. Шу оролда бир-бирига яқин ўсаётган арчаларнинг бутун ҳаёти, назаримда, юқорида кечмоқда эди. У ерда - ғуддаларга кўмилиб, олмахонлар, клестлар давр суришмоқда, Яна менга номаълум қанчадан-қанча жониворлар ҳам ғимирлаб юришибди. Арча тагида - пастда эса қоронғу йўлаклар, зим-зиё. Юрсангиз, фақат пўстлоқлар ичини кўрасиз.

Ҳар бир жониворга меҳр ҳисси билан боқсанг, бу ерда қизиқарли китобни ўқишинг мумкин. Ҳеч бўлмаганда, клестлар ва олмахонлар тишларида пастга олиб тушаётган арча уруғларини олинг. Қачонлардир шундай уруғлардан бири қайин ва улкан яланғоч илдизлар орасига тўлиш қолган. Арча қайинлар қуршовида куёш олови ва аёзлардан ўзини сақлаб, ўса бошлади. Қайин илдизларини оралаб, пастга тушиб бордим. У ерда янги қайин илдизларига дуч келдим, қарасам, унинг ўсиши учун жой қолмабди. Шунда у ўзининг томирчаларини қайин илдизларидан ҳам баландга кўтарибди ва улардан ўзиб кетибди. Бошқа томирдан ўтиб, бўй чўзибди. Ҳозир бу арча қайинларни ҳам ортда қолдириб, у билан ёнма-ён илдизларга чирмашиб кетиб турибди.

89. ОЛМАХОНЛАР

Тонгдан арчаларнинг турли томонларидан чиқиб келаётган олмахонларни излаймиз. Осмон шу қадар оғир ва пастки, гўёки уларни шу арчалар ушлаб тургандай. Яшиллик ўрмонни, ғуддаларни эгаллаб олган, агар уларда ҳосил мўлми ,демак, олмахонлар ҳам йўқ.

Арчазорда шундай арчалар ҳам борки,гўё уларнинг тожларини кимдир атайлаб тараб кўйгандай,жингалак сочилилари ҳам учрайди. Навқирон ва ёш арчалар ёнида кексайиб қолганлари соқолларини силкитиб туришибди. Жудаям қартайиб кетган бу арча жойидан қимирламайди.Ҳар бир шохида оч яшил рангли соқоли бор ,аммо унинг тепасидаги меваларга бутун бир омбор тўлади. Унинг бир шохи титраб кетди.Олмаixon мени кўрди,шекилли ,қотиб қолди.Мен кузаётган ,ёнида турганим—қари дарахтнинг бир томони куйиб кетган, чуқур идишдай кенг Юм-юмалок ўрада турибди.Мен парли барглари қазиб олдим. Қоп—қора ,куя босган ер кўриниб қолди.Мен шунда дарахт томирларининг пастки қисми куйиб кетганини англадим ва мен ўра —идишнинг келиб чиқиш сабабларини тушундим.Ўтган йили қишда бу ўрмонда овчи сувсар изидан йўлга тушган.Сувсар эса баландда юрганга ўхшаб,дарахтларни тагига сакраб ўтган,ўзидан шохларида қорли излар қолдирган. Қимматбаҳо сувсарни овлаш иштиёқи овчини тинч қўймади,кеч тушди ва овчи ўрмонда тунашга қарор қилди.

Мен ҳозир ёнида турган дарахт тагида улкан чумоли уяси бўлган,эхтимол ,шу ўрмондаги энг бой чумолилар салтанати ҳам шу уя бўлгандир.Овчи дарахт тагини қорлардан яхшилаб тозалоган ва ўт ёққан. Ундан иссиқ кул қолган.Овчи шу иссиқ жойига ўрнашиб олибди-да,уйқуга кетибди ва тонг билан яна сувсарнинг изидан йўлга тушибди.

Баҳорда бу чуқурликка сув, қайинлардан учиб тушган япроқлар тўлдирган. Устидан олмахон ғуддаларининг уруғлари униб чиққан. Мен ана ўша олмахонни излаб келдим.

Олмаixonнинг чиқишини кутарканман,китобимга чумолилар уяси ҳақида нимадир ёзмоқчи бўлдим.Овоз чиқармай ,аста—секинлик билан сумкамдан китоб ва қаламимни олдим .Бу чумолилар уяси шу ўрмондаги энг катта салтанат - худди Хитой сингари! - бўлганини ёза бошладим. «Хитой»сўзини ёзишим билан китоб устига баланддан ғуддалар уруғи сочилиб тушди.Юқорида —бошим узра арча ғуддалари устида олмахон турарди.У яшириниб олган, мен тирикманми —ўликми билиш иштиёқи қийнарди уни.Мен гўё дарахтга ўхшаб қимирламай турар,унга хавфсиздай эдим.Эхтимол, у уруғларни мен томонга атайлабдан отиб юборгандир.Унинг қизиқиши ортиб борар , ҳеч нарсани билмас,ҳеч қаяққа кетмаслиги аниқ. Мен ўша улкан салтанат ҳақида ёзишни давом эттирдим, бу салтанат чумолиларнинг катта меҳнати туфайли юзага келган эди,ахир! Нима бўлди?Катта махлуқ келди—ю, ҳаммаси тугади ва бутун салтанат кулга айланди. Шу пайт олмахон мен томонга ғуддаларни отиб юборди. Қўлимдаги китобни тушириб юборишига сал қолди.Мен олмахонни кўз қирим билан кузата бошладим.У аста - секин шохлардан - шохларга тушар ,менга тобора яқинлашар ,елкам оша қараб тургандай, нима қилаётганимни кўрмоқчидай.Жиннивой, менинг сатрларимда бир махлуқ чумолилар салтанатини сиқиб юбориб ,устига тупроқ тортиб, бутун бир салтанатни йўқ қилиб юборди-ку!

Ўтган сафар ҳам мен олмахонга қараб ўқ узганимда ёнма-ён турган учта арчалардан ғуддалар шовдираб ерга тушган эди, натижада олмахонлар ўзларининг қаерда эканликларини сездириб қўйишганини англаш қийин эмас эди.

Биз «Москва чеккаларидаги тайга»да олмахонлар ортидан ноябрь ойида соат иккидан то кеч тушгача ўн бир кун давомида кувиб юрамиз. Бу соатларда улар дарахтдан - дарахтларга кўчишади, сакрашади.Соат иккига қадар эса олмахон шохларга яхшилаб ўрнашиб олади - да ,бизга кўринмас қалин жойда қўллари билан ўзини ювади, тозалайди.Бу пайтда биз овга чиқмаймиз.

90. ОДАМ СОЯСИ

~ира —шира тонг. Ой атрофни ёриштириб турибди.Ҳали Шарқ қоронғу.Барибир,куёш нурлари кўтарилиб кетгани сари ой остида мовийранг ялангликлар ёйилиб кетади.

Кўл музлик билан қоплангандай,аммо ғалати ва асабий руҳда тарқалди туман.Қишлоқ томонларда хўрозлар ва оққушларнинг қийқириклари эшитилади.

Мен укувсиз муסיқачиман, аммо ,назаримда, оккушлар овози баланд оқ товус, баланд учган турналар кийкириқларига жуда ўхшади. Улар тонг ёришиши билан боткикликларга ҳам нур чорлашаётгандек. Оқ товусники пастроқ, ғозларникидек -ғулдир-ғулдир,ғала-ғовур.

Эҳтимол,ой нуридан ёки тонг ёғдуларидандир,мовий ялангликларда, баландда бутун осмонни қоплаб олган кузғунлар ва зағчаларни кўрдим.Кузғунлар олдиндан мўлжални олиб боришар, зағчалар уларнинг изидан қолишмасди.Нима учун зағчалар кузғунлар изидан қолмай учишларини қандай билса бўлади? Мен дунёдаги ҳамма нарса аслида маълум -у,фақат мен бечора ҳеч нарсани билмайман,деб ўйлаган пайтларим ҳам бўлган.Кейинроқ англашимча, тирик табиатнинг энг оддий сирини олимлар ҳам билмаслиги мумкин экан.

Биз яқиндагина билдикки,бизнинг айрим қора қарғалар ҳам кўчманчи экан. Нима учун зағчаларнинг айримлари кузғунлар билан бирга учиб кетишолмайди? – деб ўйлайман ҳамон...

Тонгги шамол турди ва у менинг арчамни йиқитди. У даланинг ўртасида бўлиб, у орқали ғозлар сузиб ўтиши мумкин эди. Мен арчани яна тиклаб қўймоқчи бўлдим, аммо шу пайт - мен ишимни тугатдим ҳамки, ғозлар кўринди. Мен арчани айланиб ўтдим-да, ғозлардан беркиндим. Бироқ улар бир неча марта айланиб ўтдилар—да, арчага шубҳа билан қарашгандай яқин келишмади. Узокқа учиб кетишди. Дубовец яқинига ўрнашиб олишди. Мен уларга дала ўртасидаги толнинг катта-катта бутуқлари оралаб, яқинлашмоқчи бўлдим. Ўрим-йиғимдан бўшаган далада оппоқ аёз ҳукмрон, менинг соям шу юпқа музликларга тушиб, мендан олдинга силжир, мен эса буни анча вақтгача сезмабман ҳам. Бирдан мендан олдинда кетаётган улкан, кўрқинчли нимадир ғозларга яқинлашиб борарди. Одамнинг кўрқинчли сояси оппоқ аёзда - музликда титраб кетди, ғозларда саросималик бошланди. Кутилмаганда улар – икки юзта овоз – Урра! дан кам эмас! - хужумга отилгандай мен ўтирган бутуққа ташланишди. Мен бутуқнинг ичига кириб олишга, ўзимни ёнимда турган дарахт танаси билан яширишга зўрға улгурдим...

91. БЎРСИҚ

Ўтган йили шу пайтлар ер оппоқ эди, бу йил эса куз узок туриб қолди. Қоп-қора тупроқда оппоқ қуёнларнинг юргани, ётганлари узоклардан ҳам кўриниб туради. Мана, ҳозир кимларга оғир! Фақат кулранг бўрсиқ ҳеч нимадан кўркмаса ҳам бўлади. Назаримда, бўрсиқлар шу атрофда юришибди.Улар қандай семириб кетганини кўрсангиз эди! Уларнинг уяларини кузатишга ҳаракат қиламан. Бундай қоронғу дамлар арчазорларда ҳаммиша ҳам ўзинг истаган сукунат ва оромни топа олмайсан. Бизнинг девор билан ўралган хоналаримизда топилмайдиган гоҳо ғамгин , гоҳо завқли мавсумлар бу ерда тиним билмай ҳаракатланади. Бу ҳаракат борлиққа ранг ва қувончлар олиб келади.

Бўрсиқлар яшайдиган чуқур жарлик шу қадар тикки, у ерга чикмоқчи бўлсанг, кумликлардаги бўрсиқ излари ёнида сенинг ҳам қўлларинг излари қолиши аниқ. Мен эски арчанинг танасида ўтирган куйи асосий уяни кузата бошлайман. Олмаҳон қишга тайёргарликни бошлаб, дарахт пўстларини тахламлоқда. Шу пайт атрофни сукунат қоплади. Бу сукунатни эшитган ҳар қандай овчи бўрсиқлар уясини соатлаб кузатиб ўтиришдан зерикмайди, аксинча, иштиёқи ошади.

Арчаларга осилиб тургандай кўринган бу оғир осмонда қуёш ҳали-вери чиқай демайди. Бироқ бўрсиқлар қуёш қачон чиқиб, қачон ботишини уясида ўтириб, уясидан чиқмай ҳам билади. Улар қуёш ботгач, ўзининг қоронғу уясидан чиқиб, атрофга қарайди ва ўта эҳтиёткорлик билан тунги овга чиқади. Бир неча бор атрофни ҳидлаб, пишқириб, бирдан яшириниб олади ва одамни ҳайратга солувчи эпчиллик , чаққонлик билан сакраб, олдга интилади. Овчи уни илғаб ҳам қололмайди. Шунинг учун тонг отиши олдиндан чиққан маъкул - бўрсиқ овдан қайтмоқда. Бундай пайтда у шунчаки юриб келади, шовқин—сурон кўтармайди. Бироқ қиш яқинлашиб келаётган пайтда бўрсиқни ҳар доим

хам кўриб, тутиб бўлмайди. Негаки, у ҳар куни чикмайди. Кечаси билан беҳуда кутганинг, кун бўйи уйкуга кетганинг қолади, холос.

Дарахтлар танаси юмшоқ эмас, ўтиравериб, оёқларинг, тананг қотиб қолади. Бирок бўрсик кўриниши билан барча оғриқларинг унутилади, атроф ёришиб кетгандай туюлади. Унинг тумшуклари бир кўринди-ю, яна яшириниб олди. Ярим соатдан сўнг яна чикди ва ўйлаб кўрди-да, уясига бутунлай кириб олди.

Шу кирганича қайтиб чикмади. Мен ўрмончиникига етмай туриб, оқ пашшалар учиб ўтишди. Наҳотки бўрсик уясидан чикмай ҳам, фақатгина тумшугини чиқарибгина уларни хидини олган бўлса?! Ишонгинг келмайди, лекин бу -ҳақиқат.

92. ИВАН ВА МАРИЯ

Кеч куз ҳавоси баъзан эртаги баҳорга ўхшаб кетади: бир томон - оппоқ қор, бир томон - қорайган тупроқ. Фақат баҳорда ҳаммаёқдан тупроқ ҳиди, кузда эса қор ҳиди уфуради. Бу ўзгаришларга биз бирдан ва табиий кўникамиз, шундай бўлиши керакдай–кишда–қорга, баҳорда - ер хидига, ёзда - тупроқ тафтига, кузда - яна қор хидига.

Қуёш ҳар замонда бир кўриниб, шундай завқли онларни инъом қилиб кетадики, тасаввур қилиш қийин! Шунда кўзларимизга шамоллардан омон қолган тол барглари ёки шундоқ оёғимиз остида жилмайиб турган кўм-кўк гуллар уринади, дилимизни нурлантириб юборади.

Кўм-кўк гулга қараб, ҳайратланаман. Унда Иванни кўраман. Ёлғиз шу Ивангина тирик қолибди. Бу бизнинг маълум ва машҳур гулимиз - Иван ва Мария!

Тўғриси айтсам, Иван ҳақиқий гул эмас. У жуда кўплаб майда–майда жингала баргчалардан иборат. Ҳақиқий гул бу - оналик ва оталик гуллари сарғиш тус олиб, товланиб турган олтинранг Мария. Бу айнан Мариядан тушган кузги уруғлар, улар яна йил бўйи ерни қоплаб олишади. Мариянинг юмуши оғирроқ. Шунинг учун ҳам у Ивандан аввалроқ ерга тушади.

Менга эса Иваннинг аёзларга дош бериб, кўм-кўклашиб кетгани ёқади. Кеч кузнинг мовийранг гулини нигоҳларим билан кузатар эканман, оҳиста сўрайман:

- Иван, ҳой, Иван! Мариянг қаерда?

93. ТУМАН

Юлдузли ва камдан-кам учрайдиган илиқ тун. Тонг ёришай-ёришай деганда эшик олдидаги зинапояга чикдим. Ёлғиз томчини томдан ерга тушганини эшитдим. Қуёш нурлари чиқар-чикмас ҳаммаёқни туман босди ва биз чеки йўқ туман денгизининг қирғоқларига келиб қолдик.

Илк ёруғлик нурлари тарқалишининг бебаҳо ва сирли дамларида баргсиз дарахтлар тарам–тарам бўлиб туришади, қайинлар бошдан–оёқ, тоғтерак ва заранг дарахтларининг энг баланд жойлари таралгандай. Мен аёзнинг туғилишига гувоҳ бўлдим. У қандай қилиб сарғайган, қуриган дарахтларни совуриб, оппоқ рангга бўяганини, кўлмақлар юзига юпқа ойналар торганини кўрдим.

Қуёшнинг чиқиб келишида булутларда ўша қирғоқ қиёфаси кўринди ва осмонда осилиб қолди. Қуёш нурларида туманни сизиб ўтиб, ниҳоят кўл кўринди. Нур билан тўлиб турган туманда ҳамма нарса бўртган ҳолда кўринарди: ёввойи ўрдаклар хужумга шайланган армиядай саф тортиб, оққушлар эса эртақлардан чиққан сув ичидаги оппоқ тошли шаҳарга ўхшаб тўпланиб туришарди.

Уясидан чиқиб, баландларга муҳим иши бордай сайроқи қуш учиб келди, бу тасодиф эмас экан. Бошқа томонлардан ҳам шу йўналишда қатор–қатор йўлдошлари келиб бошлади. Мен кўлнинг ёнидаги ботқоқликка етганимда уларнинг катта галасини кўрдим. Баъзилари дарахтларда ўтирар, кўпчилиги дўнгликларда югурар, сакрашар, баҳордагидай бир-бирларини чақиришарди.

Фақат мана шундай тиниқ кўм-кўк аёзли кундагина эрта баҳорнинг илк кунларини фарқлай олиш мумкин эди. Юрагининг туб-тубида ҳали баҳоргача узоқлигини ҳис этиб

турасан, унинг секинчилирини хотиржамлик билан кутасан. Нимадир юрагингни, руҳингни, борлигингни оғритиб ўтса-да, бу оғриқлар сени қувонтиради - ўтиб кетди-ку, дейсан! Шунда ғамгин ўйларга ботасан. Ахир дард эмас, ҳаёт, Вақт ўтиб кетди-ку...

Кириб келаётган улкан аёзли кунда кўл бутунлай музли ойнага айланди. Ҳар кун ойнадаги қора сувлар сиқилиб-сиқилиб, оппоқ қирғоқларга сингиб борди. Энди кўл тип-тиник, ўзи-да бундан қувонди. Тоғлардан баҳордагидай оқимлар шовқин-сурон солиб тушишди. Бироқ қуёш юзини булутлар тўсгач, унинг нурлари туфайлигина сув ҳам, ёввойи ўрдаклар ҳам армияси ҳам, оққушлар шаҳари ҳам яққол кўринди. Туман яна ҳамма нарсани ёпиб ташлади, кўл ҳам кўринмай қолди. Яна осмонда осилиб турган оқимлар қолди, холос.

94. КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

Қуёш чиқиши олдидан ўтлоқзорга биринчи аёз тушди. Яшириниб, бир чеккадан қузатсанг, нималар рўй бермайди ўтлоқзорда! ~ира-шира тонгда бу ерга кўзга кўринмас ўрмон жонзотлари келишади ва бутун ўтлоқзор бўйлаб оппоқ бўз матоларни ёйиб чиқишади. Қуёшнинг илк нурлари бу матоларни йиғиб олади ва оппоқ ранглари яшиллик эгаллайди. Оқлик аста-секинлик билан йўқола бошлади, фақат дарахтлар соясида ва дўнгликлардагина бу оппоқ қийиқлар анча вақтгача сақланиб туради.

Мовий осмон билан олтинранг дарахтлар ўртасида нималар рўй бераётганига тушунмайсан. Шамол барглари олис-олисларга олиб кетади ёки майда қушчалар гала-гала йиғилишади-да, узоқдаги иссиқ ўлкаларга йўл олишади.

Шамол - ғамхўр хўжайин. Ёз бўйи тинмайди - ҳамма жойни кезиб, кўриб чиқади. У танимаган, билмаган баргнинг ўзи қолмайди. Кузда эса бу ғамхўр хўжайин ҳаммасини йиғиб олади.

Барглар тўкилади. Шивир-шивирларида - видо, абадий видо. Уларнинг ҳаёти шундай қурилган: қадрдон, туғилган маконингдан айрилдингми, видолаш, жон бермоқдасан, ахир!...

95. КЕЧИККАН КУЗ

Буралиб-буралиб бораётган тор йўлдай куз узайиб борди. Ҳали аёз, ҳали ёмғир. Бирданига қишдагидай қор, ортидан изғирин ҳаммаёқни супуриб, музлатиб кетади. Яна қуёш, яна илиқлик ва яшиллим бошланади. Олисларда, ўрмоннинг четида қайин олтин барглари товлантириб турибди. У музлаб қолган, шу қўйи қимирламайди. Шамол унинг барглари битта қўймай юлиб олибди.

Кечиккан куз. Четан дарахтлари аёздан тиришиб туришибди - «ширинлашиб кетишган». Кечиккан куз эрта келган баҳорга шу қадар ўхшашиб кетадики, уларнинг фарқини билиб олгач, ўйлайман: «Бу қишдан чиқсам, кўкламга етсам, армоним қолмасди».

Шунда ҳаётда ҳаммаси қандай бўлса, шундай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб қоласан; ўзингни ўзинг англаб, тоблаб боришинг, тер тўкишинг, шундан сўнгина қувонишга ҳақли эканлигингни сезишинг, ҳис қилишинг керак. «Ниначи ва чумоли» масали эса тушади, чумолининг қатъиятли сўзлари жаранглайди қулоқларинг остида: «Қилган ишинг қуйлаш, энди бориб, ўз қуйингга ўзинг рақсга туш». Эрта баҳорда ҳам яна шундай беминнат қувончлар кутасан; баҳор келиб, у билан бирга тириласан, ниначидай чумоли ҳақида, айтганлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайсан.

96. ИЛДАМ ОЁҚ

Икки сой оралиғидаги бу ялангликда яқиндагина оппоқ кўзқоринларни кўрган эдим. У ҳозир оппоқ. Ҳар кун устига оппоқ дастурхон ёзилади; хаттоки қип-қизил четан дарахти ҳам аёз билан қопланган. Катта сокин ирмоқлар музлаган, кичкина илдам оёқ ирмоқчалар эса тиним билмайди.

97. ЎРМОН ДАРАХТЛАРИ

Биринчи қор. Ўрмон қанчалик тинч ва илиқ бўлмасин, эримайди. Дарахтлар оппок қор билан бурканган, қўллари осилиб турибди. Қайинлар қаддини букиб, ерга қадар эгилиб туришибди ва юмалоқ аркларга ўхшаб қолишган. Дарахтлар ҳам одамларга ўхшайди. Арча қанча оғирлик бўлса, синиб кетса кетадики, кўтаради, аммо эгилмайди; қайинлар елкасига оғирлик тушдими, тамом, дарров қадларини букишади. Арча бошида савлат тўкиб турган ғўшшалари билан ўзини шохдай сезса, қайин кўз ёш тўкади.

Ўрмондаги қорли сукунатда қор ичидан кўриниб турган фигуралар шундай аниқ кўзга ташланадики, ғалати бўлиб кетасан: « Нимага улар бир-бирига ҳеч нарса дейишмайди, фақат мени кўриб, мендан тортиниб туришибдимми?» Қор учқунлаётганда қорли учқунларнинг шивири эшитасан, улар ўша ғаройиб фигуралар билан сирлашаётгандай...

98. АСИР ТУШГАН ДАРАХТЛАР

Дарахт бошидаги ғўшшалар кафтдай очилиб, ёғаётган қорларни териб оларди, шундан шундай гувала пайдо бўладики, қайин тепаси майиша бошлайди. Илиқ ҳавода ҳам қор ёғди, ҳаммаёққа сингди. Бошида ғувала кўтариб, дарахтлар арклари билан энқайиб қолишди. Гувалалар қор билан шу қадар қалин қопланишдики, қор ер билан битта бўлиб, баҳор келгунгача қимирламади. Бу арклар тагига ҳам қиш бўйи жониворлар ва аҳён-аҳён чанғидаги одамлар келиб-кетиб туришарди. Мағрур арчалар ёнидаги бошлари эгилиб турган қайинларга одамларга ўхшаб, қўл остидагиларга буйруқ бермоқчидай қараб туради.

Баҳорда қишдан омон чиққан қайинлар яна арчалар билан ёнма-ён тик туришар, қадди букчайиб қолганлари қишда ҳам , ёзда ҳам арчалар орасида қолаверса бўларди-ю аммо букилдингми, ҳаммаси тамом! Енгилгина қорга ҳам дош беролмай, йилдан-йилга арклари кичрайиб, ерга тортиб, майсалар устига қулаб тушиб боради.

Қорли қишда ёш ўрмонга кириб бориш ваҳимали; кириб ҳам бўлмайди. Ёзда мен юрган ўша кенг йўлларга эгилган дарахтлар ётиб олишган, улар шу қадар пастки, у ердан фақат куёнлар чопиб ўта олишади. Бироқ мен бу ердан ўтишнинг оддий ва ажойиб йўлини биламан, шунда бемалол белни букмасдан ҳам ўтса бўлади. Қўлимга мустаҳкам хипчинни оламан-да, у билан қарсиллатиб, эгилиб турган дарахт шохларини ураман. Шохлардаги қорлар тўкилиб, шохлар бирдан кўтарилади, дарахт менга йўл беради. Аста-секин қадам ташлаб кетарканман, кўплаб дарахтларни сеҳрли таёқчам билан юқларидан халос этаман.

99. ОЛМАХОННИНГ ҚИШКИ ҒАМИ

Олмаҳонларни ўйлайман: агар қишга йиғиб қўйганлари етиб ортса, яхши - енгил тортасан, аммо ҳозир биз изма-из бораётган олмахон қор оралаб шохнинг ичига кирди. У ердан кузда яшириб қўйган иккита ёнғоғини топди. Ўша заҳотиёқ еди-қўйди. Ўн метрларча югуриб борди-да, яна бир шохни қазиб кўрди: Яна еб қўйди. Бу ҳолат учинчи марта яна такрорланди. Албатта, уни қор остида ерга кўмилган ёнғоқларнинг ҳиди олиб келган деб ўйлаш хато. Демак, у кузда ўзи қўйиб, шохлар ичига яшириб кетган ёнғоқларини, емақларини арчалардан қанча-қанча масофа нарида қўйиб кетганини эслаган, демак, олмахонлар ҳам ўз хотирасига ишониб, қиш ғамини ёйдилар, яшайдилар. У ҳар бир емақ кўмилган жойни кўзи билан шундай аниқ қўйганки, ораликдаги масофалар тенглиги одамни хайрон қолдиради, хайратга солади.

100. ОЙНИНГ ТУҒИЛИШИ

Тиниқ кўк. Кун чиқар томон сукунат ичида янаям маҳобатли, ҳашаматли. Ҳаво ҳарорати - минус 12. Карнайчи қуш қорли сўқмоқда енгил кайфиятда елиб бормоқда.

Ўрмон кун бўйи тиллолаиб турди, кечга бориб , осмоннинг бир четида шафак яллиғланди. Бу - шимол шафағи эди - қирмизи-оловранг, арчаларга осилган

ўйинчоқлардай. Тоза қоғоздай. У орқали дунёга қарасанг, чор–атроф ол рангга бўялгандай. Бироқ осмонда битта ҳам қизиллик кўринмайди: осмон ўртасида қалин мовий камонли йўл, қизил шафақ устига занжирдай ўралган; четларига турли-туман нозик чизиклар тортилгандай, улар асосий рангни тўлдириб туришибди.

Тонг чинакамига яллиғланиб, очилгунча қадар чоракам соат ўтди. Янги ой мовий осмонда қизил шафақ рўпарасида турар, у бундай манзарани биринчи марта кўраётгандай хайратга тушди...

ЎРХОН ПАМУҚ

Турк адиби (1952 йил туғилган) . 2006 йилги Нобель мукофоти совриндори. «Жавдатбей ва унинг ўғиллари»(1979), «Янги ҳаёт»(1994), «Истанбул китоблари»(2003; 2006 йилда рус тилига таржима қилинган) романлар муаллифи. Бундан ташқари, «Иностранная литература» журналида унинг «Қора китоб» (1999, № 6), «Мени Қизил чорлайди» (2001, №3), «Оққалъа»(2004, № 3) романлари чоп этилган. Ушбу ҳикоя «Бетакрор гуллар»(1990) тўпламидан олинган. Унда инсон ички руҳий кечинмалари, ҳаёт тўлқинлари нозиклик ва чуқур самимият билан очиб берилади. Болалик дунёсининг катталар ҳаётига кириб бориши, улгайиши, ҳаёт йўлларининг қувонч ва изтироблари ўзига хос ранг ва моҳият касб этади.

ДЕРАЗА ОРТИ МАНЗАРАЛАРИ

ҲИКОЯ

Ҳеч нарса кўриб ҳам, тинглаб ҳам бўлмаса, бу - ҳаёт эмас, зерикишнинг ўзгинаси. Болалагимдан зерикиш билан қандай курашиб келинганини гувоҳи бўлганман – радио тинглашган, дераза ортидан кўчани кузатишган, ўтаётган одамлар, дераза қаршисидаги уйларни томоша қилишган. 1958 йилларда ҳали Туркияда телевизорлар оммалашмаган эди. Бутунлай бўлмаган эди, деб бўлмайди. «Бўлмаган» сўзи кўпроқ Истанбул кинотеатрларида «Ҳали прокатга олиб келинмади» деган сўзларга оҳангдош эди, холос. Аслида, ўша турли Голливуд мелодраммалари уч-беш йил олдин суратга олинган бўлиб чиқарди.

Дераза ортидан кузатиш шу қадар табиий одатга айландики, телевизорлар пайдо бўлганидан сўнг ҳам одамлар дераза ортидан туриб, кузатишни тарк этмадилар. Отам, амаким ва бувим телевизордан кўз узмай, суҳбатлашишар ва жанжаллашиб ҳам олишарди. Бир-бирларига қарамай, деразадан ташқарини кузатиб ўтиришгандай бир-бирларига шу ҳақда айтишарди.

- Бу киш қор узоқ туриб қолади, - дерди эрталабдан буён ёғайтган майда-майда қорни кузатиб холам.

- Буниси – ҳолва. Сотувчи яна Нишонтоши бурчагида туриб олибди, - дердим бошқа деразадан трамвай йўллари бўйлаб кузатарканман кўчани.

Бозор кунлари амаким, холам ва бизнинг оила бувимникида тушлик қилардик. Ҳаммамиз битта уйда, фақат бошқа-бошқа қаватларда яшардик. Дастурхон тузатишларини кутганча дераза ортидан кўчани кузатиб турар эканман, мен ўзимни туғишганларим, қариндош-уруғларим орасида шундай бахтли сезардимки, ҳатто катта столни хирагина ёритиб турган хира биллур қандиллар ҳам кўзимга ярқираб кўринарди. Бувимнинг ошхонаси ҳамиша ним ёруғ, бошқа хоналари ҳам худди шундай, балки бундан-да қоронғуроқ бўларди. Бу балким ҳеч очилмайдиган балкон эшикларига осиб ташланган оғир дарпардалардан тўкилаётган, сирғалиб тушаётган соялардандир, балким дим хоналарда ўтириб қолган хидлардандир. Бу хоналар садафдан ясалган асбоблар-ашёлар, кўчма пардалар, эски сандиқлар, катта-кичик столлар, улкан думли роял, унинг устидаги рамкали фотолар ва бир уюм бошқа нарсаларга тўла. Тушликдан сўнг амаким ошхонага ёндош хоналардан бирида тамакисини тутатарди.

- Менда футбол ўйинига чипта бор, лекин ўзим боролмайман, - деди у бехосдан.- Сизларни ўйинга отангиз олиб бора қолсин.

- Ота, бизни футболга олиб боринг, - илтимос қилди акам.

- Болалар очиқ ҳавога ҳам чиқишган бўларди, - деди онам меҳмонхонадан туриб.

- Ўзинг олиб бор, - деди отам онамга.

- Онамникига кетаяпман, - эътироз билдирди онам.

- Мен бувимникига бормайман, - деди акам.

- Машинамни бера қоламан, - деди қатъийлик билан бувам.

- Ота, олиб бора қолинг, илтимос, - туриб олди акам.

Узоқ вақт орага ғалати жимлик чўкди. Меҳмонхонада ўтирганганларнинг бари отамнинг оғзидан чиқадиган сўзга қараб туришарди. Отам эса бунини сезиб :

- Машинамни бериб тураман, деяпсизми? – деб сўради у ниҳоят бувадан.

Онам бизга қалин иссиқ пайпоқ ва катак-катак иккитадан свитер кийгизаётган пайтда отам узун даҳлизда сигарет чекканча у ёқдан- бу ёққа бориб келаётган эди. Бувамининг тўқ кўк ранг машинаси Ташвиқий масжиди ёнида ёпиғлиқ турарди. Отам иккимизни машинага ўтказгач, моторни бир ёқишдаёқ ўт олди.

Стадионда одам сийрак эди.

- Манови чипта икковига, - деди отам чипта текширувчисига.- Бири саккиз, иккинчиси ўн бир ёшда.

Чипта текширувчининг ўткир нигоҳларидан ўтиб, ичкарига кирдик. Кўп ўриндиқлар бўш экан, дарҳол жой топиб ўтириб олдик.

Команда нам майдонга тушиб келди. Менга футболчиларнинг оппоқ калта иштонда тушиб келиб, совуқ қотмаслик учун майдонда сакрашлари ёқди, уларни мароқ билан кузатардим.

- Қара, Ключок Мехметни кўраёсанми, - кўрсатди акам улардан бирига кўрсаткич бармоғини нуқиб. – Уни ёшлар командасидан олишибди.

- Ўзим ҳам биламан.

Ўйин бошланди, нафасимизни ичимизга ютиб, ўйинни томоша қила бошладик. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, менинг кўзим ўйинда-ю, хаёлим бошқа томонларга кетиб қолди. Нега футболчиларнинг кийимлари бир хилда-ю, исмлари турлича? Назаримда, стадионда ўйинчилар эмас, уларнинг исмлари югуриб юргандек эди. Ўйинчиларнинг уст-бошлари борган сари ифлосланиб борарди. Менинг эътиборимни аста-секин сузиб келаётган пароходнинг трубасти тортди. Биринчи тайм якунлангунча ҳам дарвозага тўп ура олишмади, танаффус пайтида нон билан ширин нўхат сотиб олдик.

- Ота, мен ҳаммасини ея олмайман, - дедим.

- Қолганини анави ерга қўйиб келақол, - деди у, - ҳеч ким кўрмайди.

Биз ҳам исинишга уриндик, оёғимизни оёғимизга ура бошладик. Учаламиз ҳам шимимизнинг чўнтагига қўлимизни солиб, футбол майдонига орқа ўгирилиб, бошқа томошабинларни кузата бошладик. Тўсатдан оломон орасидан кимдир отамни чакириб қолди. Отам эса унинг гапларини эшитолмас, қўлларини қулоғи ортига тутиб, диққат билан қулоқ тутди.

- Боролмайман, - деди у қўллари билан бизни кўрсатиб, - болаларим билан биргаман.

Сиёхранг шарфдаги. одам атрофдагиларни нари-бери итариб, биз томонга ошиқди.

-Булар сенинг болаларингми? – деди у отам билан қучоқлашиб кўришар экан.- Ишонгим келмаяпти, катта бўлиб қолишибди-ку!

Отам мийиғида кулиб турарди.

- Қачон катта қилиб улгурдинг? – тинмай жавварди отамнинг таниши бизга ажабланиб қараркан. – мактабни битириб уйлангансан-а?

- Ҳа, - деди отам танишининг юзига қарамай.

Улар гаплаша бошлашди. Сиёхранг шарфли киши бизнинг кафтимизга биттадан америка пистасидан тутқазди. У кетгач, отам ўриндикка ўтириб, узоқ сукут сақлади.

Футбол командаси ўйин майдонига тоза кийимда югуриб чиқиб, келишаётганда, отам:

- Уйга кета қолайлик. Совуқ тушиб қолди, - деди.

- Мен совқотмаяпман, - деди акам.

- Йўқ, совуқ-ку. Али совқотиб қолади. Қани, ўринларингдан туринглар-чи. – тиззаларни бир-бирига уриб, ўтирганларни оёққа туришларига мажбур этдик. Биз ўйин майдонини тарк этаётганимизда, ҳакамнинг ҳуштаги эшитилди. Иккинчи тайм бошланган эди.

- Совқотдингми? – сўради акам мендан. – нега отамга совқотмадим, деб айтмадинг?

Акамнинг гапига жавоб қайтармадим.

- Аҳмоқ, - деди у.

- Иккинчи таймни уйда радиодан эшитарсан, - деди отам.

- Бу ўйинни радиодан бермайди, - жавоб қайтарди акам.

- Секин, - деди отам. – бўлмаса, ортимизга Таксим орқали қайтиб борармиз.

Биз индамай йўлда давом этдик.

Отам машинани Таксим орқали ҳайдади.

- Эшикни ҳеч кимга очманглар. Мен тезда қайтаман.

У машинадан тушди. Машина эшигини калит билан кулфлагач, биз ичкарида камалиб қолдик. Отам билет сотувчи ёнига бормади. У бошқа тарафга тез юриб, дўконга кириб кетди. Дўкон деразасидан осиб қўйилган катта – катта самолётлар, кемалар, гўзал маназарали плакатлар кўриниб турарди.

- Отам қаерга кетаяптилар?

- Уйга борганимиздан кейин «Тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаймиз, -деди акам саволимга жавоб бермай.

Отам қайтиб келгач, тезлик узатиш дастасини бураб, тезликни кўтарди. Биз Нишонтоши майдонига етиб келдик. Отам машинани мачит ёнига тўғрилаб қўйди ва Оловуддин дўкони ёнидан ўтиб кетаётганимизда:

- Сизларга бирон нарса олиб бермоқчиман, фақат сақич олиб беришимизни сўраманглар, - деди.

- Отажон,ундай қилманг, - ялиндик биз.

Отам Оловуддин дўконига кириб, биз хуш кўрадиган сақичдан олиб чиқди. Биз подъездга киргач, бесаранжом бўлиб қолдим. Лифт ичида хожатга чиққим келиб қолса бўладими?! Уйимизнинг ичи иссиққина эди. Ойим ҳали бувимникидан қайтиб келмаган экан. Биз отам олиб берган сақичнинг ўрамини шоша-пиша очиб, қоғозини ерга ташладик. Сақичимнинг ўрамидан Февзи Чакмак Пошша сурати, бошқасидан Чарли Чаплин ва жангчи Халита Капланнинг сурати чиқди. Ганди, Моцарт ва де Голля, Отатуркнинг икки қаватли хатчўпдаги тасвири, Грета Гарбонинг 21-рақамли остидаги тасвири – бундай хатчўплар акамда йўқ эди. Қўлимда роппа-роса 173 та хатчўпим бор, бироқ ҳамма серияларни тўплаш учун менга яна 27 та турли хатчўплар керак эди. Акамнинг қўлига маршал Февзи Чакмак Пошшо акс эттирилган тўртта хатчўп, Отатуркнинг сурати бор бештта хатчўп, Эдисон суратли битта хатчўп тушиб қолди. Биз оғзимизни сақич билан хатчўпнинг орқа томонига ёзилган сўзларни ўқий бошладик: «Маршал Февзи Чакмак (1876-1950), Озодлик уруши бош қўмондони. «Машхурлар» сериясидан 1000 та турли хатчўпли тўплам йиғинг ва теридан ясалган футбол тўпини Мамбо Шикер Чаклет Санайи томонидан тухфа сифатидан қабул қилинг.

Акам қўлидаги қоғозли сақичдан чиққан расмлари кўпайиб қолганини айтди.

-«Тоқ ва жуфт «ўйинини ўйнаймизми?»-сўради у.

- Йўқ, - дедим.

- Менинг ўн иккита Февзи Чакмакимга битта Грета Гарбони алмашасанми? Шунда сенда роппа-роса 184 та бўлади.

- Йўқ, алмашмайман, - жавоб қайтардим мен.

- Сенда Грета Гарбодан иккита-ку.

Мен индамай туравердим.

- Эртага эмлаётган пайт ёнимга югуриб келма, хўпми?

- Келмайман ҳам.

Кечки овқатни жимгина танавул қилдик. Ҳаммамиз «Спорт дунёси» кўрсатувини кўриб, ўйин 2:2 билан яқунланганини эшитдик. Онам бизни уйқуга ётқизиш учун хонамизга кириб келди. Акам папкасини сарамжомлаётганди, мен меҳмонхонага югуриб чиқиб кетдим. Отам дераза ёнида кўчага қараб турарди.

-Ота, мен эртага мактабга бормайман.

-Нималар деяпсан, ўғлим?

- Эртага бизни эмлашмоқчи, - дедим мен.- Иссиғим чиқиб, нафасим сиқилиб қолади. Ойим биладилар.

Отам менга индамай қараб турарди. Мен қоғоз-қалам олиб келиш учун югуриб чиқиб кетдим.

- Ойингни бундан хабари борми? – сўради отам ўқиб, ниҳоясига етказа олмаётган қандайдир қоғозга мук тушиб. – Мактабингга албатта борасан. Мен сени эмламанглар, деб ёзиб бераман.

Отам хат ёзиб берди. Сиёҳи қуримаган хатни пуфлаб қуритдим-да, буклаб чўнтагимга солиб қўйдим.Хонамга кириб, хатни сумкамга солиб қўйдим. Каравотда сакрай бошладим.

- Эсингни йиғиб ол,- деди онам. - Қани, ухла-чи.

Мактабда танаффус пайти иккитадан қилиб қаторлаштиришганча эмлаш учун ошхонага олиб тушишди. Эмлаш пайтида кимдир йиғларди, кимдир қўрқув билан ўз навбатини кутарди. Спиртнинг хидидан юрагим ғалати бўлиб кетди. Мен қатордан чиқиб, зинапоя ёнида турган ўқитувчининг ёнига келдим.

- Нима бўлди? – сўради ўқитувчим.

Мен чўнтагимдан отам ёзиб берган хатни чиқариб, ўқитувчимнинг қўлига тутқаздим. У афтини бужмайтириб, хатни ўқиди.

- Сенинг отанг доктор эмас-ку, - деди у:- Яхши, тепага тушиб чиқай-чи. 2 «а»нинг ёнида тур.

2 «а» синфида менга ўхшаш олти-еттича «сабабли» болалар бор эди. Улардан бири диққат-эътиборини деразага қаратган эди. Коридордан қичқирик ва йиғи овози эшитилар, семиз, кўзойнак такқан, навбатчи писта чаққанча Киновнинг китобини ўқирди. Эшик очилиб, директор ёрдамчиси Сайфибей кириб келди.

- Сизлардан қай бирингиз ҳақиқатдан ҳам касал бўлсангиз керак, - дея гап бошлади у. – Агар кимнингдир ҳақиқатдан ҳам узрли сабаби бўлса, унда эмламасликка мажбурмиз. Тез орада ўсиб улғаясиз. Она-Ватан учун хизмат қиласиз. Мустақил ҳаётга йўл оласиз. Бугун кимдир эмлашдан қочса, келгусида Ватанига номуносиб фарзанд бўлиб етишади. Ўғил болалар учун бу уят!

Орага узоқ вақт жимлик чўкди. Мен Отатурк портретига тикилиб туриб, кўзимга ёш қалқиди. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек синф томонга қараб кета бошладик. Эмланган болалардан қай бирлари қўлларини авайлаганча, қай бирлари кўзлари тўла ёш билан, хуллас, барчаси афтлари оғриқдан зўриқиб, синф хонасига кириб кела бошладилар.

- Кимнинг уйи яқин бўлса, рухсат, кетаверинглар, - деди ўқитувчимиз. – Уйдан келиб олиб кетувчилар охирги қўнғироқчача ўтирадилар. Бир-бирингиз билан уришманглар, қўлларингизни эҳтиёт қилинглар. Эртага мактабга келманглар. Ўқиш бўлмайди.

Ҳамма ўқувчилар севинганларидан қичқириб юборишди. Мен қўлимга сумкамни олдим-да, кўчага чиқдим ва югура бошладим. Қорабата гўшт дўконининг олдида юк турар, нўхталанган отлар йўлимни тўсиб қўйишган. Мен уларнинг ёнидан сирғалиб ўтдим, кўчани кесиб ўтдим-да, йўлакчамга тушиб олдим. Тайёр кийимлар сотиладиган Хайри дўкони, гул сотувчи Солиҳнинг ёнидан чопиб ўтдим. Эшикни уйимизнинг эшикбони Нозим афанди очди.

- Нега мактабдан барвақт келдинг? – деб сўради у.

- Бизни мактабни эмлашган эди, шунинг учун барвақт қўйиб юборишди, - жавоб бердим мен.

- Аканг қани? Бир ўзинг қайтиб келдингми?

- Ҳа, трамвай йўлидан ўзим ўтдим. Эртага ўқишга бормас эканмиз.

- Ойинг уйда эмас, шекилли, - деди у. – Бувингни ёнига чиқақол.

- Уйимга бораман, - дедим мен. – Мазам йўқроқ. Илтимос, эшикни очиб берсангиз.

У девордан калитни олди ва биз лифтга чиқдик. Лифтнинг ичи тутунга тўлиб кетибди, кўзим ёшланди. Нозим афанди эшигимизни очиб берди.

- Эҳтиёт бўл, электр анжомларини ўйнама тағин, - эшикни бекитаркан, ташқарига чиқиб кетди.

Уйда ҳеч ким йўқлигини билиб турсам-да, бор овозим билан:

- Уйда ким бор? - деб қичқирдим.

Мен сумкамни қўйиб, акамнинг жавонини очдим-да, кино билетлари йиғилган коллекциясини томоша қила бошладим. Буларни у менга кўрсатмасди-да. Футбол ўйинлари босилган газеталардан йиғиб олиб, дафтарига ёпиштирган суратларни томоша қилишга берилиб кетганимдан эшикка калит солиб очаётганларини пайқаман ҳам. Қўрққанамдан қотиб қолдим. Уйга кириб келаётган кимсанинг қадам товушидан онам эмас, отам эканлигини пайқадим. Мен эҳтиётлик билан чипта ва дафтарни акамнинг

жавонига солиб қўйдим. Отам ётоқхонага кириб, шкаф эшигини очиб, уни кўздан кечирди.

- Шу ердамисан? - деди у.

- Йўқ, Париждаман, - дедим мен мактабда болалар берадиган жавобларга тақлид қилиб. – Бугун синфимиздагиларни эмлашди.

- Аканг кўринмайдими? – сўради у. Яхшиси, хонангга бор-да, тўпалон қилмай ўтир.

Мен хонамга кириб, пешонамни дераза ойнасига тираганча, ташқарини кузата бошладим. Тарақлаган овоздан отам шкафдан жамадонини олаётганини сездим. Бироз вақт ўтиб, у шкафдаги шим, свитер, ички кийимлари, кўйлак, пайпоқларини олаётганини пайқадим. Уларни жамадонга солаётган эди. Ювиниш хонасига кириб чиқди-да, сўнг жамадонини шарақлатиб қулфлади.

- Бу ерда нима қиляпсан?

- Деразадан ташқарига қараяпман.

- Қани, ёнимга кел-чи.

Отам елкамдан кучди, шу куйи узоқ вақт деразадан ташқарига қараб турдик. Қаршимиздаги уй ўртасидаги баланд бўйли сарв дарахти учлари шамолда оғир чайқалишарди. Мен отамнинг қадрдон ва азиз ҳидини туйдим.

- Мен узоққа кетаяпман, - деди у мени ўпиб қўяркан. – Онангга ҳеч нарса дема. Кейин ўзим айтаман.

- Самолётда учиб кетасизми?

- Ҳа, - деб жавоб берди у. – Парижга учаман. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема.

Отам чўнтагидан катта танга пул олди-да, менга берди.

- Ҳеч кимга ҳеч нима дема, - деди у бетимдан ўпиб қўяркан. – Мени бу ерда кўрганингни ҳам ҳеч кимга айтма.

Пулни дарҳол чўнтагимга солиб қўйдим. Отам мени кучоғидан чиқариб, жамадонини кўтариб олди.

- Отажон, кетманг, - ялиндим мен. У мен яна қучиб ўпди-да, чиқиб кетди.

Мен дераза ёнига бориб, унинг ортидан қараб қолдим. Отам Оловуддин дўкони томон йўл олди, йўлда келаётган таксини тўхтатди. Таксига ўтиришдан аввал уйимиз томон ўгирилиб қаради-да, менга қўлини силкиди. Мен ҳам қўл силкитиб қўйдим. Отам машинага ўтирди, йўлга тушди.

Мен отамнинг ортидан узоқ қараб қолдим. Бу орада бир трамвай, сўнг от тортиб келаётган сув араваси ўтди.

Нозим афандини чақирдим.

Уйга кириб келаркан:

- Сен қўнғироқ қилдингми? Қўнғирокни ўйнама дегандим-ку. – деди у.

- Манави икки лирага, - дедим унга. – Оловуддин дўконига бориб, менга «Машхурлар» сақичидан олиб келиб беринг. Қайтимини қайтариб берарсиз.

-Пулни отанг бердими? – сўради у. - Қара, яна онанг хафа бўлиб юрмасин.

Мен унга лом-лим демадим, у кетди. Мен унинг ортидан кузатиб, Оловуддин дўконига киришини томоша қилиб турдим. Орадан бироз вақт ўтгач, у дўкондан чиқиб келди. Қаршимиздаги уйдан чиқиб келган ўша уйнинг эшикбони билан учрашиб қолди ва иккаласи гаплаша кетди.

Ёнимга келиб, айтган нарсам билан қайтимни қўлимга тутқазди. Мен шошилмасдан сақичнинг ўрамини оча бошладим. Яна маршал Февзи Чакмақдан учта хатчўп, битта – Отатурк, Линдберг – бунақаси менда йўқ эди. Леонардо да Винчи, Қонун султон Сулаймон, Черчелл, генерал Франко ва акамда бўлмаган 21 –рақамли Грета Гарбо тасвири туширилган битта хатчўп. Шундай қилиб, менда 183 та хатчўп бор, футбол тўпига эга бўлишим учун яна 27 та турли хатчўплар зарур.

Мен биринчи бўлиб Атлантика бўйлаб самолёти билан учиб ўтган Линдберг тасвири туширилган хатчўпни томоша қилиб ўтирардим. Калит товуши эшитилди ва эшик очилди.

Онам! Мен тезда полда сочилиб ётган нарсаларни йиғдим-да, уларни ахлат қутисига ташлаб юбордим.

- Эмлашган эди, шунинг учун уйга барвақт келдим, - дедим онамга. – Ҳар хил касалликларга чалинмасликларим учун эмлашди.

-Аканг қаерда?

- Уларнинг синфини ҳали эмлашмади,- жавоб бердим онамга.- Бизнинг синфимиздагиларга жавоб бериб юборишди. Йўлдан ўзим ўтиб келдим.

- Ҳеч қаеринг оғримияптими?

Индамидим. Орадан бироз дақиқалар ўтгач, акам кириб келди. Унинг қўли оғриётган эди. У каравотга ётди, ўнг қўлини авайлаб, уйқуга кетди. Акам уйғонганида атрофга қоронғулик ўз чодирини ёпган эди.

- Ойи, жудаям оғрияпти,- деди у.

- Кечга бориб, иссиғинг ҳам чиқиши мумкин, - деди онам бошқа хонада оқлиқларни дазмолларкан. – Али, сенинг ҳам қўлинг оғрияптими? Қимирламай жим ётинглар.

Биз онамнинг айтганини қилиб, жим ётдик. Акам бироз мизғиб олгач, спорт ҳақидаги газетани ўқий бошлади. Сўнг иккинчи таймда қолмай, тўртта гол урилганини кўролмай қолганимизга мен айбдор эканлигимни айтди.

- Нима майдондан биз кетмаганимизда бу голлар дарвозага урилмаган бўлармиди? – бўш келмадим мен.

- Нима?! – ўшқирди акам.

Акам яна ухлаб қолди. Уйқудан уйғониб, олти Февзи Чакмак суратига тўртта Отатурк ва учта Грета Гарбо тасвирини алмаштириб беришимни сўради. Мен рози бўлмадим.

-«Тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаймизми? – деди акам.

- Ўйнасақ, ўйнайверамиз!

Бу ўйинда қафтларингга «Машҳурлар» сериясидаги хатчўпларни териб қўясан. Устими-ости деб сўрайсан. У ости деса, сен пастдаги хатчўпни суғурасан. Унга қарайсан, рақамини кўрасан. Масалан, №78, Рита Ҳайворт. Устидаги хатчўп эса - №18. Данте. Шунда пастдаги хатчўплар қўлингдан чиқиб кетади, сен ўзингда кўп бўлган хатчўплардан бирини шеригингга берасан. Кечгача Февзи Чакмак хатчўпи мен билан акам ўртасида роса югурди.

Кечки овқат пайтида онам:

- Бирингиз отангиз келганми-йўқми билиш учун юқоридан хабар олинглар-чи, - деди.

Ака-ука юқорига кўтарилдик. Бувим билан бувам ҳордиқ чиқаришмоқда эди, отам кўринмасди. Биз радиодан янгиликларни эшитиб, газетада ёритилган спорт саҳифасини ўқидик. Бувим билан бувам кечки овқат танавул қилишаётганда биз пастга тушдик.

-Қаёққа йўқолдиларинг? – сўради онам. – Ҳарқалай, еу ерда овқатланмагандирсизлар? Ҳозир шўрва сузиб бераман. Отангиз қайтгунча бемалол овқатланиб олинглар.

- Иссиқ нон борми? – деб сўради акам.

Онам биз жимгина овқат ейишимизга қараб турарди. Бошини тутиб туриши, маънос кўзларида лифт юрмаётганмикан деган маъно сезилиб турарди. Биз овқатланиб бўлгач: онам: «Яна сузиб берайми? – деб идиш ичига қараб қўйди.

- Овқат совумасдан ичиб олсаммикан, - деди у ўйланқираб. Ўрнидан турди-да, Нишонтоши майдонига қараётгандек деразадан ташқарига узоқ тикилди. Анча пайтгача индамай пастга қараб турди. Ортга ўгирилиб, ўзига ҳам шўрвадан сузиб ичди. Биз ака-ука кечаги футбол ўйинини муҳокама қила кетдик.

- Секин, - деди онам.- Лифтнинг овозими эшитилаётган?

Биз баҳсдан тўхтаб, диққат билан қулоқ тутдик. Бу лифтнинг овози эмас эди. Жимликни трамвайнинг шовқини, стол ва унинг устидаги сув тўла графиннинг шақирлаган овози бузди. Биз апельсинни еб бўлган ҳам эдикки, лифтнинг овози

эшитилди. Овоз тобора яқинлашиб келарди. Лифт бизнинг қаватда тўхтамай, бувимлар томон юқорилаб кетди.

-Юқорига чиқиб кетди, - деди онам.

Овқатдан сўнг, онам:

- Ликопларингизни ошхонага олиб бориб қўйинглар Отангизники жойида қолсин.

Биз стол устини йиғиштириб олдик. Отамиз учун қўйилган ликоп узоқ вақт стол устида туриб қолди.

Онам полиция идораси кўриниб турадиган дераза ёнида анча туриб қолди. Сўнг қандайдир фикр бошига келиб урилгандек отамга қўйилган ликоп, қошиқ ва санчқиларни олиб, ошхонага йўл олди. Ювуксиз идишларни ювмасдан ҳам:

- Бувимизнинг олдига чиқаман, - деди у. – Уришмай ўтиринглар.

Мен акам билан «тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаб ўтирардик.

- Жуфт, - дедим мен.

Акам кафтидаги биринчи хатчўпни чиқарди-да, менга кўрсатди:

- Дунёдаги энг машҳур курашчи – Улкан Юсуф., № 34. – пастдагисига қаради. – Отатурк, № 50. Сен ютқаздинг, - деди у. – Менга яна битта хатчўп бер.

Узоқ давом этган ўйинда фақат акам ютди.

-Мен бошқа ўйнамайман, - дедим мен жаҳлим чиқиб. – Мен онамнинг ёнига чиқаман.

-Онамнинг жаҳли чиқади.

- Уйда бир ўзинг қолишга кўрқаяпсанми, кўрқок.

Бувимнинг уйи ҳар доимгидек очиқ экан. Улар овқатланиб бўлишган, Бакир ошпаз идиш-товоқларни ювмоқда эди. Бувим билан бувам бир-бирларига рўбарў ўтиришарди. Онам эса Нишонтоши майдони кўриниб турадиган дераза ёнида турарди.

- Бу ёққа кел, - деди онам ойнадан бошини олмай. Мен шу ондаёқ ойна билан онам ўртасига туриб, онамни кучоқлаб олдим. Биз икковлон Нишонтоши майдонига диққат билан қарай бошладик. Онам қўлини бошимга қўйиб, узоқ вақт сочларимни силади.

- Отанг чошгоҳда уйга келибди, сен уни кўрибсан, - шивирлади у.

- Ҳа, - дедим мен.

- У келиб, жамодонини олиб кетибди. Нозим афанди айтди.

- Ҳа.

- Қаерга кетаётганини сенга айтдимми?

- Йўқ, - жавоб бердим мен. – У менга икки ярим лира берди.

Тун. Атрофга қоронғулик ёйилди, дўконлар қорайиб кўринар, машиналар фараларини ёққанча ҳаракатланарди.Атрофга ҳорғинлик чўкканди: кўча ўртасида йўл нозирининг жойи бўм-бўш, хиёбондаги тошлар, эълонлар ҳарфлари ҳам ҳўлланган эди. Ёмғир ёға бошлади. Онам ҳамон сочимни силарди.

Бувим билан бувам ўртасидаги доимо шанғиллаб турадиган радио хозир кўрққандек миқ этмай турарди.

-Қизим, у ерда турма, - деди бувим онамга. – келинлар, бу ёққа ўтиринглар.

Шу тобда акам ҳам бизнинг ёнимизга чиқиб келди.

- Ошхонага кинглар, - деди бувим бизга. – Бакир, - чақирди у ошпазни. - Уларга копток ясаб бер, дахлизда ўйнашади.

Бакир идиш-товоқларни ювиб бўлган эди.

- Бу ёққа келинлар, - деб чақирди у бизларни ва бувимнинг балконида газета ўрамларини олиб келиб, бизга қоғоздан копток ясай бошлади. Копток унинг муштумидек бўлгач, Бакир:

- Бўлдими? – деб сўради биздан.

-Сал каттароқ қилинг, - илтимос қилди акам.

Бакир газета ўрамларидан копток ясагунига қадар эшик қия очиқ эди.

Эшик оралиғидан бувим билан бувамнинг қаршисида ўтирган онамга қарадим. Бакир кутидан боғич олиб, газетадан ясалган коптокни чандиб, ўради. У копток атрофини латта

билан ўраб, букланмай қолган ерларини кўли билан эзгилаб тўғрилади. Акамнинг сабри чидамай, коптокка кўлини теккизиб кўрарди.

- Буни қаранглар-а, - деди у. – тошдек бўпти-ку.

-Қани, тепиб кўр-чи, -деди Бакир.

Акам эҳтиёткорлик билан кўрсатилган жойга тепиб кўрди. Бакир чилвир билан коптокни яна маҳкамроқ чандиди, сўнг бизга берди. Биз коптокни уриб кўриб, уни осмонга ота бошладик.

- Дахлизга чиқиб ўйнанглар, - деди Бакир. – Ошхонада ўйнасанглар, у – бу нарсани синдириб қўйишинглар мумкин.

Мен ўзимни «Фонарбоғча»даги Лефтердек тасаввур қилдим ва ўйинга берилиб кетдим. Эшикка гол ураман, деб бир неча марта акамнинг оғриб турган кўлига теккизиб юбордим. У ҳам мени тепиб ўтди, аммо буни мен сезмадим. Биз терга ботиб кетдик, тўп майда-майда бўлиб кетди. Мен 5:3 ҳисобида ютаётган эдим. Яна акамнинг оғриётган кўлига уришиб кетдим. У полга ётиб олди-да, йиғлай бошлади.

- Оғриғим ўтсин, сени ўлдираман, - деди у менга пўписа қилиб.

У ютказиб қўйганидан аламзада эди. Мен дахлиздан меҳмонхонага ўтдим, бувим, онам ва амаким кабинетга киришди. Бувим телефон рақамларини айлантира бошлади.

- Алло, алло, - деди у оналарча эркаловчи оҳангда. – Алло, бу «Ешилькой» аэропортими? Азизам, биз самолётда Европага учиб кетган бир йўловчи ҳақида сўрамоқчи эдик. – У отамнинг исми-шарифини айтди. Бир пас кутиб турди. Кўли билан телефон шнурини айлантириб турарди. – Менга сигарета олиб кел, - деди у амакимга. – Амаким чиқиб кетгандан сўнг трубкани кулоғидан олди. - Қизгинам, айт-чи, - у онамга ўгирилди. – Унинг ҳаётида бирон-бир аёл бормиди? Бирон нарса биласизми?

Онам нима деб жавоб берганини эшитолмадим. Бувим унга шундай тикилдими, гўё онам ҳеч нарса демади, бувим ҳеч нарсани эшитмади. Кейин телефонда нимадир дейишди. Бувимнинг жаҳли чиқди.

-Бундай маълумотни беришмаскан,- деди у кўлида сигарета ва кулдон билан бувимга яқинлашаётган амакимга.

Шу ерда амаким мен ҳам борлигимни кўриб қолди, онам унинг қарашини тушуниб, мени дахлизга олиб чиқди. Мени терлаб кетганимни билди, аммо аччиғи келмади.

-Ойи, кўлим оғрияпти, - деди акам.

- Ҳозир пастга тушуамиз, мен сизларни ўринларингизга жойлайман.

Пастда, биз яшаётган қаватда учаламиз узоқ вақт сукут сақлаб ўтирдик. Ўринга ётиш олдидан мен тунги кийимда ошхонага кириб, стаканга сув солиб, меҳмонхонага ўтдим. Онам дераза ёнида чекиб турарди.

-Ялангоёқ юрма, совқотасан, - деди онам мени кўриб: - - Аканг ётдими?

-Ухлади, ойи, мени сизга айтадиган гапим бор.

Онам озгина сурилди, онам билан дераза оралиғигага кириб олдим.

-Отам Парижга кетди, дедим мен. – Биласизми, у қайси жамадонни олди?

Онам индамади. Биз тунги сукунат ичида ёмғирли кўчани узоқ кузатдик.

3

Онам томонидан бувимнинг уйи Шишли мачитининг рўпарасида жойлашган. Бу – трамвай депоси олдидаги сўнгги бекат эди. Ҳозир бу ердаги майдонда автобус бекатлари, катта –катта эълонлар билан тўлиб-тошган дўконлар кўпайиб кетган. Унинг атрофида баҳайбат офис бинолари кўтарилиб келмоқда, уларда жуда кўплаб одамлар ишлайди. Ҳар куни тушлик пайтида улар йўлакларга тўкиладилар-да, чумолилардай у ёқдан-бу ёққа югуришади. Бу – Истанбулнинг ғарбий қисмида жойлашган чекка жойлардан бири эди. Биз сарв ва тут дарахтлари остидан ҳар гал ўтар эканмиз, онамнинг кўлидан ушлаб олиб, кенг, сокин, қумқайроқли майдон билан копланган, уйимиздан пиёда юрилганда ўн беш дақиқалик жойда ўзимизни худди шаҳар чеккасида юргандай ҳис этардик.

Бувим уйнинг тўртинчи қаватида яшарди. Уй бетон ва тошдан қурилган, вертикал терилган юпқа гугурт қутисини эслатарди. Уйнинг бир фасади ғарбий, яъни шаҳар томонга, иккинчиси – шарқий, яъни қирларга, тутзорларга туташ. Бувим эри ўлиб, қизларини турмушга бергандан сўнг бу уйнинг бир хонасида яшай бошлади. Бу хона шкафлар, столлар, стуллар ва пианино билан тўлдириб ташланган эди. Унга овқатни катта кизи пишириб берар, ўзи олиб келар ёки ҳайдовчидан бериб юборар эди. Бувим уйдан ошхонага ҳам тушмас, ўзига овқат тайёрламас, бошқа хоналарга кирмас, уларда йиллар мобайнида йиғилиб бораётган пўпанаклар, исларни тозаламас, улар борган сари тўлишиб борарди. Онасидан унга «ёлғизлик деб аталувчи сирли касаллик юккан, на хизматкор, на ходимани ишга оларди.

Биз бувимнинг уйига келганда онам узоқ вақт қўнғирокни босди, муштлири билан темир эшикни тақиллатди. Бувим Шишли мачитига олиб чиқадиган иккинчи қаватдаги деразадаги темир, занглаган дарпардаларни очиб, бизни баланддан пастга қараб кўрди, биздан овоз чиқариб чақиришимизни сўради. Қўл силкиди, кўзларига ишонмади, шекилли.

- Эшик олдидан нари турунлар, бувиларинг сизларни кўрсин, - деди ойим. Биз йўлакнинг ўртасига бориб турдик. Онам унга қўлини силкитди ва қичқирди:

- Ойижон, мен болаларим билан келдим, бизни эшитаяпсизми?

Шунда бувимнинг юзида ширин табассум пайдо бўлди. У бизни кўрганини, билганини тушундик. Бувим тезлик билан дераза ёнидан ўзини ичкарига урди, ёстиғининг тагидан катта калитини олди, уни газетанинг бир бўлагига ўради-да, йўлакка ташлади. Биз акам билан ким ўзарга чопиб, калитга ташландик. Акам оғриган қўли билан калит орқасидан югуролмасди, мен калитни олдим-да, онамга бердим. У қийинчилик билан калитни қулфга солиб, айлантирди. Темир эшик ғийқиллаб очилди. Қоронғуликда бизга ислар, пўпанаклар, диққинафаслик, фақирлик, кексаликнинг оғир нафаси урилди. Мен бундай ҳидни бошқа ҳеч жойда учратмадим. Эшик ёнидаги кийим илгичда бобомнинг мўйнали пальтоси, бош кийими осилиб турар, пастда ҳамиша мени кўрқитиб турадиган этиклари кўринарди. Бувим буларнинг ҳаммасини, уйга ўғрилар кириб келса, уйда эркак киши бор, деб ўйласин учун қўйган эди.

Биз ёғоч зинанинг тепасида турган бувимни кўрдик. У қоронғуликда худди шарпадай қимирламай турар, қўлида ҳасса, хира ёруғликда ойна кўришиб турарди.

~ирчиллаган ҳар бир зинани босиб ўтарканмиз, онам бувим билан гаплашишмади, одатда, онам доим ундан сўрарди:

- Нечуксиз, ойижон? Сизни соғиндим, ойижон. Ташқари жуда совуқ, ойижон.

Зинапоянинг юқорисига чиқиб, онам бувимнинг юзи ва қўлидаги катта холларига қарамай, қўлини ўпди. Биз унинг битта тишли оғзига яна кўрқиб қарадик, оқариб, сийраклашиб, тўзиб кетган сочларига тикилдик. Хонага кириб, онамнинг икки томонида ўтириб олдик. Бувимнинг эғнида узун тунги қўйлак ва узун шерстдан тикилган нимча бор эди. У шу кийимда кун бўйи юрар, ухларди. Бувим бизга жилмайиб қаради ва кўзларида айёрона кулгу ўйнади: «Қани, мени хурсанд қилинлар-чи!»

- Печкангиз ёмон иситаркан, - деди онам. У қўлига темир таёкни олиб, печка ичидаги ўтинларни қовлади.

Бувим бир пас кутиб турди.

- Қўй, печкани. Яхшиси, мен билан гаплашиб ўтир. Оламда нима гаплар?

- Ҳеч гап йўқ, - деди онам ёнимизга ўрнашиб.

- Ҳеч гап йўқми?

- Мутлоқо, ойижон.

Қисқа сукутдан сўнг бувим сўради.

- Ҳеч ким билан учрашмадинг, гаплашмадинг ҳамми?

- Буларни биласиз, ойижон., - деди онам.

- Худо ҳаққи, наҳотки бирон-бир янгилик бўлмаса?

Ўртага жимлик чўкди.

- Бувижон, бизни эмлашди, - дедим мен.

- Шунақами?! – хайратланди бувим катта – катта мовий кўзларини очиб-очиб. – Оғридими?

- Менинг кўлим оғрияпти, - деди акам.

- -О- о- о! – ҳамдардлик билдирди бувим.

Яна ўртага узок сукунат чўкди. Биз акам билан дераз ёнига келдик ва олис-олислардаги қирларга қарадик, томорқалар ортидаги эски бўш-бўш товукхоналарни кузатдик.

- Демак, ҳеч қандай янгилик йўқ дегин-а? – деди бувим онамга ялингансимон оҳангда. - Қайнонангникига чиқиб турарсан. Уникига ҳам ҳеч ким келмаётган эканми? –

- Кеча пешинда Дилрабо хоним келди, - деди онам. У анча вақт суҳбатлашиб ўтирди.

Ўйлаганимиздек бувим хаяжонланиб, хайқириб юборди:

- У саройда яшаган, ахир!

Албатта, бувим безаклари, ранглари ўчиб кетган Боту қасрини назарда тутаётганлигини билардик. Бу Дўлмабоғча саройи ҳақида газета ва журналларда кўп ўқиганман. Бувимнинг Дилрабо хонимга ғаш келаётгани йўқ эди. Бу хоним ёш пайтида сўнгги подшо ҳарамиди асира бўлган, кейинроқ бир савдогарга турмушга чиққан. Ҳамма гап - бувим уни дўстлашишга, билишга арзиймайдиган одам деб ҳисобларди, холос. Мана шу нарса уни ғашини келтирарди. Мен буни кўп йиллар ўтиб тушундим. Улар гапни бошқа томонга буришди, онам бу мавзуда бувим билан ҳар гал баҳслашарди. Бувим ҳафтада бир марта энг қиммат ва машҳур Абдуллоҳ афандининг ресторанига борар, у ерда бир ўзи овқатланар, анча пайтгача таомларининг яхши эмаслигидан нолиб юрарди. Учинчи ўзгармас мавзу кутилмаганда саволдан очилди:

- Болалар, бувингиз сизларга яшил кўкатлардан берадими?

Биз онам ўргатгандай бир овоздан дедик:

- Йўқ.

Бувим кунлардан бир кун қайсидир томорқада ям - яшил кўкат майсаси устига «ўтириб кўйган» мушукни кўриб қолади. Энди бу кўкатни кимдир олади, қайсидир ресторанда таомга қўшилади, қайсидир одам уни танаввул қилади-ку, деб яна эски ҳикоясини айтадан бошидан бошлади.

- Ойижон, - деди онам, - болалар зерикшди, улар бошқа хоналарни ҳам кўришмоқчи. Мен рўпарадаги хона эшигини очиб бераман.

Ўғрилар деразалардан кириб, ўғрилик қилмасинлар, деб бувим ҳар бир хонасини кулфлаб кўярди. Онам бизга катта ва совуқ хонани очиб берди. Деразаси трамвай йўлига қараган бу хонада онам ҳам бир муддат биз билан қолди. Хонадаги оромкурсилар ва диванларга қаради. Улар оппоқ ёпинчиқлар билан ўралган эди. Онам занглаб бораётган, чанг босган чироқларга, стол ва сандиқларга, газеталар ўрамига, аёллар велосипедининг деворга тиралиб кўйилган рулига қаради. Бироқ у ҳар доимгидай сандиқнинг олдига югуриб бормади, у ердан кийимларни олиб, чиқариб, бизга хаяжонланиб кўрсатиб ўтирмади:

- Болалар, қаранглар, ойингиз болалиқда кийган кийимлар! Холангизни мактаб фартуғини кўришни истайсизми? Онангизнинг болалиқдаги папкасини-чи?

- Совқотсангиз, келинг, - деди онам ва чиқиб кетди.

Биз акам билан дераза ёнига югуриб бордик ва уй рўпарасидаги мачит, майдондаги трамвай бекатини кузатдик. Кейин биз газеталарни титкилаб, бўлиб ўтган футбол матчлари ҳақида ўқидик.

- Мен зерикдим, - дедим мен. –Тоқ-жуфт ўйнаймизми?

- Йиқилган курашга тўймас, деди акам газетадан бош кўтармай. - Мен ҳозир бандман.

Кеча кечкурун ва тушлиқдан ҳам ўйнаган эдик, омад фақат акамга кулиб боқди.

- Бир мартагина ўйнай қолайлик!

- Битта шартим бор. Агар яна ютсам, менга иккита хатчўп берасан, агар сен ютсанг, битта оласан.

- Йўқ.

- Унда ўйнамайман, кўраяпсан-ку, газета ўқияпман.

У газетани бир пас биз яқиндагина кинотеатрда кўрган инглиз дедектив фильмидаги Мелекка таклид қилиб, ўқиётгандай ушлаб турди. Мен ойнадан ташқарини бироз томоша қилдим-да, акамнинг шартини қабул қилдим. Чўнтагимдан бир сиқим «Машҳурлар» дастасини чиқардим. Ўйнай бошладик. Аввалига мен ютдим. Кейин бир бирваракайига ўн еттита хатчўпимни ютқаздим.

- Мен фақат ютқазаяпман, - дедим мен. – Агар биз эски қоидалар билан ўйнамасак, биз бошқа ўйнамайман.

- Яхши, - деди акам ҳамон ўша фильмдаги дедективга таклидона. – Унда мен газетамни ўқийман.

Мен дераза ортидаги манзарани яна бир оз томоша қилдим. Диққат билан кўлимда қолган хатчўпларни санадим – 121 та. Кечагина, отам кетаётганда улар 183 та эди! Мен кайфиятимни бузгим келмади ва акамнинг шартини қабул қилдим.

Бошида мен ютдим, кейин акам юта бошлади. Акам ютиб олган хатчўпларини ўзиникига кўшиб кўйди. У менинг аччиғимни келтирмаслик учун бошқа кулмади.

- Агар истасанг, бошқача йўллар билан ҳам ўйнаб кўрамиз, - деди у. – Ким ютса, битта хатчўп олади. Мен ютсам, сендаги хатчўпларни танлаб оламан. Менда баъзи бир хатчўплар йўқ, сен уларни менга ҳечам бермагансан.

Мен рози бўлдим. Мен кетма-кет уч марта ютқаздим, оқибатда, иккита Грета Гарбо, №21, ва қирол Фаррухлардан бири, №78 акамнинг қўлига ўтди, булардан унда унда йўқ эди.

Мен барисини бир партиядак ютиб олишга қарор қилдим. Ўйин бошланди, натижада кўлимдан Эйнштейн, №63, Мавлоно, №3, Саркис Назарян, №100, «Мамбо» кондитер фабрикасининг асосчиси, Клепатра, №53 – лар кўлимдан кетди. Улардан бир нусхадан бор эди, акамда эса йўқ эди.

Бўғзимга ёш тикилди. Йиғлаб юборишдан кўрқиб, дераза ёнига чопиб бордим-да, кўчани томоша қила бошладим. Беш дақиқа олдин ҳаммаси ажойиб эди: бекатга яқинлашиб келаётган трамвай, барглари тўкилаётган дарахтлар ортидан кўриниб турган уйлар, кўчанинг бир четида ётиб олиб, қашланаётган ит - қандай яхши кўринаётган эди! Агар Вақт тўхтаб, от пойгаларидаги каби биз беш квадрат ортга сурилганимизда эди! Мен ўшанда ҳечам акам билан тоқ-жуфт ўйнамаган бўлар эдим!

- Яна ўйнаймизми? – сўрадим акамдан пешонамни ойнага тираганча.

- Йўқ, мен бошқа ўйнамайман, сен йиғлаб юборасан.

- Мен йиғламайман, Жеват, қасам ичаман, - дедим унга қаттиқ товушда ва яқинлашдим. – Фақат аввалги қоидалар билан ўйнайман.

- Мен газета ўқимоқчиман.

- Яхши, - дедим мен. – Кетаётиб, камайиб қолган хатчўпларни аралаштириб ташладим. – Фақат менинг қоидаларим бўйича айт-чи, тоқми-жуфт?

- Фақат, йиғлама. Яхши, жуфт.

Мен ютдим, у менга Февзи Чакмак тасвири туширилган хатчўпни тутқазди. Мен олмадим.

- Илтимос, менга қирол Фаррух, № 78 ни қайтариб бер.

- Йўқ, - деди у. – Биз бунга келишмаганмиз.

Биз яна икки партия ўйнадик, яна ютқаздим. Учинчи партияни ўйнамасам яхши бўларкан! Наполеон, № 49 ни бердим.

- Мен бошқа ўйнамайман, - деди акам.

Мен ўтиниб сўрадим. Мен яна икки партияни ютқаздим. У мендан хатчўпларни сўраган эди, кўлимда борини бердим. Мэн Уист, № 28, Жюль Верн, № 82, Фотиҳ Султон Мехмет, №7, қиролича Элизабетта, № 70, журналистлар – Желяли Солихлар, № 41,

Вольтерлар, № 42 – мен буларнинг ҳаммасини икки ярим ой ичида тўплдим. Уларнинг ҳар бири ҳақида ҳар куни ўйладим, уларни авайладим ва шундай асрадимки... Улар ҳозир ҳавода учиб юрар, хонада битта бўлиб сочилиб ётарди.

Бутунлай бошқа жойда бутунлай бошқача ҳаёт билан яшаганимда эди! Бувимнинг хонасига кирмай, ғирчиллаган зинапоядан бирма-бир пастга туша бошладим. Шу пайт негадир жонига қасд қилган суғуртачи қариндошимиз ҳаёлимга келди. Энг пастки зинага тушиб, бутунлай қоронғуликда қолдим. Орқага қайтиб, юқорига кўтарилдим ва бувимнинг эшиги ёнидаги зинага ўтирдим.

- Қайнонанг ҳеч нарса қилолмайди, - деди бувим.- Сен болаларни улғайтириб, уни кутасан энди.

- Яна бир марта илтимос қилиб сўрайман, ойи, мен болаларим билан шу ерга қайтмоқчиман.

- Сен бу чанг босган, шарпалар ва ўғрилар юрувчи уйда иккита боланг билан яшай олмайсан, - деди бувим.

- Ойи, опаларим турмушга чиқиб, бу ердан кўчиб кетишгандан сўнг отамнинг сўнги йиллари учаламиз қандай яшадик!

- Гўзалим Мебрура, сен ўшанда кун бўйи отангни эски «Иллюстрасьон»ига тикилиб ўтирардинг.

- Мен пастдаги печкани ёқаман. Уй икки кунда исиб кетади.

- Ўшанга турмушга чиқма, дегандим сенга, - деди бувим.

- Яна битта аёл бўлса, биз икки куннинг ичида ҳаммаёқни чиннидай қилиб юборардик, - деди ойим.

- Бу уйга ўғри хизматкорни киритмайман, - кесиб ташлади бувим, - сен бу уйдаги чангларни артиб, тозалайман дегунингча ярим йил ўтади. Бу вақт ичида сенинг бетайин эринг ҳам қайтиб келади.

- Бу охирги қарорингизми, она? – сўради ойим.

- Мебрура, бебаҳо қизгинам, иккита боланг билан бу ерга кўчиб келсанг, қандай яшаймиз?

- Ойижон, Бебекдаги уйимиз, ҳовлимизни сотайлик, деб неча марта айтдим сизга.

- Мен бундай қоғозларга имзо чекким ҳам, кадастр идорасидаги ифлос ўғрилар билан юзма-юз келгим ҳам келмайди, истамайман!

- Ойижон, ундай деманг. Биз опам билан бирга нотариусни эшигингиз олдига олиб келдик-ку, - деди ойим овозини пасайтириб.

- Мен бу нотариусга ишонгим келмади, ишонмайман, - деди бувим.- Унинг юзидан фирибгарлиги кўриниб турибди. Балким у умуман нотариус эмасдир. Мен билан бундай оҳангда гаплашма!

- Яхши, ойи. Бошқа бундай қилмайман, - деди ойим. Кейин бизни чақирди.:- Болалар, болалар! Бўлинглар, кетамиз.

- Тўхта! Қаёққа?! – сўради бувим. – Биз яхшилаб гаплашиб ҳам олмадик.

- Сиз бизни келишимизни истамайсиз, ойи, - деди онам шивирлаганча.

- Буни ол. Болаларингга роҳат – мукумли ол.

- Улар тушликкача ширинлик ейишмайди, - деди онам ва бизга очиб берган хонага кирди. – Бу хатчўпларни ким сочиб юборди? Тезда териб олинглар-чи. Сен унга ёрдам бер, - деди онам акамга.

Биз индамай хатчўпларни териб олдик. Онам эски яшиқларни очди, болалар кийими, ипак парда, қоғоз қутиларга қаради. Тикув машинасининг остидан кўтарилган чанг томоғимга тиқилди, кўзимга ёш тўлди, бурним қичишди.

- Мебрура, қизгинам, мана бу чойнакни ол, уни яхши кўрасан, ахир. У – сеники. Бобом уни онам учун Шишли губернатори бўлган пайтда Хитойдан келтирган! Ол, илтимос.

- Мен бошқа сиздан ҳеч нарса олишни истамайман. Чойнакни эса шкафга солиб кўйинг, синдириб қўясиз, ахир. Болалар, бувингизни қўлини ўпинг.

- Мебрура, қизгинам, бечора онангдан аччикланма, - деди бувим бизга кўлини узатаркан. – Нима бўлишидан қатъи назар, мени қаровсиз қолдирма, келиб тур.

Биз зинапоядан тез тушдик, темир эшикни ёпдик, ташқарига чикдик ва куёшнинг нурларига урилдик, тўйиб - тўйиб тоза ҳаводан нафас олдик.

- Эшикни яхшилаб ёпинг! – баландда туриб қичкирди бувим. – Мебрура, келгуси хафтада ҳам кел, майлими?

Онам кўлимиздан ушлади ва биз йўлга тушдик. Биз йўтала-йўтала трамвайни кутаётган одамлар билан бирга трамвайни кутдик. Трамвай тўхтаган заҳоти акам билан келишганимиздай трамвай ҳайдовчиси кўриниб турадиган олдинги ўриндикка ўтириб олдик ва жуфт-тоқ ўйинини бошлаб юбордик. Мен қувонганимдан ютуқларни баландлатдим ва шу ернинг ўзида яна ютқазиб қўйдим. «Усмонбей» бекатида акам таклиф килди:

- Ўн бешта хатчўпингни истагингга кўра алмаштираман.

Мен яна ўйнай бошладим. Мен ўзимда яшириб қўйган иккита хатчўпимдан бошқа ҳаммасини ютқаздим. Онамнинг олдига келиб ўтирдим. Йўғламадим. Онам каби деразадан липиллаб ўтаётган ғаройиб магазинлар, ҳеч вақоси қолмаган дўконлар, нонвойхона, гуруч унидан кисел тайёрлайдиган сотувчилар чодирлари, биз тез- тез тушиб турадиган «Тан» кинотеатри, деворга суяниб турган болалар ва арзон гаровга сотиладиган романлар сотувчилари, мен доим кўрқиб қарайдиган кўлида бор қайчиси сартарошлар, шу сартарошлар ёнида изғиб юрувчи маҳалла девоналарини, бундайлар ҳар бир кварталда учрайди – томоша қилиб кетардим. «Ҳарбийлар» бекатида трамвайдан тушдик. Акам жуда хурсанд эди ва бу мени ақлдан оздирарди. Мен чўнтагимдан Линдберг тасвири туширилган хатчўпларни чиқардим. У бундай хатчўпни биринчи марта кўриб турарди.

- №91, Линдберг, - ҳайратланиб ўқиди. – Самолётда Алтантикани кесиб учиб ўтган. Қаердан олдинг?

- Кеча мени эмлашмади, - дедим мен. – Мен уйга эрта қайтдим ва отамни кетиш олдидан кўриб қолдим. Отам сотиб олиб берди менга.

- Унда ярми менга, деди у. – Шунга келишганмиз. Охирги ўйиндаги хатчўпларнинг ҳаммаси – меники.

У кўлимдан хатчўпларни олишга уринди, аммо ололмади. Шунда у мендан уларни куч билан олмоқчи бўлди. Мен унинг оёқлари остидан эгилиб қолдим. Акам икки қадам юрди-да, ерга ўтириб қолди.

- Жудаям оғрияпти, - деди у оёғини ушлаб.

- Тур, - шивирлади онам. – тезроқ тур. Ҳамма бизга қараяпти.

Акам турди ва бутун оғирлигини битта оёғига солиб, фильм қахрамонларидай юра бошлади. Мен бир томондан, унинг оёғи қаттиқ оғриётганига ачинсам-да, иккинчи томондан, унинг қийналаётганини кўриб, завқланардим. Биз бир муддат индамай кетдик, сўнг акам менга деди:

- Мен сенга уйда кўрсатаман. – Кейин онамга деди: - Ойи, Алини эмлашмабди!

- Йўқ, бизни эмлашди, ойи!

- Жим! - қичкириб юборди онам.

Биз уйга яқинлашдик, фақат йўлни кесиб ўтиш қолди, холос. Биз Мачкадан келаётган трамвай ўтиб кетишини кутиб турдик. Унинг орқасидан юк машинаси, кейин тутуни бурқсиб, Бешиктошдан келадиган автобус ўтди. Бошқа томондан эса гиацинт рангидаги «Десото» кўчани кесиб ўтди ва кўздан йўқолди. Мен шунда деразадан қараб турган амакимни кўрдим. У бизни кўрмасди, илғамасди, ўтиб кетаётган машиналарни кузатарди, холос. Мен унга узоқдан-узоқ тикилдим.

Йўл бўшади. Мен онамга қайрилиб қарадим, нима учун бизни кўчанинг нариги томонига олиб ўтмаётганига тушунмасдим. Онам овоз чиқармай йўғларди...

АРИАДНА ЭФРОН

МАРИНА ЦВЕТАЕВА ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Ариадна Сергеевна Эфрон (1912-1975) ўтли нафас рус шоираси Марина Цветаеванинг тўнғич қизи. Ўқимишли ,ота-онаси каби истеъдодли бу қиз «халқ душманининг фарзанди» сифатида ўзининг энг гўзал ёшлик ва кучга тўлган даврини сургун, қамоқхоналарда ўтказди.

Унинг иродасини бу қийинчиликлар енголмаган бўлса-да, даҳшатли йиллар уни ота-онаси ,сингил ва укаларидан фожеали тарзда айирди, ҳаёти долғали, изтиробли, айни пайтда , ижод завқи билан ўтди. Қалбини қалам ва илҳомга ишониб топширди, яхши кунлар умидидан айрилмади, оғир йилларни елкасида кўтариб,ҳамиша ёруғликни кутди.Болалиги ,ёшлиги ,бутун умри адабиёт,санъат оламида ўтган Арианда Эфроннинг гўзал асарлари, мўйқаламларига мансуб ажойиб суратлар,бетакрор таржималари,айниқса, иккинчи марта сургундан қайтиб ,тинч ҳаётга етишгач, онаси – «Марина Цветаева ҳақида хотиралар» китоби бугунги кунда ўта кадрлидир. Бу китоб бизни нафақат ҳассос шоиранинг қизи, туйғулари , балки Марина Цветаева оламига чуқур олиб киради,ўша давр тарихи ,нафаси билан жуда яқиндан, жонли тилда тиллашамиз. Мазкур китобдан олинган айрим бобларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Улар Сизнинг ҳамроҳингиз бўлиб қолади, деган ниятдамиз.

1. ОНАМ ҚАНДАЙ ИНСОН ЭДИ?

Онам - Марина Ивановна Цветаванинг бўйи унчалик баланд эмас эди - 163 смлар.Қадди мисрликларникидай тик, кенг елкали, беллари нозик эди. Ҳамиша ёш кўринувчи юзлари тез-тез енгил буғлангандай кўринар, оёқлари ва товонлари қуруқ ва узун эди. Қадам ташлашлари – енгил ва шиддатли, ҳаракатларида кўполлик ҳам, дағаллик йўқ эди. Одамларга яқинлашганда юришлари секинлашар, қаддини ростлар, уни танишаётгани, унга қарашаётганини сезса, ҳаракатларида қимтиниш кучайса - да ,ҳеч қачон сиқиклик билинмасди.

Онамнинг тиниқ каштан рангли сочлари ёшлигидан тўлқинланиб турар, қалин ва майин эди. Улар жуда тез оқара бошлади,бу эса сочининг рангини кучайтирар, юз рангини оқартириб - қорайтириб кўрсатарди.Онамнинг юзлари тиниқ ва нурли эди, унинг узун киприклари,малларанг қорачиклари кўзининг рангига уйғунлашиб ,сингишиб кетган эди.

Юзида белгилар ва чизиклар аниқ - равшан эди;ҳеч нарса чатишиб кетмаган, ҳеч нарса ўйланмасдан қилинмагандай ,ҳеч нарса бекорга қилинмагандай эди, устанинг гул қўли ҳаммасини бекаму кўст яратгандай.

Малла – сариқ қошларининг ўртаси иккига тортилиб, уларни бир-биридан ажратиб турарди.

Бутунлай ўйга чўмганда юзидан ички туйғулар , таъсирчанлик,осмон ва сув каби ўзгарувчанлик ва тўлиқлик қалқиб турарди.

Аммо буларни камдан-кам одам ўқий-уқий оларди.

Кўллари қаттиқ ,фидойи,меҳнаткаш эди .Иккита кумуш узуги ва никоҳ узуги бармоқларидан ҳеч қачон тушмас,бармоқларини сиқмас, аксинча, табиий бутунликни яратган эди.

Овози ёш қизлариникидай ҳамиша майин, баланд ва жарангдор эди.Бутунлик, сиқиклик сўзларида ифодаланиб турарди.

Тинглашни биларди; суҳбатдошини ҳеч қачон синдирмас ,аммо бахсларда ўткир эди. Мунозара ,бахслашув ва муҳокамаларда совуққон бўлса-да, чакмоқли фикр – мулоҳазаларини ўртага ташлаб суҳбатдоши билан курашарди.

Ажойиб ҳикоя айтгувчи эди.

Шеърларни бир ёки бир неча кишига эмас, балки балки катта аудиторияга чиқиб ўқирди.

Ҳарорат билан ҳар бир сўзининг мазмуни кўтариб, «увиллаш»дан йирик,ҳеч қачон сатрнинг охирини тушуриб юбормай (қўйиб юбормай!) - ўқирди;энг мураккаб ҳолатлари юзига ловиллаб урилиб,қиёфасида, ҳаракатларида билинарди.

Бир марта сўраганларидаёқ бажонидил ўқирди шеърларини, хатто баъзан сўрашларини ҳам кутиб ўтирмасди: «Истайсизми,шеър ўқиб бераман?» - дея ўзи таклиф этарди.

Онам бутун умр улуғ инсон бўлиб яшаб ўтди – ҳаётни севиб, унга қониқмай яшади. Унинг ўқувчиларга,тингловчиларга бўлган эҳтиёжи ҳамиша улкан, ҳар нарсадан устун ва айни пайтда, талаблари кескин эди.

Кўлига энди қалам олган ёш шоирларга самимий ва ўта сабрли эди. Уларда «илоҳий учкун»ни кўриш –хаёлан бўлса ҳам! - ҳис қилишни истарди жуда! Ҳар бирида биродарини, ворисларини, бу ҳали ҳаммаси эмас - Шеърятнинг ўзини! - сезиб турарди.Улар билан ҳеч қачон паст муносабатда бўлмас,аксинча,уларга боғланиб, елкадош бўлишни истарди.

Сўзи билан амали бир,қўли очиқ ва самимий эди. Ёрдамга ,далда бўлишга, елкаларини қўйиб бўлса-да, қайтариб қолишга шошиларди, энг сўнгги,энг арзимас нарсаларини ҳам бўлишарди , ўзида ортиқча нарса сақламасди.

Беришни билган беминнат кўли таъма қилмасдан олишни ҳам биларди; у узоқ йиллар давомида «айланиб – айланиб келгувчи эзгуликнинг кўли»га ,буюк, бузилмас инсоний кўмакдошликка ишонарди.

Бегоналарга марҳаматли ,яқинлари - дўстлари ,болаларига ўзига қандай талабчан бўлса,шундай талабчан эди.

Баъзи бир юқоридан кўз ташлаб юрган замондошлари адашишди - у моладан йирок эмас эди. Аммо буни моддий томонларини ҳам ҳисобга ҳолда муҳтожликда ҳатто бировларнинг кийимларини оғринмай эгнига олди,кийди. Ҳеч қачон бойликнинг ортидан қувламади.

Энг олий нарсани Вақт чиғириғидан ўтган пўлат ирода деб билди. Енгил-елпиликни ,ўтиб –кетувчи ҳою ҳавасни, йиғлаб –сиқташ,эргашиб кетавериш, увокланиш ,бир сўз билан айтганда, «жимжимадорлик»ни қабул қилолмасди.

Кеч ётарди,уйку олдидан ўқирди.Эрта турарди.

Одатлари камтарин,меъёрида овқатланарди.

Чекарди. Россияда – ўзи тайёрлаган қўлбола папирослар, эркаклар чекадиган сигареталар ,ярим сигареталарни оддий олчаранг мундситук (папирос чекиладиган найчада) чекарди.

Қора қаҳва ичарди. Тиниқ уруғларни малла рангга киргунча қовураб,эринмай қадимий турк келисида майдаларди.

У қон-қони билан табиатга боғланиб ,чирмашиб кетган эди. Тоғлар,чўкқилар,ўрмонларни севарди ,оташин руҳ денгизга қаттиқ боғланган эди. На сузиб,на учиб тагига етолмас эди бу муҳаббатнинг! Денгизни шунчаки севолмасди у.

Қияликлар ,ялангликлар манзаралари ,намли, ботқоқли,қамишли жойлар, ёмғирли йил фаслларида оёқ остидаги тупроқ ивиб кетиб,яёв юришга қийинчилик туғдирганида шафақ ёйилиб кетганда чангигандай сезарди ўзини .

Унинг хотираларида абадий қадрдони қаби Тарусадаги болалик йиллари ва Кўктоғбек бўлиб қолди. У бу хотираларини ҳамиша эсларди. Ахён-ахёнда уларни Медан ўрмонларининг собиқ «қиролликнинг ов манзиллари» деб аталмиш қирларидан ,Ўртаер денгизи бўйларидаги тоғликлардан ,уларнинг ранглари ва ҳидларидан изларди.

Иссиқликни енгил кўтарар ,совуққа чидами йўқ эди.

Узилган гулларга ,вазалардаги ,туваклардаги гулларга бефарқ эди. Боғда ўсаётган гулларни эъзозларди. Уларни банд-банд бўлиб ўсишларини ,ёйилиб ётишларини, ёввойи узум,бутоқлар, чирмовуқгул ,атиргулларни қадрларди.

Инсон кўли билан яратилган хиёбонлар, тўғонлар,йўлларни ёқтирарди.

Итлар ва мушукларга ҳеч завоқ топмас меҳр, садоқат ва тушунуш (ҳатто ҳурмат!) билан қарарди, уларнинг ҳам меҳрига сазовор бўларди.

Сайрга чиққанда албатта олдига мақсад,мўлжал белгилаб кўярди.Сотиб олгандан кўра кўпроқ «топганлари»га ҳурсанд бўларди; кўзиқоринлар ,мевалар, айниқса, бу Чехияда ўтказган оғир кунларимизда,қишлоқ чеккасида яшаётган пайтларимизда кўпроқ билинарди: ўт-чўпларни қанча кўп терсак,шунча қувонарди,шулар билан печкани иситиб кун кўрардик.

Шаҳар ташқарисида ўзини эркин сезар,юришлари енгил кечганидан кўпинча ўзини йўқотиб кўяр, баъзан қайтиш йўлларини йўқотиб ,адашиб кетарди.

Баландлик, кўпқаватлилик,одамлар гавжум жойлар, автобус,эскалатор, лифтлардан кўрқарди. Шаҳар транспорти турлари ичидан (бир ўзи юрганда) фақат трамвай ва метродан фойдаланарди. Агар улар бўлмаса, пиёда юрарди.

Математикага қобиляти йўқ,ҳар қандай техникага бегона сезарди ўзини.

Кундалик турмуш ташвишларини унчалик ёқтирмасди. Ҳар кунги ташвишларнинг тугамаслиги, яна қайтиб келавериши. худди шулар Вақтни еб қўйиши ,асосий ишга имконият,шароит ,вақт етишмаслиги уни толиқтирарди.Бироқ буларнинг ҳаммасини сабр билан ютди ва қийинчиликларни сиртига юқтирмай яшашга уринди.

Одамлар билан киришимли, меҳмондўст, тезда тиллашиб, яқинлашиб кетадиган инсон эди у. Жуда камдан-кам ҳолларда одамлар билан айрилишиб кетарди. «Интизомли одамлар» жамияти ва бу доирани ғалати одамлар деб ҳисобларди. Ўзи ҳам ғалатилиқдан холи эмас эди.

Дўстликка ҳам, душманликка ҳам совуққон эмас эди. «Ўзингдан даҳо яратма» маталини ўзи ҳам бузиб яшарди.

Ёшлиқни қадрла, қариликни ҳам гашти бор деб ҳисобларди.

Ажойиб ва бетакрор юмор туйғуси бор эди унда. Ҳеч кимнинг устидан кулмас, ҳеч кимга қўполлик қилмасди.

Унинг болалигига чуқур таъсирини ўтказган тасвирий санъат (отасининг доираси) ва мусиқа (онасининг доираси) дан мусиқани қабул қилди. Шакл ва ранг – бир-бирига аниқ сингувчи ва кўриниб турувчи – унга бегона ва ёт бўлиб қолаверди. Фақатгина тасвирланган воқелик билангина қизиқарди. Китоб графикаси, жумладан, графика (Дюрер, Дорени) севарди, мусаввирлик санъатидан кўра мусиқага яқинроқ эди.

Театрга бўлган эрта қизиқишга ёш турмуш ўртоғи ва дўстлари таъсир ўтказишган. Буларнинг бари унинг ёшлиги билан бирга қолиб кетди Россияда...

Ҳамма мўъижалар ичида кинони тан оларди, айниқса, «овозли» сини. Бунда умумижодийлик, умумтушуниш, англаш туйғуси, умумтасаввурнинг кенг ва катта имкониятларини кўрарди.

Меҳнат одамларига – ҳамиша! - чуқур биродарлик ҳурмати билан қарарди; базмлар, ифлослик, талаб қилиш унинг нафақат вужудига ёт, балки телбалик, бақир-чақир, текинхўрлик каби ёқимсиз ва нохуш эди.

Бир сўзли, сўзининг устидан чиқувчи, бир ишни охиригача бажарувчи эди.

Ўзининг камтарлигини сақлаган ҳолда қадрини ҳам биларди.

2. У ҚАНДАЙ ЁЗАРДИ?

Ҳамма ишлари, кечиктириб қилмас юмушларини белгилаб, эрта тонгдан тиниқ бош ва оч қорин билан ишга ўтирарди. Қайнаб турган қора қаҳвасини ёзув столига қўярди. Бу шундай кундалик ишга айлангандики, у оддий столга эмас, иш столига келгандай эди. Бу ишни қилмаса, қилолмаса – ёзмаса бўлмасликдан кечолмасди.

Стул устидан бор ортиқча нарсани бир томонга йиғиштириб ташлаб, дафтар ва тирсақлар учун жой қолдирарди.

Қўлини пешонасига тираб, бармоқлари билан сочларини тарар, бир шиддат ўйланиб, ўзини – ўзи йиғиб оларди.

Ёзаётганда ҳеч нарсани эшитмас – гўё бу оддий қўлёзма эмас, балки бор туйғуларини ютаётган фикр ва қаламнинг қудрати эди.

У алоҳида варақларга эмас, ҳамиша дафтарга ёзарди. Ҳар қандай - ёзув дафтарларидан тортиб, то гроссбух (бухгалтерия иш дафтарлари) гача ишлатарди, асосийси, бўёк чапланиб кетмаса бўлди эди. Инқилоб йилларида дафтарларни ўзи тикиб оларди.

Оддий қаттиқ ёғочли ручкада ингичка мактаб перосида ёзарди. Бўёқли ручкалардан ҳеч қачон фойдаланмасди.

Вақти-вақти билан чекиб, қаҳва ичиб қўярди. Сўз жарангини эшитиш учунми, ғудралиб-ғудралиб оларди. Ўрнидан туриб кетмасди, хона бўйлаб айланиб юрмасди, аксинча, қадалгандек, миҳлангандек стулда ўтирар, стулдан нари кетмасди.

Илҳоми келса, асосийсини ёзиб оларди, буни ҳайратли даражада тез уддаларди. Ўзини – ўзи йиғиб олган ҳолатда шеърнинг қора ишларини қиларди - керакли сўз-туркумлари, сифат, қофияни изларди, тайёр матнни, ишни кесиб ўтар, сузиб ўтар, уни қайта ишлашдан чарчамасди.

Айтайлик, фикр ва туйғуларнинг уйғунлигига эришиб, кетма-кет кофиялар, турли-туман сатрлар куйилиб келса, кераксиз деб билган сатрларни чизиб ташламай, белгилаб қўяр, улардан янги нимадир яратишга уринарди.

Катта асар - катта иш бошлашдан аввал унинг бор моҳияти - мазмунини охиригача пишиқ ўйлаб олар ,қурар ,режалар тузар, ўзига дам бермас,ўша оқим - ўша ҳолат –ўша руҳдан чиқиб кетмасликка тирмашар ,бундай пайтда уни фақат илҳом ,ижод бошқарарди.

Ўзига хос юмалок, аниқ эди ёзуви.Уни ўқимокчи бўлган ўқувчи ўсиб бораётган қисқартмаларга ҳар қадамда дуч келар; кўпгина сўзлар сўзнинг биринчи ҳарфи билан белгиланар; борган сари қўлёзмалар қўлёзманинг қўлёзмасига айланиб борарди.

Ёзув характери жуда эрта ,болаликданоқ бошланган эди.

Аслида,ёзувга нисбатан бефарқликни ўқувчига нисбатан ҳақоратга тенг бефарқлик деб тушунарди.Ҳар қандай муҳаррирга, терувчига ҳурмати баланд эди.Шунинг учун ҳам оққа кўчирадиган матнларни чиройли ёзувда ёзар, айниқса,босмаҳонага юборадиган қўлёзмаларга алоҳида эътибор берарди.Хатларга кечиктирмай жавоб ёзарди. Эрталабки почтадан хат келса,қўлёзмаларини четга суриб қўйиб, хатнинг жавобини ўзи ёзиб ўтирган дафтарнинг бир четига ҳам ёзиб қўяр,буни ижоднинг бир оқими деб ўйларди.Хатларга ҳам ижодга ҳам қарагандай қарар,қўлёзмаларидай кадрларди.

Баъзан дафтарига кун давомида яна қайтиб келарди.Тунда фақат ёшлик пайтларидагина ишларди.

Иш пайтида ҳар қандай ҳолатни руҳига бўйсунтирарди,таъкидлайман - :ҳар қандай!

Меҳнатсеварлик қобилияти ва ички туйғуларнинг уйғунлиги унинг шоирлик истеъдоди билан баробар эди.

Ишлаб бўлгач, дафтарини ёпиб ,деразасини очарди – олддаги куннинг барча ташвишлари ва заҳматларига бағрини тутгандай...

3. ОНАМНИНГ ОИЛАСИ

Онам шундай бир оилада туғилгандики ,у қайсидир маънода ёлғиз одамларни бирлаштирган муҳитга ўхшарди.Отаси –Иван Владимирович Цветаев улуғ ва очиқ кўнгил, меҳнатқаш ва маърифатли , инқилобгача Россиядаги биринчи Давлат тасвирий санъат музейининг ташкилотчиси эди. Айни пайтда бу музей улкан марказий марказга айланган.У севиқли рафиқаси Варвара Дмитриевна Иловайскаядан жуда эрта айрилди.У эрига бир қиз ва бир ўғил ҳадя этиб, вафот этди.Иван Владимирович иккинчи марта ёшгина Мария Александровна Майнга уйланди.У эрининг Валерия исмли катта қизи ва кичкина Андрейга оналик қилиш масъулиятини бўйнига олди.Иван Владимирович қалбида ҳамон биринчи муҳаббати билан яшар ,иккинчи хотинининг ташқи кўриниши марҳума аёлига жуда ўхшаб кетар,нафақат ташқи, балки ички дунёси ҳам бирдек эди - ёшига нисбатан босиқлик,фидокорлик ,олийжаноблик унга ярашиб турарди.

Бироқ Мария Александровна ўта ўзига хос чиқиб қолди.У она ўрнини босишда ташқи кўриниши (дўнг пешона, қисик кўзлар,қора қуюқ тўлқинли сочлар ,қирра бурун,чиройли бурилма лаб) катта ёрдам бераётган бўлса - да,характерида катта фарқ бор эди.Унда Иван Владимировичнинг биринчи хотинига ўхшаш на нозик қадди-қомат ,на юмшоқ табиатлилиқ бор эди. Аёлларга хос фазилятлар Мария Александровнада эркакларча жўмардлик ва қатъийлик билан уйғунлашиб кетган эди. Бунинг устига, у онасиз ўсди;уни хизматкор аёл тарбиялади.У унчалиқ ақлли бўлмаса – да, «қатъий қоидалар» ва ярим овозда гапиришни тез ўзлаштирди, бошқа зарурий одатлар, қоидаларни ўзига моҳирлик билан сингдирди.

У Иван Владимировичга севги туфайли эмас,севганига турмушга чиқолмаслигини билгани ҳолда ҳаётдаги барча муаммо ва етишмовчиликларни бир йўла ҳал этишга жазм этиб , яхши ва мазмунли ҳаёт кечиришга аҳд қилиб, турмушга чиқди.У ҳар бир куни тўқ ва бахтли ўтишини истади, шунинг учун ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини ва етим қолган икки норасида болаларни ҳам жуда кадрларди.

Марҳума Варвара Дмитриевнанинг уйида унинг руҳи - жони совумасдан туриб, янги бека ўзининг тартибларини ўрнатди.Бу тартибларни у тажриба орқали эмас,фақатгина ички ҳиссиётлар таъсирида олиб борди.

Бу тартиблар хизматкор бўлиб қолиш руҳидан йироқ ,бу уйнинг биринчи бекаси бўлишга интилиш, асосийси ,тўққиз яшар ўғай қизига ҳам боғлиқ бўлмаган вазиятда уйгонди.Валерия бошиданок Мария Александровнани ёқтирмади,охиригача шу туйғу билан яшади.Баъзи ҳолларда у ақл-идроки билан нималарнидир тушуниб етган бўлса-да ,бу аёлни ҳеч қачон юрагига олиб киролмади.Бу - табиатан бошқачалиги,қолаверса,ўзига хос руҳиятга эга бўлганлигидандир. Балким бу уйда ҳукм сурган бир-бирга ўхшамас ,карама-қарши ҳолатлар сабаб бўлгандир.Исёнкорлик ва интизомлилик ,ўзини тута билиш ва қатъиятлилик ,қаттиққўллик ва эркин муҳаббат,ўта меҳнатсеварликни ўзига ва бошқаларга талаб даражасида қўйиш, таърифига тил ожиз дўстона байрамлар руҳи, тантанаси ҳукмрон эди бу уйда.Ўғай она эса аскетизм руҳи билан кириб келди.Буларнинг ҳаммаси ўша давр қолипига сиғмайдиган чегарадан чиқиш ҳисобланарди.Эҳтимол ,Валерия Мария Александровнадаги қудратли истеъдод,мунгли, аммо аёлларга зос бўлмаган нотабиий кучни қабул қилолмагандир.

Эҳтимол, онаси – ширин нафас булбул овози Варвара Дмитриевнанинг ўрнини босмоқчи бўлган машҳур пианист Мария Александровнанинг кучли талантидан ғаши келгандир.

Нима бўлганда ҳам улар тил топиша олишмади.Оилавий келишувга кўра, ўша пайтда оилани бобомиз –тарихчи Иловайский бошқарарди. У Валерияни «олий табақали қизлар» ўқийдиган Екатерина институтига жойлаштирди. Валерия бу ерда кўнглига яқин кўплаб дугоналар топишга эришди. Андрейни уйда тарбиялашди. У Мария Александровна билан тил топишишга топишди, аммо қалблар барибир туташмади. Чунки Андрей бунга муҳтож эмас эди, қолаверса, Мария Александровна ҳам буни ундан талаб қилмади.

Оиланинг энг севимлиси ,қобилиятли ва ўта келишган, табиатан кечиримли Андрей ёлғизликка мойил, одамларга ҳадеганда аралашиб-қуралашиб кетмайдиган бўлиб ўсди. У умри бўйи дилини ҳеч кимга очмади, ҳаётда ҳам ўзининг бор имкон ва қобилиятини ишга солмади.

Иван Владимировичнинг иккинчи турмушидан дунёга келган икки қиздан кичиги – Анастасия оилада суйимлироқ эди.Негаки,у болалигидан оддий,майин табиатан кўниқувчан,ён босувчанроқ бўлиб ўсди.У ҳамиша онаси билан бирга бўлар,ўзини кичкиналиги ва ҳимояга эҳтиёжлигини билгандай янада кўпроқ эркалангиси келарди.

Асяни қандай бўлса, шундайлигича севиш мумкин эди.Каттаси - Маринада эса Мария Александровна ўзини,ўзлигини кўрди. Ўзининг романтизми , пинҳоний туйғуларининг тўлқинлари,ўзи қаби юксаклик ва чексизликка интилишни унда кўргиси келар,уларни безашга ва тенглаштиришга интиларди.Албатта, бу баланд даражадаги оналик муҳаббати билан йўғрилган туйғу. Шу билан биргаликда ўзи билан ўзи олишар, ўзининг бу туйғуларини ҳали ўзини ўнглаб олмаган гўдакка - қанчалик заиф бўлмасин! - ишониб топширгиси келар,келажак номи билан келажак учун курашар эди гўё. Марина билан кураша туриб,у ўзи учун курашарди, ич-ичидан ўзининг ғалаба қозонишига кўзи етгандай фахрланарди ҳам!

Мария Александровнанинг қизлари болалигида иноқ дўст бўлиб ўсишди,улғайишгач, бу яқинлик совугандай кўринди.Бунинг сабаблари кўп эди,албатта.Маринанинг Асяга нисбатан раҳми (онаси уни жуда севар ва ҳамиша эркаларди, суйиб кучарди!) Бундан ташқари ,Марина ўзидан катталар билан суҳбатлашишни эрта ўрганди,улар даврасида улардан ўрганиб ,ўзини бойитишга интилди,етақчилик қилганда ҳам ўзидан кучлиларга ё ўзидан кучсизларга эмас,айнан ўзи тенгларга иштиёқманд бўлди. Ҳалиям гўдак , ҳалиям ўз қобиғида яшаётган кичкина синглисини ўзига яқин билди,ички туғёнлардан устун келиб,ораларидан икки ёш фарқни ҳатлаб ўтиб (20 ёшга улғайгандай!), Ася Маринанинг ўсмирлик ва ёшлик йилларидаги дўстига айланди. Бунинг устига, оналарнинг эрта ўлими уларни янада бирлаштирди.

Опа – сингиллар ёшлик чоғларида бир-бирига жуда ўхшаб кетишарди,ташқи ва характер жиҳатлари жуда яқин эди. Уларни ажратиб турадиган фарқ шунда эдики,Марина кенг кўламли инсон эди - болалигидан умрининг охиригача –унинг ҳаёт йўллари ягона

ва теран меҳнат чархлаб борди;Асянинг қобилият ва интилишлари турли йўналишларга сочилиб кетди,унинг рухий дунёси ҳам шунга монанд эди.Уларнинг ҳаёт йўллари бора-бора бир –бирдан айрилиб кетди.

Отасини самимий ,чин дилдан севувчи Валерия ,аввалига кичкина сингилларига ўзини катта опадай бағрини кенг очиб қаради. Институтда ўқиб юрган кезлари, таътилга келганида ҳам, институтни тугатганида ҳам у икки сингилсини эркалар,Мария Александровнанинг қаттиққўллиги ва талабчанлигини «нейтраллаштириш»га ҳаракат қилар; у бу оилада ўзлигини сақлаб қолишни истар, бунда укаси Андрейга орқа қиларди ҳам. Ася Валерияга нисбатан очик кўнгиллик билан муомала қилар, муносабатлари иссиқ,самимий,бир-бирига боғланишган эди.Марина эса икки ўт орасида эди. У бир томондан ,Валериянинг меҳрини қозонгиси келар, иккинчи томондан,гўё бу билан онасига хиёнат қилаётгандай , унинг чизиқларини босиб ўтгандай туюлар,бу, айти пайтда, ўзига ўзи хиёнатдай кўринар ,бурчни бажаришдек оғир йўлдан воз кечиб,жозибали енгил сўқмоқ йўлида кетаётгандай тутарди ўзини. У ҳам опасининг ширинликларини хуш кўрар ва кутубхонасидан кенг фойдаланарди.

Маринанинг тушунчасида катта опасига бўлган туйғулари риёкорликка айланиб кетаётгандай эди; Валериянинг қўлидаги ўғай онага қарши курулдай сезарди ўзини. Қизи орқали у ўғай онани айлантриб ўйнатарди гўё. Маринанинг онгидаги хиёнат ва садоқат ,жозоба ва бурч туйғулари кураша-кураша, охири Марина Валерия билан муносабатларини бутунлай узди;опасига бўлган қисқа муддатли , изтиробли жозоба ёқимсизликка айланди.Сўнгра бегоналик бошланди. Бунинг устига ,нафақат камчиликларини ,балки ўғай онага бўлган опасининг муносабатларини ҳам кечиролмади.

Валерия характер жиҳатдан мустақил иродали,субутли инсон эди, Марина билан ёшлигиданоқ ажралиб кетиб,у билан учрашишни умрини охиригача истамади. Унинг ижоди билан эса Марина Цветаева ҳақида гапира бошлаганидан кейингина қизиқди; бу ҳам унинг ўлими олдидан ,демак, онамнинг ўлимидан ўн йил ўтгачгина, рўй берди. Ася ва Андрей опаси билан муносабатини узишмади,аммо ҳамиша ораликдаги масофа сақланиб қолди.

Иван Владимирович учун ҳамма болалари бирдек азиз эди.Аммо оиладаги турли қарашлар ,муносабатлар - қанчалик ҳаракат қилмасин,бу оиланинг бахтли бўлиши учун қанчалик уринмасин! - уни каттиқ изтиробга соларди.Мария Александровна билан муносабатлари ўзаро ҳурмат – эҳтиромга тўлиқ эди;Мария Александровна эрининг яқин ёрдамчиси, музей ишларида унга сабр-тоқат билан кўмаклашар, уни кадрларди.

Иван Владимирович табиати мусиқага ёт бўлса-да ,хотинини тушунар,истеъдодли пианист аёлнинг дунёси, орзу-умидлари тўрт девор - уйдан ташқарига чиқолмаётганлик фожиасини чуқур англаб етарди.Катта концерт залларида янграётган фортењно мусиқаларини хотини ҳам тингловчи сифатида тингларди ,холос. Мария Александровна қанчалик иродали бўлмасин ,барини ичига ютар ,изтиробларини фақат ўзи билан бўлишарди.

Мария Александровна болаларини нафақат қорнини тўйғазди, балки уларнинг кўзини очиб,дунёга қарашни ўргатди;табиатнинг бетакрор гўзаллигини кўрсатди,болаликнинг беҳисоб шодликларини тухфа қилди. Уларнинг ҳаётини мўъжизаларга тўла оилавий базмларга тўлдирди, арчалар билан безалган байрамларга, орзу - қувончларга ,энг ажойиб китоблар дунёсига олиб кирди уларни. Энг биринчи бўлиб китоблар билан дўстлаштирди; унинг қалби, руҳи ва ҳаёти ақл ва тасаввур кенгликлари билан тўлиб –тошган эди.

Бу дунёдан болаларининг улғайишини кўролмасдан, армон билан кетди. Маринанинг гувоҳлик беришича, унинг энг сўнги сўзлари: «Мен мусиқа ва куёшни ташлаб кетаётганимга ачинаман» бўлган.

Эсимда , бир куни онам Вари Папика ва Вьяльцеваларнинг пластинкаларини тинглай туриб, - нозик,ғамгин овозлар! - ўшанда тўрт ёшлар чамаси эдим,шекилли,менга Памиланинг концертларидан бири ҳақида сўзлаб берган эди.

«У қачонлардир ёш ва гўзал бўлган ,шундай куйлаганки ,уни тингловчилар, кўрганлар бирдек эсини йўқотиб қўйишган! Бойваччалар ,князлар ,офицерлар унинг оёқлари остига қалблари, унвонлари,бойликларини ташлашган,ақлдан озишган ,бир-бирлари билан дуэлларда отишишган...Бироқ у пайтлар ўтиб кетди - сен ҳам вақти келиб ,вақтнинг қандай тез ўтишини билиб оласан! - унинг даври ўтди! У қариди;чиройи,бойлиги,мол-шухрати уни ташлаб кетди. Фақат овози қолди...Мухлисларими? Мухлислар ҳар томонга тарқаб кетишди,қуйилиб қолишди,кўпчилиги вафот этиб кетди.У эса ҳамон саҳнага чиқиб куйларди. Аммо уни тингловчиси йўқ эди,уни англайдиган ,ҳис қиладиган авлод йўқолди. Набиралар ҳеч қачон боболари қизиққан нарсаларга интилишмайди, уларнинг ўз қизиқишлари туғилади бу ҳаётда. Аввалги чиройидан асар ҳам қолмаган , фақат чиройли ажинлар ...Залда санокли сўнгги содиқ мухлислар... Қартайиб қолган бу чоллар ҳаёлига ўша шўх-шодон йигитлик пайтларини келтиришмаган дейсанми! Соялар соя билан сўнгги учрашувга келишди.Соя куйламоқда ,романс ортидан романслар оқиб келмоқда. Улар бу романсларни қанчалик севишган, кўлларида кўтаришган ! Соя - севимли сояси уларнинг!_Соя-ки, уларни- да севган! У улар билан хайрлашмоқда ,хаёт билан ,муҳаббат билан хайрлашмоқда.Концерт аллақачон тугаган,аккомпаниатор ҳам кетди,ходимлар чироқлар ва қандилларни бирма-бир ўчириб чиқишмоқда. Атрофда ҳеч ким йўқ Бироқ у ҳамон шу ерда – саҳнадан кетмайди,у кетишдан бош тортмоқда! Қўшиқлар эса кўкка интилади,отилиб чиқмоқда юрагидан - у куйламоқда! Қоронғу залда бир ўзи куйламоқда ; зулмат ва овоз. Зулматдаги товуш;зулматга осилиб қолган товуш!...»

Менинг юз-кўзимга қараб ,онам тўхтади ва сўради:

- Тушундингми?

- Тушундим,-деб жавоб бердим ва кулиб юбордим: - Қари кампир кўшиқ айтаверибди,айтаверибди,чоллар эса тарқаб кетишибди,чироқларни ўчиришибди.

-Ўрнингдан тур,-деди онам ва бироз жим қолди.- Сен ҳали жуда ёшсан, хонангга бор!

Мен хонамга энагамнинг олдига , «жодугарлар» олдига йўл олдим.

Бечора онам! Катта одамларга – айникса, катталарга! - уларнинг кўнгилидаги суҳбатдош бўла олмади,улар орасидан ўзига суҳбатдош тополмади.

Қоронғудаги овоз - кўшиқ эса қалбда тўлқинланди,жўшқинлашди.У бирдан эшитилмай қолганининг сири, боиси аниқ - онамнинг топишмоқларидан бири миди...

Бугун эса ўйлайман: ўша қоронғу залда куйлаётган кекса лўли кўшиқчининг овози Цветаеванинг «Севилла»сида жўш уриб турган туғён, изтироблар эмасмикин?!

4. БЛОК КЕЧАСИ

Кеч тушмасдан уйдан чиқдик.Онам менга Александр Блок ҳам Пушкин каби улуғ шоирлигини уқтириб кетмоқда.Унинг ҳар бир сўзидан аллақандай ажиб туйғу мени чулғаб бораётганини ҳис этиб боряпман.Онам рассом Милмотининг кичкина хужрасида китобларни варақлаб ўтирибди.Унинг ўзи эса ҳалигача йўқ.

Мен боғ бўйлаб чопиб,ўйнаб юрибман.Ёзув: «Александр Блок кечаси», «Политехника музейида П.Кагон кечаси».Умуман олганда,бу ерда ҳаммаси байрамона. Ҳиёбонларда, дарахтлар соясида иссиқ нонлар сотишмоқда ва граммофон янграб турибди.

Ниҳоят рассомлар Милмоти ва Вишеславцев ва шоир Павел Антакольский рафиқаси билан кириб келишди.Биз билет сотиб олишга кетаяпмиз.Олд эшикка кириб борганимизда, ёқимли ва жарангдор овоз «Блок!»га деб чорламоқда.Бинафшаранг бахмал залга кирдик.Ҳамма жойлар банд. У эса ҳамон йўқ.Антокольский бизга бир неча ўриндиклар олиб келди.Эндигина ўтирувдик ҳамки,шивир-шивир бошланди: «Блок! Блок! - Қаерда? Блок! -Столга яқинлашди,ўтирди! - Настарин...». Ҳамманинг юзида севинч порлади.

Текис, қотиб қолгандай юз. Тўқ рангли кўзлари сал пастга тушгандай, билинар-билинемас кичик оғиз, юзининг ранги малла. Бутун борлиғи қотиб қолгандай кўринди. Кўзлари, лаблари, хуллас, бутун гавдаси қотиб қолгандай қимирламайди.

У «Ўч» поэмасини ўқий бошлади. Қаҳрамоннинг исми - Байрон, ҳақиқий шоир Байрон эмас, албатта. Байрон қадимий дворян оиласининг кенжа қизига мафтун бўлиб қолади, қиз ҳам.

Қизнинг отаси бунга қарши бўлади, аммо муҳаббат ғолиб чиқиб, у йигит билан кетади. Қиз қоронғу тунларнинг бирида бир ўзи қайтиб отасиникига қайтиб келади. Озиб-тўзиб кетган, ҳориб-толикқан, кўлида эмизикли боласи. Кун сайин ўғил ҳам ўсиб - улғаяди, аммо жанг майдонида эмас, бал залларида дилини хушлашни афзал билади. Кунларнинг бирида, бал залларининг бирида эшитадики, унинг отаси Варшаванинг Атиргул кўчасида жон бермоқда. У бу ерга етиб келганида, отасининг жони аллақачон узилган экан. (Отасининг қабрда ётган қиёфаси, ташқи кўриниши бутунлай Блокнинг ўзига ўхшаб кетарди. Мехрли кўзлар, таранг тортилган тана ва руҳидан ҳамон яхшилик эсиб турибди. Кўлида – никоҳ узуги).

Ўғил қабр ёнида турар экан, кўзи мотам либосидаги юзига қора парда тортган аёлга тушади. Бу – онаси эди.

Бу асарнинг бошқа қисмида уруш, қўшинлар, ҳалок бўлганлар ҳақида сўз кетар, улар Ватан номи билан ўлимга тик боқар, улардан императрица кўз узмасди.

У равон, ўзгармас овозда сўзларди. Асар сўнгида ўғил вақт ўтиб, отасини бутунлай унутиб юборганини айтиб ўтди.

Блок тин олди ва тугатди. Барча олқишлади. Шоир ҳаяжон ичида таъзимга эгилди. Халқ сўрарди: «Шеърларингиздан ўқинг! Ўн иккилар!, Ўн иккилардан бўлсин! Номаълум аёл! Номаълум аёл!»ни!

«Туманли тонг...»ни ўқий бошлади. Блок. «Ёш боладай таъзими ҳам ўлчанар унинг. Кўришгунча! Ёнбошлаб тушган тонгга уриниб, жаранглаб кетар. олис хотира!» (Бу мисралар менинг ёш хотирамда шу қадар қаттиқ муҳрландики, уларни унутолмадим).

Мен унинг ифодали қилиб ўқиган бошқа шеърларини эслай олмайман, аммо уларнинг маъносини сўзма - сўз айтиб бероламан. Масалан: «Сенинг қиёфанг стол устидаги тилло гардишда товланиб турибди. Сенинг хотираларинг – ғамғин ва қайғули. Сен тунда тўқ кўк ёпинчиқни кийганча чиқиб кетдинг. Мен сенининг қиёфангни столдаги тилло гардишдан сидириб ташлайман».

Блок тик турган ҳолатда, жиддий оҳангда, қисқа - қисқа нафасда ўқийди. Ўта ғамғин ва босиқ кўринадди. «Лабларимга совуққонлик билан теккиздинг кумуш узукларингни».

Баъзан Блок сўзларни унутиб қўяр, шунда унинг орқасида ўтирган хоним ва жанобга қарар, улар эса кулибгина сўзларни айтиб туришарди.

Онам камтарона бурчакда ўтирар, юзлари яллиғланар, лабларини тишлагандай тингларди. Гоҳо менинг кўлимдаги гулни олиб, гулнинг хидсиз баргларини чиройли қирра бурнига теккизиб қўярди, хидларди. Унинг юзлари севинчданми, ҳайратданми порларди.

Кеч тушди. Блок узундан – узун паузалар билан ўқирди энди. Қоронғулик тушиб келарди. Орқамизда ўтирган жаноб чирокни ёқди. Қандилдаги ҳамма шамлар ва хона деворларидаги улкан чирок ҳам ёндирилди. Улар жуда хира бўлиб, қалин, қаттиқ шиша билан қопланган эди.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳаммаси тугади. Онам Милмотидан мени Блок ёнига олиб боришларини сўради. Мен у турган хонага кирганимда аввалига ўзимни ўйнаб юргандай кўрсатишга уриндим. Кейин Блокнинг ёнига бордим. Астагина ва енгилгина унинг енгидан ушладим. У қайрилиб қаради. Унга хат узатдим. (Бу Марина Цветаеванинг шеърлар тўла дафтари эди). У кулди ва шивирлади: «Раҳмат». Унга таъзим қилдим. У ҳам енгилгина, бепарво таъзим келтирди. Бу воқеа 1920 йилнинг 15 майида бўлиб ўтган эди.

Марина Цветаева Блокни ўз ҳаёти давомида кўрган, билган ягона илоҳий шоир деб биларди, ҳа, айнан, шундай. У Блокка «навобахш хунар» йўлидаги йўлдошдай эмас, шеърятдаги илоҳийликдай қарар ва унга таъзим қиларди. Бошқа барча яқин сеvimли

шоирларига нисбатан сафдошлик туйғусини туяр, тўғрироғи, уларда йўлдошлари ва сафдошларини кўрарди. Ҳар бири – Тредиаковскийдан Маяковскийгача Пушкин ҳақида айтилгандай ушбу сўзларни айтишга ҳақлиман деб ўйларди: « Қаламни на хушёрлик билан чархлаганганини билдим: унинг бўёқларидан бармоқлар қуриб қолмади».

Бундан ташқари, уларнинг ҳар бирини – ҳатто Рилькени ҳам қондош – жондоши деб билар, шеърлар фақатгина истеъдод мевасидан туғилмаслигини англаб, аксинча, барча қайғу – аламлар, ҳар бир тирик жоннинг нозиклиги, шодликлари, шу тирик жоннинг қонидан яралган захматлари, унинг эрки ва қудрати, пешона тери ва меҳнати, очлик ва ташналикдан эканлигини ҳис этарди. Ижодкорнинг жисмоний меҳнатига ҳамдардлик ва куюнчаклик туйғуси билан қарарди.

Цветаева ёлғиз Блокнинг ижодининг осмоний баландликка кўя олди. Буни шеърият руҳи билан руҳни тозалаш деб билди (худди оловда тозаргандай!). У бундай юксак шеъриятга ўзини дахлдор деб билмади, бу ҳақда ўйламади ҳам! Бундай хаёлга боришни гуноҳқорлик санади. Фақатгина тизларини букканича таъзим қилди, холос. Унинг бундай тиз чўкиб таъзим қилишлари, «аллилуялари»нинг барчаси шеърларида ўз ифодасини топди. Бу шеърлар 1916-20-21 йилларда ёзилиб, Блокка аталди. Улар орасида насрий асари ҳам бўлиб, уни 30-йилларнинг бошида Парижда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди, чиқишларида ўқиб берди. Афсуски, бу насрий асари ҳеч қаерда чоп этилмаган, қўлёзмаси ҳам сақланиб қолмаган.

Менинг авлодимдаги ўқувчилар «Пастернак ва Цветаева» деб қанчалик кўп гапиришган бўлса, ўша давр авлодлари ҳам « Блок ва Ахматова» деган иборани шу даражада тилдан туширишмаган. Бироқ Цветаева учун бу номлар соф маънода шартли эди; улар орасида тенглик бор деб ўйламади у. Ахматова унинг учун опа-сингиллик туйғусини уйғотарди. Улар чиндан ҳам шеъриятда опа-сингил эдилар. Ахматовнинг мутлоқ оҳангдорлиги, руҳий латиблиги аввал бошдан Цветаевани қанчалик сеҳрлаган, ўзига тортган бўлса-да, кейинчалик булар Ахматова ижодининг ифодаси ва шеъриятдаги шахсини ривожлантирувчи, белгиловчи сифатларга айланиб қолди. « У – мукамалликнинг ифодаси, ва афсуски, худди шу – унинг чегараси», - деган эди Цветаева Ахматова ҳақида.

Павел Антокольский Цветаевага Блокнинг «Ўн икки» сини олиб келгани, совға қилганини эсламан. Катта форматда оқ қоғозга битилган қора ҳарфлар. Қоронғу шом, оппоқ қор. Анненконасифат иллюстрациялар билан моҳирона безатилган китобни ошхонамизнинг бўсағасидаёқ кўмирдай ловиллаб, ёввойи кўзлари билан ўқий бошлади онам. Бир нафас тин олиб, муштларини баландга кўтарди. Кўзларини юмганича столга келиб урилмагунча эниб келишлари эсимда ҳамон. Худди шу стол атрофида Марина – онам ўтирди ва Антокольскийни кутиб олишга тикланди. У эса охиригача ўқиди ва онам индамай, кўзларини ердан узмай, охиригача тинглади, унинг қўлидан китобни олди. Ҳаяжон ва ҳайрат оғушида кўзининг қовоқларини туширди, тишларини маҳкам босди, юрагида ловуллаган оловни юзига чиқаргиси келмади.

«Ўн икки» нинг кўлами уни нафақат ҳайратга солди, балки маълум маънода ўзи ва ўзи қаториларнинг ижодидан, ёзаётганларидан уялтириб юборди ҳам! Бу ҳақда қайта ва қайта Блок ҳақидаги ўша насрий асарида таъкидайдими онам. Блокнинг умри узоқ бўлмаган бўлса-да, у кўплаб шоирлар, хусусан, ўша даврлардан бошлаб, давр руҳига мос келмаган цикллар яратаётган Цветаева учун ҳам паноҳ эди...

Бироқ

Бу – Илҳом париси, Илҳомнинг эмас.

Чириб битган иплар

Қондош эмас сенга, йўлинг қўшилмас.

О, дўстлик! –

Фақат аёл қўли биланмас –

Қонхўрлик! -

Мен томон тортқилар тугунақларни.

Ул қўрғошин бирлик –
Қора рангли чинкириқлар ичрамен.
Шарқ томон яллиғланди.
О, ким менинг нозик елкаларимни
Икки қанотини
Ўзига тортди?

Блокнинг аввал бошда Анна Ахматовага бағишланган, кейинчалик бу ёзуви олиб ташланган «Қизил от» поэмасида мураккаб, ўсиб борувчи, айна пайтда, «илоҳийлашган» Блок - «Ўн икки»нинг ижодкори, шеърятнинг энг тиниқ ва оловқалб даҳоси, Цветаеванинг фикрича, унинг қўли етмаган чўққи соҳибининг образи гадаланиб турарди.

У Блокни Москвада бир неча кунлар давомида – 1920 йилнинг 9 ва 14 май кунлари Политехника музейи ва Санъат саройидаги шеърят кечаларида кўрди, тинглади. У билан шахсан таниш эмас эди ва бу унга уринмади ҳам. Бу – уни ҳам қувонтирар, ҳам армонига айланди. Билардики, шуниси яхши – тасавуридаги шоир ва учрашувлар уни ҳеч қачон ҳафсаласини пир қилмайди, кўнглини совитмайди...

5. «БАЛЬМОНТ ЮБИЛЕЙИ»

Бугун онам билан Санъат саройига бордик. Бу ерда ажойиб байрам – Бальмонтнинг юбилеи нишонланмоқда. Мен боғда қолдим. Бирдан кўзим қўлида атиргул Бальмонт билан келаётган Елена ва Миррага тушди. Онам билет олди ва биз залга кирдик. Елена (Бальмонт тили билан айтганда – Элена) ўз жойини эгаллади. Мирра мени имо-ишоралар билан чақириб, майин бинафшаранг ўриндикда бирга ўтиришни таклиф қилди. Тилла суви юритилган иккита кўм-кўк ўриндиқ келтиришди, учинчиси – Бальмонт учун катта оромкурси. Уни ўртага қўйишди.

Бальмонт қўлида дафтар ва атиргул билан чиқди. У қатъиятли, арслонларга хос, айна пайтда, зерикканроқ қиёфада ўриндиққа ўтирди. Ўриндикнинг биттасига дафтари ва гулларни қўйди, иккинчисига шоир Вячеслав Иванов ўтирди. Ҳамма олқишлади. Вячеслав Иванов жимгина таъзим қилди, бир неча дақиқа ўтирди-да, ўриндиқ ва кўзгу ўртасидаги бурчакка бориб турди ва кичкина оромкурсини тебратган қўйи Бальмонт ҳақида кириш сўзини бошлади.

Афсуски, мен ҳеч нарса тушунолмадим, чунки бу нутқда жуда кўп чет тиллардан қўшилган сўзлар ишлатилди. Нутқ орасида енгил қарсақлар чалинар, гоҳида унинг фикри билан келишолмаётган, фикрига қўшилмаётганларнинг қизгин шивирлари эшитиларди.

Бир дақиқага димиққан залдан пастга, боққа чиқдим. Айланиб, югуриб юрибман. Боғнинг ҳар бир бурчагини кўздан кечириб, шундай вақтда одамлар қандай қилиб, Соллогубнинг зах босган, моғорлаган ертўлаларида яшаши мумкин, деб ўйлардим. Ортга қайтаман. Вячеслав Иванов сўзини тугатганда кириб келдим. У ўз бурчагидан чиқиб, Бальмонтнинг қўлини қаттиқ сиқади.

Вячеслав Ивановнинг қиёфаси хотирамда шундай сақланиб қолган: мавҳумлик, туманлик ўрнашган кўзлар, эгри-бугри, ажин босган сариқ юз. Жиддий тортилган табассум. Енгил-енгил нафас олиб, гапиради. Ҳамма билади – у ўқимишли, олимларга хос ўқимишли. Босиқ, хотиржамлик билан юради ва шундай қарайди. Унда олов сезилмайди, аксинча, аллақандай намхушлик ҳиди уфуради.

Байрамнинг энг ҳаяжонли дамлари япон аёли Инамэ билан ўтди.

Уни шоира Инамэ деб саҳнага чорлашди. У саҳнага чиқиб, қўлларини бирлаштириб, ҳаяжон ичида оддийгина ифодалади истакларини: «Мана, мен Сизнинг олдингизда турибман ва Сизни кўраяпман. Мен эртага жўнаб кетишим керак. Биз Сиз бизникида бўлганингизни эслаймиз ва ҳеч қачон унутмаймиз. Сиз ўшанда бир неча кунга борган эдингиз, ўша бир неча кунлар... нимасини айтай!... Бизни кинга келинг, узоққа келинг. Шунда биз бизникида Сиз – улуг шоир бўлганини умрбод эслаб юрайлик!»

Шунда Бальмонт деди: «Инамэ! У мен жавоб тайёрлаб қўйганимни билмайди ҳали!» Ҳамма кулиб юборди. У ўрнидан турди, чўнтагидан унча катта бўлмаган ён дафтарчасини олди-да, шеър ўқий бошлади. Шеърнинг мазмуни, адашмасам, шундай эди: «Инамэ гўзал, исми эса ўзидан-да гўзал», умуман, ҳар бир аёлга ёқадиган шеър эди.

Яна бир аёл - инглиз меҳмон аёл ўрнидан турди ва инглизча гапирди. У сўзини тугатгандан сўнг Бальмонт унга бир даста гул тутқазди. Менимча, у бу гулларни япон шоирасига бергани маъқул эди, чунки у кўнглидаги оддий ва самимий қилиб айтди - қўйди! Кимдир баланд овозда эълон қилди: «Шоира Марина Цветаева!» Онам Бальмонтнинг ёнига борди ва деди: «Қадрли Бальмонт! Мен Сизга мана шу картинани тухфа этаман. Жуда кўп рассомлар ва шоирлар ўз имзоларини қўйишган. В.Д.Миллотти чизди».

Бальмонт онамнинг қўлини сиқди ва улар енгилгина кучишдилар. Онам алланечук ҳолатда жойига бориб ўтирди. Олқишларга ҳам эътибор қилмади.

Худди шу пайт роялда мусиқа янгради, шу қадар шиддатлики, клавишлар кўчиб кетгудек. Ярим очилган роял пружиналари қарсиллади. Мирра кулоқларини беркитиб олди-да, жилмайиб қўйди. Мен эса буткул бепарво тутдим ўзимни. Эсладим: «Мен Пушкин – Блок сингари Улуғ шоирни кўрдим». Яқиндан кўрдим.

Энг охири Фёдор Соллугуб сўзга чиқди. У деди: «Ҳаммани бирдек кўнглини олиш қийин. Шоир – ер юзидаги энг ноёб меҳмон. Шоир – тирилиш куни ва дунёнинг байрами. Шоирнинг ҳар бир куни – байрам. Ҳамма одамлар ҳам шоир бўлиб тузилмайдилар. Миллионлар ичида битгаси – ҳақиқий шоир!»

Соллугубнинг сўзидан сўнг залда эътирозли овозлар янгради: «Ким? Ким у? Ҳаммага эмас! Ҳаммавақт ҳам эмас!»

Иван Сергеевич Рукавишников сўз олди. Қўлида – шеърый журнал. Овозини баланд қўйиб, деярли қичқариб, ўз шеърларини Бальмонтга қараб ўқий бошлади. Бальмонт унинг қўлларини сиқиб қўйди.

Зинапоярдан тушаётиб, ўйладим – нима учун Бальмонт юбилеи тунги байрам ракеталари билан нишонланмади...

Бальмонт ва унинг оиласи билан бирга қайтдик.

Онамнинг Бальмонт билан дўстлиги қачон бошланганини эслай олмайман. У ҳамиша бўлгандай туюлади. Шундай одамийлик муносабатлари борки, улар бошидан бошланмайдилар, балки бирдан бошланади. Шу кўйи унинг охири кўринмайди. У қандай акс этмасин, барибир охири йўқдай. Муносабатлар эса аввал - охири четлаб ўтиб, бири-бирини англаб етишнинг нозик паллаларида, сўнгги, оғриқли кўнгиш товушларида, совушларида бўлиниб – бўлиниб бораверади...

Тўғри чизик билан узоққа тортилган дўстлик (узилишларнинг ташқи кўринишини эмас, ички узилишларини назарда тутаяпман) онам учун хос эмас эди, у текис, яхшилаб ишлов берилган йўлларнинг йўловчиси эмас эди.

Кўп ҳолларда совиб кетмаслик учун дўстларига ҳаддан зиёд кизиқиб кетарди, ҳаддан зиёд! (Аммо «ҳаддан зиёдлик» шоир учун ҳамиша нотабийлик олиб келади). У уларда орасидаги ўта оғир, булутлар ортидаги юксакликни ҳам кўтарди, турли ваҳима ва васвасалардан ўзини сақлашга ҳаракат қилди; одамларни турли фазилат ва эътиборга лойиқ ҳолда кўришга интилди, улардаги ҳар бир ижобий кўринишни улуғлади, одамлар ана шундай ажойиб фазилатларга эга бўлишлари лозим деб ҳисоблади, айна пайтда, уларда бундай фазилатлар борми-йўқми, бунисидан қатъи назар, одамларнинг борлиги учун ҳам кадрларди...

У ўзини эмас, бошқаларни безашни афзал билар, бу ишга тангилик билан киришарди. Унинг бу оддий, самимий ва одамийлик фазилатларида ўзини – ўзи ёйиб олмоқчидай, яна – айрилиқ - бу шеърларида яққол кўринарди – ички портлашдан юмшаб олмоқчидай бўлган туйғулари яширин эди, чамамда.

Бундай узоқ давом этган , ҳеч қачон узилмаган, икки улуғ шоирни бир-бирига боғлаган дўстлик қандай қилиб туғилган эди?

Биринчидан, онамнинг шоирона тасаввурига кўра, унда (Бальмонтда) Марина Цветаева учун зарур бўлган озиқалар йўқ эди, бўлгани ҳам худди онамда бўлгани сингари эди. Бальмонт ҳам ўзининг имкониятлари ва имконсиз томонларини яхши биларди. У ҳам онам каби энг олий даражада, ҳеч ким тортиб ололмайдиган даражада баландликда эдилар. Иккинчидан, турли стихиялар, турли ички кенглик ва тубсизликлар иккисининг ижоди учун ҳам оддий ҳол эди. Онам ҳаммавақт тўкнашувлар чоғида ўзига зарурини олар, танлар ва холис фикр айтарди. У энг яхши, энг катта, энг кераклиларини фақат ўзига яқин, кадрдон шоирлардан талаб қилар, улардан шуни кутарди.

Улар иккаласи ҳам «Худо юқтирган» шоирлар эдилар. Аммо онам ҳаммавақт ўз ижодини тўлдиришни ўйлар, Бальмонт эса унинг учун бу борлиқни қўлига олган бўлиб кўринарди.

Бальмонт ҳақида беҳисоб латиқалар тўкилган эди. Уни эркин шоир сифатида улуғлашар, шеърый давралар усиз ўтмаслиги урфга айланган эди. Ёш Марина Цветаева учун ҳам у афсонавий , улкан бўлиб кўринди. Октябрь воқеалари уни тирик, бироқ чорасиз одамнинг олдига олиб бориб қўйди. Бу вақтда унинг юлдузи космик тезлигида энг юқори чўккидан ботиш томонга энаётган эди. Онам ўша заҳотиёқ сўниб бораётган шон-шухрат, кексаликка қараб бораётган инсон, ўлмас истеъдоди ҳамон ярқираб турган шоирга елкасини тутди.

Афсонавий Бальмонт ўзига бир ўхшаб, бир ўхшамай яшарди. Унинг нафис нафасли, айни пайтда бўғиқ нутқлари, ўзини тута билиши, мағрур, тик туриши, димоғдорлиги туғма эди. У атайлаб димоғдорлик қилмасди. Ҳаммавақт, ҳар қандай жойда , ҳар қандай даврада , ҳар қандай шароитда у ўзгармади, охирги кунигача шундай яшади. У қариб борарди, танаси озиб, мускуллари кичрайиб, ерга энкайиброқ, юз ифодалари мулойим тортиб, кенг пешонаси янада аниқ-тиниқ ажинларга тўлиб борар, кўриниши, юриш-туришидан кўпроқ испан қони қўшилган қишлоқча сиёққа кириб борар, барибир – буюклиги ортиб борарди.

Бундан ташқари, кутилмаганда Бальмонтда соддалик ҳам пайдо бўла бошлади. У энди ўзини кўрсатишга уринмас, сўзлашганда ҳам тўлиқиб, сўзларга ранг бериб ўтирмас, қисқа, аниқ ва ўткир сўзларни ишлатарди. У тўхтаб-тўхтаб, сўзларни гаплардан узиб-узиб олгандай гапирарди. Кексайди, ўзини худди ҳимоясиздай сезган ёш болага ўхшаб қолди, дарров хафа бўлиб, яна аламларини ичига ютар, катта қариб қолган кўзлари ёшланиб кетарди.

Бальмонт билан онам бир-бирига жуда яқин, «сен»лашиб гаплашадиган ноёб дўстлар сирасига кирарди. Онам ҳам, у ҳам буни дилида ҳам, тилида ҳам бирдек айтолишарди. Ўша даврларда онам Пастернак билан ёзишмаларидагина шундай яқинлик ҳис этарди ўзида. Умрида бир марта ҳам кўрмаган , кўришишмаган Рильке билан ёзишмаларида ҳам бу қадар илиқлик, меҳр, дўстлик мустаҳкам бўлмаган, сезилмаган. Онамнинг табиатига кўра, «сен»лашиб сўзлашиш (болалардан ташқари, албатта) унинг учун соф шоирона эркинлик, айни пайтда, шартлиликдай эди. Бальмонт билан «сен»лашишга ўтган Марина Цветаева унинг барча машаққатлари, ноқулайлик ва ноўхшовлик томонларини ҳам кўтара оладиган «сен»га айланди. Онам учун ўзига ўзи ёрдам беришдан кўра дўстларига ёрдам бериш осон кечарди. У бошқалар учун ҳатто тоғларни ҳам ағдариб юборишга тайёр эди..

Бальмонт ва онам адабий кечаларда доим биргаликда чиқишлар қилишар, меҳмондорчиликка борадиган жойлари ҳам, учрашиб турадиган дўстларининг уйлари ҳам бир хил эди. Улар кўпинча онамнинг яқин дугоналаридан бири Татьяна Фёдоровна Скрябиналарникида йиғилишарди. Бу аёл бастакорнинг беваси бўлиб, ғоятда гўзал, ғамгин чехрали, қадди қомаги келишган эди. Унинг атрофига санъатга шайдо кўнгиллар йиғиларди. Ўша бастакорлар ичида мен кўпроқ С.Кусевицкийни эслаб қолганман. У ҳар қандай суҳбатни бевосита Скрябинга олиб боришга жуда моҳир эди. Бастакор қизларининг исмлари худди бизникидай эди. 1922 йил онасининг ўлиmidан сўнг

бастакорнинг катта кизи Ариадна Скрябина бельгиялик бувиси ва кичик синглиси билан , хали ёш бўлишига қарамай, чет элга жўнаб кетди. 20 ёшга кирганида у - уч боланинг онаси Франция Қаршилиқ кучларидаги жангларда кўлида курол билан гитлерчилар қуршовига тушиб қолади ва шон-шуҳратга беланган қахрамон сифатида ҳалок бўлади.

Кўз олдимизда Скрябиналар уйи музейга айлана бошлади. Оиладигилар давлатга аввало, бастакорнинг кабинетини беришди. Бу ерда ҳамма нарса ўз жойида қолган эди. Деразаси катта бокқа қараган уйга аста-секинлик билан саёҳатчилар келиб – кетишадиган, боғ ўртасидаги ёзнинг ўрталаригача очилиб, гуллаб турадиган «Яраланган гуллар»дан завқланиб кетадиган бўлишди.

Ҳаммавақт ва ҳамма жойга Бальмонтни унинг хотини Елена олиб юрарди. У – кичкинагина, ориққина, камдан – кам учрайдиган катта- катта бинафшаранг кўзларини эридан узмасди. У мўъжизакор иконалар ёнидаги ҳаммиша ёниб турадиган чироқ сингари Бальмонтни иситиб, атрофини ёритиб турарди. Онам унинг ёнида туриб, болалиқдаги ченаларимизга музлаб қолган картошкалар ёки кутилмаганда чиқиб қолган ёнилғиларни солиб, уйигача олиб боришга кўмаклашарди. Онам махоркаларни оларди-да, ярмини «Бальмонт»га деб олиб қўярди. У эса буларни ажойиб инглизча турбқасига соларди-да, роҳатланиб тутатарди. Баъзан бу трубкадан онам ҳам чекиб кўрар, иккаласи худди хиндуларга ўхшаб бир-бирига илинишарди.

Бальмонтлар Скрябиналардан икки қадам нарида , биздан унча узоқ бўлмаган Арбат яқинида яшашарди. Кирсанг – Еленани кўрасан, куюга беланиб, тутаб ётган печкани ёқиш билан овора. Бальмонт эса шеър ёзиб ўтирибди. Бальмонтлар бизникига келса эса – печкани ҳам онам ёқади, шеърни ҳам онам ёзарди. Скрябиналарникида эса ҳаммаёқ тоза, чиннидай, иссиқ. Чунки бу ерда ҳеч ким шеър ёзмайди, печкаларни эса хизматкорлар ёқишади...

Бальмонтлар чет элга кетишга чоғланишаётганда , тез орада қайтишса керак деб ўйлаган эдик. Аммо бутунлай қолиб кетишди. Биз уларни икки марта кузатдик. Биринчи бор - Скрябиналарникида. У ерда бизни қалампирли картошка ва чинни идишларни тўлдириб, ҳақиқий чой билан меҳмон қилишди. Ҳаммо ҳаяжонли сўзларни айтишди, хайр-хушлашишди, кучишдилар. Аммо эртаси куни визага боғлиқ қандайдир чала ишлар борлиги айтилиб, сафар унча узоқ бўлмаган вақтга қолдирилди. Охирги кузатиш айтиб бўлмас даражада аралаш-қуралаш ҳолатда ўтди: сигаралар тутуни ва самовар ҳиди билан тўлган Бальмонтнинг сўнгги бошпанаси – лўлилар таборидан қолиб кетган тикилинч жойда бўлиб ўтди. «Онам ўша стол атрофида ўтирганлар ичида энг хушчақчағи эди ўша пайт. У бўлиб ўтган воқеалардан сўзлаб берар, ўзи қулиб, ўзгаларни ҳам қулдирар, балки шу билан айрилиқ захрини қуриб ташламоқчи бўлар эди гўё», - деб ёзган эдим мен ўша пайтда дафтарчамга. Бироқ онам Бальмонтни қайғу тўла юраги билан қайтиб келмас йўлга кузатди.

Эмиграция даврида ҳам (1922-1939) онам ва Бальмонт ўртасидаги дўстлик узилмади, аксинча, мустаҳкамланди. Улар бошида ахён - ахёнда учрашиб туришди. 30 – йилларга келиб, Константин Дмитриевич ва Елена мамлакатларни кеза-кеза, бахт излашдан биз каби чарчашгандан сўнг Парижнинг чеккасида жойлашган шаҳарчада тўхташди. Шундан сўнггина бизлар тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Бу, айниқса, Бальмонт бетоб қолгандан кейин янада тезлашди.

Унинг сўниб бораётганини кўриш, тасаввур қилиш ниҳоятда оғир эди. Бу шу қадар рангсиз ҳаёт эдики, бунинг устига, қариликни қашшоқлик тобора эзиб борарди. Унга Елена билан бирга жуда кўплар ёрдам беришди. Аммо бефойда ва ҳаммаси умидсиз эдилар. Ўзига тўқ одамлар ёрдам беришдан чарчашди, камбағаллари эса - қуриб битишди... Буларнинг ҳаммаси – йўқчилик, иложсизликнинг доимийлиги шундай хўрлик уйғотардики, унинг атрофини бегоналик, тўқлик, мустаҳкам деворлар, устига устак, хашамдорлик, кундалиқ турмуш тарзи ва одатлари ўраб турарди. Витриналар ёнидан ўтиб кетишаётганда, онам уларга қарамаётгандай кўринса-да, Бальмонт ёш боладай талпинар, уни эса ёш болани овутгандай ҳаммиша садоқатли Елена олиб кетарди.

Бальмонтнинг кексалиги аста-секинлик билан унинг нафақат ташқи томони, балки ички дунёси, ҳаётини ҳам туб-тубига кириб борди. У ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Сўз билан ифода қилиб бўлмас ва айтиб бўлмас, қўл етмас барча уммонлар ва ўз шеърини йўллари ичида ўралиб қолган примадага айланиб борди.

Охири марта мен уни Парижда кўрдим. Қишда, 1936-37 йиллар. Дўстлар даврасида. ўтирган Бальмонтнинг малларанг, қалин сочлари оқариб кетган, сийраклашган, бу оқиш сийрак сочлар самовий бинафша рангда товланиб турарди. Кўзининг нури камайган, ҳаракатлари аниқликни йўқотгандай. Оғир ажинлар уни ерга тортиб борса-да, у бошини худди аввалгидай баланд, виқорли тутарди. У бегоналардай ва жиддий кифоада овқатланарди. Елена унинг ёнида ўтирар, деярли гавдасиз, жонсиздай. Тик, гўёки таёқ дейсиз. Мана шу ёнида ўтирган жаҳонгаштанинг ҳассасидай.

- Марина, - деди бирдан Бальмонт оҳиста кетаётган суҳбатни шоҳона тарзда кесиб. – Йўлда келаётиб, мен баланд дарахтни кўрдим. У булутдай юм-юмалоқ, қушлар сайроғи жаранглаб турарди. Мен ўша томонга боргим, энг баланд шоҳига чиққим келди. У эса (Елена томонга илкис қаради) менга ёпишиб олиб, қўйиб юбормади!

- Қўйиб юбормай, жуда тўғри қилган, - деди онам меҳрибонларча. – ахир, сен Қажнуссан! Дарахтдагилар эса – оддий қушлар: қарғалар, чумчуқлар. Улар сени чўкиб ташлашлари мумкин эди....

6. «ЁЗУВЧИЛАР ДЎКОНИ»

«Аля! Тез бўл, кийин! Биз «Ёзувчилар»га борамиз. Китобларни сотиб келамиз». Мен тезда бинафша ранг бахмал қўйлагимни – бисотимдаги энг яхшиси! - кияман. Эгнимга болаликдаги йўлбарс йўлли шубамни иламан. «Онажон! Мен тайёрман. Рўмолни ҳам тайёрлаб қўйдим».

Онам катта совуқ хонадан китоблар билан тўла сават кўтариб чиқади. Энг енгил китобларни у менинг рўмолимга солади. Биз йўлга тушамиз. Йўлда кетаётиб, Никитинский соатларига қараймиз: «Алечка! Ҳозир ўн икки ярим, биз вақтида етиб борамиз!»

Онам илҳомланиб кетади, аммо аллақандай кўркувлардан чиқиб кетолмайди. У йўлда учраган ва қаршимиздан чиққанлар билан тавозе, бепарволик билан саломлашади.

Кимдир менинг бошимга қарайди. Кўрқибгина, кўзимни ердан оламан. Қаршимда қувноқ чехрали ёш йигит турибди. Бу – «итальяно» Осоргин. У итальян тилидан таржима қилади ва шу дўконда ишлайди. «Хўш, Аля, картон қоғозлар салтанатини кўришни хоҳлайсанми? (Картон қоғозлар деганда у қирқиш ва елимлаш учун мўлжалланган расмли каттиқ қоғозларни назарда тутарди). «Мумкин бўлса, кўрсатинг». У картонлар «салтанати»ни олиб чиққунча, кўзим Бердяевга тушди. У ҳам ёзувчи эди. Унинг ғалати касаллиги бор эди – вақти-вақти билан тилини кўрсатиб турарди. У ҳам шу дўконда хизмат қилади.

Бердяев сотиш учун олиб келинган китобларни бирма-бир кўриб чиқар, варақлар эди. «Ҳа, ҳа. (тилини чиқаради). Ҳа. Бу – 1000 рубл. Бу – 5000 ! Бу – Луначарский пьесасими-6000!»

Турли-туман одамлар ва болалар пештахтага қарар, китобларни варақлаб кўришарди. Ёнимга қирқ ёшлардаги дехқон яқинлашиб, сўради: «Ойимқиз, айтинг-чи, Васнатка учун шу китоб бўладими? – «Ким у Васнатка? Ўғлингизми?» - «Менинг жияним». – «Ўйлайманки, бўлади». – «Бу ерда икки баҳодир – Еремей ва Иван ҳақида». – «У қанча туради? Минг рублми? – «Йўқ, юз рубл». Қувониб кетган дехқон Васнатка учун китобни олганча узоқлашди. Қаердандир қоп-қора Живелегов ҳам пайдо бўлди. У пештахтани олдига туриб олди-да, хушмуомалик билан кимга нима кераклигини сўрай бошлади. У кам ҳақ тўларди ва унинг кўриниши атрофдагиларни кўрқитарди. Онам ҳар гал дўконга боришдан олдин : «Ишқилиб, Живелегов қўлига тушиб қолмайлик-да! – деб тиларди.

Онам китобларни кўра-кўра, охириги полкаларга ҳам етиб келди. Бирдан Осоргин сўраб қолди: «Марина Ивановна! Бошқа китобларни ҳам кўришни истайсизми?» - «Бошқа

китоблар? Сизда бундан бошқа китоблар ҳам борми?» - «Қани, келинг, келинг. Албатта, бор!»

У ҳайратга тушиб қолган онамни қўлтиқлаб олди. Биз кирган бино аввал меҳмонхона бўлган. Унга кўча тарафдан кириларди. Зиналари мрамор, кенг. Осоргин қувноқ овозда онамга дўконнинг омборхонаси ва китобларга таллуқли ҳамма нарса ҳақида гапириб борарди.

Биз ниҳоят тор лабиринт – даҳлизга кириб бордик. Мен ҳайрат билан шуни сездимки, Осоргин йўлдан умуман адашмасди. У қайсидир эшикни тақиллатди, эшикни иккита эркак очди. Улар китобларни танлашар, бир-биридан ажратиб қўйишар, тинмай гаплашишарди. Мен уларга ёрдамлаша бошладим. Полкадан тушиб кетган китобларни яна жойига, яшиқларга жойлай бошладим. Онам ёниқиб, немис ва француз тилидаги китобларни излашга тушди. Кераклиларини менга узатар, мен уларни тахлаб борардим. Кутилмаганда чанг босган китоблар орасида рангли, суратли, худди рус сочиғига ўхшаш нарсани кўриб қолдим. Мен уни онамга айтдим, улар бу гўзал нарсани олиб чиқишга киришиб кетишди. Чанг босган китоб тоғлари кулаб, сочилиб кетарди.

Онамнинг қўлида - ёшлар ва кексалар суратлари билан безатилган ажойиб йил календари. Бир қанча китоб ва полкаларни олиб, бошқа хонага кирдик. Бу ерда кўплаб китоблар – катта ва кичик, альбомлар, оддий қоғоз, алифбе китоблари, улкан лотинча китоблар, французча шеърлар ва бутун дунёдан йиғилиб олиб келинган турли-туман нарсалар тўлиб-тошиб ётарди.

Бу ердан ҳеч нарса тополмай, бутун даҳлиз бўйлаб, унинг бошқа чеккасига бордик. Бу ердан Осоргин яширин эшикни очиб, бизни киргизди. Бу катта ойнали кичикна хона бўлиб, қуёш нурлари тўғри ёзув столига келиб тушар, стол ёнида катта оромкурси, стол устида - китоблар. Осоргин ҳаяжон ичида деди: «Баҳордан бошлаб, бу ер менинг ёзги кабинетим бўлади!».

Яна уч хонани кўриб, пастга тушдик. Мен онамни қувиб етиб, зиналардан чопиб туша бошладим. Кўчага чиқдик. Ёзувчилар дўконига кириб чиқдик. Китоблар ҳақини тўладик. Календарни Осоргин менга тўхфа қилди. Биз баҳор хиди анқиб турган, аммо ҳали қорли уюмларга тўлиб турган кўчага чиқдик.

Онамнинг савдоси шундай эди: камроқ китоб сотиб, кўпроқ сотиб оларди.

1918 йил августида вақтли матбуот наршларини мусодара қилиш қароридан сўнг Москвада биринчи ва ягона, ўзига хос Ёзувчилар дўкони пайдо бўлди – шерикчилик асосида юзага келган бу китоб савдоси билан шуғулланадиган бу муассасанинг ташкилотчилари – Б.Грифцов, А.Живегелов, П.Муратов, М.Осоргин, В.Ходасевич, Б.Зайцев, Н.Бердяев ва бошқаларнинг фикрича, вақти келиб, бу дўкон кооператив нашриётга айланиши керак эди.

Аввалига дўкон унчалик катта бўлмаган, яқиндагина бўлиб ўтган инқилоб ўқларидан дарз кетган Леонтьев тор кўчаси, 16-уйдаги собиқ кутубхонага жойлашди. Бу ердаги китоб ва полкаларни олиб қолди. 1921 йилнинг бошида Большой Никитский кўчаси, 24-уйга кўчирилди.

Бу ерда кўринишидан адабиётга алоқадор бўлмаган курьер ишларди; бошқа барча ёзувчилар ўз ишини ўзи эпларди: ўз пулларига савдо қилиб, шунда ҳам комиссия назоратидан ўтиб, иш юритар эдилар. Улар кўп ҳолларда ўз эгаларини йўқотиб қўйган китобларни излаб топишар, уларни янги одамларга сотишар, энг ноёб нашрларни Румянцев музейига ўтказишга уринишарди. Дўкон қошида ташкил этилган «Итальяно» студиясида маърузачи ва лектор бўлиб ишлашар, бундан ташқари, бу ернинг ҳам сараловчилари, ҳам юк ташувчилари, ҳам баҳо берувчилари эди. Эҳ, ким бўлиб ишлашмади улар!

Дўконда босмадан чиққан нашрлардан ташқари, қўлёзмаларни ҳам топиш мумкин эди: адабиётлар ва шоирларнинг автографлари, ялтироқ, аъло навли қоғозлардан тортиб,

муковалар, ўровлар, жилдларгача; баъзан муаллифлар томонидан берилган китоблар; дўконда ўша даврларда икки юзга яқин шундай китоблар сотилди. Улар орасида онамнинг умуман безак берилмаган, қаттиқ ва қалин ип билан тикилган, қизил бўёқда ёзилган қўлбола китоблари ҳам бор эди.

Хирагина ёритилган ва сирли бу дўконда ўта қадимий китобларнинг ҳиди одамни хаяжонга солар, пештахта ортида турган одамлар киёфасида, уларнинг кийими ва нутқларида русча дағаллик, ғарбона уйғониш, ғалатилик ва замондан ташқари бўлган ҳолат мавжуд эди.

Бироқ онамни дўкончилар қизиқтирмас, ўзига тортмас, айна пайтда, улардан йироқ бўлишга уринарди. Дўконда ҳукм сурган классицизм, академизм руҳи инқилобнинг иккинчи йилидан то бешинчи йилигача замонавийликка қарши турди, у ўзига хос енгилмас кудратга эга бўлса-да, онамга бегона эди.

Онам дўконга кам келарди, асосан пул ишлаб олиш мақсадида – китоблар сотувига ёки комиссия автографига келарди. «Ўт»га ўзини урмасди. Санъат саройи билан рақобатлашишга киришган ўзига хос «Итальяно» студиясига қатнашмасди. Унга Санъат саройи қадрдон ва яқин эди. Бу сарой эшиклари ўша даврнинг барча адабий оқимлари ва шамоллари, янги йўллари учун очиқ эди – турли-туман товушларга тўлиб-тошган кечалар, баҳс-мунозараларнинг ҳаммасига онам қатнашар, тўла ҳуқуқли холис фикрловчиси эди.

«Дўкончилар» онамга, умуман олганда, чидашарди, чамамда. У ҳам шундай. Грифцов ва Осоргинни ҳисобга олмаганда, онамни яхши кўришмасди, у ҳам уларни ёқтирмасди.

Онамнинг ёзувчи Б.К.Зайцевга нисбатан тушуниксиз муносабатлари узоқ давом этди. Энг яхши даврларда Зайцев онамга нисбатан ўта саховатпеша бўлган, оғир дамларда эса Цветаевадан камчиликлар топишга интиларди. Бу онамни асабийлаштирар, айтгандай, бу камчиликлар бутунлигича онамнинг ижодига нисбатан айтиларди. Чунки онам «олтин ораликда» жон сақлашни қабул қилолмасди. Муносабатлар чигаллашиб борди. Борис Константинович ва унинг хотини Вера онамга 20-йилларда ёрдам беришган, Вера онам билан самимий ва дўстона дўст руҳида кўмаклашган бўлса-да, Борис Константиновичнинг ҳаракатлари бошқача эди. У ичида бировнинг омадсизлигини муҳокама қилатуриб, сиртдан унга хушомадгўйлик қиларди.

Ҳар қандай хайру эҳсонларнинг барча кўринишлари (тахқирловчи) томонларидан онам ўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди.. Чунки онам ўша пайтларда иложи борича бировнинг қўлига муҳтож бўлиб қолмасликка уринар, ёрдам – кўмак ўзи кириб келишдай туюларди унга.

Эмиграцияда ҳам Зайцев онамни «эри» учун кечирмади. Бу фикрни узоқ ва шахсан охиригача ушлаб яшади.

Вера Зайцева – унинг қизи, болаликдаги дугонам Наташа бизни тўғри тушунишар, биз улар билан ички эмигрантлик деворларидан ошиб, муносабатларимизни узмадик.

Эсимда, Зайцевнинг аллақандай «Ертўла»сини ўқиб, онам шундай деди: «~азаб ичидаги заифлик аралашмаси». Борис Константиновичнинг ташки киёфаси: «башараси – дантенона, қорни эса – обломовча!» Зайцев эса ориққина одам эди.

Мен онамни дўкон ташкилотчиларидан бири В.Ф.Ходасевич билан Москвада бўлиб ўтадиган бирон-бир учрашувларда бирга кўрмаганман, у ҳақда ҳатто гапиришмасди ҳам. Эмиграцияда эса улар – собитқадам классик ва шиддаткор неоромантик (иккаласи ҳам – «пушкиншунос», ўзига хос, бир-бирига зид, карама-қарши йўлларда) – бир-бирига тиш қайраб юришарди. Аммо улар 30-йилларнинг ўрталарига келиб, якишлашишди. Бир-бирини шоир сифатида тан олишди. Яқинлашишларининг яна бир қонунияти шундаки, шеърият турли - туман келишмовчиликлар, хусусиятларга, овозларга эга бўлади, бир куни келиб, ягона ўзакка айланади. Иккаласи ҳам бахтли эдилар, сабаби – Ходасевич онамга ёзгани каби ўлимларидан сўнгги қандайдир нашрларда эмас, «ҳаёт пайтларидаёқ» учрашишди. Бундай ҳоллар шоирлар, айниқса, замондош шоирлар ҳаётида кўп учрайди.

Уларнинг кечиккан дўстлик мўъжизаси ўтмишдаги ғанимлиқни ўчириб ташлаб, онам ўзининг – Маринанинг чўққига чиққан буюк ёлғизлигини, эмиграциянинг энг баланд зиддиятларини ўзидан ўтказди. Ходасевич эса худди шунинг ичида ўсди. У шу даврларда ўзининг одамийлик ва шоирлик қаддини янада баланд тиклади.

Ходасевич 1939 йилининг июлида, онамнинг Ватанга қайтишидан сўнг вафот этди. Унинг ўлими ҳақида онам билмади ва билмай ўтди. У ҳақда жўшиб гапирарди. Менга дафтарига ёзиб олган шоирнинг шеърларини кўрсатарди. Улардан бири шундай бошланарди: « ~ор сингари эди ўшал уй». Остида тагсўз: « Бу шеърлар меники ҳам бўлиши мумкин эди». М.Ц.»

7. А.А.АХМАТОВАГА МАКТУБ

Қадрли Анна Андреевна!

Сизнинг «Тасбеҳлар» ва «Оқ гала» ларингизни ўқияпман. Менга шаҳзода ҳақидаги узундан-узун шеърингиз ёқди. Бу шуниси билан ажойибки, Андерсеннинг сув париси ёдга тушади ва дилни титратади. Оппоқ куш чинқириғи – оғриқли! Кичкина сув париси оёқ учида рақс тушганини эслайсизми? Нимадир бор, бошқачароқ.

Оппоқ куш – Сизнинг барча шеърларингизда ҳаммасини бошқариб туради. Мен унинг кўзлари қандайлигини биламан. Шеърларингиз шундай қисқа-қисқаки, уларнинг ҳар бири бутун-бутун китобга айланиши мумкин. Китобингиз - баландда, қорайиб кетди. Чунки уйимизни киш бўйи куя ва қурум босди. Менинг кроватим устида катта оқ гумбаз бор. Онам деворни кўли етгунча артиб чиқди. Бу гумбазнинг ичига иккита календарь ва тўртта икона илинган. Календарнинг бирида – Эски ва Янги йиллар – бир вақтда учрашишди. Ўша пайтнинг ўзида яна айрилишди. Эски йил тўладан келган ва мурувватли, эгнида қалин ва ҳашаматли тўн. Янги йил эса – ҳали беғубор ва ёш. Дераза ортида эса - Янги йил манзаралари. Менинг битта иконам қадимий, ундаги Богородицанинг кўзи худди Сизниқига ўхшайди.

Биз онам билан шаҳар атрофидаги пастқам уйларда яшаяпмиз. Шипга тегиб турган дераза, камин, унинг устида тулки тасвири, барча бурчакларда трубалар бўлақлари – ким келса кўрқиб кетади. Бизга эса бу қизиқ. Хуллас, Шаҳзода янги уй, шинам хонага қиролмайди, чолдеворларга марҳамат!

Сизнинг китобларингизни фақат юқори томони қорайган, нима биландир ёпиб ташламоқчимиз. Ва ҳеч қачон ундан айрилмаймиз. «Оқ гала»ни онам қайсидир уйдан олиб чиқди ва уч кун давомида бахтли сизди ўзини. Онам кўп ёзаяпти, мен ҳам. Фақат ундан кўра камроқ ёзаман. Кундалик ва шеърлар ёзиб бораяпман. Бизниқига деярли ҳеч ким келмайди.

Онам Сизга атаб ёзган шеърларни ўқиганман, биламан. Яна биламанки, Лев исмли ўғлингиз бор. Бу исмни улуғворлиги ва тантаворлиги, эзгулиги учун ҳам яхши кўраман. У малларанг эканлигидан хабарим бор. Унинг ёши нечада? Мен ҳозир саккиз ёшдаман. Ҳозирча ҳеч қаерда ўқимаяпман. Чунки бу атрофда яқин мактабнинг ўзи йўқ. Бунинг устига, қичима касаллиги ҳам тарқалган.

ПАРВОЗ

У тикланди, шайдай парвозга,
Фаришталар қўллади шу он.
Қашшоқлар ҳам куйлади олис,
Баланд-баланд учган каптарлар
Ортингдан келади, ортингдан.

Кекса она эса

Кўллари очар:
- Илк қадам қўйганига
Анча бўлдимми?

Бу – менинг сўнгги шеърларимдан бири. Бизга хат, сурат ва шеърларингиздан юборинг. Сизга ва Левга таъзим қиламан.

8. А.А.АХМАТОВА БИЛАН ТАНИШУВ

Ахматова билан мен Пастернакникида – Переделкинода 1957 йил январда танишганман. Очик, куёшли, жуда аёзли кун эди. Мен посёлкада узоқ вақт адашиб юрдим. Бу одат менга онамдан ўтган (одат нимаси? - мухр!) – манзилни аниқлаб, эслаб қолишга нўноқлик.

Мени Зинаида Николаевна одатдан ташқари меҳрибонлик ва эҳтиром билан кутиб олди. Чунки у ҳамшира бепарво, кўрс, эйтиборсиз эди. Бориснинг уқтиришича, у аслида ундай эмас, мен ҳам унинг ташқи кўринишига қараб, шундай деган бўлардим. У бугун хаяжонда эди, бу унга жуда ярашар, у бундай ҳолатга камдан-кам ҳолатда тушарди. Бу ерда байрамона руҳ ҳукмрон эди. Дераза ортида очик, кўм-кўк кун. Ошхонада шифтга тегиб турган ажойиб арча.

Зинаида Николаевна Борис ва унинг «Доктор Живаго» китоби ҳақида хавотир аралаш гапирди. Бу китоб ҳам, унинг муаллифи ҳам ҳали бошидан кўп кулфат ва кўнгилсизликларга дуч келиши, уни ўраб турган дўстлари олдида мақтаб, кўкларга кўтариб, ортидан китобга тупуришлари, уни йўлидан оздиришлари мумкинлигини айтарди. Борис дўстлари билан сайрдан қайтди. Ливанов одатича, шовкин солиб кирди. Устига устак, маст эди. Елена Казимилова ҳар доимгидек энг сўнгги урфда кийинган, сочлари оч бинафша рангга бўялган, қулоқларида – япалоқ пластмассали балдоқлар, тор шим ва оёқларида катта аскарча бутсилар. Сочлари шу қадар ғалати кесилганки, гўё куя билан қопланган деб ўйлайсиз – эй, худо олсин уни! Яна кимдир бор эди, кимлигини ҳозир эслай олмайман. Борис ажойиб эди – мулойим, қорамағиздан келган, сочлари оқарган, тилларанг кўзлар. Биз у билан кучишиб кўришдик. У кўришганда ҳамшира чин дилдан, самимий кўришарди. Кўриниши жуда яхши эди. Қачонлардир у ёш, навқирон оловли эди. Ҳозир эса «Сўнгги Могикан»га айланган – йўқолиб бораётган қабиланинг бронзасифат йўлбошчисидай (мен бўй-бастини айтаётганим йўқ, аслини олганда, у хиндуларга жуда ўхшарди!) эди. ~урур ва тортинчоқлик ҳислари ёйилиб кетган юзлари порлаб турар, бу айниқса, кимдир у ҳақда гапирса, янада яққол кўринарди.

Ҳаммамиз у ёқ- бу ёқдан сўзлашдик. Кейин ҳовлига такси келиб тўхтади. Орадан бир дақиқа ўтиб, хонага тўладан келган, баланд бўйли аёл кириб келди. Ёши ўтган, жиддий, нурли қиёфа. Олов излари ўчган қиёфа. Анненковнинг ўша жозибали портретлари ёдимга тушди – Ахматова!

Борис бизни таништирди. Бошқа хонага ўтдик. Бу ер ошхонадагидай унчалик ёруғ ва хашамдор эмас, ҳаммаёқ топ-тоза. Биз ўзимизни зўрлаб, деворлардан узоқроқда бўлган ўриндиқларга ўтирдик - худди шу нарса ҳамшира қандайдир ясамалик, сунъийликни келтириб чиқаради.

Нима ҳақда суҳбатлашдик? Анна Андреевнадан Пушкинга бағишлаган насрий асаридан парча ўқиб беришни сўрашди. Бу асар назаримда, «Адабий архив»да чоп этилиши керак эди. Босилдими – йўқми, билмадим. У рад этди – ноз-фиросиз, юзида одатий чарчоқ, зерикиш. Шеърлар ҳақида сўз кетди. Борис Анна Андреевнани мақтади, Анна Андреевна эса – Борисни. Биз эса иккаласини кўкларга кўтардик. Кейин Ливанов қачонлардир бўлиб ўтган грузин шеърятти кечасидаги қизиқарли, кулгили воқеаларни сўзлаб берди. Борис қаттиқ овозда хоҳолаб кулар, Анна Ахматова эса билинар-билинемас кибр билан жилмайди. Андрюша исмли амалдор йигит - фамилияси ёдимда йўқ - Пастернакка тақлид қилиб шеърлар ёзади. Пастернак эса ўзини кўрмаганга олиб, фақатгина кадрдонлик ҳисси билан уни мақтайди.

Зинаида Николаевна бизни катта ошхонадаги катта столга таклиф этди. Даврада кимлар бор эди? Зинаида Николаевна, Борис, катта Нейгауз, кичик Станислав хотини билан, Анна Ахматова, Федин, Ливановлар, Андрюша ва яна кимдир; ейишди – ичишди, охири йўқ қадақ сўзлари, ҳамма йиғилганлар номидан йиғилганларга шу қадар мақтовлар

ёғилдики, уятдан ерга кириб кетай дейсан! Анна Ахматова ажойиб иштаҳа эгаси эканлигини кўрсатди, ўзининг кадр - қимматини йўқотмаган ҳолда қувноклашди, жуда оддий инсонга айланди. У оддий, кекса, кўнгли очик ва тўладан келган, на олов бор, на илиқлик сезилган, аммо ўткир, совуққон нигоҳлари сархуш даврани камрайди, ок кўнгилик билан, меҳр билан атрофдагиларга қарайди.

Эсимда, тушлик охирида Борис сўнги шеърларидан ўкиди. Бундай ўлмас, сўнмас, эркин истеъдод қаршисида фақат ҳайратланиб туриш мумкин эди, холос. Худо юқтирган ва ўзлигини ҳеч йўқотмаганларгина шундай ёзадилар. Сўнги дамгача! Атрофда гўё ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ. Аҳмоқ башаралар ҳам, ҳасадгўй ва ғаразгўйлар ҳам йўқ - «Опагинам, сингилгинам ҳаёт ҳали ҳеч нарсага ўргатмагандай. Бироқ бундай кенглик, теранлик, бетакрор енгиллик, эркинлик... Ҳатто олтмиш ёшингда ҳам йўлинг тўла ғовлар!»

Пастернак ҳамиша ўхшаши йўқ эди, ўзига хос аллақандай илиқлик бор эди унда. Аммо у шеър ўқий бошласа, ҳаммавақт тиззалари қалтирар, оғзи беихтиёр очилиб, қўллари ҳаракатга келарди. Бир одамга шунча қобилят қандай берилганини ўзи ҳайратомуз ҳодиса эди. У шу истеъдодини сочиб борар, сочгани сари бойиб борарди... Ливанов одатдагидай сархуш, намланган кўзларини артиб тинглади, Андрюша хушомадгўйлик билан, ҳайратга тушмай, тарбияли ўсмирдай қувонади, у ҳатто осмондан Богородица тушиб келса ҳам ҳайратланмайди; Богородица мавжуд, у ҳам мавжуд – нима қипти! Унинг яхшилиги шундаки, у (Богородица) кўриниб пайдо бўлиб қолса ҳам, ҳайратга тушиб ўтирмайди. Ажиб ҳолатда, теранлик билан эшитди Нейгауз, пахмоқ сочли бошини эгиб тинглади у. Менимча, унга Пастернак яратган мусиқавийлик яқин эди, кадрдон эди. Анна Андреевна кўзларини салгина юмиб, кўринишидан бутунлай сирли, пайқаб бўлмайдиган ҳолатда эди. Эҳтимол, у ёшини яшаб бўлгану, энди фақат ўз нурига билан ўзи ўралиб яшаётгандай – нима қилдим эшитиб, деб ўйладимикин ҳатто?

Ҳамма тарқалиб, кета бошлаганда Анна Андреевна телефонимни сўраб олди-да, телефон қилишини, учрашишни хоҳлаётганини айтди. Мен нимагадир бунга ишоналмадим. Кечани узоқдан туриб томоша қилдим ва Пастернакнинг ичидан нималар ўтганини яхши ҳис этдим...

Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқибди. Бу кеча менга Федин ёқмади – назокатли, ёқимли, айна пайтда, совуққон; нимасидир ёқмади, нимаси? У унча узоқ ўтирмади, унга корректураларни олиб келишибди. Шу кетганича қайтиб келмади. Унинг башараси полякчамиди – тиниқ кўзлар, юпқа лаблар? У кўзимга «Интиҳо» киссасидаги қахрамон бўлиб кўринди. Фақат у қахрамонда минглаб жозибалилик, нозиклик, хушрўйлик бор эди – аммо буларнинг бари – музликда.

Бироқ Ахматова телефон қилди. Бу – 1957 йилнинг қиши ёки эрта баҳори эди. Аниқроғи, қиш бўлса керак, аммо бу ҳозир муҳим эмас. Менга Ардовнинг манзилини берди, Ленинграддан келиб, шу ерда тўхтарди. У мени уйига таклиф этди, онам ҳақида гапириб беришга ваъда қилди.

Мен уникага кечкурун бордим. У Замоскворечеда яшаркан. Бу ер Ёзувчилар уйи ва Третьяков галарейасидан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган. Ёнида думалоқ шаклдаги черков ҳам бор эди. У ё таъмирланаётган эди, ё нураб борарди. Унинг бир жойида зиналар ўрни ўпирилиб тушган ва бу болалик чоғларимни ёдга солди. Фуқаролар уруши йиллари, ҳаммаёғи чўкиб, ўпирилган, паст-баландлик, ўнқир – чўнқирларга тўлиб тошган Москва.

Кўнғироқни босдим, хизматчи чиқди. Анна Андреевнани сўраган эдим: «Дам олаяптилар», - деди. Мен шинам хонага кирдим. Уй жиҳозлари қулай ва чиройли жойлаштирилган, бўм-бўш сукунат ичида эди. Бироз кутдим, ҳаммаёқни қараб чиқдим. Ошхонани ҳам айландим. Анна Андреевнанинг хонасини тақиллатдим, бир неча дақиқадан сўнг уйқу аралаш овоз эшитилди. Анна Андреевна чиқиб келди. У ҳали бутунлай уйғонмаган, уй кийимида эди. Унинг уйи кичкина, каютага ўхшаб кетар, аммо хонаси баланд ва катта ойнали, унда суянчиқсиз диван, кичиккина айлана стол, иккита стул, токча бор эди. Бир вақтнинг ўзида бу ерга икки кишидан ортиқ одам сиғмасди. Анна

Андреевна чирокни ёқди, хона ёруғлашди. У ҳали ҳам уй кийимида, ўша-ўша хотиржам, лоқайд ва улуғсифат ўтирарди.

Суҳбат бошланди. Менинг нималар билан машғуллимга қизиқди, мен эса яқинда қайтиб келган ўғли ҳақида сўрадим. У ўғли қайтгани, янги ҳаёт бошлаётгани, аммо бунга жуда қийинчилик билан кўникаётгани, аввалги ҳолатлардан янгисига кўчиш нақадар оғир кечаётганини айтди. Муҳими, у бахтли ва хотиржам эди – ўғли қайтди!

«Марина Ивановнанинг китоби нима бўлаяпти?» - Айта бошлайман. – «Неча босма тобоқ?» - Жавоб бераман. – «Менинг янги китобим икки ярим босма тобоқ, таржималаримни ҳам киритдим».

«...Марина Цветаева меникига келган эди, худди шу ерда, худди шу ҳолатда, хозир Сиз ўтирган жойда ўтирган эди. Биз у билан урушгача танишган эдик. У Борис Леонидович орқали мен билан кўришиш, учрашиш нияти борлигини билдирган экан. Мен Москвага келганимда Марина Ивановна шу ердалигини билдим. Унга телефон номеримни етказишларини сўрадим, қачон вақти бўлса, хабарлашиши мумкинлигини айтдим. Аммо ҳадагенда у телефон қилмади. Шунда ўзим унга телефон қилдим. Чунки тезда қайтиб кетишим керак эди. Марина Ивановна уйда экан. У мен билан истамайроқ ва совуқроқ гаплашди. Кейин билсам, телефонда гаплашишни яхши кўрмас, «эплотмас» экан. Иккинчидан, у ҳамма сўзлашувлар кимлар томонидандир эшитилишига ишонарди. У мени уйига таклиф қилолмаслигини афсус ва надоматлар билан айтди, уйи тор ва квартира масаласи ҳам чигал, яхшиси, сизникига борсам, деди. Мен унга қаерда яшаётганим, қандай келиши мумкинлигини атрофлича эринмай тушунтирдим. Чунки Марина Ивановнанинг бирон-бир жойга чиқиши оғир масала эди, такси, автобус ёки троллейбусларда юрмас, фақат пиёда, метро ёки трамвайда юришни қулай деб биларди. У келди. Биз жудаям яхши кўришишдик, учрашув яхши ўтди. Бир-биримизга қарамай, бир-биримизга узоқ тикилмай, шунчаки узоқ суҳбатлашдик. Марина Ивановна ўзининг Россияга қайтгани, сиз ва отангиз ҳақида, ҳамма - ҳамма нарса, нималар рўй бергани, қандай кунларни бошдан кечирганини узоқ сўзлади.

Биламан, у ўз жонига қасд қилган деган ёки бошқа ҳар хил гаплар ҳам юради. Бунга ишонма. Уни ўша давр ўлдирди, ҳаммамизни, жуда кўпларни, мени ҳам ўлдирди. Бизлар соҳлом эдик – нодонлик бизни қуршаб олди. Қамашлар, отувлар, гумонлар, ҳеч ким ва ҳеч нарсага ишонмай кўйиш, шубҳа билан қарашлар ўлдирди бизни. Хатлар очиб ўқилар, телефондаги суҳбатлар пинҳона тингланарди; ҳар бир дўст душманга айланиши, ҳар бир суҳбатдош айғоқчи бўлиши мумкин эди. Доимий очик, аччиқ таъқиблар. Мени ортимдан ҳамиша очикдан-очик кузатиб юрган ўша икки одамни шу қадар яхши танирдимки, уларнинг қиёфаси ҳамон кўз ўнгимда; улар кўчага чиқишимда ҳам, уйга киришимда ҳам, юрганымда ҳам, турганимда ҳам – ҳаммавақт, ҳамма ерда мени кузатишарди, ҳеч қачон яширинмас, ўзларини яширмасдилар!

Марина Ивановна ҳали мен билмаган, ўқимаган шеърларидан ўқиди. Қечкурун мен банд эдим. «Рақс ўқитувчиси» театрига боришим керак эди. Кеч тез тушди. Биз эса айрилишни истамасдик. Театрга бирга кетдик. Яна битта билетни амаллаб топдик, ёнма-ён ўтирдик. Театрдан сўнг бир-биримизни кузатдик. Яна эртаси кунни учрашишга келишдик. Биз кун бўйи бир-биримиздан айрилмай, шу хонада ўтирдик. Шеърлар ўқидик ва бир-биримизни тингладик. Кимдир бизга таом келтирди, кимдир чой.

Марина Ивановна мана буни совға қилди – (Анна Андреевна ўрнидан турди. Эшик олдидаги токчадан бежиримгина тўқ рангдаги қахрабо мунчоқларни олди. Ҳар бир мунчоқ ўзига хос эди, шу билан бирга улар орасида уйғунлик ҳам бор эди.) – Бу – тасбеҳлар, - деди у менга ва унинг тарихини менга айтиб берди. Мен бу тарихни аниқ эслай олмайман. Уни чалкаштириб юборишдан кўрқаман, бу тасбеҳлар шарқона эканлиги, ўзига хослиги, улар фақатгина Пайғамбар қабрига зиёратга бориб келганлардагина бўлиши мумкинлиги ёдимда қолган. Балким суҳбатимиз фақат шу тасбеҳлар эмас, бошқа нарсалар ҳақида бўлгандир ўша пайтда...»

Онам Анна Андреевнага қадимий тасбеҳларни совға қилганини эслайман. Бундан ташқари, яна бошқа мунчоқлар, эҳтимол, узук ёки тўғноғич бўлгандир... Анна Андреевна менга ҳикоя қилишича, у Тошкентга эвакуация қилинганда шу тасбеҳларни, бошқа мунчоқларни маҳаллий одамларга кўрсатиб, буларнинг нималигини билишга уринган. Унга бу муқаддас нарса бўлиб, уни Пайғамбар қабри зиёратига борган ҳар бир эътиқодли мусулмон тақиши мумкинлигини айтишган. (Мен уларни ўшанда – 1 январь куни Пастернакникида Анна Андреевнада кўрган эдим, эътибор қилгандим).

Анна Андреевнанинг айтишича, бу мунчоқлардан у ҳеч қачон айрилмаган, ҳамиша бўйнида тақиб юрган. Токчада яна қандайдир тақинчоқ ҳам бор эди – жуда чиройли ва қадимий. Яна узук – кумуш гардишли, қимматбаҳо тошли, тошнинг ўртасида ёриқ бор эди. Анна Андреевна унинг сеvimли нарсалари баъзан келаётган ғамдан хабар беришини айтди. Тошдаги ёриқ эрининг ўлими куни ёки ўша кунлар арафасида пайдо бўлган экан.

Анна Андреевна онамга бағишланган шеърларини ўқиб берди. Уларда Марина Мнишек ва миноралар ҳақида сўз кетади. Ахматованинг айтишича, унинг бу шеърлари онамнинг ўлимидан анча олдин ёзилган. Менга ўзининг сўнгги, аммо анча аввал ёзилган поэмасини ўқишга берди. У ярим бўлакли архидея ёки хризантема ҳақида эди, чамамда.

Анна Андреевна онам шу ерда бўлган кезде эсдалик учун унга ёққан бир нечтасини оққа кўчириб берган, бундан ташқари, босмадан чиққан «Тоғлар» ва «Интиҳо» поэмаларини ҳам туҳфа этган. Онамнинг қўли билан ёзилган шеърларни Анна Андреевнанинг эрини ҳибсга олишаётганда ёки иккинчи бор ўғлини олиб кетишаётганда ҳукумат томонидан қандай тортиб олинганлигини сўзлаб берди.

Мен Анна Андреевнага Мандельштамни (ўлимидан сўнг) оқлашганини Эренбургдан билганимни айтдим. Ахматова ҳаяжонланиб кетди, юз-кўзлари титроқдан ўзгариб кетди. Мендан бу ҳақиқатми ё миш-миш эканлигини узоқ суриштирди. Ишонч ҳосил қилгач, ошхонага кирди. Мандельштамнинг хотинига телефон қилди. Билсак, у ҳам ҳали бу ҳақда ҳеч кимдан ҳеч нарса эшитмаган, билмайди. Ахматова Мандельштамнинг хотинини ишонтиришга уринса-да, у ишонишни истамади; шунда мен Эренбургнинг телефони беришга мажбур бўлдим. Фақатгина у буни тасдиқлаши мумкин эди.

Биз суҳбатлашиб ўтирдик. Ардовнинг ўғли бизга чой келтирди. Кўнғирок жиринглади. Мандельштам-нинг хотини текшириб кўриб, ишонганлигини айтди.

1957 йил.

9. ОНАМНИНГ АРХИВИ

Марина Цветаеванинг архиви – ёшлик давридаги суратлари солинган қалин муқовали альбомлари; ўзи тиккан ва ясаган дафтарлар; совға қилинган безакли муқовали дафтарлар; эмиграция давридаги юпқа муқовали, арзон-гаров дафтарлар; кундалик кунда ишлатиладиган қора ва байрамона оппоқ варақли дафтарлар. Дафтарлар, дафтарлар, дафтарлар. Уларнинг жуда кўпи шеърлар ва насрий ёзувлар билан тўлиб – тошган. Яна хатлар, хатлардан парчалар, ҳали оққа кўчирилмаган саҳифа-саҳифа ёзувлар. Қайдлар, ярми оққа кўчирилган вариантлар, қайта ёзилган саҳифалар, эсдалик учун оққа кўчирилган саҳифалар.

Цветаеванинг ижодий, қолаверса, руҳан ёлғизлиги ҳақида шовқин солувчи афсона – уйдирмаларга (булар асосан, эмигрант замондошлари томонидан тўқилган эди), уни инсон сифатида ёлғизлигини қайта-қайта айтишларига, бу гўёки унинг туғма ҳолати дея кўрсатишлари, таъкидлашларига қарамай, онам очик, киришувчан, ҳар андай овозга ўзининг фикрини билдира оладиган кенг тафаккур эгаси эди. У одамлар орасига сукулиб эмас, отилиб кирарди. Ўша ердан унинг шеърларига жўшқинлик ва жозоба оқиб келарди. Унинг шеърлари лирик эди, бу лирика ўша одамлар, улар билан учрашув ва айрилиқлардан илҳомланиб, туғиларди унинг юрагида. Улар унинг бойлиги ва бетакрорлигини яратувчи куч эди.

Онам яқин ва узоқ дўстлари билан ёзишмаларида – самимий ёки хаёлан – нафақат оловли, ҳаяжонли, ҳаётсевар, ҳаракатчан кучини сингдирарди, балки уларга ўзининг шахсан муносабатини («дўст – кучдир!») дерди у ҳамиша) билдирар, аммо у ўз

фикрларини шунчаки эмас, балки сўзларни саралаб, чертиб, фикрларини тинитиб айтарди; кўплаб хатларида, ҳатто энг аламли, ичиккан, аразли хатларида ҳам ақл, ҳис- туйғу, хаёлот ва тасаввурнинг амаллари кўриниб, сезиниб ва кезиниб турарди, оқибатда, унинг мактублари мукамал ва тугалланган асарларга айланарди. Онамнинг ҳамма хатлари бирдан «оқ»да яратиларди; улардан баъзи бирлари, қаламдошлари – улуғ ва кичик, у ёки бу сабаб билан санъатга таалуқли одамларга ёзган мактублари аввал ишчи вариантда ёзилиб, кейинроқ оққа кўчирилари. Онамнинг архивида асосан Б.Л.Пастернакка ёзган хатларининг биринчи вариантлари сақланиб қолган, бу ҳақда кейинчалик Пастернак ўзининг «Одамлар ва вазиятлар» (Новий мир», 1-сон, 1967) номли автобиографик қайдларида изтироб билан эслайди. Бу–Цветаеванинг энг сеvimли шоирларидан бири Райнер Мария Рильке ва бошқа кўплаб шоирларга, инсонларга бағишланган мактублари эди. «Заҳмат билан йўғрилган кунлар»да Цветаеванинг энг яқин одамлари, замондошларига бўлган шахсий мулоқотлари мустақкам дўстлик ришталарига айланди. Онам эса Пастернак билан зўр-базўр танишган бўлса-да, аммо узоқ йиллар уларни мактублар боғлади. Ахматова билан эса 40–йилдагина танишди; Рильке ва бошқа айрим суҳбатдошлари билан фақат мактублар орқалигина танишишган, ҳеч қачон учрашишмаган.

1969 йил.

10. ПАСТЕРНАККА МАКТУБ

... Мен ҳозир Тарусадаман. Ҳа, ўша сен сўз бошингда тилга олган, кичкина Цветаеваларнинг болалик ва ўсмирлик чо\лари кечган жойдаман. Ока дарёсидан бошқа ҳамма–ҳаммаси, мақолда айтилгани-дек, оқиб кетди. Қачонлардир Цветаеваларнинг бобокалонлари руҳоний бўлиб хизмат қилган собор клубга, бобомнинг бобосини уйи – «каштачи қизлар» артели»га, бувимники–болалар бо\часи айлантирилган. Эски қабристон ўрнида – шаҳар бо\и. Онам ва Ася (М.Цветаеванинг синглиси – Анастасия.) яшаган, ўсган уй деярли ўзгармаган, яхши сақланган. У ерда дам олиш уйининг хизматчилари ва «ёрдамчи хизматчилари» яшашади. Цветаеваларга қадар бу уйда Борисов–Мусатовлар яшаган ва вафот этган. Онамнинг айтишича, болалар хонаси анча пайтгача ҳар қанча оқланиб ташланмасин бўлмасин, деворлардан Борисов–Мусатов мўйқаламлари, чизган расмларининг излари кўриниб турарди. У умрининг сўнгги дамларида тўшакка миҳланган кўйи ишларди, хонанинг деворлари унинг учун палитра –бўёқ тахталарнинг ўрнини босарди.

Гап нимада? Нега фақат дарё ўзгармай қолаверади? Нима учун сувларнинг ранги ўзгарса–да, дарё қолади? Бу ерда яшаб ўтганларнинг ҳеч қайсиси йўқ, ҳеч қайсиси! Вульфлар ҳам, Цветаевалар ҳам, Поленовалар ҳам, Борисов–Мусатовлар ҳам, Бальмонт, Балтрушайтислар ҳам йўқ – уларнинг ҳар бири қайтарилмас ва ягона эдилар! Дарё эса қолади. Ҳа, қолади! Унга тикиларкан, унинг ўзгармас қиёфасида, оқаётган сувларида онамга илҳом бахш этган булоқларни симираман, дилдан ҳис этаман уларни. Онам уларни биринчи кўрган лаҳзасидан то умрининг охиригача ўзи билан олиб юрди. Шу ерда унинг шеърлари ту\илди, абадий яшаб қолиш учун ту\илди. Дарё бўйида эса унинг ҳаётидаги маржон дарахтлари, четан дарахтлари шовуллаб турибди ҳамон. Бу дарахтларнинг ярқираб турган мевалари нақадар аччиқ эди! Бу дарахтларда – «фожианинг кибр–хаволари!» Дарё эса – ҳаёт, умр Ёзи.

Шу кунларгача етиб келганим учун тақдиримдан, Яратгандан, одамлардан миннатдорман. Сен–ла дийдорлашиш учун яшадим шу кунгача. Энди эса онамнинг ҳаёти, ижоди, ўзимнинг кечмишларим билан юзлашиб турибман бунда. Шу кунларга ҳам етиб келдим–а! Сенинг романингни, онамнинг китобига ёзган сўз бошингни ўқиш учун ҳам етиб келдим шу кунларга. Онам, унинг шеърляти ҳақида шундай теран ва енгил нафас билан ёзиш – мўъжизалар мўъжизаси эмасми! Завқим ошиб, тилим тинмай сайраганида, мўъжизалар олдимда тўхтаб қолади ва мени майдалашиб кетишимга йўл қўйишмайди...

Эҳ, Боренька! Биз барибир майдамиз, майда! Ахир, муҳими – ёзилгани, мўъжиза ҳам айнан –шунда. Биз яна ёзилганларни ҳам нашр этишни хоҳлаймиз. Унда мўъжиза кубнинг ичига кириб қолмайдими! ...

Яхши, азизим! Биз ўша кунларга ҳам етамиз, албатта. Ҳаммасини кўрамиз. Энг муҳими эса – сен ва онамнинг ёзмишлари авлодлардан авлодларга, бизнинг ҳали тушимиз ҳам, хаёлимиз ҳам етмас авлодларга етиб боради ва улар Сизлар билан «сен»лашиб сўзлаша бошлайдилар. Эртанги ва ундан кейинги кунларда ҳам яшаш учун бугуннинг кадри нечоқли қимматли эканлигини ҳар бир дақиқа айтиб турибди.

1971 йил.

ИЛЬЯ СМИРНОВ

ЛИ БО: «ЯШМА ТОШЛИ ЗИНАЛАР НОЛАСИ»

Илья Сергеевич Смирнов (1948 йилда тугилган) филология фанлари номзоди, мумтоз ва замонавий хитой шеърятининг етук тадқиқотчиси. Хитой шеърятига бағишланган кўплаб асарлари нашр этилган. «VIII -IX асрлар хитой шеърятини» (1978), «Яшма тошли зиналар. Мин даври- XIV-XVII шеърятини» (1989), «Хаёлий соялар. Мин даври шеърятини» (2000), «Осмон кўприги. Гао Ци (1336-1374) шеърятини» (2000). Шунингдек, танқидишунос олим томонидан таржима қилинган ўрта аср хитой шеърятидан намуналар (1986), Чжай Сянлянинг «Мимоза қиссалари» (1988), Аньци Миннинг «Алвон Азалия», «Хитой муҳаббати ва ҳаёти»(1996), Ян Ляннинг шеърлари (2004) кабилар «Иностранная литература» журнали орқали ўқувчилар томонидан қизиқиши билан кутиб олинган.

Эътиборингизга тақдим этилаётган мақола-эсседа ҳам хитой шеъретида муҳим ўрин эгаллаб келаётган Ли Бонинг биргина – «Яшма тошли зиналар нолаеси» шеърининг таҳлили мисолида муаллиф бу қадим шеърятнинг улугворлигини кўрсатибгина қолмай, таржима санъатининг ўзига хос мураккаб йўллари хусусида Сизни ҳам мушоҳадага чорлайди.

Хитой шеърятини–дунёдаги энг қадимий шеърятлардан бири. Эрамизгача бўлган иккинчи мингйилликдан буён яшаб келаётган бу шеърят XX аср бошларига қадар ташқи кўринишини деярли йўқотмаган. Демак,бундай шеърятни теран англаш ҳам осон кечмайди. Бунинг учун ўқувчи ўзини тайёрлаши лозим. Хитой шеърятининг бахти шундаки, ўқувчи у билан уч минг йилдан буён айрилмай келаётир. Мумтоз таълим барча анъанавий маданиятларни билишни талаб этади, бунинг устига, энг муҳим матнларни ёддан ўқий билиш шарт. Бундан ташқари, қадимги Хитойда шеър ёза билиш давлат миқёсида мартабага эришиш учун мажбурий дастурларга киритилган эди. Ўрта асрда Хитойда шоир ўқувчига нафақат нозик пардали шеърят услублари билан, балки анъанавийлик руҳи билан суғорилган цитаталар, имо-ишоралар, тилдан-тилга кўчиб юрган номалар орқали мурожаат қилар, у билан юзлашарди. XX аср бошларида мумтоз таълимнинг олиб ташланиши Хитойда бундай ўқувчиларнинг сафини анча камайтирди.

Хитой шеърятинидай мураккаб шеърятни ўзга маданий анъаналарга асосланиб яшаётган ўқувчиларга етказиш осон эмас. Ўқувчиларга хитой шеърятини яққол кўрсатиш

учун битта шеър мисолида ҳамон ҳукм сураётган қадимги шеърят анъаналари хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Энг аввало, ўрта аср шеъритада шаклланган қадимий тил ҳақида. Вэнъянь – (« маданият сўзи» маъносини англатади) тили бутун Узоқ Шарқнинг ўзига хос лотин тили сифатида Хитой, Япония, Курия, Вьетнамда қабул қилинган, бу тил юз йилликлар мобайнида юксак маданий бойликка эга миллий тил ҳисобланган.

Бу тилда ҳар бир сўз бир бўғинга эга ва битта иероглиф билан ёзилиб, шаклсизликдан фарқ қилади. У ҳеч қандай олд кўшимчага ҳам, турловчи кўшимчага ҳам эга эмас. Гапда исталган жойда туриши мумкин, исталган комбинацияда иштирок эта олади, матнда у ёки бу даражадаги маълум грамматик хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Насрий тилда синтаксис етарли даражада мустаҳкам, қисман ҳолда эга – феъл ўрнининг тартиби одатдагидай бўлади, шеърый тилда эса феъл сатрнинг бошидан келиши ҳам кузатилади. Бундай грамматик эркинликка эга маълум алоҳида сатр ва шеър шу кунгача турли-туманлик рамзи саналиб келинмоқда. Улар маълум маънода турли фикрларнинг тўқнашувига сабаб бўлишса-да, кўпчилиги шарҳлаш анъаналарини ўзида сақлаб қолган. Изланувчилар мавқеи, ҳаракатлари сабаб қадимги хитой шеърятининг йўлчи юлдузига айланган бу тил асрлардан-асрларга олиб ўтилмоқда, хорижий тадқиқотчи ва таржимонлари учун ҳам бой манба вазифасини ўтамоқда.

Бу тилнинг омиллари хусусида шуни айтиш мумкинки, хитой шеърятининг изоҳлаш, шарҳлашдаги нозик томонлари маълум маънода унинг архаик тахминий амалиётига бориб тақалади. Бу амалиёт ўз ўрнида анъанавий хитой умуммаданиятига асосланади. Кўп маънолик, фикрлар оламига очиқ кириб бориш хитой шеърятини учун одатийдир. Шеърый трактатларда ўзига хос тушунча – хан суй – « сирғалувчи жамғарма» сифатида киритилиб қўйилган дейилади академик В.М.Алексеевнинг таржималарида.

Ўрта асрнинг машҳур шоиршуноси Сикун Ту (XIаср) хан суй нинг маъносини шундай ифодалайди: «Шоирни биргина сўз билан атаб бўлмайди. Жонли оловни унинг илҳомига қиёслаш ўринли. Шеър сўзи унга тегишли эмас. Уни қайғу ҳеч қачон тарк этолмасилигини ҳис этади.»

Бу идеал шеърят ташқи томондан қаралган оддий кўринади ва анчайин камқусум ҳам, ҳатто «таъмсиз»дай (дань), аммо у ўз ичига «хаёлнинг тубсизсиликлари»ни яширади (ли хэнь мэнь). Исталган тубсизликни қўлга киритиш учун кенг фойдаланиб келинаётган реминисценция, аллюзия, мумтоз хотиралардан олинган цитаталар, жўғрофий номлар, биографик деталлар, шеър сарлавҳасига оид тин – яъни, « шундай – шундай шеърлар ижод қиламан, шундай-шундай қофиялардан фойдаланаман», баъзан берилаётган матннинг семантикаси – маъноси, дейлик, «дўстимни кузатаяпман», туйғуларимни куйлайман», «сарой арз-додлари» кабилар ва ниҳоят, ҳатто шахс олмошлари ҳам иштирок этмайди.

Энди хитой шеърятини англаб етиш учун муҳим қадам ташлаймиз – танланган шеъримизнинг таҳлилига киришамиз.

Ли Бо (701-762) нинг адабиёт китобларига киритилган «Яшма тошли зиналар ноласи» («Юй цзе юань») сарлавҳали шеъри хитой оғзаки ва ёзма адабиётида ниҳоятда кам учрайдиган ҳолатларга кўра, анъанавий шеърят танқидшунослигида шеър цикли деб қаралмайди ва қабул қилинмайди, ҳатто шоирнинг ижодий меросидан айри ҳолатда ҳам кўрилмайди. Аксинча, кўп ҳолларда ва умуман, турли шоирларнинг асарлари, бирлашган династия, хронологиялар, умумий мавзу ёки шакллар, маълум маъноли тартибга солинган рақамларга («уч юзта шеър, уч юз шоир ва бошқалар) нисбатан эркин ва белгилidir.

«Яшма тошли зиналар ноласи» шеъри Ли Бонинг энг кўп кўчирилган асарлари сирасига қиради. Биринчидан, машҳур хитой антологиялари уни четлаб ўтолмайди. Европаликлар хитой шеърятини билан таниша бошлаган пайтлариданоқ эътиборларини узюэцзюй шакли – узук-юлук, сачраб кетган ёки сачратиб юборилган сатрларга қаратишган. Улар шаклан шундай кўринишса-да, аслида, қадимий хитой лирикасининг моҳиятини ўзида сақлайди.

Учинчидан, бу шеър ташқи томондан одамни ўзига тортадиган даражада оддий, содда. Улардан ортиқча изоҳ талаб қилинадиган номлар, қабул қилиниши қийин кечадиган жўғрофий атамалар, одамни чўчитадиған образлилик ҳам учрамайди. Тўртинчидан, унда шеърятнинг барча унсурлари мавжуд – куз, тун, ой. Улар европаликларни гарангситмайди, кўзларини шамғалат қилмайди. Аксинча, ўзига хос хитой шеърятти сифатида қабул қилинади. Анъанавий хитой танқидшунослиги Бу шеърни юқори, жуда юқори баҳолайди.

ЯШМА ТОШЛИ ЗИНАЛАР НОЛАСИ

Остонада – яшма тошли зиналар!
Тўкилади шудринглар оппоқ.
Узайиб-узайиб боради окшом...
Асирга тушади жуфт ипак пайпоқ.

Ортига қайтар у, пастга тушади
Сувранг биллур мармар пардалар
Жаранглаб кетади тиникдан тиник
Кўкда кузги ойни хаёллар чулғар...

Маълумки, сўзма-сўз таржима ҳамиша фақат юзада турган мазмунни беради, холос. Бунинг устига, грамматик жиҳатдан бундай ташбеҳларга тўла тил учун қадимги хитой тили сифатида – вэньянъ – синтаксис таъсирчанлик иллюзиясини яратади ва шундан сўнггина ҳақиқатдан ҳам шеърни аниқ шаклан - мазмунан чуқур таҳлил қилиш имконияти туғилади.

Шундай қилиб, қаршимизда мумтоз беш бўғинли сўздан иборат тўртлик (у янь цзюэуэюй). Икки сўз - белгидан сўнг пауза ва ҳар бир сатрнинг охирида қофиялар билан келади – а-б-с-б. Хитой шеъротида шеър сарлавҳаси муҳим ўрин тутати. Айнан сарлавҳа матн ичидаги мавжуд ҳолатлар ҳақида аниқлик киритади ва тасаввур ҳосил қилинишига кўмаклашади. Чунки хитой тили ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тил ва шеърый қурилмаларни ўрнатиш мураккаб кечган ҳолатларда сарлавҳанинг роли беқиёс. Сарлавҳа шеърнинг моҳияти ва грамматик тузилишини очиб беради.

Биз намуна сифатида келтирган иероглифлар юань (аслиятда учинчи, сарлавҳадаги белгидан сўнг келган), бир томондан шартли равишда «ноласи» маъносини беради, ҳис-туйғулар маъносидаги кенгликни англатади. У ўзида синоним кенгликлар - қайғу, алам, соғинч, қалб изтироблари, нолаю фиғон, титраш, тебраниш, чайқалишларни акс эттиради. Хиёлий лирикасининг туб моҳиятида соғинч туйғуси жуда кенг қўлланилади. Биринчи машҳур хитой шоири Цюй Юань (эрамизгача бўлган IV-III аср) шундай ёзади: « ... кўпдан буён юракда на қувонч бор, на ором. Қайғу кетидан қайғу ўтади турнақатор.» Биз учун муҳими, Ли Бо фойдаланган узун қаторда турган юань белгисининг синонимлар орасидаги ўрнини белгилаш ва унинг индивидуаллик моҳиятини англашдир.

Кўплаб шеърый намуналарда юань белгиси маънони уқиб олишда нафақат ўзида номаълум ёки чуқур ғам-ғуссани ифодалаган, балки тўлиқ, маълум афсус-надоматларни ҳам ифодалаган. Шунинг учун ҳам юань феъл кўринишида (ёзма хитой тилининг грамматик ифодасида юань га ном сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам морфологик тус бериш мумкин) одатда, «айбламоқ, топтамоқ, қарғамоқ» маъноларида келади. Хитой шеърларида юань сўзининг типик ҳисоблаган параллел қурилмалари, одатда, унинг синоним сўзларига нисбатан кучлироқ ва фаолроқ маънога эга, жумладан, унга энг яқин ҳисобланган хэнь ҳам афсус-надоматларга тўла соғинч ёки қайғу маъносида тушунилади.

Ли Бонинг юйузе – яъни, шеърнинг бошланиши грамматик меъёрлар бўйича аниқловчи цзе сифатида кўрилиши лозим, чунки унинг олдида юй аниқловчиси мавжуд. Цзе нинг луғавий маъноси – «остонадаги зина», «зиналар» бўлиб, уни тушуниш қийин бўлмайди.

Фақат шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хитойча остонадаги зиналар жуда кенг бўлиб, бинонинг бутун олд қисмига қўшилиб кетади, кўп ҳолларда ён томонлар ва ҳатто бутун террасани (луғатда кам учрайдиган «тахтасупа» сўзи шу ердан келиб чиққан) ҳам эгаллайди.

Юй эпитети «яшмали» деган маънони англатади. Аслини олганда, «яшма» дейилганда нефрит тоши назарда тугилади. Бу тош қадимги Хитойда жуда эъзозланган, ундан ритуал ва магия учун зарур жиҳозлар тайёрланган. Бу тошнинг хусусиятлари илоҳийлаштирилиб, асосан, ҳукмдорларга лойиқ деб топилган. В.М.Алексеевнинг ёзишича: «Хитой шеърятини учун бу эпитет энг яхши, энг қимматбаҳо ва ноёб, бу ноёблик тушунчаларга ҳам тааллуқлидир. Хитой шеърятини «яшма» илоҳийлик, беғуборлик, жарангдорлик, илиқлик ва намхушликни ўзида қамраб олгувчи тиниқ овоздир». Сутранг «яшма» аёллар гўзаллиги, юз, бадан териларининг нозикликларига қиёс этилиб, идеал гўзалликни ифодалашини ҳам тасодиф эмас.

Таржимада луғатга мурожаат қилиниши табиий. Бизга «Пэйвэнь юньф» да жамланган матнлар («Машҳур адабий хазиналар», 1711 йил) ёрдам бериши мумкин. Юйцзев сўзининг ишлатилишини илк бор «~арбий пойтахт одаси»да учратамиз (Бань-гу); «Яшма тошли зиналар – бу айри-айри яшма тошли остонадир», иккинчидан, 1- асрда яшаб ижод этган машҳур шоира Бань-Цзюйнинг элга манзур «Қайғуларим одаси»дан олинган сатрларни келтириш мумкин:

Харобага айланибди гулгун сарой,
яшма тошли остонада пўпанаклар;
ўт-ўланлар бир-бирига чирмашгандай
кенг ҳовлини босиб ётар тиканаклар...

Худди шу ерда аниқлик киритиш лозим, чунки «Ода» Ли Бонинг биз таҳлил этаётган шеърини асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хитой шеърятини чуқур из қолдирган шоира Бань император Чж Дининг асираси (бу ҳақда тарихий маълумотлар мавжуд) эди; у бир умрга мавқеидан четлаштирилиб, узоқроқдаги сарой оромгоҳларининг бирида ёлғизликда умр кечиради. Шоира ўз тақдирини «Қайғуларим одаси»да алам, изтироб билан тўкиб солади. Демак, «Яшма тошли зиналар» нафақат сарой шоирларининг улуғвор рамзларига айланади, балки ҳукмдор марҳаматларидан йироқда яшаган ҳарам қизлари, севгилисидан айро умр кечирганлар, кенг маънода, шоирларнинг шеърлари, ижодида ҳам муқим ўрин эгаллайди.

Бу ҳолат Се Тяо (464-499) нинг «Яшма тошли зиналар ноласи» шеъри (бу шеър номи сўзма-сўз Ли Бони такрорлайди) «Пэйвэнь юньф» бўйича таҳлил этилса, янада мустаҳкамланганлигини кўрамай:

Шом.Кўшк. Мармар парда энади,
Шамчироқ шуъласи, эрийди зулмат.
Олис тунда шоҳи кўйлак тикаман,
Мен сизни ўйлайман узоқ, бетоқат...

Сарлавҳа Ли Бонинг шеърини аниқ мавзуга олиб киради, унинг кейинги таҳлилларига ҳам кўмаклашади. Биринчи ўринда, аёл образини лирик ҳолатда берилади. Шунинг учун ҳам матнда бошқа асослар учрамайди: яъни, шахс олмоши вэньняньнинг шеърини ифодаси жуда кам ишлатилади.

Биринчи сатр : -

Яшма тошли зиналар оқ шудринглар туғдирар...

Аслида, буни тушуниш қийинмасдай. Грамматик томондан олганда, уни: «Яшма тошли зиналарда оқ шудринглар туғилади» дейиш мумкин. Лекин хитой тилининг грамматик жиҳатини эътиборга олсак, эга-феълнинг кетма-кетлиги, давомийлиги, бундан ташқари, янада муҳим хулосалар ҳам мавжуд. Демак, сўз катта аҳамиятга молик бўлган

император саройи ҳақида кетар экан, зиналар ўз-ўзидан нефрит тошидан қилинган; бу тошнинг хусусияти шундаки, у ўзидан иссиқ ҳавода совуқликни, совуқ ҳавода иссиқликни чиқаради. Кўриниб турибдики, у табиатан ҳам совуқ, ҳам иссиқ ҳолатга келолади, айти пайтда ўзида намликни сақлайди ва бундан ташқари, буғланиб туради. Шунинг учун ҳам бу образликни йўқотиб бўлмайди. Бу ерда субъектив позиция (ёндошув) асосий рол ўйнайди. Ли Бо томонидан қўлланилган юйце – «яшма тошли зиналар» - сўзларни ихчамлаштириш жараёнига, айтқанда, тўртликларга муҳим аҳамият касб этади. Метафарили феъл сифатида қўлланилган «туғилмоқ» етарлидай кўринади:

Зумрад нилуфарлар, архидеялар
Кўз очдилар хилват гўшада олис
Қалин боғлар ичра ёлғиздан-ёлғиз...

«Оқ шудринг» ўзининг тўғридан-тўғри маъносидан ташқари метафарик маънога ҳам эга. «Қиров» маъноси «Шицзин» («Кўшиқлар китоби» - эрамизгача бўлган XII-VI асрлар) да шундай дейилган: «Оқ шудринглар - қировлар кабидир». «Оқ» эпитети қадим-қадимдан оқариб келаётган тонг ранглари сифатида ~арбда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Йилнинг 24 мавсумидан бири «оқ шудринг» деб аталиши ҳам тасодиф эмас. Бу йилнинг сентябр ойи 7-8 кунларидан бошланиб, 23-24 кунларигача давом этади, куз фаслининг кетаётган олтин даврини ифодалайди. Шеъриятда бу образлик яққол намоён бўлади: Ли Бода: -

Оқ шудринг...
қовжираб боради гуллар, мевалар,
Ишонгинг келмайди қачондир улар
Гуллаган, ҳосилга кирган тўлиқиб.
Ёки:
Оқ шудринг...
Куйиб борар кун.
қиров тўкилади алвон рангларга
рангсизланиб борар ранглар ҳам бу кун.

Бу ерда Ли Бо учун иккита муҳим эпитет бор: «Кузги оқ шудринглар яшма тошига ўхшайди». Хань Юянинг (768-821) «Кузги қайғу шеърида эса;

Оқ шудринг тўшалди оқ майсаларга,
Ўт-ўлан, архидея, неки яшиллик
Бирма-бир қовжираб, сўлимоқдадир.

«Шудринг» хитой шеъриятида енгил кўчадиган рамз. Қадимдан уни инсон умрига, абадийликка, умидга қиёслашган. Қадимги хитойликлар муқаддас осмондаги маъбудалар фақат шудринглар билан тўйинишган, деб ўйлашган. Умрининг қисқалигига ишора сифатида илк бор шудринг Хань давридаги халқ кўшиқларида учрайди (эрамизгача бўлган III аср-эрамиздаги III асрлар) .

Шунчалик тез кўздан йўқолди шудринг,
Тортилди бамисли ёввойи камон.
Аммо тонготарда яна туғилди,
Инсон ҳам у каби тирилар қачон?!...
Бу образдан шоир ва саркарда Цао (155-220) ҳам учрайди:

Тонгги оппоқ шудринглар каби
Эмасмикан инсоннинг умри?

«Оқ шудринг» айтиб ўтилганидек, «қиров» маъносида ҳам келар экан, «қиров»сўзи билан боғлиқлик (шуан) ни ҳам унутмаслик лозим. Шеърятда «қиров» сочининг оқаришига қиёсланади, инсоннинг қайғу ва изтиробларини ифодалайди. Ли Бонинг «Кузнинг зарҳал кўшиқлари»даги 15-кўшиқда бу яққол кўринади:

Оппоқ сочлар – уч мингта саржин,
Узун қайғу, узун изтироб.
Қайдан пайдо бўлди оқ қиров?
Умр ўтиб кетдими шитоб...
Кўринади тиниқ ойнада
Оппоқ сочлар – кузги қировлар...

Ли Бодан анча олдин У Цзюнь (459-520) шундай ёзади: «Кузги қировлар – уймалашиб турар кокилларда ҳам...». Бо Цзюда (772-846) эса: «Кузги қировлар – кокилларнинг илдизи қадар қирарлар».

Кузги шудрингни «яшма тоши»га қиёслаш Ли Бо шеърятига хосдир. Биринчи сатрдаёқ «Кузги шудринг – оппоқ яшма тошидай» дейилиши уктириш маъносини билдиради. «Шудринг» сўзини хитой шеърятда ишлатиладиган бошқа маъноларига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Булутлар оралаб тўкилган ёмғир, эр йигитлар матонатига қиёслаш шулар жумласидандир. Яна «яшма тошли» сўзига қайтиб, уни кейфон – «никоҳ ҳаловатлари», юц юань – «яшма тошли булоқ» каби уйғун сўзлар билан ҳам боғлаш мумкин, бу сўзлар яшовчанликни англатади. «Яшма тошли банд», «Яшма тошли дарвоза» кабилар ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Матндаги биринчи сатр чуқур маънога эга бўлиб, хитой билимдонлари томонидан қадрланиб келинган ва келинмоқда. Иккинчи сатр очикдан-очик Се Тяонинг «Олис тун (чан е) шеърига яқинлашади. Бироқ Ли Бода тун – эга, навбатдаги белги – цзю феъл сифатида келган. Балким таржимада сифат ўрнида ўгирилгандир («бурч тун») ёки феъл («тун узайиб борар»). Энг сўнггиси эътиборга молик кўринади, чунки у вақт ўтишини ифодалаб келмоқда. Бу – охири йўқ соғинч тун. Шунинг эътиборга олиш керакки, феъл ўрнида келаётган узю «ушланиб қолмоқ», «ҳалақит бермоқ», «муддатини узайтирмоқ» маъноларини ҳам англатади.

Шундан сўнг узун ва кучли пауза кузатилади, унинг олдидан учта белги қўйилади. Бу белгилар «узун ипак пайпоқлар» тарзида таржима қилинади. Цинь- кучли ҳис-туйғули сўз, рангни англатади, кўп ҳолларда, «забт этмоқ», «ўғирламоқ», «қамраб олмақ», «сингимоқ», «бостириб кирмоқ»ни билдиради. «Узайиб борар тун» хитой шеърятини учун типик эмас, унда субъект («оқ шудринг») объект («ипак пайпоқ»)дан ажратилади.

Шудрингдан ҳўл бўлган узун ипак пайпоқлар кўпроқ узун бўлмаган этикчаларга ўхшаб кетади. Узун ипак пайпоқларни олий табақали хонимлар кийишган. Демак, шеърдаги ипак пайпоқлар «яшма тошли зиналар»дан сўнг шеърнинг лирик субъекти аёл эканлиги, аёл бўлганда ҳам оддий аёл эмаслиги, бунинг устига, у ўта ҳаяжонда турганлиги айтилмоқда. Биринчидан, у узун пайпоқларда чикди, туфли ҳам киймади, иккинчидан, («узайиб борар тун»)да зиналар ич-ичигага ҳўлланиб бораётганини анча пайтгача пайқамади. Бундан ташқари, «ипак» эпитети образдай Се Тяо шеърда иштирок этади ва унда ёлғиз аёл севгилиси учун ипак кўйлак тикади.

Иккинчи иккилик иккита феъл билан бошланади. Уларда шахс ва вақтнинг грамматик кўрсаткичлари мавжуд эмас, эҳтиёт юзасидан «қайтмоқ» (цзюе) ва «туширмоқ» (ся) тарзида таржима қилинган. Шеър грамматикаси шундай сифатдош билан феълнинг жуфт ҳолда келишини талаб этади – «қайтаётиб, пастга туш» орқали шеърнинг умумий атмосфераси мавҳумлик ёки ортиқча аниқликдан ўзини олиб қочади.

«Сувранг – мармар парда» - бу ерда чодир назарда тутилмоқда. Чодир тоғ этакларидаги биллур мармардан қилинган. Хитойлар уни «сув манбаи» деб аташади. Қадимда биллур мармарни қотиб қолган муз сифатида қабул қилишган. Биз учун муҳими, бу ерда биллур

мармарни шудрингга, «парда» сўзининг эса муҳаббатга боғлиқлигини англашдир. Кўтарилган парда - аёл ёлғизлигининг рамзи, пастга туширилгани эса – бахтли висол онлари сифатида келади. Бу шеърда Се Тяонинг шеъри ҳам мазмуман, ҳам руҳан яқинлашади – «пардани туширди», аммо айрим деталларда фарқ сезилади. Яъни, сутранг биллур эмас, - «марварид», «чодир» сўзи ҳам бошқача иероглифда ёзилган, фақат иккаласи ҳам бирдай жаранглайди.

Сўнги сатр иккита иеролиф билан бошланади, уларнинг грамматик ролини аниқлаш қийин. Дейлик, лин-мун – бу оҳангга тақлид, енгил садо беради. Бу садо мармар парданинг туширилишини англатади, шунинг учун ҳам бу сатр олдинга сатрларга яқинроқ. Бироқ умумий синтаксисда иккинчи иккилик – лин-лун – биринчи ибора - е цзю ўйнаган ролни бажаради, яъни, «узайиб борар тун» эга –«шудринг»ни «асирга тушмоқ» феълидан қандай айирган бўлса, лин-лун ҳам бир ўзакли феълларни (исталган морфологияда), масалан, «қайтмоқ», «туширмоқ», «тикилмоқ»лардан айириб ташлайди.

Товушга тақлидлик хитой шеъротида кенг тарқалган. Белгилар фонетик негизга асосланиб, танлаб олинади. Бироқ биз таҳлил қилаётган шеърда эътиборимизни айрим нозик томонлар ўзига тортади. Юқорида қайд этилган иккита белги товуш шаклидан ташқари умумий луғавий маънога ҳам эга. «Яшма тошлар товуши» ёки «Яшма тошли шилдириклар товуши» - изоҳлаб ўтамизки, яшма тошли шилдириклар белда бўлиб, сарой аёллари либосларидаги муҳим детал ҳисобланади. Тань шоири Ван Цзянь (766-830) нинг «Яшма тошли шилдириклар жаранглайди тонгги шафақда» сатрларини эсланг. Иккала шоирда ҳам бир хиллик: «яшма» - бутун шеърнинг калити шу сўз билан очилади. Бин томонидан англашилган шеъринг тилдаги лин-лун кўп ҳолларда қор метафараси сифатида келади, лин – «сув» сўзи бўлиб, «совук», «муздай», «совқотмоқ» маъноларида ишлатилади (биллур мармар – совуқлик билан боғлиқлигини унутмаслик лозим).

Кучли паузадан сўнг учта сўнги иеролиф келади: Ван цзюэ – «кузги ойга тикилмоқ». Ван – баланд пардали лексик сўз. У одатдагидай цзянь га боғланмаган, аксинча, айнан, «тикилмоқ», «олисларга қарамоқ»ни англатади (кўп ҳолларда баланд миноралардан қараш хитойликлар тассавурида илоҳий ва самовий маънога эга); Ли Бода : Шаҳар чеккасидаги Ланье этақларини кузатдим» (Ван) ёки «Баландлайман, янада баландроққа кўз ташлайман тўртта денгизга» (Ван). дейилади. (Хитойни тўртта денгиз мамлақати деб аташган, аммо бир қарашда тўртта денгизни бирдан кўриб бўлмайди. Яъни, бу ерда Ван – «нигоҳларим қадайман» маъносида келмоқда). Бироқ бу белгида ҳам маъно бор: «умид билан тикилмоқ», «умидланмоқ», «умид билан кутмоқ»ларни биз таҳлил қилаётган шеърда эътиборга олиш зарур.

Ойнинг хаёлчанлиги, айниқса, кузда,- хитой лирикаси учун асосий мотивлардан ҳисобланади. Эҳтимол, бу мотивнинг энг анъанавий оҳанглари Ли Бонинг «Осуда тун ўйлари» номли машҳур шеърда кўрсатиб ўтиш ўринлидир:

Тиниқ ой шуъласи чодирга тушар,
Оппоқ қировларга ўхшайди бу зар.
Бошимни кўтариб ойга қарасам,
Юртим ёдга тушар, бошим эгилар...

Қисқароқ тушунтириш мақсадида иккита иборани берамиз. Бу сўзлар орқали ой мотивига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз. Шоир ёт ўлкаларда она юртини соғинади, бу соғинч, айниқса, тунда кучаяди. Бундан ташқари, ой чодирга шуъласини тўшайди, қировларга ўхшаш. Бу қировлар шоирга кузни эслатади, демак, йил охирлаб бормоқда. Яна бир йили ёт ўлкаларда ўтди унинг. Қировлар анъанавий шеъротда оқарган соч толаларига қиёсланади. Ой нури («қировлар») шоирга умрнинг тез ўтишини ёдга солади, шунинг учун ҳам у туғилган уйини соғинади. Пастга қараб, ҳали ранглари, манзаралари, ҳар кунги кундалик ташвишларини ўзгартирмаган уйига қайтишни орзу қилади. Шоирнинг «Осуда тун ўйлари»да ҳам ойга тикилиш чуқур моҳият касб этади. Таянч

сўзлар биз таҳлил қилаётган шеърда ҳам моҳиятни очиб боради: қиров (шудринг) – куз – оқ - оқ сочлар – тун – ой - соғинч. Ойнинг доимий метафараси сифатида «яшма» қадимги шоир, Лян династиясининг (VI асрлар) амалдорларидан бирининг шеърида ҳам учрайди: «Тунги ой - бамисли кузги қировдай». Бизни бу ерда Ли Бонинг шеъри шеърий формула билан учраштиради: қиров – оқ шудринг- ой - қиров – ой – оқ шудринг – яшма. Шеърга совуқлик ва оклик чуқур сингиб боради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, сўнгги сатр ҳаққоний тарзда мунозарали, аммо барибир асосдан айрилмаган ҳолда хитой шеърияти иероглифларнинг сайъи – ҳаракати туфайли мазмун-моҳиятни очиб берувчи ўзига хос ёрқин манзараларни ўз ичига қамраб олади. Лин-луннинг жуфтликда келаётган белгиларининг моҳияти битта – «яшма», Ван да эса «тикилмоқ» ва «ой» очқич сўзлар ҳисобланади («ойга тикилмоқ» - энг қадимий ибора, белги, сўз), сўнгги икки иероглифлар эса чуқур этимологик мазмун касб этмайди ва бу уларнинг луғавий маъносида кўринади. Қайд этилган иероглифларнинг таянч белгилари ўз ўрнида навбатдаги ёнма-ён келувчи таъсирчанликни келтириб чиқаради: яшма - яшма –ой-куз - ой.

«Белгилар остида» таҳлил қилиш шеър моҳиятини тўла англаб олиш учун етарли эмас. Шунинг учун биз кўраётган тўртлик композицияси қай даражада эканлигини кўриб ўтамиз. Ҳар бир иккилик нафақат автоном, балки бир-бирига кескин равишда қарама-қарши қўйилган. Биринчи иккиликда жараён бинодан ташқарида – сарой зиналарида кечади; бу макон маъносида олиб қаралса, пастда (шартли равишда: ер билан тенг) ҳисобланади, навбатдагиси ундан баландроқда, яъни остонадан баландда кечади. «Катта Вақт» - йил мавсумининг номи очиқ айтилмаган, фақат унинг аломатлари берилган – шудринг; муҳими, вақт кўрсатилган – тун ,деразалар намланган, тун узайиб боради. Ҳаракат субъектлари – жонсиз нарсалар : зиналар, тун, ипак пайпоқ. Шу уч нарса бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳаракатни билдиради: зиналар шудрингни туғдиради, ипак пайпоқ асирга тушган, шунга қарамай, барча иккиликлар турғун бўлиб қолади. Уларда тўлиқ жим-житлик ҳукм суради.

Иккинчи иккиликда субъект қатнашмайди, аммо - қайтмоқ, тушунмоқ, тикилмоқ феъллари туфайли унинг борлиги сезилади. Воқеалар бино ичида рўй беради, жонсиз нарсалар биринчи иккиликлардагидай бўлса-да, иккинчида жараён тезлашади. Бу ерда учта феъл ҳам ҳаракатлардаги давомийликни билдириб келади. Вақт кўрсатилмаган, айтилмаган, фақат унинг аломати мавжуд - ой, мавсум эса – куз. Яъни, бу ердаги ҳолат биринчи иккиликдагига бутунлай зид. Товуш эшилади – лин-лун – парданинг туширилиши. Сўнгги сатрда берилган «ойга нигоҳ ташлаш» шеърнинг кенглигини англаиб, уни кўкка қадар кўтаради. Шеърга биринчи белги – «яшма тошли зиналар» (ер)дан тортиб, сўнгги – кузги ой»(осмон) гача баланд руҳ сингиб кетган. Демак, шеърда номсиз одам иштирок этади. У ўзининг одатий осмон ва ер орасидаги ўрнини эгаллайди. Бу хитой донишмандлигининг пойдевори сифатида – осмон-одам-ер (тянь-жэнь-ди) олий табиат гармониясини англатади.

Ли Бонинг йигирма сўзлик тўртлиги исталган нуқтаи назардан олиб қаралганда, грамматик ва лексик маъносидан тортиб маданий-фалсафий тушунчаларгача ўта мураккаб тузилмага эга. Бу бирдан кўзга ташланмайди, англаб етиш учун кўп куч талаб этади.

Шу ерда иккита изоҳ бериб ўтиш ўринлидир. Матн устидан олиб борилган таҳлил анъанавийлик чегаралари ва мазмун-моҳиятини бузмаган, аксинча, унга таянган ҳолада олиб борилди. Ишнинг бошқа томони шундаки, аҳолининг маълум қатлами учун тавсия этиладиган ва уни таъминлайдиган маданият доиралари (шоирлар ва шеърият ихлосмандлари ҳам киришган) учун ўқимишлилик даражаси муҳим ҳисобланаган (ёддан ўқиш маҳорати!). Юксак бадиият намуналаридан то фунадаментал шеърият антологияларгача ҳар қандай шеърнинг ўқилиши нафақат маҳорат саналган, балки унинг ҳар бир сўзи тушунарли бўлиши, ўқувчига етиб бориши учун ишлатиладиган цитаталар, имо-ишоралар, образлиликка катта эътибор қаратилган. Бу мумтоз шеърият учун хос хусусият

эди, аммо шеър ичида шеърий алоқаларга меъерийлик даражаси кўйилгач, бу ўқимишлилик ўзини анча йўқотди.

Бугунги кунда ҳам шеърият билимдонларини тушуниш, англаш ўқиш каби ҳолатлари мавжуд мумтоз шеъриятнинг ичига сингдирилган яширин ҳолатлари, маҳоратлилик мафтун этиб келмоқда.

Ли Бонинг мазкур шеъри рус тлига илк бор «Хитой найи» номли тўпламга В.Егоров ва М.Марков таржимасида киритилган.

ОЙ НУРИДАГИ ЗИНА

Оппок, тиниқ нефрит зиналар
Кўтарилиб боргани сайин
Пуркалиб ётибди шудринглар гўё,
Товланади ой нури майин...

Зиналарда – ой нури, ипак
Кўйлаклари узун малика
Бир-бир босиб ўтар зинадан,
Кўйилади шудринглар тикка
Ипак кўйлак этакларига,
Ўхшар туннинг эртақларига...

Кетиб борар у айвон томон,
Ой нурлари кўйлак тикади.
Сеҳрланган каби малика
Остонага секин чўқади.
Сўнг марварид пардаларини
Туширади, ўйлари ҳорғин.

Шаршаралар жарангги олис
Иниб борар қуёш нурига.
Хаёллари ҳазин малика
Сингар туннинг, ойнинг сирига.

Кўйилади марварид тошга
Кузги ойнинг нурлари сокин.
Кўз узолмас марварид тошдан
Ойга мафтун малика бу тун.

Бундан бошқа таржималар ҳам мавжуд. Уларда ҳатто профессионаллик даражаси ҳам баланд кўринади. Ўзи ёш бўлишига қарамай, бутун қобилиятини ишга солган ҳолда Ю.К.Шуцкий устози, XX асрнинг улкан хитойшунос олими В.М.Алексеев раҳбарлигида Хитой мумтоз шеърияти бўйича биринчи китобини нашр эттирди. Ўша шеър таржимаси:

Турибман... Яшма тошли зинада
Пайдо бўлар қировлар оппок.
Тун узундан-узун... Қуюқ шудрингдан
Мавжланади бурама пайпок.
Қайтдим ортга ғамғин ва ёлғиз,
Туширилган биллур пардадан

Кўринади тиниқ кузги ой,
Шуълалари тўшар кумуш зар..
Орадан кўп ўтмай, В.М.Алексеев ҳам ўз вариантыни тақдм этди:

Яшма тошли зиналарда туғилар шудринг,
Узун тун.Ипак пайпоқлар намхуш.
Кетаман, сутранг биллур пардалар
Тушади, кузги ой нурлари кумуш.

Бу икки таржимадаги маҳорат ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.негаки, ҳар бир сатрдаги нозиклик тиниқ ифодаланган.Ю.К.Шуцкийнинг хитойча аслиятга кўшган сўзлари кўп бўлмаса-да, у Ли Бони қатъий равишда лўндаликдан маҳрум этади. «Сўзлар туфайли» шеърнинг сирлилик ва бутунлай айтилмаган, айтиб улгурмаган ёки яширин жозибасидан йироқлаштиради. Биринчи сўз – «Турибман...» таржимада грамматик кучга эга, шеърда мавжуд бўлмаган «ғамғинлик»сўзиининг киритилиши эса аслият ҳақида жўшқинлик билан айтилган хитой танқидшуносларининг фикридан йироқлаштиради ўқувчини.

Ниҳоят, таржимон бешта сўздан иборат сатр шаклини сўнгги икки белгидан сўнг бузиб ташлайди, яъни, тўртлик композициясини яратади. Аслиятда жуфтликларнинг қофияланиши ҳам йироқ, бунинг устига, тугалланмаган сатр, уларнинг ниҳояси паузагача паузадан сўнгги қисмларда ҳам жойлашган. Хитой шеърининг биттагина шаклий белгиси - қофияли кўринишда берилган (айтиб ўтганимиздек, у замонавий талаффузда йўқолган). В.М.Алексеев аслиятнинг барча хусусиятларини ўзида сақлаб қолади. Ҳар бир қатордаги ҳар бир сўз бир-бири билан уйғунлашиб, ягона мазмунни келтириб чиқаради; хитойча аслиятдаги каби паузагача бўлган ва ундан сўнгги сўзлар маъносига мос келади. Биринчи икки сатрда хитой билимдонларини ҳояжонлатирган мавҳумлик (ноаниқлик) кўзга аниқ ташланади. У якуний хулосада иштирок этади, бунда фақат (кетаман, тушираман, қарайман) учта феъл сифатида эгани ҳам камраб олади, шунингдек, грамматик шахс сифатида келади.

Таржимон ҳар бир сўзнинг устида меҳр ва иштиёқ билан ишлайди, аслиятдан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилади, рус тилидаги сўзлардан моҳирона фойдаланади. В.М.Алексеев томонидан қўлланилган «сутранг биллур» эпитет муҳим характерга эга.

Ю.К.Шуцкий ва В.М.Алексеевлардан сўнг орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтиб, Ли Бо шеърятининг таржимасига таниқли шоир А.Гитович қўл уради. Унинг сўзма-сўз таржимасини устида хитой тилининг ажойиб билимдони Б.М.Панкратов тайёрлайди. Шоир томонидан тайёрланган Ли Бонинг кўп жилдлик китобларига юқорида қайд этилган шеър ҳам киритилди:

ЯШМА ТОШЛИ ЗИНАЛАР

Тўлиқиб кўринар қуюқ шудринглар,
Пайпоқларим жикқа ҳўл!
Куз тунлари нақадар узун!
Тушираман биллур пардани,
Тўкилади парда ортидан
Ойнинг оқиш нурлари мўл-кўл.

Яна орадан чоракам аср ўтиб, хитойшунос олим В.Т.Сухоруковнинг сўзма-сўз таржимаси асосида моҳир таржимон шоир Арк. Штейнберг ўзининг янги таржимасини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади:

Яшма тошли зина остонасида
Оқ кировлар тўшалди бир-бир.
Узоқ тунда нақшин пайпоқлар
боғичига қадар хўлланди оғир.

Тиниқ рангли биллур пардани
Пастга тортди, оҳиста чўкди.
Биллур мармар парда ортидан
Кузги ойга узоқ кўз тикди...

1983 йил, қўлёзма.

Қиёслаш мақсадида С.Торонцев томонидан тақдим этилган Ли Бонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Буюк оқлик ҳақида»ги китобидан намуна келтирамыз:

Қировланди яшма зиналар,
Пайпоқлар хўл, тун оқар сим - сим.
Биллур парда билан юзни
Ой нуридан яшираман жим.

Сўнгги пайтларда Интернет хитой мумтоз шеърятининг кенг ёритмоқда. Аммо улар ичида эътиборга лойиқ таржималарни учратиш қийин. Мисол учун, Александр Матвеев таржимасидаги «Хитой мумтоз шеърятисидаги таржимани олиб кўрайлик:

Совуқ тун...
Бурама пайпоқлар намхуш.
У кетди тушириб
Сутранг биллур пардани.
Кузги ой милтиллайди,
Тунга сингиб кетади...

Ғарбда биринчилардан бўлиб, бу шеърни Эрнест Фенолозанинг сўзма-сўз таржимаси орқали Эзра Паунд ўзининг “хитой” китобига киритди ва анъанавий хитойча изоҳлар билан тўлдирди.

ҚИММАТБАҲО ЗИНАЛАР ҚАЙҒУСИ

Зиналарнинг ноёб тоштахтасида
Кумушланар шудринг - оқ сочлар.
Жимирлаган томчиларидан
Қорайган пайпоқлар тунда ранг очар.

Биллур парда пастга тушади,
Оқшом нурга, жилваларга бой.
Кузнинг тиниқ ҳаволарида
Кезинади тиниқ кузги ой.

Изоҳлар:

қайғу - демак, ниманидир қайғуси бор;

зиналарнинг қимматбаҳо тоштахтлари - демак, сарой;

ипак пайпоқлар - демак, хоним қайғуда, унинг чўриси эмас. Унинг бу ерга келганига анча бўлган, чунки пайпоқлари кумуш шудринг томчиларидан қорайган ва хўлланган.

Шеър шуниси билан ажойибки, унда тўғридан-тўғри арз-дод, ох-вой қилинмайди, сезилмайди, кўринмайди.

Таржималар турли даврларда турлича қобилиятга эга бўлган таржимонлар томонидан турлича мақсад йўлида қилинган: соф илмий тилдан то бадий-маданийгача. Бу таржималарда хатолар мавжуд, кўп ҳолларда, мазмун аслиятга яқинлашмайди, ҳатто бу тилдан таржима қилишда рус тилининг ноқулайлиги сезилиб турса-да, уларни битта нарса бирлаштиради: барчаси грамматик ва моҳият-мазмун боғлиқларини очиб беришга интилади. Шунинг учун ҳам хитой шеърляти меъёрлари ичидаги зиддиятларга кириб боради. Бу шеър хитой шеърляти билимдонларининг эътиборини, аввало, туманли тугалланмаганлиги, мазмунининг очиқ кўрсатилмаганлиги, парда остида берилганлиги билан тортган, улар шу тарафдан ундан сеҳр излашган, уни шарафлашган. Шунинг учун ҳам хитой танқидшуносларидан бири айтгани каби: «Бу- иккита ўнталикдан иборат сўзлар икки мингта сўзга тенгдир». Бошқаси таъкидлаганидек, сарлавҳадан бошқа ҳеч қаерда соғинччи учратмайсиз. Бу – сиз ўйлаган, кутган соғинч эмас, бутунлай бошқа туйғу.

Шундай қилиб, савол туғилади: бу шеърнинг бошқа тилга ўгирилган вариантини ўқиган ўқувчи хитой билимдонларининг ҳароратли ҳайратлари ва охир-оқибат Ли Бонинг «яшма тошли зиналар ноласи» мукамалликнинг ўзгинаси! – дейишга борган Чжу Си (XI аср) нинг фикр-мулоҳазалари билан келишиша олармикан? Таржимада хитой шеърлятининг нафақат шеърнинг ташқи кўриниши, балки фундаментал тамойилларига ўтилганми? Инкор, фақатгина инкор муқаррарлиги кўриниб турибди.

Бироқ бадий таржима йўли (барча ижодий йўналишлар каби) тўлиқ очилмаган, ўрганилмаган соҳа. Машҳур назариётчи ва амалиётчи, таржимон М.Л.Гаспаров (1935-2006) Европа шеърлятидан таржима қилинган намуналарни танлаб олиб, уларни таҳлил қилади. Улардан русча нақл, ривоятларни узоқлаштириш, таржимоннинг фикрича, шеър моҳият-мазмунига соя солган, шеърнинг ички динамикасини сусайтирган. Шеърлят таржимоннинг одатий маълум меъёр ва қоидаларини инкор этмайди, аммо ҳали бу олис йўлда шеърлят анъаналари учун янги амаллар зарурлиги кўринади.

Хитойшуносларга олов сачраб турган мулоҳазамни айтгим келаётир. Хитой мумтоз шеърлятининг кўп маънолилиги, сиқиклиги, ташқи томондан содда кўрингани билан тубсиз теранлик касб этишини ҳисобга олиш керак. Таржимонлар XX аср бошларида хитой тўртликларини кўп таржима қилишди, улар ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқмаган бўлса-да, муҳими, бу шеърлятни нафақат ташқи томондан кўрсатиб беришди, балки ҳар бир сўзнинг ичигача кириб боришга уринишди. Уларнинг таржимаси дағал ва фақир бўлса бордир, аммо бу уринишлардаги ажиб ёруғлик бизни ўзига тортади.

Назаримда, Ли Бонинг мазкур мумтоз шеърини русча таржималари хитой шеърлятини одатий ва фақат ташқи томондан кўрсатиб беролган, холос. Хитой шеърлятининг улғу анъаналари сақланган ҳолда унинг ичига – жисму жонига кириб бориш йўлида олға қадам ташлаш таржимонликнинг очилмаган кенгликларини излашга чорлайди.

ОЧЕРК

«Яна бир юлдуз милтираб – милтираб кўздан йўқолди».

Яна бир ёрқин ном асримизнинг биринчи чорагида Россияда туғилиб ўсган буюк ёзувчилар сафидан мангуликка йўл олди. Бу ном ўз Ватанида қанчалик машҳур бўлса, хорижда ҳам шунчалик севимли эди.

Шуниси қизиқки, йиллар ҳам турлича келади – ҳосилдор ёки бевосита. Шундай омадли йиллар келадими, улуғлар туғилаверади, Яна шундай йиллар бўладими – омадсиз!. Россия жанубидаги яйдоқ кенгликлар, ерлар эгасидан сўраб кўринг: У сизга йиллар ҳеч қачон бири иккинчисига ўхшамаслигини айтади. Агар ёз қуруқ келса, ёмғир ёғмаса, жазирама келса, ҳаммаси қуврайди, куйиб кетади. Россиянинг қора ва тўқ мағиз тупроғи тошдай қаттиқ қобиклар билан қопланган. Унда ҳатто ўртача ҳосилга ҳам умид йўқ, кузда эса машаққат билан ерга уруғ сочилади.

Баъзан омадсиз йиллар қаторлашиб келади – биринчи ёз, кейингиси, учинчиси, бешинчиси. Шунда чинакамига хонавайронлик бошланади. Мамлакатни очарчилик, қаҳатчилик ва умидсизлик қамраб олади. Ниҳоят, кутилган яхши йил кириб келади, мўл – мўл ёмғир ёғади. Ер қувватланади, кучга тўлиб, мислсиз ҳосил беради. Далага уруғ сочсанг бўлди, қарабсанки, бир неча ҳафтадан сўнг юз карра ортиқ ҳосил – сеники. Шунда бу ҳосилни йиғиб – териб олиш учун Россиянинг турли бурчакларидан кўнгилли ишловчиларни чақириб келишга тўғри келади.

Мамлакатдаги барча оғборхоналар, улардаги дон – дун, ғалла сақланадиган жойлар тўлиб - тошиб кетади. Ҳатто қаерга кўйишни билмай қоладиган даражада ортиқча буғдой тоғлари кўтарилади. Хуллас, мўл – кўлчилик бахтли ер эгасининг барча омадсиз йиллардаги йўқотишларини бемалол ундириб беради.

Россия адабиётининг турли йиллардаги юксалишларини юқорида тилган олинган манзара, ҳолатга менгзаш мумкин. Бизда унинг тарихи ҳали унчалик узун эмас. У бугунга қадар бор - йўғи икки юзинчи йилликка бориб тақалади. Шунга қарамасдан, ҳар қандай тадқиқотчи бу тарих йилларини қисқа вақт ичида ўрганса ҳам кам ҳосилли ва айни чоғда ноёб ҳосилдорлик ўртасидаги зиддиятлардан ҳайратга тушмай иложи йўқ. Бир – бирига бевосита ўтмишдош ёки 1825 йилнинг ортидан келаётган йиллар даҳо ёзувчилар туғилиши учун атайин яратилгандай. Тургенев, Достоевский, Толстой, Некрасов, Гончаров, Салтиков - (Шедрин) ва Крестовская хоним – тенгқурлар ўша даврда дунёга келишган, бир – биридан беш – олти ёш фарқ қилади.

Санаб ўтилган биринчи учта ном Францияда машҳур, қолган тўрттаси ҳали етарли даражада маълум эмас. Бироқ Россияда бу номларни бирлаштириб айтишга шу қадар ўрганишганки, биронтаси айтилмай қолса,

бутун бошли сафни тасаввур қилиш мушкул. Чунки бу адиблар адабий ҳаётимиздаги барча даврларда бирдек характерли, уларни тўқис қамраб туради. Ҳар бирида ўзига хос ёзув услуби бўлса-да, уларни яхлит умумийлик, ягона ва қадрдон ҳаво бирлаштиради. Ўйлайманки, буни тушуниш осон. Улар бир даврда, бир маданий-ижтимоий муҳитда ўсиб-улғайишди.

Айни пайтда уларнинг адабий фаолияти тугаллангандай кўринаётгандир. Негаки, Тургенев, Достоевский, Некрасовлар бу дунёни тарқ этишди. Гончаров ва Крестовскаялар яқин йиллар ичида арзирли асарлар яратишмади. Толстой адабиётдан юз ўгиргандай, фақат эртақлар, фалсафий мақолалар ёзмақда.

Фақат Шедрин ҳаётининг сўнги дамигача ижодий кудрат ва яратувчанлик ҳиссини ўзида сақлаб қолди. Ҳолбуки, у анчадан буён оғир касалликдан азобланарди. Ўлимгина унинг захарханда ва кинояли овозини ўчирди, тиндирди. Эҳтимол, давримиздаги эркин фикрни ҳимоя қилишга чоғланган, худбин кайфиятларни қамчилаган ягона тил бўлгандир, чунки бундай кайфият ва ҳолатлар рус жамияти ва адабиётини шитоб билан қамраб олаётган эди.

Чуқур ва бўлишиб бўлмайдиган қайғу-бутун Россияга Салтиковнинг вафот этганлиги ҳақидаги хабар ёйилди. Унинг тобути ортидан улкан оломон оқиб, минглаб гулчамбарлар силкиниб-силкиниб боради. Бу гулчамбарлар Россиянинг энг олис гўшаларидан юборилган, ҳаммаси улуғ адибнинг қадри қай даражада бўлганлигини белгилайди, гувоҳлик беради. Унинг ўрни нақадар билинаётганини сездириб ўтди.

Шедрин чиндан ҳам сафдошлари орасида ўзининг алоҳида ўрнига эга. У бир ўзи Россияда жуда кўп учрайдиган ҳолатларни ўзига сингдирди – танқидий фикрларнинг эркин ёлқинлари. Унинг кўплаб асарлари француз тилига ўгирилган бўлса-да, Францияда уни Тургенев, Толстой, Достоевскийлардай кутиб олишмади. Чет элликларнинг ўз ватанида ўта машҳур бу адибга бундай совуққонлик билан қарашлари боисининг, ўйлайманки, иккита асосий сабаби бор. Энг аввало, бу – асарларининг жанри.

Шедрин турли - туман бадий хусусиятларни ўзида ифодалади, жамлади. У ижодини шеър ёзишдан бошлади. Унинг «Жаноб Головлёвлар» романи шуни тасдиқладики, унда, шубҳасиз, катта романчиликка замин бор эди: Тирик ва ўтли тасаввурлар, персонажларни бутунича илғаб олиш, характерлар таҳлилидаги катта аниқлик. Шунинг баробарида Салтиковнинг ҳақиқий жанри- фантастика билан суғорилган Рабле монанд сатира бўлиб қолди. Бу жанр бошқа жанрларга қараганда ўзи туғилиб ўсган тупроққа чуқурроқ боғланган эди. Кўз ёшлар ҳамма жойда ҳам бир хил тўкилади, аммо ҳар бир халқ ўз юзи билан кулади. Шунинг учун ҳам Рабле, аввало, французлар учун жуда тушунарлидир.

Россияда Франция адабиётининг бор гўзаллик ва латофатини ўта нозиклик, ҳайрихоҳлик билан қабул қилишди. Кўп ҳолларда Франция адибининг ўзига хослиги бизда аввалроқ, ёрқинроқ кўринган, тан олинган. Хўш, нима бўпти! Ҳатто Россияда Раблени тўғри тушунадиган одамни топиш қийин кечади.

Шедринни чет элликлар осонлик билан тушуниб ололмаётганлиги-нинг яна бир сабаби – адибнинг тили. Буни унинг ўзи уқтириб ўтганидек, ўзгача, алоҳида «эзоп» тилидир. У бу тилдан фойдаланишга мажбур эди. Шунинг учун лозимки, Шедрин рус цензурасининг темир исканжалари мавжуд даврда ижод қилди. У ёзув столига ўтириб, қўлига қалам олиб, ёзишга киришса, ўша ондаёқ кўз олдига цензуранинг қизил қалами унинг кўлёмалари устидан қандай югураётгани келарди.

Узоқ ҳаётининг тажрибалар Шедринга бу даҳшатли қалам тилидан қандай қилиб сақланишни, ақл билан иш тутиб, ўзини асраш йўллариини ўргатди. Адиб оддий, халқона заҳарханда фожиавий кулгини шу қадар енгил, самимий қориштириб юборардики, шу кулги остидан унинг қайсар фикр, туйғулари қалқиб чиқар, бу фикрларни яширин, пардалаб беришни ҳам уқдаларди. У фикрини очикдан- очик айтмасдан туриб ҳам уни тушуниб олишларига ундарди.

Ёзувчи ҳар қанча эпчил ва уқдабурон бўлмасин, бундай ёзиш услубига китобхон тайёр бўлмаса, бу қаламнинг кучи бўлмайди. Россияда эса сатрлар аро ўқиб олишлари нечоғ ҳайратли! Омма ва севимли адиб ўртасида кўз илғамас, сирлидан – сирли бир-бирини англаш ришталари боғлангандай эди.

Шедриннинг ёзиш услуби энг яхши ҳикояларидан ҳисобланмиш «Оғрикли ер» мисолида кўринади. Бу-ўғли томонидан жазоланган изқувар тарихи. Нима иш қилаётганини деярли тушунмайдиган изқуварни тасаввур қилинг. Камбағал, кўрқоқ, болалигидан бошқалар олдига белини букиб, эгилиб юргувчи, шу муҳтожлик туфайли махфий полиция хизматига кирган изқувар биринчи иш кунидан бошлаб, бошлиқлар буйруғини кўр- кўрона бажаришга маҳкумлигини ҳис этади. Унга изқувар бўлишни буюришди, бу вазифани қаршилиқ кўрсатмай, тиришқоқлик, итоаткорлик билан қабул қилди, бошлиғининг ҳар бир топшириғини бажарди. Аслида, у бешафқат эмас эди, аксинча, юрагининг туб - тубидаги меҳр шу қадар кўп эдики, ундаги назокатдан ҳайратланасиз.

У шуғулланаётган жирканч иш ўзида ҳам ноҳушлиқ уйғотади, кўнглини айнитади. Бироқ у бу ишга, бўйсунушга шундай киришиб кетган эдики, бора – бора бундай кўнгил айнашларни мутлақо ихтиёрсиз ҳаракат қабилида қабул қилар; буни ўзининг заиф томони деб билар, айна пайтда, уларни енгил ва босиб ўтишга бор кучи билан интиларди: «Қодир худо, агар ҳар бир бўйсунувчи бошлиғининг буйруқларини муҳоқама қиладиган бўлса, нималар қилмаймиз, қаерларга бориб келмаймиз!»

Кунларнинг бирида у ўзи қаби қашшоқ, етим, итоаткор ва ҳурқак қизни учратиб қолади. Унга уйланади, ўзларича – бировга ҳеч нарса билдирмай, кўрсатмай, жимгина яшай бошлашди. Фақат уларни ҳамиша бир даҳшатли ҳис таъқиб этарди: аллақандай хавф ва ёвуз куч кутилмаганда кириб келади-ю, уларни парчалаб ташлайди гўё.

Эр - хотин интиқлик билан кўп йиллар фарзанд кутишди. Ниҳоят, ўғил туғилди. Бу бола отанинг борлиғига айланди, уни кўз қорачиғидай асрашга киришди. Шуниси ғалатики, ота боласига боғланиб боргани сайин унда ўз ишига нисбатан нафрат ўсиб борди. Шунга қарамай, у ўз ишини сидқидилдан

адо этибгина қолмай, фаоллашди. Ҳар бир ишни айтилганидан, кутилганидан ҳам зиёда бажарардики, бу ўзини ҳам хайрон қолдирарди. Бир сафар ўта хавфли жиноятчи ортидан тушиб, уни қўлга туширди. Бунинг учун катта пул мукофотига эга бўлди. Аввалдан йиғиб юрган маблағига қўшиб, битта қилиб туғиб қўйди. Бу пайтга келиб, ўз ишига нафрати шу қадар ошдики, мана шу кутилмаганда келган пулдан фойдаланиб, нафақага чиқиб, ўзини бутунлай оиласига бағишламоққа қарор қилди. Ўғли ва хотинини олиб, олис вилоятлардан бирига йўл олди, катта, қуюқ ям – яшил боғ орасидаги кичкина уйда яшай бошлашди.

Бу ерда улар хотиржам, ҳурмат – эҳтиромда эдилар. Ота ёлғиз ўғлига юрагида яшириниб ётган энг азиз туйғулари, меҳрини тутар, унинг ҳаёти билан яшар, бўйига қараб бўйи, кўнглига қараб кўнгли ўсарди. Фарзандини ўйлар экан, қалби ғурур ва баланд орзуларга тўлиб кетар, бундай ҳислар аввал унда туғилмаганини, бўлмаганини, бундай бахт унинг болалиги ва ҳаётига насиб этмаганини билар, қалбан туярди. У ўғлининг ўқимишли инсон бўлиб етишини истарди, йўли хамиша ойдин бўлса, дерди. Ўғли ҳар ким ҳам эзиб ташлаши мумкин бўлган чувалчанг бўлиб қолмаслигини уқтирарди. Зеро, бунинг нималигини у бошидан ўтказган эди.

Баъзан изқуварга оғир ўтмишининг хотиралари қайтиб келар, жирканч, манфур ҳиссиётлардан кўнгли беҳузурланарди. Шунда у бот – бот ўзини – ўзи оқламоқчидай: «Нима учун мен ўзимни айблашим керак? Агар у кўп одамларнинг ўлимига сабабчи - кўр – кўрона ишлатилган қурол айланган бўлса, - айб унга қўйилмайди. Бу одамлар ҳукуматга қарши фитна уюштиришган. Унинг бошлиғи фитначилар ортидан кузатишни буюрган. У фақат ўз ишини бажарди, холос. Уларнинг сирларини очиб, бу ҳақда ҳукуматга хабар бериб турди, бошига тушган ташвишга унинг алоқаси йўқ, буёғи – бошлиқларнинг иши», - дерди.

Аmmo бундай қув ўйлар, мулоҳазалар уни зил - замбил хаёллардан, кўрқинчли хавфдан асраб қололмасди. Бир кун келиб, ўғли барисидан хабардор бўлиб қолишидан кўрқарди.

Кунларнинг бирида у тасодифан эски хизматдошларидан бирини учратиб қолади. Уйига таклиф қилмаса-да, таниши сўраб олгандай меҳмондорчиликка боради. Меҳмон ичиб олгач, ўтмишини эслай бошлайди: «Ёдингдами, отагинам, 1871 йил бизга қандай омад келтирганини? Эсласам, кулгим қистайди. Эҳ, биз уларни шундай тутиб олдикки!...»

Изқуварнинг улғайиб қолган ўғли беғубор кўзларини катта – катта очиб, тинглайди, қарашлари қатъий ва қизиқувчан. Ўзини йўқотиб қўйган ота боласини қандай қилиб турғизиб юборишни ёки бу аҳмоқнинг овозини ўчириб қўйишни билмайди; юраги чидаб бўлмас уят ва даҳшатли умидсизликка тўлиб кетади.

Бироқ бу сафар бола ҳеч нарсани англамади. Лекин йиллар ўтиб, бола балоғатга етди. Онасига тортди йигит– меҳрибон, нозиктаъб ва юввош, анчайин ғамгин ва хаёлпараст, бироқ ўта қобилиятли. У меҳр ва эътибор оғушида эркин ўсди, отасини жуда яхши кўради, илмли бўлмоқчи. Ўн етти ёшга тўлгач, Петербург университетида ўқишни давом эттириш истаги

борлигини отасига айтади. Ўғлининг сўзини синдиrolмаган ота бунга рози бўлишга бўлади-ю, юраги яширин кўрқув, катта хавф бостириб келаётганини сезади.

Чиндан ҳам муқаррар ҳалокат кўп куттирмади – портлади. Отасининг номи Петербургда ҳалиям нафрат ва кўрқинч ичида тилга олинар, уни бутунлай унутишмаган эди. Ёш йигит университетга ўқишга киради, озгина вақт ўтар – ўтмас у собиқ изқуварнинг ўғли эканлиги очилиб қолади; ўртоқлари ичида отаси сотган одамларнинг болалари ҳам ўқирди.

Қиш кунларининг бири. Бечора истеъфодаги изқувар бамайлихотир ўз бурчагида мудраб ўтирар, ўғлининг келажagini орзуларди. Шу пайт ўғли қаршисида пайдо бўлди. Кутилмаганда, ҳеч кимни огоҳлантирмасдан, ҳеч кимга билдирмасдан Петербургдан қайтиб келган ўғилнинг биринчи саволи:

- Эшитганларим ростми, ота?! - бўлди. Нима рўй беришини англаб етиш учун боласининг гарангсиб турган юзига қарашнинг ўзи кифоя эди.

« Мана, - менинг ҳақамим!» - деб ўйлади у ўғлининг титраб турган беғубор туйғулари қаршисида. У ўзини оқлашга ўтди; узоқ йиллар хаёлида, юрагида етилиб турган ўйлари, исботларини баён эта бошлади. У бу азобли лаҳзалар бир куни албатта келишини ҳис этиб яшар, ўзини шунга тайёрлаб яшаётган эди.

Бироқ биронта сўзи ўғлига заррачаям таъсир этмади. Бу ўғлининг юзидан беихтиёр қалқиб чиқаётган енгиб бўлмас нафратдан кўриниб турар эди. Шунда бахтсиз ота сўзлашдан тўхтаб, ўкириб – ўкириб йиғлади. Ўғил отасини ортиқча айблашга журъат этолмади.

Энди ўғил нима қилади, бундан кейин қандай яшайди? Университетга қайтолмаслиги аниқ – дўстларининг ҳақоратларини кўтаролмайди. Улардан бири хат йўллаб, қайтишга ундайди: «Ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади, - деб ёзади у. – Болалар отасининг жиноятлари учун жавоб беришмайди, аммо сеникига ўхшаш отанинг фарзанди бўлиш бахтсизлик келтирса, ундан юз ўгиришади – тамом – вассалом. Ўзинг тушунасан, изқувар отанг билан муносабатларинг яхши бўлиб қолар экан, сенга ўз – ўзидан ҳеч ким ишонмайди. Сен уни тарк этсанг, алоқангни бутунлай узсанг, кучоқ очиб кутиб оламиз».

Ўз отасидан воз кечмоқ! Ахир, унинг отаси шу қадар самимий, меҳрли, садоқатли, энг оғири – айбдор ҳамки, шу туфайли қанчадан - қанча болалар отасиз қолди! Бизнинг қаҳрамонимиз ҳеч қачон бундай қилолмайди. Бошқа томондан қараганда, фикрдош, маслакдош дўстларининг нафрати, совуқ қарашларини бир умрга енгиб ўтолмайди.

Бахтиқаро йигит бу мушкул вазиятдан чиқишнинг ягона йўлини танлайди: ўз юрагига ўзи ўқ отади. Отасига бир неча совуқ видо сўзларини ёзиб қолдиради-да, бу дунёни тарк этади. Собиқ изқувар бутунлай ёлғизланиб қолади. Унинг айби туфайли ўғли қўйган бу қалтис қадам оғриқли ерини ўртаб юборади.

Шедрин бизга ана шундай қайғули воқеанинг саҳифаларини бир – бир очиб берди. Буни бутун Россияга сўзлаб бериш учун озмунча уринмади, озмунча тер тўкмади. У асарини мен айтиб берганимдан бошқачароқ тарзда

баён этишга мажбур эди. Бу йўлда бор имкониятларини ишга солди. Адиб бутун ҳикоя давомида «изқувар» ва «махфий полиция» сўзларини қўлламайди. Бош қаҳрамоннинг иши ҳақида мавхум ва сирли гапиради. Бироқ туб моҳиятини англаб етишда рус китобхони, ҳатто чаласавод одам ҳам адашиб кетиши мумкин эмас. Китобхон ҳикоя изқувар тарихидан олинганлигини тезда билиб олади. Отанинг иши сирли жиноятларга боғланганлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Тасаввур қилинг, бу ҳикоя француз тилига ҳеч қандай изоҳларсиз, бошланғич тушунчаларсиз таржима қилинган. Бундай ҳолатда ўнта имконият биттасига қарши курашади – китобхон ҳеч нарсани тушуниб етолмайди.

Жюль Леметр ўзининг «Театр таассуротлари» да Луи Лежандр томонидан француз сахнаси учун Шекспирнинг «Йўқ жойдан чиққан ғавғо» пьесаси хусусида ҳайратланиб ёзишича, аниқ фикрлайдиган кишилар ҳамиша ўзларини Шекспирга мослаб олишлари тўғри ишдир. Мен-ку, Леметрнинг Шекспирга нисбатан айтган фикри, муносабати билан келишолмайман, лекин ишонаманки, шундай ижодкорлар борки, билсангиз, ундайлар кўплаб топилади, уларнинг фикрлари, айти пайтда, китобхонлар қизиқишлари ҳам чет элликларга Леметр тили билан айтганда, «аниқ фикрлайдиган одамлар томонидан қайта кўриб чиқилмаса ва изоҳлаб берилмаса», етиб бориши мушкул.

Шедрин, шубҳасиз, ана шундай адиблар сирасига киради. Унинг ҳикоялари, сатира ва эртакларини ўқиб, мени ҳаяжонга солганларининг биронтаси француз тилига кўнгилдагидек таржима этилганини кўрмадим, тополмадим. Биронта француз таржимони уни биз каби тушуниб, бутунича юртдошларига етказолса, ўзимни бахтли ҳисоблардим. Негаки, Шедриннинг бунга ҳаққи бор, арзийди. Чунки у умри давомида бу мамлакатга катта эҳтиром кўзи билан қаради, маълум маънода ўзининг маънавий ватани деб билди. Россияга кириб келган француз адабиёти ва ғоялари адибнинг қобилияти юксалиб, сиёсий қарашларининг ўсишига кучли таъсир кўрсатди. Шедрин ўз адабий фаолиятини бошлаган кезлар (1847) барча ёш рус зиёлилари Францияга ҳавас қилишарди.

Бу ҳақда адиб ўзининг «Хорижда» номли мақоласида фикрларини тазарру ёки таржимаи ҳол сифатида баён этади: «Бу пайтда мен эндигина мактаб партасини тарк этган, Белинский мақолалари руҳида тарбияланган эдим. Табиийки, ғарбликларга ёндошдим. Фақат (ўша даврда адабиётда ягона нуфузли ҳисобланган) немис фалсафасига кўра ҳолатларни оммабоплаштириш билан шуғулланган кўп сонли хорижликлар сингари Францияга беихтиёр ёпишиб олган тўғаракларга кириб кетмадим. Яъни, Луи Филипп ва Гизоси бор Францияга эмас, балки Сен – Симон, Каабе, Фурье, Луи Блан, айниқса, Жорж Сандли Францияга интилдим. У томонлардан биз томонларга инсониятга бўлган ишонч қуйилиб келди, ул шуълалардан англадикки, «олтин аср» ортда қолиб кетмаган, аксинча, олдимизда... Бир сўз билан айтганда, барча эзгуликлар, орзу – истаклар, меҳр – муҳаббатли туйғулар – ўшал ёқдан кириб келди.

Россияда, айнан Петербургда ҳам биз мавжуд эдик, холос. Ўша давр ибораси билан айтганда, - «яшардик». Бироқ биз руҳан ва маънан Франция билан бирга эдик... Гизо ва Дюшатель ва Тьер – бизга ҳам душмандай (тўғри, Л.В.Дуббельт ундан –да хавфлироқ) эди. Улар одамларнинг ютуқларидан куйиб кетар, омадсизликларидан қувонардилар. Сайлов ислоҳотлари фойдасига хизмат қилувчи тарғиботлар, бу ўринда Гизонинг баландпарвоз нутқлари, феврал зиёфатлари кеча бўлиб ўтгандай хотирамда жонланади».

Салтиков 1826 йилда бой ер эгаси оиласида туғилди, отасининг бир неча минг деҳқонлари бор эди.

Кўп ҳолларда ўғилларга айнан онадан интеллектуал ва маънавий фазилатлар ўтади – машҳур кишиларга ажойиб оналар насиб этган. Бу борада Салтиковнинг қисмати Тургеневнинг қисматига ўхшаш. Иккаласининг онаси ҳам кучли, иродали, айти пайтда, болаларни қаттиққўллик билан тутувчи оналар сирасига кирган. Болаларни азоблаган, улар юрагида уйғонган аламли хотиралар адиблар асарларига сингиб борган. Тургеневнинг онаси қанчалик талабчан, қаттиққўл, ҳатто хаёлпараст, ҳамма унга бўйсунган бўлмасин, у бебаҳо фазилатларга эга бўлган. Бу аёл аниқликни яхши кўрган, оқсуяклик хислатларини сақлаб қолган.

Салтиковнинг онаси эса «бой хотин», амалиётчи, аммо маънан қашшоқ эди. Бойиб боргани сари тежамкорлиги зикналикка айланиб кетган, бу – оиласи ва деҳқонлари учун оғир ҳаёт яратиб берди. У ҳар қандай қулайлик ва фаровонликни турмуш тарзидан чиқариб ташлади, ҳаётининг мазмуни фақат бойлик йиғиш бўлиб қолди.

Адибнинг болалик ва ўсмирлик йилларида крепостнойлик ҳуқуқи юқори чўққига кўтарилган бўлиб, асарларида бу аянчли тизим хотиралари муҳим ўрин эгаллаганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Тургенев ва бошқа кўплаб ёзувчилар ўз асарларида эзилган деҳқонлар ҳаётини ёрқин бўёқларда кўрсатишган бир даврда Салтиков крепостнойлик ҳуқуқининг олий табақа синфига олиб кирган фожиавий ва таҳқирли таъсирларини кўп ва хўб ёзди. Шу нуқтаи назардан унинг «Жаноб Головлёвлар» асари алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, «Ругон – Маккарлар» романи « бир оиланинг табиий ва ижтимоий тарихи» тагсарлавҳаси остида кўз олдимизда уч авлод ер эгаларининг ахлоқий таназзуллари, ҳалокати, меросхўрлик қонуниятлари, носоғлом куч таъсирлари, кўринишларини чизиб беради.

Бу роман хусусида сўз кетганда, мен унинг Золя асарларига ўхшашлик томонлари ва жиҳатларини четлаб ўтолмайман. Золя асарларининг символизми ҳақида кўп айтилди. Унинг ҳар бир асарида нимадир жонсиз, айти чоғда юнон трагедияларидаги каби маълум маънода асарни тўлдирувчи пишиқ образлар, рамзлар учрайди. Буни «Аббат Муре жинояти»даги - боғ, «Жерминал»даги - мина, «Орзу»даги - собор яққол дадилдир. Айниқса, «нимадир» асар қаҳрамонлари билан шу қадар нозик боғланганки, ҳайратга тушасиз. Яъни, ўша «нимадир» олдиндан қаҳрамонларнинг яшаш тарзи, қочиб бўлмас ва тузатилмас ҳолатларни кўрсатиб беради.

Рус адибида ҳам шундай символизм яшайди. Бу – Головлёво; Головлёвлар оиласининг мероси - кўрғон. У асардаги калтис ва мудҳиш кучга эга. Бу қадимий уй кенг, ҳашаматли, тунд. Унинг қаттиқ - қаттиқ тошлари атрофдаги дехқонларнинг ғариб кулбаларини эзгилаб ташлайди. Айнан шу кўрғон - крепостнойлик тизими ифодаси.

Головлёвлар оиласидаги ҳар бир аъзони ўз домига тортувчи бу кўрғон тавқи лаънатга учраган. Кулларнинг машаққатли меҳнати эвазига Головлёвлар бойлигига бойлик қўшилиб; ерлари кенгайгандан кенгайиб боради. Бироқ буларнинг ҳаммаси нима учун керак? Бу лаънатланган уйнинг тўрт деворлари ичида бир авлоднинг ортидан иккинчиси аянчли тарзда ҳалокатга йўлиқиб, йўқликка йўл олади.

«Ишларимиз жуда яхши! Головлёво ҳаммамизни еб битиради! Ҳеч ким бундан қочиб қутолмайди!» - Бу бахтсиз оиланинг энг сўнгги насли, авлоди Анниньканинг изтиробли хитоблари. У сон – саноксиз боболари, амакилари, қариндошларини санай бошлайди. Улар Головлёвони бир – биридан тортиб олишган, шу ерда умрларининг охири кунларини кечиришган. Кимдир ўз жонига қасд қилиб, кимдир оқ безгакдан, кимдир ақлдан озиб, бу дунёни тарк этишган.

Бу бетакрор роман Салтиков ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг бошқа асарларида мансабдорларнинг ахлоқий, урф – одат жиҳатларига катта урғу берилган. Адибнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқсак, унга руснинг улкан буйруқбозлик, қоғозбозлик машинасидаги энг майда қисм, бўлақларигача жуда таниш.

Шедрин Царскосельское лицейида таҳсил олди. Бундай ўқув юртлари машҳур шахсларнинг хотираси, номи билан узвий боғланган. Инчунун, улуғ Пушкин номи асрагувчи даҳо саналади. Буни ҳар бир тарбияланувчи қалбида ғурур билан ҳис этиб туради, шоир руҳи ва шеърятининг баландлиги ҳар қадамда сезилади. Тарбияланувчилар орасида шеър ёзиб кўрмаганлари жуда кам. Салтиковни ҳам бу ҳолат четлаб ўтмади. Лицейни битирган йили у кичик ҳажмдаги лирик тўпламини босмадан чиқарди. Бу шеърлар лицей даврида ёзилган, оддий, ўртача даражада эди. Муҳими, у тез фурсат ичида лирик шеърят қисмати эмаслигини англаб етди. Онасининг талабига кўра ички ишлар вазирлигида кичик амалдор вазифасида ишлаган пайтларида ҳам унинг адабиётга бўлган иштиёқи сўнмади, аксинча, ўзига хос асарлари дунёга келди.

Шедрин тахаллусини илк бора адиб 1848 йилда чоп этилган «Чалкаш иш» ҳикоясида қўллади ва ундан бир умр айрилмади. Бу тахаллусда улуғ сўз санъаткорининг руҳи сақланиб қолган. Россияда катта шуҳрат қозонган бу ҳикоя кичик амалдорларнинг қайғули тақдирини баён этади. У айни матбуотга темир чеклашлар ўрнатилган пайтда майдонга чиқди.

« Францияда ҳаракатлар бошланиши билан , - деб хотирлайди Салтиков, - бизда ҳам силжишлар кўзга ташланди: рус адабиётидаги хавфли, зарарли деб ҳисобланган жиҳатларни кўриб чиқиш мақсадида махфий қўмита таъсис этилди». Қўмита «Чалкаш иш»нинг муаллифини тезда илғаб олди. Оқибатда, адиб Вяткага сургун қилинди. Бу шаҳар Сибир чегарасида жойлашган. Шу

ерда уни адабий муваффақиятлар кутиб турарди. Орадан етти йил ўтиб, - 1855 йил Николай вафотидан сўнг Александр 11 нинг тахтни эгаллаши Шедринни Петербурга қайтиб келишига имкон яратди.

У ғазабга учраган бўлса-да, Вяткада ҳам кичик амалдор вазифасида ишлади. Узоқ вилоятдаги бу мажбурий хизмат ёқимли бўлмаса-да, ўз изини қолдирди. Адиб барча даҳшатларни очик кўз билан, юзма – юз кўрди. Буйрукбозлик ва қоғозбозлик тизимининг шафқатсизлигини юрагидан, бошидан ўтказди.. Булар вилоятларда бутунлай яланғоч, рўй – рост кўриниб турар, энг аянчлиси – Петербургдагилар ҳар қандай қулайлик ва фаровонлик вилоятлар учун шарт эмас деб ҳисоблашар, бу масалага шу тахлит ёндашар эдилар.

Пойтахтга қайтгач, Салтиков қизгин ижодга шўнғиб кетди. «Губерна очерклари» номли асарини нашр эттирди. Бу асар уни биринчи рақамли рус адиблари сафига кўшди.

Шедриннинг сатирик асарлари орасида «Бир шаҳар тарихи» бетартиб, шовқинли рус империяси қиёфасини яққол очиб беролган асардир. Шубҳасиз, бу асар бугунги ва келгуси авлодларда ҳам қизиқиш уйғотади. Асар қаҳрамонлари китобхонга сатирик илҳом бахш этади, бу илҳом энгилмас кучдир. Бунда адибнинг барча ишоралари тушунарли ва кадрлидир.

Унинг бошқа асарларига нисбатан бундай деб бўлмайди. Салтиковнинг деярли ҳар бир сатрига шунча йиллар ўтиб ҳам ҳатто Россияда изоҳ талаб этилади. Шу боисдан унинг машҳурлиги азият чекмоқда. Образлардаги ўзгарувчан бошқарув сатирик адибнинг фикрларига санчилиб туради.

Бироқ унинг номи ҳаммавақт Россия билган нафақат улуғ памфлетчи, балки фуқаро сифатида ҳам яшаб қолади. Бу шундай фуқароки, қалами билан, сўзи билан эркин фикрни бўғувчи ситамгарларга шафқат қилмаган, тинчлик бермаган.

Шедрин ўз даврини ҳис этиб, унга ҳамиша ҳамқадам умр кечирди. Герцен топиб айтганидек:«Кимки ўз даври руҳи билан нафас олган бўлса, билингики, у барча даврлар учун ҳам яшаган».

1889, июн, Париж.

ЎТМИШНИНГ ҲАҚҚОНИЙ ҚИССАЛАРИ

Ўтмиш ҳеч қачон тугамайди...
Уни тушунишга уринмоқ -
демакки, унга туртки бермоқдир.

Жонотон Литтелл
(«Фурий»)

Ҳар йили кузда Францияда адабий муҳитнинг диққатга сазовор қизгин интеллект жараёнларидан бири – «Йилнинг энг яхши китоби» ва унинг муаллифларини аниқлаш, муносиб тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ҳаяжонли: босқичларни босиб ўтган

ёзувчилардан қайси бири энг олий мукофотлар саналмиш Франция академияси «Гран при», «Фемина», «Ренодо» «Медичи» «Интералье», «Декабрь» ва ака-ука Гонкурлар академияси ғолибларига айланишини кузатиш жуда қизиқарли кечади.

Биз икки йил аввал ана шундай нуфузли мукофотларга сазовор бўлган икки китоб ва уларнинг муаллифлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Улардан бири - Жонотон Литтелл, иккинчиси – Нанси Юстондир.

Жонотон Литтеллнинг «Фурий» романини бир йўла икки мукофот –Франция академияси «Гран при»си ва Гонкурларга муносиб деб топишди..Айнан шу «Фурий», унинг номи унчалик машхур бўлмаган муаллифи атрофидаги баҳс – мунозаралар ҳамон давом этмоқда .Бундай мунозаралар мукофотга лойиқ деб топилган китобларни умумадабиёт кадриятлари фонида кўриб чиқилишини тақоза етади.Бу нафақат Франция, балки бутун Европа миқёсидаги етук адибларнинг энг яхши асарлари XX асрда рўй берган инкилоблар,жаҳон урушлари,мустамлакачилик зиддиятлари, тоталитаризм,фашизм ҳалокатларини қамраб олгани билан ҳам характерлидир.

Бугунги кун эҳтиёжи кўра, биздан узоқлашиб бораётган ўтмишни чуқур билмай туриб,ҳозирги вақтни ўлчаб бўлмайди.Шу маънода, бу китоблар моҳияти XX аср тарихини қамраб олганлиги тасодиф эмас.

Жонотон Литтеллнинг «Фурий» ва Нанси Юстоннинг «Ўпирилиш чизиғи» романларининг ғояси ва мазмун – моҳияти нафақат замонавий Европа жамияти, балки бугунги кун китобхони ва танқидшуносларининг қизиқишлари билан ҳам уйғунлашиб кетади.

1953 йил Францияда Робер Мерлнинг «Ўлим ҳунарлари» (рус тилига 1963 йилда таржима қилинган) романи нашр этилди.Романга асос қилиб,бош қаҳромон Рудольф Хёсс - Освенцим қамоқхонаси комендантининг кундалик дафтарлари олинган. Холокост ёки Шоанининг реаллиги биринчи шахс тилидан тасдиқланиб, бундай сўзлаш имконияти жаллодга – инсоният жиноятчисига берилган. СС зобити дунёга келтирган Дўзах китобхон ақлини даҳшатга солади. Салбий таъсирларнинг кучли нуқталарини бадийлаштириш машхур француз адиби Жон Керол томонидан ўз вақтида маълум формулага солинган ва унинг тили билан айтилганда, «романда шакли йўқ маҳлуқни қамраб олишга уриниш асоссиз ва у бутун борлиғи, қони билан жонзот сифатида кўриниши, баён етилиши мумкин эмас».

Орадан ярим аср вақт ўтди..Эллик ёшни қоралаб қолган Жонотон Литтелл - келиб чиқиши литвалик яхудий бўлган америкалик. У Испанияда яшайди,Бельгияликка уйланган ва француз тилида ижод қилади. Айнан у яна сўзни ССчи мартабали офицер Максимилианн Оега берди.Ое ўйлаб топилган персонаж, ўз мемуарларида (90 бетли)-1930

-1945 йиллар воқеаларни ҳикоя қилади. У Шарқий фронтдаги хавфсизлик хизмати бўлимида ишлаган, бевосита Генрих Гиммлерга бўйсунган. ССчиларнинг айзатцгрунт операцияларида шахсан иштирок этган ва гувоҳи бўлган. Маълумки, бу операциялар «босиб олинган ҳудудлардаги яҳудийлар ва асосан, сиёсий комиссарларни мусодара қилиш»га қаратилган. Макс Ое маълум шахс ва уларнинг манзилларини аниқлаб, улардан «душманлик элемент»ларини топади ва ҳисобот тайёрлайди, рапортлар ёзади, юридик ҳужжатларини тўлдиради, бир сўз билан айтганда, жаллоднинг қора ишлари билан шуғулланиш – унинг зиммасида. Макс Ое немис армияси билан биргаликда Шарққа қараб юради – Россия жануби ва Кавказда немис армиясининг кундалик ҳарбий ҳаётини кузатиб, ёритиб боради. Худди шу воқеалар китобхонни даҳшатга солади. У буларни ҳис-туйғусиз, бир четдан туриб тасвирлайди. Литтеллнинг бу китоби Мерлнинг романидан фарқли равишда бугунги кун китобхони томонидан «ахлоқий жиноят» сифатида қаралиши, қабул қилинишига қарамай, Франция ва бошқа мамлакатларда энг юқори деб баҳоланмоқда.

«Фурий» – умуман олганда, ажойиб ҳужжатли роман, айна пайтда, тарихий ҳақиқатларни ичига сингдирган асар. Фалсафий моҳиятга кўра, у Гроссманнинг «Ҳаёт ва тақдир», Эсхилнинг (номлар, исмларнинг бир-бирига яқин ва уйғунлиги қанчалик ғалати туюлмасин!) «Орестейи» билан тенглашади. Эсхилнинг «Евменида»сида фурийлар (ёки эриниллар) шафқатсиз маъбудалар сифатида кўринади.

Хўш, нималар ёки кимлар томонидан ва нима учун Макс Ое таъқиб қилинади, ундан қасос олинади? У бошида эътибордан четдаги фабрика директори бўлса, бу фабрикада оддий тўрлар ишлаб чиқилса, нима уни даҳшатга тўла ҳаёти ва тақдирини қоғозга туширишга мажбурлади? Романнинг моҳиятини очиб берувчи калит сўзбошида берилган бўлиб, Макс Ое уни мемуарларига улайди. Энди у – ҳуқуқ фанлари доктори, Платон ихлосманди, классик мусиқа шайдоси, бир умр фалсафа ва адабиётни ўрганиш орзусида яшаган қалб тарихий жараёнлар ва воқеалар оқимига тушиб қолади, нацистлар армияси зобитига айланади, оқибатда, фожеавий воқеликлар гирдобига тушади.

Умуман олганда, Макс Ое миллионлаб оддий одамлардан сира фарқ қилмайди. Муаллиф фикрича, бугунги кун одамларига ҳам яқин келади (бу фикр – ўйлар Литтеллнинг бутун романи бўйлаб, ичидан сизиб ўтади). Макс Ое «урушдан бор-йўғи шилиниб, бўғзигача алам ва изтиробларга тўлиб, тишлари зиркираб оғриб» чиқишига қарамай, ўзини оқламайди. «Мен айбдорман, – деб ёзади у, – сиз эмас. Фақат сиз ҳеч бўлмаганда, тан олишингиз керакки, мен ҳам сиз нима қилган бўлсангиз, шуни қилдим. Агар менинг фикрларимга қўшилмас экансиз, унда Сиз ўта такаббур ва ўзига бино қўйган одамсиз.» Худди шу – асосий хавфни тўлдиради, худди шу ерда асосий хавф оқади. «Агар

Сиз , - деб давом этади у , - ҳеч ким сизнинг хотинингиз ва болаларингизни ўлдирмаган, айти пайтда, бошқаларнинг хотини ва болаларини ўлдиришга мажбурламайдиган давр ва мамлакатда туғилган, унда яшаётган бўлсангиз, - омадлисиз».

Жонотон Литтелл Максимилиан Ое образини яратар, унда ўз фикрини очиқ баён этишга имконият берар экан, айти пайтда , ҳукмрон катаклизмда, урушлар ва инқилоблар оқидамида инсон нафақат яшаш ҳуқуқи, балки умумбашарий кадриятлар асосида тан олинган жамиятда ўлдирмаслик ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлиши мумкинлигини ўқувчига эслатиб ўтади. Бу ҳақда XX аср иккинчи ярмида ижод қилган кўплаб файласуфлар, жумладан, Теодор Адорно ва Ханно Арндтлар фикрларини билдиришган. - Шоа «Ғарб маданиятининг бурилиш нуқтаси сифатида анъана ва меъёрий кадриятлари билан биргаликда бошимизга тўкилиб тушди» (Ханна Арндт). Освенцимдан сўнг «реал ҳодисалардан ўзини оқламоқчи бўлган ҳар қандай сабаблар юзакидир, иккиюзламачилиқдир, айниқса, марҳумлар хотирасини ҳақоратлашдир.» (Теодор Адорно). Хулоса шуки, инсон табиатидаги қабихлик абадий ва хилма-хилдир. Максимилиан Оенинг таъкидлашича, «биз энг ёмон дунёларнинг бирида яшайпмиз». Бу дунёда тоталитар, фашистик ва коммунистик давлатга қарши туриш – бефойда, негаки, «ҳар қандай давлат –бу, ўзининг шахсий ҳаёти ва кундалик турмуш ташвишлари билан машғул оддий одамлардир».

Улардан айримлари - жаллодларга, бошқалари - қурбонларга айланади, аммо кўп ҳолларда, улар бу ҳолатни ўзлари танлаб ололмайдилар ёки «давлат бюрократ машинаси шундай қурилганки, ундаги кум зарралари шундай кўпки, у одамларни худди кум зарраларидек у ёқдан- бу ёққа сочиб юборади. Демак, ўша мудҳиш даврларда рўй берган ижтимоий фавқулодда ҳодисаларида «педофиллар ва руҳий носоғлом одамлар эмас, оддий нейтрал одамлар» кўрқинчлидирлар.. «Инсоният учун хавфлиси худди шундай – мен ва сизга ўхшаган одамларнинг борлигидир», - деб ёзади сўзбошининг охирида Максимилиан Ое. У - оддий, ҳуқуқшунос, нацист, қабоҳатга борувчан, ҳатто ўз яқинларига ҳам ола кўз билан қаровчи нафси бузуқ одам, Гиммлернинг «минглаб омадсиз одамлар ҳаётини ер юзидан супуриб ташлаган экспериментлари»нинг амалиётчисига айланади.. Давлат учун қурбонлар зарур эди ва буни амалга оширишда керак бўладиган газ комераларини яратувчилар талаб этиларди.. Бу ҳолатда ё ҳеч кимнинг айби йўқ , ҳамма айбдор ҳисобланади.

Айнан нацистлар давлатининг бадбашара бюрократияси ҳақида сўз кетганда, ҳар бир одамнинг нафрати кундалик ишга айланиб боради, деб фикрлайди Жонотон Литтелл романининг ҳар куни ўзининг профессионал вазифаларини бажарувчилари.. У феномонга шундай ранг берадики, буни ўтган асрнинг 70 - йилларида Ханна Арндт «нафрат, қаҳр -

ғазабнинг сийқаси чиққан кўриниши, деб ифодалаган эди. Стендал, Флобер, Жене, Бланжо, Батай ва Арент билан изма-из (Литтеллнинг ўзи интервьюлардан бирида айнан шу занжирни келтиради) адиб ҳам инсоният табиати ва унда ин қурган энг ёмон, ашаддий қусурларни кўрсатиб ўтади. У кўз олдингизда улкан бюрократ машинасини гавдалантиради, унинг ҳар бир деталини бирма-бир изоҳлайди. Клод Лазмоннинг «Шоа» номли машҳур ҳужжатли фильмидан қаттиқ таъсирланган Литтелл шуни тан олиб айтадики, Иккинчи жаҳон урушининг геноциди идеал бюрократ ташкилотнинг боласи эди, унинг иш фаолиятидаги ваҳший самарадорликдан барча - барча мутлоқ таъминланади. Ҳамма унинг ходимлари эди. Ёзувчи бу тизимнинг ички механизмини очиб беради. Максимилян Ое романга хотирасидаги унвонлар таркиби, рағбатлантириш жадваллари, жойлар кўрсаткичлари, номлар қисқартмаларини киритади..

Уруш—бу бюрократия, деб, таъкидлайди Жонотон Лииттелл. Урушни амалдорлар олиб боради, улар уруш қоидаларини яхши билишади ва кўрсатмаларни бажаришни удалашади. «Фурий»ни ўқиш давомида ўқ-увчида шундай ҳис туғиладики, назаримизда, биз Кафка қасрига кириб қоламиз—да, қасрдагилар кундан-кун қандай қилиб ташқи дунёга қарши уруш ҳаракатларини тайёрлашаётганини кузатамиз, ушбу воқеаларнинг гувоҳига айланамиз.

Максимилиан Ое ўз ўтмишини эслайди. Жонотон Литтелл унинг фикр- ўйларига тобора чуқурроқ кириб бораётган қаҳр- ғазаб, нафратни кўрсатади. У бизнинг кўз ўнгимизда турмушнинг қоронғу томонларини очиб беради ва унинг туб-тубига бориб етади, ҳар томонлама айлантириб кўрсатади. Мақсад романда яшаётган тирик одамларни бошқариб турган қонунлар моҳиятини очиш, реал воқеалар рўй бераётганини айтишдир. Қаршимизда ҳужжатли реаллик пайдо бўлади: очиқ маълумотлар, рақамлар, иқтисодий кўрсаткичлар, тарихий шахслар, уларнинг номлари - қисқаси, бу маълумотларни тўплаш ва ўрганишга муаллиф икки йил вақтини сарфлади. У Европадаги турли архивлар устида ишлади, жанг бўлган жойларга борди. Жонотон Литтелл Лозд, Харьков, Киев, Пятигорск, Волгаградда бўлди, Болқон, Африка, Яқин Шарқни кезиб чиқди. Бу ҳужжатли романни ёзишдан мақсад — танганинг иккинчи томонини ҳам кўриш, кўрсатиш, энг сўнгги йўл - қандай қилиб ўзини ўзи йўқ қилишгача боргани ҳақида фикрлаш, яъни реаллик ва сийқаси чиққан қабоҳатнинг тубанликка яқин бораётганини ҳис этиш эди. Максимилиан Ое тубанликка - гирдобга қайрилиб қаради. У XX аср фалсафаси «қабоҳат жозибаси» деб атаган қарашга, ҳолатга қарши турулмади. Худди шу уни гирдобга тортиб бораверди.

«Мен ўлдирдим, чунки бу нарса менда, менинг эгоизмимда қандай таассурот уйғотиши қизиқ туюлди». Унинг юраги изтироб чекишни билармикин, йўқми - шуни тушуниш учун мемуарлар ёзади. Унинг шахсий ҳаёти ҳам қабоҳатга тўлиб боради, қўли

етгунча чегараларни кенгайтириш йўлида ўз устида ва бошқалар устидан ўзи тажриба ўтказди. Улар ҳам - у каби умумий жараёнга жалб этилганлар ва қулай ўрнашиб олганлар. Литтеллинг қаҳрамони унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам бошқача иш қилолмаслигига қаттиқ ишонади, айти пайтда, фурий тарихи уни бир дақиқа ҳам тинч қўймайди. Бу вазият китобхонни ҳам қўйиб юбормайди, бошқача қилиб айтганда, китобхонга қабоҳатга тўла оламда яшаётган бизлар ҳам «озгина бўлса-да, жаллодмиз», дейди қаҳрамон. Максимилиан Ое ўз кундаликларида уни ортга тортиб кетаётган ўтмишининг қора дарёларини тасвирлайди. Бу қора дарёлар қаҳрамонни орқага итқитиб ташласа-да, ҳақиқий ҳаётга бегоналаштириб борса-да, айнан шулар хотираларни сақлаб қолади, шунинг учун ҳам у хотиралари билан яшайди.

Чоракам асрдан буён Парижда яшаб келаётган канадалик адиба Нанси Юстоннинг «Ўпирилиш чизиғи» романида ҳам ўтмишнинг қора дарёлари замонавий тўқ немис миллатига мансуб яхудий оиласининг ичидан оқиб ўтади. Бу оила Германиядаги Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш хотиралари билан яшайди, бу хотиралар оиласида рўй берган ўпирилишлар, жарликларни тўлдиришга кўмаклашади.

Нанси Юстон ярим асрлик жаҳон тарихини бош қаҳрамонларинининг тўртта эпизодига моҳирлик билан сингдиради. Уларда тўртта авлод ҳаёти жамланган. Соломон, унинг отаси Рэндала, бувиси Сади ва катта бувиси Кристина (Эрра). Романда тўртта очкич йўллар келтирилган: - 2004, 1982, 1962 ва 1944. Тўртта қаҳрамон навбатма - навбат ҳикоя қилишади, ҳар бирининг ҳикояси олти йилни ўз ичига қамраб олади. Муаллиф ўз асарига болаларнинг жарангдор овозларини олиб киради, ишонадики, уларнинг беғубор ва самимий кулгуси катталар хотирасида чуқур из солган қабоҳатнинг қанчалик разил эканини бўрттириб кўрсатади. Инсоний фожеаларнинг туб моҳияти кўп ҳолларда, болалик армонлари, изтироблари билан қоришиб кетган чуқур, ҳеч кимга айтиб бўлмас сирларга бориб тақалади. «Ҳар бир одамда азоб чеккан бола яшайди» - деб ёзади «Ўпирилиш чизиғи» да Нанси Юстон. Романда тўртта қисмга сочилиб ётган сирларни бутунлаштириш учун муаллиф бизни сўнгги эпизодлар - 2004 йилнинг ўртасига олиб боради. Аслида олганда, 1944 - 2004 йиллар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Мюнхенга - Соломоннинг катта бувисини опаси Греттанинг уйига кўчиб келган оиланинг кичкинтойи Соломон олти ёшда, бедаво дарддан азоб чекади, Интернетдаги зўравонлик ва беҳаё томошаларни кўришга берилиб, чиқиб кетолмайди. Бола қия очик эшикдан икки кекса аёл - Гретта ва Кристина бахмал қўйлаклари ситилиб кетган қўғирчоқ устида жанжаллашаётганларини кўриб қолади. Жанжалнинг даҳшатли моҳияти романдаги воқеалар ҳаракатини орқага суради, оиладаги туб фожеанинг илдизларига олиб боради.

Нанси Юстон кичкина Крестинани нацистлар томонидан ишлаб чиқилган «Лесенборн» (немис тилида «Хаёт манбаи» маъносини англатади) разил дастурининг гувоҳи ва қурбонига айлантиради. Бу дастур Гиммлер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, селекцион қон танлаш орқали немис халқини олий ҳукмрон халққа айлантириш кўзда тутилади. Немис аёлларининг вазифаси тўлақонли ирқ болаларни туғиш ва уларни катъий интизомга риоя қиладиган арийлар анъанасида тарбиялаш эди.

1936 йилда Мюнхеннинг чекка жойида биринчи «Лесенборн» очилди, у ерда рейхнинг катта офицерлари арий қонига мансуб болаларни дунёга келтириши учун немис аёлларига шароит яратилди.

1939 йилда немислар томонидан босиб олинган ҳудудлардан навбатдаги ўта махфий дастур асосида «ирққа мос келадиган» болалар зўрлик билан Германияга келтирилиб, немис оилаларига тарбияланишлари учун берилди. Шарқий Европа ҳудудларидан нацистлар мовий кўзли ва тилласоч болаларни ўғирлаб, немис оилаларига тарбиялай бошладилар. Уруш охирига бориб бундай болаларнинг сони 250 мингтадан ошди. Улар орасида ~арбий Украинадан олиб келинган кичкина Кристина немис оиласига берилди, унга шу оилани ўзининг ота-онаси, қариндош - қондошлари деб билиши зарурлиги ўргатилди. Унинг катта акаси ва Гретта исмли опаси бор. Бир куни опа –сингиллар бахмал кўйлакли кўғирчоқ устида талашиб қолишади. Шунда Гретта барча тақиқларни бузиб, яширин сир пардасини очади ва келгинди сингисининг келиб чиқиш тарихини айтиб беради. Бироқ ҳамма ҳақиқатни унинг янги акаси Иоганн - оиланинг урушда ҳалок бўлган катта ўғли ўрнига Польшадан олиб келинган ўн яшар Янек айтади. Ўзининг кимлиги ва қаердан келганини билмай, билолмай, гарансиб қолган қизча тарих тутқунига айланади, энди унда танлаш эмас, фақат яшаш ҳуқуқи қолган эди, холос.

Нанси Юстон ҳам Жонотон Литтелл сингари минглаб тақдирларни ўз ичига олган қизчанинг ўйлаб топилган тақдири, ҳаётини тўлиқ ҳолда жаҳон тарихига сингдириб юборади. «Ўпирилиш чизиғи»да болалар ёлғизликда улғайишади. Нанси Юстон қахрамонлари учун «улғаймоқ - демак, биз жаннатда эмасмиз, биз қабоҳат ва разолат ичида яшашга маҳкуммиз», деган маънони англатади. Бу фикрлар Жонотон Литтеллнинг «Фурий» романидаги фикрлар билан тўкнашиб, бир-бирига яқинлашиб боради. Нанси Юстон фикрича, «хаёт - абадий эмас, ўлим - ҳақ, айбсизлик эса –шубҳали»дир. «Ўпирилиш чизиғи»нинг тўртта бош қахрамонлари шундай туйғулар билан яшайди. Бу туйғу уларни бирлаштиради, боғлайди, авлоддан авлодга ўтувчи наслий хол каби кўчиб юради. Крестинанинг қизи Сади - иудейка, у умр бўйи оиласининг келиб чиқиш илдизларини излайди. Кристина ўз вақтида машҳур кўшиқчи бўлган, ўзига саҳнабоб Эрра исмини ҳам танлаган. У ҳамиша жим ўтиради. Сирларини ҳеч кимга очмайди. Кунлардан бир куни

уни Америкада Янек топиб олади. Урушдан сўнг ўғирланган болаларнинг ўн беш фоизигина ўз юртларига қайтарилди, қолганлари эса ғолиб мамлакатларга тарбияланиш учун юборилди. Сади онасининг кўлида хол борлиги, у Канадага юборилганини, улғайгач, Америкага келиб қолганини аниқлайди.

Нанси Юстон «совуқ уруш» пайтида Америкадаги қаҳромонларини Хитойга жўнатади. Бу ерда улар маҳаллий архив ҳужжатлари ичидан ўз оилаларига оид маълумотлар қидиришади. 2004 йилда Мюнхенда, орадан олтмиш йил ўтиб, Кристина ва Гретта учрашишади. Олтмиш йиллик сукут ва ўтмишдан қочиб юриш, ўша ўтмишда кўзлари юмуқ бахмал кўғирчоқнинг қараб туриши - бари-бари учрашади уларнинг туйғуларида. Улар яна болаликдагидай шу кўғирчоқ устида талашади. Аслида олганда, улар ўтмиш устидан, уларни боғлаб ташлаган бегона тақдир ўйинлари устидан аламзадалик билан тортишадилар. Улар тарихий ўпирилишнинг турли тарафлардан келишса-да, уларни умумий ўтмиш боғлайди ва яна айириб ташлайди. Бу ҳам етмагандай, Гретта уйидаги тўртта қондош қаҳромонлар бирдан ўзларини бир-бирига бегонадай сеза бошлайди. Буни ҳатто энг кичик Соломон ҳам пайқайди: «Биз бу ерга келиб, катта хатога йўл қўйганга ўхшаймиз», - дейди у. Давра жим бўлиб қолади, иплар узиб ташланади. Соломон, Рэндала, Сади ва Кристиналар ўтмиш улар билан бир умр яшашга маҳкум эканликлари, улардан айирилолмасликларини англаб етишади. Уни хол каби олиб ташлаш мумкин эмас. Хол билан ҳам ишлар енгил кўчмайди: Соломондаги наслий нишон - холни олиб ташлашга уринишса-да, жойи барибир чандиқ бўлиб қолаверади.

Иккинчи жаҳон уруши, мустамлакачилик урушлари, Фаластин - Исроил зиддиятлари, «совуқ уруш», Ироқдаги уруш - буларнинг ҳаммаси кўчирилмас хол сингари «Фурий» ва «Ўпирилиш чизиғи» да иштирок этади. Бу чандиқ ва ўпирилишлар қабоҳат тарихини яна бузмасдан такрорлайди, кўрсатади. Бугунги кунда ҳам ҳаётимизга қай йўсинда кириб кириб келаётгани, ўсиб бораётганидан огоҳлантириб, бизни хушёр тортиради. Улар ҳақида Жонотон Литтелл ва Нанси Юстон ўз асарларида фикрлайдилар, ўйлайдилар. Уларнинг таъбирича, ўтмиш ҳақидаги ҳаққоний киссалар бундан кейин ҳам яшашимиз учун жуда зарур.

БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА

ОЙГУЛ СУЮНДИҚОВА

БИТИКЛАРИМ

«Битикларим» - таниқли шоира ва таржимон Ойгул Суюдиқованинг бадиалари, публицистик мақолалари жамламасининг маълум бир қисмидир. Ойгул Суюндиқова қатор йиллар давомида турли етакчи даврий нашрларда фаолият кўрсатди. Юртимизнинг ажойиб инсонлари, меҳнаткаш ва дилбар аёллари билан учршади, суҳбатлашди. Кўрганлари, билганлари, юрагидан ўтказганларини қаламга олди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур китобда шоиранинг ўйлари, орзу – умидлари билан ошно бўласиз, қахрамонлари билан дилдан суҳбатлашасиз.

БИТИКЛАРИМ

Сароймулкхонимга бағишлайман

БИРИНЧИ МАКТУБ

Бибим! Дуойи саломдир сўзимнинг боши. Сиз билан суҳбатлашмоқчиман - асрларни мактублар ила боғламоқчиман. Ҳузурингизга пиёда бормоқчиман. Бунинг учун бутун умрим етишига ишонмайман-у, лекин қалбимда нурафшон хислар бор. Уларга ишонгим келади.

Сўлимлашди тунги Самарқанд,
Чироқларнинг тиниқ ёғдуси.
Минорларнинг ўйлари баланд,
Юлдузларнинг келмас уйкуси.

Юзларингга урилар нафис
Ёзнинг салқин, хушбўй шамоли,
Ой шаҳардан узолмайди кўз,
Кўзларимда - юлдуз хаёли...

ИККИНЧИ МАКТУБ

Мен тунни яратдим туйғуларимда. Ой каби армонли, ой каби маънос улар. Бибим, бизнинг асримиз учқур. ~изиллаб елаётган беҳисоб машиналар, метролар аро кечаётган кунларимда тушларимга карвонсаройларни, олис-олис саҳроларда туялар бўйнида янграган кўнғироқлар товушини, ҳорғин нигоҳларни эслайман.

Самарқанд – тун ардоғида,
Юлдузлар намоиши.
Қадим пойтахт кучоғида
Кезар шовқиннинг туши.

Самарқанднинг кўчалари
Қадим-қадим ва ўлмас.
Таралади кечалари
Минор, гумбазлардан сас.

Мисли қадам ташлайди
Олис йўлларнинг ёди.
Мушоира бошлайди
Регистон хаёлоти

...

УЧИНЧИ МАКТУБ

Йиллар биздан қанчалик узоқлаша борса, хотиралар шунчалик тиниқлашади. Қўлимга анчадан бери ўқилмаган бир китоб тушиб қолди. Ёлғизлик китоби – жавобсиз мактублар.

... Мен кўчаларни бир ўзим кезаман, сойларни бир ўзим кечаман, осмонга бир ўзим тикиламан ва товушсиз йиғламай туролмайман. Мени на япроқлар шивири, на сойлар куйи, на шаҳар шовқини, на қишлоқ сокинлиги овута олади – ёлғизман. Ёлғизлик туннинг тугашида туғилган тушдир. Нечундир мангуга йўқолган ненингдир орқасидан бўзлаб

чопаётган ҳисларим бўғизимга тикилади, кўзларимда ёшг айланади. Бибим, нега энди инсон ғамсиз яшолмайди-...

Келдим, қошигизга бошимни олиб,
Кетишга йўл тополмасман, бибижон.
Келдим, дардларимни ёшимга солиб,
Тинглашга дил тополмасман, бибижон.

Келдим, рангларимни қайта топай деб,
Боғ аро гул тополмассам, бибижон.
Келдим, ғам булоғин кўзин ёпай деб,
Меҳрибон қўл тополмасман, бибижон.

Келдим, келар йўлим тикон бўлса ҳам,
Сочимдан то товон қадар қонмикан...
Келдим, айтар сўзим армон бўлса ҳам,
Сўзим – кипригимда қалққан жонмикан...

Келдим, қадам етмас ғорлар қайдадир,
Мендай ишқ гадосин шу ғордан топинг.
Келдим, мени кутган зорлар қайдадир,
Юрагим қабрини ишқ ила ёпинг...

Келдим, бир келмоқ бор экан манглайда,
Яшамоқ – захматдан чарчаш билмадим.
Келдим, кетмоқ сўзи қотди танглайда,
Курашмай майдондан чиқиб билмадим.

Келдим, руҳингиздан руҳ олмоқ учун
Мозий хаёлига бойланайин деб.
Келдим, ўлимдан ҳам воз кечиб бу тун
Сиз билан эртакка айланайин деб.

ТЎРТИНЧИ МАКТУБ

Ҳаёт эса кимлар билан учраштирамайди, бибим. Шундоққина ёнгинангизда – мадрасангизга эндош кема каби қалқиб турган бозор Сизни ҳам ҳайратга солмайдими... Самарқанд осмони эса тиниқ. Унда баҳор кезмоқда. Сотувчи аёл, ўғли ёнида. Бола кўзларини мадрасангизнинг энг баланд жойига ин қўйиб, полапонларини тўйдираётган қалдирғочлардан, уларнинг қуёш нурида ярқираб кетаётган қанотларидан узолмайди...

Бодомнинг оқ гуллари енгил
Силкинади ёмғирда, елда.
Баҳор назми – дилбар ҳаёлим,
Юлдуз куйлар самовий тилда.
Туннинг бағри беҳад туйғули,
Ранглар қўшар ҳайратларимга.
Бир лаҳза бўлса-да, кенгайди олам,
Дилда жой қолмади ҳасратларимга...

БЕШИНЧИ МАКТУБ

Мен Сизни худди ёнимдагидай ҳис қиляпман. Гўё шу деворлар тилга киради-ю, келганингизни айтишади. Ҳайратларим туфайли ёлғизланмай яшаётган жаҳон харитасига энди иккаламиз тикила бошлаймиз. Наҳотки еримиз шунчалик кичик, дейсиз. Тўхтанг, Сизда ҳам шундай ҳис бўлганми: дунёнинг бир четида ёки шундоқ ёнгинангизда оловли жанглар туфайли бева бўлиб қолган аёлнинг, ўғлидан айрилган муштипар онанинг ҳам борлигини ногоҳон эслаганмисиз?!

Тўғри, замон-бу замон. Лекин инсон-чи... Мен ҳозир Сиз билан суҳбатлаётган шу ойдин тунларда номлари кичик ёки катта ҳарфлар билан ёзилган қайсидир ерларда тўкилаётган қонлар, бева аёллар, ғамгин оналар, отасиз гўдаклар суратини чизаяпман тассавурумда, шууримда. Улар изтиробнинг рангларига ўхшайди...

Олис мозийларнинг қатидаги нур –
Дунёнинг сирлари мўлми, бибижон?
Ишқ майдони аро бўзлатса тақдир,
Дунёнинг киприги ҳўлми, бибижон!

Бибим, тушингизга кирганми дарё
Тўлдириб оққанда одам қоинини?
Қай рангда товланиб кетган бу дунё
Худо сақлаганда Темур жонини!...

Мен-ку, изтиробнинг ранглари билан
Қалбингизни анлаб етмоқ истардим.
Майлига, туш бўлсин, Сиз билан олис,
Жуда олисларга кетмоқ истадим.
Мадад беринг, бибим, йўллар энг бахтли
Йиллар қанотида армондан қайтсин.
Мадад беринг бибим, ишқнинг номидан
Руҳимда ёришган шеър тонгда отсин!

ОЛТИНЧИ МАКТУБ

«Ёнингдаман...»–шитирлади олтин япроқлар. «Ёнингдаман» – сочларим сабо тутқуни, «Ёнингдаман...» - шивирлайди юлдузларнинг шуълалари. Ойнинг нурларини ушлагандай лдим. Бибим, мозийнинг қаърига кирганим сари Сиз билан ажрашиб кетиш оғир туюлмоқда менга. Орамизда арларни асрларга улаётган тарих – маҳобатли кўприк ястаниб ётибди. Унга тикилганим сари шуурим ойдинлашмоқда. Сўзларим тетиклашмоқда. Бибим, боқийликда фанийликни, фанийликда боқийликни кўрдим. Ҳатто тушларимга аён берди бу...

Бир туш кўрдим, тушимда армонларим уйғонди,
Бир туш кўрдим, тушимда кўз ёшларим тўлғонди.
Бир туш кўрдим, тушимда ойнинг тоғлари чўкди,
Бир туш кўрдим, юлдузлар сири менга кўз тикди.
Бир туш кўрдим, тун эди, ёруғликка қўл чўздим,
Бир туш кўрдим, тушимда оёғим ердан уздим...
Бир туш кўрдим, унутдим ғам нима, оғриқ нима,
Бир туш кўрдим, ишқ кутдим ҳасратларимни кўма.
Бир туш кўрдим, учяпман, фаришталар-ла енгил,
Бир туш кўрдим, тобора юксалди бу нур – йўл.
Бир туш кўрдим, йўлимда шаффоф Зот бўлди пайдо,

Бир туш кўрдим, ҳайратим ичра бепоён дунё.
Бир туш кўрдим, тушимда ул Зот менга қайт, деди,
Бир туш кўрдим, дардингни ерга бориб айт, деди.
Бир туш кўрдим, ул Зотнинг нигоҳида тирилдим,
Бир туш кўрдим, оёғим яна ерга урилди...
Бир туш кўрдим, азобли туйғуларим сайланди,
Бир туш кўрдим, яшамок ҳикматларга бойланди.
Бир туш кўрдим, қанчалик залворли бўлмасин кўк,
Бир туш кўрдим, уйғонмоқ завқидан улуғ иш йўқ.

ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Ўзимни ўзим уйғотган тонгда борлиқ куёш нурига чўмилаётган пайт бироз ёлғон, бироз ҳақ кўшилган кулгуларимга ўхшайди. Бу каби гўзаллик ҳам боқий эмаслигини кўриб, алам қилганидан ўзимни ўзим овутиш ҳам зериктиради, ҳамиятимга тегади. Тезроқ шамоллар булутларни ҳайдаб келиб, ёмғир ёғишини истаб қоламан. Бундай дамлар уйқусизликдан қизарган кўзларимга ёш тўлган лаҳзаларга ўхшайди.

Дунё, мени йиғлатма, кўз ёшларим тугади,
Дунё, бағрим тиғлатма, бардошларим тугади.
Тошларга чарс урилиб, синиб кетган ёмғирман,
Шамолларда шовуллаб, сочилиб кетган сирман...

Сир бўлиб дунё кездим – дунё мени кезмади,
Нур бўлиб дунё сиздим – дунё мени сизмади.
Дур бўлиб дунё тиздим – дунё мени тизмади,
Шеър бўлиб дунё сездим – дунё мени сезмади...

САККИЗИНЧИ МАКТУБ

Кўзларимга ёш тўлдими, бибижон... Самовий орзулар қанотида ўзимни бахтиёр сездим. Кўзимга фақат юлдузлар, кимса қўли етмас сукунат, бўм-бўш хилқат кўринади. Юлдузларни санаб улгураман деган хаёлга ҳам бордим. Туйғуларим шу нурлар бағрига қўйилмоқда. Уларни ўзимдан, юлдузлардан бошқа ҳеч ким кўрмайди. Ҳаттоки шамолларнинг ҳам овози эшитилмайди. Мен... Мен қаердаман ўзи?! Нахотки ўзим билан ўзим суҳбатлашмоқдаман!... Атроф эса тун, тун? Қайтаман, ерга қайтаман, бибим...

Осмон сукунати – тубсиз жароҳат.
Билмадим, менданми даво истайди...
Умрини узайтиб боради ҳайрат,
Юрагинг чексизлик билан бойийди,
Сени эса тинглаб-тингламас дунё.
Хур қизлар – киприкда, бу тунги шабнам,
Яшамокдан яшнар қаримас хаёл
Осмон сукунати – уммон беором,
Энг енгил, энг оғир нафасдир висол.
Сени эса англаб-англамас дунё.

Рангли фаслларда кечиккан Бахтинг
Қувончлари қанча, ҳатто ғам қанча...
~амгин лаҳзалари улуғвор Вақтнинг
Қучоғига синган ёруғ дам қанча...
Ссенсиз ҳамон тўлиб-тўлмайди дунё...

Хаёт ҳар қадамда сабоқ беради,
Сўзи чўғ, изи ўқ шамолли тилда.
Юлдузлар туйғумдан гуллар теради,
Ойнинг нуридаги ватанинг – йўлда
Сени ҳамон билиб-билмайди дунё...

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАКТУБ

Кўчага чиқди Хаёл. Аввал ёмғир билан ювилаётган кўчаларга узоқ тикилди-да, олис-олислардаги ёмғир билан ювилаётган тупроқ кўчаларни эслади. Хаёлнинг нигоҳи соябон билан бекитилган юзларнинг, кўзларнинг хаёли билан учрашмоқчи бўлди. Ниятига етолмади. троллейбуслар, автобуслар, трамвайлар, машиналар олиб кетди уларни... ундан йироқларга. Хаёл метрога етиб келди. Ўриндикда китобдан бош кўтармай ўтирган ёшлик олдида ҳассага суяниб турган кексаликни кўрди. У ҳам майдондаги тўлқинга кўшилди. Соатнинг, Вақтинг ҳар бир зарби – ўтаётган ҳар бир он оқ сочларимга кўнаётган оқ сочларга ўхшади. Хаёл тун бўйи ўзи кўрган ва кўрмаган кўчаларда бўлди, нотаниш ва таниш чехралардан недир ахтарди. Топганидан кўра кўпроқ йўқотди. Ёмғирга айланиб сизни топдим, бибим... Топганимда эса...

Эриб битган қорларнинг ранги қаламда қолди.
Эрмаган зорларнинг тонги қаламда қолди,

Вақтнинг кўнғироклари оҳанг қаламда қолди,
Бахт ила ғам баҳсида зўр жанг қаламда қолди.

Сочимда кумушланган оқ нур қаламда қолди,
Ажинларга ўйилган тақдир қаламда қолди.
Билмаганим-билганим кўп сир қаламда қолди,
Ёзиб-ёзолмаганим умр қаламда қолди.

Умримнинг нақд ярмиси ортда – қаламда қолди,
Кўлим етмас юлдузлар ёдда – қаламда қолди.
Рухимда ватан дардлар – қаламда қолди,
Дардларим кипригида гардлар – қаламда қолди.

Бу дардларни ювгани ёмғир қаламда қолди,
Қаноти қайрилмас ел, шивир қаламда қолди.
Менга тириклик суви – ғурур қаламда қолди,
Мени соғиниб яшар сурур қаламда қолди.

ЎНИНЧИ МАКТУБ

Кимдир вокзални шаҳар кўзгуси деб атади. Бу гавжум дунёда кўпларни кутиб олдим, кузатдим. Шу вокзални, аэропортни, кўчаларни, совуқ ва иссиқ кунлар, тунларда менга кадрдон хонамни бир кунмас- бир кун ташлаб кетишим шарт. Бу ерларда қувончларим, изтиробларим кўшилиб ётибди. Улар кейин менсиз қандай яшайди...

Кечмишларим саҳифаси –унутилмас куй оқди,
Қайда ўкинч, қайда видо, қайда ўтли ўй оқди.
Сирларимни ёритгани йўлларимда ой оқди,
Хотиротнинг гувоҳидай ой чўмилган сой оқди.

Кўкда карвон –карвон булут кўзимдан сузиб ўтар,

Узун тунлар кипригинга юлдузлар тизиб ўтар.

Ҳаёлларим -куёш нури, дунёни кезиб ўтар,
Ҳаёт ранги юрагимга тонгларни чизиб ўтар.

ЎН БИРИНЧИ МАКТУБ

Тўхтанг, қаёққа кетяпсиз, бибим? Йўлимизни бари бир менинг ўйларим босиб ётибди-ку. Сиз уларни босиб ўта оласизми?...

Ё тонг, ё тун, олисга ҳеч қачон қайтмас бўлиб,
Кетиб қоламан бир кун, топа олмайди ҳеч ким.
Шунда маънос қабримга гуллари ғамгин кулиб,
Кўзлари ёшли келса, уни шод этар руҳим.

Гарчи жисмим ўлса-да, ўлмаслигим аниқдир,
Етти қават ерда ҳам қуйлай оламан жим-жим.
Тонг чоғи ушлаб кўрсанг, туйғулар ҳам тиниқдир,
Мени излаганларни тонгда шод этар руҳим.

ЎН ИККИНЧИ МАКТУБ

Биз эртақлар тинглаб ўсамиз. Вақт эса бизни эртақчига айлантириб қўяди.

Дардларимни бир қадар қоғозга тўккан бўлдим,
Жонимни сархуш бахтнинг йўлимга тиккан бўлдим.
Шу йўлдан келар жафо, қисматни уққан бўлдим,
Шукрим, юрагимни бенаво яратмадинг.

Турф дунё бўрони – бағрим курашларида,
Етти иқлим тоғлари – бағрим бардошларида.
Янги кун тафаккури – бағрим оташларида,
Шукрим, йўлларимни беэиё яратмадинг.

1997 йил

ҚИЗЛАРИМГА МАКТУБЛАР

БЎШ БЕШИКНИ ТЕБРАТМА, БОЛАМ!

Раҳматли энам - қайнонам «Бек боласини бешик асрайди» деган гапни кўп ва хўб айтардилар. Бу гапнинг маъзи бизнинг олис - олис тарихимизга, ундаги ҳамиша барҳаёт урф-одатларимизга, асрлар синовидан тобланиб ўтаётган кадриятларимизга бориб тақалади. Азалдан серфарзанд халқимизнинг ҳар бир уйида бешик муқаддас ҳисобланади. Шу биргина бешик оилада нечта фарзанд бўлса, ўша оиладаги меҳр-муҳаббатнинг янада мустаҳкамланишига асосдир. Бундан ташқари, бешик тўғри келган дарахтдан эмас, балки, инсон руҳан ва жисмонан соғлом ўсиши учун фойдали дарахтлардан ясалади.

Бешикнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. У қизларни жуда ёшлигидан ҳаётда оқибатли, диёнатли бўлиб тарбияланишларида муҳим аҳамият касб этади. Болани бола катта қилади, деган гап беэиз айтилмаган. Она уй юмушлари ёки бошқа ташвишлар билан

банд бўлган пайтда бешик ёнида, албатта, кўлидан иш келиб қолган қиз ўтиради. Чунки бешик ҳеч қачон ёлғиз қолмаслиги керак. Бешик тебратаётган нозиккина қизча кўнглида шу дамда нималар кечмайди дейсиз!... Балким у ҳозир шу синглиси ёки укаси каби гўдак бўлганлигини, фарзандни улғайтириш нақадар машаққатли эканлигини, буни бажариш учун эса онаси каби пок, ҳалол, меҳнаткаш ва матонатли бўлиши лозимлигини ўйлаётгандир, онасидан шу ҳислатларни ўрганаётгандир, онасига бўлган меҳри янада ортиб, уни сўз билан ифода этолмаслигини тушунгандай, бешикдаги гўдак жигарига янада яхшироқ қараб, онасини мамнун ҳолда кўришни истаётгандир-масъуллик нелигини сезаётгандир!

Раҳматли энам “Ҳеч қачон бўш бешикни тебратманглар!”-деб ўргатардилар. Ҳақиқатдан ҳам бўш бешикни тебратишдан ҳар кимни ўзи асрасин. Ҳеч қайси аёл қалби фарзанд доғида куймасин, тирноққа зор бўлмасин! Аёлларимизнинг ҳаёти оиласи билан бут, бешиги доимо гўдак нафаси, ҳиди билан тўлиб яшасин.

Ахир, гўдаклардан жаннат ҳиди келади, дейишади.

Мен бешик бошида тонгларни кутдим-
Мен бешик қошида тунлардан ўтдим-
Туманли, ёмғирли, қорли, оташли,

Мен бешик бошида ҳаёт кўтардим-
Мен бешик қошида умр ўткардим-
Бўронли, юлдузли, ишқли, қуёшли.

ОСТОНАСИ ТИЛЛО УЙ

Одамлардан гоҳида эшитиб қоласан: «Яна қизли бўлибди-я...» Бу қувонч билан эмас, маъюслик билан, ҳатто ачиниш билан айтилгандай туюлади. Шунда онамнинг сўзлари эсимга тушиб кетади: «Қиз-бир сиким туз, деганлар бекорларни айтишибди! Шу қиз-бир сиким тузни кўчага чиқиб сўра-чи, бекордан-бекор ким бераркан!... Шукур қилиш керак, шукур!»

Чиндан ҳам бугунги қизча, эртага-ойдай келин, индинга-бахтли она. Ҳеч қачон сиз қиз туғдим деб хафа бўлманг, хафа қилсалар айтинг: “Мен қиз эмас, бутун бошли авлод, насл, қариндош-уруғ, оилани дунёга келтирдим”.

Кечагина кичгина қўллари билан бешик тебратган қизалоқ, беғубор қалби орзуларга тўлган қизча, сочларини ойнага қараб ўраётган қиз, бугун оқ либосли бахт маликаси. Йиғлама, қизим, қаршингда-остонаси тилло уй. Сен ота-онамни, туғилган уйимни ташлаб келдим, энди уларга бегона бўлдим, деб ўйлама, сен-ҳеч нарсани ва ҳеч кимни ташлаб келганинг йўқ, сен-ўз уйинг, ота-онанг, авлод-аждод номини, шаънини, ғурурини ёруғ юзинг билан янада улуғлашга, кўкларга кўтаришга келдинг бу остонага. Уни умид билан бос, бахтингдан айрилма, ундан меҳр билан ўт, сени бахт кутсин.

СОВЧИЛИК-ЭЛЧИЛИК

Ҳар бир ўзбек оиласида қиз бола улғаяр экан, унинг эшигидан эниб келган совчилар-элчиларнинг қадами қутлуғ, деб қарашади. Бу, аввало, қиз ўсаётган хонадон ҳурмати, йигит томоннинг кадр-қимматидир. Бу шундай нозик риштаки, унда жами удумларимизнинг, қадриятларимизнинг энг ардоқли нуқталари, беқиёс комиллиги, ҳаё ва ифбатнинг айтилмаса ҳам илғаб олинадиган энг эзгу тилақларининг эшиги очиладиган муқаддасликни ўзида намоён қила олади. Халқда “Кимки, етти марта совчиликни адо этса, унинг у дунёси билан бу дунёси обод, чунки у икки дунёнинг ҳам савобни олган” дейишади. Совчилик-элчилик. Уларнинг қадамларида энг улуғ мақсад парвоз қилади-янги

оиланинг дунёга келишига сабабчи бўлиш. Шунинг учун ҳам уларнинг қадами кушдан енгил, сўзлари асалдан ширин, нигоҳлари меҳрга тўла, чехрасидан нур ёғилиб туради.

Раҳматли энам мен келин бўлиб тушгандан кейин менга кимни совчи қилиб юборганликларини айтиб, у кишининг кимлигини мен албатта билишим шартлигини таъкидлаган эдилар. Совчи-икки томонга ҳам холис, икки томоннинг барча жиҳатларини мукамал биладиган инсон бўлиши керак. Менга совчи бўлган киши-ён қўшнимиз, Болибек бобо дегич эди. У киши бизнинг уйга тез-тез келиб турар, энамнинг энг яхши суҳбатдошларидан бир эди. Жойлари жаннатда бўлсин бобонинг! У кишининг қулоғимга чалиниб қолган сўзларини ажиб ҳайрат билан эслайман: “Кимга совчи бўлган бўлсам, минг шукурким, ўзидан тинчиб кетишди. Кечаю-кундуз ўз болаларимни қандай дуо қилсам, уларнинг ҳам номларини айтиб, дуо қиламан, нега деганда, улар ҳам ўғил-қизларим-да! Ўзидан ўзи кўпайиб юрсин дейман-да...”

Қаранг, удумларимиз, қадриятларимиз қанчалик оддий кўринса, шунчалик пурмаъно, эзгу, улуғвор! Сен ҳам остонаси тилло уйга қадам кўйган дамларингданок дунёда шундай одамлар борлигини бил, уларни отангдай эъзозла, дуосини ол, тириклигида ҳам, ўтиб кетгандан сўнг ҳам эсла, болаларингга сўзлаб бер. Токи фарзандларинг ҳам сендек ҳаёт, хотира, қадрлаш нелигини чуқурроқ ва теранроқ ҳис этиб, шу оила остонасидан комил инсон бўлиб, эл билан эл бўлиб яшасинлар. Дунёда бундан улканроқ Бахт йўқдир.

Бахт-қуш эмас, учи кетгали,
У-дўстлиги болалигининг.
Сенга келди айтмоқлик гали
Болаликнинг эртақларини-
Ранги ўчмас лолалигининг.

Бахт-сув эмас, оқиб кетгали,
Бахт-Бахт ҳақида сўзлаб турганинг.
Умринг етмас таъриф этгали,
Туйғуларинг чечакларини, -
Ватан ичра ватан қурганинг.

1999 ЙИЛ

ҚУЁШ БОЛАСИСАН, ҚАДИМ ТУРКИСТОН!

Хотира. Бу сўз муқаддас. Унинг замирида инсоний буюклик, Ватан ва халқ тақдирининг ришталари мужассам. Инсон онг ва тафаккурга эриша олган илк чоғлариданок хотира туйғуси - қадрлаш ҳисси унинг ҳаётининг негизига айланган. Чунки яшаб ўтган ҳар бир кунимиздан бир – хотира қолмас экан, у бефойда. Шунинг учун ҳам биз босиб ўтган ҳар битта йўл, бахт нашидасини бера олган ҳар бир дақиқа, улкан ишларимизнинг натижаси намоён бўлган кунларимизни севиб, хотирамизда маҳкам жойлаган ҳолда яшашимиз - қадрига етишимиз лозимки, бу – энг аввало, ўзимизни англаб етишимизга хизмат қилсин, яшашга ундасин!

Хотирамиздан биз буюк халқнинг фарзанди, ўлмас тарихнинг вориси, ёруғ келажакнинг яратувчиси барқарор экан, кўнгул мунаввар ҳисларга тўлиб кетади. Бу тарих зарварақларида Ватан дея, халқ дея тўкилган қонлар, сатрларга айланган жонлар, юлдуз бўлиб порлаётган номлар беҳисоб!...

Хотирлаш деганда фақатгина яқин ўтмишдаги урушни, қурбонларни эшлаш билан чегараланиб қолиш мумкин эмас, аксинча, номлари барҳаёт сиймоларнинг муборак руҳларини шод этмоқ лозим.

Чунки тарих – бу Ватандир. Барча даврларда бўлгани каби урушда жон олиб, жон берган фидойи қалбда – она тимсолидаги Ватан яшаган. У шу Ватан ва халқ учун шу Ватан ва халқнинг фарзанди бўлиб ҳимояга отланган. Бундан иккинчи жаҳон уруши ҳам истисно эмас. Бу урушнинг қурбон, гувоҳи бўлган ўзбек қахрамонларининг юрагида

Ўзбекистон турган, улар шу юрт фарзанди бўлиб, жанггоҳга кирганлар, улар ўз ота-оналари, оилаларини ҳимоя қилдилар. Демак, хотирлаш – Ватандан бошланади, ўзлигини англаб етишдан бошланади, ҳар қандай тўсиқ ва зулмга руҳан ва жисман кураша билишдан бошланади.

Инчунун, инсон дунёга озод бўлиб келар экан, унда ҳар қандай қулик ва зулмга қарши исён табиий ва абадийдир. Бу, айниқса, биз ўқиб ўрганиб келаётган энг сара жаҳон ва ўзбек адабиётида ўзининг мукамал ифодасини топган. Хотира ҳаёт, ҳаёт эса санъатни яратувчи манбадир.

Хотирлаш – беғубор болалигини ўз фарзандларингга эртақдай сўзлаб беришларинг эмасмикан?! Ахир, унда она аллари-ю, ота меҳри, салобати оқиб турибди-ку!... Ажабмас, боланг ҳам бир кун келиб . боласига худди сендай хотираларини сўзлаб берса... Бу – ҳаётнинг давомийлиги, тарбиянинг муҳим жиҳати – насл-насабингни билишдек қадриятдир.

Бу туйғулар силсиласида инсониятнинг бекиёс маънавияти мавжуд. У тарихдай қадимий, адабиётдай мафтункор, табаитдай сахий, Ватандай улуғ , халқ каби суюқдир.

...Умримни оралаб мунис куй топдим,
У- сенинг борлигинг экан, ватаним.
Ҳаётни ифода этган ўй топдим,
Бахтингга ёрлигим экан, Ватаним.
Сенсиз яшай олмас эканман, илло,
Кучоғимда қуёш, далаларим бор.
Шу чексиз далалар куйида, илло,
Ширин-ширин фарзанд – аллаларим бор.
Сўнги нафасгача алла айтурман,
Зеро, меҳрим ҳам –шу, аёллигим –шу.
Сендай она бўлсам, серфарзанд, Ватан,
Асли, бахтим ҳам –шу, ҳалоллигим – шу.

Бизга Тангри инояти билан Туркистон деб аталмиш бағрикенг тупроқда туғилмоқ, тиллашмоқ, насл-насаб қолдирмоқ насибаси берилган экан, буни кадрламоқ учун аждодларимиз руҳини шод этиб, уларнинг илдизларини чуқурроқ билишга, теранроқ англашга, мағзини тўла уқишга интилиш фарздир. Чунки хотира ва кадр туйғуси , албатта, миллий онг ва миллий ғурурнинг мукамал ифодасидир.

Мустақилликнинг қадрига етмоқ учун мустақиллик қўлга кирган кунгача бўлган йилларни хотирланг. Уларда – ҳуррият шарофати билан истибдод даврида парчаланиб кетган қадим Туркистон ери – оға-инилар бирлашмоқда, қўллар жипслашмоқда, тили, дини бир халқларни ҳеч қачон ҳеч қандай зулм ажрата олмаслигини тарих Яна исботлаб турибди.

Хотирланг ва кадрланг, биз –Шарқликмиз! Қуёш эса ҳамиша Шарқдан балқийди!

Қуёш боласисан, қадим Туркистон,
Сени қуёш ҳеч он ташлаб кетмаган.
Мудроқ туйғуларни уйғотган Қуръон
Ҳали ҳеч замондан шонсиз ўтмаган.
Олис аждодларим муқаддас руҳи,
Айтгил, эй қуёшим, мени қўлласин.
Туркистон тупроғи узра бахт туғин
Бирлашган турк элим қўли йўлласин.
Токи умид орол каби сингмасин,
Сарҳадсиз саробнинг қумлари аро.
Юракда уйғонган бўрон тинмасин –
Кулликдан ҳурликка интилган садо.

НАВРЎЗ НАВОЛАРИ

Ўлкамизни яшиллик нури тутмоқда. Қалбларда баҳор орзулари. Ёш гўдакнинг жилмайишидай куртакларниш урмоқда. Уларда ҳам ҳаёт қўшиғи бошланмоқда. Шу қўшиқни қутлай , эй, олам!

Ирмоқларда зилол сувлар куйламоқда. Бу куйларнинг оҳангги уйғонишнинг даракчиларидай ёқимли ва ҳаётбахш. Шу куйларни қутлай, эй, олам!

Тиниқ осмонда гала-гала бўлиб турналар арғамчи солиб ўтишмоқда. Турналар қўшиғида кўклам нафаси, армонларнинг қордай эриши, орзуларнинг янгидан туғилиши бордир. Турналарнинг қадамига ҳасанотлар ўқий, эй, олам!

Дилга яқин ва азиз тебранмоқда шамолларнинг беланчагидаги ўйлар. Бу ўйларнинг барчаси қадами қутлуғ , сўзлари улуғ байрам – Наврўзга бориб тақалади. Қуёшнинг илик ва ўлмас нурлари ҳамма ёқда, барча дилларда оташланмоқда. Бу оташларнинг қудратини улуғлай, эй, олам!

Бепоён заминнинг энг азиз масканларидан бири бўлмиш ҳур ўлкамда яна Наврўз наволари янграмоқда. Унинг пойида ям-яшил гилам, боши узра беғубор осмон ва қўшлар қўшиғи, кучоғида саболар, куй ва гуллар ифори.

Халқимиз асрлар бўйи ардоқлаб келган ва келаётган бу байрамнинг йилдан-йилга ўз қадрини кўтараётганлиги – мустақиллигимиз шарофатидандир. Зеро, бу байрамда юртимиз ўтмишидаги буюк қадриятлар бугунги кунда ҳам ўз камолоти ва қувончлари билан қад кўтариб турганлиги, шуҳбасиздир.

Истиклол ҳақида сўз кетар экан, кўз олдимизга шу кунларни орзу қилиб, кўролмай кетган улуғ аждодларимиз , ота-боболаримизнинг сиймоси келади, уларнинг ишларини давом эттириб келаётган ёш авлоднинг қудратли ва матонатли меҳнатидан илҳомланамиз, эртанги кунимизнинг ёруғ дарчалари очилади.

Наврўз. Далаларда ҳарорат кўтарилиб, ернинг она сўзидай мўътабар ҳиди димоққа урилади, танга ғайрат қўшиб, яратмоқ ва яшариш ниятида қўлларга меҳнатни тутлади. Дехқон далага чиқдими, демак, юрт обод ва халқ тўқ яшайди. Наврўз наволари гул бўлиб, лола бўлиб, майса бўлиб тилга киради. Бу кексаларга мадор, ёшларга руҳ ва куч-қувват, болалар шодлигига шодлик қўшади.

Тонг билан уйғонди қалам. Юрт мадҳи, халқ бахтини куйламоқ учун уйғонди юрак. Юрагимни тингла, эй, олам...

Бу қадим дунёнинг сочлари оппоқ,
Худди шу оқликдан ўргилайин мен.
Уйғониш даврида гўдак каби пок
Мавжудот, борликдан ўргилайин мен.
Ўргилай, орзуманд юрагим билан
Ҳар бита куртакнинг ҳавасларидан.
Ўргилай, оналик тилагим билан
Дарёга қўшилган сой сасларидан.
Сўкмоқлар – умримнинг варақларидир,
Уланиб кетмоқда бири-бирига.
Қатта йўлга чиққан қароқларимда
Бойландим кўкламнинг яшил сирига.
Бу яшиллик сири – Наврўз қадами,
Муборак кунларнинг қутлуғ нафаси.
Яна Наврўз бўлиб туғил, олашим,
Сен билан тирикдир орзу-ҳавасим.

Эркнинг қўлларига берай гул териб,
У халқим бахтидан шеъримда унсин.
Юртим, муҳаббатинг ҳар дилда уриб,
Наврўз навосидан ҳеч вақт тинмасин!

Ўзбек халқининг энг катта бахти шундаки, унинг беқиёс Ўзбекистони бор. Унинг тўрт фаслга мос ва хос халқининг табиатига монанд гўзал табиати бор. Халқи эса ҳеч ерда топилмас дурдай меҳнаткаш ва одил, меҳр-муҳаббатли, ноёб қобилият, ҳислат ва фазилатлар энасидир. Унинг ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам улуғ аждоғлари ва авлодлари, азиз фарзандлари бўлган ва шундай бўлиб қолажак. Ҳар бир инсоннинг вазифаси ва бурчи эса оддий ва шарафли – шу юртга садоқатли фарзанд бўлмоқ, шу халқ учун умрини, орзуларини ва бахтини бермоқдир. Шунинг учун ҳам юртимизга эзгуликлар билан бирга Наврўз ҳар йили қут-барака олиб киради. Наврўз заминга куч-қувват, юракларга меҳр-саховат ҳадя этади. Шу инъомни ва мурувватни асранг. Наврўз каби ҳар кунингиз муҳаббатли бўлсин, азизлар!

2001 йил.

ОИЛА - КОМИЛЛИК РАМЗИ

Оила - буюк тушунчадир, Унинг замирида ҳаёт – бутунги, кечаги ва эртанги кун, бунёдкорлик ҳисси, жамиятни мустаҳкамлаш вазифаси, мамлакат равнақи ва умумбашарий келажак каби тимсол, рамзий маънолар мавжуд. Оила инсоният мукамал қиёфага кириб яшаш, яратиш туйғуси билан қадам ташлай бошлаган ондан бошлаб, дунёга келди, у ўзида Ватанни яратди, мужассамлаштирди. Бу ватанда инсоният етук, баркамол бўлиб етишиш учун имконият яратилди. Бу имкониятлар меҳр, оқибат, муҳаббат, одоб, гўзаллик каби идрокнинг меваси бўлмиш фазилатларни ўз ичига олди. Инсонийлик номли боғ барпо бўлди,

Ҳаёт эса ўзининг, қарама-қаршиликлари, қувонч ва изтироблари билан инсонни, унинг иродасини, оиласи, Ватанини синай бошлади. Инсонийликка зид ҳасад, манманлик, душманлик, жиноят, беҳаёлик, илмсизлик, жоҳиллик, бемеҳрсизлик, оқибатсизлик, диёнатсизлик каби қабихликлар гулдан яралган юракларга наштардек санчилаверади, оқибатда, кимда мустаҳкам ирода, эътиқод бўлса, бу синовлардан енгилмай ўтди, кимдаки курашчанлик ҳисси туғилмаса, бўлмаса, ўзи, оиласи, Ватани таназзулга юз тутди. Зеро, оила қурмоқ, уни сақлаб, келажак авлодга етказмоқ, ватан яратмоқ улуғ, машаққатли ва умрбоқий, азиз аждоғларимиздан мерос бўлиб келадиган меҳнатдир. Бу меҳнатнинг моҳияти ягона - буюклик, комиллик. Шу маънода оила сўзи муқаддасдир.

Мустақилликнинг илк йилларидан то ҳозирги кунларга қадар давлат томонидан, Ҳукумат ҳомийлигида халқимизга кўрсатилаётган чексиз ҳурмат тарихимизнинг чуқур илдизларигача бўй баробар кўрсатилиши, кадрларимизнинг қайта тикланиши ва ниҳоят, оила масаласига алоҳида эътибор ҳақиқатдан ҳам келажакимизнинг буюклигидан далолат беради.

Шу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги “Оила” ҳақидаги Қонунини эслаш ўринлидир. Қонун Ўзбекистонда оила, унинг йўналиши, вазифалари ва масъулияти қанчалик мустаҳкам белгиланганлигидан, ҳимоя қилиниш даражаси нақадар юксаклигидан далолат беради.

63-модда, Оила жамиятнинг асосий бугунидир. Ҳамда жамиятнинг ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланган.

64-модда, Ота - оналар ўз фарзандларини вояга етказганларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарини насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Аналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда. Вояга етга, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Яна қувончли томони шундаки, «Оила кодекси» қайта ишланди, ҳаётга тадбиқ этилди. У ўзбек оилаларининг янада мустақамланиши, ривожланиши миллий қиёфасини сақлаб, бошқа миллат оилаларини ҳурмат ва эҳтиром қилган ҳолда янада мўътабарли поғонага кўтарилишида катта аҳамиятга молик.

«Ўзбекистон хотин - қизлари». Қўлимда худди шу ном билан аталувчи (1999) статистик тўплам. Унинг илк саҳифаларидаги сўзлар диққатимни тортди. Венада (1993 йил) бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутун жаҳон конвенцияси таъкидлаган ва (1995 йил) инсон камолоти тўғрисидаги кенг қамровли Маърузада баён этилган аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлари – уларнинг қонунлар билан ҳимояланиши, ижтимоий хизматларга эркин йўл кўйилиши, иқтисодий ва сиёсий қарорлар қабул қилишда тенг имкониятларни, оила, турмушнинг барча жабҳаларида жинсига қараб камситиш, зўравонликни тугатишни ўз ичига олади. Бутун дунё аёлларининг ҳимоясига айланган бу Маъруза Ўзбекистонда қандай ҳал этилган деган ҳақли савол туғилади. Кўз олдимизга Мустақиллигимизнинг тетапоя йилларидан то унинг бугунга қадар босиб ўтилган залворли даври келади. Аввало, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунга тўла қонли жавоб бўла олади. Фармон хотин - қизлар масаласини миллий сиёсатга айлантирди, дейилади китобда.

Ҳукумат ташаббуси билан 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси тузилди. Ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, қишлоқларда бўлимлари ишлаб турибди. Бугунги кунда уларнинг сони уч мингтага етди. Вазифаси - давлат сиёсати билан яқдил - аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-модда, 46-модда), никоҳ ва оила муносабатларини мустақамлаш (Оила никоҳ кодекси, 1998, сентябр), шу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда Маросим бўйича қилинган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас; аёлларнинг (меҳнат ҳуқуқларини камситилишига йўл қўйилмаслик) (Меҳнат кодекси, 1995, 21 январ, 6-модда), шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят кодексига кўрсатилган ҳуқуқий тамойиллар. Жумладан, ҳомиладор аёлларни қийноқ ва тан жароҳатларига дучор қилиниши айбни оғирлатадиган ҳолат деб баҳоланади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1979 йил 18 декабрда қабул қилган аёлларга нисбатан камситишнинг «ҳар қандай шакллари йўқотиш тўғрисидаги Конвенциянинг оилавий аҳволдан қатъий назар, эркек ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги асосида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни эътироф этиш, улардан фойдаланишга ҳар қандай айирмачилик, жинси бўйича четга чиқариб қўйиш, чеклаш айбларни камситиш» деб белгилайди (1 – модда). Ўзбекистон Республикаси бу муҳим шартномага 1995 йил 6 майда қўшилди.

Модомики, гап Ўзбекистон аёллари ҳақида кетар экан, бу ўринда муҳим рақамларга тўхталиб ўтишни жоиз. Аёллар аҳолининг 50,2 фоизини ташкил этиб, туғилиш юқори кўрсаткичда. Соғломлаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар барқарор хусусиятга эга. Аёллар маълумотлиги даражаси юқорилади. 48,8 фоиз аёллар соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, маориф, санъат ва киноматография соҳаларида катта салоҳият кўрсатмоқдалар. Шулардан:

- соғлиқни сақлашда – 74,9

- маданият ва санъатда – 51,2
- халқ маорифида – 68,3 фозни кўрсатади.
- олий маълумотли аёллар – 47,0
- иқтисодиёт соҳасидаги раҳбар аёллар – 23,0 фоизга етган.

Шубҳасиз, бу рақамлар ортида, ҳар бирининг изида ҳаёт, меҳнат, ижодкорлик ва тараққиёт турибди. Буларнинг бариси вақт ва келажакнинг муҳим талаби. Ватанимизнинг истиқболи билан боғлиқ.

2004 йил

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ИҚЛИМИ

Оила, аввало, жамиятдаги улкан ижтимоий куч, унинг асоси. Унинг негизида кечаги кунимиз тарихи, бугунимизнинг ойдин саҳифалари, эртанги кунимизга умид туғилади. Биз шу оила билан ҳар куни тонгда янгидан дунёга келамиз. Бу туғилиш бизни дунёга меҳр туйғуси билан қарашга ундайди. Чунки кўз ўнгимизда кечагига бешикни тебратиб, овулганларимиз – фарзандларимиз ўсмоқда.

Оила ҳар бир инсоннинг табиий-ҳиссий эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилади. Унинг ёзилган ва ёзилмаган ҳаётини қонунлари қонунлари мавжуд. Улар асрлардан – асрларга ўтиб, сайқалланиб, бойиб келмоқда. Она Ўзбекистонимизда ҳам оила ҳамиша муқаддас деб саналган. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи» дир.

Оила, аввало, боланинг мурғак юрагига, нозик вужудига, руҳига меҳр берувчи бўстондир. Бола бу меҳрни онасининг иссиқ бағридан, майин овозидан, кўзларидан, оппоқ сутидан олади. Бу унинг ҳар бир томирига жондай кириб бораркан, кўзи ёруғликка, вужуди товушларга, руҳи оромга интилади. Бола чиндан ҳам дақиқа сайин ўсади. Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминлар, оқсиллар, гормонлар ва бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносибликдаки, шу туфайли бу моддалар бола меъда-ичак тизимида бенуқсон ва ўз қиёмига етган ҳолда ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сути таркибида пролактин гормони бор. Бу модда ҳомиладорлик бошланган пайтдан бошлаб, она организмида кўпая бошлайди ва бола туғилган пайтда энг кўп миқдорда бўлади. Худди шу ўта фаол модда она сути билан бирга бола организмга ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Она сутидан пролактин орқали ўғил болага жасурлик, мардлик, куч ва чакконлик каби сифатлар берилади. Она сути билан болани тўйдириш орқали қатор вазифалар амалга оширилади. Бола тўлиқ овқатлан-тирилади, соғлиги таъминланади, тинч ухлайди.

Боланинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишида ота-онанинг ўз бурчи ва вазифаларига садоқат ва фидойилик билан ёндашишлари жуда муҳим. Улар боланинг нафас олишидан тортиб, ҳар бир ҳаракатига қизиқишлари, назорат қилиб туришлари, ҳар бир ишни сидқидилдан бажаришлари олдинга қўйилган мақсадга олиб келади. Шундагина ўсаётган боланинг жисми ва руҳида соғлом уйғунлик вужудга келади. Бу ўринда оилада ота-онанинг бир-бирига самимий ва илиқ муносабатлари, ҳурмати ва иззати, бири-бирини тушунишлари катта аҳамият ва асос касб этади. Яъни, меҳр бор жойда ҳаёт гуллайди. Бола туғилган кунидан бошлаб, худди шу жойда - оилада яшайди. Оилага хос қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантириб боради. Энг муҳими, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Оила , энг аввало, болага тил ўргатувчи илк макон ҳисобланади. Бола шу ерда ўз она тилининг аллага йўғрилган оҳанглари, жозибасини беихтиёр руҳига, жисмига, юрагига жойлаб боради, у ота-онанинг кўз қарашида, сўзлашида, ҳаракатларида тилнинг қудратини кўриб улғаяди. Тил орқали ўзини таниб, ўзини танита борди. Шу боисдан ҳам бола тарбиясида тилни ўрганиб бориш энг муҳим ҳаёт қонунига киради. Ота ва она ҳар бир сўзни болага аниқ, тўғри, содда, тушунарли қилиб, эркаловчи оҳангларида етказа олиши зарур. Ота-она боланинг биринчи муаллимидир, дейилишида жон бор. Айнан шу оила мактаби жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги, тараққиётини таъминлайди. Бунинг асосида оилавий муносабатлар маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ривожини билан узвий боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради. Бунда никоҳ тузиш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш маданий тус ола бошлайди. Бу маданийлик замирида ота-онанинг бир-бирига , ота-онанинг болага, ўз навбатида, боланинг ота-онага муносабатлари шаклланади.

Оилада, аввало, болага тарбия ва илм бериш орқали маданий-маънавий қадриятлар сингдирилиб борилади. Соғломлаштириш, оилада, жамоатчилик орасида ўзини тутиш, кийиниш, овқатланиш одоблари ўргатилади. Бу масалада бола энг биринчи ибратни оиладан, ота-онасидан олади. Уларнинг бир-бирига муомалалари, кийиниши ва овқатланиши, ҳатто қандай таом хуш кўриши, сўзлашиш маданиятига эътибор беради, улардан андаза олади. Бола буларни ўзини англаган вақтдан бошлаб кузата бошлайди, бу кузатишларини уйдан ташқарига чиққач, кўчада, боғчада, мактабда кўрганлари, эшитганлари билан таққослайди, хулосалар ясайди. Худди шу паллада оилада самимий муносабатлар иқлимини сезса, ота-онанинг, аввало, бири-бирига, шунинг баробаринда, болалари ва атрофдагиларга ўз ҳурматини сақлаган ҳолда, иззат кўрсатса, болани айнан шу фазилатлар бойитиб боради. Бу қадриятлар ҳаёт каби ҳамиша қадим ва навқиронлигини , ўзи ҳам ўзидан кейинги авлодларга қолдириш лозимлигини ҳис этиб, англаб ўсади.

Оилада, аввало, ёш авлод оилавий ҳаётга тайёрлана бошлайди. Бу ота-она олдидаги ўта масъулиятли, ёшлар тарбиясида ахлоқий, жисмоний, маънавий, жинсий тарбияларни ўзида мужассамлаштирувчи вазифа. Бу вазифа шуниси билан мураккабки, бир оила иккинчисига ўхшамайди. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос дунё. Ҳар ким ўзидан келиб чиққан ҳолда оилада янги оилаларни вужудга келтиради.

Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, сабр-тоқатли, илмли, ҳунарли, меҳнатсевар, мақсади йўлида дуч келган қийинчиликларни чидам билан енга оладиган оила бағридан униб чиққан янги оилалар туб моҳиятига жиддий қарашади. Бироқ барча оилалар ҳам бахтли ҳаёт кечиради деб бўлмайди. Бунинг сабаблари кўп. Ёшлар бу ҳаётга тайёр эмаслиги, ҳар бири ўзининг оиладаги бурчи ва вазифаларини тўла тушуниб етмаганликлари, муомала маданиятидаги оқсоқлик-лари, ҳаётий масалаларни ечишда ғўрликлари кўриниб қолмоқда. Истасак ҳам, истамасак ҳам бу муаммоларнинг туб илдизлари яна оилага, ота-онага бориб тақалади. Чунки ҳали ҳам ота-онанинг бойлиги, обрўйи ҳисобида яшаётган, оиладек муқаддас тушунчани янги қабул қилган ёшлар меҳнат қилиб, оиласини боқиш, фарзандларини тарбиялаш, атрофдагилар билан муомала қилишни ўзларида тўла ва мукамал шакллантира олмаганликлари билан ташвишли ҳолларни юзага келтирмоқдалар. Оила олдида ўз масъулиятини ҳис қилмаслик оқибатида ҳаётда учраган оддий қийинчиликларни ҳам ечолмаганликларидан бундай оилаларнинг янги ҳаётга мослашиб кетиши ё оғир кечади, ё қийинчиликларга дош беролмай, бузилиб кетади.

Бугунги кунда бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида оилавий муносабатлар маданиятига республика миқёсида комплекс ёндошиб, бу муаммони ҳал этишда оила билан боғча, мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, жамғармалар, нодавлат ташкилотлар ва ҳуқуқ органларининг ҳам масъул, бурчдорлиги таъкидланмоқда. Оила йили (1998) эълон қилиниши муносабати билан оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган Давлат дастури ва «Оила Кодекси»нинг қабул қилиниши,

Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши, Аёллар йили (1999) да республикадаги барча ижтимоий - маданий муассасалар, тарбия масканларининг фаолиятлари инсон манфаатларини ўрганишга қаратилиши фикримизнинг яққол далилидир. Бу олий мақсадларнинг мантикий давоми сифатида «Соғлом авлод йили» (2000) ва «Она ва болалар йили» (2001) нинг ҳақиқий маъноси шундан иборатки, ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзанд қолдириш зарурлигини англаб етсагина, миллат Ватан, жамият раванқига раванқ қўшилади. Жамиятимизда кадриятларимизга янги муносабатлар шаклланаётган экан, бунда ёшлар тарбиясида оилавий муносабатлар маданияти масаласи жуда муҳим ва долзарб. Чунки оила ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиёти билан узвий боғланишдагина такомиллашади. Бу боғланиш республикамизда олиб борилаётган оила масалалари, амалга оширилаётган ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бу – ҳар бир инсоннинг, аввало, оиланинг, жамиятда тутган ўрни билан баҳоланади. Шу ўринда, инсоннинг болалигида олган тарбияси, ёшлигида ўзлаштирган билимлари, касби, маҳорати, дунёқараши, ахлоқининг мукамаллашиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

2005 йил

УЙИНГИЗГА КЕЛИН ТУШДИ...

Энтикиб кетасиз. Минг йиллар ўтиб кетгандай туюл-ди-ёв, сиз ҳам шу уйга келин бўлиб тушган эдингиз. Энди эса келин тушаётир. Ота уйингизга сизни олиб кетгани борган куёв жўраларнинг ёр-ёрлари, чилдирма жаранги, ёшгина қизалоқларнинг елдай учишларини эслайсиз. Ота -она ризолигини олиб, бир қадам жойга ҳам бир умрга кетаётгандай дугоналарингиз билан йиғлаб хайрлаш-ганларингиз... Аслида ҳам амма-ю, хола, туғишганларингиз дуолари ижобат бўлиб, борган жойингизда туб бойлаб, палак ёздингиз. Яхши ниятлар билан элнинг тўйларида бел боғлаб хизмат қилдингиз, дардига шерик • бўлдингиз. Вақти-соати етибдики, дастурхон ёзиб, топганингизни тўйга яратаётир-сиз. Дарвоза олдида карнай-сурнай овози, қувноқ чехралар, кулгулар...

Уйингизга келин тушди... Ана, у дарвоза-дан майда қадамлар ташлаб оҳиста, кўзини ердан олмай, янга-ю, дугоналари куршовида кириб келмоқда. Бу эшикнинг ичкарасида нималар бор? Кимлар, нелар кутмовда уни? Келинингизнинг кўнглидан шундай ўй-хаёллар кечаётган бўлса, не ажаб. Шу гўзал ҳилқатни оғшоқ орзулари билан бағрингизга босасиз. Қачон-лардир сиз ҳам қайнонанинг кўзида ўзингизни кўрган каби, ҳидида онанингизнинг ҳидини туймоқни истаган каби қалқиб кетганингиз ёдингизга тушади. Сиз ҳам келинингизга иссиқ меҳр билан: "Энди шу уйнинг бекасиз", - дейсиз. Токи шу кенг ҳовли дов-дарахтлар, майин ҳавога тўлсин кучоғи.

Уйингизга келин тушди... Илк бор қадам ташлади бу остонага, илк бор назар солди бари-барига. Ҳаммаси ўзи каби янги, ўзи каби бошқача. Жилмайиб қаради сизга онасига қарагандай.

Онажон, дегиси келди, бирдан қизариб кетди. Ўрнингиздан турасиз, пешонасидан ўпиб, болам, дейсиз. Этади шу. Токи ўзини бегонадай, ёлғиздай сезмасин. Қуёш бўлиб имкон берай дедингиз ўсиб-унишига. Ахир, у бошқа ердан олиб келиниб, ўтқазилган ёшгина ниҳол. Боғбони, соябони, меҳрибони бўлгингиз келади шу ниҳолнинг. Насиб этса, куртак ёзиб, гулласа, ҳидлари юрагингизни тўлдириб, мевалари умрингизни узайтиради.

Уйингизга келин тушди... У чақирса, овози етадиган жойда бўлса ҳам, ота-онасини соғинди, қариндош-уруғини кўргиси келди, дугоналарини меҳмонга айтгиси келди. Бош устига, болам, баҳонада мен ҳам ота-онанинг билан бир гурунглашиб, яйраб келаман, деб бирга йўлга тушасиз.

Қўни-қўшни, маҳалла-қўй кутлуғ бўлсинга бири қўйиб, бири киради уйингизга. Сизни эмас, келинингизни кўргани, синагани. Чой тутган қўлларига, артилган, терилган чинни идишларга кўз қирини ташлашади. Кўрпачаларини силаб кўришади, астагина,

билдирмай қайириб ҳам қўйишади. Келинингизнинг кийим-бошига, юз — кўзига назар солишади. Келинингиз қандай деб сиздан сўрашгани бошқая, синчковлик билан кузатиб чиқарган хулосалари бошқача бўлади. Шу уйнинг обрўйини шу ердаги муомала, гап-сўз, ҳаракатлар кўчага олиб чиқади. Келинни сиз туширасиз-у, баҳосини эл беради.

Уйингизга келин тушди... Ҳам рўзгор, ҳам давлат ишини уддалаётганидан ичингиздан қувонасиз. Замонасига яраша-да. Кўринганга мақтанишдан ўзингизни тиясиз. Майли, олган билими ерда қолмасин, одамларга нафи тегса, жамиятда ўз ўрнини топса, меҳнат қиламан деса, баракасини тилайсиз.

Уйингизга келин тушди... Ҳали ҳеч қачон ҳеч жойда ҳамиша баҳор бўлмаган. Бу ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқлари, иссиқ-совуқ кунлари бор. Кун келади, ёмғир ёғади, шамол туради, муз қоплайди йўлларни. Шунда иккаласини икки кўлингиз билан ушлаб, тўғри йўлга солиб юборасиз. Қора булутларни тарқатасиз, туманларни эритасиз. Чунки сиз-Онасиз. Қудратлисиз, барисига қодирсиз. Сизга қараб, йиқилаётган ниҳол қаддини кўтаради, қайтадан гуллайди. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деган нақлга амал қиласиз. Бундай бўлишига йўл қўймайсиз. Ўғлингизнинг елкасидан силаб, жаҳлидан туширасиз, ишига кузатасиз. Келинингизни ёнингизга олиб, билмаганини ўргата бошлайсиз, Уйдаги гапни кўчага олиб чиқманг, дея уқтирасиз.

Уйингизга келин тушди... Тоғдан кўтарилиб келаётган қуёшга қарайсиз. У нақадар нурли, меҳрли, улуғвор! Оналар қалбини бежизга қуёшга қиёслашмайди. У қорларни эритиб, гулларга қулгу улашади. Сувларни қуйлатиб, богларга жон ато этади. Бу ҳаёт аслида ўткинчи эмас. У давом этади. Тонг каби, қуёш каби. Биз нима учун ифлосликларни ёмон кўрамиз? Чунки у табиатимизга ёт. Негаки, ҳамма вақт ҳамма жойни озода кўргимиз келади. Ўзимизни яхши ҳаёт кечиришга лойиқ деб биламиз. Биргина совуқ гапдан ҳам дилимиз оғрийди. Боиси, биз меҳр билан туғилганмиз, шу меҳрдан айрилгимиз келмайди. Қилдек нохушликни ҳам юрагимиздан аритиб, яна яхшиликка йўл оламиз, Ўша бир оғиз совуқ гап ҳам ортиқчалик қилади бизга. Уни елкамиздан ағдариб, киприкда қалққан ёшдай сидириб ташлаб, бахт билан ҳамиша бирга қолгимиз келади. Чунки ёруғлик зулматни ёриб чиқади. Дунёда эзгулик ўлмас экан, инсон орзу билан туғилаверади.

Уйингизга келин тушди... У бу ернинг ҳавосини ола бошлайди. Бу оила унинг учун ҳаёт мактабига айланади. Умр бўйи ўқийдиган, уқадиган, ўргатадиган мактаб бу. Олган сабоқларингиз зое кетмабди, зеро, қайнона билан келиннинг тупроғи бир жойдан олинади, дейишади. Қарс икки қўлдан чиқади. Ёш ниҳол - келинни асраб-авайлаб, ундан бахт меваларини кутаётган хонадонга ўз навбатида келиннинг ҳам ҳурмат ва иззати жоиз. Шунда икки ёшнинг муҳаббатига муҳаббат, қариндошчилик меҳрига меҳр, тотувликка тотувлик қўшилади. Бу эса шу оилада униб-ўсаётган фарзандлар тарбияси ва руҳиятига албатта таъсир қилади.

Уйингизга келин тушди... Орзуингиз ушалди. Шу кунларга етказганига шукр қиласиз. Бу шукроналик келинингизга ҳам кўчади. Ҳар бир тонг янги умид билан отади, бири-бирига ўхшамайди. Шуниси билан яшаш завқли, ширин. Инсон умрини фаслларга қиёслайдиган бўлсак, унинг гуллаган, ҳосилга кирган даври оиласи ва фарзандлари билан бағри тўлиб яшаётганида кўринади. Бағрингиз тўлгани чин бўлсин!

2005.

ОНАЛИК БАХТИ

Бу сўз, бу туйғу бутун дунё аёллари сингари ўзбек аёли учун ҳам жон қадар азиз, ҳаёт қадар туганмас, хаёл каби бесарҳаддир. Буни англаш, ҳис этмоқ учун эса муқаддас оналик бахтини бошдан кечирмоқ, юракдан ўтказмоқ, бир сўз билан айтганда, она бўлиб туғилиш, яшаш лозим.

Мен ҳам ўзбекнинг бахтли оналаридан бириман. Менга бундай бахтни ато этган ота—онамдан мингдан—минг розиман, уларга то жоним бор экан, таъзимдаман! Биз оналикни оналаримиздан ўрганамиз. Нафақат ўрганамиз, балки қонимизда бор оналик деб аталмиш фидойилик. Оналаримизни табиатнинг ўзи азал—азалдан гўзал ва фозила, жасур ва меҳнатсевар этиб яратган. Улар каби биз ҳам тилга кирган, дунёни идрок эта бошлаган чоғларимизданоқ бетакрор табиатимизга мафтун бўлиб ўсдик, буюк шоирларимизнинг азалларини тинглаб, ёдлаб улғайдик. Оналаримизнинг юрт меҳри билан тўлу юраклари йўлимизда машғалдек кўтарилди. Эътиборлиси шундаки, шунча масъулиятни нозик елкаларига юклаб, шунча ишни қилиб қўйиб ҳам, бир оғиз миннат қилмайдилар. Аксинча, шундай яшашни бахт деб биладилар. Аслида ҳам, бахт, бу— биз бошдан кечираётган бахтли дамлар, бахтли кунлар, бахтли йиллар ва асрлар... Фақат биз уларни ҳар бир дақиқада англаб турсаккина, бахтли бўла оламиз. Оналикни ёддан чиқарган онимиз эса бор бахтимизни ҳам йўқотамиз.

Самарқанднинг сўлим гўшаларидан бирида дунёга келиб, шу даражага етган эканман, оддий ва камтарин, гўзал ва ширинсухан, меҳнаткаш ва шоиртабиат онамдан умрбод қарздорман. «Сен қарзингни узаман деб куйинма, қачонким, сен ҳам она бўлсанг, сенга қандай меҳнат қилган бўлсам, шуларни фарзандларингга қилсанг, мендан қарзларингни узган бўласан. Вақти келиб, фарзандларинг ҳам она бўлиб, сенинг олдингдаги қарзни узадилар. Ҳаёт шунинг учун ҳам тугамайди», — дейдилар онам.

Онамни шоиртабиат эди... дедим. Онам осмонни севади, тоғларни соғиниб яшайди, булоқларнинг тиниқ товушларини эшитгиси келади. Кенг далаларга чиқиб кетиб, шамоллар билан сўйлашгиси, боғлардаги қушлар билан куйлашгиси бор. Ҳовлимизда ҳамиша райҳонлар яшнаб туради. Бу— онамнинг севимли гули. Айтишларича, райҳондан жаннатнинг хиди келаркан. Унда бетакрор ранг, чирой, ажойиб шифобахшлик мужассам. Табиат билан бундай сўзлашишни онамдан ўргандим. Илк шеърларимни онамга бағишладим. Булар онамга ўша пайтларда қанчалик қувонч келтирганини орадан шунча йиллар ўтиб, фарзандларим камолини кўраётганимда теранроқ англаяпман.

Ўзбек оналари — дунёдаги энг бахтли оналардан.

Бизнинг жаннатларга қиёс она еримиз, бағрикенг, серҳиммат табиатимиз, қалбимиздай ҳамиша қайноқ қуёшимиз, тунларимизни ёритувчи ой, йўлларимизни кўрсатувчи юлдузларимиз бор. Олис ва қадимий, шонли ва ўлим билмас тарихимиз саҳифаларида Тўмарисдек, Нодирабегимдек, Увайсийдек, Зебунисодек, Гулбаданбегимдек, Сароймулкхонимдек оналаримизнинг сиймоси, руҳлари ҳамиша тирик. Ҳали биз билмаган, тарихнинг очилмаган варақларида уммон тубидаги марвариддек товланиб турган оналаримизнинг, момоларимизнинг муборак номлари, кутлуғ амаллари қанчадан—қанча!

Ёшлигимданоқ онамдан оила нима, оилада бир—бирига меҳр нима, бир—бирига суяниб яшаш нима, ота—онага ҳурмат нималигини ўқдим, ҳаёт сабоқларини олдим. Ўзбек оилалари, айниқса, қишлоқларда серфарзанд бўлишади. Эл орасида болани бола катта қилади, деган сўз юради. Яъни, оилада нечта фарзанд бўлса, битта бешикда ўсади, қўли ишга келиб қолган бола, айниқса, қиз бола онасининг катта ёрдамчисига айланади. Бешик тебратади, ҳовли супуради, хуллас, қўлидан нима келса, ҳаммасини қилади. Шунинг ўзи унинг қалбида эзгуликни уйғотади, катта ҳаётга тайёрлаб боради.

Улғайиб, илм олиб, ижоднинг, шеърининг заҳматларини тотганим сари юрагимдаги оналик, руҳимдаги оналик бахти ҳаётим мазмунига айланди. Кечинмаларим, ўйларим, битикларим, шеърларимни элимга тутқаздим. Ўзбекистоннинг меҳри билан йўғрилган қатор—қатор шеърини китобларимни элим онам каби қувониб кутиб олди... Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасига аъзоликка лойиқ топилдим (1989 йил).

Тил ўрганиш, билиш орқали дунё адабиётининг кенг оламига кириб бордим. Ажойиб классик шоирларнинг шеърлари, насрий асарларини ўзбекчага ўғирдим. Бу йўлда Москвадаги М. Горький номли Адабиёт институтида олган таҳсилларим, устозларим ўғити ва тинимсиз меҳнатим бугунги кунда ҳам ката мадад ва суянч бўлмоқда.

Таржималарим адабий жамоатчилик, шеърият шайдолари томонидан илиқ кутиб олинди. Улар қайси асрда яшашган бўлмасин, қайси тилда ижод қилишмасин, ўзим билан улар орасида, руҳим билан руҳлари орасида яқинлик сездим — бу оналик, аёллик туй\улари билан дунёни англаш, оналик, аёллик кўзи билан дунёни кўриш эди. Демак, дунёдаги ҳамма оналар бир—бирига жуда ўхшашади, бирдек ўйлашади, бирдек азоб чекишади ва бирдек қувонишади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! Туйғуларимни шеъримга солдим...

Қишлоқ. Салқин ва юлдузли тун.
Ярашади тўлин ой кўкка.
Деразадн мўралаб секин
Кўзи тушар менга, бешикка...
Ҳавасими... ортгани сари
Бешикни зар нурига белар.
Ёлғиз ўтган аёл сингари
Хаёлига нелардир келар...
Алла айтиб, бешик тебратган
Менинг эса бахтим чексиздир.
Ойни армон каби титратган
Қаршимдаги тонг — янги сўздир.

Она бўлган бахтли онларимда вужудимда, юрагимнинг остида яшаётган жонимнинг бир бўлаги — боламни ҳис этиб яшаганимда кўзларимга дунё бошқача кўринди. Бир шоир айтганидек, дунёни кўтариб юргандек эдим. Фарзандимни қўлимга илк бор олганимда, кўшиқларда айтилганидек, дунёларга ярашиб кетдим. Бу — ҳаётга, дунёга қайта келиш эди. Энди уни ҳар бир нафасда ўсиб бораётганини кўриш, билиб туриш нечоғли бахт! ...

Кўзимда кенгликлар сузади,
Кенгликни юракдан туяман.
Бағримда шамоллар кезади,
Уларни онадай суяман.
Ел куйидан тебраниб майса,
Раққосага айланди дилбар.
Қадамида чечаклар унса,
Туйғулари кенгликлар қадар —
Тилга кираётган боламнинг,
Йўлга кираётган боламнинг...

Алла ... Бу сўзни бутун дунёдаги оналар жуда яхши билишади. Алла — дунёнинг биринчи кўшиғи. У қайси тилда янграмасин, оҳангги бир, маъноси бир, жозибаси бир, қудрати бир. Алла айтмаган онани тассаввуримга си\диrolмайман. Юрагининг тубидаги азиз туйғуларини, орзуларини шу боласига айтмаса, ба\ишламаса, кимга айтади, кимга бағишлайди!...

Ҳали туннинг ярми, ухлагин болам,
Ҳали бутун борлиқ уйқуда, алла.
Юлдузлари сайрга чиққан фалак ҳам
Ҳилолга айланган туйғуда, алла.
Хаёлотга тўлуғ тунлар қучоғи
Сен эдинг орзуим, эртагим, алла.
Тонг чоғи куёшнинг нурига тўлган

Йўлларга сен билан боқарман, алла.
Беғубор нигоҳин завқини туйган
Гулларга сен билан ёқарман, алла.
Куласан, кулгунгда нурларнинг рақси,
Вақт эса оқаркан биз билан, алла.
Камолга етканинг ҳар битта баҳсинг
Сездирганда ажиб ҳис билан, алла.
Болалик, шўхлигинг кўшиқ ва эртак
Каби тилларимга бойланар, алла.
Умринг юрагимдан бошланган бешак,
Умр йўлларимга бойланар, алла.
Ёшлик — ўйларида турфа ранг очиб,
Гўё ниҳояси йўқ парвоз, алла.
Сен ўша сирларни юлдузга сочиб,
Ёшлигим боғидан хуш овоз, алла.

Илмга интилиш, фарзандларини ҳам илмга муҳаббат руҳида тарбиялаш туйғуси оналаримизда жуда кучли ва бу табиий. Мен ҳам ўз фарзандларимга илм ҳақида сўзлаганимда, албатта, ҳазрат Навоийдан бошлайман.

Илм ўқуб билмаган амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Ҳазрат Навоий демишларким: кимки илм олиб, олган илмига амал қилмас экан, ерга дон сочиб, ҳосил кўтармаган билан баробардир. Демак, илмни олиш билан ололмаслик, ўқиб ҳам, уқолмаслик хусусида фикр юритилмоқда. Кимки илм олишга бел боғлаган экан, ундан ўзи ҳам, эли ҳам, юрти ҳам наф кўрмас экан, бу илмнинг бефойдалиги айтилмоқда бу ҳикматда.

Илм , Навоий, сенга мақсул бил,
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.

Яъни, илм ўрганишни энг улуғ мақсадларинг, ниятларингга айлантир, дейдилар ҳазрат. Навоий қўллаган илм сўзини кенг маънода тушуниш мумкин. Булар—сабоқ олиш илми, ҳаёт илми, яшаш илми, муомала илми, мунособатлар илми, дунё илми, ер остидаги ва осмон остидаги, фалакдаги ва борлиқдаги илм,кўнгили илми, хуллас, санайверсанг, саноғи йўқ илмлар. Шуларни ўрганишга жазм этдинг, улар ҳаётингнинг мазмуни даражасига кўтарилдими, бас, энди бу ўрганганларингга, билганларингга ўзинг—да амал қилгин, шунда илм чин маънодаги катта илмга айланади, демишлар ҳазрат Навоий.

Ўзбек оналари ҳазрат Навоий айтганларидек, илм билан меҳнатни уйғунликда тушунадилар. Улар фарзандлари билимли ва меҳнатсевар бўлиб етишларини нафақат орзу қиладилар, балки бунинг учун ўзлари ҳам умр бўйи ҳалол меҳнат қиладилар, ибрат мактабини яратадилар. Фарзандларимиздай бахтли авлод дунёда йўқ. Чунки улар мустақил Ўзбекистоннинг — келажагидир. Биздан-да бахтли оналар дунёда йўқ. Чунки бизлар шу ўғил—қизларнинг оналаримиз. Уларни дунёга келтириб, улғайтириб, элим деб, юртим деб яшайдиган фидойи қилиб тарбиялашни бахт деб биламиз. Ахир, дунёда ўз она юртингдан ҳам муқаддас тупроқ, оналикдан ҳам улуғроқ бахт топилмайди.

2006 йил.

ОНАМНИНГ МАКТУБЛАРИ

БАДИА

I. Илк сўз

Тонг отади, кун ботади – уларга қўшилиб сен ҳам оқасан. Аммо тонг ҳамиша нималарнидир, кимларнидир топиб бергани сенга камлик қилади. Сен ҳеч қачон ҳеч кимимдан, ҳеч нарсамдан айрилмасам, дейсан. Бирок... мен ҳам отамни йўқотганимга ҳеч вақт бўлмасдан Сизни ҳам кеч кузак этагида йўқотиб қўйдим, онажон!...

Онам, меҳрибон онажоним! Қайдасиз? Қайлардасиз?! Қалбим тўла изтироб, кўзларимда соғинч, туйғуларим қайғули–бариси сизни йўқотмишимдан! Сўнги кунларингиз, сўнги дамларингизда ёнингизда бўлган, юмилаётган, қайтиб очилмас кўзларингизни кўрган, қачонлардир, толим–толим, елкангизни тўлдириб, тўлқинланган қалин, қоп–қора сочларингизни сийраклашганини, оқариб кетганини кўриб, кўзларимда ёш билан силаган, юрагингиз сўнги бора ураётганини эшитиб турган, совиб улгурмаган вужудингиз, танангизни кучиб, оҳ урган бўлсам–да, сизни сўнги йўлга кузатиб, қабрингизни такрор ва такрор , қору ёмғир демай зиёрат қилсам–да, бизга – олти ўил–қизга жон ато этган жонингизга жон беролмадик, онам, меҳрибон онажоним!

Мен сизни ҳамиша тирик деб ўйлайман, она. Кўз ўнгимдан кетмайди – саксон йиллик қувончу азоблардан ажин тортган нурли чехрангиз, саксон йиллик умр йўллари эритиб турган кўзларингиздаги гоҳо бахтли, гоҳо мунгли шуълалар... Улар шу дамда қаламимдан эмас, кипригимдан тўкилади, оппоқ қоғозларга эмас, юрагимнинг тубидаги дostonга айланиб боради.

Сўзларим тугамайди, тугатолмайман, онажон, жоним онам!... Кўлимда – хатларингиз. Сиз уларни менга оз эмас, кўп эмас – 27 йил аввал – Москвада Адабиёт институтида ўқиб юрган кезларим Самарқанддан Москвага йўллагансиз Мен уларни авайлаб–ардоқлаб сақладим. Буни эшитиб, қанчалик қувониб: « Сақлаб қўй. Йўқотма, мени соғинсанг, ўқиб турарсан», дедингиз. Уларни сиз ёнимда, ҳаёт пайтингиз қўлга олиш, ўқиш қувончи бошқа экану, энди сизни йўқотганимда қўлга олиш, яна ўқиш, ўқиганда ҳам ҳар бир сўзни биртта–битталаб ўқиш армони бошқа экан. Бунинг азобиға ким етсин, ким етибди, онажон!...

Сиз биз фарзондларингиз каби олий даргоҳларда ўқиб, идораларда ишламадингиз. Ота уйи болалиги уруш йиллари, ёшлиги урушдан сўнги машаққатли даврга тўла йўллар, севимли оила, болалар – шуларда мужассам эди ҳаётингиз, орзуларингиз ва армонларингиз. Сизнинг илмингиз ҳам, мансабу мартабангиз ҳам – Оналик эди. Сиз мен учун дунёдаги энг ўқимишли, саводли, зиёли инсон, она. Буни мен ҳар дақиқада кўриб, сезиб борганман. Нимаики ўрганган бўлсам, сиздан олдим. Сиз – мактабим, муаллимамсиз.

Ҳаётда тўғрисўз, ҳаммага бирдек меҳрибон, ёмонликни ҳеч кимга раво кўрмаганим, кулганда овозлари жарангдорим, йиғлаганда, кўз ёшлари мунчоқ – мунчоқлигим, \амлари–да гўзал, севинчлари ғазалим, қўли ишдан, юмушдан чарчамаганим, дуоғўйим эдингиз, онам, меҳрибон онажоним! Саранжому сариштам, фариштали озодам! Юзлари тини\им, сочлари майиним, сўзлари мулойимим, кимга опа, кимга сингил, кимга дугона, кимга дардкаш, кимга хола, кимга амма, кимларга момо, онам! Кўп ўйларди, хўб сўйларди тили ширин, булбулигўё онам, меҳрибон онажоним!

Менга асли сиздан юққан – Сўзга, шеърга меҳру муҳаббат, иштиёқу садоқат. Кўрдим – шудрингларда товланган хаёлларингизни, дарахтларга айланган орзуларингизни, кенг ҳовлини гулга тўлдириб, оқаётган сувга ўйларингиз оқизганингиз, ойнаванд айвонимизда чарх уриб, ин курган қалдирғочлар қанотиға ниятларингизни

илдирганингиз, олма гуллаганида, шафтоли гулида, ўрик шохларида, анор қизарганда суюганингизни, ёзнинг иссиқ тупроғини қўлларингизда юмшатиб, шамолларни эркалаганларингиз... Эсимда йўқ, яна нималар кўрдим – нималар кўрмадим...

Эшитдим – товушингиз бунча жарангдор, бунча ширали! Улардан олис–олис болалик, ёшлик дамларингизни излари, нафаси қолган баланд тоғлар, тиниқ сойлар, эриётган қорлар, илк бойчечакнинг ҳиди келади. Сиз ҳамиша соғинч билан яшадингиз, онажон!... Нега ўша дамларда шеърлар ёзмагансиз, ёзмадингиз, қўшиқлар эшитиб сел бўлиб оққан, болалари келар йўлга йўл бўлиб боққан, онам, меҳрибон онажоним! Сиз – менинг биринчи ва сўнгги шоирам.

Қарадим – қалбингиз денгиздай тўлиқиб, мавжланиб отилар, тунлари ой каби атрофига юлдузларни сочиб юбориб, тонгга қадар хаёллари билан ёлғиз, жимгина кезинар, армонлари, дардларини ичига ютиб, уйку билмасди. Сахарда райхонларнинг ёнига келиб, баргларини силаб–сийпалаб, дунёни унутиб, кўзларини юмиб, шундай завқ билан хидлардингизки, она!... Шунда онамнинг тунги изтироблари тонгнинг тиниқ ҳаволарида эриб битгандай кўринарди кўзимга. Эсимда йўқ, яна нелар кўрдим – нелар кўрмадим...

Билганим – кўп нарсани кўниб – кўрмаганим, эшитиб–эшитмаганим, қараб–қарамаганим. Шудир – армонларим, шудир изтиробларим... Қай бирини айтмай, онажон!.. Баҳорда чарақлаб, кузда ўйчан тортган кўзларингизними, қор тагида шивирлаган кўкламларни кутганингизними, юрагингиз тубидаги ҳеч кимга айтмай кетган сўзларингизними, дунёни, яшашни – шу ҳовлим, шу уйим, шу боларим, шу оилам деб билган умрингизними, кексалик боғларида болалиги, ёшлиги, ота уйининг соғинчлари билан тўлган дамларингизними, онам, меҳрибон онажоним!... Сиз ҳамиша, ҳатто оғир дард чекиб ётган пайтларингизда ҳам шукрона айтишдан чарчамадингиз. Нега? Нега, онажон? Ё бизни аярдингиз – билмасин оғриқларимни дермидингиз?! Ва ё сабрли, бардошли бўлишга китобсиз ҳам, сабоқларсиз ҳам, бир сўз демай ўргатиб борганингизму бу?

Ҳаётни шу қадар севганмидингизки, кўкламларга интиқ яшадингиз, келса, суюниб, кетса, суйиб кузатдингиз. Отам билан кечган эллик йиллик умр дафтарида отамга меҳру хурмат, болаларингиз – бизга аталган, ёшлик ҳароратига чулганган, сўнгги нафасга қадар юрагингизда сўнмаган, бугунги кунда хотирангиз янглиқ ловиллаб турган – оналик муҳаббатингиз ҳар недан устун ва улуғ эди, онажон. Аёллик ва Оналик – шулар эди ҳаётингиз мазмуни, моҳияти. Ҳар биримиз сизлар яратган меҳрдан унган, гуллаб–яшнаётган боғларга, тинч оқаётган дарёларга айландик. Бундан бошқа бахтнинг кераги йўқ, дердингиз доимо. Ўйнаб –кулиб келиб, ўйнаб – кулиб кетинглар, тилаганим – шу, кутганим – шу, дердингиз. Энди билсам, кўнгул хотиржамлигидан, тўқлигидан улкан бахт бўлмас экан ҳар бир инсонга. Кўнглингиз хотиржам, тўқ бўлса, сувлар тиниқ оқади, изғирин шамоллар йўлингизни тўсмайди, селлар ювиб кетмайди, қорлар, музлар босмайди. Қанчалик катта ҳикмат экан – бу!

Бу сўзларингиз, ўша пайтлар жуда оддий кўрингандир, эҳтимол. Аммо бугун шу оддий сўзларда улкан ҳаётий, теран ҳақиқат мужассамлашганлигини чуқурроқ англаб етмоқдаман. Аслида, оддийликдан туғилади буюклик, буюкликнинг буюклиги ҳам – оддийликдир, деб бежизга айтишмаган улуғларимиз. Билсам, бу айтиш оналарга ярашиқли ҳақиқат экан. Ҳақиқий оналар – улар дунёнинг қаерида яшашмасин, ирқи, ранги, эътиқоди қандай бўлмасин, ҳокисор ва камтар, меҳнатсевар ва муҳаббатли бўлишади. Фарзандлари учун ўзларидан, жонларидан, не–не орзу–ҳавасларидан беминнат кечиб юборишади. Нега шундайлигини, нега шундай бўлишини фақат улар каби чин она бўлганларгина, бошидан ўтказганларгина биладилар. Оналикни ўрганиб ҳам, ўргатиб ҳам бўлмайди. Чунки она бўлиб яраладидар!

Шукрким, шундай онага дилбанд бўлдим, бағрингизда тунлари – ой, кундузлари гул бўлиб тўлдим. Айтганим билан адо бўлармиди булар... Энди хотирангиз сўйласин, суратларингиз сўйласин. Менга ўз қўлларингиз билан ёзган бағрингиздай очик ва меҳрли,

баландпарвозлик ва сохталикдан йироқ, оддий ва кадрли мактабларингиз сўйласин, онам, меҳрибон онажоним!...

Улардан қалбингиз кўри, кўзингиз нури, қўлларингизни иссиқ тафти келади. Шунча йиллар ўтса ҳамки, қо'озлар, ҳарфлар, конвертлар сар\айишмабди – тоза ва тиниқ. Уларга кўзларимга суртиб–суртиб, аста–аста, қайта–қайта , варақма–варақма ўқишдан чарчамайман. Мен уларда сизни кўраман, сиз билан суҳбатлашаман. Сиз билан бирга юраман. Улар – мактубларингиз менга сизнинг тириклигингизни айтишади, мен уларга ишонаман, онажон!...

II. СЎНГИ ЙЎҚ СЎЗ

Мактублар... Мактублар... Ҳар бирида таниш сўзларнинг такрор–такрор айтилиши – табиий. Чунки ҳар бир мактуб – дийдор. Унда яна ўша кадрдон ва самимий сўзлар куйилиб келаверади. Бу – меҳр. Меҳрни ўзгартириб, бошқача ифодалаб бўлмайди.

Онажон, меҳрингиз тўкилиб турган мактубларингиз – бир умрга, эҳтимол, бу умримдан сўнг ҳам меники, фақат меники бўлиб қолади. Улар – менга аталган ҳаёт тухфаси, қувончлари. Онанинг фарзандини севиши, бу муҳаббатни фарзанд ҳам ҳар бир дақиқада ҳис этиб, сезиб туришининг ўзи –ҳаёт, ҳаётга муҳаббат, бахт эмасми!

Сизнинг барча яхшиликларингиз бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам йўлимни ёритиб туради, албатта. Негаки, яхшиликдан яхшилик туғилади. Оналар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фарзандларига, дунёдаги жамики одамларга фақат эзгулик истайдилар. Сиз ҳам менинг эзгулигимсиз, онам, меҳрибон онажоним! Сизнинг мактубларингизга ҳали кўп қайтаман, кўп сўзлар айтаман. Руҳингиз ҳамиша шод, охиратингиз обод бўлсин, онажон!...

2006

ЎТГАН АСР САБОҚЛАРИ, ЯНГИ АСР УФҚЛАРИ

*Таниқли адабиётшунос олим
Умарали Норматов билан суҳбат.*

-Янги аср, янги ўйлар, янги уфқлар. Булар-ҳозир биз олаётган нафас, шуур кўп жиҳатдан адабиёт билан боғлиқ. Муҳими эса, шу кунгача босиб ўтилган йўл, марра. Шу кунга халқимиз маънавий ҳаёти, хусусан адабиёти нималар билан келди? Наздингизда, ижодий зиёлилар янги уч мингинчи йиллик остонасида нималар билан нафас олмоқчи? Шахсан сизни нималар ўйга толдирапти?

-Бир қарашда адабиёт дунёсида юрган одам, хусусан адабиётшунос олим учун бу саволларга жавоб бериш осондай туюлади. Жумладан, босиб ўтган йўлга назар солайлик. Умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган адабиёт дарсликларида XX аср ўзбек адабиётига кенг ўрин ажратилган, XI синфда бутунлай XX аср ўзбек адабиёти ўрганилади. Шунингдек, олий ўқув юртлари филология факультетларининг бакалавр ихтисослиги учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги яратилиб, аср охирида- 1999 йилда нашр этилди. Йирик адабиётшунослар қаламига мансуб бу салмоқдор дарслик-тадқиқотда ўзбек адабиётининг XX асрдаги тараккиёт йўли, миллий адабиёт ривожининг асосий хусусият ва тамойиллари кўрсатилиб, Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпондан тортиб Э.Воҳидов, А. Орипов, Ш. Холмирзаев, Т. Муродга қадар аср адабиётининг пешқадам намояндалари ижоди таҳлил этилган.

Қисқаси, шу ва шу каби манбалар миллий адабиётимизнинг янги асрга нималар билан келгани ҳақида муайян тасаввур беради. Бироқ, бу манбаларда ҳали юқоридаги саволларга тўлиқ жавоб топиш қийин. Гап шундаки, янги ўзбек адабиёти аср давомида 2020 оят мураккаб, чигал, зиддиятли йўлни босиб ўтди; бу адабиёт чоризм истибдоди

йилларида аср бошида халқимиздаги миллий уй²ониш, ўзликни англаш, жаҳон тажрибаларига юз ўгириш тарзида шакллана бошлади, сўнг етмиш йилдан ошиқроқ давр шўролар тузуми, яккахоким мафкура, мустабид адабий сиёсат таъсири ва тазйиқи остида, ниҳоят сўнгги ўн йиллик эса мустақиллик шарофатида кечди. Аср давомида икки бор жаҳон уруши бўлиб ўтди, Фан-техника инқилоби юз берди. Башарият тарихи ривождаги «учинчи тўлқин»-замонавий ахборот –информатика воситалари-компьютер, Интернет, видео сингари мўъжизалар кундалик турмушимизга дадил кириб кела бошлади. Буларнинг барчаси миллат руҳиятида, адабиётида ўз таъсирини, муҳрини қолдирди.

XX асрнинг энг муҳим якуни шу бўлдики, аср бошида буюк маърифатпарвар зиёлилар, атоқли адиблар орзу қилган, бутун фаолиятини, ижодини баъишлаган, ҳатто ҳаётини тиккан истиқлол амалга ошди, ўзбек миллати жаҳонда ўз ўрни, мавқеини тайин этиш имкониятига эга бўлди.

Биз ҳали истиқлол туфайли миллат, хусусан, ижодий зиёлилар учун очилган чексиз имкониятлар моҳиятини тўла англаб ета олганимизча йўқ. Чунончи, истиқлол берган имкониятлар асосида XX аср адабиёти тарихини бутун мураккаблиги, зиддиятлари-мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатиш галдаги вазифа бўлиб қоляпти. Адабиёт тарихини ўрганишнинг эскирган мезонлари рад этилди, бироқ теран янги илмий-назарий мезонлар ҳанузгача ишлаб чиқилгани йўқ.

XX аср ўзбек адабиётини мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитиш, ўрганишнинг ҳозирги аҳволини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Янгиланган ўзбек адабиёти ўқув дастури, дарсликлар яратила бошланганига ўн йил бўляпти. Аммо мактаб ўқувчиларининг адабий билимлари, адабиётга муносабатлари кўнгилдагидек эмас. Негаки, ҳозирги кунда ўқувчилар орасида китобхонлик, китобга меҳр сусайиб бораяпти. Адабий журналлар тиражи кам. Ўз миллий адабиётимиз янгиликлари, яхши намуналари у ёқда турсин, «Жаҳон адабиёти»журналида эълон этилаётган она тилимиздаги дурдона асарлар ёшлар эътиборидан четда қоляпти. Янги аср остонасида адабиётшунос-педагог домла сифатида анна шу нарсалар мени қийнайди.

-Халқимиз янги аср Ўзбекистон асри бўлиши орзусида яшамоқда. Миллат тақдири-маърифатда, тилда, адабиётда, санъатда деб яшайтганимиз хуррам дамлар абад бизники бўлиб қолишига зиёлиларимизнинг, қайси соҳада ишлашларидан қатъи назар, масъуллигини нималарда кўрмоқдасиз?

-Зиёлиларимизнинг ҳозирги кундаги масъуллиги... бу ҳақда оддий она тили ва адабиёт ўқитувчисининг оддий касб масъулияти, жумладан, китобхонлик муаммоси хусусида тўхталсам... Республикамизда Айни пайтда ўн мингга яқин мактаб бор. Ҳар бир мактабда ўрта ҳисобда 7-8тадан тил ва адабиёт ўқитувчиси ишласа, тахминан 70-80 минг бўлади. Бу Рақамга коллеж, лицей, билим юртлари, олий ўқув юртларида филолог муаллимлар, филолог талабалар, журналистлар қўшилса филологлар сони анча –мунча бўлади. *Филолог сўзи асли юнонча бўлиб, сўзга, сўз санъатига шайдолик* дегани. Филолог нафақат ўзи, балки ўқитаётган ўқувчи ва талабасини китобга шайдо, билимга шайдо қилиши керак. Агарда шу 70-80 минг филолог бир ёқадан бош чиқарса, республикамиздаги вазият бутунлай ўзгариб, китобхонлик жонланиб кетган ва бу муаммо ўз-ўзидан ҳал этилган бўлармиди...

-XX аср ўзига хос шиّدати, зиддиятлари, талқини, қурашувчанлиги билан тарих саҳифаларида муҳрланди. XX аср ўзбек адабиётини шеъриянинг ўрнини қандай изоҳлай оласиз? Унинг ўзига хослиги нимада?

-Дадил айтиш мумкинки, XX аср ўзбек шеърияти тубдан янгиланган замонавий жаҳон шеърияти билан бемалол бўйлаша оладиган ва айни пайтда туб миллий шеъриятдир: Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Зулфия, С. Зуннунова, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, А. Орипов, Ш. Раҳмон-буларнинг ҳар бири, бу ерда номлари тилга олинмаган яна ўнлаб шоирларимиз асрнинг мана ман деган ижодкорлари сафидан жой олишга ҳақли. Афсус, биз уларни жаҳон минбарига олиб чиқа олганимиз йўқ. Истеъдодли шоирларимизнинг ўзлари ҳам бу борада ҳийла тортинчоқлик қиладилар. Бу шеърият,

аввало, ижодкорлар шахсиятининг ўзига хослиги, шеърият бўстонидаги чаманларнинг, гулларнинг ранг-баранглиги билан, миллий туйғу-кечинмаларнинг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу шеърият билан бевосита танишган хориждаги мутахассислар, айрим ижодкорлар бунга иқдор бўлмоқда, мафкуравий-сиёсий тазйиқи асрида шундай мўъжизалар яратилганини кўриб, хайратдан лол қолмоқда. Сунъий тўсиқлар, тазйиқлардан қутулган озод миллий шеъриятимиз истиқлол йилларида қисқа фурсатда жаҳон тараққийпарвар модернистик шеърияти марраларини эгаллаб олгани, бу борада ҳам тақлидчиликдан юз ўгириб, ўзига хос янги йўллардан бораётгани кишини қувонтиради.

-Китоб мутолааси ҳар қандай замон, тузум, тараққиётда ҳам ўз жозибасини йўқотмайдиган қудратдир. Биз ҳаммиша ҳам ўйлаганимиздек, кутганимиздек садоқатли, саводхон китобхон бўла олдикми?

-Китобхонликнинг ҳозирги ҳолати хусусидаги юқоридаги танқидий мулоҳазалардан бир ёқлама хулосалар чиқармаслик керак. Менимча, бу ўтиш даврига хос ўткинчи ҳодиса. Ўзбеклар қадимдан саводхон, китобга ўч халқ бўлган. XX асрда ҳам миллий мумтоз адабиётини ардоқлайдиган, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб, чексиз завқ-шавқ ола биладиган китобхон етишди. Ҳозирги ўтиш даврида ҳам халқимиз орасида «китоб жиннилари» топилади. Секин-аста, қийинчиликлар билан бўлса-да, китобга, китобхонликка қайтиш аломатлари кўриняпти... Яқин келажакда бу ҳодиса қудратли жараёнга айланиб кетса ажабмас...

-XX аср ўзбек шоирлари, адибларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нима дейсиз? XXI асрда ўзбек шоирлари, адиблари, хусусан, ёш авлод вакиллари билан қандай умидингиз бор?

-XX аср ўзбек шоирлари, адибларининг жамият ҳаётидаги ўрни хусусида умумий, расмий гаплардан тийилган маъқул. Мен Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тадқиқи билан шуғулланиб, архив материаллари билан танишиб, адибнинг икки ўғли-Ҳабибулла ва Маъсуд акалар билан кўп марта суҳбат-мулоқотда бўлганман. Бу табаррук зотнинг ўз ибораси билан айтганда, «шаҳси бутун» сиймо шундай истеъдод соҳиби бўлганига, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон»дек мислсиз асарлар ярат олганигаимон келтирганман. Бошқа бир шароитда яшаб ижод этган Абдулла Қаҳҳор билан эса етти-саккиз йил бевосита мулоқотда бўлганман. Эл-юрт ғамида ёниб яшаган, бошига қилич келганда ҳам эгилмаган, эътиқодидан, ўз сўзидан қайтмаган бунақа довюрак «шаҳси бутун» зот XX асрнинг ноёб ҳодисасидир. «Сароб», «Ўтмишдан эртақлар», «Тобутдан товуш»дек бадиий мўъжизаларни шундай зотгина яратиши мумкинлигига иқдор бўлганман...

XXI аср ижодкорлари орасида «шаҳси бутун» зотлар кўпроқ бўлишини истардим, мислсиз истеъдод «шаҳси бутун»лик билан қўшилсагина буюк кашфиётлар майдонга келади. Ижодкорнинг жамият олдидagi хизмати, биринчи галда, илҳом тўла маҳорат маҳсули бўлмиш беназир бадиий ихтиролари билан белгиланади.

2001 йил

ИЖОД ЗАҲМАТИ

Эл ардоғидаги адиб Носир Фозилов 75 ёшда

Ижод деб аталмиш йўлнинг боши, том маънода, туғилиш, болалик дунёси, бу дунёнинг улғайиб, катта йўллар яратиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўринда ёдга, албатта, ота-она, оила, муҳит, тарбия келади, зеро, улар биз учун ҳаёт мактаби...

-Туркистоннинг Кориз қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилдим. Отамнинг Фозил, онамнинг Жаҳонбибидек исми-жисмига монанд хулқ-атворлари, меҳнатсеварлиги бор эди. Эсимни танибманки, улар катта оиламизнинг таъвишлари, орзу-умидлари билан яшашни бахт деб билишди. Улардаги заҳматкашлик, тиришқоқлик, бир ишга иштиёқ билан

киришиши менга ҳам, ижодимга ҳам ўтган бўлса, азизларим - ота-онам олдида юзимнинг ёруғ бўлгани-бу.

Носир Фозиловнинг болалиги, ёшлиги оғир даврларда кечди: шўролар ҳукумати, коллективлаштириш сиёсати, уруш, урушдан сўнгги тикланиш йиллари, оч-юпунлик...

-1930-1933 йиллардаги очарчиликларда кечди болалигим. Қишлоғимизни иккига бўлиб юборишди. Биз кўчиб ўтган Ёйилма деган қишлоқдаги 70-80 хонадон чорва билан шугулланарди. У пайтларда одамлар ўқиш-ёзишга ҳавас қўйишдан ҳам кўпроқ қорин қайғуси билан қаттиқ боғланган эди. Қишлоғимизда фақат битта - Қаҳҳор дегич одамда патефон бўлиб, салгина бўлса-да, диллардан ғамларни ювиб, сени узоқларга олиб кета оларди. Бироқ китобхонлик кучли эди. Одамлар ўқиш-ёзишни деярли билмасаларда, менга ўхшаган 7-8 ёшдан мактабга бориб, шариллатиб ўқишни қойиллатадиган болаларга кечалари халқ достонлари - "Гўрўғли"дан "Ҳасанхон", "Равшанхон", "Авазхон" достонларини такрор ва такрор ўқитишдан, сел бўлиб тинглашлардан чарчаши-масди. Кейинчалик тушунсам, улар шу достонларда ушалмаган армонларини кўришар, улар билан бирга тугилиб, бирга яшаб, ғам-ҳасратларини унутишар экан. Адабиётнинг кучини қаранг-а...

Адиб ўқиган қишлоқ мактаби худди кечагидай кўз ўнгида. Қишлоқ четидаги кўрғон, бир томони сомонхона, бир четида дўконча, бир томонида сомон тўкиладиган кунгай жой. Худди шу ерда Носир Фозилов тенгқурлари билан офтобрўяда, сомонлар устида ўтириб, илк сабоғини чиқарди. Биринчи ўқитувчиси - амакиси Почтахон Қудратов ҳамма синфларга бир ўзи дарс берарди. У пайтларда ҳамма учун - 1-4 синфгача битта ўқитувчи ажратилган. Қурби етганлар шаҳарга ўқишни давом эттиришга кетар, етмаганлар далада, оилада қолишарди.

-Ҳаётимда чуқур из қолдирган яна бир инсон - бобом - отамнинг отаси. У кишини Ёўлдош оқсоқол дейишарди. Оқ-қорани таниган, ёзув-чизувдан хабари бор, салобатли, овозлари ўктам, қадамлари шаҳдам эди. Бирон-бир жойда жанжал бўлиб қолса, бобомнинг қадами етиши билан тинчир, ҳеч-бир тўй-маърака бобомсиз ўтмасди...

Ёўлдош оқсоқол неварасини Туркистон шаҳридаги мактабга жойлади. Бу - шўролар ҳукумати томонидан миллатчи деб айбланган, уй-жойи мусодара қилинган, Туркистоннинг маърифатли бойларидан бири - Саидносирбойнинг уйи бўлиб, унда биринчилардан бўлиб, рус тилида таҳсил олган, биринчи ўзбек олимаси сифатида кимё фанига муҳим ҳисса қўшган, Ойбекдек забардаст ўзбек адиби билан умргузаронлик қилган Зарифа Саидносированинг болалиги, ёшлиги кечган уй эди.

-Биз ўқиймиз деб қишлоқдан чиққан беш-олти нафар боладан охири бир ўзим қолдим. У пайтларда ётоқхона йўқ. Яёв қатнаймиз. Қишининг совуғи, ёзнинг иссиғи, шамол, ёмғирлар билан олишиб бўлса ҳам ортга қайтмадим. Шу ерда мактабни тугалладим. Адабиётга, ижодга бўлган ихлос, иштиёқим шу ерда кучли муҳаббатга айланди. Робия опа Иброҳимова деган адабиёт ўқитувчимизни эҳтиром билан эслайман. Деворий газетамиз - "Ёш куч"да ўта фаол эдим. Боиси беҳуда эмас экан, энди билсам...

Носир Фозилов ўзбек болалар адабиётига улкан ҳисса қўшган ва кўшаётган адибдир. Бу йўлда Тошкентга келиб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетининг филология факультетида таҳсил олиши муҳим ўрин тутди. Худди шу ерда илк ҳикоялари ёзилди, нашр этилди, бадиий таржимага қўл урди, улуг устозлар даврасида униб-ўсди.

Ҳаммамиз ҳам биринчи ўқиган бадиий китобимизни кўпроқ эслаймиз. Носир Фозилов бу ҳақда кейинчалик "Танишув" ҳикоясини ёзди, ҳикоя ҳозирги "Тонг юлдузи" газетасида чоп этилди, китобларига киритилди. Бу ҳикоя сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг "Қанотсиз читтак" номли кичкикинагина, кўк муқовали китоби ҳақида, у билан адибнинг қандай танишгани ҳақида бўлиб, ўз даврида жуда машҳур бўлиб кетди.

Адибнинг илк ҳикояси "Ростгўйлик" ҳозирги "Гулхан" журналида босилди (1950). Илк тўплами - "Ирмоқ"дан бошлаб (1959) ижодини болалар адабиётига бағишлашга аҳд қилди.

-Мен қишлоқ боласиман. Биринчи ҳикоямдан то ҳозирги кунгача ёзган асарларимнинг бош қаҳрамони ўзим,болалигим,қишлоғим."Ирмоқ" муқовасига чизилган сариққина бола -мен,улоқчалар -менинг сурувларим, қишлоқ,тепаликлар,дарахтлар – тутилган қишлоғим.Мен табиатни шу ерда танидим,севиб қолдим,ҳали ҳануз соғинчи билан яшайман...

..."Агар "виллис" турган дарё бўйидан жар ёқасида ўтирган Жўрага қарасангиз, уни сиз ҳам парвоз қилай деб турган бургутга ўхшатган бўлар эдингиз.У ҳақиқатдан ҳам жар ёқасига кўнган бургутга ўхшар-ди.Ўша баланд жар ёқасидан пастга қарасангиз, ажойиб манзарани кўрасиз: қирғоқини кўм-кўк камишзор,кўлазор қоплаган қоплаган Сирдарё бутун салобати билан кўз олдингизда ёйилиб ётибди..."

("Ирмоқ")

..."Сув юзида қалқиб турган пўкак қимирлар эди...Атрофдаги турли-туман гуллар,кўкатлар далага атайлаб тўшалган зангори гиламга ўхшаб товланади. Сойнинг у томонида Парпи бобо боқиб юрган шўх улоқларни,жажжи кўзичоқларни айтмайсизми? Майзорда сакрашиб,ўйнашгани бирам яхшики! Эҳ,дала қандай гўзал! Қарасанг,кўзинг камашади..."

("Дўстлар")

..."Ҳамма ёқда баҳор; ерда ҳам,кўкда ҳам баҳор.Бутун жон-жониворлар ер бетига ўрмалаган пайт:ҳув ана,осмонда турналар арқимчоқли тиров-тиров қилиб учиб кетаяпти,ерда эса тракторлар гуриллаб,артофни ларзага соляпти. Эндигина трактор сўқаси ағдариб ўтган кумоқ-кумоқ ер бурсиллаб-бурсиллаб буғ чиқаради.Ҳамма ёқда кўклам хиди, нафаси... Ҳамма жойда кўклам шодиёнаси, шов-қини....

("Қуёнча")

Носир Фозиловнинг шу кунгача яратган 70 дан ошиқ асарларида болалар,катталар,бадий таржима адабиётининг юксак намуналарини кўрамиз.Уларни номма -ном санаб ўтиш мушкул бўлса-да,китобхонлар қўлидан,адабий жамоатчилик тилидан тушмай келаётган "Оқим", "Кўклам қиссалари","Кичкина деманг бизни","Дийдор","Шум боланинг набиралари","Устозлар даврасида","Ҳаёт мактаби" кабилар алоҳида эътиборга молик.Уларда ва барча асарларида ҳам адиб болалар дунёси, руҳиятини содда ва самимий тилда юракдан севиб, очиб беради, катта ҳаётга болаларча очик кўнгиллик билан кириб боради.Болага айланиб,дунёни бола кўзи билан кўради.Бола тили билан катталар айтолмаган гапларни айтиб,дунёни кўз олдимизда янада кенгроқ ва теранроқ кўрсатади. Айниқса,асарлардаги табиат тасвирлари ана шу руҳ ва мақсадни уйғунлаштиради...

..."Йўқ,ҳечам мақтанаётганим йўқ. Ҳандалаккина ширин қишлоғимиз бор:уч маҳаллага бўлинган бўлса ҳам орастагина,шинамгина. Номи ҳам ўзига ярашиб тушган: Чаман! Одамлари ҳам қишлоғимиздай содда, ёқимтой, заҳматкаш. Одамларимиз қандай юмуш билан шуғулланишмасин, қишло-ғимизга ярашиб турадигандай назаримда:ўроқ ўриши ҳам, кетмон чопиши ҳам,кўш ҳайдаши,сув суғориши ҳам..."

Қишлоғимиз оқшомини бир кўрсангиз:одамлар даладан қайтиб келаётган,пода орқасида булутдек чанг қолдириб,қишлоқ сари сил-жиётган,кун буйи анғиз устида донлаб,ғуждон ўйнаб юрган қора захчалар қишлоқ осмонини ажиб бир куйга тўлдириб,Сир бўйига - кўноқ жойига шошилаётган. Қараб туриб ҳайрон қоласан:гўё мамлакатимизда уруш бўлмаётгандай. Бунақа пайтда одамларнинг уруш туфайли чекаётган дард-ҳасратлари-ю,лаънати урушнинг қишлоғимиз бошига солган ва солаётган нохуш надоматлари ҳам эсингга келмайди. Қишлоқнинг оқшом кўринишлари - тирикчилик мусиқаси сени бир нафас ўз оғушига олиб,сармаст қилиб қўяди. Аслида шундайми? Йўқ,бу фақат ташқи кўриниши.Қишлоқ тирикчилигига,одамларнинг ички кайфиятига тузукроқ разм солган киши бошқача ҳолатни туймай иложи йўқ.Шу кичкина қишлоқ умри,тирикчилиги ташқаридан қараганда гўё тинч оқар сойга ўхшайди. Жимир-жимир қилиб,юзаси силлиқ оқиб турибди,аммо таги-чи, таги? Тагида гирдоблар,

шоввалар, буралиб оқадиган жойлари бор, шоввалар йўлида харсанглару тўнкалар ётибди...

("Қаҳр ва меҳр")

Чиндан ҳам ўйлаб қоласан, аслида, айнан болалар адабиёти тилга тез тушади, юрагингга яқин. Чунки у - ҳаётгий, содда, самимий, тушунар-ли. Бу инсон ҳамisha соғиниб яшагани - болалиқдан айрила олмаслигимикан... Ҳар бир ижодкор ўзини яратибгина, нимадир ярата олади, яъни ёзганларида ўзи бўлмас экан, бу асарнинг жони бўлмайди. Шунинг учун ёзувчи Носир Фозиловнинг асарлари барча учун бирдай сеvimли ва қадрли.

-Тилга олганимдек, илк китобим "Ирмоқ"нинг қутлуғ келгани шуки, ўша йилиёқ китобчадаги "Иншо" ҳикоясининг туркман тилига таржима қилиниб, китоб бўлиб чиқиши мен учун қутилмаган қувонч бўлди. Энг муҳими, ўша дамдан бошлаб, таржиманинг қудратини кўрдим. У халқларни бирлаштиради, бир-бири билан сўзлатади, бир-бирини бойитади. Талабалиқ давримдаёқ шундай меҳр билан таржимага қўл урдим. Илк таржимам қозоқ ёзувчиси Собит Муқоновнинг "Ҳаёт мактаби" эди. Қозоқлар билан бирга яшаб, уларнинг тили, урф-одати, ҳаёт тарзини яхши билганим менга қўл келди. Шу кунгача ҳам таржима мен учун суюмли заҳмат, ҳам неъмат.

Адиб куюниб айтгани каби асарни шундай олиб, бир тилдан бошқа тилга ўгириб қўя қолиш - таржима дегани эмас. Қардош, қондош халқ ёзувчиларининг асарлари биз учун ҳам ўрнатқич, ҳам сабоқ. Баъзан бизнинг ёзувчиларимиз эсига келмаган, назардан қочирган нарсаларни улар ёзиб қўйиши мумкин.

-Собит Дўсановнинг "Арвона" ("Она туя") қиссасини ўзбекчага ўгирдим. Қозоқнинг бир овулига қалмоқлар бостириб келади. Йигит-қизларни, уларга қўшиб қулунламоқчи бўлган она туяни ҳам асир қилиб олиб кетишади. Туя душман ерида бўталайди. Ёзувчи бутун қисса бўйи туянинг тилидан шундай содда, ҳаётгий, жозибали гапирадики, этинг жимираб, юрагинг ёниб кетади. Туя бир дақиқа бўлсин, ўз уйи, тупроғини унутмайди. Соғинади, қўмсайди. Бир неча бор қочилишга уриниб, охири муродига етади. Ҳафталаб йўл босиб, бўрилар билан олишиб, чангалзорларни кесиб ўтиб, ниҳоят, қадрдон уйи остонасига бош қўйиб, жон беради. Бундан ортиқ қандай қилиб Ватанга бўлган муҳаббатни ифодалаш мумкин!...

Ёки яқиндагина нашрдан чиққан таржимам - Қалмақон Абдуқодировнинг "Ҳожимуқон" асарини олиб кўрайлик. Унда полвонлар ҳақида сўз кетади. Нима, бизда кураш йўқми! Ахир ўзбек кураши қадимги томирларини кенгроқ ёйиб, жаҳонда тан олинмоқда. Бу ҳақда ёзилган-лари ҳали жуда кам. Бундай асарлар учун барча адибларимиз, айниқса, болалар ёзувчилари, халқимиз, болаларимиз олдида қарздоримиз. Кураш, полвонлар ҳам болалиқдан катта давраларга қадам қўйишган, улар ҳам бола бўлишган...

Sevimли адибимиз Носир Фозилов таржимасидаги ўнлаб қозоқ драматургларининг асарлари ўзбек театр сахнасига олиб чиқилди. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ адабий алоқалари, халқлар дўстлиги ҳақидаги юзлаб мақолалари чоп этилди. Адиб асарлари ҳам рус, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, қирғиз, арман, грузин, хинд, украин тилларига таржима қилинди ва илиқ кутиб олди.

... "Муаллифни ахлоқий муаммолар ўйлантиради: авлодлар ўрта-сидаги боғлиқлик, халқининг ўтмиш ва келажаги... Носир Фозиловга уруш мавзуси ҳам яқин. "Қорхат хат" қиссаси Соғиндиқ исм-ли боланинг тилидан ёзилган. Уни ўртоқлари Соғиндиқ шоир дейишади. Ўқувчи қаҳрамон билан биргаликда олдида очилаётган манзараларга, воқеликка кириб боради. Кўз олдимизда Ўзбекистоннинг кенгликлари, улуғ ва ранг-баранг табиати намоён бўлади. У ерда яшаётган халқнинг яшаш тарзи, турмушининг ўзига хосликлари билан танишамиз. Айниқса, ёзувчи томонидан тасвирланган табиат манзаралари асарнинг ҳаяжонли жиҳатларини очишда муҳим ўрин эгаллайди"

("Детская литература", Москва. 1981, июнь.)

Ўзбек китобхонлари адиб қаламига мансуб бадиий таржималарда Абай, Ғабит Мусрепов, Собит Муқонов, Мухтор Авазев, Ғабидин Мустафин, Абдулла Тожибоев, Мухаммаджон Қоратаев, Қалмақон Абдуқодиров, Қаловбек Турсунқулов, Зейн Шашкин, Тўқаш Бердиёров, Амет Шомуродов, Асан Бегимов, Тўлапберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов каби улкан ёзувчиларнинг асарлари билан танишдилар ва танишмоқдалар. Қардош ва дунё халқлари адабиётларини ҳамон қизиқиш билан кузатиб борар эканлар, устоз адиб улардаги яқинликни чуқурроқ ҳис этгани ҳолда китобхонни ҳам шу туйғу билан яшашга чақиради, дунё халқлар дўстлиги билангина бой, тинч ва мустақкам бўлади, дея таъкидлайди.

Қаламга меҳр қўйган, ижодни қисмат деб билган борки, шу муҳитда дўстлар орттиради, устозлар назарига тушади, ўзи-да устозга айланади. Бу, аслида, улкан ва ўлмас дўстлик, меҳр-муҳаббат, ва албатта, уларни боғлаб турган Ижод завқи, заҳмати...

-Мен устозларимдан кўп яхшиликлар кўрганман. Бизнинг болалигимиз, ёшлигимиз, айна кучга тўлган пайтларимиз оғир даврларга тўри келди. Эътибор бериб қаралса, адабиётимизга чақмоқдай кириб келган адибларимиз, шоирларимизнинг ижоди, фаолиятини биламизу, улар ҳақда замондошларининг хотиралари деярли йўқ.. Уларни биладиганлар деярли ўтиб кетишиди. Оғир ва мураккаб эди у даврлар... Ёзгиси келса ҳам ёзолмай, айтгиси келса ҳам айтолмай кетди не-не адибларимиз не-не сўзларни!... Не-не армонлари, орзулари ўзлари билан бирга кетгандир балким...

Ардокли ёзувчимиз Носир Фозилов том маънода улуғ устозлар даврасида дунё кўрди, дунё кезди. Бу - чиндан ҳам катта бахт, бу - кечаги кунимизнинг тирик гувоҳи. Биз бунини адибнинг "Устозлар даврасида" номли асарида кўрамиз. Бунда адиб ўзбек адабиётининг забардаст дарғалари - Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Тўхтасин Жалолов, Саида Зуннунова, Саид Аҳмад, шунингдек, ота-боладек бўлиб кетган қардош халқ ёзувчиларининг қиёфаси, хулқ-атвори, ички дунёси, инсоний фазилатларини ҳаётий ҳикоялар билан тасвирлаб берадики, бу бизни ўша даврга олиб киради, улар нима учун шундай улуг инсон ва ижодкор даражасига етишганини англайсиз. Бу асар нафақат тарихий-тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, балки юксак бадиий асардир. Адиб томонидан йиллар давомида тўлдирилиб, бойитилиб келинаётган бу асар "Эсласанг, кўнглинг ёришур" номи билан мукамал ҳолда "Маънавият" нашриётидан томонидан янги нашрга тайёрланмоқда.

-Устоз-шоғирд сўзини авайлаб айтиш керак. Хозирги кунда ўзбек адабиётининг улкан адиб ва шоирлари - Абдулла Орипов, Шукур Хол-мирзаев, Ўткир Ҳошимов, Йўлдош Сулаймон, марҳум Тоғай Мурод... айтаверсанг кўп. Вилоятларда қанча! Мен уларнинг ижоди, фазилатларини эъзозлаб, укаларим дейман. Улар мени оқсоқол устоз дейишлари менга хуш ёқади, албатта...

Мустақиллик йилларида юртимиздаги ҳар бир соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Бунинг акси адабиётимизда кўриниши табиий. Шу аснода истиқлол даврида яратилаётган болалар адабиёти, унинг келажаги, ёш ижодкорларнинг ижоди ҳақидаги адиб мулоҳазалари билан қизиқдик. Зеро, бугунги кун боласининг тарбияси, том маънода, айнан шу- болалар адабиётига залворли вазифалар қўймоқда...

-Болалар адабиёти - нозик адабиёт. Болалар адабиёти биз билган катталар адабиётининг боши. Боланинг биринчи адабиёти - онасининг алласи. Қолаверса, содда, равон, қувноқ, маъноли, ритмик шеърлар. Халқ эртаклари, ҳикоялар, қисса-лар бола учун жуда зарур. Болалар ёзувчилари ўз асарлари билан болаларни катта адабиётга бошловчи дарғалар. Бу адабиёт - ҳурмат талаб адабиёт. Эъзоз талаб адабиёт -бу. Чунки болалар учун ёзилаётган ҳар бир асарда ўзинг болага айлана олмас экансан, у жонсиз танага айланади. Қаттиқроқ қилиб айтганда, бировникини олиб ёпиштирсангиз, ёпишмай туради, ямоқ бўлади. Боланинг кўнгли ҳам худди шундай. Уни синдириб бўлмайди. Унга ҳаммиша эътибор даркор. Шундагина, унинг кўнгли тўлиб ўсади. У- меҳр талаб. Шундагина, у муҳаббатингиз мевасига айланади. Изингизни босади.

Адабиёт дарсликлари, хусусан, болалар адабиёти дарс-ликлари алоҳида катта мавзу деб ўйлайман. Дарсликларга киритилган адибларимиз, шоирларимизнинг китоблари қўшим-ча адабиёт сифатида мунтазам чоп этилиб турилиши, айниқса, лотин ёзувида бериб борилиши муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Айни кунларда худди шунга заруратимиз жуда кучли. Бунинг учун ноширлик фаолиятлари марказлашган ҳолда олиб борилса, учраётган савиясиз, пала-партиш, китоб деб аташга ҳам тил бормайдиган нохушликлардан холи бўлинар эди. Адабиёт яратилади, уни "ясаб" бўлмайди. Бу том маънода, ҳам болалар, ҳам катталар адабиётига бирдек таалуқли.

Эл ардоғидаги адибнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Улар орасида "Шум боланинг набиралари" қиссаси учун Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Фафур Фулом номидаги мукофоти (1985), таржималари учун Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмасининг Бейимбет Майлин мукофоти (1986), "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони (1989), "Устозлар даврасида" хотира китоби учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1990), Қозоғистон президентининг "Тинчлик ва маънавий ҳамжихатлик учун халқаро мукофоти (1994), Ватан уруши ғалабасининг 50 йиллиги мунособати билан медал (1995), "Эл-юрт ҳурмати" ордени (1999) лари айни кунда республика миқёсидаги пенсионер, оқсоқол адибимизнинг машаққатли умр йўли, заҳматларининг мевасидир.

-Оиламиз-адиблар оиласи. Рафиқам Муборак Фозилова кўп йиллар ҳозирги "Камалак" наشريётида муҳаррирлик қилди. Қатор бадий таржималари эл назарига тушди. Улар орасида Василь Биков қиссалари, Хеньо Манд - "Хуннинг саргузаштлари", Олег Тихомиров - "Зумраша", В. Бланд, В. Желтов - "Матонат", Леопаньд Суходольчан - "Динозавр Пико", Африка эртаклари, латиш эртақларини алоҳида айтиб ўтилса арзийди. Муборакхонга бир ўзбек аёли қандай фазилатларга эга бўлиши керак бўлса, ҳаммасидан юқтирган, деб ўйлайман. Мен учун яна бир қадрли томони шуки, рафиқам - биринчи ўқувчим. У чаққон машинистка. Хатосиз ёзади, деярли барча асарларимни бирма-бир кўчирган. Кўп ўқийди. Фикрлашамиз, кези келса баҳслашамиз. Бир-биримизни тушунамиз, қадрлаймиз, муҳими - шу

Адиб тили билан айтганда, унинг иш фаолияти далада, оилада бошланган. Ўрта мактабни битиргач, хўжаликда сувчи, кетмончи, культиваторчи, табелчи, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини муваффақиятли тугаллаб, ҳикоялари, таржималари билан танилиб қолган ёзувчи Тошкентда қолиб, "Гулхан" журналида адабий ходим, масъул котиб, "Камалак" наشريётида бўлим мудири, "Шарқ юлдузи" журналида масъул котиб, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат наشريётида бўлим мудири вазифаларида фаолият юритди. Бугунги кунда эса севимли ёзувчимиз Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг болалар адабиёти бўлимини бошқармоқда.

Чиндан ҳам эл хизматида, эл заҳматида юрганлар тиниб-тинчимайди, ҳамиша изланишда, ижодда. Улар шу билан тирик, шу билан нафас олади. Бу нафас халққа ҳам бориб етар экан, ёзувчининг бахти шунда кўринади. Оқсоқол адиб Носир Фозиловнинг ўзи ҳам, асарлари ҳам ҳар бир тонгни ана шундай бахт билан кутиб олаётганлиги ибратли умр йўлидир, ижод ва ҳаёт мактабидир.

2004 йил

ОЛИМА ЮРГАН ЙЎЛЛАР

Биринчи ўзбек кимёгар олимаси Зарифа Саидносирова

ҳаёти ва ижодига бағишланади.

I

Дунёда йўллар кўп – тор ва кенг, олис ва яқин, ёруғ ва қоронғу, тиканакли ва гулли, узун ва қисқа...

Дунёда йўллар кўп – тоши оғир ва енгил, қуёшли ва ёмғирли, чакмоқли ва очик, равон ва эгри-бугри, тупроқли ва қум-тошли, чангли ва тоза...

Дунёда йўллар кўп – ташвишли ва қувончли, бахтли ва аламнок, одамларга тўла ва кимсасиз, омадли ва омадсиз, пасту баландли, орзуманд ва қайғули, куйчи ва хушбўй...

Дунёда йўллар кўп. Уларнинг бирини таърифлаш, изоҳлашга умр етмайди. Аммо бу йўллардан ўтмасдан, босмасдан туриб, тилакка ҳам, юракка ҳам етолмаймиз. Улар – бизга, табиатимиз ва руҳимизга ўхшайди. Ҳар бир инсон ўз табиатига мос йўлдан юради, ўз табиатидан келиб чиқиб, йўлини танлайди, кўнгул бошлаган йўлдан кетади. Демак, йўллар энг аввало, юракдан ўтади.

Мен ҳам мана шундай йўлларни босиб, юрт назарига, эл меҳрига сазовор бўлган инсонлардан бири - биринчи ўзбек кимёгар олимаси Зарифа Саидносированинг ҳаёт йўлларига назар солмоқни ният қилдим.

Бўлажак олиманинг илк йўллари қадим Туркистон шахрининг қадим йўлларидан бошланди. Бу ҳақда олима кейинчалик ўзининг болалик хотираларини ёдга олиб, шундай ёзади: «Биз Туркистон шахрида, Қарноқ кўчасининг катта майдонига келиб тақалган жойида, бурчак ҳовлида яшар эдик. Ҳовлимиз ичкари ва ташқаридан иборат бўлиб, бир ёнбошида янги қурилган катта пахта заводи турарди. Ичкари ҳовли билан ташқари ўртасида кичик эшик бўлиб, бу эшик девор пардалар билан ўралган эди. Ичкари ҳовлининг бутун бир томонини пишиқ, бўғотли янги уй эгаллаган. Иккинчи томонида эса озиқхона, катта айвон, ошхона ва жуда катта молхона жойлашган. Учинчи томонда очик молхона бўлиб, буни бостирма дер эдик. Ҳовлининг тўртинчи томони – кўчага қараган баланд девор. Ҳовли 1905 йилда, замонанинг энг юксак завқига мувофиқ, дурустгина қурилган. Биз шу жойда 1924 йилга қадар яшаганмиз.»

Мустақиллик шарофати Туркистон тарихининг ёпиб қўйилган зарварақларини очиб, етиб келганимиз – ҳурлик замонининг фидойилари, қурбонлари босиб ўтган оғир ва шарафли йўлларни кўрсатди. Ана шундай инсонлардан бири – маърифатпарвар Саидносир Абдулҳай ўғли Миржалилов Зарифа Саидносированинг отаси эди: «*Дадам ўрта бўйли, қорачадан келган, кўзлари йирик киши эди. У 1884 йилда тугилган. Мен уни тахминан 1913-1914 йиллардан эсласам керак. Шунда мен тўрт ёшларда эдим. Дадам жуда ақлли, юраги тоза, одамларга меҳрибон бўлган. У эски мактабда пишиқ маълумот олган, ўқиш-ёзишни яхши билган, зеҳни ўткир, жуда саводли бўлган.*»

Олима ҳаётида, онги ва фикрининг шаклланишида, илм-маърифат йўлини танлашида отасининг таъсири жуда улкан бўлганлиги, шуҳбасиз. У ёшлигиданоқ қизиқувчан ва янгиликка ўч бўлиб ўсди, отасининг ҳар бир ҳаракатини, ишини завқ ва синчковлик, ғурур билан кузатиб борди: «*Дадамнинг саъй-ҳаракати билан 1914 йили Туркистонда завод қурилди. Машина бўлими катта квадрат уйдан иборат бўлиб, ярмиси чуқурга жойланган, унда жуда катта гилдирак айланиб турарди. Бу уйда бир рус мастери ишларди. Мастер ҳеч кимни гилдирак ёнига йўлатмасди. Бир четда динамо. Электр энергияси ҳам хонадонимизни ёритиши, ҳам заводни ҳаракатга келтириши учун сарф этилса керак.*»

Машина бўлимидан сўнг икки қаватли узун хоналар бўлиб, уларда ёнма-ён ўрнатилган икки пресс баланд бўлгани учун ҳар икки қаватни эгаллаб турар эди. Чигитдан тозаланган пахта прессларга юқоридан солинар, тайёр киплар настдан олинар, дарҳол каноп матоларга ўралиб, сим ила боғланар ва ташқарига чиқилар эди. Брезент кийимлар кийган ишчилар бир томондан катта қанор-қанор пахтани завод ичида ташир ва ичкаридан тайёр кипларни думалатиб чиқарар эдилар. Завод кеча-кундуз ишларди. У ишлаганда, доим гупиллаб турар, мен унинг ана шу тирик жонвордек гупиллаган овозига қулоқ солишни яхши кўрардим. Завод ҳаволиси кенг, дарвоза катта, лекин шу ҳам торлик қилган бўлса керак, киплар ташқари ҳовлига тоғ-тоғ қилиб

тахланади. Улар орасида эса тор йўлақлар қолдирилган бўлади. Бу, албатта, кипларни тахлаш, олиш ва қизиби ёниб кетмаслиги учун қолдирилган йўлақлар бўлса керак. Бизлар киплар орасида қолдирилган шу қоронғу йўлақларда яшинмачоқ ўйнар, баъзан чиқиб кетишига йўл топмай қолар эдик. Бу қанчалик ваҳимали бўлса ҳам, бизга ниҳоятда қизиқ туюларди. Бу Туркистондаги иккинчи завод эди. Бутун туркистонликлар кечаси бизнинг заводни томоша қилгани келардилар. Албатта, биз, ушоқлар ҳам ҳар гал уларга эргашир эдик. Ёруғлик ниҳоят кучлик, ҳаммаёқ чарогон бўларди. Бизнинг ичкари уйга электр киритилган»

Ўрта Осиёнинг мусулмон халқлари учун янги усулдаги мактаб очишга рухсат берилмаган Николай подшо замонида ҳам: « ... Дадам ташқарининг энг туб харисига, ичкари ҳовлининг орқасига ёпиштириб, мактаб қурдирган. Мактабга, билмадим, Оренбургданми, ё Қозонданми, Шокиржон Иброҳимов деган татар муаллимни оиласи билан олиб келган. У машҳур татар адиби Олимжон Иброҳимовнинг биродари эди. Мактаб бир, аммо ниҳоятда катта хонадан иборат. Узун-узун парталар қўйилган. Мактабда кенг тўнли саллалли, қўлида узун чубуқли бир ўзбек халфа ҳам бўларди. Уни кўрган одам мактабимизни эски мактаб деб ўйлаши муқаррар эди. Мактабда она тили, ҳисоб, жўрофия, тарих дарслари ўқитилар, бутун дарсликлар татар тилида, Қозон ва Оренбургдан келтириллар эди. Агар камбағалларнинг ўғил-қизлари пулсиз ўқитилсалар, бекларнинг болалари муаллимга ҳақ тўлар, бунинг бадалига дадам муаллимни маош билан таъминлар эди.» - деб ёзади Зарифа Саидносирова ва ўзи ҳам илк сабоқни олти ёшидан бошлаб – 1915 йилнинг кузидан шу мактабда олади.

Оқ подшо тахтдан ағдарилганда саккиз ёшни қаршилаган Зарифа Саидносирова ўз хотираларида шундай ёзади: «...мактабимиз яширин вазиятдан очиқ ҳолатга ўтди. Биз клубга ўхшаши катта бир хонадан кинора билан туташган тузуккина уйга кўчиб ўтиб, уч-тўрт хонани эгалладик. Кейинроқ эса юқорида айтганимдек, ташқаридаги бундан ҳам янгироқ ва яхшироқ хоналарга кўчиб ўтдик. Дадам недандир большевиклардан қочиб, бирданига қайгадир кетиб қолди. Тошкентгами, Қўқонгами - билмайман. Оқлар, қизиллар деган сўзлар халқнинг оғзидан тушмай қолди. Буни катта-кичик биронтамиз англамаймиз. Бугун қарасак – оқлар келаяпти, эртага эшитсак - қизиллар келаяпти.»

Бўлажак олима 15 ёшга тўлганида отаси билан Тошкентга келди. Собиқ Пистолоцци номидаги мактабда ўқий бошлади. Кўп ўтмай отаси бутун оилани Туркистондан Тошкентга кўчириб олиб келди. Шу йиллардан бошлаб, Зарифа Саидносирова ҳаёти Тошкент билан боғланди, Тошкентда кечди. У эндиликда Алишер Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумида таҳсил ола бошлади. Бундан ташқари, у расм чизишга жуда қизиқар, бу соҳада қобилиятли эканлигини кўрсатиб улгурган эди. Зарифа Саидносирова машҳур рус рассоми Репиннинг шогирди Николай Розин расм студиясига қатнаб, сабоқ олди. Худди шу талабалик йилларида – техникумда у илк бор Ойбек билан учрашди, танишди. Бу ҳақда у шундай деб ёзади: « Техникумда Ойбек ҳам ўқир эди. У 3- асос синфда. Бу сўнгги синфда 12 бола – Махмуд Ҳақимов, Абдураҳим Шамсиев, Миркарим Осим, Олтой Салоҳиддинов, Ҳомил Ёқубов, Саидвали Шарафиддинов, Муқсид Қориев, Темучин, Азиз Мақсудов, фалча (исмини унутдим) , Маннон ва Ойбек таҳсид кўрардилар.»

1925 йил. Ёзги таътилни Туркистон шаҳрида ўтказган Зарифа Саидносирова мойли бўёқлар билан Аҳмад Яссавий мақбарасининг олди, орқаси ва икки ён тарафини тасвирловчи суратлар чизди. Шулардан бири – мақбаранинг ён кўриниши акс эттирилган сурат ҳозирда Ойбек уй-музейида сақланмоқда. Илмга муҳаббат ва чанқоқлик , ёшлигидан тўғри йўлни танлаб олиш ёш, аммо ўта тиришқоқ Зарифа Саидносирова табиатига хос эди. У техникумда ўқиб юрган кезларидаёқ мустақил фикрлашга нафақат ўрганди, балки бунинг бутун ҳаётининг мазмуни деб қаради. « Кимёнинг хўжалик ишларидаги аҳамияти» мавзусидаги илк маърузаси устида узоқ ишлайди, муваффақиятларининг гарови изланишлари, меҳнати туфайли эканлигини таъкидлайди ўз хотираларида.

Бўлажак олима таҳсил қайноқ нафасларида ёниб, югурган чоғлар отаси Тошкент камоқхоналарига « халқ душмани» деб ташланганида ушоққина жуссаси билан оғир юкни

елкасига ортиб, отасига овқат ташийди, отасининг турманинг зах ҳавосида уникқан чехрасига, азоблардан ичига тортган кўзларига бокиб, юраги ўртанади, ачишади. Улар бир оғиз сўзлашмасалар-да, ҳаммасини англайди, тушунади. Яна олдга юриб, қаддини ростлайди. Йўллар, йўллар кутади уни...

Бу ҳақда у шундай ёзади: «...ойим, бувим, ҳаммамиз вокзалда йиғлаб қолдик. Дадам вагоннинг темир панжарали деразаси орқали хайрлашди. Биз дадамдан айрилдик. У Оқ денгиздаги Соловки оролига жўнатилди. Орадан бироз вақт ўтгач, мени Зебунисо номидаги қизлар мактабига муаллима қилиб тайинладилар. Мен математика, физика, кимёдан 5,6, 7 синфларга дарс бера бошладим. Шу орада САГУга – Ўрта Осиё Давлат дорилфунинига ўқишга кирдим. Мен физика-математика факультетининг кимё шўъбасига кирдим. Мен САГУга ўқишга кирган биринчи ўзбек қизи эдим. Кириш имтиҳони ниҳоятда қаттиқ ўтди. Катта бир комиссия олдида физика, кимё, рус тилидан имтиҳон топширдим. Энди мен ҳам муаллима, ҳам талабаман! Мактаб билан дорилфунун ўртасида елиб-югураман... Ўртада расм студиясига қатнайман...»

Зарифа Саидносированинг тақдир йўллари Ойбек деб аталмиш ёрқин юлдуз билан туташди. Ҳали бу йўлларда жуда кўп заҳмат ва машаққатлар борлиги, уларни енгиш учун ўзида ирода ва эътиқод мустаҳкамлиги Зарифа Саидносирова табиатида, руҳида мужассамлашган эди. Буларнинг барини илм ёғдуси ёритиб турар, янгидан-янги йўлларга бошлар, янгидан-янги йўллар очарди.

Тошкентда Пахтачилик институти ташкил этилди. Бу институт йиллар давомида турлича мақомларга эга бўлди– Тошкент қишлоқ хўжалик институти, яқин ўн йиллардан ошдики, Тошкент Давлат аграр университети деб аталмоқда. Янги институт учун мутахасисларни танлашди. Улар орасида бўлажак биринчи ўзбек кимёгар олимаси Зарифа Саидносирова ҳам бўлиб, у 1930 йилдан бошлаб, то 1986 йилгача шу олий даргоҳда талабаларга рус ва ўзбек тилларида лекциялар ўқиди. Шу йиллардан унинг чин маънодаги меҳнат йўллари, олималик заҳмати, аёллик ва оналик бахтининг гўзал қувонч, ташвишлари тўлалигича ўз меваларини бера бошлади. Бу йўлларда унга сеvimли фарзандларининг меҳри, бекиёс Ойбекнинг бетакрор шеърлари, ҳар бир дақиқанинг қайтмаслигини англаш ҳикмати ҳамиша ҳамроқ бўлди, қўллаб-қувватлади, кўнгли ва руҳи баландлади, гуллади.

«Мен 1930 йилдан бошлаб, ўрта мактаблар учун кимёдан дарслик ёзишни ўйлай бошладим. Бунинг учун энг аввал кимё атамаларини ишлаб чиқиш керак эди. Шунинг учун мен атамалар билан шугуллана бошладим ва айни замонда дарслик ёзишга ҳам ҳозирлик кўрдим, - деб ёзади олима ва яна давом этади. - Рабфақлар ва техникумлар учун ёздигим «Анорганик кимё» дарслиги босилиб чиқди. Ҳажми 18 босма тобоқ бўлиб, лотин ҳарфи ила чоп этилган. Бу кимё фанидан ўзбек тилида чоп этилган биринчи дарслик эди. Шу туфайли менга доцентлик унвонини бердилар. Китобга шоир Элбек муҳаррир бўлди. У камтарин, хушмуомила одам эди. Мен 1931-1932 йилларда САХИПИ наириётига кимё бўйича атамалар китобини топширган эдим. Дарсликдан сўнг у ҳам босилиб чиқди. Ўша йилларда ўрта мактабларнинг қариийб барча синфларида Верховскийнинг кимё фани бўйича чиқарган китоблари дарслик сифатида ўқитилар эди. Мен шу дарсликларнинг кўпини ўзбек тилига таржима қилдим».

Бу йиллар ва йўллар орасида Зарифа Саидносирова отасини бир лаҳза бўлсин, унутмайди. Отасининг Соловкидан Бийска кўчирилиши, яна Тошкентга олиб келиниши... бир неча вақтдан сўнг: «Изламанглар! Хат ўзишдан маҳрум ўлароқ узоққа сургун қилинган» дейишлари...

«...Шундай қилиб, дадам бояқиш 53 ёшида йўқ бўлиб кетди ва шу қисқа умрининг 11-12 йилини ҳибс ва сургунларда ўтказди. Жуда ақлли, зеҳнли, ўтқир одам эди у. Бир куни у ўзаро сўзлашиб ўтирганимизда: «Агар шундай замонда тугилиб ўсган бўлсам, фақат илм билан машғул бўлган бўлардим» - деб афсусланган эди. У Тошкентда биринчи дафъа қамоқда ўтирганида, бир рус математики билан бирга бўлган ва бутун олий математика курсини мукамал ўрганган. Интеграл, дифференциал, логорифмаларни яхши биларди у.

Дадам 1936 йили Соловкидан қайтганидан сўнг 10 ойгина уйда озод яшади. Келди-ю, яна 1937 йил гирдобига дуч келди...» - дея ёзади кейинчалик олима ўз хотираларида.

Йўллар... Улар нақадар узун, уфққа туташган. Шу йўллардан Ойбекдай улуг инсонга меҳри ва муҳаббатини ардоқлаб ўтди Зарифа Саидносирова Аёл бўлиб...

Шу йўллардан фарзандларининг бахту камолини ўйлаб, елиб, югуриб, ёниб-куйиб ўтди Зарифа Саидносирова Она бўлиб...

Шу йўллардан илм-маърифатнинг илк чироғини қалбида ёққан маърифатпарвар отасининг ўлмас хотирасини бир умр ёдлаб, номини оқлаб, отасининг қизи бўлиб ўтди Зарифа Саидносирова...

Шу йўллардан кўлида китоб, қалам, тилида илм сабоқлари, дилида иштиёқ ва истак ўти билан олима бўлиб ўтди Зарифа Саидносирова...

Шу йўллардан юрт равнақи, эл хизмати йўлида меҳру муҳаббати, меҳнату заҳмати билан ўтган Зарифа Саидносированинг номи тарих саҳифаларига битилди. Биз бу саҳифаларни олима ёзиб қолдирган китоблар, мақолаларда, у билан бирга ишлаган, унинг сабоқларини тинглаган, бугунги кунда устози каби илми билан элига, юртига хизмат қилаётган шогирлари хотираларида очиб ўқиймиз, тинглаймиз. Булар хотираларгина эмас, балки ҳар биримизга ҳаёт сабоқларини ўргатувчи бойлик, аслида.

II

Зарифа Саидносирова билан кўп йиллар бирга ишлаган, ажойиб инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Физика ва кимё кафедраси профессори Абдулатиф Абдусаматов хотираларидан...

-Зарифа Саидносированинг 56 йиллик (1930-1986) меҳнат ва ижод, демакки, ҳаёт йўллари бизнинг университетда кечди. Шундай инсон билан мен каби юзлаб олимлар бирга ишлашди, минглаб талабалар унинг илм зиёсидан баҳраманд бўлишди. Шу боис бу эъзозли инсон ҳақида билганларимни ёзмақ ва сўзламоқни бурчим деб билдим. Шу ўринда менга машҳур адиб-Мусо Тошмуҳаммад ў²ли Ойбекнинг умр йўлдоши, энг яқин маслақдоши ким эди деган саволни кўп беришади.

Бу-ўзбек рассоми ва биринчи ўзбек кимёгар қизи, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан ва техника арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти соҳибаси Зарифахон Саидносировадир.

Зарифа Саидносирова 1905 йил 31 августда Чимкент вилоятининг Туркистон шаҳрида ту²илган. Отаси Саидносир Миржалил ²ли, онаси Зарифбой қизи Қумриой бўлиб, улар Туркистондан Тошкентга кўчиб келишган. Зарифа Тошкентдаги мактабда, сўнгра Навоий номидаги Педагогика техникумида таҳсил олди. Мазкур техникумнинг III босқичида Ойбек ўқирди, у техникумдаги «Тонг юлдузи» деворий газетасининг муҳаррири эди. Улар шу ерда танишдилар.

Зарифа Саидносирова техникумни тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университетида ўқишга ки²ради. Ўша йили улар-Ойбек ва Зарифа умр йўлларини бир-бири билан умрбод бо²лашди.

1930 йили Ўрта Осиё Пахтачилик институти, кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент Давлат аграр университети) ташкил бўлганда, кимё кафедрасига университетни тамомлаётган Зарифа Саидносировани ишга таклиф этишди. У дастлаб ассистент, кейинчалик доцент лавозимида ишлайди. 1945 йилдан то умрининг (1986) охиригача аорганик ва аналитик кимё кафедраси мудири вазифасида ишлади.

Зарифа Саидносирова ишчи факультетлар ва техникумлар учун ўзбек тилида биринчи бўлиб аорганик кимёдан ўқув қўлланма ёзди. Шу билан бирга рус тилидаги ўқув қўлланма ва дарсликларни ўзбек тилига ўгирди. Кимё фани бўйича русча-ўзбекча изоҳли лу²ат ёзди.

1961 йили Олий ўқув юртлари талабалари учун ўзбек тилида биринчи бўлиб аорганик кимёдан дарслик яратди. Мазкур дарслик 1970 йили иккинчи, 1980 йилда учинчи маротада қайта нашр қилинди.

Зарифа Саидносирова бошчилигида кафедрада ²ўза ривожланишида микроэлементларнинг роли ва уларни ²ўза аъзоларида тўпланиш динамикаси мавзусида илмий иш олиб борилган. Олима шу олий даргоҳда 56 йил илмий ва педагогик фаолиятини давом эттирди. У кишининг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб, кўксини учта орден ва қатор медаллар беади, кўплаб Фахрий ёрликлар олди.

Зарифа опа кимёгар-олима бўлиш билан бирга улу² адиб Ойбекнинг умр йўлдоши, энг яқин маслакдоши ҳам котибаси эди. Ойбек ўз номи ва ижодига нисбатан ё²илган и²во - бўхтонлар натижасида у 1951 йили хасталикка чалиниб, ўнг кўлида қалам ушлашдан маҳрум бўлди. Адибнинг кейинги йиллардаги асарларини оила аъзолари, айниқса, турмуш ўрто²и Зарифа опага айттириб ёздирарди. Шу боисдан Зарифа опа Ойбекнинг бой шахсий мероси, кўл ёзма архивини яратишда муҳим ўрин тутди.

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари Зарифа опа бошчилигида 1975 йилдан 1985 йилга қадар Ойбекнинг шахсий архивида ишлаб, адибнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламини тайёрладилар. Бу хизматлари учун 1986 йилда Зарифа опа Саидносировага Бегматов номидаги республика Давлат мукофоти берилди.

Мен Зарифа Саидносировани 1974 йили кафедрага ишга келган кунимдан бошлаб биламан. Ўшанда 25 август эди. Зарифа опанинг хоналарига кириб, ўзимни таништирдим. Шунда Зарифа опа: «Сиз кўп йиллар илмий ишда ишлаган экансиз, энди ўқув ишлари, дарс бериш санъатини ҳам ўрганишингиз керак. Сиз катта ў²лим Омонбек билан тенг экансиз. Нима ёрдам керак бўлса, бемалол тортинмай сўрайверинг» - дедилар.

Зарифа опа, менинг дарсларимга кириб, ўз мулоҳазаларини айтиб, шундай ўқисангиз яхши бўлади, деб йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Олима ўз касбининг фидойиси, талабаларга ўзининг фарзандидай қарар, меҳрибон, очиқкўнгил, доно аёл эдиларки, ҳамиша ўзининг тинимсиз ²айрати ва меҳнати билан ҳаммага ўрнатилган эдилар. Шифохонада даволанаётган вақтда ҳам келиб, талабаларга маърузани ўзлари ўқиб, яна шифохонага қайтиб кетар эдилар.

Зарифа опа билан бирга бир неча маротаба Москва, собиқ Иттифоқ давридаги 106 қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлири кимё кафедралари мудирларининг йи²илиш анжуманларида бирга қатнашганман. Шу анжуманларда Зарифа опа сўзга чиқиб, талабаларни мустақил фикрлашга чақирар, ҳар бир республиканинг хомашёларини кимёвий усуллар билан алоҳида ишлатишига аҳамият бериш зарурлигига эътибор қаратардилар. Москвада юрганимизда магазинларга кириб, кимёга тегишли китобларни ахтарарди. Зарифа опа кимё кафедраларини ва факультет кафедраларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига ўз хиссаларини қўшган жонкуяр олима эдилар.

Улу² адибимиз Ойбек, унинг севиқли рафиқаси, кимёгар олимамиз Зарифа опа халққа хизмат қилишни катта бахт деб билишди. Улар ўзларининг ижодларини халқ тақдири билан, халққа фойдали иш қилиш билан ва уларнинг қувончлари ва кийинчиликларига ҳамдард бўлиш билан ўтказдилар.

Зарифа опа Саидносированинг вафотидан сўнг унинг хотирасини абадийлаштириш учун университет раҳбарияти Зарифа Саидносирова номидаги стипендияни таъсис этди, физика ва кимё кафедрасидаги 312 катта ўқув хонаси олима номига қўйилди. Бу хонада З. Саидносировани ҳаёти ва ижодига тегишли дарсликлар, ўқув-қўлланмалар, ўқув-кўрсатмалари мавжуд. Бу ерда доимо талабалар ўзларининг мустақил ўқишларини шу ерда олиб бордилар.

Мен мана шундай улуғ инсон ва билимдон олима билан бирга ишлаб, улардан тажриба ва малака ололганимдан ғурурланаман. Уларнинг руҳи ҳамиша яхши ишларга йўлдош бўлиб, издошлари кўпайиб боришига, ном ива ижоди ўлмаслигига ишонаман. Зеро, яхшилик абадийдир. У ҳамиша ҳар биримиз дилимиз, йўлимиз, қўлимиз ва қилган - қилаётган амалларимизда бўлишини ният қилиб қоламан.

Сўхбатимизга таниқли тупроқшунос олим, юксак малакали педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари

академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро аграр таълим академиясининг ҳақиқий аъзоси-академик, биология фанлари доктори, тупроқшунослик кафедраси профессори Ходимат Махсудов қўшилди.

—Ҳаётда шундай улуғ инсонлар борки, бутун ҳаёти давомида ўзидан кейинги авлод учун қолдирган ибратли ишлари, одамларга яхшиликлари, уларга бўлган меҳр-муҳаббати билан ҳаётда ўчмас из қолдиради. Ана шундай инсонлардан бири-иймон-этикодли, пок ниятли, юксак ирода ва билимга эга бўлган етук олима ва педагог, ўзбек кимё фанининг жонкуяри Зарифа Саидносировадир.

1950-1955 йилларда Тошкент кишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат аграр университети) нинг Агрокимё ва тупроқшунослик факультетида ўқиб юрган пайтларимда устоз бизга дарс берганлар. Зарифа опа талабаларга оналарча меҳр билан дарс берардилар, Айниқса, билимга чанқоқ талабаларга жуда эътиборли бўлиб, кимё фанининг битмас-туганмас сирлари, неорганик ва кимё дарси, тупроқдаги ҳар бир кимёвий элементларини миқдори ва сифатини аниқлаш йўллари, ўз билимлари, тажрибаларини сидқидиллик билан ўргатардилар.

Бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди., Бир куни опа дарс тугашидан олдинроқ мени ёнимга келиб, дарслар тугаганидан кейин менинг кабинетимга келинг, дедилар. Бу таклифдан хурсанд бўлиб, дарсдан сўнг ҳурматли отахон домлаимиз профессор Мажидхон Баҳодиров олдиларига бориб, опанинг таклифини айтиб, маслаҳат сўрадим. Домла ўйлаб олдилар-да, юринг, бўтам, бирга кирамиз дедилар. Шунда опа ўз фикрларини, яъни, кимё фанини чуқур ўрганиш, ҳозирдан илмий—тадқиқот ишларни бошлаш зарурлигини, тупроқшуносликда қўлланадиган услубларни ўрганишим йўлларини кўрсатдилар. Назаримда, бу икки олим устозларим менинг келажагимга нур сочгандай бўлишди. Шу-шу 2-3 босқич талабалик даврларимда илгариги Гоголь кўчасидаги факультетимизнинг Анорганик ва аналитик кимёси ва тупроқшунослик кафедраларида сабоқ олиш билан бирга дарслардан сўнг кафедра лабораторияларидан чиқмай, фан сирларини ўргана бошладим. Шу ҳаракатларим, илмга интилишимни сезган бу икки забардаст буюк олимларни менга бўлган меҳрлари, йўл-йўриқлари туфайли 1955 йили ўқишни аъло баҳолар билан битириб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тупроқшунослик институти аспирантурасига йўлланма олдим. Аспирантурада дунёга машҳур таниқли тупроқшунос — эрозионист профессор В.Б.Гуссак раҳбарлигида таҳсил олдим, фан чўққиларини эгаллашга астойдил киришдим.

1960 йилда номзодлик, 1982 йили Москва Давлат университетида профессорлик, академиклик даражаларига эга бўлдим. Бу эришган ютуқларимнинг негизида ажойиб устозларим — Зарифа опа Саидносирова ва Мажидхон Баҳодировларнинг ўлмас меҳнатлари ётибди, бу меҳнатлар илм чўққиларини эгаллашимга фундамент бўлди, деб ҳисоблайман. Уларнинг ўғитлари ва хотирасини ҳамиша эҳтиром билан эслайман ва кадрлайман.

Даврлар ўтиб, 1983 йили мен биринчи таълим олган даргоҳим — ҳозирги Тошкент Давлат аграр университетига ишга келдим ва биринчи кунданок Зарифа опанинг хоналарига кириб, ўзимни таништирдим. Шунда опа кўзларига ёш олиб, мени ўз фарзандидек кучоқлаб, ўпиб, ўтган даврларни эсладилар. Менга меҳр билан қараб, энди ўқув ишлари, дарс бериш санъатини ҳам ўрганишим кераклигини устоз-педагог сифатида уқтирдилар.

Мен мана шундай улуғ инсон ва билимдон олимадан билим олиб, бирга ишлаб, тажриба ва малака олганимдан ғурурланаман. Уларнинг руҳи ҳамиша яхши ишларга йўлдош бўлиб, издошлари кўпайиб боришига, номи ва ижоди ўлмаслигига ишонаман.

- *Устоз ёди ўлмайди*, - дейди мен билан суҳбатда физика ва Кимё кафедраси катта лаборанти Лола Ҷанихўжаева. - *Шу қутлуғ даргоҳда ишлаётганимга қанча йил бўлаётган бўлса, шунча кўп яхши ишлар гувоҳи бўлмоқдаман, яхши инсонлар ва улуғ инсонлар сўзи ва амалидан баҳрамандман. Шу ерда ишлаб кетган қанчадан-қанча улкан олимлар, эъзозли зотларнинг номлари, ишлари йиллар ўтган сайин авлодлар хотирасида сайқалланиб*

бормоқда. Шулардан бири – университетимизда 56 йил фаолият кўрсатган катта олима, зукко инсон ва билимдон устоз Зарифа Саидносировадир.

Мен бу олимани ўзим кўрмаганман, суҳбатини олмаганман, маърузаларини тингламаганман. Аммо университетга ишга келган кунимдан бошлаб, шундай улуг инсон ишлаб кетган ўқув биносида ишлаш, у маърузалар ўқиган, эндиликда унинг номи билан юритилаётган хона масъулияти зиммамга тушиганидан хурсандман.

Ҳар гал шу хонага кирарканман, Зарифа Саидносированинг руҳи, нафаси енгилгина учиб юргандай, менга ҳам қувват бағишлагандай туюлади. Олима узоқ йиллар шу хонада минглаб талабаларга кимё фанининг сирларини ўргатган. Менделеевнинг жадвалини қунт билан жиҳозлаб, талабаларга тушуниш қулай ва осон бўлсин учун ҳар бир элементни кашф этган олимларнинг суратларини топиб жойлаштирган. Китоб жавонларидаги олима яратган ўзбек тилидаги биринчи кимё фани дарсликлари, изоҳли лугатлар, илмий китоблар, журналлар, қўлланмалар, ҳисоботларда олима қўлининг ҳарорати, кўзининг нури, қалбининг қўри, билимининг зиёси уфуриб турибди. Улар биз учун нафақат кечаги тарих, балки бугунги кунда ҳам қимматли қўлланмалар ҳисобланади.

Олиманинг суратларига тикиламан. Маъсум ва қатъиятли, дилбар чеҳра, ўткир кўзлар бу инсоннинг, бу аёлнинг, бу онанинг нақадар иродали ва пок инсон бўлганлигини кўрсатиб тургандай. Ойбекдай улкан адиб билан кечирган умр йўлларинини ҳикоя қилувчи фото стенд тарихдан сўзлайди. Шу суратларда ҳам Зарифа Саидносированинг кўзлари, чеҳраси меҳрдан, вафодан яралгандай ёниб турибди. Дарҳақиқат, бундай инсонлар номи ҳам, иши ҳам, хотираси ҳам ўлмайди. Улар бор эканки, эзгулик яшайди, муҳаббат яшайди.

Қибрай тумани Ўнқўрғон маҳалласида Абдукарим ота Пўлатов яшайди. Саксон ёшни қоралаётган, бутун меҳнат фаолиятини илмга, мактабга, маорифга бағишлаган, «Ўзбекистон халқ маорифи ўқитувчиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган катта ўқитувчи» «Абдукарим ота Пўлатов шундай хотирлайди:

-Марҳум амаким Ҳайитбой аканинг ўғли марҳум Эргашибой узоқ йиллар ҳозирги Тошкент Давлат аграр университетиде ишлади. Зарифа Саидносирова билан она-бола бўлиб кетишган эди. Эргашибойнинг униб-ўсиб, олимлик даражасига етишивида опанинг хизматлари, устозлик ўрни катта бўлган. Она бу ерларга – Эргашибойнинг уйига кўп марталаб келган, у кишини кўп кўрганман. Ёши ўтиб қолган кезларида ҳам гайратли, жуда гайратли, илми ўткир инсон эди...

Мухтабар Ҳасанхонова – доцент, университет фахрийларидан. У мен билан суҳбатда шундай дейди:

-Биз бошиқа-бошиқа кафедраларда ишлардик. Она ҳамшиша йўлда, иш билан банд, лекцияларини ҳар қандай шароитда ҳам ўтадиган жонкуяр инсон эди, билими ўткир олима сифатида қадрланарди Майда-чуйда гапларга қўшилмас, талабаларга, ҳамкасбларига ўта меҳрибон ва талабчан, кўзлари ҳам, сўзлари ҳам ёниб турарди. Мен унинг шижоатига, чарчаш нималигини билмаслигига ҳавас қилардим. Ҳа, она чиндан ҳам бор бўйи билан ҳавас қилгулик инсон эдилар!...

Олиманинг лекцияларини тинглаган, унинг изидан бориб, тлм йўлини танлаган, Айни пайтда олима фаолият юритган кафедра доценти Хушвақт Намозов билан суҳбатлашаман.

-Она билан учрашувим 1982 йил худди шу ерда – университетда бўлиб ўтган. Мен ўшанда Сурхондарёнинг Қумқурғон туманидан келиб, агрокимё ва тупроқшинослик факультетига кириш имтиҳонларини топшираётган бўлажак талабаман. Опага имтиҳонни кимё фанидан топширганман. Яхши топширдим. Ўшанда опанинг «болам, болам» деб меҳр билан гапириши, жавобларимдан қониқиб, кулиб турганларини ҳамон эсламан. Талабага айлангач, опанинг лекцияларини тинглаш бахтига муяссар бўлганлардан бири эдим. Устоз соф ўзбек тилида салобат билан чиройли гапирарди. Айниқса, гап орасида «боратургон», «келатургон», «айтатургон» каби сўзларни шундай жозибали қилиб айтардиларки, бунини эшитишнинг завқи бошиқача эди. Мен опани кўрган, суҳбатлашган пайтларим устоз анча кексайиб қолган бўлсалар-да, ҳамон гайратини

яширолмас, умрининг охирги йилларигача университетдан қадамини узмасди. Опанинг ҳурмати ва ўрни жуда баланд эди, қадрланарди. Шогирдлари, ихлосмандлари ва талабалари ҳамиша опанинг ёнида, изидан юришарди, сўзларини ҳикматдай тинглашарди. Чунки устоз ҳақиқатдан ҳам билимдон, тўғри сўз, қатъиятли, меҳнаткаш ва гамхўр инсон, мураббий эди. Биз ҳамиша устоздан нимадир ўрганиб қолишга интилардик. Опанинг кичкина, аммо гайратли жуссаси, ўткир овози ва кўзлари, салобат билан гапиришлари кўз ўнгимда. йилларидан бирининг таъзиясига борганимда, опани ҳорғин, юзлари, кўзлари, овозлари гамдан куйиб кетган ҳолатида кўрганман. Ўшандай ҳолатда ҳам опа мендай оддий талабаси билан ҳам эътибор бериб суҳбатлашган, ўгли ҳақида кўп сўзлаб берган эдилар... Опада барча улуғ инсонларга хос бўлган камтарлик мужассам эди. Худди шу камтарлик устозни улуғликка олиб чиққан, деб ўйлайман.

Ш

Яна йўлларга тикиламан. Йўлга тушаман. Уларда умрининг, ҳаётнинг бутун ташвишлари, қувончларини кўраман. Мени тонгги йўллар кутади. Бу йўллар одамлар билан, уларнинг ҳаётбахш нафаслари билан тўлиб боради. Бу йўллар бизни қуёшга олиб боради. Биз қуёшга интилиб, у билан тенглашиб, у билан бўйлашиб, у билан сирлашиб яшашни истаймиз. Чунки уни қалбга менгзаймиз. Биз юрган йўлларимизни шу қалбдан - қуёшдан ўтказамиз. Шундагина бу йўллар осмон билан тенглашади, ер билан бирлашади. Одамларнинг қалбига кириб боради.

Мана шундай йўлни босиб, эл юрагидан жой олган мўътабар инсонлардан бири – биринчи ўзбек кимёгар олимаси, профессор Зарифа Саидносирова сиймоси кўз олдимизда шунинг учун ҳам улуғ, шунинг учун ҳам ўчмаски, у эл фарзанди бўлиб яшади, юртим деб меҳнат қилди. Меҳнат қилган элда азиз, юртда суюк. Зарифа Саидносированинг номи ҳам илм зиёси билан йўғрилиб, юракларга, ўлкамиз тарихига муҳрланди.

2005

БАҲОРГА АЙЛАНГАН УМРЛАР

1

Баҳорни нафақат инсон, бутун борлиқ ҳамиша соғиниб яшайди. Бу соғинчда қорлар тагида шивирлабгина оқаётган ирмоқлар куйи, ёзнинг қайноқ нафасида дилга хуш ёқувчи салқин, юлдузли, ойли тунлар ҳавоси, кузги хазонларнинг чўғланиб ётган яшил хаёллари Вақт шамолида айланиб – айланиб, сайланиб – сайланиб, бойланиб – бойланиб учади. Шунда кўз олдимга, тилимга қалами беназир устоз шоирамиз Зулфия опа келади. Айнан устоз шеърлятида кўклам соғинчини қаттиқроқ ҳис этаман. Ҳеч ким унингчалик баҳорни интиқ кутмагандек, кўп шеърлар – гулдасталар тутмагандек туюлаверади менга. Негаки, Зулфия опа элимизнинг ардоқли шоири Ҳамид Олимжон шеърляти ва умрининг чин баҳори эди. Шоир ўзининг энг гўзал шеърларини Зулфия опага бағишлади:

ЗУЛФИЯГА

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрдим кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

Қучоқ - қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг...
Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

1937 йил

Ҳамид Олимжон ва Зулфия ! – бу номлар улкан шеърият дарёларидир. Улар шеър деб аталмиш гулшанда учрашдилар ва халқ юрагида, юрт тилагида оқиб ўтгувчи дарёларига айланишди. Мен гўзал ва ардоқли шоирамиз Зулфия опани мушоираларда, шеърият кечаларида, «Саодат» журнаliga шеърларимни кўтариб борганларимда кўрганман. Шеърларини, овозини залларда ўтириб тинглаганман. Кўз ўнгимда суратларидаги каби тик қомати, текис турмакланган тиниқ рангли сочлари, ўйчан қиёфаси, хотирамда салобатли ва вазмин, оҳанграболи овозлари сақланиб қолган. Лекин бирон бир марта суҳбатлашмаган эканман... Нега? Тортинчоқликданми, ёки шундай катта шоиранинг олдига бориш учун хали арзирли шеърлар ёзолмадим деб ўйладиммикан?... Фақат шеърларини ўқиб юравердим, қишлоқда ўқитувчи бўлиб ишлаганларимда шоирамиз шеърларини ўқувчиларимга кунт билан ёд олдираддим, ҳар бир сўзини меҳр билан ифодали ўқишга ўргатардим. Шунини Зулфия опага бўлган эҳтиромим ва ҳавасим деб билдим.

Бугун - баҳорнинг энг биринчи куни. Ўзбек эли қалби, юрти, шеъриятига бу кун Зулфия опа номи ва шеърлари билан кириб келади. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида шоира шеърлари ёд ўқилади, ҳайкали пойига кўклам гуллари қўйилади. Зулфия опа ҳам гулларни жуда севган, қадамидан гул аримаган, уни кўришга келган шогирдлари, мухлислари ҳамиша гул кўтариб келишган, хоналаридан гул ҳиди анқиб турган.

Менга Зулфия опа билан суҳбатлашиш насиб этмаган бўлса-да, орадан йиллар ўтиб, тақдир кутилмаган бахт инъом этди. Ажойиб кунларнинг бирида яқин ижодкор дўстларимдан бири кўнғироқ қилиб:

- Ойгул опа, сизни Хулкар опа Олимжонова сўраяптилар, - деди.

Юрагим ҳаққирди, хаяжонланиб кетдим. Хулкар опанинг уйига бордим. Мен икки дарё кўшилган жойда туғилган нурни кўрдим – Хулкар Ҳамид Олимжон қизи! Уй тўла китоб жавонлари, мумтоз ва бебаҳо китоблар. Опа билан биринчи учрашув, суҳбатимиз ҳам китоблар, шеърят, Ҳамид Олимжон ва Зулфия опа ҳақида кечди.

- Отамнинг 100 йиллик таваллуд кунлари – байрамга атаб мукамал китоб яратилса деган ўйда унинг архиви, нашр этилмаган материаллар устида ишляпман. Шунда кўлимга мана шеър тушиб қолди, -деди-да, опа русча шеърни кўрсатдилар. – Бу рус шоираси Римма Казакованинг «Правда Востока» газетасининг 1981 йил 24 март сонида босилган шеъри – «Памяти Хамида Алимджана». Шеър шу кунгача ўзбек тилига таржима қилинмаган. Излатганим, чақиртирганим боиси ҳам шу – шеърни ўзбек тилига ўгирсангиз, дегандим. Нима учун мени танладилар экан, деб ўйлаётгандирсиз. Биласизми, мен жуда кўп ўқийман. Кундалик газеталар, журналлар, янги китоблар билан танишиб бораман. Айниқса, шоиралар ижодига, таржималарга кўпроқ эътибор бераман. Шеърларингиз, таржималарингизни аввалдан матбуотдан кузатиб бораман. Янги китобингиз билан ҳам танишиб чиқдим. Менга шеърлар ҳам, таржималар ҳам жуда маъқул келди, ёқди. Шунинг учун шу шеър таржимасини сизга бераяпман.

Опа шеърни рус тилида бағоят майин, ширали ва чиройли ифода билан ўқиб бердилар. Тинглаётиб, тўлқинландим. Римма Казакова (1932 -2008 йиллар) ўз шеърида нафақат шоир, балки шоир Ватани ва халқига юксак муҳаббатини ёрқин бўёқларда, ажиб оҳангларда, самимий руҳда ифодалаган. Бу шеър яна шуниси билан қадрлики, унда Зулфия опанинг бор бўйи, шеърятига эҳтиром ва садоқатига таъзим нур каби сингиб кетган.

- Онам билан боғлиқ хотираларимни умрим бўйи айтсам-да, тугамайди. Улар қаерга бормасинлар, мени ёнида олиб юрардилар. Шу сабаб мен қанчадан - қанча улуғ шоирларни кўрдим, суҳбатларидан баҳраманд бўлдим, юртлар кездим, шеърят кечаларида, анжуманларда бўлдим. Уларнинг сиймоси ҳамон тирикдай кўз ўнгимда, сўзлари ёдимда, овозлари оҳиста эшитилиб туради. Бу хотираларим китобларга сиғмайди. Фақат бир армоним, катта армоним бор – нега ўша пайтда кундалик тутиб, ўша давраларни, ўша учрашувларни, ўша суҳбатларни ёзиб бормадим?! Ёдимга биринчи ўзбек кимёгар олимаси, матонатли инсон,

ойижоним - қайнонам Зарифа опа Саидносированинг айтганлари тушади: « ... Отамни ҳибсга олишганда, менинг кўлимга бир дафтар тутдилар ва шундай дедилар: «Шу дафтарга ҳаётингда нимани муҳим деб билсанг, ёзиб бор!» Бу дафтар кундалигимга, отамдан қолган энг азиз совға ва сабоққа айланди». Агар мен ҳам ёзиб борганимда хотираларим китобларга айланармиди? Ахир, улар нафақат ўз даврининг, бугуннинг ҳам улуғ шоирлари бўлиб яшамокдалар! Қадрдон шоирлар, отам ва онамнинг дўстлари менга дастхат ёзиб, тухфа этган китобларини қайта - қайта ўқиб тураман. Шунда кўз ўнгимга онамнинг мунис ва меҳрибон чехраси гавдаланади. Онам сўнгги йилларигача туғилган кунларимда энг аввало шеър ҳадя этардилар. Ҳаётини шеърятга бағишлаган онажоним умримнинг ҳар бир дақиқасида меҳри, юраги ва шеърлари билан бирга яшаб келаётир...

... Ўзозлар, ардоқлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонглариңгиз кулсин дориломон, хур,
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.

Хулкар опа отаси ва онаси – Ҳамид Олимжон ва Зулфия опа шеърларини шундай иштиёқ билан ёддан ўқийдиларки, мени беихтиёр титроқ босади.

Бу йил декабрь ойида Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги нишонланади. Ҳар бир ўзбек китобхонининг қалбида оташин шоир сўзлари яшаб келмоқда. Гарчи шоир жуда эрта – 35 ёшда ҳаётдан кўз юмган бўлса ҳам унинг Ватанга, халқига бўлган муҳаббати ҳар бир ватандошимиз қалбидан ўрин олган, жўшқин сатрлари такрор – такрор жаранглайди:

... Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Унинг шеърлари китоблари саҳифаларидан, қиёфаси Ватанимиз тупроғида қад кўтарган ҳайкаллар орқали бизга азиз ва қадрли. Бу ҳайкаллар Тошкент вилояти ва пойтахтимиз марказида, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва Қарши шаҳри кучоқларини тўлдириб, кўрк бағишлаб турибди.

Бу ҳақда севимли шоирамиз Зулфия шундай ёзган эдилар:

... Сен бунда меҳмонмас, азиз фарзандсан,
Сафарбар суръатга тирик эмақдош.
Қанча жилд ва қанча минглаб варақдан

Чиқиб, тер тўқасан – дехқонга йўлдош...

- Таниқли рус шоираси Римма Казакова мана шундай ҳайкаллардан бирининг пойида туриб, Сизга илк бор ушбу сеvimли газетамиз орқали ўзбек тилида таржимаси тақдим этилаётган шеърини ўқиган. Унда халқимизнинг шоиримизга бўлган муҳаббати ва ардоқли шоирамиз, онажоним ҳаёти, садоқатига ҳурматининг гувоҳи бўламиз, - дея суҳбатимизни давом эттиради Ҳулкар опа Олимжонова. - Мен шеър кучоғида туғилдим, шу гулшанни кезиб улғайдим. Адабий муҳит менинг ҳаётим ва илмий иш фаолиятимда чуқур ва ўчмас из қолдирган. Онам менга талабалик чоғларимданок ўзбек адабиётини чуқурроқ билишим зарурлигини, айти пайтда бошқа тилларни ўрганиш нечоғли муҳимлигини уқтирар, истагим - ўзбек адабиёти, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижодини ўргансанг, шу соҳада илмий изланишлар олиб борсанг, дердилар. Онамнинг ҳар бир сўзидан, изларидан ҳамон сабоқ ва ибрат оламан. 2008 йил Тошкент шаҳрида ҳукуматимиз ва элимизнинг катта сўз санъаткори-азиз онажонимга бўлган эҳтиром рамзи-Ҳайкал қад кўтарди. Ҳайкал очилиш маросимида менга сўз беришди. Тилим лол, кўзим онамда – ҳайкалда. Онамнинг руҳига, шу тупроққа, ҳайкалга таъзим қилдим. Ажойиб сўзладингиз, дейишди дўстларим, фарзандларим, яқинларим. Кўзим ёшга тўлди, сўзларим кўкларнинг илк майсалари, баргларига ўхшаб титранади. Ўшанда ҳам баҳорнинг биринчи куни эрталабдан совуқроқ туюлган ҳаво сал ўтмай юмшади, кўёш чарақлаб кетди. Мен учун ҳар йили баҳор онамнинг туғилган куни, қабри ва ҳайкалига зиёрат, унга аталган гуллардан бошланади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА

Эрта кетган улуғ шоирлар ҳар вақт
Эл – юрти қалбида битмас жароҳат.
... Давр руҳи, замон ғайрати ила
Маҳкам тутган эди шоир кўллари
Орзу – умидларга тўлуғ йўлларни.
Ташналикнинг ажиб ҳарорати – ла
Бирга туғиларди Ҳамид Олимжон!
Ундан сўнг дунёга келдим, шу чоқ
Мени қарши олди шиддат, ҳаяжон.
Меҳрли кунлару, бахт куйи қайноқ,

Лаҳзалар кечарди гўё беармон!
Буларнинг боиси – нафақат шоир
Умри давомчиси – фарзандларидир.
Вафоли аёлдай дилбар, беназир
Машаққатли йўлнинг баландларидир.
Гарчанд ушлаб кўрса бўлар мраморни,
Гарчанд майин - майин силашинг мумкин.
Лекин учраштирди мени у билан
Ўзбек шоирининг ғурури тўлар
Уфқларга туташ далалар, йўллар!
Оддийгина ҳайкал ёнида бу дам
Сукунат ҳукмрон, кенглик муаззам.
Шоир шеърларидан ёд ўқир бола
Овозида титроқ, кўз ўнгимизда
Сатрлар қад керди залворли, чакноқ.
Улкан ҳақиқатлар очдилар бағир –
Ҳамиша тирикдир Ҳамид Олимжон!
Сингиб борар бола ҳар битта сўзга,
Бу шунчаки эслаш, хотирлаш эмас.
Уни тинглардилар чулғониб ҳисга,
Ҳайкал тирилгандай кўз илғай олмас
Ҳар бир томирига жон кирган сари
Эшитилди ҳатто юрак зарблари!
Эрта кетган шоир тилга олинса
Таърифи мушкулдай, сўз айтмоқ оғир...
Десалар ишонма, бари – уйдирма!
Улар яшаётир сатрма – сатр,
Улар қолдирмиши – дилларни кечиб,
Дилларга қуйилмиш дарё – дарё сўз.
Энди сеникидир - бу юрак, бу Сўз!

Шоирлар ўлмади, содиқ дўст каби
Кўкламда гуллаган ўрикни кутар.
Дунёларга сиғмас бебаҳо қалби
Энг узун муҳаббат йўлини тутар.
Муҳаббатки, қувонч, қайғуларида
Дунёнинг энг гўзал, пок аёлини
Бошида кўтариб, мукаррам этар.
Ҳар онда, ҳар бир кун, ҳар бир байрамда
Шоир шеърларида уйғотиб тонгни
Ёниқ кўнгулларни ларзага солиб,
Меҳри – ла ардоқлаб, қучмиш Ватанни!...
Изтиробдан куйиб кетса-да юрак
Шоирдан сўз очгум ҳеч ўлим билмас –
Яшаб ўтди шундай Ҳамид Олимжон!

Ойгул Суюндиқова таржимаси

«Правда Востока» газетаси, 1981 йил 24 март

2009

ТЎРТ МИНГ ЁШЛИ НАВРЎЗ

Асрлар бўйи дилларга баҳорий янгиланиш, яратувчилик ва табиатнинг бокира гўзаллиги билан уйғунлашиш кайфиятини бахш этиб келаётган Наврўз байрами халқ кўшиқчилари, лапарчилар, бахши шоирларга улкан руҳий – маънавий куч - қувват берган. Халқ оғзаки бадий ижодиётида бу айём билан боғлиқ бетакрор яллалар, термалар ва ашулалар юзага келган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклоршунослик бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев билан шу улуғ айём арафасида суҳбатлашдик. Ўттиз йилдан буён Наврўз кўшиқларини тўплаб, ўрганиб, изланиб келаётган олимнинг шу кунга қадар «Наврўз» (1992), «Наврўз кўшиқлари» (2007) ва шу кунларда чоп этилаётган янги «Наврўз байрами» китоблари китобхонлар орасида кенг тарқалган.

- Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинган гул сайлларининг энг қадимийси ва кўп тарқалгани «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» ҳисобланади. Зарафшон дарёси соҳилида истиқомат қилувчи аҳоли ҳар йили эрта кўкламда илк бойчечаклар очилиши биланок «Бойчечак гулгардони» номли сайлга, қир – адирларга ошиқишган. XX асрнинг 20 – йилларида шу воҳа бўйлаб олиб борилган этнографик экспедиция қатнашчиси О.А.Сухарова Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида бойчечакни кутиб олиш маросимини шундай ёзади: «Бойчечак чикқанлигининг илк даракчилари болалар

бўлишган. Одатда, ўғил болалар тўп – тўп бўлишиб, далага чиқишади ва қори кетган ўнгирларда очилиб ётган бойчечакларни теришади. Улар баҳор нафаси уфуриб турган бойчечаклардан жажжигина гулдаста ясашиб, қишлоққа қайтиб келишади. Йўл бўйи бойчечак кўшиғини куйлаб, уйма – уй кириб чиқишади. Кексалар, касалвандлар бойчечакни кўзларига суртишиб, болаларга нон, қанд, ширинлик ҳадя этадилар». Баъзи жойларда болалар бир даста бойчечакни узун ходанинг учига боғлаб, уни кўтариб, қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги - қиш - қировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганини англаган. Одамлар ундан яқинлашиб келаётган баҳор ҳидини туйганлар. Кўзларига суртиб: « Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик! Янаги шу кунларга эсон – омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга!» - деб шукроналик келтирганлар.

Тошкент вилояти тоғ олди қишлоқларидаги «Бойчечак сайли»ни кузатган фольклоршунос Ш.Галиевнинг маълумотларига кўра, даста – даста бойчечак териб олган болалар тўп- тўп бўлишиб, қишлоқ айланишган ва ҳар бир хонадон эшиги олдига борганда:

-Адирлар тўла чечак,
Биз келдик уча – уча.
Бойчечагим бойчечак,
Кутиб олинг, хой, чечак, - деб куйлаганлар.

Наманган вилоятида кўкламги биринчи чечак – «гулбарра» очилганда «Бўка – бўкавой» маросими ўтказилган. «Гулбарра» сап-сарик рангли лолага ўхшаш гулнинг номи бўлиб, бу гулнинг очилганини кўрган болалар дала - қирларга ошиқадилар. Улар гулбаррадан бир даста териб олиб, кичкина таёқчанинг учига боғлайдилар ва уйни кўтариб, уйма – уй кўшиқ айтиб, кириб чиқадилар:

Бўка, бўкавой, бойтилла,
Уйингизга чоч тилла,
Худойим ўғил бўрсин,
Унинг оти Раҳматилла,
Ўлтириб чиқинг,
Ёғоч товоқни
Тўлдириб чиқинг.

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Қоракурсоқ қишлоғида яшовчи Ҳазратқул Мухаммадқуловнинг айтишича, давнинг 2-3 куни «қантар оғади», яъни ер тагига иссиқ киради. Қантар оғандан кейин қори кетган беткайларда бойчечак кўрина бошлайди. Бойчечакнинг энг кўп очилиш даври ҳут ойига тўғри келади. Шундан бойчечак кўшиғини айтиш болаларга одатга айланган. Ривоятларга кўра, бойчечак ҳам гапирар экан: « Бултурги одамлар бу йил ҳам бор экан-да», - деб қувонганидан очилиб кетаркан.

Бу байрам она заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан завқ олишга, оппоқ гуллаган ўрик шохлари-ю, қоқигулларнинг зарғалдоқ гунчаларидаги беқиёт гўзалликни дилга жо этишга ўргатади. Йилбоши ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр ям – яшил қирлар бағрига қизғалдоқлар алвон бўлиб сочиладиган фарахбахш кунлар кўз олдимишга келаверади. Бу – бободехқонларимиз мўл ҳосил олиш ниятида она еримизга барака уруғи қадайдиган, чўпон – чўлиқлар эса кўклам ёмғиридан баҳра олиб яшнаган серўт ўтлоқларга кўй - кўзиларини ёядиган саодатли кундир. Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенгкунликдан бошлаб, қуёш ҳамал буржиги кирадиган кунни байрам қилиб келади. Фасллар алмашдиган, йил янгиланадиган, қалблар яйрайдиган бу айём халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, уни тараннум этгувчи дилрабо куй ва кўшиқлар, афсона ва ривоятлар, удум ва одатлар яратилган. Шунинг учун Наврўз фақатгина йилбоши байрами эмас, айни пайтда улуғ аждодларимиз бемисл тафаккур дурдоналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадриятдир. Қадим

аждодларимизнинг Вақт ҳисобини юритиш билан алоқадор амаллари, самовий ёриткичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг сарзамини вазифасини ўтаган эътиқод ва қарашлари Наврўз байрамининг келиб чиқишига асос ясаган.

Манбаларда қайд этилишича, аждодларимиз қуёш, ой ва юлдузлар ҳаркатини жуда яхши билганлар. Энг қадимги даврларда йил даставвал икки қисмга – ёз ва қиш фасллрига бўлинган. Қишнинг аёзли, изғиринли кунлари тугагач, набобот ва ҳайвонот олами уйғонадиган, дов – дарахтлар барг ёзиб, замин яшил либосини киядиган иссиқ кунлар бошланган. Боболаримиз кўкламнинг ҳар бир аломатида эзгулик тимсолини кўрган. Табиатда рўй берган янгиланиш ва тозариш жараёни инсон руҳий дунёсига покиза эпкин олиб киради.

Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қуёш, ризқ - рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва ҳаёт тимсоли сув ва олов мўътабар саналган. Улар ўз уйлари эшигини қуёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгда чиқаётган қуёшга, тунда эса ойга уч марта эгилиб, ўз эҳтиромларини ифода этишган. Шуниси қизиқки, Марказий Осиё худудининг айрим жойларида Наврўз куни уй деворига доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати XX аср бошларида ҳам сақланиб қолган. Бу доиралар қуёш тимсоли ҳисобланган ва Наврўз байрамида тун билан кун тенглашишини англатган. Абу Райҳон Беруний ҳам ўз асарларида Наврўзнинг келиб чиқиши қуёш култи ва само ёриткичларини кузатиш анъанаси билан бевосита алоқадорлигини тасдиқлайди.

Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об – ҳавосидаги ўзгаришларни яхши биладиган билгич ҳисобдонлар баҳорий тенгкунликнинг дохил бўлиш муддатини ҳам беҳато айтиб беришган. Чунки астрономик билимлар эрта тараққий этган мамлакатимизда Вақт ҳисобини юргизишнинг қатор усуллари мавжуд бўлган. Ҳисобдонлар орасида қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган «шамсий тақвим», ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи «қамарий тақвим», ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи « тўғал ёки тўқуш ҳисоби», ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиб – тушишини кўрсатувчи «тошув ҳисоби», экинларни экиш, парваришлаш, ўриб – йиғиб олиш муддатларини ўз ичига олган « юз ҳисоби», кушларнинг кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетиши ва кўкламда яна юртимизга қайтиб келишини кўрсатувчи « куш қайи ёки долға ҳисоби» жуда машҳур бўлган. Халқимизда орасида мучал ҳисоби, деҳқон ҳисоби, чорва ҳисоби, тўқсон ҳисоби, чилла ҳисоби, «юлдуз ҳисоби», «Қамбар тўғал» ҳисоби ҳам кенг қўлланилган.

Буларнинг бариси - аждодларимиз қуёш ва ой манзиллари, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари ва муддатларини кузатишга асосланган юксак фенологик билимларга эга бўлганликларини кўрсатади. X асрнинг улкан тарихчиси Абу Бақр ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Наврўз байрамининг ёши тўрт минг йилдан ортиқроқ эканлигини исботлаб беради. Бу қайдноманинг ҳақиқат эканлигини Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ҳам тасдиқлайди. Унда келтирилишича, бутун эл йиғилиб, «ҳар йили бир кун»ни байрам қиладилар, бу кун-Наврўздир.

Наврўз байрами бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор « гул сайллари», ариқ зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган ҳашар анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган «қозон тўлди» удуми, илк кўкламда далага биринчи марта кўш чиқариб, дон экиш одати – «шоҳ мойлар» маросими, етти хил дондан наврўз гўжа» пишириш, етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, арғимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учириш, кўпкари, кўчқор, хўроз, туя уриштириш, ўйинларини ҳам ўз ичига олган. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бирида ўзига хос рамзий маъно ва эзгу тушунчалар яшайди. Бу қадимий ўйинларни Чин тарихчилари қаламига мансуб «Тан сулоласининг тарихи» деб номланган манбанинг Фарғона тавсифига бағишланган фаслида шундай битилган: « ... Ҳар йили янги йил байрамида шоҳлар ва қабила сардорлари икки гуруҳга бўлинадилар. Ҳар тарафдан бир баҳодир ўртага чиқади ва олишадилар. Иккала

томон қийқириқ ва шовқин – сурон билан ўз баҳодирини қуллаб - қувватлаб туради. Ботирлардан бирининг қўли баланд келгач, олишувни тўхтадилар ва ғолибни шоҳона тақдирлайдилар. Шу байрамда келаётган йилнинг ҳосили мўл ёки камҳосил бўлиши башорат қилинади».

Бир сўз билан айтганда, Наврўз бўйрами - суғорма дехқончилик маданиятини яратган қадимги аждодларимизнинг афсоналар билан боғлиқ тасаввурларидан тортиб, ҳозирги даврда ҳам ўз ижодий салоҳиятини намоён этаётган юртдошларимизнинг бадиий тафаккуригача улкан маънавий қадриятлар силсиласини яхлит ҳолда жамлаган шодиёналиқдир.

2008

«АВЕСТО» - ДУНЁНИНГ ҚАДИМ БИТИГИ

«Авесто» китоби, унинг тарихи, руҳи ва моҳияти улуғ аждодимиз Зардўшт номи, таълимоти, нодир ҳикматлари билан боғлиқ. Зардўшт эрамиздан олдинги 6 асрда (эрамизгача бўлган 589 – 512 йилларда) Хоразм ҳокимлигига қарашли ҳудудларда яшаган чорвадорлик билан шуғулланган. У Спитама уруғидан бўлиб, болалигидан чорвадорлар орасида юриб, уларнинг урф – одатлари, удумларини ўрганиб, турли эътиқоддаги кишилар билан суҳбатлашишни яхши кўрган. У ддийгина ҳаёт кечиради, ғоялари халқ ичига сингиб боргани сари душманлари унга қарши чиқадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардўшт Хоразмдан Эронга кетишга мажбур бўлади. Эрон шоҳи Гуштасп даврида ўз таълимотини тўла шакллантиради. Шоҳ Виштасп фармонида кўра 1200 пандномадан иборат «Авесто»ни олтин тахтачаларга ёзиб чиққан, 77 ёшида душманлари томонидан ўлдирилган Зардўшт таълимотида бугунги кунда ҳам Жанубий Ҳиндистонда 100 мингдан зиёд, Шимолий Эронда бир неча минг киши эътиқод қиладилар.

Марказий Осиё халқлари орасида ҳам зардўштийликнинг айрим удумлари ҳамон сақланиб келинмоқда. Шом тушгандан сўнг шам ёқиб кўйиш, тўйларда гулхан ёқиш, келинни гулхан атрофидан айлантириш, чавандозларнинг катта гулхан алангасида сакраб ўтишлари шулар жумласига киради. « Авесто»нинг илк саҳифалари Зардўшт томонидан 548 – 529 йиллар яратилган. Бу даврда у Амударё соҳилларида умр кечирган. Китоб Жанубий Эронда такомиллаштирилиб, 12 минг хўкиз терисига битилган. Александр Македонский Осиёга босқини даврида бу асарнинг нодир нухасини унинг юртига олиб кетилади, таржима қилиниб, жуда катта қисми ёндириб юборилади.

Йиллар, асрлар давомида бу асар кўплаб жаҳон тилларига ўгирилди, бизгача унинг маълум қисмларигина етиб келган. Адабиётларда келтирилишича, «Авесто» икки минг байтдан иборат бўлиб, унда Марказий Осиё, Эрон ва Озарбойжон халқларининг қадимги урф – одатлари, маросимлари ва халқ кўшиқлари келтирилади. Китобда афсонавий шоҳларга бағишланган дostonлар, парчалар мавжуд. Унда Амударё, Сирдарё, Хоразм, Ҳирот каби атамалар кўп учрайди. Бу жойларнинг жўғрофияси ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто»да эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб, 6 асргача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихига оид, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшовчи халқлар турмушига доир, уларнинг касб – корлари, савдо - сотиғи, қўшни халқлар билан муносабатларига оид маълумотлар, ҳар бир касб эгасининг жамиятда тутган ўрни кўрсатилган. Дехқонлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилари сифатида қадрланган. Иқтисодиёт, жўғрофия, фалакиёт, биология, фалсафа, тиббиётга доир қимматли маълумотларга бой «Авесто»нинг энг кўп боблари ер, сув, ҳаво ва қуёшга бағишланган. Уларнинг қиммати, инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, улардан фойдаланиш ва асраш ҳақида батафсил сўз юритилган.

«Ўт – ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин – энг яхши ердир. Бу сўзлар тафтида юртимиз - она Ўзбекистонимиз янада гўзал ва азиз кўринади кўзимизга. Чунки еримиз шу қадар ҳосилдор, сувларимиз тиниқ ва бойки, нимаики экилмасин, униб чиқади. Бу ҳикмат инсонни ўз Ватани билан фахрланишга, уни севиш ва қадрлашга ўргатади. Зардўшт айтганидек: « Ҳар бир инсон ўзи ўсиб - улғайган (заминни) мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак ».

«Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус – бутун асрашга бурчлидир», - дейилган «Авесто»да. ер, сув, замин, уй, бадан, кийим – кечак, озиқ - овқатларни тоза тутишга алоҳида эътибор берилиши жуда аҳамиятлидир. Унда қабристонларни шаҳар ва қишлоқлардан чеккасида жойлаштириш, уларни ўраб қўйиш зарурлиги айтилади. Атроф – муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш хусусида шундай фикрлар мавжудки, улар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Масалан, ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, кул ёки тош билан кўмиб ташлаш йўли билан микроблар ўлдирилади ва камайтиради.

«Авесто» да оташ (қуёш) покловчи ва офатни кетгазувчи восита. У билан кийим – кечаклар ҳам зарарсизлантирилган. Кимёвий воситалар - кул, сирка, турли гиёҳларни тутатиш орқали микробларни ўлдириш ва кетказиш бугунги кунда ҳам қўлланилади. Бу китобда шамол, ҳайвонлар, паррандалар, пашшалар орқали ҳам турли касалликлар тарқалиши мумкинлиги айтилиб, уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилади. Ҳар битта одамга доимий бадантарбия билан шугулланиш, юз - қўлини ювиб туриш, сочни тоза тутиш, тирноқларни олиб туриш зарурлиги, меъёри билан овқатланиш саломатликка яхши таъсир этиши айтилади. Иссиқлик, совуқлик, ҳаво, очлик, руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозалikka риоя қилмаслик , шунингдек, қурт, паша ва бошқа ҳашоратлар ёмон ҳаво касалликларини келтириб чиқариш манбаи ҳисобланади дейилган «Авесто»да 9999 та касалликнинг номи келтирилади.

15 ёш балоғат ёш ҳисобланиб, ўспиринлар 72 хил рангли иплардан тўқилган белбоғ билан белларини ўраш ва ўзларини яхшилик йўлига бахшида этиш ҳуқуқига эга бўлган. Касалликни режим, парҳез, жарроҳлик

йўллари билан даволаш, шира, барг, дон, гул, мева, гиёҳ илдизлари каби доривор ўсимликлардан қандай фойдаланиш лозимлиги баён этилади. Дорилар кунжут, хурмо, сабзи, беҳи, шакар, асал, турплардан ҳам тайёрланган. Гиппократдан бир неча асрлар аввал яратилган «Авесто»да табиблар қасамномаси, илон захри тўкилаётган идиш тасвири ҳам илк бор берилган.

Китобда қариндошларнинг оила қуриши ман этилган. Инсон соғлом ва табиат билан уйғун яшаши лозим, дейилади.

«АВЕСТО» ҲИКМАТЛАРИ

Фикр, сўз ва амал олаמידан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. мен барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман.

Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз. Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз.

Сувлар қуюлгувчи тоғларни олқишлайман. Сув туққувчи дарёларни олқишлаймиз.

Эй, яхши сувлар!

Сув ёмон фикр соҳибига насиб қилмасин!

Сув ёмон сўзлига насиб қилмасин!

Сут, эт, равон сув ва эрка гиёҳни олқишлаймиз.

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қиомасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонитидан тониб, ёлғон сўйламасин.

Ҳаргиз бу учликда сусткашлик қилма:

Эзгу фикратда, эзгу амалда, эзгу каломда.

Ушбу ёмон учликдан зинҳор юз бур:

Ёмон фикратдан, ёмон амалдан, ёмон каломдан.

Эй, кўшчи!

Ўрнингдан кўзғол. Белингни сириб боғла. Энгнингга кийим кий. Қўлларингни ювгил, сўнгра ўтин ол – да, менинг хузуримга ошиқ!

Сенинг андиша ва зийраклигинг афзун бўлсин!

Руҳинг ҳамиша ҳаракатда ва ҳаёт бўлсин!

Тирикликнинг бутун тунлари сенга шодмонлик, баланд ва хуш рух бахш этсин!

Будир – Оловнинг дуолари.

Ҳақиқат – олий шарофатдир...
Бахш эт унга бахт ва фирўзлик,
Бахш эт унга соғ - саломат тан,
Бахш эт унга чўнг бардошли вужуд,
Ул вужудга ғолиб бир имдод.
Бахшида эт тўкис эзгулик,
Наслу насаб бахш эт толели,
Узоқ умр бахш айла унга.

Осмоннинг аввал ва охири йўқ.

Сиз – яхшилар, роздорлар, тез кўргувчилар, чорабахшлар, номдорлар ва курашда ғолибларни бундан бурунроқ ранжитмаган бўлсангиз, ўша одамлар сизнинг ёнингиздан жой оладилар ва узоқ вақт ҳамнишин бўладилар.

2009

ШОИРАНИНГ ҚИЗИ

Ариадна Эфрон – ҳассос рус шоираси Марина Цветаеванинг тўнғич қизи. Бундан ташқари, шоиранинг Ирина (ёшлигида вафот этган) ва Георгий (урушда ҳалоқ бўлган) исмли фарзандлари бўлган.

Ариадна Сергеевна Эфрон (1912–1975) нинг болалиги, ёшлиги адабий муҳитнинг қайноқ нафасида кечди. Бу Ариаднанинг бутун умрини кесиб ўтган ўчмас чизиққа айланди. У болалигидан кичик–кичик шеърлар, эсдаликлар ёза бошлаган. Марина Цветаева қизининг ёзмишларини «Қиш аломатлари»(1917)–1 жилд, «Болалик эсдаликлари» (1919)–2 жилд тарзида нашрга тайёрлайди.

«Бундай китоб дунёда йўқ. Булар–қизимнинг менга ёзган болалик мактублари, биз яшаётган турмуш тарзи (кўчалар, бозор, бо\ча кабилар тасвири), тушлар, китоблар ҳақида фикрлар, тақризлар, одамлар ҳақида ўйлар –ҳаммасида олти яшар боланинг юраги, шу юракда тўлиб турган ҳаёт ўз аксини топган»– деб ёзган Марина Цветаеванинг орзулари орзулигича қолиб кетди – китоблар нашр этилмади. Болалик дафтарларида ҳамон ўша ёзувлар турибди: «Александр Блок – худди Пушкинга ўхшаш улкан шоир. Белўй–бўйи узунмас, аммо кўзлари жонсарақ, тулкиникидай, мушукникидай жонсарақ.»

Олти яшар Алянинг (уни эркалаб шундай чақиришарди) бу болалик хотира дафтарини олтимишни қаршилаётган катта Аля – Ариадна Сергеевна қайта–қайта ўқиб завқланарди:

–Қандай расво ёзилган! Қандай тумтароқлик! Қандай эркин тасвир! Ҳозир бундай ёзолмаган бўлардим...

Йўқ, ёзди у. Ёзгандаям ундан–да бетакрор ёзди. Самимий шеърлари, «Ўтмиш саҳифалари», Борис Пастернакка мактублари, бекиёс таржималари, у чизган суратлар...

Ариаднанинг онаси ва отаси – Сергей Яковлович Эфроннинг ҳаёти ўтли, дол\али, о\ир ва шафқатсиз йилларга тўкнаш келди. Чакмоқлар, момақалдироқлар, ём\ирлар остида, булутлар, туманлар орасида кечди бу умр, бу йўл. Булар Ариаднани ҳам четлаб ўтмади, аксинча, уни ўзлари билан бирга олиб кетишди. Бутун оила аввал Прага, сўнгра Парижга кўчди, бир муддат Берлинда ҳам яшашди. Муҳожирлик ҳаётига кўникиш, чидаш, тинимсиз ҳаракат, меҳнат қилиш, Алянинг гоҳ ярим, гоҳ чала, гоҳ тўхтаб қолаётган ўқишининг минг бир чорасини топиш...

Бу ҳақда Марина Цветаева изтироб билан ёзади кундаликларида. Аля эса гимназияни битиролмаган, ўз тенгқурлари сингари ёшлик завқларидан тўла баҳра ололмаган, аксинча,

оиламга ёрдамим тегсин деб тўқишни ўрганган, ундан келадиган арзимас пул билан оиласини қувонтирган бўлса—да, барчасини кўтарди ва буларни енгилгина нафас билан «қувнок кашшоқлик»ка йўйди. Онаси эса уйда қизига бор билимини берди. У адабиёт ва тарихни чуқур ўрганди, француз тилидан таржималар қила бошлади. Отаси қизининг иқтидори ерда қолиб кетишини истамас, барибир қаерда бўлса ҳам уни ўқитиш лозимлигини тинмай таъкидларди. Ўқиди, кейроқ ўқиди. Парижда Лувр қошидаги махсус амалий санъат мактаби, сўнгра Добужинский ва Библин тасвирий санъат мактабларида таҳсил олди. Бу ҳақда онаси шундай ёзади: «Бу — гимназиядан кўра яхшироқ, ҳам унвон, ҳам касб — ишлаб, яшаш учун имкониятга эга бўлади».

Отаси Ариаднанинг суратларини жуда севар, жуда қадрларди. У чиндан ҳам истейдодли мусаввир бўлиб етишди. Отаси қизининг суратлари кўрғазмасини ташкил этишга кўп уринди, аммо самарасиз кечди. Ариадна болалиқдан то умрининг охиригача адабиётдан, санъатдан, ёзишдан ва сурат чизишдан айрилмади. «У чизишдан кўра яхшироқ ёзади»,- деган эди отаси 1930 йиллар синглизига. Отаси ҳақ бўлиб чиқди. Олтмишга кирган Ариадна Эфрондан сиз қайси бирини танлаган бўлардингиз, деб сўрашганида, у ёзишга чизишдан кўра ҳамиша иштиёқи кучли бўлганлигини айтади.

Қўлига диплом олгани билан Ариадна иш тополмайди. Яна турли нарсалар тўқийди, юмшоқ қўйрочлар ясайди. Тиш шифокорининг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Немис оиласида ходима сифатида яхшигина маош, тайинли иш, қулай шароитларга эга бўлиб юрганида, онаси бундан ҳатто хурсанд бўлиб ёзади: «Ойига — 150 франк, бунинг устига денгиз бўйидаги уй! Еб—ичиши, ётиб—туриши тайинли, оила — маданиятли». Аля ўша ерда ҳам тинч ўтирмайди: буюртмалар олиб, иссиқ кийимлар тўқийди. Шундан тушган пулларни ҳам, ойлигини ҳам уйига жўнатади. Бир сафар онасининг таниш дугонаси унга тузилган кунида 50 франк берганида, шу пулга ҳам ип сотиб олиб, онаси ва укаси учун чиройли, иссиққина устки кийимлар тўқиб, уйига юборади. Ўзини эса ранги ўчган туфли, эски ёки дугоналари совла қилган кўйлақлар ҳам қаноатлантиради. Бир умр онасига беминнат хизмат қилишдан чарчамади. Бутун оқирликни юраги билан кўтарди.

1937 йилда Ариаднада танлаш имконияти тузилди. У француз қонун-чилигига кўра ўзи хоҳлаган фуқароликни қабул қилиши мумкин эди. Ариадна рус фуқаролигини танлайди. Бундай қарор қабул қилишига отасининг таъсири кучли бўлди. Сергей Яковлович Россиядан кетишини хато деб англаб етганида анча кеч бўлган, бу уни ҳамиша изтиробга соларди. Бунинг устига, Ариаднага Москвада кечган болалиқ хотиралари, қўлидан тушмаган рус адабиёти ва тарихига оид китоблар, онасининг шеърлари, хотиралари — ҳамма—ҳаммаси уни шу қарорга олиб келди. Ариадна оиласининг дўстлари, Парижда яшаб ижод қилаётган муҳожир рус адабий муҳити, шоирлар, адиблар билан бирма—бир хайрлашиб чиқди. Ўшанда буюк адиб Бунин шундай деган эди:

— Тентак қиз, ахир сени борганингданок Сибирга қувишади—ку! — бироз сукут саклаб, \амгинлик билан деди:— Сенинг ёшинг, ёшлигинг менда бўлсайди... Майли, Сибир бўлсин, майли қувишсин! Ахир, бу —Ватан, бу —Россия!...

Уни ҳамма совла—саломлар билан кузатиб қўйди. Онасининг тили билан айтганда, «ҳеч нарсаси йўқ Аля бутун бошли «келинлик сепи» билан Москвага қайтди». У борибоқ ўзига яхши иш топди — журналларда таржимонликни бошлади. Ўша йилнинг кузида отаси ҳам Ватанга қайтди. Сергей Эфрон кучли филолог, ўта қобилиятли, нозик юракли инсон, Россияни ўзидан кечиб севгувчи, оқ армияда ҳарбий бўлиб хизмат қилганида ҳам, Россияни қутқараяпман деб ишонган, совет Россиясига ҳам шу ниятда ишга кирган эди. Ариадна яхши ишлади, яна топганини оиласига ташиди. Онаси билан укаси 1939 йили Россияга қайтишди. Оила яна жам бўлди.

Журналларда ишлаб юрган Ариадна севиб қолди ва сеvimли бўлди. У — ҳамкасби Самиул Давидович Гуревич эди. Аммо бу бахт узокқа чўзилмади. Цветаева—Эфрон оиласи энг оқир, энг шафқатсиз йилларда Россияга қайтишди. Иво, туҳмат, чақам—чақарлик, гумонсираш, қама—қама авжига чиққан пайт. Чет элдан қайтганларга «ай\оқчи» там\аси босилиб, қамаш бошланди.

1937 йил 27 август. Ариадна Сергеевна Эфрон ҳам шу айблар билан хибсга олинди. У ўша олис тонгни бир умр эслаб қолди: «... Мен бу тонгда сўнгги бор онамни, отамни, укамни, хаётимда нимаики азиз бўлса, ҳаммасини сўнгги бор кўраётганимни англадим».

Ярим йил ўтиб, Марина Цветаева қизи ҳақида биринчи хабарни олади. Отаси – Сергей Эфрон ҳам қамокқа олиниб, 1941 йилда отиб ташланганлигини кейинчалик биледи Ариадна. Ариаднадан биринчи мактуб (Князний Погост, Коми АССР) 1941 йилда онасининг қўлига тегади. Уруш йиллари. Хат келмай қўйди. 1942 йилдагина холаларидан хат олади. Онаси, укаси нега жим? Бу саволни у хатларида қайта–қайта беради. Аммо ҳеч кимнинг 1941 йил 31 августда онаси–Марина Цветаева Елабугада ўзини осиб ўлдирганини айтишга журъати етмайди. Охири бу ҳақиқатни холаси Елизавета Яковлевна Эфрон айтади.

«Қадрдонларим Лиля ва Зина! Онамнинг ўлими ҳақидаги хабарни – мактубни кеча олдим. Бундай аҳмоқона ўйинни–жимликни бузганингиз учун Сизга раҳмат. Баъзан раҳмдиллик ҳам мана шундай бешафқат, дилга озор ҳам бериб қўяркан. Онамнинг ўлими ҳақида ҳамма нарсани тўлиқ, аниқ ёзиб юборишингизни сўрайман. Қачон, қаерда, қандай касалликдан, нималарнинг таъсирида? Ёнида ўша пайтда укам бўлганми? Ёки ёлғизми? 1939 йилда Париждан олиб келинган қўлғазмалари, китоблари, таржималари, суратлари, нарсалари қаерда, кимда? Уларнинг ҳаммасини, хуллас, нимаики сақлаб қолиш мумкин бўлса, барисини йиғиш, олиш лозим. Сизлар уни охирги марта қачон, қаерда кўрдиларингиз, суҳбатлашдиларингиз? Укам қаерда? У қандай шароитларда яшамоқда?

Албатта, мактубингиз мени ўлдирди. Мен онам ўлади, деб ҳеч қачон ўйламагандим. Ҳозир ҳам ота–онам ўлган деб ўйлай ололмаяпман... Агар мен онамнинг ёнида бўлганимда, у ўлмас эди. Мен бутун умр унинг о'ирини енгил қилишга ҳаракат қилдим. Ёнида бўлганимда, бу о'ирлик уни чилпарчин қилолмасди...»– деб ёзади у изтироб билан холаларига.

Онасининг архиви ишончли қўлларга – холаларига келиб тушганини билгач, Ариадна укасини хатлар орқали излай бошлайди. Укаси – Георгий Сергеевич Эфрон (уни эркалатиб, Мур, Мурзик деб аташарди) ўша йилларда Тошкентга жўнатилади, шу ерда мактабни тугаллайди. Онасининг ўлими ҳақидаги хабарни опасига етказишга журъат этолмайди... Мактабни битириб, Москвага қайтади. А.М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради. 1944 йил 26 феввалида урушга жўнатилиб, шу йилнинг 7 июлида урушда ҳалок бўлади.

Уруш тугади. Ариадна Эфрон 1947 йил 27 августда озодликка чиқарилди. Москвага қайтди. Кутиб оладиган ҳеч кими йўқ. Эри ҳақида дугонасига шундай ёзади: « Собик эрим билан (афсуски, собик. Ой остида ҳеч нарса абадий эмас, бу–ку, эр экан!) дўстона учрашдик, суҳбатлашдик. Яна биргаликдаги ҳаёт ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Унинг иши партия билан бо'ланган. Мен эса... Ойида икки марта учрашиб турамиз. Юрагимизни ажиб, \амгин лаҳзалар тўлдириб юборади, иложсизмиз. Ҳаётда шундай деворлар борки, бошинг ёрилиб кетса ҳам, ёриб ўтолмайсан...»

У Рязанда яшай бошлади. Вилоят бадий педагогика билим юртида графикадан дарс беришни бошлади. Бу ишда Парижда, Луврда олган сабоқлари, иқтидори асқотди. Чунки на дарслик бор, на қўлланма. Талабалари – кечагина мактабни битирган ёш қиз–йигитлар, уруш қатнашчилари. У онасидан, отасидан, мактаблардан, ҳаётдан олган бор билими ва тажрибасини шуларга меҳр билан ўргатди. Уларни китобга, табиатга, адабиёт ва санъатга ошно қилди. Урушдан кейин ҳам қато'он қилиш ишлари давом этди. Ариадна Эфрон иккинчи марта – энди Туруханскийга сургун қилинди. Қамокхонага ҳеч кимдан, ҳеч нимадан кўркмай талабалари уни кўриш учун боришди, стипендияларини йи'иб, узоқ йўлга кузатиб қўйишди. У Рязанда яшаган қисқа «эркинлик даври»да онасини Москвадан, Елабугадан излади. Онаси охирги пайтда кимлар билан учрашган, кимлар билан суҳбатлашган, ҳаммасини билишга, аниқлашга ҳаракат қилди. Онаси билан Волга, Кама дарёлари бўйлаб пароходда бирга бўлган таниқли адиба Сикорскаяни излаб, Москвагача борди. Иккинчи марта 1949 йил 22 февралда қамалган Ариадна дўстларига шундай ёзади: «...17 февралда онам тушимга кириб, мени хавфдан, ташвишдан огоҳлантирди гўё.. Сени олиб кетишади, дедилар онам. Бошида о'ир, лойқаланган йўллардан ўтасан. Аммо буларнинг бариси «бахор селларида»дай ўтиб кетади. Ҳаммаси жойига тушади, яхши бўлади...».

Онасининг номи, руҳи унга ҳамиша ҳамроқ бўлди. У ниҳоятда иродали инсон эди. Шимолнинг энг чеккасидаги Туруханскийнинг совуқ иқлимига, Муз океанидан уфуриб турган изиринли шамолларига лагердаёқ заифлашиб қолган нозик юраги билан дош берди. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир одамдан қувонч ва маъно излаб, топиб яшашга интилди. Хилма–хил кийимлар тўқиди, ўйинчоқлар ясади. Хоналарни ювиб таради, деворларни оқлади. Енисейдан челақлаб сув ташиб, идиш–товоқларни, мактабнинг полларини артди. Ниҳоят уни клубга рассом қилиб олишди. Туман маданият уйида ишлаганида ҳамма ишни битта ўзи эплади. Байрам кунлари бутун бинони жиҳозлаш, деворий газета чиқариш, адабий кечалар уюштириш, ўтказиш, керак бўлса, шу кечанинг шоирига айланиш... Бир сўз билан айтганда, маҳаллий халқни маданият уйига тортди. Чиндан ҳам уни унутишмади, узок эслаб юришди.

Бу пайтга келиб, Ариадна Эфрон эллиқни қоралаб қўйди. Бутун кучини ишга солиб, ишлади, тинмади. Касал бўлишга вақти йўқдай оёқ учида ўтказиб юборди беморликларни. У аслида ижод учун тузилган ижод кишиси эди. Аммо йўлдаги совуқ шамоллар шафқатсизлик билан уни йўлдан улоқтириб ташлашга уринишди. У ижодни ҳамиша соғиниб яшади. Мактублар ёза бошлади. Айниқса, холаси Е.Я.Эфрон, Б.Пастернак, шоирлар, адиблар, дўстларига ёзган мактублари бетакрор. У онасининг биринчи шоири, оиласининг энг яқин дўсти Борис Пастернак билан умрининг охиригача дўст бўлиб қолди. Борис Пастернакдай катта шоир унинг ҳар бир мактубини бебаҳо асардай қабул қилган, завқланган, руҳ олган.

1955 йилдагина Ариадна Эфрон тўла озодликка чиқди. «Баҳор селлари» бутунлай Енисейга оқиб кетди. У яна Москвага қайтди. Бу ерда уни ҳеч кутиб олмади. Аммо ҳаёт ҳамиша давом этади. Уни қайтадан, янгидан бошлаш лозим. У холаларининг торгина, кичкина уйига кириб келганида иккала холаси ҳам кексайиб қолишган, бемор эдилар. Отаси ҳам ўлимидан кейин оқланди. Энди Ариадна Сергеевна шу кунгача қилолмаган ишига киришди – онасининг архивини тиклаш, номини, шаънини оқлаш, дафтарларини, шеърларини қайта–қайта ўқиш... Онасининг Сталиндан тортиб то Фадеевгача ёзган аризаларидаги: «Бошқа шеърлар ёзмайман. Ҳаммаси тугади.» – сўзларини ой нурида ўқиб, бўзига йиқиси тикилди. «Мен ҳамма ухлаганда, ҳаммаёқ тинчиганда, буларни ўқирканман, йиқлаб бўлдим, ёшларим қуриган, деганларим ёллонлигини билдим. Кўз ёшларим мени тирилтириш учун оқаётганини англадим»,- деб ёзади у.

Ариадна Сергеевна 1955 йилнинг ёзларида Москвага қайтган бўлса, шу йилнинг сентябридаёқ онасининг ўлимидан сўнгги китобини нашрга тайёрлайди. Шунинг баробарида нашриётлар билан бирга ишлаб, яна таржималар устида ишлайди. Ниҳоят, холаларининг тор уйдан бобоси – онасининг отасидан мерос бўлиб қолган Тарусадаги дала ҳовлига чиқиб кетишга эришади. Қаровсиз, кимсасиз уйни печка ёқиб, иситади. Қудукдан сув ташиб, ўт–ўланлар босган ҳовлини яшнатиб юборади. 1958 йилдан умрининг охиригача шу ерда яшайди. Онасининг ҳар бир шеъри, таржимаси, насрий асарлари, китоблари, мактублари, дўстлари билан суҳбатларини йиқиб боради. Уни билган, кўрган замондош шоирлар, адиблар, одамлар билан учрашади, суҳбатлашади. Шуларнинг ҳамма-сини яна халққа, Марина Цветаеванинг чинакам мухлисларига етказишни олдига катта мақсад қилиб қўяди.

У ўзига, ҳар бир сўзига талабчан эди. Таржималар билан узлуксиз шуғулланади. Хитой, Болтиқ бўйи халқлари, итальян, испан, айниқса, француз адабиётидан таржима қилишни жуда севарди – Бодлер, Варлен, Готье, Арагон., Жуве, Реверди, Тристон Тзар. Уни моҳир таржимон сифатида Иттифоқ Ёзувчилар Уюшмасига аъзо қилишди. 1955 йилда нашрга тайёрланган онасининг китоби 1961 йилдагина кичкина, юпқа ва кам нусхада чоп этилди. Қанчалик қувонди Ариадна ўшанда! Энди Марина Цветаева шеърлари яна ўқувчисига бориб етганига, йўл очилганига амин бўлди. Чиндан ҳам 1960 йилнинг ўрталарига келиб, шоиранинг «Менинг Пушкиним», таржималари, «Сайланма»си шеърят шайдолари қўлига бориб етди.

Онаси ҳақида хотиралар ёзишни Ариадна Эфрон Туруханскийдаёқ ўйлаган, баъзи бир фикрларини қоралай ҳам бошлаган эди. «Нафақага чиқиб, узок яшашни истайман,– деб ёзади у.- Нафақага чиксам, онам ҳақида билганларимни ёзардим. Ахир, мен ҳаммасини эслайман, кўп нарсани биламан. Онам шунчаки эмас, қандай ёзганини, нима учун ёзганини, унинг қудрати нимадалигини кўрганман, сезганман. Биз биргаликда бутун умр яшадик, ахир...»

Ҳа, ҳеч ким онасини у каби қаттиқ севолмаган, у каби чуқур тушунолмаган, у каби Марина Цветаева буюк шоир эканлигини биринчи нафасдаёқ–биринчи шеърлариданок

билмаган. Улар – она ва қиз ҳамма жойга бирга боришарди. Санъат саройи (хозирги Москва, Воровский кўчасидаги Ёзувчилар Уюшмаси биноси)да Бальмонт, Цветаева, Блок кабилар ўз шеърларини ўқиган адабий кечаларда, Мансуров студиялари, меҳмондорчилик, Бальмонтнинг уйларида ҳаммаша Ариадна онасига йўлдош, ҳамроҳ эди. Бу ҳақда Бальмонт шундай ёзади: «Бу икки шоир юрак – она ва қиз худди опа–сингилларга ўхшашар, уларнинг ҳаётсеварлиги, ҳаракатчанлиги, иштиёқлари давом этиб келаётган ифлослик, шундай шароитларда фақат нолийдиган, дардманд бўлиб қолганлар ва дунёдан эрта кетувчилар орасида ҳам хайратланарли эди... Улар олдга юрувчилар эди, мен ҳам уларга қараб сўнаётган умидларимни ростлаб олар, кучимга куч қўшардим... Очарчилик кунлари. Агар Маринанинг олти картошкаси бўлса, учтасини менга олиб келарди. Етти яшар Аля – ўзи оч бўлса ҳам!- онасининг бу ҳаракатларига индамай рози бўлар, уни тушунар, у билан бирга емак олиб келар, шу ёшдаёқ бир майизни қирқ бўлиб ейиш маънисини англаб етган эди. У неча–неча марталаб ўзининг арзимас улуши – насибасини ҳаммаша овқат сўраб, қичқириб ўтирадиган, уч ёшга ҳам тўлмай 1920 йилда вафот этган Ирина билан баҳам кўрарди...»

Ариадна Эфрон «Марина Цветаева ҳақида» номли китобини умри бўйи ёзди. Бу китобнинг илк вариантлари умрининг сўнгги йиллари – 1975 йилда «Звезда» журналида босилиб чиқди. Унинг Тарусадаги кулранг–мовий тош қўйилган қабрига келган зиёратчилар Марина Цветаева ва қизи номи, руҳини ёдга олишади.

Уч қисмдан иборат бу китоб биринчи марта 1989 йилда тўлиқ чоп этилди. Унинг биринчи қисмида – онаси ҳақида ўзининг хотиралари, икки буюк шоир – Марина Цветаева ва арман шоири Аветика Исаакяннинг танишуви, бу дўстликни улуғловчи эссе; иккинчи қисмида – «Эсдаликлардан мактубларгача...» деб номланган кундаликлардан парчалар, турли одамларнинг турли даврларда Марина Цветаева ҳақидаги фикрлари, сўзлари ва учинчи қисмида – Ариадна Эфрон билан Борис Пастернак ёзишмалари, мактублари жамланган.

Шубҳасиз, бу китоб ҳар бир ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Китоб Цветаева–Эфрон оиласи, дўстлари, ҳаётига оид қимматли суратлар билан бойи-тилган. Улардан бирида Ариадна Эфрон Тарусада, дарё бўйида ўриндикда ўтиргани акс этган. Атроф тинч. Ока дарёси сокин оқмоқда. Хотиржам кўриган юз қиёфасида йиллар, тақдирнинг ўчмас излари чизилган. Оқарган сочлари чиройли, текис турмакланган. Эгнида оддий ва бежирим либос. Қўлида нимадир тўқимокда. Суратнинг тагида шундай ёзув бор: «Унинг қўли ҳеч қачон бекор турмаган. Бўш қолдим дегунча у тўқишни яхши кўрарди. Ҳатто Лубянка камерасида ҳам шарфини ситиб юбориб, иккита гугурт чўпида қайтадан тўқиб чиққан». Назаримда, Ариадна Эфроннинг Борис Пастернакка ёзган мана бу мактубининг руҳи шу суратга уйғунлашган кўринади. Бу мактубни қайта–қайта ўқиганим сари шоира қизининг ўша даврлардаги қалб тўёнлари, кечинмаларини англашга уринаман...

«... Мен ҳозир Тарусадаман. Ҳа, ўша сен сўз бошингда тилга олган, кичкина Цветаеваларнинг болалик ва ўсмирлик чоқлари кечган жойдаман. Ока дарёсидан бошқа ҳамма–ҳаммаси, мақолда айтилганидек, оқиб кетди. Қачонлардир Цветаеваларнинг бобокалонлари руҳоний бўлиб хизмат қилган собор клубга, бобомнинг бобосини уйи – «каштачи қизлар» артелига, бувимники–болалар боқчаси айлантирилган. Эски қабристон ўрнида – шаҳар боғи. Онам ва Ася (М. Цветаеванинг синглиси – Анастасия.) яшаган, ўсган уй деярли ўзгармаган, яхши сақланган. У ерда дам олиш уйининг хизматчилари ва «ёрдамчи хизматчилари» яшашади. Цветаеваларга қадар бу уйда Борисов–Мусатовлар яшаган ва вафот этган. Онамнинг айтишича, болалар хонаси анча пайтгача ҳар қанча оқланиб ташланмасин бўлмасин, деворлардан Борисов–Мусатов мўйқаламлари, чизган расмларининг излари кўриниб турарди. У умрининг сўнгги давларида тўшакка миҳланган кўйи ишларди, хонанинг деворлари унинг учун палитра – бўёқ тахталарнинг ўрнини босарди.

Гап нимада? Нега фақат дарё ўзгармай қолаверади? Нима учун сувларнинг ранги ўзгарса–да, дарё қолади? Бу ерда яшаб ўтганларнинг ҳеч қайсиси йўқ, ҳеч қайсиси! Вульфлар ҳам, Цветаевалар ҳам, Поленовалар ҳам, Борисов–Мусатовлар ҳам, Бальмонт, Балтрушайтислар ҳам йўқ – уларнинг ҳар бири қайтарилмас ва ягона эдилар! Дарё эса қолади. Ҳа, қолади! Унга тикиларкан, унинг ўзгармас қиёфасида, оқаётган сувларида онамга илҳом бахш этган булоқларни симираман, дилдан ҳис этаман уларни. Онам уларни биринчи

кўрган лахзасидан то умрининг охиригача ўзи билан олиб юрди. Шу ерда унинг шеърлари тузилди, абадий яшаб қолиш учун тузилди. Дарё бўйида эса унинг ҳаётидаги маржон дарахтлари, четан дарахтлари шовуллаб турибди ҳамон. Бу дарахтларнинг ярқираб турган мевалари нақадар аччиқ эди! Бу дарахтларда – «фожианинг кибр-ҳаволари!» Дарё эса – ҳаёт, умр Ёзи.

Шу кунларгача етиб келганим учун тақдиримдан, яратган эгамдан, одамлардан миннатдорман. Сен–ла дийдорлашиш учун яшадим шу кунгача. Энди эса онамнинг ҳаёти, ижоди, ўзимнинг кечмишларим билан юзлашиб турибман бунда. Шу кунларга ҳам етиб келдим–а! Сенинг романингни, онамнинг китобига ёзган сўз бошингни ўқиш учун ҳам етиб келдим шу кунларга. Онам, унинг шеърляти ҳақида шундай теран ва енгил нафас билан ёзиш – мўъжизалар мўъжизаси эмасми! Завқим ошиб, тилим тинмай сайраганида, мўъжизалар олдимда тўхтаб қолади ва мени майдалашиб кетишимга йўл қўйишмайди...

Эҳ, Боренька! Биз барибир майдамиз, майда! Ахир, муҳими – ёзилгани, мўъжиза ҳам айнан –шунда. Биз яна ёзилганларни ҳам нашр этишни хоҳлаймиз Унда мўъжиза кубнинг ичига кириб қолмайдими! ...

Яхши, азизим! Биз ўша кунларга ҳам етамиз, албатта. Ҳаммасини кўрамиз. Энг муҳими эса – сен ва онамнинг ёзмишлари авлодлардан авлодларга, бизнинг ҳали тушимиз ҳам, хаёлимиз ҳам етмас авлодларга етиб боради ва улар Сизлар билан «сен»лашиб сўзлаша бошлайдилар. Эртанги ва ундан кейинги кунларда ҳам яшаш учун бугуннинг қадрини нечоли қимматли эканлигини ҳар бир дақиқа айтиб турибди.»

Бир сўз билан айтганда, бу китоб орқали Марина Цветаева олами, табиати, руҳияти, ижоди, босиб ўтган йўлини билиб, ўрганибгина қолмай, ўша давр, унинг одамлари, тарихига чуқур кириб борамиз. Ижоднинг, адабиётнинг нақадар қудратли куч эканлигини қайта–қайта ўзимиздан ўтказамиз Ўтиборингизга Ариадна Эфроннинг болалик шеърларидан намуналарни ҳавола этишни ният қилдим. Бу шеърлар болаларча меҳр билан жуда узок йиллар олдин ёзилган ва онаси – Марина Цветаевага бағишланган. Улардаги Цветаева қиёфаси, табиати, руҳиятига хос жиҳатлар жажжигина Ариаднанинг кўзлари орқали бизга ҳам етиб келади.

МАРИНАГА

1

Ухланг, Марина, ухланг,
Сиз – денгиз маъбудаси.
Юз–кўзингиздан, қаранг,
Келар денгиз нафаси.
Черковда қаршингизда
Ёш йигит дил изҳори.
Бу хаёл аршингизда
Муҳаббатнинг баҳори.
Дунё жониворлари
Оқиб келар, айқирар.
Лўлиларнинг қўшиғи
Жарангида хайқирар.

2

Қабрда эмас, кўшқда
Сиз–денгиз маъбудаси.
Ухланг, кўздаги ашқдан
Яралгандай нафаси
Чуқурлашади денгиз
Ортиб Сизга ҳаваси...

ОНАМНИНГ ХОНАСИ

Ватан, атиргуллар, Сўз,

Шеърлар бўйи келади.
Туманаро кулранг кўз
Даҳо \амгин кулади.
Қадим китобни силаб,
Нозик бармоқлар титрар.
Қарашлари ўт қалаб,
Кумушдаин ярқираб
Қир\ий – тун ҳукмдори.

Ариадна Эфрон томонидан француз тилидан таржима қилинган Пол Варленнинг мана бу шеърда шоира қизининг бутун ҳаёти, руҳи, тақдири чизилгандай...

Ғариб кўнгил, \амлар ҳамроҳисан, оҳ!
Ўзинг обод айла вайрон саройни.
Кўз ёшдан ҳўл бўлган туморларни ёк,
Йўқдан бор қил, гуллат унут чиройни.
Ғариб кўнгил, ғамлар ҳамроҳисан, оҳ!

Яратганга ҳамд айт, эй, руҳи ёлқин,
Кўшиқчим, ажинлар алдоқчи, куйла!
Нағмачи, тупроқдан тўлқин ол, тўлқин,
Эй, дарвеш, сурурли шафақдан бўйла!
Яратганга ҳамд айт, эй, руҳи ёлқин...

Жаранглатинг барча кўнғироқларни ...
Қон кирди, жон кирди ул тушларимга!
Кучдим Муҳаббатнинг титроқларини,
Фақир дунём тўлди Бахт қушларига.
Жаранглатинг барча кўнғироқларни...

Бахт сари йўл солдим завқ ила узок...
Ва лек аччиқ тақдир бунча бешафқат!
Ишқ тўла изтироб, не тонг, бу – қисмат.
Мевани қурт еган бўлса–да, уйғок
Бахт сари йўл солдим завқ ила узок...

2008

НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Навоий бўстони шу қадар бесарҳад, шу қадар хушбўй ва бетакрорки, у асрлар ўтган сари ҳар бир замонни, даврни, авлодни комилликка ундайди, юксакка кўтаради. Инчунун, замон ҳам, давр ҳам, авлодлар ҳам ўзини Навоийсиз тўлиқ тассавур этолмайдилар, Навоийни билмасдан, туриб, ўзини, ўзлигини ва келажагини англаб етолмайдилар. Шунинг учун ҳам биз Навоийнинг ҳар бир сўзини гавҳар билиб, ундан ҳикмат излаймиз.

Яъни, Навоийнинг энг улуғ, сара, дунё адабиётидаги нодир асарларидан тортиб, қимматли ҳикматли сўзларигача руҳиятимизни бойитишга, дунёқарашимизни кенгайтиришга беминнат хизмат қилади. Бу ҳикматлар дуру жавоҳир уммонига қиёсим, ҳар бири замонлар ўтиб ҳам, ҳар бир даврнинг долзарб мавзусига айланиб борар экан, бу — Навоийдек даҳонинг ўлмаслигига далолатдир.

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Яъни, ҳазрат Навоий демишларким: кимки илм олиб, олган илмига амал қилмас экан, ерга дон сочиб, ҳосил кўтармаган билан баробардир. Демак, илмни олиш билан ололмаслик, ўқиб ҳам, уқолмаслик хусусида фикр юритилмоқда. Кимки илм олишга бел боғлаган экан, ундан ўзи ҳам, эли ҳам, юрти ҳам наф кўрмас экан, бу илмнинг бефойдалиги айтилмоқда бу ҳикматда. Эл орасида мақолга айланиб, ёшу кексанинг тилида ёд бўлиб кетган ушбу ҳикматни олайлик:

Оз—оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра—қатра йиғилиб дарё бўлур.

Яъни, илм ўрганиш — умрбодлиқдир. Ҳеч ким ҳеч қачон мен ҳаммасини ўрганиб бўлдим дея олмайди, дейдилар ҳазрат Навоий. Қанча ўргансанг, шунча кам, деганлари — бу. Умр бўйи қатра—қатра йиққанинг— илминг бир кун дарёга айнади. Бу дарёдан лл сув ичади, кўнгиллар яйрайди, кўз олдимиздаги дунё кенгаяди. Бунинг ҳаммаси — илмнинг қудратидандир.

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.

Яъни, илм ўрганишни энг улуғ мақсадларинг, ниятларингга айлантир, дейдилар ҳазрат.. Навоий қўллаган илм сўзини кенг маънода тушуниш мумкин. Булар—сабоқ олиш илми, ҳаёт илми, яшаш илми, муомала илми, мунособатлар илми, дунё илми, ер остидаги ва осмон остидаги, фалакдаги ва борлиқдаги илм, кўнгил илми, хуллас, санайверсанг, саноғи йўқ илмлар. Шуларни ўрганишга жазм этдинг, улар ҳаётингнинг мазмуни даражасига кўтарилдими, бас, энди бу ўрганганларингга, билганларингга ўзинг—да амал қилгин, шунда илм чин маънодаги катта Илмга айланади, демишлар ҳазрат Навоий.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдир.

Яъни, ҳар бир инсон — хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин — илм олишга киришсин, шундай эгалласинки, унинг илми бировга сотилмас, ҳеч ким тортиб ололмас бойлигига айлансин, уни донишликка олиб чиқсин. Донишлик эса шундай бахт ва улуғлиқки, унга фақат илм захматини роҳат деб билгувчилар эришадилар, дея лутф этадилар ҳазрат Навоий.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутди юз ранж ила,
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

Илм ва устоз ҳақида, илмга муҳаббат ва устозга эҳтиром ҳақида бундай пурҳикмат ва гўзал сўзларни топиш мушкул. Буни ҳеч ким Навоийдек айтолмаган! Негаки, Навоий — ягона! Бу ҳикматдаги ҳар бир сўз кўп маънога эга, ҳар бир сўзнинг ўз олий вазибалари бор. Ҳар бири кундузи куёшнинг олтин, кечаси ойнинг қумуш нур толаларидай бир—бирига уланиб, боғланиб кетганки, уларни ажратиб бўлмайди. Ҳар бир сўз ҳаётимиз, руҳимиз билан сингишиб кетган. Ҳазрат Навоий айтганларидек, сенга дунёни очиб, битта ҳарфни ўргатиш йўлида умрини бағишлаган устоз ҳақини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бу эҳтиром, бу эъзозни сен умр бўйи тоза руҳингда сақла, меҳри дарё устозингнинг ҳар бир сўзи, амалига амал қил, устозингдай устоз бўлиб етишсанг ҳамки, устоз ҳақини узолмаслигини ҳис этиб яшагин. Мана шу туйғунинг борлиги — эзгулик эмасми! Шу эзгулик ҳақки — улуғ Навоийга минг таъзим!

Биз Навоийни қўлимизга қалам ушлаб, ҳарф таниган, адабиёт, шеърятнинг тубсиз уммонига ошуфта бўлган кунимиздангина эмас, балки онамиз вужудида, борлигида, юрагининг остида ёруғ оламни кўрмоқ, унга чиқмоқ орзусида яшаётган пайтларимиздан бошлаб биламиз, уқиймиз. Негаки, бизнинг фозила оналаримиз Навоийни ўқишган, уқиш машаққатида нафас олаётган, гўзал ғазалларини такрор ва такрор айтаётганларида биз ҳам оналаримиз билан бирга нафас оламиз, бирга Навоий бўстонида кириб борамиз.

Бу бўстон — ҳаёт қадарлик туганмас, хаёл қадарлик беадад, нурли ва беқиёсдир. Бу бўстон ҳар қандай таърифлардан баланд, унга қалб, ҳис—туйғу, фикр ва муҳаббат билангина кириш жоиздир. Шунда Навоий ҳазратларининг руҳи, шеърятининг оташ нафаси, куёшли қаламининг сўнмас нурлари Сизни ҳам юксалтиради, улуғлайди.

2008

Адабиёт мукофотларининг қизғин мавсумини барча рақобатларни енгиб, даврлардан-даврларга ўтиб келаётган Франция академиясининг Гран-приси бошлаб беради. Бу мукофотга 1918 йил асос солинган бўлиб, Франциядаги энг қадимий мукофотлардан.. Лауреатларни ўн тўрт аъзодан иборат нуфузли ҳайъат аниқлайди - бу номлар XX аср маданияти тарихига кириб улгуришган. Шон-шухрат, оммага танилишдан ташқари лауреатларни сал-моқли моддий рағбат кутади. Франция академиясининг саҳий кўлидан бахтли ғолиб 50 минг евро миқдоридаги маблағга ҳам эга бўлади (маблағни ҳар йили Брокет-Гонен хусусий жамғармаси ажратади).

Ака-ука Гонкурлар мукофоти – энг қадимги ва эътиборли мукофотлар, у 1903 йили ака-ука Жюл ва Эдмонд Гонкурлар томонидан таъсис этилган. ~олибларни Гонкур адабий ассоциацияси аъзолари, яъни Гонкур академияси аниқлаб беради. Ҳайъат таркибига ўнта таниқли адиблар киритилган. Бадиий асарлар мезони (асосан, романлар , ҳикоялар тўплами бор-йўғи икки марта тақдирланган) ассоциация Низомида кўрсатилган: «Мукофот шу йили нашр этилган китобга руҳининг жўшқинлиги ва фикрларнинг тозаллиги, шакл ва мазмуннинг ўзига хослиги учун берилади».~олиб бор-йўғи -25 евро билан рағбатлантирилади. Бироқ Гонкурлар томонидан белгиланган китоб адади кам деганда 250 минг нусхада чиқиб кетиши кузатилади.

«Фемина» мукофоти –«Хонимлар мукофоти» деб ҳам юритилади. Ўзининг оммабоплиги билан иккинчи ўринда туради. У Гонкурлардан сўнг – 1904 йилда гўё ушбу академияга нисбатан яхши маънода ўзига хос аёллар рақобати сифатида аввал бошда фақат адибалар ва шоиралар учун мўлжалланди. Бу мукофотнинг муҳим томони шундаки, у Гонкурлар академияси билан расмий келишув тузган, унга кўра, мукофотлар тақдимоти бўйича ўзаро келишув муддатлари белгиланган: икки йилда бир марта «Фемина» Гонкурлардан бир ҳафта олдин тақдимотини ўтказилади. «Фемина» ҳайъат аъзолари фақат аёллардан иборат: 12 та таниқли адиба ва танқидшунос олималар. Улар учта лауреатни аниқлайдилар: француз тилида ёзилган энг яхши асар, энг яхши таржима ва энг яхши эссе. Танлаш мезонлари ўзгармайди: « Фемина» мукофотига кучл руҳда ёзилган ўзига хос асар муносиб саналади, бу асар, шубҳасиз, адабий-бадиий жиҳатдан етук, муаллиф кенг имкониятларини кўрсатиб бериши шарт».

«Ренодо» мукофоти ҳам Гонкурлар мукофотининг муносиб рақиб-ларидан биридир. Унинг биринчи лауреати 1926 йилда, айтганча, Гонкурлар билан бир кунда тақдирланган. Бироқ «Ренодо» Гонкурларга эҳтиромини сақлаган ҳолда улардан бир дақиқа сўнг тақдимотини бошлашган. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Мукофот Низомида қизиқарли мезон ёзилган: « Ренодо» бошқа мукофотлардан фарқли ўлароқ ўтган беш йил ичида бирон-бир француз мукофотида сазовор бўлмаган асарга берилади». Ҳайъат аъзолари Гонкурлар академиясиники сингари 10 кишидан иборат. Улар – танқидшунослар, журналистлар ва ёзувчилар. Бироқ улар Франция адабиётининг ёш авлодига мансуб бўлиши шарт.

«Медичи» мукофоти 1958 йилда Пьер Жирадо томонидан таъсис этилган бўлиб, ўша пайтдан бошлаб, авангардлар мукофоти ҳисобланади. Жирадо «Гонкурлар», «Фемина», Франция академиясининг ҳайъат аъзоларининг қарорлари, натижаларидан қониқмайди, шу сабабли мамлакатга «бошқа-ларига ўхшамайдиган мукофот зарур» деган фикрга келади.Бу мукофот ижодини энди бошлаган , номи кенг оммага унчалик таниш бўлмаган муаллифнинг романи ёки ҳикоясига берилиши, аммо муаллиф сўзсиз ўзига хос истеъдодга эга бўлиши лозим» , - дейилади мукофот Низомида. Бошида «Медичи» асосан Франция авангард адабиётига мансуб «янги роман» ларга берилди, аммо вақт ўтиши билан «Медичи» бу ўзига хос моҳиятини йўқотиб борди. Айтгандай, «Медичи» тақдимоти «Фемина» билан бир кунда ўтказилади – фақат бир дақиқадан сўнг. Унинг пул маблағи – 2222 евро. Бу маблағни мукофот асосчиси Гана Барбизан ўз ҳомийлиги остида ажратади ва шахсан ўзи тақдим этади. «Медичи» энг яхши таржима асари ва эсселарга ҳам ўрин ажратади, мукофотлайди.

«Интералье» - журналистлар мукофоти бўлиб, 1930 йилда таъсис этилган. Бошида «эркакларга қарши» пародиясифат ўйлаб топилган бўлса-да, вақт ўтиши билан жиддийлашди ва оммавий адабий мукофотга айланди. 10 та машҳур француз журналистлари энг муносиб лауреатни аниқлашади, шарт шуки, у муаллиф нафақат ёзувчи, балки журналист ҳам бўлиши зарур.

«Декабрь» мукофоти – Францияда машҳур ва ёш мукофот. Номи айтиб турибдики, у ҳамма мукофотлардан сўнг – декабрда тақдим этилади. 1999 йилда адабиёт ихлосманди Пьер Берне томонидан таъсис этилган бўлиб, ўз ичига каттагина маблағ - 100 минг евро миқдорига пул мукофотини олган. «Декабрь» мукофоти « мутолааси ҳақиқий интеллектуаллик» ка эга бўлган адабий асарга берилади. 12 аъзодан иборат ҳайъат аъзолигига машҳур актёрлар, танқидшунослар, адиблар, жамоат арбоблари, шунингдек, юқорида қайд этилган мукофотлардан фарқли равишда нафақат француз, балки турли миллат адабиёт намоянадалари ҳам киритилади. Чунки интелектуал асарлар француз адабиётининг барча ихлосмандларига бирдек манзур бўлиши лозим, деб қаралади.

2007

ОЙГУЛ СҮЮНДИҚОВА - СУРАТЛАР







